Саъдихон
Мавлавихон ўғли

I

ТАНАЗЗУЛ



16+

УУК 821.512.133-311.6
КБК 84 (5У)6
Э 99

Тақризчилар:

Қозоқбой ЙЎЛДОШ – педагогика фанлари доктори, профессор;

Умурзоқ УЛЖАБОЕВ – филология фанлари номзоди, доцент.

Масъул муҳаррирлар:

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди, ёзувчи, таржимон;

Шодмон ВОҲИДОВ – тарих фанлари доктори, профессор;

Босим ТЎЙЧИБОЕВ – филология фанлари номзоди;

Яхёхон ДАДАБОЕВ – улкашунос олим.



© С. М. Эшонжонов, 2019
ISBN 978-9943-22-381-3
© „O'qituvchi" НМИУ, 2019

БАДИИЯТДАН НУРЛАНГАН ТАРИХ

Тарихий асар яратиш ёзувчидан алоҳида масъулият талаб қилади. Негаки, ижодкор олдида қандай содир бўлганини кўпчилик биладиган воқеа-ҳодисалар ва уларни юзага келтирган шахсларни ҳаққоний ва жонли акс эттириш вазифаси туради. Тарихий асар ёзадиган адиб ё тарихдаги воқеалар етовида қолиб, ўша даврдаги одамларни тирикдай кўрсатмаслик ёки тарихдаги шахсларга жон ато қилишга андармон бўлиб, тарих ҳақиқатидан чекинишдай икки хатардан бирига дуч келиши мумкин. Миллий адабиётимизда яратилган тарихий асарларда кўпроқ воқеалар тасвирини беришга мойиллик устувор.

Катта ҳаётий тажрибага эга, асл касби меъмор бўлишига қарамай, тарихни бадиий жонлантиришга астойдил қизиқадиган Саъдихон Мавлавихон ўғли ўзининг „Таназзул" деб номланган пенталогия – бешлигида миллатимиз тарихидаги ғоят мураккаб, чигал ва қора кунларни акс эттиради. Қизиғи шундаки, бадиий асарлар, айниқса, тарихий йўналишдаги кўплаб битиклар билан танишган бўлса-да, Саъдихон шу вақтга қадар бадиий асар тугул, бирорта мақола ҳам ёзган эмасди. Аммо бошловчи ёзувчи марҳум Муроджон Мансурнинг „Жудолик диёри" романидан кейин ўзбек адабиётидаги иккинчи пенталогияни яратишга жазм қила билди.

Маълумки, ўзбек тарихчилигида ҳам, бадиий адабиётида ҳам Қўқоннинг сўнгги хони Худоёрхон шахсиятига салбий муносабат қатъий қарор топган. Миллий романчилигимизнинг отаси Абдулла Қодирийдан тортиб, то бугунга қадар яратилган бадиий ва илмий-тарихий битикларнинг барчасида Худоёрхон золим ҳукмдор,

айшу ишрат ва хотинбозликка муккасидан кетган кимса, мамлакат бутунлигини сақлаб қололмаган ношуд хон, илму маърифатдан йироқ жоҳил шахс сифатида тасвирланар эди.

Саъдихон Мавлавихон ўзининг беш китобдан иборат „Таназзул" романида Худоёрхон шахсияти тўғрисида қарор топган ижтимоий-эстетик стериотипларни бузиб ташлашга журъат этади. Ёзувчи илк бор бу шахсни шунчаки Шералихоннинг ўғли бўлгани учун тахтга чиқиб қолган эпсиз ҳукмдор сифатида кўрсатмади. Уни довюрак, яқинларига меҳрибон, бир қадар кечиримли одам, мамлакат ҳаётига янгиликларни жорий этишга уринадиган, жасоратли, қатъиятли ҳукмдор, айни вақтда, бир қатор ёқимсиз сифатларга ҳам эга кимса, хуллас, англаш учун ички оламига чуқурроқ кириш талаб этиладиган кўп қиррали, мураккаб шахсият эгаси тарзида тасвирлади.

Шавқ билан ўқиладиган романдаги сертармоқ ва қизиқарли сюжетнинг барча тармоқлари ўзаро мустаҳкам ички мантиқий боғланишга эга. Асардаги ҳар бир образ ўз миназидан келиб чиқадиган бетакрор ва ишонарли тутуми бор шахслар сифатида акс эттирилиб, бирорта тимсол ёзувчининг иродаси билан ҳаракат қилмайди, унинг буйруғини бажариш билан шуғулланмайди. Ёзувчи воқеаларга, образларнинг хатти-ҳаракатларига зуғум қилмасликка, битикнинг тасвир йўсинини ўз хоҳишига бўйсундирмасликка интилади. Натижада асарда ҳаққонийлик ва табиийлик бўлишига эришади.

Битикда ҳар бир шахс ёки воқеанинг бир неча нуқтадан туриб кўрсатилиши бадиий тасвирга ҳаётийлик ва кўп қирралик бахш этади. Айни бир ҳодиса ёки шахс турли ракурсдан туриб тасвирлангани туфайли Тошкентнинг ҳимоясига отланиб, бу йўлда ҳалок бўлган кишилар тимсоли ўқирманда улкан муҳаббат ва ифтихор уйғотгани каби шаҳарни босқинчи ўрисларга топшириш керак деб ҳисоблаган одамлар ҳам ўқирманда фақат нафрат уйғотмайди. Тасвир мантиғи ўқирманга бу

кишиларни қўрқоқ ва сотқин санашга имкон бермайди. Ёзувчи душманга шаҳар дарвозасини очиб берган бойлар фақат қўрққанларидан эмас, балки реал вазиятдан келиб чиққанликлари, аҳолининг қирилиб кетиши ва шаҳарнинг бутунлай вайрон бўлишига йўл қўймасликка уринганлари учун дарвозани очганликларини ишонарли тасвирлайди. Бу ҳол ўқирманни образлар ҳақида бир ёқлама ўйламасликка, одамнинг ҳаракатлари замирида турлича мақсад бўлиши мумкинлигини англашга ундайди. Шахслар ва воқеа-ҳодисаларни турли нуқтадан акс эттира ва турфа маъно чиқара билиш асарга жозиба бахш этади. Ёзувчининг образларга қозилик қилмаслиги, воқеа-ҳодисаларга баҳо бермаслиги ўқирманни ўйлашга йўналтириб, уни ижодкорнинг ижодий шеригига айлантиради.

Кўпчиликда тарихий вазият етишгач, ўз-ўзидан уни воқеликка айлантирадиган шахслар дунёга келади деганга ўхшаш ёндашув бор. Романда эса Мусулмонқул, Алимқул, Абдураҳмон сингари тимсоллар мисолида бунинг тескариси бўлиши ҳам мумкинлиги кўрсатилиб, бу шахсларнинг мамлакатда ўзлари истаган вазиятни юзага келтирганликлари ишонарли акс эттирилган. Ёзувчининг мазлум бечорада ҳам, қудратли зўравонда ҳам, яхшию ёмонда ҳам бирор табақанинг вакилини эмас, балки алоҳида ўзига хос, бетакрор одамни кўргани ва кўрсатгани асарнинг ютуғини таъминлаган. Роман муаллифи қисмда бутунни, кичик ҳодисада улкан оқибатни кўра билади ва буни инсонлар тақдирига уйғунлаштириб тасвирлайди. Чунончи, Мусулмонқул уруғларга хизмат қилгани учун қозоқларнинг улуғ жуз тармоғининг бийи Бойзоқни дорга осдиргани дашт улусининг тўлиғича хонликдан юз ўгириб, босқинчилар томонига ўтиб кетишига сабаб бўлгани ишонарли кўрсатилган.

Муаллиф тасвирга тортилган ҳар бир тимсолнинг миназини табиий кўрсата билади. Бола ёшида хон қилиб қўйилган Шоҳмуродбек ва Султон Сайидхонларнинг тахтга чиқиб, юрт сўрашдан кўра ҳовлига чиқиб

тенгдошлари билан ўйнашни, от чоптиришни ёқтиришлари, ўзларини атрофларидаги катталар ўлдириб қўйишларидан қўрқиб яшаганликлари ичдан туриб, жуда ишонарли акс эттирилади. Асарда бу икки хон бола табиати ҳаётий, ҳаққоний ва таъсирли кўрсатилган.

Битикда таҳликали ҳолат, қалтис вазият инсон руҳиятига кутилмаган даражада қаттиқ таъсир кўрсатиши жуда буртиқ акс эттирилган. Чунончи, Мусулмонқул даврада ўтирган бекларга қонуний ҳукмдор Шералихонни исёнчилар қатл этишганини айтгандан кейин кўпчиликнинг ҳолати: *„У бекларга бир-бир қараб чиқар экан, улардаги ўзгаришни сезди. Хонадаги беклар бир соат олдин, ташқарида бир-бирларини туртишар, ҳазил-ҳузул билан ўйинқароқлик қилишар эди. Ҳозир эса ҳаммалари бирданига беш ёшга улғайиб қолгандай жиддий ўтиришар, киприк қокмай, мингбошининг сўзларини диққат билан тинглашарди“* тарзида ҳаққоний тасвирланади.

Асарда ўн беш яшар Худоёрхоннинг эрка, қайсар, аммо довюрак ва ориятли ўспирин экани таъсирли ифода этилган. Хонзоданинг оталиғи ҳамда бошқа катталарнинг гапига кирмай, тантиқлик билан нотаниш карвонни тўхтатиб, уларнинг тепкили милтиғини илк бор отиб кўргандаги туйғулари: *„Худоёрхон ...милтиқни маҳкам ушлади. Тепасидаги темирчани бош бармоғи билан чирқ этиб оркага сурди. Сунгра милтиқнинг учини осмонга қаратиб, тепкини босиши билан гумбурлаб милтиқ отилди. Этлари жимирлаб, ҳаяжонланиб кетган Худоёрхон завқ билан қийқириб юборди“*, тарзида ишонарли тасвирланган. Эрка ва беташвиш хонзоданинг отаси ўлдирилгани тўғрисидаги хабарни эшитгандан кейинги руҳий ҳолати тасвири ўспирин табиатининг ўзга қирраларини ҳам кўрсатишга хизмат қилган: *„Худоёрхон бир кечада улғайиб қолгандай вазмин тортган, қовоғи солинган, ҳеч ким билан гаплашмас, олдингидек от чопиш, қийқиришлар, хандалар, ҳамма шўхликлари барҳам топган“*. Ўйинқароқ ўспиринга отасининг ўрнига тахтга чиқиши кераклиги айтилгандаги руҳий кечинмалари барча нозик қирралари билан жуда ҳаққоний тасвирланган.

Муаллиф ниҳоятда кўп персонажлар қатнашган романдаги анчагина тимсолларни ўзига хос миназга эга шахслар тарзида кўрсата билган. Чунончи, илму маърифатдан йироқ Қўйлибой додхоҳнинг ўй одамлари Саидбек билан Қиличнинг турмуш йўсинига берган баҳоси ҳаётийлиги ва персонаж табиатига мослиги билан диққатни тортади: *„Ҳеч бир иш қимойди, катта ёши, купора иккови отлиқ бозорди ойнолоди, долани ойнолоди, утган кун дойрани лабини ойнолиб қайтишди. Бошқа пайт қачан қорасам, бирдай қорнини осмонга қип хотини жотган. Жийди жотади, жийди жотади, бошқа гап йўқ"* йусинидаги қўполгина тасвирда ҳам сузловчининг муносабати, ҳам тилга олинаётган шахсларнинг табиати аниқ бир тарзда акс этган. Бошқа бир ўринда Қўйлибой додхоҳнинг: *„Гапим утирик буса, утовим эт курмасин..."* тарзида қасам ичгани тасвирланадики, биргина шу гапда тимсолнинг этник илдизи ҳам, турмуш йўсини ҳам, миназига хос жиҳат ҳам, одамийлик даражаси ҳам бир қадар намоён бўлади. Шунингдек, узоқ вақт ўзгаларга қарам бўлиб, қаттиқчиликда яшаган Муродхоннинг тахтга чиққандан кейин ҳам қурумсоқлигича қолиши тасвири ҳаққонийлиги билан ўқирман ёдида қолади.

Ёзувчи романда маиший ашёлар тасвиридан ўринли фойдаланади. Тафсиллар даврнинг белгиларини кўрсатиш, тимсоллар руҳияти ҳамда маҳаллий колоритни акс эттиришга хизмат қилади. Асардаги: *„Ҳокимошим енги билан елпиниб"* тасвири бир вақтнинг ўзида ҳам давр аёллари кийимининг кенг енгли бўлганини, ҳам бу тимсолнинг зодагонлар табақасига мансублигини англатадики, ёзувчининг айтмай билдира олиши – эътиборга лойиқ жиҳат. Асарнинг кўп ўринларида муаллифнинг одам табиатидаги кўздан яширин қирраларни синчковлик билан кўриш ва ифодалай олиш борасида маҳорати намоён бўлган. Чунончи, Саидбекнинг уринишлари туфайли бир сафга тизилиб, гурсуллатиб қадам ташлашга ўргатилган навкарлар кўригини томоша қилган бир одам томонидан: *„Ҳаммаси чиройли-ку-я, лекин „гурс-гурс" юриб, этикларни расво қилишди"*, –

дейилган гапнинг узиёқ уша одам, унинг ички олами, дунёга қараши, ижтимоий мансублиги, савияси ва касби тўғрисида анчагина тасаввур уйғотади.

Ўзбек адабиётида оломон ёки тўдага хос сезимларни курсатиш борасида бир қадар оқсоқлик кузга ташланади. Саъдихон уз асарида нафақат алоҳида бир шахс, балки оломон руҳиятига хос жиҳатларни ҳам ишонарли курсата билади: *„...нафасларини ютиб, қовоқларини уйганча жим қотиб турган одамлар жанг бошлангандан кейин йигитларга далда бериш учун қичқира бошлашди. Жанг кизиб охирлашган сари қийқириқ ҳайқириққа айланиб кетди. Уч-турт йилдан бери қипчоқлардан зулм курган одамлар хайкирику қийқиришлар билан губордан чиқишарди“*. Бу тасвирда ўзи ташвишу масъулиятдан четда тургани ҳолда ҳамиша кучли томонни қўллаб-қувватлашга шай оломон руҳияти билгичлик билан акс этган.

Асарда Ўразанбий, Оқбутабий, Қувондиқбий, Норқулбий сингари узангидош бийларнинг дорга тортиладиган Мусулмонқул билан видолашиш манзараси тасвири ўқирман туйғуларини жунбушга келтирадиган йусинда таъсирли берилган. Битикдаги: *„Биз сендан розимиз, катта бий, дадил бугин, улимди мартабангга жараша муносиб кутиб ол. Жанозангди овулда уқиимиз, улигингди узинг ойтгон жойга оппориб кумамиз, кунглингди тук қигин. ...Эса бизга жавоб бер, катта бий, сени дорга тортишганини курмайигам, куймайигам. Саган кувват берсин.*

...Бийлар кетиш олдидан Мусулмонқулга таъзим адо қилишди. Орқага угирилиб бир қадам куишлари билан одамлар қул қовуштирган ҳолда тисарилиб, уларга йул беришди. Туртови ҳам унсиз йиглаб боришарди. Одамлар ҳам ҳурмат билан, ҳам ачиниш билан уларнинг орқасидан кузатиб қолишди. Бийлар узоқлашиб борар экан, Мусулмонқул уларни куздан қочирмаслик учун урнидан турди, бир оздан кейин туртови ҳам одамлар орасида куздан гойиб булгач, урнига утирди. У энди ҳеч кимдан газабланмас, узоқларга лоқаид қараб турарди“ йусинидаги ифодалар ҳаётининг ҳал қилувчи қалтис дамларини кечираётган

одамларнинг миназига хос қирраларни кўрсатиши билан диққатни тортади. Суйилиш олдида турган Боймуроднинг шундай қалтис ва иложсиз ҳолатда хўжаси Мусулмонқулга қарата: *„Айбга буюрманг, хўжам, таъзим адо қилолмайман. Арқон билан боғлаб ташлашган“*,– дегани чин эътиқод эгасининг руҳиятини кўрсатиши жиҳатидан тенгсиздир. Бу тасвирлар – умр буйи ёмон ишлар қилиб юрган кимсалар ҳам экстрим ҳолатларда юксак инсоний туйғуларни кечириши мумкинлигини кўрсатиши билан аҳамиятли.

Пенталогиядаги диққатга молик жиҳатлардан яна бири шуки, унда баталистик, яъни жанг саҳналари анча билгичлик билан тасвирланган. Ўзбек адабиётида уруш саҳналарини акс эттириш борасида бир қадар оқсоқлик бор эди. „Таназзул“да уруш манзаралари аниқ ва батафсил тасвирлангани билан ажралиб туради. Асарда жанг тактикасига хос қирралар ишонарли кўрсатилади. Баталистик манзаралар кўп тасвирланган ушбу битиқда баъзан қайтариқларга ҳам дуч келинишини эса жангларнинг ўхшашлиги билан изоҳлаш мумкин.

Романнинг кўп ўринларида Худоёрхон сермулоҳаза ва инсофли одам сифатида кўрсатилган. У ўзгалар ва ўзи тўрисида холис фикрлашга уринади: *„Худоёрхонинг танаси музлаб қолди. „Э, Худо, хонзода Маллахон акамку, ахир... Нега ундай қилади? Орқаваротдан гап қилиб юргунча шартта ўзимга айтиб қуя қолмайдими? Нима?.. Шартта айтганида, тахтни бўшатиб берармидинг? Бериб бўпсан!“* Ушбу тасвир хон руҳиятидаги мураккаб кечинмаларни ҳаққоний акс эттириши жиҳатидан ҳам, туйғулар оқимининг берилиши томонидан ҳам диққатга лойиқ. Худоёрхон миназидаги олижаноблик, яқинларига меҳр, ҳамиша она ризолигини олишга интилиш туйғулари отадош оғаси Маллахон билан тўқнашув лавҳаси тасвирида, айниқса, ёрқин кўринган: *„Маллахон отини бир қадам тислантирди-да, қилич билан қарсиллатиб Худоёрхонга зарба бера кетди. Худоёрхон акасининг зарбаларини яхшигина қайтариб, ўзи ҳужумга ўтди. Ҳал қилувчи зарбани бериш учун қўлочкашлаб, қилич*

сермади. Хоннинг қиличи ҳеч қандай қаршиликка учрамай, визиллаганча ҳавони кесиб, Маллахоннинг буйнига учиб борарди. Маллахон қиличини пастга туширган, бошини ғоз тутганча кузларини чирт юмиб олган эди. Охирги сонияда Худоёрхон қиличининг ёни билан акасининг елкасига қарсиллатиб урди. Маллахон кузларини очди. Кузларидан ёш думалаганча, укасига қараб ҳайқирди:

– Буйнимга ур, укажон, буйнимга ур!!! Бу гавголардан ҳаммамиз ҳам қутуламиз. ...Ур, укажон!!! Бир силташда калламни учириб юбор!!!

Худоёрхон ҳансираганча қиличини пастга туширди. ... Депсинаётган отини тинчитиб, акасига қараб, деди:

– Э, йуқ акажон, мен бу ишни қилолмайман. „Киёматгача оғир юк булади“, – деб ойимхоним айтганлар. Менинг урнимда сиз ҳам бу ишни қилмаган булар эдингиз. Бу тақдир, акажон. Парвардигорим сизни хон булишга муносиб курибди. Олинг, тахт сизники, акажон!“ Бу тасвир ҳам икки оға-ини хонзодалар табиатидаги эзгу қирраларни кўрсатгани, ҳам ўқирманни ҳаяжон домида ушлаб турадиган йўсинда ифода этилгани билан диққатни тортади.

Муаллиф тасвирда персонажлар нутқидаги ўзига хосликни беришга интилади ва кўп ўринларда бунга эришади. Жумладан, хонга садоқатли, ҳарбий ишни пухта биладиган Ўтаббой мингбошининг жангга бемаврид кириб кетган Худоёрхон ҳақидаги: *„Ия, вой... Хон от қуйип кеп жотир. Ҳой, тухта! Тухта дийман саған!.. Энди уни тухтатиб булама. Ҳа, инангди. Товба қилдим, товба-товба. Хонларди сукип бумайди“* тарзидаги ўйлари тасвири тимсолнинг айни вазиятдаги руҳий ҳолатини беришдан ташқари, мингбоши маънавиятидаги ўзгармас қадриятларни кўрсатишга хизмат қилган.

Асардаги Сарви хола, Олтиной, Охун чойхоначи, навкар Мирзали тимсоллари тасвирида ёзувчининг тузуккина юмористик иқтидори ҳам бўй кўрсатган. Одам – серқирра ва сиғими кенг яратиқ. Унинг кўнгли кўпинча қайғу билан қувонч, изтироб билан лаззатни бирваракайига сиғдира билади. Фожиалар гирдобидаги

одамлар ҳаётини тасвирлаш асносида муаллиф кулгили вазиятлар ифодасини ҳам бера олгани романга жозиба бахш этиб, ўқишлилигини оширади.

Адабиётимиздаги кўпгина тарихий битиклардан фарқли тарзда шавқ билан ўқиладиган ушбу романда ҳам бир қатор етишмовчиликлар ҳам борлигини айтиш лозим бўлади. Жумладан, қипчоқ лаҳжаси унсурларини қўллашда баъзан меъёр бузилгандай. Беш жилдлик романнинг бошидан охирига қадар барча персонажлар нутқи шевада берилиши зарур эмасди. Ўтмиш давр ва муайян тарихий ҳодиса иштирокчиларига хос колоритни бериш, образлар минази ҳамда нутқидаги индивидуалликни кўрсатиш учун айрим ўринларда шевадан фойдаланиш мумкин. Лекин бутун асарда барча тимсолларни тўлиқ шевада сўзлатишга уриниш битикнинг ўқилишини оғирлаштиради. Тарихий роман тарихда ўтиб кетган одамлар учун эмас, балки бугунги ўқирманлар учун ёзилади. Бинобарин, унинг тили ҳам бугуннинг одамига тушунарли бўлиши ҳисобга олинганда янаям яхши бўларди.

Юқорида айтилган мулоҳазалар тарихни бадиият билан нурлантира олган пенталогиянинг бадиий, тарихий ва тарбиявий қимматига соя солмайди. Узоқ вақт қилинган заҳматли меҳнат натижасида тарих ҳақиқати ёғдули бадиий ҳақиқатга эврилган ҳолда акс этган ушбу роман замондошлар маънавиятини эзгу туйғулар билан бойитишига ишонаман.

Қозоқбой ЙЎЛДОШ
2018 йил 12–15 сентябрь.

I БОБ

„Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар...”

Абдулла Қодирий (Жулқунбой)

1268 ҳижрий, сунбула ойининг бошлари[1]... Тошканд[2] ҳокими Нормуҳаммад[3] қушбеги[4]нинг Қўқон хони Худоёрхон[5] билан хуфя келишган ҳолда итоатдан бўйин товлаб мустақиллик эълон қилгани учун, хон Мусулмонқул[6] мингбоши[7] билан Тошканд шаҳрига қўшин тортиб келди. Қарийб бир тумандан ошиқроқ отлиқ сипоҳи навкарлар юзлиги билан тўп-тўп бўлиб Чирчиқ дарёси кечувидан ўтарди. Кечувдан биринчи марта ўтаётган навкарларга далда бўлиши учун дарёнинг эни бўйлаб бир-биридан баланд-паст қилиб иккита арқон тортилган. Мусулмонқул мингбоши дарё лаби – дунгликда бир тўп бий[8]лар ҳамроҳлигида кечувдан ўтаётган навкарларни кузатар эди. Мусулмонқул ўрта бўйдан баландроқ, буғдойранг, қисиқ кўзларининг ораси текис, сийрак чўққи соқол, тишларининг ораси очиқ, ёши ўтинқираб қолган бўлишига қарамай мушакдор, бақувват, қишин-ёзин бошида оқ барра қалпоқ, қора чакманининг устидан қайиш камар боғлаб, сопи тошлар билан безатилган қилич тақиб олган. Бир вақтлар кўпкарида отдан йиқилиб, чап оёғи майиб бўлган, шундан оқсоқланиб юради. Навкарларнинг ярмидан кўпи кечувдан ўтиб бўлган, кечув жойи энига кенг бўлса ҳам саёзроқ, сув сокин оқаётгани учун унчалик қийинчилик туғдирмасди. Мингбоши рўпара қирғоқни кузатар экан, кўзи хоннинг чодирига тушиб, ҳайратланди, „Ия,... нега чодир тортти, булар, товба-а,... хон эсини жеп

қўпгамма, нима бала. Кечувдан ўта соб шаҳарди босиш ўрнига чодир торттирғанини қора. Хонди эси жўқ, қаватдаги бек[9]ларди ҳаммаси аҳмоқ. Қушин бошида журсам буларакан, тўхтатмасдан олдинға қаратиб ҳайдардим". Хоннинг ўзига нисбатан муносабати-ю, айтган гаплари эсига тушиб, юраги ғаш тортди, сабаби ҳар доим унга қулоқ солиб, гапини маъқуллаб юрадиган хон кейинги пайтлар юзига тик қарайдиган бўлди. Айниқса, охирги марта мингбоши унинг ҳузурига кириб, „Итдан тарқаган Нормат итоатдан бўйин товлапти", – деганида, Худоёрхон кўзларини чақчайтириб, „Азизбекни тайинладингиз, бош тортти, Нормат қўппакни тайинладингиз, бош тортти. Ўзбошимчалик билан кенгашмасдан қилинган ишнинг оқибати шундай бўлади, энди Тошкандга бекни ўзим тайинлайман", – деб жеркиб гапларани мингбошига оғир ботди. У хон ҳузуридан авойи бузилиб чиқди. Аламу ғазабдан икки чаккаси пулсиллаб, лаби гезариб, қисиқ кўзларининг таги пирпир учарди, „Товба қилдим, хон бошқа бўп қоғандай, олдинлари овзимға қараб турадиған, энди жузимға тик қараб гапиряппа, бийларға кенгаш соп буни олдини олиш керақ. Ҳаддидан ошиб кетти". Ўша куниёқ овулга бориб, қипчоқ бийлари билан кенгашди. Анчагина мушовара, баҳслардан кейин кенгаш охирида бийлардан Ураманбий дегани унга шундай деди:

– Тошканға борғунча уч-тўрт жойға қуниб борасан, катта бий, жўл бўйи хон билан суйлашиб кўр, шароитға қара, буладиған бўса бусин, бумайдиған бўса, Тошканға боргандан кейин маъраканинг айни қизиған пайтида қаватидаги бекларға қўшиб, шартта қатл қилдирғиндағин тахтға акаси Маллахон[10]дима, бошқасинима қўй, гап шу.

Мингбоши, бийларнинг маслаҳати билан йўл бўйи Худоёрхонни киши билмас зимдан кузатди. Борган сари хоннинг гаплари, юриш-туришлари мингбошига ёқмай қолди. Работларнинг бирида шомдан кейин хон ҳузуридан ранги ўчиб чиқди. Нордон гап эшитган шекилли, ўзига ажратилган хонага борар экан, бурнининг тагида ғулдиради: „Хон мамлаға қўнадиған бўсаям жўқ

қиламан, қуммайдиған бусаям жўқ қиламан, тўртта бекди олдида абийримди тўкди, иттан тарқаган мингди ити". Шундан кейин кечувга етганча хон билан тузук-қуруқ гаплашмади, чодирига ҳам кирмади. Ҳозир ҳам шоҳона ёзги чодирда атрофидаги беклар билан аллаанималарни гаплашаётган хонни кузатар экан, бир қарорга келиб, жиловдорини чақирди.

– Боймура-а-ат!

– Хўжам.

– Гавимди жахшилаб эшитиб ол, Боймурат. Маърака бошланғанда хон шаҳар дарвозасидан кирғанданоқ жузлиғинг билан шаҳсуворди жориб кирдағин, хонди буйниға қилич сол, калласи сапчадайин учиб кетсин куппакди. Хон оттан жиғилди деғунча Тошканд ҳокимлиғини саған бераман, маъқулма?

Боймурод қовоқларини уйган ҳолда сўзсиз бош чайқади. Унинг бош чайқаб, рад қилишидан мингбоши ҳам ажабланиб, ҳам ғазаби қўзиди.

– Тилинғди жутғанмисан, гапир, ҳайвон!

– Хўжам, ўнта хоннинг калласини ол, десанғиз, оламан, лекин маған Тошкандиям, бошқасиниям ҳокимлиғини кераги жўқ, қаватинғиздан қувманғ, хўжам.

– Ё, товба-а, қипчоқди ичида сендан аҳмоғи жўқ, – мингбоши Боймуроднинг содиқлигидан кўнгли эриб, сарғайиб кетган тишларини кўрсатганча тиржайди, – майли, ҳокимликди жўқ десанғ, жўқ. Шу бугундан бошлаб Қўқондағи „Қипчоқ ариқ"ди саған ҳадя қилдим, авлод-аждодингғача хатлаб бераман. Ўтап[11] қона, Ўта-а-ап?!

– Бек ака хоннинғ олдида, хўжам.

– Хоннинғ олдида!? – Мингбоши ажабланиб дарёнинг нариги қирғоғига, Худоёрхон турган тўпга қараб қўйди, – айттима-а, жўл буйи хоннинғ олдидан кетмай қолди деб, тили бир чиғаров, энди ўган ишониб бумайди... Ўска-а-ан!!

– Лаббай, катта бий?

– Сен хоннинғ жонидағи беклардан кўзингди узма. Боймурат хонди жиғитти деғандан жигитларинғ билан Баҳодир шиғовул[12]ди, Умарали понсод[13]ди, Саидбекди,

қаватида журған қирғиз жигиттиям калласини ол, – бир ер уяланиб туриб қўшиб қўйди, – Ўтаптиям калласини ол, ит увлини, ҳокимлиқди саған бераман.

– Бош устиға, катта бий, – деди қўлини кўксига қўйиб Ўтаптой, хурсандлигидан терисига сиғмай.

– Энди журунғлар, кечувдан ўтамиз, – отига минар экан, узангини ушлаб турган Боймуродга қараб, – кечувдан ўтгандан кейин маған хондан олислатиб чодир тортгир.

– Хўжам.

Боймурод мингбошининг ҳам мулозими, ҳам жиловдори, ўрта бўйли, ёши қирқлар атрофида, буғдойранг, у ҳам хўжасидек қипчоқ уруғидан. Сийрак мўйловли, бошида думи икки курагининг орасида осилиб турадиган тулки тумоқ, қилич осилган камари чакмон устидан қаттиқ бойланган. Ким хон бўлишидан қатъи назар, фақат Мусулмонқулга содиқлик билан хизмат қилади, камгап, вазо-кавобда, буйруқ олаётганда оҳангига қараб, деярли битта сўз ишлатади – „Хўжам".

Бийлар билан кечувдан ўтиб дунгроққа тортилган чодирга жойлашган мингбоши, хўмрайганча атрофни кузатар экан, хон чодири атрофида югургилаб қолган одамларга кўзи тушиб, юраги яна ғаш тортди. Ҳеч кимга қарамай ўзича ғулдиради.

– Ичим қизиб боражатир, билиб туриппан, шу бугун бир нарса бўладиёв, журагим сезиб жатир. Хонди чодирди ўзида жўқ қилиш керак, – кўзларини ола-кула қилиб бийларга бақирди, – тур баринг, отға мин, ишди кейинга қолдириб бўмайди, хон ғимирлаб қомасидан, калласини ҳозир олиш керак!.. Хонди чодирини ҳозирди ўзида босамиз... Боймура-а-ат!!

– Хўжам.

– Отларди опке, хонди шу топта босамиз.

– Хонди чодириға от қўйип бўмайди, хўжам, ҳамма ерда навкарлар давра қип гурунғлашиб жатир.

– Давра туври кеп қоса, ўртасидан от соб жуваринғлар, ерга бари иргашади. Қўлинг жетти деғандан калласини ол, итган тарқағанди. Ия, бу човған ким бўлди яна? Анови отини қичап келаятқан сени одаминғма?

Боймурод жавоб беришга улгурмасдан Ўсканбий отлиққа қараб туриб, деди:

– Биздинг тўпға қарашли жигит, орқасидан шайтон қувяппа, нима бала.

Чодир олдига етиб келган навкар сакраб отдан тушди-да, тез-тез юриб келиб, таъзим ҳам қилмасдан ҳовлиққанча Ўсканбийга қараб, бақиргудай бўлиб деди:

– Бий оға...

– Бас-с!! Гавинғди катта бийға қараб айт, тарбия кўрмаған, ит, – деди Ўсканбий навкарнинг бефаросатлигидан аччиқланиб.

Навкар Ўсканбийнинг дашномидан бир зум довдираб туриб, сўнгра мингбошига қаради.

– Хиёнат, катта бий, хиёнат!

– Хиёнат!? Қандайча хиёнат?! – мингбошининг ранги оқарди.

– Қўқонлиқлар тошқанлиқларға қўшилиб, қипчоқди қирғин қиларакан.

– Қирғин қиларакан? Ким ойтти?

– Бўлам ойтти.

– Бўланғ ким?

– Қушбегида жузваши бўб хизмат қилади, боя бўламди кўрай, деб қўшин бошиға борувдим, паналатип маған шу гапти ойтти.

Мингбоши хон чодирига бир қараб олиб, ғазабдан бўғриқиб кетди.

– Ҳаҳ, иттан тарқағанлар! Буларди эси жўқ десам, қойта мени аҳмоқ қилишти-я. Ичим жанғандан билувдим-а. Қўшинға дам бериб, чодирди бекорға торттирмаған, бу минғди куппаги. Нормат куппакди келишини кутяпти...

– Ё, Парвардигор, тошқанлиқлар келдиёв...

Бийлар бараварига навкар қараган томонга қарашди. Қўйлиқ томондан чанг кўтарилиб, сон-саноқсиз отлиқлар қийқирганча от қўйиб келарди.

– Вой, бойо-ов, ҳаммаси Норматти қўшинима?

– Бир туманға бориб қоларов...

– Мунча воҳима қилдинг, нари борса уч – тўрт минг чиғади ё жўқ.

Шу пайт хоннинг чодири атрофида ғала-ғовур бошланди. Мингбоши қўлини пешанасига соябон қилиб, отлиқлар томон бир қараб олди-да, одамларига қичқирди:

– Ойттима, хон ғимирлаб қолади деб... Отланинғла-а-ар!!

Қипчоқлар бир зумда ўзларини от устига олиб, ғала-ғовур бўлаётган томонга ҳадиксираб қарашди. Шу пайт қияликда турган навкарлар пилта милтиқларини мингбошининг чодири томон қарата гумбурлатиб ўқ узиб қолишди. Ҳамма ёқни тутун қоплади. Отлар ҳуркиб кишнаган, масофа олис бўлгани боис бирига ўқ тегиб, бирига тегмаган, қий-чув, дод-вой бошланди. Тошканликлар жангу жадалсиз қуконликлар билан аралаш-қуралаш бўлиб кетишди. Икки қўшин орасида турган Нормуҳаммад қушбеги билан Ўтаббой қушбеги от устида бир-бирлари билан қучоқлашиб қуришишди. Қипчоқлар ҳам қарши ҳужумга тайёрланиб, қиличларини суғуришлари билан мингбоши уларга қараб, ҳайқирди:

– Тўхта ҳайвонлар! Тўхта, дийман, қуппаклар!!!

Отларини ниқтамоқчи бўлган қипчоқлар жойларида қотиб, ҳаммалари мингбошига қарашди. Мингбоши аланглаганча кўзлари билан мулозимини қидириб, ҳайқирди:

– Боймура-а-ат!

– Ҳўжам!

– Кечувга бошла, ит увли!

– Наржақдағиларга ойтмаймизма?

– Уларди ҳозир қўйип тур, ўзингди жонингди ўйласанғ-чи, ҳайвон!

Боймурод қамчини боши узра икки марта айлантирди, сўнгра от бошини кечув томонга буриб, ҳайқирди:

– Қипчоқла-а-ар!!!... Ҳўжамди ўртаға об кечувга қараб ҳайда-а-а...

Шундай дея отига қарсиллатиб қамчи босди-да, дарё кечувига қараб от чоптириб кетди. Қипчоқлар ҳам қийқиришганча мингбошини ўртага ола солиб, кечувга

қараб от қўйишди. Мингбоши чап қўли билан қамчи аралаш жиловни ушлаган, ўнг қўли билан эгар қошини маҳкам чангаллаганча шалоплаб оти билан сувга тушди. Егги юзга яқин отлиқ кечувидан сув тўлқинланиб, лойқаланиб кетди. Кечувдан ўтиш мингбоши учун чексиз азоб бўлди. Дарё ўртасида сув отнинг қорнигача чиққач, назарида ҳамма имиллаб юраётгандай туюлди. Юраги шошиб, отини тинимсиз ниқтарди. Ниҳоят, дарё қирғоғига чиқишди. Мингбоши яқинроқдаги дўнгга қараб отини тезлатди. Дўнгга чиқиб, отни тўхтатди-да, бурилиб, дарё томон қаради. Одамлари ўтиб бўлган, дарё олдингидай тинч оқарди. Нариги қирғоқда бақир-чақирлар жанг суронига ўхшамас, аксинча, ҳаммалари хурсандчилик қилишаётгандай эди. Навкарлар жанг қилишнинг ўрнига бир-бирлари билан қучоқлашиб, кўришишларига қараб турибҳеч нарсага тушунолмай бир муддат анграйиб турди. Чодир олдида хонга таъзим адо этаётган Нормуҳаммад қушбеги билан Саидбекка кўзи тушиб пешанасига шарт этиб урди. „Ҳах, аҳмо-о-оқ, аҳмоқ, қари тўнка, барини олдиндан ўйлаб қилинган иш бу, Саидбекди писанд қимаган тента-а-ак, тентак. „Карометини кўрамиз", – деб назарга илмовдим, жаш болани алдағандай алдади, кўппак. Айб ўзимда, ўган баҳо беришда қаттиқ адашдим". Атрофга аланглаб, кўз югуртирар экан, навкарларга алланималар деб кўрсатма бераётган Қиличга кўзи тушиб, юраги зирқираб кетди, „Бу қирғизди назарга илмаслиқ наржоқда турсин, одам қаторига ҳам қўшмовдим. Жонибек қўрбоши[14]дан тортиб бари навкарди ўзиға қаратиб опти, ит увли, Қўйлибой айтувди-я, „хушёр бўлиш керак" – деб, гапиға эътибор қимаппан, хом калла. Қўшинди қарийб бари бир зумда хон тараф бўлди-қўйди. Лаънати иттан тарқаганлар, ҳали шошмай турларинг, Мусулмонқулдай одамди мансабидан ағдаришди кўрсатиб қўяман сен қўппакларга, хонингдан тортиб понсоду шиғовулингғача дорға остираман, ҳайвонлар!" Сунгра ўзига кўз тикиб турган қипчоқларга қараб, деди:

эгар-жабдуғи олинган отларни яйловга ҳайдаб, ўзлари овқат пишгунча бедазорга чўзилишди. Каримқулбий ташқарида хизматкорларга буйруқ бериш билан овора бўлиб турган пайтда, мингбоши соқчи навкарлар билан супада гурунглашиб, дам олиб ўтирган Боймуродни чақирди.

– Хўжам!

– Туркистонбовоға чопар неччи кунда бориб қайтади?

– Бориб келиши бир ҳафтадан ошиқроқ, хўжам.

– Жахши, овқаттан кейин жигитлардан тўрттасини озувини тувурлаб, жўлға тайярла. Саҳарлаб Туркистонбовоға жўнат, нома битиб бераман, улли жуздинғ катта бийи Бойзоқбийға берсин, борған жигитлар Бойзоқбийди жўқ деғаниға қуймай ўзи билан бирға обкесин, тушундинғма?

– Хўжам.

– Кейин, жигитларди иккитадан қип ажратғиндағин, улардиям саҳарлаб ўзимизди бийларди овулиға жўнат. Туркистонбоводан чопарларди жетиб келишини чама қип, икки ҳафтадан кейин бари бийлар Кетмонтепаға, Ирисқулбийди овулиға жийилип кесин. Кенгаш бўларакан, десин. Ўразанбий, Оқбўтабий, Қувондиқбий, Норқулбийларға „албатта борар экансиз“, – деб қоттиғапа қип тойинласин. Жийиладиған бийларди каттаси шулар, шулар нима деса, қоғани хўп дийди, тушундинғма?

– Хўжам.

– Бориб, шул ишларди тезлат, жигитларди саҳарлаб жўлға чиғар, саған жувап.

Боймурод унсиз бош силкиди-да, эшикни ёпиб, кўздан ғойиб бўлди. Бийлар Кетмонтепада икки ҳафта қолишларини эшитиб, бир-бирларига қараб қўйишди, лекин мингбошининг уйилган қош-қовоғига қараб, чурқ этмай нон ковшаб ўтиришди. Мингбоши ўзидан ёшроқ бийлар билан гаплашишни ўзига эп кўрмас, ўзидан катта бийлар билан гаплашганда ҳам гапни чўзмас, фақат Ўразанбий, Оқбўтабийлар билангина очилиб, дилдан суҳбат қурарди. Ҳозир ҳам гаплашмасдан қовоғини уйиб ўтирар экан, бийлар бир-бири билан киши билмас имо-

ишора қилиб олишди-да, сўнгра ёши каттароғи юрак ютиб ундан сўради:

– Қўқонга қачон қайтамиз, катта бий?

– Нима, Қўқонга бориб ўлгинг келяппа?

– Куте-е, бола-чаға қоганда...

– Қоган буса нима қипти, бури жермиди?

– Бури жемайди-ғу, уйди томорқаси билан қора чопонман тортиб овдим. Шаҳар қора чопонди қўлиға ўтса, ундан қайтиб об қуймасин дийман-да, катта бий.

– Сен тортиб оған бусанғ, энди бу тортиб олади, ишпирман навати билан деған, ўтоғаси, – мингбоши бир ўзи тортиб, зирқираётган оёқларини уқалаб, болишга ўтирди, – азгинтай савр қип турғин, айна, улли бийлар билан кенгаш қип олайиқ, Худо хоҳласа, шу ойди охириға қолай Қўқонди босиб об қўямиз, кунглингди тўқ қиғин.

Мингбошининг гапларидан кейин бийлар сал хотиржам тортишди, ҳатто пастроқ товушда гурунглашиб ҳам олишди. Мингбоши гурунгга қўшилмай қўлидаги ўқ-ёй ниёлани чой қайтариб ўтирган бийга узатди-да, ғулом-нинг гулига тикилиб туриб, ичида куёвини сўкди, ҳалолхўрлиқни билмаган ит увли. Ҳали шошмай турсин, эсининг совунимға кир жувмапти, куёвим деб аччиқ-ўнғи гапларини қўтариб журуппан-а, аяб ўтирмасдан ўғлини тортишдан олдинроқ қатл қилдириб жуварсам бўлаверкан, қуппакди", – чуқур уҳ тортиб, кўзларини юмди. Хаёли уни ўтган йиллар томон олиб кетди...

* * *

...Маъдалихон томонидан топталган шариат арконларини ҳимоя қилиш баҳонасида Бухоро амири амир Насруллохон, 1257 ҳижрий, хамал ойининг бошлари[19]-да Фарғона мамлакатига қўшин тортиб келди. Жангу жадаллар билан Қўқонни босиб олди. Шоира Моҳларойим, унинг ўғиллари Маъдалихон, Султон Маҳмудхон ва бошқа бир қанчаларни қатл қилдириб, тарёки Иброҳим хаёлни тахтга ўтқазди. Хонликдаги деярли ҳамма лавозимни манғитлар эгаллаб олишди. Эгаси ким бўлишидан қатъи назар ер-мулкларни ўзаро мусодара

қилишди. Ерликларнинг бою камбағалини ҳам, беку уламосини ҳам писанд қилмай қўйишди. Янги-янги солиқлар солиб, халққа жабр-ситам етказишди. Манғитларнинг зулмидан халқ норози бўла бошлади. Иброҳим хаёлнинг тахтга ўтирганига икки ой ўтар-ўтмас ўзбек, қирғиз, қипчоқ жамоалари бирлашиб, қирғиз Юсуфбий[20] додхоҳ[21] бошчилигида қўзғолон кўтаришди. Карвонсарой, сарбозхоналардаги манғитларни қирғин қилиб, қувиб солишди. Шу ғалаёнда қипчоқларга бош бўлган Мусулмонқул манғитларни қувиб, чопиб саройга бостириб кирди. От устида туриб ташқи, ўрта ҳовлидаги ҳужраларни, сарбозхонани остин-устин қилиб текширишаётган навкарларни назорат қилиб турди. Шу пайт хон маҳкамасининг ланг очилган эшигидан бир тўп навкарларга бош бўлган Боймурод чиқиб келиб, Мусулмонқулнинг рўпарасида қўл қовуштирди. Мусулмонқул қиличининг қонини отининг сағрисидаги ёпқичга чала артиб, шиғиллатганча қинига солди-да, қўл қовиштириб турган Боймуроддан сўради:

– Хаёл қона?

– „Хужанд" дарвозасидан чиқиб, Маҳрамга қараб қочипти, хўжам.

– Жузликни об, қув, фақат араваларни қайтар, отлиқларди қувиб журма!

– Хўжам!

Боймурод навкарлар билан ташқи ҳовлида дасталаб қўйилган отлари томон чопиб кетишди. Мусулмонқул жиловни силтаб, от бошини бурувди ҳамки, дарвоза томондан бир тўп бекларга бош бўлиб келаётган Юсуфбий додхоҳга кўзи тушиб, отдан тушишга мажбур бўлди. Юсуфбий додхоҳ Мусулмонқулга ўқрайиб қараб, деди:

– Мусулмонқул!

– Лаббай, бий оға.

– Саройға отлиқ киришға қандай ҳаддинғ сиғди? Ўзинғ қоп тарбия кўрмаган қипчоқларинғ ҳам отта кирипти. Жўғат отинғди бул жердан, ўзингам қури!

Мусулмонқул Юсуфбий додхохнинг беклар олдида изза қилганидан кўнгли ўксиб индамасдан отини ташқи

ҳовли томон етаклар экан, ижирғаниб ғулдиради: „Иттан тарқаған қирғизди бийи, қипчоқларди кимлиғини ҳали курсатип қуяман саған. Худо хоҳласа, вақти кеп саройди қулға осам, ҳар куни отта кираман!..“

Эртаси куни хон авлодидан бўлмиш Шералихон[22]ни оқ кигизга солишди-да, хон қилиб кўтариб, тахтга ўтқазишди. Юсуфбий додхоҳ мингбоши лавозимини эгаллаб турди. Бир қанча вақт ўтгач қирғиз, қипчоқларнинг талаби билан Шералихон Юсуфбий додхоҳни Марғилонга ҳоким қилиб, мингбоши лавозимини Шоди додхоҳга берди. Бу орада Андижонда қўшин тўплаб, қулай пайт пойлаб юрган Мусулмонқул Юсуфбий додхоҳ билан Шоди додхоҳни бирин-кетин йўқ қилиб, мингбоши лавозимини эгаллади. Салтанатни мустаҳкамлашда бирмунча ислоҳотлар ўтказди. Бекликлардаги норозилик, ғалаёнларни бартараф қилди. 1260 ҳижрий, саратон ойининг ўрталари[23]да Ўшдаги ғалаён каттароқ бўлди. Хоннинг фармони билан ғалаённи бостириш учун Мусулмонқул мингбоши тажрибали кекса понсодлардан Умарали понсодни ёнига олиб, Ўшга қўшин тортиб борди. Бу галги қўшин сафарига хондан рухсат олиб, кичик ўғилларидан бири Худоёрхон, тенгқури Саидбек билан, Нормуҳаммад юзбоши[24]нинг юзлиги назоратида қўшинга қушилиб жўнади. Худоёрхон, ўн беш-ўн олти ёшлар атрофида бўлишига қарамасдан, ўзининг ёшидан катта куринар, овози дўриллашга ўтган, муйловлари энди сабза ура бошлаган, табиатан қайсарроқ, ўқиш - ёзишдан кўра отда чопишни, қиличбозликни, ов қилишни хуш кўради. Саидбек шаҳзодадан фарқли ўлароқ оғир - вазмин, мулоҳазали, бўш вақтини китоб мутолаа қилиш билан ўтказар, форс, араб тилларида эркин сўзлашарди. Саидбек Шералихоннинг мушовирларидан бири Орифбек офтобачининг ўғли. Бир вақтлар Олимхон тахтга даъвогарлик қилган Шералихоннинг отаси Ҳожибекни қатл қилдирди. Ўғлининг ҳам қатл қилинишидан қўрққан бегойим Орифбекнинг онасига маслаҳат солди:

– Пошшахон, Худонинг ғазабига учрагур хон эримни қатл қилдирди, энди ўғлимнинг ҳам жонига қасд қилмаса деб қўрқаман. Шуларни ўйлаб, кечалари ҳам уйқум келмайди, айланай.

Эридан барвақт тул қолган Гулсумбиби бегойимга қараб, астойдил ачиниб кетди. Бир зум ўйланиб туриб, деди:

– Хаёлимга бир фикр келди, бегойим.

– Айтинг, айланай.

– Таласда раҳматли отасининг муридлари бор. Ҳар гал назр-ниёз олиб келишганда, „Пошшоойим, турачамизни овулга олиб боринг. Пиримиздан битта шу туёқ қолган", – деб кетишади. Агар хўп десангиз, Шералихон билан Орифбек икковини Таласга олиб кетаман, бегойим. Омон-омон даврлар келгандан кейин бир гап булар.

Бегойим Гулсумбибининг гапларидан йиғлаб юборди.

– Шундай қилинг, пошшахон, айланай сиздан, болагинам тирик қолса бўлди, илоҳим Орифбекнинг роҳатини куринг.

Бегойим тиззасида турган гулдор дуррасини хонтахта устига ёзди. Ўрнидан туриб, токчада турган чоғроқ сандиқчанинг қопқоғини очди-да, танга аралаш тилла тақинчоқларни ҳовучлаб дуррага сола бошлади. Сўнгра уни маҳкам боғлаб, Гулсумбибига узатди.

– Мана буни олинг, айланай, бу тиллалар билан болаларимизни катта қилиб, оёққа қўйишингизга бемалол етади. Биттаю битта боламни сизга топширдим, сизни Худога топширдим, Пошшахон.

Иккала бева бир-бирларини қучоқлаб, юм-юм йиғлашди...

Эртаси куниёқ Гулсумбиби ўрт яшар Шералихон билан тенгқури Орифбекни олиб, Таласга жўнаб кетди. Муридлари ёрдамида қийналмасдан болаларни вояга етказди. Икковини бир йилда уйлантирди.Тўйдан кейин йил ўтар-ўтмас Гулсумбиби ҳаётдан кўз юмди. Шералихон тахтга ўтиргач, Орифбекни сарой хизматига олди. Ҳам мушовир, ҳам офтобачи лавозимини берди. Икки йил ўтиб, офтобачининг хотини қазо қилди. Га-

лабаққолликда ҳовлиси бўлса ҳам уйида камдан-кам туриб, ўғли билан саройда истиқомат қилади. Отаси куну тун иш билан банд бўлгани учун Саидбек доим Худоёрхон билан бирга. Худоёрхоннинг ўзи ҳам унга қаттиқ боғланиб қолган. Қаёққа борса ҳам Саидбекни бирга олиб кетади. Ҳар куни эрталаб Худоёрхонга кўшилиб Ҳокимойим[25]нинг олдига саломга киради. Ҳокимойим Саидбекни ҳам ўз фарзандидек кўрар эди...

Мусулмонқул мингбоши Ўшдаги ғалаённи ҳафта ичида бартараф қилди. Умарали понсоднинг маслаҳати билан амал талашиб, ғалаёнга сабабчи бўлган Алимбек понсодни, Сайид додхоҳни, Пўлат додхоҳни растага олиб чиқиб, халқ олдида дорга остирди, бир нечтасини сазойи қилди. Батамом тинчлик ўрнатилганидан сўнг иккинчи куни, Ўш ҳокими Муродбек қушбегининг ўрдасидаги нақшинкор хоналарнинг бирида дам олиб ётар экан, эшик секин қия очилиб, Боймурод кўринди.

– Нима гап? – мингбоши ётган жойидан бошини кўтармай сўради.

– Қўқондан чопар, Хўжам.

– Айт, кирсин.

– Икков кеган.

– Каттасини айт, бири қосин.

Боймурод ҳужрадан чиққач шошилмасдан ўрнидан туриб ўтирди-да, қалпоғини кийди. Эшик очилиб, хонага чопар кирди. Таъзим адо қилганидан кейин кўйнидан карнай қилиб ўралган номани чиқариб, мингбошига узатди.

– Янги хондан фармони олий, мингбоши жаноблари.

– Жанғи хондан?! – мингбоши номанинг муҳрига кўз югуртирар экан, – Қанақа жанғи хон? Ким хон бўлди? – чопарнинг жавобини кутмасдан мулозимини чақириб буюрди, – чопарнинг қорнини тўйдирдағин, кейин дамини осин.

Иккови ғойиб бўлгач, муҳрни синдирди-да, номани очиб, ўқий бошлади.

Ҳуваллоҳул холиқул бориул мусаввир.

Амруллоҳи фарзатун ва амруно вожиб. Бизким, Фарғона мамлакатининг хоқони султон ибн султон, яъни Муродхон ибн Олимхон сузимиз: ушбуни маълум қиламизки, тарих 1262 ҳижрий, моҳи саратоннинг 8 да[26] *ба амри Субҳонаҳу Шералихон ибн Ҳожибекни орадан кутариб, тахти маврусийни эгалладиқ...*

Номанинг шу ерига келганида мингбошининг этлари жимирлашиб, лабларидан суз учди, „Ё, Парвардигор, хонимизди қатл қипти, Муродхон ким бўлди?... Э-э, бир вақтлар Умархон қатл қилдирган Олимхонди улчасиғў, буям хон авлоди", чордонадан чўкка тушиб ўтириб олди-да, давомини ўқий бошлади. Номани ўқиган сари қовоқлари уйилиб, юзи жиддийлашди.

Ушбуга мутобиқ фармонимиз: мингбоши лавозимида Мусулмонқул Тургай баҳодир углини қолишини лозим топдиқ. Фарғона мамлакатига хоқонлигимизни тан олиб, итоат қилган ҳолда Уш шаҳарида тинчлиқ ва тартибни барқарор қилишда қатл қилиш, афв қилиш, ҳоким тайинлаш ваколатини берурмиз. Пойтахтга зудлик билан қайтиб, салтанат фаровонлиги учун ба сидқи дил хизмат қилишинггизни тақрир этдиқ. Воқеан, дилбандингиз Абдураҳмон[27] *сарой хизматида, мазкур валади солиҳинггизнинг мартабаси улуг булишига бовар қилурмиз.*

Илова: Бизнинг хуфя фармонимиз, Худоёрхон ибн Шералихонни қатл қилинишини лозим топдиқ, номани олган заҳотинггиз ҳукмни кечиктирмай ижро қилинг. Ҳукми Подшоҳ вожиб.

Номани ўқиб, ҳайратланган Мингбоши уни хонтахта устига ташлади-да, ўрнидан туриб, хонада у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Бир томондан, мансабда қолганига кунгли хотиржам бўлса, иккинчи томондан, фавқулодда бўлиб ўтган ишлардан кунгли ғаш эди. Тузғиган фикрларини бир жойга йиғиб, уйлай бошлади: „Хон ҳазратларини қатл қилишибди-я, пойтахтта қирғин буған-ов, ё Парвардигор, бевақт ўлимдан ўзинғ сақла. Тахтда Муродхон, улим хон

ҳузурида, яна шаҳзодани қатл қилишга пармон берипти, нималар бўлаяпти ўзи, Муродхон қаёқдан кеп қолди... Шунча жиллар ўтиб, қаёқдан келди бу ит увли?... Шошма-шошма... Амакиси Умархон тахтга ўтирганда, у мулозимлари билан амир Ҳайдархондан паноҳ излаб, Бухорога қочган эди. Ўшанда Умархон ишди чала қимасдан Олимхонни уларини ҳаммасини ушлаб, битта қуймай қатл қиганда эди, ҳозир шу ғалвалар бумас эди. Ўзи ҳеч қачон қалам аҳлидан жахши хон чиқмаган. Шуҳрати оламга тарқаган темурзода Улуғбекдай амирди қатл қиганда, Умархон ким бупти. Касал буп ўлган дейдилу, лекин паққос заҳарлаб ўлдиришган, бу аниқ... Астофирилло, товба қилдим, ўлганларди орқасидан гапириш гуноҳ..., Муродхоннинг қушини жўқ, бировдинг ярдамисиз, ҳеч қачон тахтти ололмас эди, бу кундай равшан. Ким ярдам бериши мумкин?... Фақат амир Насруллохон... Ҳе-манғитнинг куппаги!..", – мингбоши юришдан тухтаб, чўққи соқолини силар экан, ўйлашда давом этди, – „Энди бийоғиға ақл билан ўйлаб иш қилиш керак. Худоёрхонди қатл қип, Муродхонға итоат қип қуяғосаммакан, Муродхонам буса Шералихондайдир, мансабимда қосам, маған парқи нима, ё бекликларди оёққа турғизиб саройди боссаммакан, бир томондан, улчам саройда, нима қисам туври буларикин?" Мингбошининг боши ғувиллаб кетди, бир уҳ тортди-да, қуйнидан рўмол чиқариб, терлаган пешанасини артди, „Понсодди чағиртиб, ўган маслаҳат солиш керак, у вазмин, мулоҳазали одам. Бундай пайтда у жахши маслаҳат беради, жахшиси номани ўзи ўқиб қуяғосин, қона, нима дийди", У шу қарорга келиб, мулозимини чақириб, буюрди:

– Тез, Умарали понсодди чағир.

– Хўжам, – Боймурод буйруқни бажаргани шошибгина хонадан чиқди.

Бир оз фурсат ўтмай хонага Умарали понсод кирди. Ёши олтмишларни қоралаган, ўрта бўйли, калта соқолига оқ оралаган, ақлли, мулоҳазали, хоннинг олдида

ҳам ўз фикрини эркин айтадиган, Умархон даврида оддий сарбоз бўлиб хизмат қилган, Мадалихон даврида Қашқарда хитойларга қарши бўлган жангларда довюраклиги учун юзбоши, кейинчалик понсодлик лавозимига кўтарилган, амир Насруллохон Қўқонни босган вақтида Моҳларойимнинг буйруғи билан хоннинг жиянлари, хонзода, бекзодалар билан бир мунча сарой анжомларини олиб, ўз юзлигидаги сарбозлари қуршовида Ўшга қочган эди. Иброҳим хаёлга қарши ғалаёнда ўзининг йигитлари билан Шералихоннинг тахтга ўтиришига кўмаклашди.

– Келинг, понсод, – мингбоши Умарали понсодга кўрпачадан жой кўрсатар экан, хонтахта устида турган номага ишора қилди, – номани ўқинг.

Понсод кўрсатилган жойга чордона қуриб ўтирдида, қиличини орқа томонига ётқизиб қўйди. Хонтахта устидан номани олиб ўқир экан, лабларидан хитоб учди:

– Ё алҳазар! Хон ҳазратларини қатл қилишибди-ку! – кўзини номадан узиб, мингбошига қаради.

– Ўқинг, понсод, охиригача ўқинг, – деди мингбоши чойнакдан чой қуяр экан, – кейин гаплашамиз.

Номани ўқиб бўлган Умарали понсод қовоғини уйганича қоғозга тикилиб қолиб, ҳаяжон билан мингбошидан сўради:

– Товба қилдим, товба, товба... Муродхон саройни қандай қилиб олибди? Қўшин тортиб келибдими?

– Ўзимам шуған ҳайрон бўп турипман, понсод, қўшин тортиб кеғандайиди Самарқанға жетмасдан айғоқчиларимиз хабар қиған бўларди. Сарбозхонадағи навкарлар, шаҳар халқи бир бўп душманға қарши чиғарди. Менинг уйлашимча, саройда аралашиб журған уч – туртта беклардан хоин чиққанов, яна Худо билади.

Шералихон қатл қилиниб, Муродхоннинг тахтга ўтиришидан Умарали понсод бир оз гангиб қолган эди. „Э, Худое-ей, бу яна нима кўргилик. Ҳар доим тахт талаш бўлганда албатта қирғин кучаяди, хон ҳазратларини қатл қилишса атрофидаги бекларни ҳам соғ қўйишмайди“, – Умарали понсод жойида бир қўзғолиб олиб,

мингбошига кўз қирини ташлади, – „Мингбоши номада битилган гапларга лаққа тушмаса эди, мансаб деганда ҳеч нарсадан қайтмайди бу, шароитга қараб оғмачилиқ қиладиган феълиям бор, устига-устак ўғли ҳам саройда, жин урсин, авзойига қараганда ҳали бир қарорга келмаганга ўхшайди“. Қўлидаги номани карнай қилиб ўрар экан, мингбошидан Муродхон ҳақида сўрай кетди:

– Муродхон ким ўзи? Қаёқдан келди? Тахтга даъвогарлик қилишга ҳаққи борми?

– Ҳаққи бор. Раҳматли хон ҳазратлари билан акаукаларднинг боллари, – жавоб берди мингбоши пиёладаги чойни ҳўплар экан, – Олимхон, Умархон, Муродхонлар, Норбўтабийдинг авлодидан, Шералихондан тортиб Худоёрхонгача Ҳожибекдинг авлодидан, ўттиз беш жил олдин Умархон Олимхонди қатл қип, тахтга ўтирганида, Муродхон Бухороға қочған эди, у пайтлар амир Ҳайдархон даври эди, кейин тахтга амир Насруллохон ўтирди. Муродхонди сарой бекларидан бирортаси деярли тонимайди. Хулоса шуки, унинг тахтга ўтиришида амир Насруллохонди қули бор, деб ўйлайман. Майли, уларди қўйип турайиқ, понсод, номадан гапиринг, номадан. Номада битғандай Муродхонди тан об, итоат қиламизма, ё жўкма? Ишди тинчлиқ билан осон томонини кўраверайиқ, шўған нима дийсиз?

Умарали понсод қўлида карнай қилиб ўралган номага бир қараб олиб, пешанасини тириштирганча деди:

– Муродхоннинг тахтга ўтиришида сиз айтганчалиқ амир Насруллохоннинг қўли бўлса, бу нома биз учун тузоқ, мингбоши жаноблари.

– Тузоқ!? Нега тузоқ бўлади? Сабаб?

– Сабаби тўрт йил олдин ғалаён кўтариб, амирнинг одамларини қирдик, Иброҳим хаёлни Бухорога қувиб, Шералихонни тахтга ўтқаздик. Ғалаёнга Юсуфбий додхоҳ бошчилиқ қилган бўлса ҳам, Насруллохоннинг бизда алами катта, амир нимани буюрса, Муродхон шуни қилади. Муродхон тахтда қолса, икки дунёда бизни соғ қўймайди, бизни саройда қатл кутаяпди, мингбоши жаноблари.

„Қатл“ сўзини эшитиб, мингбошининг эти музлаб, ранги оқариб кетди, кўзини ола-кула қилиб, Умарали понсодга ўдағайлади:

– Эн-нафасингизди иссиқроқ қинг, понсод. Ҳар нарсаға паришта омин дейди-я...

– Буладиганини айтдим, мингбоши жаноблари, ўзингиз ўйланг, саратоннинг олтисида йўлга чиқувдик, саккизида Муродхон саройни босган, бизнинг Ўшга жўнашимизни олдиндан пойлаб туришган. Чунки, ҳеч вақт Бухородан Қўқонгача икки кунда етиб келиб бўлмайди. Боя айтқанларингиз тўппа-тўғри, хоин ўзимиздан чиққан, бу ишларнинг тепасида амир Насруллохон турғани аниқ.

Мингбоши Умарали понсоднинг мантиқли гапларини эшитиб, анграйиб қолди. Баланд дорни кўз олдига келтириб, юраги увушиб кетди, „Ё, Парвардигор, бевақт ўлимдан ўзинг сақла, жахшиям понсодға маслаҳат соғаним, мансабға ўтираман деб сал бўмаса дорға тортиларакан-ман. Понсодди гаплари туппа-туври, тўр жил олдин қиған ишимизға амир бизди бирмас, ўн марта дорға осади“, тарозини палласига қараб турган мингбоши, шартта бир томонли бўлиб қўя қолди, чўкка тушиб ўтирди-да, Умарали понсодга изоҳ бера кетди:

– Муродхон номада ўтирик битғанини ўзимам билиб туриппан, Умаралибек, номани ўқиғанданоқ бекларди хоинлиқ қиғанини, фитнани бошлаған амир Насруллохон эканлиғини дарров билдим. „Қона, понсод нима дияракан“, – деб сизға жўрттанға шу гапти айтувдим. Энди бийоғиға нима қиламиз? Ана ўшандан гапиринг!

– Ўзингиз нима дейсиз?

– Маған қоса шу бугуноқ Андижон, Наманган, Марғилон бекларига нома битиб, чопар жуварамиз, бари қўшини билан кеб, „Чашмаи орифон“да қўшилсин. Тун жармида шаҳарди босамиздағин, саройди қўлға об, Муродхонни ёнидағилари билан қўшиб, қатл қип жуварамиз, гавим маъқулма, Умаралибек?

– Гапингиз маъқул, – деди Умарали понсод мингбошининг бир зумда ўзгариб қолишидан ҳайратланиб, –

саройни босиб Муродхонни тахтдан ағдарадиган бўлсак, олдин шаҳардаги аҳволдан хабардор бўлишимиз лозим. Муродхон шаҳарни қандай босиб олди, беклар қай аҳволда, навкар қай аҳволда, фуқаро қай аҳволда, Муродхоннинг навкари қанча, қирғинбарот қандай бўлган, ана шуларни билишимиз лозим, қисман бўлса ҳам нома келтирган чопардан сўраб билиб олсак, кейин шунга қараб бирга режа тузамиз.

– Туври гап, чопар билади, чопарди сўроққа тутиб, билиб оламиз, – эшикка қараб мулозимини чақирди, – Боймура-ат!

Эшик очилиб, қўлини кўксига қўйган Боймурод кўринди.

– Чопарлар нима қип жатир?

– Овқатни жеб бўп, дамини об жотир, хўжам.

– Боғонағини чоғир, кесин.

– Хўжам.

Хонага кириб келган чопар тўхтади-да, таъзим адо қилиб, қўл қовуштирди. Мингбоши билан Умарали понсод чопарга бошдан оёқ разм солишди. Чопар, ўрта бўйли, мушакдор, мўйлов қўйган, узоқдан кўзга ташланадиган беқасам чопон кийган, тортиб бойланган камарига қилич тақиб олган, тулки тумоғига чопарлик белгисини билдирувчи жиға қадаб олган. Чопар гавдасини сал олдинга эгиб, мингбошига қаради. Мингбоши қўли билан жой кўрсатди:

– Мана бийоққа кеб ўтир, тағин жоқинрақ, энди ўтир, „ўтир" деяппан саған. Ана шундай, отинг нима? Мустафоқул, дейсамма? Жахши, ҳозир понсод жанобларн саған савол берадилар. Дона-дона, аниқ қип жавоб бер, тушундинғма?

Чопар бош ирғади. Мингбоши „бошланғ", дегандай Умарали понсодга ишора қилди. Умарали понсод жойидан бир қўзғалиб олди-да, чопарнинг кўзларига қараб, тикилиб сўради.

– Муродхон шаҳарга қандай кирди? Шаҳарни қамал қилдими ё тўсатдан ҳужум қилдими? Қирғинда кўп одам ўлдими?

– Қамал қилгани йўқ, бек ака, янги хоннинг навкарлари „Қашқар“, „Хужанд“ дарвозаларидан бемалол кириб келишди. Шаҳар ичида қирғин бўлмади, қирғин фақат саройда бўлди.

– Саройда бўлди дейсанми? Аниқ биласанми?

– Аниқ биламан, бек ака, ҳаммамиз девонхона ёнидаги ҳужрамизда эдик.

– Ким, ҳаммамиз?

– Чопарлар, олти нафар. Қодирбек мирохур[28], Мадамин понсод яна бир қанча беклар навкарлар билан ташқи ҳовли билан ўрта ҳовлида хон ҳазратларининг хос соқчилари билан Орифбек офтобачи[29]ни чопиб ташлашди.

Мингбоши ўтирган жойида бир сесканиб тушди.

– Шошма, Мустафоқул, шошма, қирғинда Қодирбек мирохур билан Мадамин понсод хон ҳазратларига қарши қилич суғурдима?

– Шундай.

– Ойттим-а, Умаралибек, хоин ичимиздан чиққан деб. Акс ҳолда шаҳарди бир томчи қон тўкмасдан, қирғинсиз об бўлама, офтобачини ҳам шулар ўлдиришдима?

– Шундай, мингбоши жаноблари, саройнинг орқа томонидаги боғда ўлдиришди, хон ҳазратларини ҳимоя қилиш учун қилич суғурган экан, беклар ўртага олиб, шаҳид қилишди, кейин хон ҳазратларини чопиб ташлашди.

Умарали понсод ўтирган жойида бир қалқиб, қовоғини уйганча мингбошига қаради. Мингбоши бир уф тортиб, деди:

– Икковиниям Худо раҳмат қисин, Орифбек офтобачи ҳўп одам эди, жаннати, ҳам дов, ҳам мард одам эди. Хирож кеганда ҳам, закот жийилганда ҳам на бир танга чақа, на бир мисқол нарса олар эди. Ҳақгўй ҳалол инсон эди. Хон ҳазратларидан бошқа ҳеч кимдан ҳадя омас эди. Биттаю битта улини ўқитиб, илмли, одобли қиб ўстирди. Шундай одамди шаҳид қилишибди-я, куппаклар. Дарвоқе, улининг оти Саидбекмиди, понсод? Бу шўринг қурғурлар шаҳзода иккови бир кунда оталаридан айри-

либ жетим бўлди-я, бояқишлар, – мингбошининг товуши бўғилиб қолди, кейин томоғини зўрма-зўраки бир-икки марта қириб, чопардан сўради, – фитнаға ким бошчилик қилди?

– Қодирбек билан Мадаминбек.

– Аниқ биласамма?

– Шулар бўлса керак. Чунки янги хонни тахтга ўтқазишпаётганда Қодирбек билан Мадаминбек бош-қош бўлишди.

– Ҳеъ ит увли, – мингбоши ўрнидан туриб кетиб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади, – одамзоднинг ичини жуз қилда ҳам билиб бўмас экан-да, понсод. Бу куппакларға ўтган жил амлокдан жер ажратиб берувдим, нонкўрлар, қайвонлар! – мингбоши ҳамон жаҳлидан тушмай жойига бориб ўтирди-да, Умарали понсодга қараб, вишиллади, – саройди қўлға олганимиздаёқ икковини растаға об чиғиб, дорға остираман, понсод, дорға!..., – чопарга қараб, – Муродхонни қачон тахтға ўтқазишди?

– Хон ҳазратларининг қатлларидан кейин, асрдан олдинроқ Яйпан томондан келишди. Олдинда Қодирбекнинг илғорлари, эллик – олтмиш қадам кейинда Муродхон, икки ёнида Қодирбек билан Мадаминбек, бухороликлар. Орқада мингдан ошиқ сарбозлар, Қоратегин[30]дан, Дарвоз[31]дан, Бухородан. Қодирбек билан Мадаминбекнинг навкарлари шаҳарда тартибни назорат қилиб туришди. Шаҳар аҳолиси ваҳимага тушиб қолди. „Замон, замони Муродхон", – деган қийқириқлар билан саройга кириб келишди. Икки кун ичида бировни дорга осиб, бировни қамаб, бировни бадарға қилиб, тартиб ўрнатишгач, кейин карнай сурнайлар билан халққа ош беришди, беку уламоларга сарполар тарқатишди.

– Аъламу арконлар[32]ға сарпо бериб, ўзиға ағдариб оптида, куппак, – деди Мингбоши ғазабдан титраб.

Умарали понсод савол беришда давом этди:

– Муродхоннинг қанча навкарлари бор?

– Аниқ билмайман, икки-уч минг нари-бери боров.

– Қароргоҳлари қаерда?

– Навкарларнинг ҳаммасини сарбозхоналарга бўлиб ташлаган, бухоролик навкарлар Ашир бўқоқнинг кар-

вонсаройига қунишган, икки юздан ошиқроғи саройда соқчилик қилишаяпти.

– Саройда соқчилар қандай қуйилган?

– Эски ҳолатда, фақат ташқи ҳовлининг соқчилари кўпайтирилган, олий ҳазрат.

– Соқчиларга ҳалиям Баҳодир шиғовул қораяппа?

– Йўқ, янги хон Баҳодир шиғовулни лавозимидан бушатди.

– Бўшатди? Нега бўшатди? Ғалаёнга қўшилмадима?

– Шиғовул жаноблари ғалаён куни шаҳарда йўқ эдилар.

– Қаерга кетувди?

– Саройдаги ғалаёндан бир кун олдин уюрга кетувдилар. Лекин уюрдан қайтганларидан кейин янги хон шиғовулни мансабларидан бўшатипти, мулозимлари айтишди.

– Шиғовулнинг ўзи ҳозир қаерда?

– Шаҳар ташқарисидаги чорбоғида, шекилли. Ёзда доим чорбоғда бўладилар.

Мингбоши билан понсод бир-бирларига қараб олишди. Нома ўқилгандан бу ёғига биринчи марта икковининг юзларида табассумга яқинроқ бир ифода пайдо бўлди, „Понсодға айтиш керак, тездан шиғовулға нома битиб жуварсин". Мингбоши хаёлидан шуларни ўтказар экан, чопардан сўради:

– Сарой соқчилари, кимнинг жузлиғидан?

– Биздан эмас, ҳаммаси янги хоннинг навкарлари. Фақат қалъа дарвозаларининг соқчилари Қодирбек билан Мадаминбекнинг юзлигидан.

– Сарой соқчиларининг бошлиғи ким ?

– Қаноатшо[33], қоратегинлик, соқчиларга шу қарайди.

– Жин урсин бу маччойиларди, – мингбоши ғижинганча ўтирган жойида бир қўзғолиб олди, – сени ким жуварди?

– Қодирбек мирохур юборди.

– Ўзи чоғирдима?

– Йўқ, Қодирбекнинг жиловдори сизнинг ҳужрангизга бошлаб борди. Хонага кирганимда сизнинг ўрнин-

ичида Қодирбек, анови бухороликларнинг биттаси билан бирга ўтирган экан. Ҳамма бекликларга номаларни шу кун битишган шекилли, хоннинг муҳри хонтахта устида турувди. Қодирбек сизнинг номингизга битилган номани менга топшириб, дарҳол Ўшга жўнашимга фармон берди.

– Қодирбекни менинг ҳужрамда дединғма?

– Сизнинг ҳужрангизда, олий ҳазрат.

– Менинг жойимди кўзлапти-да, ит увли.

Мингбоши „Бошқа гапим йўқ" дегандай, бошидан қалпоғини олиб, хонтахта устига қўйди-да, орқасидаги остиққа ўзини ташлади. Умарали понсод мингбошига бир қараб олди, сўнгра жиққа тер босган чопарга қараб, деди:

– Сени саволлар билан роса чарчаттик шекилли, Мустафоқул. Бориб, дамингни ол, кейин ўзим чақиртираман.

Чопар сўзсиз ўрнидан туриб, қўлини қовуштирди.

– Шошма, – деди мингбоши, болишга суянган ҳолда энди юрмоқчи бўлган чопарни тўхтатиб, – эшигингда бола-чаганг борма?

– Учта болам бор, олий ҳазрат.

– Бўлмаса, жахшилаб эшитиб ол. Болаларинг билан узоқ жашайман десанг, бу жерда бўган савол-жавоблар ҳақида бировга чурқ этмайсан, акс ҳолда бошинг ўлимда, молинг талонда. Понсод жанобларининг айтганларини ўзжарасан, тушундингма?

– Тушундим, мингбоши жаноблари.

– Тушунган бўсанг, саган жувап.

Чопар таъзим адо қилиб, орқаси билан беш-олти қадам юрди-да, кейин бурилиб, хонадан чиқди. Иккови ёлғиз қолишгач ҳар бири ўз хаёли билан банд бўлди. Умарали понсод чопарга тайинлайдиган гаплари ҳамда энги хонга юбориладиган номанинг мазмуни устида фикр юритар, мингбоши эса сарой ва туман бекларини хаёлан бир-бир кўз олдидан ўтказар эди. У табиатан қўпол бўлганлиги учун деярли ҳамма беклар билан расмий муомалада бўлар, бирортасига кулиб яхши гапирмас, вазифасини дўндирган бекларга ҳам „Бўпти,

ишингга бор"дан нарига ўтмас эди. Мингбоши беклари нисбатан ўзида ишончсизлик туйғусини ҳис қилди. Юраги ғашланиб, бир уф тортди-да, понсодга қаради. Умарали понсод ҳануз ярим юмилган кўзларини ҳар-ҳар вақт пирпиратиб, бир нуқтага тикилиб ўтирарди.

– Ҳў-ўш, понсод жаноблари, – деди мингбоши, ўртадаги жимликни бузиб, – саройдаги аҳволни сал бўлса ҳам билиб олдиқ. Энди айтинг, ишни нимадан бошлаймиз?

– Муродхонга нома битишдан бошласак, девдим.

– Маъқул, – деди мингбоши қалпоғининг ичидан оқ тақияни олиб, бошига кияр экан, – Муродхонга битаётган номанғизга шуларни илова қинг. Муродхон ибн Олимхон ҳазратларини Фарғона вилояти хони деб тан оламиз, ҳамда итоат қиламиз, бизга кўрсатган илтифотларини бажонидил қабул қиламиз, номада берган пармонларини сўзсиз ижро этамиз. Ҳа, айтгандай, шуни ҳам келиштириб битинг, қипчоқ, қирғизлар ғалаён кўтармаслиқлари учун, Худоёрхонди ими-жимида Жазжаванда қатл қиламиз, хуллас, шундай битингки, нома ишонарли чиқсин, – мингбоши шу ерга келганида бир оз ўйланиб турди-да, Умарали понсодга хавотирланиб қаради, – Понсод! Жанғи хон, буса-бумаса жўлларга, равотларга ўз айғоқчиларини қўйиши турган гап. Шаҳзоданинг қўшин билан пойтахтга бориши режаларимизди чиппакка чиғариб журмасин. Саидбек икковини Нормуҳаммаднинг жузлиғиға қўшиб, пастқам жўллар билан жўнатиш керак.

– Гапингиз маъқул, мингбоши жаноблари. Шаҳзодани пойтахтга ўн чақирим етмасдан Катта Кенагаска, Султонбек парвоначининг қароргоҳига юборамиз. Мен нома битиб, чопар жўнатаман, шаҳзодани кутиб олишади. Саройни олганимизга қадар ўша ерда тургани маъқул, хавф-хатардан холи, – деди Умарали понсод, чордона қуриб ўтирган жойида бир қўзғалиб, уюшган оёқларини уқалаб қуриб сўзида давом этди, – Марғилон беги Ўтаббойга ҳам нома юборамиз, бир-икки минг навкари билан „Чашмаи орифон" равотида бизга қўшилади. Андижон, Наманган бекларига индамаймиз.

Ўзимизда мингдан ошиқроқ бор. Муродбек қушбегида яна минг навкар, шиғовул билан парвоначида мингтадан икки минг, ҳаммаси беш мингдан ошиқроқ. Шунча навкар, менимча, етса керак, мингбоши жаноблари? Яна ўзингиз чамалаб кўринг.

Мингбоши бир зум кўзларини юмиб, чўққи соқолини силади, сўнгра Умарали понсодга қараб:

– Агар пойтахтти қамал қиладиган бўсак, яна шунча навкар керак бўлади, иш қамалгача бормаслиги учун Ҳасодир шиғовулга нома битиб жўнаринг. Шиғовул бирор жўлини қип, калъа дарвозаларини очиб берса, сиз олган навкарлар жетиб ортади.

– Нома билан иш битмайди, мингбоши жаноблари, – Умарали понсод мингбошининг йилтираб турган ипириксиз қисиқ кўзларига қаради, – Шиғовул билан юма-юз гаплашишим керак, шаҳардаги аҳволни ўзидан ошитиб, шунга қараб иш тутамиз.

Мингбошининг туксиз қошлари баланд кўтарилди. Ораси очиқ тишларини кўрсатиб, оғзини очганича Умарали понсодга қараб қолди. Умарали понсоднинг гаплари унга жуда маъқул келган эди.

– Жуда жахши ўйлабсиз, понсод жаноблари, жуда жахши, – деди мингбоши тили калимага келиб, – ўзингиз бориб, шиғовул билан жузма-жуз гаплашишингиз жуда маъқул иш. Қачон жўнамоқчисиз ?

– Саҳарлаб жўнасам керак. Олдин номаларни битиб, чопарларни жўнатай. Сиз кечқурунга бекларни кенгашга чақиртиринг, ҳа, айтгандай, Худо хоҳласа, Муродхонни тахтдан ағдардик дейлик, маслаҳат билан тахтга кимни ўтқизамиз?

– Кимди ўтқизамиз дейсизма? – мингбоши бу ҳақда ўйлаб кўрмагани учун Умарали понсоднинг ўзидан сўради, – ўзингиз нима дейсиз? Кимди ўтқизсак бўлади?

– Тахтга ҳақдорлардан иккита муносиброғи бор, – жавоб берди Умарали понсод бироз ўйланиб туриб, – бири Тошканд ҳокими Саримсоқбек[34], бири Андижон ҳокими Маллахон. Икковиям хон авлоди. Худо раҳмат қилсин, Шералихон ҳазратларининг ўғиллари, шу икковидан қайси бири сизга маъқул бўлса, ўшани ўтқизамиз?

Мингбоши бошидан қалпоғини олиб, пешанасини артиб қўйди. Рўмол билан пешанасини артиб, қалпоғини кийгандан кийди. Бироз муддат соқолини силаб туриб Умарали понсодга қараб, деди:

– Икковиям бўлади, понсод жаноблари. Лекин уларнинг бирини об кеганча ҳафта-ўн кун вақт кетади, ҳозир вақтимиз тиғиз, жахшиси, олдимизда турган Худоёрхонни тахтга ўтқазиб қўяғоямиз.

Умарали понсод ажабланиб мингбошига қаради:

– Худоёрхонни дейсизми? Ёшлик қилмасмикин? Энди ўн олтига тўляпти. Акалари турганда уни тахтга ўтқазсак, қандай бўлар экан? Маллахонни билмадиму лекин Саримсоқбек жуда ҳам қайсар, Худоёрхонни тан олмаса керак, бўйсунмаслиги аниқ.

– Ажаб қизиқсиз-да, понсод. Ота-боболаримиз даврида Худоёрхондан ҳам жашрақ шаҳзодалар тахтга ўтиришган, эси кириб, суяги қотгунча мамлакатни ўзимиз идара қип турамиз, наржағиға Худо халлоқ. Саримсоқбекка кесақ, уни маган қўйип беринг, уни ўзим бўйсундираман.

Умарали понсод мингбошининг мақсадини тушунди. Унга фармон берадиган хон эмас, балки маслаҳат сўраб, гапига кирадиган хон керак эди. Лекин кўзларининг чақнаб кетиши, Умарали понсоднинг юрагида хавотир уйғотди. „Парвардигор, фитналардан ўзинг асра, бу дашти қипчоқнинг юзи-кўзидан нималарни ўйлаётганини билиб ҳам бўлмайди, жин урсин. Бир балони бошламаса эди, бу чўлоқ". Шуларни хаёлидан ўтказаётган Умарали понсод мингбошига зимдан қараб, деди:

– Тахтга Худоёрхонни лозим кўрган бўлсангиз, ихтиёрингиз, мингбоши жаноблари. Ишқилиб охири бахайр бўлсин. Бирор-бир нарсани олдиндан билиб бўлмайди. Худо кўрсатмасин, кейинчалик ака-укалар ўртасида низо чиқиб, қон тўкилмасин, деб қўрқаман.

– Хотирингиз жам бўлсин, понсод жаноблари, – деди мингбоши санча бошлаган чўлоқ оёғини уқалар экан, – бунчалиққа бориб жетмайди, ҳар қандай низони сулҳ билан бартараф этаман. Олдин саройни қўлга об, Худоёрхонни тахтга ўтқазайиқ, қоғани бир гап бўлар.

– Маъқул, хон ҳазратларининг қатлларини шаҳзодага айтмай турсакмикин дейман, сиз нима дейсиз?

– Гапингғиз маъқул, понсод, кейинрақ бир жўлини қиларміз, – эшикка қараб қичқирди, – Боймура-а-ат!.. Шаҳзода қона?

– Қушбегининг шаҳар ташқарисидаги чорбоғида, ҳужам, одам жуварайма?

– Шошма! – деди мингбоши, сўнгра кетишга ҳозирланиб ўрнидан турган Умарали понсодга қараб, – сиз номаларди битиб, чопарларди жуваринг, икки соатлардан кейин қушбегининг чорбоғиға жўнаймиз. Қоған гапларди жўлда гаплашамиз.

– Маъқул, – Умарали понсод увишиб қолган оёқларини эҳтиёт билан бир-бир босиб хонадан чиқди.

– Сен чорбоққа одам жувар, – деди мингбоши, қўл боғлаб турган Боймуродга, – понсод билан бораётганимизни ойтсин, кейин бари жузбошиларни айтиб чиқ, шомдан кейин шул жерға жиғилишсин.

– Хўжам.

Эшик ёпилгач, мингбоши ўзини ёстиққа таппа ташлади-да, узала тушиб ётди. Кўзларини юмган ҳолда Умарали понсод билан қилган маслаҳатларини бир-бир хаёлидан ўтказа бошлади. „Ҳаммасини маслаҳат қип бўлдиқ, шекилли, уф-ф... Худоға шукур, муаммоларди қарийб жармиҳалбўлди-ёв. Ишлар кенгаш қиғанимиздай кетса, жахши, худди мойда журғандай силлиққана бўп кўчади, илойим шундай бусин. Ҳў-уш, понсод номаларди битиб, жўнатғандан кейин иш бошланади. Муродхон битған номамизға ишонған тақдирдаям бари жойға айғоқчи қўйиши ониқ, лекин ҳеч ким, ҳеч нарсани билмайди, бу жахши. Шиғовул қўшин жийаман, деб бари жерға довруқ соб жувармасайиди, – мингбоши ўрнидан туриб ўтирди, – жўғ-е, довруқ сомайди, унинг эси бутун, ишди ими-жимида қилади. Парвоначиниям овзи маккам, ияҳ,... вой тента-а-ак, – мингбоши пешонасига тарс этиб урди, – улим эсдан чиғипти-ғў, понсод билан улимди гаплашмаппиз, – мингбоши ўрнидан бир туриб қайта ўтирди, – жўлда гаплашаман, чорвоққа

бораятганда гаплашаман. Мингбоши бир „уф“ тортиб, ёстиққа суянди. – Парвардигор, бало-қазодан Абдураҳмонжонимди ўзинг асра, биттаю битта улим, қоғани қиз...“

Мудрамоқчи бўлиб турган мингбошининг уйқуси учиб кетди. Пешанасини тириштирганча бошини хам қилиб, ўйга толди...

* * *

Икки соатлардан кейин Умарали понсод билан Мусулмонқул мингбоши, соқчи навкарлар кузатувида шаҳар қалъасининг „Ўзган“ дарвозасидан чиқишар экан, олдинроқда кетаётган иккита отлиқ навкар йўл очиб боришар эди:

– Пушт ! Йўлдан қоч!

– Четроққа ўт! Четроққа деяпман, ҳайвон!

– Ҳу-ўй! Отдан туш, мингбоши жаноблари келаяптилар, тез отдан туш, овсар !

Навкарларга дарвоза соқчилари ҳам ёрдамлаша кетишди:

– Қа-а-айт!! – соқчилар дарвозага кирмоқчи бўлаётган от аравани тислантиришга уринди. – Орқага қа-а-айт, ўнгроққа ол, ўнгга ол, деяпман санга, хонасаллот, ҳа, ана шундай.

– Болангни олдинга ол, энағар…

Умарали понсод билан мингбоши Муродбек қушбегининг сайислари томонидан безаган отларда савлат тўкиб келишар, сал орқароқда ўн чоғли навкарларга бош бўлиб Боймурод уларни кузатиб келар эди. Дарвоза соқчилари бир қатор тизилишиб, таъзимда туришди. Қалъадан бироз узоқлашгач, йўловчилар, деҳқонлар, чорбозорчилар анча сийраклашди. Мингбоши отининг жиловини ярим тортиб, гапириб келаётган Умарали понсодга тенглашди. Понсоднинг гапларини эшитиб бўлиб, отининг жиловини тортиб, таққа тўхтади.

– Умаралибек, боя бошқа гаплар билан бўп, улимди эсдан чиқариппиз. Абдураҳмон саройда-ғу, агар саройди қамал қиладиған бўсақ, – мингбоши гапини давом қила олмади.

– Хотиржам бўлинг, мингбоши жаноблари, менинг ёшимдан чиққани йўқ. Шиғовулга нома битаётганимда Абдураҳмон тўғрисида ҳам қўшиб битдим.

– Хайрият, шиғовулга нима қилиш кераклигини тушунтириброқ биттингизма?

– Баҳодирбекка тушунтиришнинг ҳожати йўқ, мингбоши жаноблари, нима қилиш кераклигини сизу мендан яхши билади. Борганимда шу ҳақда яна батафсилроқ гаплашиб оламан, кўнглингиз тўқ бўлсин.

– Худога шукур, понсод, бир енгил торттим, – мингбоши тўхтаган отини ниқтаб, – ҳа, айтгандай, бояна, навкарлардан тўрттасини қаерга жўнатдим дединғиз?

– Ие, шунча гапирган гапларимни наҳотки эшитмаган бўлсангиз?

– Маъзур тутинг, понсод, хаёлим улимдайиди.

– Шундай денг, хўп, эшитинг бўлмаса, мингбоши жаноблари, чопарларни кузатганимдан кейин, орқаларидан тўртта навкарни Хўжанд томонга жўнатдим. Пойтахтнинг ўн-ўн икки чақирим атрофини қараб келинглар, дедим. Амир Насруллохон Муродхонга мадад кучи юбориши эҳтимолдан холи эмас.

– Амир Насруллохон, Хоразм билан туташган сарҳади билан банд, бир жилнинг ичида амирнинг учта карвонини туркманлар талаб кетишган, ҳозир шулар билан овора бўса керак, лекин навкарларди жувариб, жахши иш қиғансиз, ҳар ҳолда кўнглимиз тўқ бўлади.

Олдинроқда кетаётган икки навкар отларининг бошини карвон йўлидан чапга, қушбегининг чорбоғига борадиган йўлга қараб буришди.

– Сиз шаҳзодани, чорбоғнинг ўзидан, саҳар йўлга чиқишга кўндиринг, – деди Умарали понсод мингбошига, – Нормуҳаммадга секин тайинланг, мавридини топиб, хон ҳазратларининг қатл қилинганларини шаҳзодага йўлда айтсин, бу ўсмирлар оталарининг ўлимини эшитса, қай аҳволга тушишини Худо билади.

– Оптовачининг ўғли оғирроқ-қў-ў, лекин шаҳзода бир мартаға тўпаланг қилади.

Иккови бир оз фурсат жим кетишди.

– Мен саҳар Азимбекнинг йигирмата навкари билан йўлга чиқаман, – гапини давом қилди Умарали понсод, – бориб, Баҳодир шиғовул билан обдон маслаҳатлашаман, қўшин шаҳарга кириши учун учта – Марғилон, Риштон, Тоғлиқ дарвозаларининг очиқ бўлишини таъминласа, шунга қараб бу ёғини ўзингиз ҳал қиласиз, мингбоши жаноблари...

Мингбоши билан Умарали понсод йўл буйи мулоҳаза, мунозара, баҳслардан кейин маслаҳат пишиб, бир қарорга келишганда, Муродбек қушбегининг чорбоғига етиб келишди. Ланг очилган чорбоғнинг дарвозаси олдида, Нормуҳаммад юзбоши бошчилигида навкарлар, мингбоши билан Умарали понсодни таъзим билан кутиб олишди. Бири отларининг жиловидан, бири узангиларидан ушлаган навкарлар, икковларининг отларидан тушишга ёрдамлашишди.

– Қийналмай, яхши келдиларми? – деб сўради Нормуҳаммад мингбоши билан Умарали понсодга таъзим қилган ҳолда.

– Худоға шукур, – деди мингбоши, отнинг жиловини тушишга ёрдамлашган навкарларнинг бирига узатар экан, – шаҳзода қона?

– Ичкаридалар.

– Бориб айтғин, ҳузурларига кирамиз.

– Бош устига.

Юзбоши ташқари ҳовлидан юриб, шошибгина зинадан кўтарилди-да, равон бўйлаб илдамлади. Нормуҳаммад юзбоши баланд буйли, келишган, ёши йигирма бешйигирма олтиларда, ақлли, довюрак, ҳарбий машқларда яхшигина таълим олган, шу билан бирга ўсмирлик даврида мадрасада ҳам ўқиган. Уч йил олдин Шералихон Нормуҳаммадни чақириб, деган эди:

– Шу бугундан бошлаб шаҳзодага кичкина оталиқ[35] бўласан, Нормуҳаммад, шаҳзода қаерга борса, уни кузатиб борасан.

– Бош устига, хон ҳазратлари.

Шундан бери Нормуҳаммад Худоёрхон билан Саидбекни қаерга боришларидан қатъи назар уч – тўртта

навкари билан кузатиб борадиган бўлди. Нормуҳаммад даҳлизга кириб, кўздан ғойиб бўлиши билан мингбоши камарини тузатган бўлди-да, Умарали понсодга қараб, деди:

– Понсод жаноблари! Шаҳзодаға озғинтой ўтирик гапирамиз, зарурат. Қона, орқамдан журинг.

Нормуҳаммад юзбоши уларни даҳлизда қарши олиб, ярим таъзим билан хонага таклиф қилди. Нақшинкор, ҳашаматли катта хона... Гиламлар тўшалган... Хонанинг равон томонида деразалар бўлиб, ички ҳовли томони ҳаммаси токчалар, қопқалари майда нақш, хона тўрида қўшқават кўрпачада Худоёрхон ўтирар... Олдида дастурхон ясатилган... Ҳар хил ноз-неъмат. Хона ўртароғида Саидбек ярим таъзим қилган ҳолда қўл қовуштириб турар эди. Мингбоши билан Умарали понсод хонага олдинма-кетин киришди-да, шаҳзодага ярим таъзим қилишди. Саидбекнинг таъзимига алик олган бўлишиб, бош қимирлатиб қўйишди.

– Келинг, мингбоши жаноблари, мана бу ёққа марҳамат, – деди Худоёрхон уларни дастурхонга таклиф қилиб, жой кўрсатар экан, – понсод жаноблари, марҳамат қилинг.

Фотиҳа ўқилиб, ҳол-аҳвол сўрашилгандан сўнг, Худоёрхоннинг ишораси билан қўл боғлаб турган Саидбек пастроққа ўтирди-да, нон ушатиб, чой қайтарди. Саидбекнинг енгил ва чиройли ҳаракатларидан яхшигина таълим олганлиги кўриниб турар эди. Уни зимдан кузатиб турган мингбошининг хаёлидан „одобу, тартиби жойида, нуфузли меҳмонларни кутишга қўйса бўлади“, – деган фикр ўтди.

– Таомга марҳамат қилсинлар, жаноблар, насибалари қўшилган экан.

Худоёрхон каттагина чинни лагандаги қовурмага меҳмонларни манзират қилди. Саидбек узатган пиёлаларни олиб, мингбоши билан Умарали понсод овқатга машғул бўлишди. Худоёрхон қўлидаги иликни бежиримгина пичоқ билан тозалар экан, мингбошидан сўради:

– Шаҳар тинчми, мингбоши жаноблари? Дўкон, расталар ишлаяптими?

– Худоға шукур, шаҳар тинч, шаҳзодам, қадимгисидан ҳам жахши, – жавоб берди мингбоши буш пиёлани Саидбекка узатаётиб, – бозор гавжум, дўкон расталарда савдо-сотиқ авжида, гузарларда косиб ҳунармандлар ишлашаяпти, тартиб жахши, шаҳзодам, халқ тирикчилигини қип жатир.

Суҳбат асосан бозордаги нарх-навою, фуқаронинг осойишталиги устида кетди. Умарали понсод билан Саидбек одоб доирасида сукут сақлаб утиришди. Худоёрхон қўлларини дастурхон четида турган рўмолга артар экан, мингбошига синовчан қаради:

– Менинг олдимга бежиз ташриф буюрмаган булсангиз керак, мингбоши жаноблари? Сафаримиз қариганга ухшайди.

– Шундай шаҳзодам, сафаримиз қариди, – деди мингбоши томоғини қириб, Умарали понсодга бир қараб олди-да, гапида давом этди, – отанғиз – хон ҳазратларидан чопар келди. Катта Кенагасда Султонбек парвоначининг қароргоҳида катта жийин буларакан. Сизнинг уша жийинда булишингиз буюрилган.

– Султонбек парвоначи деганингиз, икки йил олдин сарой хизматидан бушаб кетган одамми?

– Худди уша, шаҳзодам, совлиғи туври кемаганлиғи сабабли, отанғиз – хон ҳазратларидан рухсат сураб, сарой хизматидан бушаган. Ахир парвоначи, авлодингиз, Худо раҳматиға олсин Умархон ҳазратлариға, Маъдалихон ҳазратлариға, отанғиз – хон ҳазратлариға хизмат қип кеган, ҳурмати бор, шунинг учун саҳар Нормуҳаммадинг жузлиғи билан жўлға чиқишингиз лозим, шаҳзодам.

– Сизлар-чи?

Мингбоши яна зурма-зураки томоғини қирди-да, утирган жойида бир кўзғолиб олиб, жавоб берди:

– Отанғиз – хон ҳазратлари, маған жўғори сарҳадларни қараб келишимға фармон бериб жуварибдилар. Худо хоҳласа, индин саҳар кўшин билан жўлға чиқамиз. Мингбоши Умарали понсодга қараб қўйди. Умарали понсод бошини эгганича бир нуқтага тикилиб утирар эди.

– Ҳукми подшо вожиб, мингбоши жаноблари, – деди Худоёрхон жилмайиб, – ҳозир десангиз ҳам йўлга тайёрмиз.

– Қуллуқ, шаҳзодам, – деди мингбоши енгил тортиб, – энди бизга рухсат берсангиз, жўлга тайёргарлик кўрсақ, сиз ҳам жўл олдидан дам олинг, ахир Кенагасгача камида икки – уч қуниб, манзилга жетасиз.

Қисқа фотиҳа ўқиб туришди. Ташқари ҳовлида навкарлар отларни тайёр ҳолда ушлаб туришар, дарвозадан нарироқда Боймурод бошлиқ навкарлар отларининг жиловидан ушлаб, кутиб туришарди. Худоёрхоннинг ҳузуридан мингбоши билан Умарали понсодни кузатиб келаётган Нормуҳаммад, ташқари ҳовлига чиқишлари билан илдамгина олдинга ўтди-да, навкарлар тутиб турган отнинг узангисидан ушлади. Мингбоши бир ҳаракат билан ўзини эгар устига олиб, жиловни қўлига олар экан, Нормуҳаммадга деди:

– Нурали сарбоз қона?

– Шу ерда, мингбоши жаноблари, чақирайми?

– Бирга чиғинғлар!

– Бош устига.

Нормуҳаммад, четроқда қўл боғлаб турган Нурали сарбозга қўли билан ишора қилди. Нурали сарбоз Нормуҳаммаднинг юзлигида оталиқ вазифасида хизмат қилар, ўрта бўйли, ёши элликлар атрофида, Маъдалихон тахтга ўтиргандан бошлаб сарбоз бўлиб хизматга кирган, деярли ҳамма урушларда қатнашган, тажрибали, мулоҳазали, ақлли сарбоз. Керак бўлган пайтда Нормуҳаммадга маслаҳат берар, юзликдаги интизомни назорат қиларди. Навкарлар Нормуҳаммаддан кейин, Нурали сарбозга сўзсиз бўйсунишар ва уни самимий ҳурмат қилишади. Чорбоғ дарвозасидан чиқиб, бироз юрилгач, мингбоши отини секинлатди-да, орқага бурилиб, тўхтади. Умарали понсод ҳам отини буриб, мингбошидан сал орқароқда жиловни тортди. Илдамгина юриб келаётган Нормуҳаммад билан Нурали сарбоз, беш-олти қадам етмасдан мингбошининг рўпарасига келишди-да, қўл қовуштириб туришди. Мингбоши бир оз сукут қилиб турди, сўнгра салмоқли оҳангда сўз бошлади:

– Гапларимни жахшилаб эшитиб онгнор! Шу дақиқадан бошлаб шаҳзодаға бошларингиз билан жавоб берасизлар. Бугун пойтахтдан чопар келди. Хонимиз Шералихон ҳазратларини қатл қилишибди. Тахтға шаҳзоданинг амакиваччаси Муродхонни ўтқазишибди.

Бу хабардан Нормуҳаммад билан Нурали сарбоз, мингбошига қараб, бақрайиб қолишди. Нурали сарбоз тезда ўзига келиб, юзига фотиҳа тортди. Мингбоши қовоғини уйиб, бўғиқ овозда гапида давом қилди:

– Ниятимиз, Худо хоҳласа, Муродхонни тахттан ағдариб, Худоёрхонни ўтқазамиз. Нормуҳаммад, сен ҳозир бориб, навкарларингға фармон бер, жўлға ҳозирлиқ кўришсин. Шаҳзода билан Саидбекни олиб, жузлиғинг билан саҳар жўлға чиқасизлар. Манзил Катта Кенагас, Султонбек парвоначининг қўрғониға борасизлар. Жузлиғинг шаҳзода билан қўшиндан алоҳида кетишларинға сабаб, Муродхон номада унинг қатлиға фармон берган. Уни авайлаб қўриқланг, жўлда карвонларни айланиб ўтинг. Икковиға ҳам оталари қатл қилинганларини, мавридини топиб, жўлда айтасан. Султонбек парвоначиға чопар жуворғаммиз, сизларни кутиб олишади. Фақат қароргоҳға жорти тунда кириб боринг, кечасию кундузи чорбоғдан чиқманг. Кейинги фармонни Баҳодир шиғовулдан оласиз, – мингбоши бир оз нафасини ростлади, кейин Нурали сарбозга деди: – Нурали! Сен ҳар доим икковиға кўз-қулоқ бўлиб тур, овқати, кийимиға қара, тушундингма?

– Бош устига, мингбоши жаноблари!

Мингбоши Умарали понсодга қаради. Умарали понсод бир оз ўйланиб туриб, кейин пастроқ товушда деди:

– Нормуҳаммад, фалак чархи қайси томонга айланишини билиб бўлмайди. Худо кўрсатмасин, бирон нарса сабаб бўлиб, ишларимиз амалга ошмай қолса, шаҳзода билан Саидбек икковини олиб, довон орқали Тошкандга олиб кетинглар. Тошканднинг беги Саримсоқбек, шаҳзоданинг акаси. У ёғига ўзи бир йўл кўрсатар.

Умарали понсод гапини тугатиб, мингбошига қаради:

– Мингбоши жаноблари, энди буларга йўл олдидан бир оқ фотиҳа беринг!

Мингбоши қўлини фотиҳага очаётиб „Ўзингиздан бўлсин", – дегандай боши билан имо қилди. Умарали понсод фотиҳага қўл кўтарди:

– Парвардигорим сизларни ўз паноҳида асрасин, сафарларингиз бехатар бўлсин, соғ-саломат манзилга етиб олинглар, Оллоҳу акбар! Энди боринглар, сизларга оқ йўл!

Мингбоши билан Умарали понсод отларини йўлга буришди-да, йўрттириб кетишди. Четроқда турган соқчи навкарлар ҳам жойидан қўзғалишди. Нормуҳаммад юзбоши билан Нурали сарбоз қўл қовуштирган ҳолда уларни кузатиб қолишди. Навкарлар ортидан чанг кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлишгач, ҳали ҳам ўзига кела олмаган Нормуҳаммад Нурали сарбозга қараб, деди:

– Нурали амаки, хон ҳазратларини қатл қилишибди-я! Шаҳзоданинг ҳам қатлига фармон келибди. Бу қирғинларнинг охири кўринадими ўзи?

Нурали сарбоз бошидаги қалпоғини тўғрилаб туриб деди:

– Худо билади, бегим. Ҳамма шаҳзодаю хонларнинг боши теппасида қилич осилиб туради шекилли. Эсимни танибманки, Умархондан ташқари ҳамма хону шаҳзодаларни қатл қилишган, тавба қилдим, Парвардигор, гуноҳкор бандангни ўзинг кечир, – Нурали сарбоз кўкрагига „туф-туф" деб қўйди-да, гапини давом қилди: – энди бегим, сиз шаҳзоданинг олдиларига боринг. Мен ўнбошиларни йиғиб, йигитларни йўлга ҳозирлай, ахир ўзимизга ҳам, отларимизга ҳам уч кунлик озиқ ғамлашимиз керак.

– Маъқул, Нурали амаки.

Иккови чорбоғ дарвозаси томон тез-тез юриб кетишди.

* * *

Ўш шаҳрининг ҳокими Муродбек қушбегининг ўрдаси... Аср охирлаб, шом яқинлашиб қолган, ўрда дар-

Мингбоши қўлидаги карнай қилиб ўралган номани очди-да, дона-дона қилиб бир бошдан ўқиб берди. Ўқиб бўлгач, нигоҳини яна бекларга қаратиб савол ташлади:

– Хўш, – мингбоши номани карнай қилиб ўрар экан, яна савол ташлади: – Хўш, саройдаги бу ғалаёнга нима дейсизлар?

Ўртага оғир сукунат чўкди. Шералихоннинг қатл қилиниши, Муродхоннинг тахтга ўтириши, боз устига Худоёрхоннинг қатлига фармон келиши, юзбоши бекларни довдиратиб қўйган эди. Ўтирганлардан бирортасининг гап бошлашга юраги дов бермас, ҳаммалари ҳаяжон билан мингбошига тикилиб қолишган эди. Ниҳоят, бекларнинг орасида ўтирган Баҳодир шиғовулнинг жияни Азимбек жойида бир қимирлаб олиб, бўғиқ овоз билан деди:

– Менга рухсат берсангиз, сўзласам.

Мингбоши бошини қимирлатиб, рухсат ишорасини берди. Ўтирганлар кўз тикиб тургани учун Азимбек бир оз ҳаяжонланди, сўнгра нафасини ростлаб олиб, дадилгина сўзлай бошлади:

– Мингбоши жаноблари, бизларни кўп нарсага ўргатдингиз, сафарларга олиб бордингиз, ўзимизга яраша тажрибалар орттирдик, чўлу биёбонларда юришгуришни, от чопиш, қиличбозлик, найза отишни ўргандик. Биз сизни ҳам устоз сифатида, ҳам мингбоши сифатида таниймиз. Шогирд сифатида таълим оламиз, навкар сифатида фармонингизни бажарамиз. Сиз қаёққа бошласангиз, сўзсиз итоат қилиб эргашамиз. Салтанатимиз ҳимояси учун жонимизни аямаймиз!.. Ҳар қандай фармон бўлса, бераверинг…

Боядан бери жим бўлиб ўтирган беклар бирдан жонланиб ҳаммалари бараварига Азимбекнинг гапларини маъқуллашди. Мингбоши ҳаяжондан кўзлари чақнаб ҳар қандай хавф-хатарга тайёр турган бекларга бирров кўз югуртириб, кўнгли хотиржам тортди. У чордонадан чўкка тушиб ўтирди. Чуқур нафас олиб, томоғини бир-икки қирди-да, салобат билан, деди:

– Баракалла, болаларим! Салтанатда сиздай жигитлар бўса, ҳар қандай жовға бас келамиз. Бизнинг фармонимиз қисқа ва лўнда! Саройни қўлга оламиз. Муродхонни айғоқчиларию хоинлари билан бирға қатл қип, Худоёрхонни тахтға ўтқазамиз!

Худоёрхоннинг тахтга ўтиришини эшитиб, хурсанд бўлган беклар, „ялт" этиб бир-бирларига қараб олишди. Мингбошининг гаплари уларга маъқул бўлган эди.

– Эртадан бошлаб тайёргарлиғ кўринғлар. Худо хоҳласа, индин саҳар жўлға тушамиз. Бу жердан Муродбек қушбеги минғта навкари билан қўшилади. Марғилоннинг беги Ўтаббой қушбегиям бир минғ, ярим минғ навкари билан „Чашмаи орифон"да қўшилади. Шаҳарға жоқин қоғанда Баҳодир шиғовул билан Султонбек парвоначи навкарлари билан қўшилади. Ўзимиздикилар билан ҳаммаси бўп беш-олти минғға жоқин бориб қолади, шу кифоя. Ўзинғғизға маълум, тўрт-беш кун жўл журамиз. Лекин мўлжални шундай олишимиз керакки, пайшанба оқшом, жумаға ўтар кечаси тунда шаҳарға кириб боришимиз лозим. Шаҳарға қалъанинг учта дарвозасидан кирамиз. Ўтаббой қушбеги қўшиннинг бир қисми билан „Риштон" дарвозасидан кириб, Муродхоннинг асосий навкарлари сарой олдидаги сарбозхонани босади. Султонбек парвоначи навкари билан „Тоғлиқ" дарвозасидан кириб, „Галабаққоллик"ни ўраб олади. Баҳодир шиғовул навкари билан Ашир буқоқнинг карвонсаройини ўраб олади. Биз қоған навкарлар билан „Марғилон" дарвозасидан кириб, туври саройға ҳужум қиламиз.

Мингбоши гапидан тўхтаб, бир оз нафасини ростлади. У бекларга бир-бир қараб чиқар экан, улардаги ўзгаришни сезди. Хонадаги беклар бир соат олдин, ташқарида бир-бирларини туртишар, ҳазил-ҳузул билан ўйинқароқлик қилишар эди. Ҳозир эса ҳаммалари бирданига беш ёшга улғайиб қолгандай жиддий ўтиришар, деярли киприк қоқмай, мингбошининг сўзларини диққат билан тинглашарди.

– Кейинги тафсилотларни понсод жанобларидан эшитасизлар.

Мингбоши, чордона қуриб ўтирар экан, боши билан Умарали понсодга ишора қилди. Беклар нигоҳларини Умарали понсодга қаратишди. Умарали понсод ўтирган жойида бир қўзғалиб олди-да, вазминлик билан сўз бошлади:

– Ўзингизга маълум, шаҳзода билан Саидбек, Нормуҳаммаднинг юзлиги билан бирга, боя қушбеги жанобларининг чорбоғларига борган эдик. Мингбоши жаноблари Нормуҳаммадга шаҳзодани Катта Кенагасга – Султонбек парвоначининг қароргоҳига саҳар олиб кетишга буюрдилар. Шаҳзоданинг ғалаёндан узоқроқ тургани маъқул. Саройни қўлга олсак, Худо хоҳласа, шаҳзодани олиб келиб, тахтга ўтқазамиз, – Умарали понсод гапидан тўхтаб, бекларга назар ташлар экан, нигоҳини Азимбекда тўхтатди, – сен ҳам Азимбек, йигитларингдан йигирматасини йўлга ҳозирла, саҳар йўлга чиқамиз. Амакинг Баҳодир шиғовулнинг чорбоғига борамиз. Шиғовул билан уч-тўрт соатлик маслаҳатлашадиган гапларимиз бор. Агар мўлжалланган режаларимиз амалга ошса, қалъа дарвозалари билан бирга сарой дарвозаларини ҳам ичкаридан очишга ҳаракат қиламиз. Амалга ошмай қолса, саройни қамалга оламиз. Халқни оёққа турғизиш керак бўлади, бундай пайтда қирғин бўлиши аниқ. – Умарали понсод шу гапларни айтар экан, мингбошига қаради, мингбоши тасдиқ ишорасини қилиб бошини қимирлатиб қўйди ва сўзида давом этди: – Мен ўша кечаси тўртта навкар билан ортга қайтаман, сен қолган навкарларинг билан Баҳодир шиғовулнинг хизматида қоласан, кейинги фармонларни фақат ундан оласан. – Умарали понсод бир оз фурсат сукут қилиб турди-да, кейин бекларга қараб гапини тугатди. – Мингбоши жаноблари билан бирга ўйлаган хомаки режаларимиз мана шулар. Мабодо кейинчалик бирор ўзгариш бўлса, ўрдага киришдан олдин хабарини берамиз.

Умарали понсод гапини тугатгач, мингбоши бекларга бирров кўз югуртириб чиқди. Эртаси кун буйи йўлга

ҳозирлик кўришни буюрди-да, қўлларини дуога оча туриб, Умарали понсодга қаради:

– Қона, понсод жаноблари, жўл олдидан жигитларга оқ фотиҳа беринг.

– Илоҳи оми-и-ин, – Умарали понсодга қўшилиб, ҳаммалари дуога қўл кўтаришди, – шу қилаётган адолатли ишимизда Худо ёр бўлсин, пирлар мададкор бўлсин, бобокалонларимиз арвоҳлари қўлласин, Худоёрхон хон бўлсин, душманлар ер билан яксон бўлсин, халқимиз шодон бўлсин, салтанатимиз обод бўлсин, Шералихон ҳазратлари билан Орифбек офтобачининг руҳлари шод бўлсин, шу маъракада соғ-саломат ғалаба қилишимизда Парвардигорим ҳаммамизга насибу рўзи қилсин, Оллоҳу акбар!!!

– Оллоҳу акбар! – жўр бўлиб ҳаммалари юзларига фотиҳа тортишди.

Доим хушёр турадиган ҳудайчи хонага кириб келди. Мингбошига таъзим қилди-да, қаддини ростлаб чақирди:

– Мингбоши жаноблари, меҳмонхонада дастурхон мунтазир, бошлаб, марҳамат қилсинлар!

Мингбоши жойидан қўзғалар экан, беклар гур этиб ўринларидан қўзғалишди-да, бир қатор тизилиб, қўл қовуштириб туришди…

Вақт хуфтон бўлган эди.

* * *

Саҳар ўрда дарвозасининг саҳнида мингбоши билан қушбеги, Умарали понсодни йўлга кузатишар экан, мулозим ушлаб турган отга етмасдан, мингбоши Умарали понсоднинг қўлидан ушлаб, тўхтатди:

– Понсод,… Баҳодир шиғовулга қоттироқ қип тойинланг, бир жўлини қип улимди чиғариб осин. Агар саройни қамал қиладиган бўсақ… – мингбошининг томоғига бир нарса тиқилиб, гапира олмай қолди.

– Хотиржам бўлинг, мингбоши жаноблари, – деди Умарали понсод, мингбошига таскин бериб, – борганда шиғовул билан обдон маслаҳатлашиб, чорасини топамиз. Худо хоҳласа, ғалаён тугагунча, ўғлингиз бехавотир жойда бўлади. Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин.

– Илоҳим, шундай б-бўсин.

Мингбошининг овози титраб, кўзларига ёш келди… У ғира-ширада кўздан ғойиб бўлган отлиқларнинг орқасидан узоқ вақт қараб қолди.

II БОБ

Умарали понсод Азимбекнинг навкарлари билан бирга Баҳодир шиғовулнинг чорбоғига қир томондан яқинлашар экан, тун яримлаб қолган, сокинликни чорбоғ ёнидан оқиб ўтаётган сувнинг шилдираши-ю, чигиртқаларнинг тўхтовсиз чириллаши бузиб турарди. Понсод отининг жиловини тортиб, тўхтади, ёнига яқинлашган Азимбекка паст овозда деди:

– Биз қир томонга қараган дарвозанинг олдига бориб турамиз. Сен Усмонали билан кўча томонидаги дарвозага боринглар, эҳтиёт шарт.

– Хўп бўлади, – Азимбек орқароқда турган Усмоналига бошини ирғаб, ишора қилди, – орқамдан юр.

Шундай дея отини ниқтади. Дарвозага яқинлашар экан, ойнинг хира ёғдусида кўчанинг у ёқ-бу ёғига аланглаб қаради. Отдан енгилгина сакраб тушди-да, жиловини Усмоналига тутқазди, қамчининг дастаси билан дарвозани оҳиста қоқди. Ҳовлидан сиртлон итнинг ҳуриши эшитилди. Бир оздан сўнг Баҳодир шиғовулнинг мулозими – Холиқулнинг уйқусираган товуши эшитилди:

– Ки-и-им?

– Секинроқ, овсар. Дарвозани оч!

– И-и-и, бек акам келибдилар-ку!

Холиқул дарвозанинг бир табақасини очар-очмас ҳовлидан катта бўрибосар ит отилиб чиқди. Кесилган думини ликиллатганича бор буйи билан сакраб, олдинги оёқларини Азимбекнинг елкаларига қўйди.

– Тур… Қоплон! – Азимбек, юзини яламоқчи бўлган итдан бошини орқароққа олар экан, қўлидаги қамчисини силкиб, пўписа қилди: – Нари тур, эш-ш-шак.

Қоплон, Азимбекнинг атрофидан бир-икки марта айланди-да, вовуллаб, яна ўзини ичкарига урди. Отлар

пишқириб, қулоқларини чимиришди. Ҳовлига кирган Азимбек, қўли билан Усмоналига „тезроқ кир" ишорасини қилди. Ҳуркиб ҳовлига кираётган отлар дарвозадан ўтиши билан дарвозани тамбалаётган Холиқулга ёрдамлашаётиб сўради:

– Ҳаммаларинг тинчми?

– Худога шукур, тинч, бек ака.

– Амаким уйдамилар?

– Ичкаридалар, уйғотайми?

Жавоб беришга улгурмасдан, ташқи равонда елкасига тўн ташлаб, шам кўтарган ҳолда бир-бир босиб келаётган Баҳодир шиғовул кўринди.

– Холиқул! Ким у, бемаҳалда?

– Бек акамлар келдилар.

– Ассалому алайкум! Амаки! – Азимбек шиғовул томон тез-тез юриб борар экан, ўзи билан ўйнашмоқчи бўлган итни ҳайдади. – Тур кет, Қоплон!

– Ўзингмисан, жиян. Кел, кел, соғ-саломат юрибсанми? Баҳодир шиғовул шамдонни айвон рафига қўйиб, зинадан тушар экан, хиралик қилиб турган итни ҳайдади. – Нари тур, ҳайвон! Буни қара, жиян, бу кучук болани ўзинг эрка қилиб ўстирдинг, энди қўйга ҳам бормаяпти, занжирга ҳам кўнмаяпти, падан-н-наълат.

Баҳодир шиғовул Умарали понсод билан тенгқур, ўрта бўйли, чорпахилдан келган, шоиртабиат, ақлли, ишнинг кўзини биладиган, Мадалихон давридан саройда хизмат қилиб келади. Элчи, чопарлардан ташқари сарой соқчиларини ҳам бошқариб назорат қилиб туради. Саройнинг хуфя жойларини шиғовулчалик биладиган одам йўқ. Баҳодир шиғовулнинг отамерос чорбоғи, шаҳардан бир чақирим наридаги жойлашган қишлоқнинг кун чиқар томонига туташган бўлиб, йигирма танобдан ошиқроқ чорбоғнинг атрофи тўрт пахса девор урилган. Мол-ҳол, экин-тикинлари ҳам шу чорбоғда. Тўрт танобдан ошиқроқ ердаги, боғнинг ўртасига ҳужралари билан олдини пешайвон қилиб каттагина меҳмонхона солдирган. Ташқари, ичкари ҳовли, айвонлари билан қурилган иморатда хос навкар-

лар, соқчилар, хизматкорлар истиқомат қилишади. Ўзи ёзни деярли чорбоғда ўтказар, шаҳарнинг „Ғиштқўприк" маҳалласида данғиллама ҳовлиси ҳам бор. Қашқар, Ёркент, Андижон, Наманган томонидан келадиган туя-карвонларининг йўли, шу чорбоғ ёнидан ўтиб, „Марғилон" дарвозасидан шаҳарга киради. Баҳодир шиғовул, жияни билан астойдил қучоқлашиб кўришиб, ҳол-аҳвол сўради:

– Қани менга қара-чи, оббо азамат-ей, яхши келдингми? Мунча кеч? Ўзинг келдингми? Понсод билан? Қайси понсод? И-и-и, Умаралибек келганми? Қани у? Ҳа-а-а, – Баҳодир шиғовул қаддини ростлаб, атрофга аланглади, – Холиқу-ул!!

– Лаббай, бек ака.

– Супадаги йигитлардан иккитасини олиб, тўрдаги дарвозага югур, аввал итларни уясига қаманглар. Навкарларни боғдаги меҳмонхонага олиб боришсин. Отларни бандарнинг тўрига олиб кириб, боғланглар. Ўзинг Умарали понсодни тўғри бу ёққа олиб келгин.

Баҳодир шиғовул уларни жўнатгач, супа олдида қолган йигитларга қараб, деди:

– Сан иккаланг боғдаги меҳмонхонага қараб югур. Йигитларни уйғотинглар. Жой солинглар, дастурхон ёзинглар. Кейин дарров ошга уннанглар. Йигитлар йўлдан очиқиб келишган.

Йигитлар шошибгина кетишгач, шиғовул равонга назар ташлаб кимнидир қидирди-да, тополмагач чақирди:

– Абдурасул!

Шундоққина шиғовулнинг орқасида турган Абдурасул дўриллаган товуш билан жавоб берди:

– Лаббай, бек ака.

Баҳодир шиғовул бир чўчиб тушиб, орқасига ўгирилиб қаради. Рўпарасида бошини сал эгиб, қўл қовуштириб турган семизгина Абдурасулга кўзи тушиб, кўкрагига „туф-туф" деганча унга қараб ўдағайлаб кетди:

– Вой писмиғ-ей, тўнка! Бунинг орқамда жимгина турганини қара, жиян. Одамларни чўчитишни санга шайтонни ўзи ўргатган. Буни гавдасига қаранг, тўйга

боқилган сўқим ҳам сени олдингда този итдай, „томга чиқаман“, деб ҳамма норвонни синдириб бўлдинг, ҳар қандай ҳужрага кирганингда эшикдан ёнинг билан сирғалиб кирасан, фил…

Азимбек билан нарироқда отларнинг жиловидан ушлаб турган Усмонали кулиб юбормаслик учун қовоқларини уйиб, қотиб туришар эди. Шиғовул узоқ танбеҳдан кейин ниҳоят, Абдурасулга буйруқ бера бошлади:

– Тезда бориб, катта ҳужрани тайёрла, дастурхон тузат, кейин қозонга ўзинг қара, Холиқул аканг чойга қарасин, югур, – сўнгра Азимбекка қараб, – жиян, сен Усмонали билан боққа чиқиб боринглар, йигитларингга бош-қош бўлиб тур. Бақир-чақир қилишмасин. Бирор кам-кўст бўлса, Усмоналини юбор.

– Хўп бўлади, амаки.

Азимбек боққа қараб юрар экан, қамчиси билан Усмоналига ишора қилди. Кўзларини Азимбекдан узмай турган қоплон, бу ишорани юз фоиз ўзига деб қабул қилди. Икки сакрашда Азимбекнинг олдига тушиб, ер ҳидлаганча йўл бошлаб кетди…

Бир оз фурсатдан кейин чорбоғнинг ичида оёқ учида сезиларли жонланиш бошланди. Шиғовулнинг йигитлари чаққонгина қимирлашарди. Меҳмонхонанинг бир томонига дам олиш учун кўрпачалар солишди. Бир томонда сабзи-пиёз тўғрашар, ўчоқ бошида олов ёқиб, қозонни ювишар эди. Йўлдан ҳориб келган навкарлар, яроғ-аслаҳаларини айвонга териб қўйиб, меҳмонхона ёнидан оқиб ўтаётган ариқда бет-қўлларини ювишди-да, бирин-кетин ичкарига киришди.

Бир дона шам билан ғира-шира ёритилган ташқи ҳовлида Баҳодир шиғовул у ёқдан-бу ёққа юриб, Умарали понсодни сабрсизлик билан кутарди. У Умарали понсоднинг келганидан хурсанд. Бир ҳафтадан бери ичи тўлиб, дардини кимга айтишни билмай юрар эди. Энди тенгқури келди, бугун маза қилиб ҳасратини тўкиб-солади. Шиғовул бир томондан хурсанд бўлса, бир томондан Умарали понсоднинг бевақт ташрифи уни

уйлантириб қўйди, „Понсод бошини хатарга қўйиб, бекорга келмаган бўлса керак. Ҳойнаҳой мингбоши, Шералихон қатлини, Муродхоннинг тахтга ўтирганини эшитган бўлса, шаҳардаги аҳволни билиш учун понсодни юборган шекилли. Яхшиям, тун ярмида келишди, Худо кўрсатмасин, айғоқчилар билиб қолгудек бўлса, янги хон ҳаммамизни қатор қилиб дорга остиради. „Шиғовулнинг этлари жимирлашиб кетди". „Парвардигор, товба қилдим, жаллоднинг дору кундасидан ўзинг асра...". Оёқ товушидан шиғовулнинг хаёли бўлинди. Боғ томондан Холиқул билан Умарали понсод олдинма-кетин чиқиб келишди.

– Ие, ие, Умаралибек, келсинлар, келсинлар, қадамларига ҳасанот, марҳабо, – Баҳодир шиғовул Умарали понсод билан қучоқлашиб кўришди, ҳол-аҳвол сўрашилгандан кейин шиғовул мулозимларига буюра кетди:

– Холиқул! Бек акангни камар, тунларини ол! Абдурасул! Сан қўлга сув келтир!

Обдон бет-қўлини ювган Умарали понсод артиниб бўлгандан кейин, Баҳодир шиғовул уни ҳужрага таклиф қилди:

– Қани, Умаралибек, ичкарига марҳамат.

– Ўзларидан бўлсин.

– Сиз меҳмонсиз.

Ортиқ такаллуф сиғмаслигини сезган Умарали понсод ҳужра эшигини очиш учун илдамгина олдинга ўтиб олган Холиқулга эргашди. Иккита шам билан ёритилган хонада Умарали понсод эгнида битта яктак билан роҳатланиб ўтирди, Баҳодир шиғовул патир ушатиб, чой қайтарар экан деди:

– Йўл чарчатиб қўймадими, Умаралибек? – деб сўради.

– Ҳа, энди, ёш ўтиб қолгани билиниб қоляпти, Баҳодирбек. Олдинлари кечаю кундуз отда юрсак ҳам чарчамас эдик, – Умарали понсод пиёлани олар экан, оёғини уқалаб қўйди, – ўзингиз тинчмисиз? Мол-жон омонми?

– Худога шукур, тупроқдан ташқари, – жавоб берди шиғовул, сўнгра Умарали понсодни дастурхонга мазмират қилди, – қани, Умаралибек, ош пишгунча яхна гуштдан, қатлама, қаймоқдан марҳамат қилсинлар.

Шундай дея ўзи бошлаб чиннидаги қаймоққа нон ботирди. Абдурасул аллақачон боққа чиқиб ошга унмаган, ташқи равонда Холиқул ҳушёргина бўлиб турар, ҳар-ҳар вақт оёқ учида даҳлизга кириб, ҳужрадагилардан хабар олар эди. Бир оз фурсат тамадди қилингач, Баҳодир шиғовул сўради:

– Ғалаённи бартараф қилдиларингизми? Мингбоши жаноблари қандай? Соғ-саломатмилар? Муродбек қушбеги тинчиб қолдими?

– Шаҳар тинч, Худога шукур, ҳаммалари соғ-саломат. Қушбеги ҳам анча тинчиб олди, лекин ... – Умарали понсод бир тўхтаб олиб сўзида давом этди: – Баҳодирбек, бу сафарги ғалаённи бостириш анча қийин бўлди. Амал тегмай қолган беш-ўнта амалпарастлар қирғиз, қипчоқни оёққа турғизиб, Мусулмонқулга қарши ғалаён кутаришибди. Халқ ҳам қўзғалган. Муродбек қушбеги „Одам бекорга қирилмасин", – деб бизни кутган. Бора солиб ғалаённи бостирдик, эртаси куни раста олдидаги майдонда, мингбоши додхоҳлиқ қилди. Ғалаёнга бош бўлганларнинг уч-тўрттасини дорга осиб, қолган беш-ўнтасига дарра урилди. Худога шукур, ҳаммаси тинчиб кетди. Халқ яна ўз тирикчилиги билан овора.

– Илоҳим, тинчлик бўлсин.

Умарали понсод бир оз фурсат қўлидаги пиёлага қараб сукут қилиб турди, кейин пешанасини тириштирганича Баҳодир шиғовулга қараб деди:

– Баҳодирбек, бемаврид келганимнинг сабабини фаҳмлаган бўлсангиз керак?

– Фаҳмлаяпман.

– Яхши, гапнинг индаллосини айтиб қўя қолай, уч кун олдин Ўшда мингбоши... Муродхондан нома олди. Хулласи калом, номада Мусулмонқулнинг мингбошилиқ лавозимида қолиши-ю, Худоёрхоннинг қатлига фармон берган.

Баҳодир шиғовул Умарали понсодга ялт этиб қаради, сўнгра бошини олдинга сал эгган ҳолда товушини пасайтириб сўради:

– Шаҳзода, қатл қилинмагандир?

– Йуғ-е, Баҳодирбек, шаҳзода ҳаёт.

– Хайрият! Ўзингга шукур! – шиғовул хотиржам тортиб, кейин бирдан тутоқиб кетди, – ҳе-ет-товба. Мусулмонқулни мингбошилиқ лавозимида қолдирган эмиш. Ахир мингбоши лавозимини Қодирбекка бердику, Мадаминбек қушбеги бўлди… Йў-ўқ, бу ерда бошқа гап бор, Умаралибек, бошқа гап бор…

– Буни биз ҳам фаҳмладиқ, Баҳодирбек. Шунинг учун мингбоши билан бир ишни маслаҳат қилувдиқ, бу ерга келишимдан ҳам мақсад шу.

– Қандай иш экан у, Умаралибек?

– Муродхонни қатл қилиб, Худоёрхонни тахтга ўтқазамиз.

Баҳодир шиғовулнинг кўзлари чақнаб кетди. Чордонадан чўкка тушиб ўтирди. Умарали понсодга тикилиб қараб турди-да, бир оз ҳаяжонланиб деди:

– Кўнглимдаги иш... Умаралибек. Мен тайёрман, нима қилишим керак?

Умарали понсод, анча ўйланиб қолди:

– Олдин бу ердаги аҳволни билишим лозим, Баҳодирбек, саройда бўлган ғалаёндан бошланг, шунга қараб режа тузамиз.

– Маъқул.

Баҳодир шиғовул вазминлик билан шошмасдан чордона қуриб ўтирди-да, томоғини бир қириб олиб, сўз бошлади:

– Ғалаён бўлган кун мен шаҳарда йўқ эдим, Умаралибек. Бир кун олдин раҳматли хон ҳазратларининг фармойишлари билан йигитларни олиб, уюрга кетдим. Эртаси кун бўйи йилқидан йигирма тўртта от ажраттик, индинига шаҳарга қайттик. Саройда фитна бўлганини йўлдаёқ бозорчилардан эшитдим. Қалъа дарвозасидан кирар эканман, соқчиларнинг менга таъзим қилиб ғалати қараб қўйишларини сезсам ҳам, сир бой бермадим,

фақат бош ирғаб, ҳеч нарса бўлмагандай олдинга босиб кетавердим. Йўлда тўп-тўп бўлиб юрган бегона навкарларни учратдим. Саройга яқин қолганда йигирматача бухоролиқ сипоҳилар йўлимни тўсишди. Олдинда турган уларнинг юзбошиси бўлса керак, беписандлик билан менга „тўхта“ ишорасини қилди. Ғазабимдан чаккаларим лўқиллаб кетди. Узангида оёққа турдим-да, юзбошига заррача эътибор бермасдан сипоҳиларга қараб ўшқирдим:

– Йўлни бўшат, ҳайвонлар!! Бу отлар Фарғона мамлакатининг хони Муродхон ҳазратларига қарашли отлар, қул теккизганнинг боши ўлимда, моли талонда, йўлдан қочларинг, лаънати куппаклар!!

Навкарлар бир зум бақрайганча қотиб туришди, улар мендан бундай шижоатни кутишмаган шекилли, кейин бирданига ҳаммалари юзбошиларининг буйруғини ҳам кутмасдан отларини ниқтаб, шоша-пиша йўл бўшатишди. Қовоғимни уйганимча бошимни ғоз кўтариб, шаҳдам йўлимда давом этдим. Юзбошининг такаббурлигидан асар ҳам қолмади. Ранги оқарганича орқадан кузатиб, қараб қолди. Йилқиларни хон отхонасига қамадим-да, сайисларга тайинлаб, йигитларим билан саройга йўл олдим.

– Шаҳарга кирмасданоқ қочиб кетсангиз бўлмасмиди? – сўради Умарали понсод буш пиёлани хонтахта устига қўйиб, ўлдиради ёстиққа суянар экан.

– Қариган чоғимда қочиб, қаёққа ҳам борардим, Умаралибек. Қочганни ушласа, қатл қилиши аниқ. Уйдан ҳибсга олиб ушлаб борса, ё ўлдиради ёки бадарға. Буладиган иш бир ёқлик бўлсин, деб, саройга бордим. Шу пайт нарироқда отини етаклаб, менга қараб келаётган Ғани тўқсоба[37]га кўзим тушди. Тўқсобанинг ранги учиб, қовоқлари осилган, жилов ушлаган қўли билинар билинмас титрар эди. У илдамгина юриб олдимга келиб тўхтади-да, хириллаган паст овозда деди:

– Бек ака, отни бойламанг!

– Нима учун?

– Шаҳарга киришингизданоқ хонға етказишган. Қодирбек сизни хонга ёмонлаб бўлди. „Ҳузури олий"га кирсангиз, хон қатлга фармон беради. Бу ердан тез кетинг, бек ака, ноумид шайтон, ҳали ҳам кеч эмас.

Ўзимни қизиқ гап эшитгандек тутиб, жилмайиб турдим-да, кейин дарвоза олдида бизни кузатиб турган навкарлар эшитадиган қилиб хахолаб кула бошладим. Кулганимни кўриб, ҳар хил хаёлга борган тўқсоба, кўзларини катта очиб бақрайганча қараб, қотиб қолди. Мен жилмайиб тўқсобанинг елкасига қоқиб қўйдим:

– Оббо Ғанибек ука-ей! Шунақа гаплар дегин, оббо сен-ей, – шундай деб яна кулдим-да, мен ҳам унга қизиқ бир гап айтгандай паст овозда дедим, – ўзингни хурсанд қилиб кўрсат, Ғанибек ука. Бизни кузатиб туришибди. Ҳа, ана шундай. Энди жилмайгин. Ё тавба, одам ҳам шунақа беўхшов жилмаядими? Даҳшат! Ҳа, майли, энди гапларимга яхшилаб қулоқ сол. Агар ҳозир сенинг гапингга кириб қочсам, икковимизни ҳам дорга осишади. Мени қочганлигим учун, сени эса хабар берганинг учун. Энди отнинг жиловини Холиқулга бер, ҳа, баракалла... Қани, энди мени „Ҳузури муборак"ка бошла, „Кимсан?", – деб бухоролик соқчилар асабимни бузишмасин, – шундай деб тўқсобага қараб кулдим. Ғанибек тўқсоба қўлидан келганча башарасини иршайтириб, чийиллаган овозда деди:

– Хон сизни қатл қилади, бек ака!

– Ким қачон қатл бўлишини Қодир эгамнинг ўзи билади, Ғанибек ука. Бу ёғи пешонадан. Қани, бошла.

Хотиржам турганимни кўриб, тўқсоба бошини сарак-сарак қилди-да, бурилиб, сарой томон йўл бошлади. Дарвоза олдида турган соқчилардан ўтиб, хон маҳкамасига йўл олдик. „Ҳузури муборак"ка яқинлашар эканмиз, қабулхонада ўтирган ҳудайчи[38] шошиб ўрнидан турди. Ғани тўқсоба бир қадам олдинга ўтиб, қотиб турган ҳудайчига деди:

– Хон ҳазратларининг ҳузурларига кириб, „Баҳодир шиғовул ҳузурингизга киришга изн сўраяптилар", – деб айтинг.

Ҳудайчи сўзсиз бош ирғади-да, хоннинг олдига кириб, тезгина чиқди:

– Хон ҳазратлари изн бердилар!

Ҳудайчининг орқасидан „Ҳузури муборак"ка кирдим, оёқ остига солинган янги гиламларни ҳисобга олмаганда, ҳаммаси ўша-ўша, ўзингиз билган ҳашаматли нақшинкор хона. Тўрда, тахтда Муродхон ўтирар эди. Икки ёнида амир Насруллохоннинг ноиблари. Қодирбек билан Мадаминбек ҳам шуларнинг қаторида. Хоннинг қовоғи солинган, ёнидагилар бир-бирлари билан кўз уриштириб олиб, истеҳзо билан менга қарашди. Қуйироқда ўтирган айрим бекларнинг кўзларида менга нисбатан ачиниш ҳисси бор эди. Хонга таъзим адо қилиб, уни қутладим:

– Тахти маврусийлари қутлуғу муборак бўлсин, олампаноҳ!

– Кимсан?

– Баҳодир шиғовул, Самадбек ўғли, олампаноҳ!

– Нима арз билан келдинг?

– Ҳисобот бергани келдим, олампаноҳ!

– Қандай ҳисобот?

– Уюрингиздан йигирма тўртта йилқини хос навкарларингиз учун олиб келдим, олампаноҳ.

– Уюр кимники?

– Сизга қарашли, олампаноҳ. От минганники, тўн кийганники, тахт ўтирганники, дейишади. Фарғона мамлакатининг мол-мулки энди сизнинг тасарруфингизда. Назорат қилиб, сизга ҳисобот бериш, бизнинг вазифамиз, қиблаи олам.

Назаримда хоннинг қовоғи сал очилгандай бўлди. Лекин ёнида ўтирганлардан бири ўрнидан туриб, унинг қулоғига алланималарни шивирлади. Хон бошини кўтариб, менга хумрайиброқ қаради:

– Олдинги хоннинг ўнг қўли бўлиб, садоқат билан хизмат қилган экансан, кўппак!

– Сизга тўғри айтишган, олампаноҳ. Мен ҳамма хонларга садоқат билан ҳалол хизмат қилиб келганман.

Хизматни раҳматли қиблагоҳингиз Олимхон ҳазратларидан бошлаганман. Ҳалол хизматларим учун хон ҳазратлари мени юзбоши қилиб тайинлаганлар.

Отасининг номини эшитган хоннинг кўзлари бир чақнади-да, яна аввалги ҳолига келди:

– Ҳамма хонларга садоқат билан хизмат қилган бўлсанг, нега Иброҳимбекка хиёнат қилдинг, итдан тарқаган?!!

– Хон авлодидан бўлмагани учун, олампаноҳ, – дедим хоннинг кўзларига тик қараб.

– Шунақа дегин, – хон тахтнинг суянчиғига суяниб, – фақат хон авлодига хизмат қиласанми?

– Шундай, олампаноҳ.

– Менга-чи?... Менга хизмат қиласанми?

– Фармон берсалар, хизматингизни қилавераман, олампаноҳ.

Хон заҳарханда қилиб Қодирбекка қараб олди, сўнгра қовоғини уйганча менга тикилди:

– Қатлга фармон берсам-чи?

– Тақдир, олампаноҳ. „Даҳмаи шоҳон"[39]га кўмдирсангиз, ўша ерда ҳам ота-боболарингизнинг хизматларини қилиб юраверaман.

Хон кулиб юборди. Атрофдагилар ҳам унга қўшилиб кулган бўлишди. Хоннинг юзи яна жиддийлашиб, мендан сўради:

– Отамни қатл қилишганда сен қаерда эдинг?

– Хон ҳазратлари Қуқонга қайтаётганларида учта юзлиқни Тошкент бегининг ихтиёрига ташлаб кетдилар. Мен ҳам юзлигим билан шуларнинг ичида эдим.

– Бор, боравер, озодсан, – деди хон, Қодирбекнинг ишораларига эътибор бермай, – кейинроқ сенга фармон юборамиз. Бориб ишингни қилавер.

Хонга қуллуқ қилиб, таъзим адо қилдим-да, орқам билан юриб „Ҳузури муборак"дан чиқдим. Сарой дарвозасидан ўтиб, бандарга қараб юрар эканман, „хон ҳозир чақириб қолади", – деган фикр хаёлимда ўйнар эди. Чорбоққа қандай етиб келганимни ўзим ҳам билмайман. Мана шунақа гаплар, понсод жаноблари.

Шиғовул гапини тугатар экан, пиёладаги совиб қолган чойни сипқорди. Ўртада бир оз жимлик чўкди. Умарали понсод, ўлим ваҳмини бошидан ўтказган Баҳодир шиғовулга қараб туриб ҳам ачинди, ҳам меҳри ошди.

– Сизни Парвардигоримнинг ўзи асрабди, Баҳодирбек, бир айтганингиз бор экан, – деди Умарали понсод томоғини бир қириб олиб, – „Ҳузури муборак"да, хон билан мавқеингизга муносиб даражада савол-жавоб қилиб қутулиб кетганингиздан беҳад хурсандман, Баҳодирбек, ниҳоятда хурсандман.

Баҳодир шиғовул, Умарали понсодга қараб кулиб гапирди:

– Товба қилдим, хоннинг олдида ўлимни писанд қилмаслик, шунча куч-қувват қаёқдан келди, билмайман, лекин чорбоққа борганимдан кейин бушашиб қўрққанимдан икки кунгача мазам қочиб, ўзимга келолмай юрдим.

– Одамзод борки, ҳаммаси ўлимдан қўрқадир, Баҳодирбек, – юпатган бўлди Умарали понсод, – фақат ғирт тентакларгина ўлимдан қўрқишмайди.

– Буни қаранг, понсод жаноблари, хоннинг олдида ғирт тентак бўлган эканманда-а?

Икковлари мириқиб кулишди.

– Хон бошқа чақиртирмадими?

– Йўқ, эртаси кечқурун Ғани туксоба чорбоққа келди. Суҳбат қилиб анча ҳасратлашиб утирдик. Бир кеча ётиб кетди. Фитна олдиндан тайёрланган экан. Амирнинг одамлари савдо карвони билан Қўқонга келиб, бир йил мобайнида карвонсаройда истиқомат қилишган экан. Ҳар хил моллар олиб келиб, тижорат билан шуғулланишган. Аввалига совға-салом билан Қодирбекни йўқлашган. Кейин амирдан нома олиб келиб беришган. Муродхонни тахтга ўтказиш эвазига мингбошилик лавозимини ваъда қилишган. Қодирбек ҳам мансаб эвазига бир нечта бекларни ўз томонига оғдирган. Сизларнинг Ўшга кетишингиз улар учун қулай фурсат бўлган. Ўшга кетганларингиздан тўрт кун кейин

бу ишни амалга оширишди. Бир кунда Шералихонни қатл қилиб, Муродхонни тахтга ўтқазишди.

– Ғалаёнгача Муродхон қаерда экан?

– Амирнинг кўрсатмаси буйича аввал навкарлари билан Қоратегинда бўлган, кейинчалик навкарлар Қоратегинда қолиб, ўзи уч-тўртта мулозимлари билан Ўратепанинг Найман ғузарида кутиб юрган. Қодирбек чопар юбориши билан Маҳрамда бирлашган. Шералихон қатл қилингандан кейин Яйпан орқали Қўконга кириб келишган, – шундай дея Баҳодир шиғовул бўғриқ-қанидан қип-қизариб, кимларгадир зарда қилиб қўл силтади, – жангсиз, қурбонсиз, ими-жимида тахтни эгаллагани одамга алам қилар экан, понсод жаноблари! Халқимиз ҳам бор бўлсин! Қўйдай ювош. Ким қаёққа етакласа, кетаверади. Шунга айтишганда „ўзингдан чиққан балога қайга борай давога", деб. Янги хон ош берган куни, яна шаҳарнинг ҳаммаси, беку уламосидан тортиб, бою камбағалигача қуллуққа келишди.

Умарали понсод, хуноби ошган Баҳодир шиғовулга қараб туриб деди:

– Ҳа-а, Баҳодирбек. Амирнинг одамларига тан бериш керак. Тахтни эгаллаш учун бир йил ичида, ҳамма нарсани ипидан-игнасигача ҳисобга олишган.

Шу пайт эшик очилиб, бир лаганда ош билан чойнак кўтарган Холиқул ҳужрага кирди. Қўлидагиларни дастурхонга қўйди-да, бўш чойнакни олиб, чиқиб кетди. Шиғовул гуштни патир устида тўғраб, ошга босар экан:

– Қани, Умаралибек, энди ошга марҳамат қилсинлар.

Икковлари дастурхонга яқинроқ жойлашиб, ошга машғул бўлишди. Ош устида шиғовул, ҳафта ичида ҳибсга олинганлар, қувғин қилинганлар, қатл этилганлар ва бошқа бир қанча воқеалар ҳақида гапириб берди. Умарали понсод Баҳодир шиғовул узатган чойни олар экан, сўради:

– Шералихоннинг жасадини қаерга қўйишди?

– Хон аввалига ҳамма жасадларни киши билмас, тунда довон йўлидаги эски қабристонга кўмдириб юбор-

моқчи бўлган экан. Лекин амирнинг ноиблари халқнинг норози бўлиб, ғалаён кўтаришидан қўрқиб, хон ҳазратларининг жасадини „Даҳмаи шоҳон"га, қолган жасадларни қабристонга дафн қилишга Муродхонни кўндиришибди. Жанозани хуфтонга яқин ўқишган, кўп киши бўлмаган. Навкарлар, беш-ўнта беку боёнлар, пешволардан, Шайхулислом[40] Сулаймонхўжа эшон, ноиблари халифа Сафохўжа эшон билан домла Холмуҳаммад охунд, қозикалон ҳамда бир нечта уламолар бўлишган. Жанозага шайхулисломнинг ўзлари ўтганлар. Шералихонни „Даҳмаи шоҳон"га, Мадалихоннинг қабри ёнига дафн қилишган. Қолганларни қабристонга кўмишган.

– Орифбек офтобачини-чи? – сўради Умарали понсод, қўлини сочиққа артар экан.

– Уни ҳам қабристонга, беклар ётган қаторга дафн қилишди. Ие, Умаралибек, ошдан олинг, ярим бўлмасдан қўл артаяпсиз.

– Бас, кўп едим, ош ширин бўлган экан, энди чой ичсак кифоя, – деди понсод, дандонков билан тишларини ковлар экан, – Орифбек офтобачи тўғрисўз, ҳақгўй одам эди. Парвардигор, бу марҳум мутаваффоларни раҳматига олсин.

– Ҳам, дав эди, – шиғовул овози титраб, – хонни тўсиб, бир ўзи еттита беку иноқларга қарши қилич суғурган. Бунинг учун шернинг юрагидек юрак керак. Биттасининг елкасига қилич солиб қулатган, бошқалари орқадан келиб, бўйнига қилич уришган, номардлар. Қодирбек билан Мадаминбек ҳам шуларнинг ичида бўлган.

Иккови бир зум жим қолишди. Шу пайт ҳужранинг эшиги очилиб, чойнак кўтарган Холиқул кўринди. Умарали понсод дастурхон четига чойнакни қўяётган Холиқулдан сўради:

– Азимбек йигитларининг олдидами?

– Йўқ, бек акам ҳозиргина ичкари ҳужрага кириб ётдилар.

– Йўлга йигитлардан тайинладими?

– Индамадилар.

– Қанақа йигитлар? Нима гап ўзи, Умаралибек? – сўради шиғовул.

– Саҳар йўлга чиқишим керак.

– Дарров-а, бугун ҳордиқ чиқариб, эртага тунда йўлга чиқсангиз бўлмайдими?

– Иложим йўқ, Баҳодирбек. Қўшин бошида мингбошининг бир ўзлари. Кечиксам, хавотирга тушади. Йўлдаги равотлардан бирида дам оларман.

– Майли, ихтиёрингиз, – шиғовул бир оз пешанасини тириштириб турди-да, Холиқулга қараб деди, – бек акангга индама, дамини олсин, ўзимизнинг йигитлардан тўрттасини йўлга ҳозирла. Отларимдан бирини понсод жаноблари учун ҳам эгарлаб қўй.

– Хўп бўлади, бек ака, – Холиқул бўш чойнакни олиб, ташқарига чиқди.

– Шуниси яхшироқ, Умаралибек, менинг йигитларим сизни кузатиб боришади, – деди шиғовул Умарали понсодга қараб, – йигитларингиз йўлдан чарчаб келишган.

– Маъқул.

– Энди бу ерда, биз қиладиган хизматдан гапиринг, Умаралибек.

Умарали понсод бир зум ўйланиб турди-да, сўнгра кўрсаткич бармоғини шиғовул томон нуқиб, гап бошлади:

– Хўп... Бўлмаса эшитинг, Баҳодирбек. Пойтахтда қилинадиган ишларга, мингбошининг ваколати билан сиз бошчилик қиласиз. Шаҳзода, Нормуҳаммаднинг юзлиги кузатувида шу бугун тунда Султонбек парвоначининг қароргоҳига етиб борган бўлиши керак. Орифбек офтобачининг ўғли Саидбек ҳам шулар билан. Нормуҳаммаднинг юзлиги билан Азимбекнинг йигитлари сизнинг ихтиёрингизда бўлишади, – шу ерда Умарали понсод, бир тухтаб олиб сўзида давом этди, – сиз бажарадиган вазифалар жуда ҳам мушкул ва қалтис, Баҳодирбек! Биз, Худо хоҳласа, пайшанбадан жумага ўтар

кечаси етиб келамиз. Қўшин тўхтамасдан шаҳарга кириб келиши учун учта дарвоза – „Риштон", „Марғилон", „Тоғлиқ" дарвозалари очиқ бўлишини таъминлашингиз лозим. Биз киргандан сарой билан сарой олдидаги сарбозхонани босамиз. Сиз, Баҳодирбек, Ашир буқоқнинг карвонсаройини қўлга оласиз, Султонбек парвоначи „галабаққоллик"ни эгаллайди. Лекин энг қалтиси сарой. Ўша тунда иложи бўлса, саройнинг ҳовлисига, юз эллик – икки юз нафар навкарни киритиш керак, Баҳодирбек. Саройнинг паст-баланд, хуфя жойлари ўзингизга маълум. Қўшиннинг келишига, саройнинг ички ва ташқи дарвозаларини очишга саъй-ҳаракат қилинг. Агар иложи бўлмай қолса, саройни қамал қилишга тўғри келади. Қамал қилингандан кейин қирғин бошланиб кетади, шиғовул жаноблари.

Умарали понсод гапини тугатиб, хонтахта устида турган пиёлани олди-да, ёстиққа суянди, сўнгра „нима дейсиз", дегандек шиғовулга қаради. Баҳодир шиғовул кўзларини юмиб олиб, хаёлга чўмди. Бир оз фурсатдан кейин Умарали понсодга қараб, деди:

– Қалъанинг дарвозаларию карвонсаройни амалласа бўлади, лекин саройнинг дарвозалари мураккаброқ... Майли, уч-тўртта беклар билан ўзимиз кенгаш қилиб, бирор йўлини топармиз.

– Яхши, шиғовул жаноблари, энди, яна бир нозикроқ масала. Мингбошининг ўғли Абдураҳмон хон ҳузурида экан... эшитгандирсиз?

– Қулоғимга чалингандай бўлувди.

– Муродхон Абдураҳмонни кафилликда ушлаб турибди, агар иш қамалга борса, у ёғи ўзингизга маълум. Бирор чорасини топиш керак.

– Буни Ғани тўксобага юклайман, ўзимизга қарашли беклардан ҳозирча шу саройга аралашиб турипти.

Икковлари анча вақтгача қалъа, сарой дарвозалари, қилинадиган вазифалар, чоралар, режалар ҳақида муҳокама қилиб бўлишгач, Умарали понсод деди:

– Бўпти. Хуллас, бажаришингиз керак бўлган вазифалар, мана шулар, Баҳодирбек. Бу ишларни қандай қилиб амалга ошириш, ўзларингизга ҳавола. Керак бўлган

пайтда Мусулмонқул мингбошининг номидан ҳар қандай фармонни бераверинг.

Баҳодир шиғовул бош ирғаб, деди:

– Маъқул. Бу ёғига беклар билан бамаслаҳат иш қиламиз. Азонгача икки соатларча вақт бор. Сиз ётиб, дамингизни олинг, бирор соатлардан кейин уйғотаман.

Шиғовул мулозимини чақириб, дастурхонни олдирди. Қисқа фотиҳадан кейин Умарали понсод ўтирган ўрнида бошини ёстиққа қўйиб, чўзилди. Шиғовул шамлардан бирини олиб, ҳужрадан чиқди. Даҳлизда ковушини оёғига илиб, айвонга ўтар экан, нариоқда қўл қовуштириб турган Холиқулга кўзи тушди.

– Йигитлар йўлга тайёр бўлишдими?

– Тайёр, бек ака. Супада ухлашяпти. Отларни ҳам озиғи билан тайёрлаб қўйдим.

– Баракалла, энди сен ҳам ётиб, бир оз дамингни ол. Бек аканларни кузатишдан олдин уйғотаман.

– Ўзингиз кириб, дамингизни олинг, бек ака. Жуда чарчадингиз. Айтган вақтингизда ўзим уйғотаман.

– Э-э, кўзимга энди уйқу келармиди, ўғлим. Дамингни олавер, – деди шиғовул, айвондан юриб, ичкари ҳовлига қараб бурилар экан.

Холиқул шиғовулни кўздан ғойиб бўлгунча кузатиб турди-да, айвон четига солинган кўрпачага чўзилиб қуя қолди. Баҳодир шиғовул хобхонасига кирди. Шамни токчага қўйиб, солиб қўйилган жойига чўзилди. Баланд қўйилган ёстиққа ёнбошлар экан, хаёлини бир жойга тўплаб, ўйлай бошлади, „Ишни нимадан бошласам экан, ҳў-уш, беклар билан гаплашиш учун, парвоначи билан Ғани тўқсобани чақиртириш керак. Қалъа деворидан ошиб ўтиш учун энг қулай жой „Марғилон“ билан „Риштон“ дарвозасининг оралиғи, пастқам жойлар, ҳам юқори пахсасидан анча жойи қулаб тушган. Таъмирлаш учун ичкари томондан ҳаррак ҳам қўйилган. Буни уста Мели билан гаплашишим керак... Лекин устани кундириш қийин, инжиқроқ... мингбоши фармон берди, десам, дарров кунади. Энди сарой... Бу қалтисроқ... Боғнинг қибла томонидаги эски қувурдан кирса бўлади,

фақат ичкаридаги соқчилардан эҳтиёт бўлиш керак... Парвардигор, ишимизни ўзинг осон қил...".

Саҳарга яқин Баҳодир шиғовул Умарали понсод билан тўртта навкарни кузатар экан, понсодга қаттиққина тайинлади:

– Жумага ўтар кечаси кеч қолиб юрманглар яна, биз саройда бўламиз, кун ёришига ўтса, мубораза қилишга тўғри келиб қолади.

– Хотиржам бўлинг, Баҳодирбек, Худо хоҳласа, бемалол улгурамиз.

– Йўлингиз бехатар бўлсин.

– Худонинг паноҳига топширдим.

– Яхши боринг.

– Яхши қолинг.

Отлиқлар бир зумда қоронғилик ичида кўздан ғойиб бўлишди. Баҳодир шиғовул улар изидан бир оз қараб турди-да, ичкарига қараб юрар экан дарвозани тамбалаётган Холиқулни чақириб, тайинлади.

– Эрталаб уста Мелини қаердан бўлса ҳам топиб келгин. Катта Кенагасга одам юбор, Султонбек парвоначига хабар берсин. Шом оралаб борар экансиз, десин. Ғани тўқсобага ҳам одам юбор. У ҳам шомда келсин. Кечқурунга шўрва ташаттириб қўй. Обдон милдираб қайнасин.

– Хўп бўлади, бек ака.

– Шошма, – кетмоқчи бўлган Холиқулни тўхтатиб, – боғдаги йигитлардан хабар олдингми?

– Йўқ ҳали. Ҳозир бориб, хабар оламан.

– Қўявер, ўзим бораман. Уста Мелини олиб келганингдан кейин мени уйғот.

– Хўп бўлади, бек ака.

Шиғовул, ишкомнинг тагидан ўтиб, боғ томонга қараб юрди. Ғира-ширада дарахтларни оралаб меҳмонхонага яқинлашар экан, айвондаги тартибсизликни кўриб, феъли айниди. Айвон устунларига тортилган арқонга қатор қилиб пайтавалар илиб қўйилган. Пастда чориқ, этиклар бетартиб сочилиб ётар, девор томонга яккам-дуккам қилиб милтиқ, қилич, найзалар тираб қўйилган. Баҳодир шиғовул меҳмонхона олдига етганда

супада ётган йигитлардан бири бошини кутариб қараб турди-да, шиғовулнинг гавдасидан таниди. Тезгина супадан тушиб, ярим таъзим қилди.

– Бек ака…

– Абдусаломмисан?

– Ҳа, менман, бек ака.

– Супадагилар кимлар?

– Узимизнинг йигитлар, бек ака.

– Барини уйғот! Тезда меҳмонхонага киришсин. – Шиғовул қовоғини уйганча, навкарлар ухлаб ётган хонага кириб борди. У хонага бирров кўз югуртириб чиқди-да, амирона таҳдидли овоз билан бақирди. – Ҳамманг ўрнингдан тур!!!

– Ах, ким бу?

– Ким келди?

– Нима гап?

Уйқусираган навкарлар орасида ғала-ғовур бошланди. Шиғовул қаҳрли оҳангда бақирди:

– Жим бўл баринг!! Жим деяпман, ҳайвонлар!!!

Хона бир зумда сув сепгандек жимжит бўлиб қолди. Супада ётган шиғовулнинг йигитлари ҳам ичкарига кириб келишди.

– Ҳамманг яхшилаб эшитиб олларинг! – кўзларини ола-кула қилиб деди шиғовул. – Сайилга келганларинг йўқ. Бу қанақа тартибсизлик? Ҳозир ҳамманг тонг ёришмасдан ҳожатга чиқ. Пайтаваю чориқларингни йиғиштиринглар. Қурол-аслаҳалар ёнларингда бўлсин. Кундузи эшик, деразадан бурунларинг ҳам чиқмасин. Тушундиларингми?! Бу ердаликларингни бирон жон зоти билмасин! Хоннинг айғоқчилари ҳамма жойларда изғиб юрибди. Худо кўрсатмасин сезиб қолгудек бўлса, битта қўймай ҳаммамизни дорга остиради! Овқатни йигитлар олиб келиб беришади. Қоронғи тушганда боғни айлансаларинг бўлади, лекин товушларинг чиқмасин. Четдан қараган одам, меҳмонхонада одам борлигини билмаслиги керак, – шундай дея эшик олдида қатор турган ўзининг йигитларига қараб, – санлар ҳам уч кун чорбоғдан чиқмайсанлар. Шаҳарга тушиш зарурати

бўлса, фақат Холиқулга айтинглар. Таниш-билишларга ҳам чурқ этманглар. Отларни яйловга олиб чиқманг. Ғарамдаги бедадан беринглар. Яна уч кун. Жумага ўтар кечаси, қалъанинг деворидан ошиб, саройга кирамиз. Ана шунга тайёрланинглар, тушундиларингми?! Азимбек йўқлигида қайси биринг катта?!

– Мен, Усмонали, бек ака. – тўрдаги бурчакдан овоз келди.

– Сен тартибни назорат қил! Энди ҳамманг айтганларимни бажаринглар!

Баҳодир шиғовул меҳмонхонадан чиқиб, дарахтларни оралаганча уй томон юриб кетди. Қишлоқдан хўрозларнинг қичқирган товушлари эшитила бошлади. Шиғовул ичкари ҳовлига кириб, Холиқул тайёрлаб қўйган обдастада таҳорат олди-да, бомдод намозига ўтирди…

* * *

Қуёш кетмон бўйи кўтарилган… Холиқулнинг сохта йўталидан, пинакка кетган шиғовул уйғониб, кўзини очди. Эшик қия очилиб, Холиқул кўринди. Шиғовул гапиришга эриниб, овозини чиқариб қўя қолди:

– Ҳа-а?

– Уста Мели амакини олиб келдим.

– Дастурхон ёздингми?

– Ёзганман, супада бек акамлар билан нонушта қилаяптилар.

– Яхши. Ҳозир чиқаман.

Холиқул эшикни ёпгач, шиғовул ўрнидан турди-да, ҳомуза тортиб, обдон керишди. Томоғини қирганича хобгоҳидан чиқиб, ташқи ҳовли томон йўл олди.

– Ие, ие, келсинлар, уста калон, келсинлар, – деди шиғовул дўриллаган овоз билан супага яқинлашар экан.

Ўрта бўйли, қисқа соқоли сийракроқ, жияк ёқа оқ сурп кўйлак устидан белбоғ боғлаб олган уста Мели дарҳол супадан тушди-да, оёғига чувагини илиб, иккала қўлини олдига чўзганича шиғовулга пешвоз чиқди:

– Ассалому алайкум! Бек ака!

– Ва алайкум, уста калон, ва алайкум! – шиғовул уста билан кўришиб бўлиб, орқадан келган Азимбекнинг қўлини олар экан, – яхши ётиб турдингми жиян? – деди-ю, жавобини ҳам кутмай: – Қани, супага марҳамат, – деб таклиф қилди.

Фотиҳадан сўнг, ҳол-аҳвол сўрашилди.

– Қани, дастурхонга марҳамат қилсинлар, – шиғовул манзират қилар экан, мулозимни чақирди, – Холиқу-ул!

– Лаббай, бек ака.

– Ниманг бор?

– Ҳозир ширчой тайёр бўляпти, бек ака.

– Тезлат!

Азимбек бир пиёла чой қуйиб, шиғовулга узатди-да, чойнакни уста Мелининг олдига суриб деди:

– Амаки, мен боққа ўтиб, йигитлардан хабар олай, керак бўлсам, чақиртирарсиз, – деди.

– Шошма… йигитларингни бир оз тартибини тузат, боя саҳар, бирров танбеҳ бериб келдим, кундузи ҳамма хонада бўлсин, боққа чиқиб юришмасин, шуни қаттиқ тайинла!.. Ҳозирги пайтда эҳтиётқорлик шарт, ҳушёрлик ҳам лозим, жиян... майли, энди боравер.

Азимбек кетгач, Баҳодир шиғовул уста Мелига қараб, гинахонлик қила кетди:

– Оббо уста Мели-е-ей!.. Чақиртирмасам, ўзингиздан билиб, „би-ир бек акамдан хабар олай“ ҳам демайсиз. Ака-укачилик, оқибат, шуми энди?

– Тирикчилик-да, бек ака, – деди уста Мели чой қуяр экан, шиғовулнинг, ўзига яқин олганидан сергакланиб, – ишимизнинг қизғини ёзда. Ўзингиз биласиз, уста халқи харидахўрмиз. Ёз бўйи ишлаймиз, қишда еб ётамиз.

– Ҳали ҳам қалъанинг деворида ишлаяпсизларми?

– Ўша ерда. Ўн турт-ўн беш газга яқин деворнинг юқори пахсаси тушиб кетган. Шу иш билан банд бўлиб турувдик…

– Ие, пахса уришни бошладиларингизми?

– Йўқ ҳали, харракларни ярим кутариб, хандақдан тупроқ кўчириб қўювдик, саройдаги тўс-тўполон, қирпичоқдан кейин ҳеч кимнинг иши бўлмай қолди. Биз ҳам ишни тўхтатиб қўйдик.

Иккита косада ширчой кўтарган Холиқул супа томон юриб келиб, аввал шиғовулнинг олдига битта косани, иккинчисини уста Мелининг олдига қўйди. Сўнгра бўш чойнакни олиб, изига қайтди.

– Қани, уста калон, ширчойга қаранг, – деди шиғовул ширчойга нон тўғраб, – ишни тўхтатиб қўйган бўлсангиз, ҳозир бекорчиман денг?

– Бекорчидан Худо безор, бек ака, – Уста Мели ширчойга нон тўғрар экан, – ҳовлида беш-олтита устун ётқизганман, шогирдларга шунинг кандакорлигига бош-қош бўлиб турибман.

– У ишни қўя туринг, уста Мели, – деди шиғовул ширчойни ҳўриллатиб ичар экан, – сизга бир хуфя иш бор.

– Қўлимдан келса, бош устига, бек ака, – деди уста Мели „хуфя" сўзидан бир оз чўчиб, – лекин умримда бирор марта хуфя иш қилиб кўрмаганман.

– Қўлингиздан келади, уста калон, шунинг учун ҳам сизни чақиртирдим.

– Қандай хуфя иш экан у, бек ака? – устанинг юраги безиллаб.

– Муродхонни тахтдан ағдарамиз, – дангал деди шиғовул, мўйловини силаб.

Уста Мелининг безиллаган юраги шувиллаб кетди. Ширчой томоғига тиқилаёзди. Косани маҳкам ушлаганча атрофга олазарак қараб олди. Сўнгра ранги учган ҳолда шиғовулга қараб, зўрма-зўраки иршайди:

– Ҳе-е, ҳазилингиз бор бўлсин, бек ака. Шунақаям ҳазил қиласизми? Сал бўлмаса ўзим супадан ағдарилиб тушардим.

– Ҳазиллашаётганим йўқ, уста калон. Уч кундан кейин тунда одамларни қалъа деворидан ошириш керак.

– Э-э, шундай демайсизми, бек ака, нима экан дебман, – бир оз тинчланган уста Мели ингичка бўйнини шиғовул томон чўзганича ҳамма нарсадан хабардор одамдек кўзларини қисиб шивирлади, – хоннинг тазйиқига учраган одамларни шаҳардан ташқарига чиқариб, қочиришимиз керак, топдимми, бек ака?

– Аксинча, уста Мелибой, аксинча. Одамларни шаҳарга олиб киришимиз керак.

– Шаҳарга-а?! – устанинг юраги яна шувиллаб, қисилган кўзлари катта очилди.

– Шаҳарга.

– Н-нечта одам? – дудуқланиб сўради.

– Нари-бери икки юзта, – деди шиғовул кўзларини лўқ қилиб.

– Икки юзта-а?!

Устанинг ранги оқариб, Баҳодир шиғовулга бақрайиб қараб қолди. Бир оздан сўнг ўзига келиб, ғўлдиради:

– Яна қирғин бўладими, бек ака? Ахир мен ёғоч чопишдан бошқа нарсага ярамайман!

– Сизни биров қилич чопсин деётгани йўқ, уста калон. Сиз бошқа ишни бажарасиз.

Иштаҳаси паққос бўғилган уста Мели, Баҳодир шиғовулга қараб, хаёлидан ўтди, „бир балони бошламаса эди бу, шайтоннинг шогирди. Икки юзта навкар билан хонни ағдармоқчи-я, овсар. Йўқ, бу ишга аралашмайман. Ҳамманинг уйини куйдиради, бу қари така“, уста Мели томоғини бир қириб олди-да, кекирдагини баланд-паст қилиб деди:

– Мени, маъзур тутасиз, бек ака, мен оддийгина бир уста бўлсам, менга бу иш…

Баҳодир шиғовул устанинг гапини дағаллик билан бўлди.

– Сизга бу ишни топширишни менга шахсан Мусулмонқул мингбоши жанобларининг ўзлари фармон бердилар.

Уста Мелининг ранги ўзгариб, гапи оғзида қолди, „ё, Парвардигор, бу ишларнинг тепасида мингбошининг ўзи турган экан-да. Саройга ўт қўйиб бўлса ҳам тахтни ағдаради бу дашти қипчоқ. Агар йўқ десам, саройга қўшиб капамга ҳам ўт қўйиши аниқ..., икки юзта навкари билан бекорга чиранмаган экан, бу қари даканг. Қодир эгам, бу ғалвалардан ўзинг паноҳингда асра“, уста ўлганининг кунидан шиғовулга бир амаллаб ишшайиб туриб деди:

– Шу гапни бошиданоқ айтсангиз бўлмасмиди, бек ака. Наҳотки мингбоши ҳазратларининг ўзлари мени тайинлаган бўлсалар?

– Шундай, уста калон, сизни тайинлаган эдилар, – шиғовул уста Мелига ўгринча қараб олди-да, лоқайдлик билан сўзида давом этди, – на чора, рад қилганингизни мингбоши жанобларига айтиб, ўрнингизга уста Сарварни тайинлаймиз, шекилли.

– И-и-и, ҳай, ҳай, бек ака! Ахир, мен „йўқ" демадимку. Фақат бу ишни олдин машқ қилиш керак, демоқчи эдим холос, – уста Мели, қип-қизарганича шоша-пиша олдини ола бошлади, – Сарвар чўлоқ, бу ишни эплай олмайди, у устозига ҳалигача „арвоҳи пир" ошини қилиб бермаган, ғирт муттаҳамнинг ўзи-ку. Мингбоши жанобларининг ҳар қандай фармонлари биз учун қонун. Айтинг, мен нима қилишим керак, бек ака?

– Мана бу бошқа га-а-ап, уста Меливой. Ахир сизга, мингбоши жанобларининг назарлари бекордан-бекорга тушмаган бўлса керак.

– Шундай, бек ака, шундай. Ҳазратимнинг пешайвонларидаги, чортарош харининг устунларини ўзим қўйганманда, назарлари ўшанда тушган.

– Офарин, уста калон, офарин, – Баҳодир шиғовул устани олқишлаган бўлди, – энди ишга ўтсак. Аввало, қалъа деворидаги харракларни битказиш керак. Қанча вақт керак бўлади?

– Икки-уч кунда тамомласак керак.

– Ишни жадаллаштиринг, уста Мели, узоғи билан эртаси кечгача тамомлаш лозим.

– Ҳаракат қиламиз, бек ака. Ҳозир бора солиб, шогирдларни йиғиб ишни бошлаб юбораман, Худо хоҳласа.

– Маъқул, харраклар бақувватми?

– Бақувват, ҳаммаси болордан қурилган, мустаҳкам, бек ака.

– Яхши, тепасига нечта одам сиғади?

– Зичроқ турса агар, ўттиз-ўттиз бешта сиғиб қолар.

– Бўлади. Энди яхшилаб қулоқ солинг, уста, – Баҳодир шиғовул қўйнидан беш-олтита тангаларни олиб, уста Ме-

лига берар экан, – мана бу тангаларга, харракдан ергача етадиган қилиб, ўнта-ўн бешта йўғонроқ арқон сотиб олинг. Ҳар бир арқоннинг орасини бир газдан қилиб тугинг. Пайшанба куни кундузи ҳамма арқонларни, харракнинг устига олиб бориб қуйинг. Ишончли шогирдлардан иккитасини олинг-да, қоронғи тушиши билан арқонларнинг бир учини харракка боғлайсизлар. Иккинчи учини девор ошириб ташлайсизлар. Иложи борича товуш чиқармасдан ҳаракат қилинглар… Девор ошиб, харракка тушган навкарларни пастга юбораверинг. Пастда одам бўлади. Ҳамма ошиб бўлгандан кейин, арқонларни тортиб олинглар-да, уй-уйларингизга тарқалинглар. Сиз бажарадиган хуфя иш мана шу, уста Меливой.

Баҳодир шиғовул гапини тугатиб, дастурхондан бир шингил узумни олди-да, шошмасдан ея бошлади. Беш дақиқа олдин ҳар қандай ишга тайёр турган уста Мелининг ранги учиб, танаси ярим тахта бўлиб қолган эди. У бажариши лозим бўлган хуфя ишни шиғовул айтиб бўлиши биланоқ, орқасидан айғоқчи тушгандек, атрофга аланглаб юраги ғаш тортди. „Ё товба, товба! Эртага қиёмат бўляпти-ю, бу жангарининг томоғидан узум ўтганини қаранг… Ҳе-е-ех-хуфя ишинг ордона қолсин… Икки юзта навкарни ўзи бўладими… Тунги соқчилар кўриб қолишса нақ харракнинг устида дорга осишади-я… Парвардигор, ўзинг уларнинг кўзини кўр қил… Қилсам, бир бало, қилмасам, минг бало… Қодир эгам, шу ғалвалардан омон эсон чиқсам, Баҳовуддин пиримнинг арвоҳларига етти чалпак назр қилиб, пилик ёқаман". Баҳодир шиғовул илимилиқ бўлиб ўтирган уста Мелига зимдан қаради, „э, ҳа-а, афти ангорига қараганда, бу қилтириқ уста, чўчиб қолган, шекилли, тобини келтирмасам, ишни ланж қилиб қўймасин яна…"

– Ҳа-а, уста калон, дамингиз чиқмай қолди, қўрқяпсизми?

– Йўғе-е, бек ака, нимадан ҳам қўрқар эдим, – деди уста Мели, ўзини хотиржам қилиб кўрсатишга уриниб, – лекин, шу десангиз, этларим увушиб, бўшашиб кетяпман,

товба. Худди биров орқамдан пойлаб тургандай. Ахир умримда бундай хатарли ишни қилганим йўқ-да, бек ака.

– Асло чўчиманг, уста калон, кимга-кимга-ю, лекин сиз учун хатарли жойи йўқ, – деди шиғовул, узумдан нам бўлган қўлларини сочиққа артар экан, – шунинг учун ҳам мингбоши жаноблари сизни тайинладилар… Аравага болта, арра, теша, арқон, андава шунга ўхшаган устачилик анжомларини ортиб, шаҳар айлансангиз, ҳеч ким сиздан шубҳаланмайди. Чунки сиз устасиз. Энди мана буни олиб қўйинг, уста Мелибой, – Баҳодир шиғовул қўйнидан чоғроқ халтачани чиқариб, устага тутқазар экан, – бу хизмат ҳақингиз.

– И-и-и, бек ака, хафа бўламан, – уста халтачага қараб, юзларига қон югурди, – биз бу ишни, холисанлиллоҳ қиламиз…

– Бу халтачани сизга беришни мингбоши жанобларининг ўзлари буюрганлар. Ҳалигача бирор кимса у кишининг қўлларини қайтаришга журъат қилмаган. Агар халтачани олмасангиз, мингбоши жанобларини ранжитган бўласиз, уста калон.

– Э-э-э, шунақами, шунақами? Товба қилдим, бек ака, ҳазорон товба! Халтача у ёқда турсин, Ҳазратимнинг ҳар бир босган излари ҳам биз учун табаррук, – уста Мели халтачани қўйнига солар экан, юрагининг ғашлигию чўчинқирашлар бир зумда йўқ бўлиб, бирдан ботирлиги тутиб кетди, – икки юзта навкар ҳам гап бўптими, бек ака, мингбоши жанобларига айтинг, керак бўлса ҳамма қўшинларини қалъанинг деворидан ошириб юбораман.

– Ҳа-аддагар! Баракалла! – устани мақтади шиғовул, – аслида, бундай юрак билан сарбоз бўлиб хизмат қилсангиз бўлар экан.

– Сарбоз бўли-иб! Нималар деяпсиз, бек ака... Сарбозликдан Худо сақласин, – уста Мелининг капалаги учиб, шиғовулга қаради, унинг чақчайиб турганини кўриб, дарров текислаб қўя қолди, – сарбозлик ҳам яхшику-я, тасаддуқ, лекин биз халқнинг хизматидаги одам, шу десангиз, тинчгина пойтешани тиқиллатиб

юрганим маъқул, – сўнгра шоша-пиша гапни бошқа ёққа бурди, – ҳозир бориб, шогирдларни йиғсам, бир соатлардан кейин ишни бошлаб юборамиз. Худо хоҳласа, эртага асрга қолмай харракни битирамиз, пайшанба куни арқонлар билан банд бўламан. Қани, бек ака, кушойиши корга ўзингиз бир оқ фотиҳа беринг.

Энди ёнбошлаган Баҳодир шиғовул туриб, ўтирда-да, дуога қўл очди:

– Оми-ин!! Парвардигор, сизларни ўз паноҳида асрасин. Сизларга куч-қувват берсин, мингбоши жанобларининг олдида обрў-эътиборли қилсин, Оллоҳу акбар!!

– Оллоҳу акбар!, – жўр бўлиб юзига фотиҳа тортди, уста Мели, кейин супадан тушиб чувагини кияр экан, деди, – энди, бизга жавоб, бек ака.

– Майли. Яхши боринг, Меливой. Худо ёр бўлсин…

Устани кузатгач, Баҳодир шиғовул ёнбошлаганча кўзларини юмиб хаёлга чўмди: „Ху-уш, шаҳарга кириш масаласи ҳал бўлди. Парвоначи билан тўқсоба келишса, дарвозаларни маслаҳат қиламиз… Энди мингбошининг ўғлини муҳофаза қилиш керак, лекин қандай қилиб… Саройдан қочириб бўлмайди, соқчилар янги хоннинг навкарларидан… Уни тагхоналардан бирига яшириш керак… Тагхона, ҳарам билан ошхонанинг тагида, у ерга ҳар ким ҳам бора олмайди, эшик оғаси борса бўлар эди, лекин уни қатл қилишди… Жин урсин… Яна кимга ишонса бўлади…“. Шиғовул сарой аъёнларини, ҳудайчидан тортиб ясовул[41]гача бир-бир кўздан ўтказди, „бирортаси ҳам тўғри келмайди… Фақат Ҳокимойим уддасидан чиқиши мумкин. Лекин унга қандай қилиб етказамиз… Ҳарамга Заҳро сатангни юбориш керак, ҳа, ҳа, Заҳро сатангни юбориш керак, Ҳокимойим азадор, Заҳро кўнгил сўрагани боради, ахир яллачиси-ку, ҳеч ким шубҳа қилмайди. Заҳродан, нома битиб юбораман“. Шиғовулнинг юмилган кўзлари ярим очилди, ўрнидан туриб, ўтирар экан, бурнининг тагида ғўлдиради „нома битиш керак, Ҳокимойимга нома битаман. Заҳрога номани Ғанибек олиб бориб беради. Мингбошининг но-

мидан буюрса, юраги ўйнаганидан саройга бепаранжи югуриб қолади яллачи сатанг. Бу ишни тезлатиш керак. Ҳозироқ номани битиб, тўқсобадан юбориш керак". Баҳодир шиғовул хаёлига келган фикрлардан мамнун ҳолда супадан тушиб, ковушини кияр экан, мулозимини чақирди:

– Холиқул!

Ҳужрани йиғиштираётган Холиқул бир зумда шиғовулнинг рўпарасида қўл қовуштирди.

– Тезда Ғани тўқсобани топиб, олиб келгин!

– Аллақачон одам юборганман, бек ака. Ўзингиз тайинлагандек шом оралаб келадиган бўлдилар.

– Ий-уқ!! Ҳозир топиб келасан! Ўзинг борасан. Ваҳима қилмасдан айт. „Зарурат ишлари чиқиб қолди, ҳозир борар экансиз", – дегин. Тўқсоба бир соатдан кейин шу ерда бўлсин. Қани, энди ғизилла.

Холиқул сўзсиз бош ирғади-да, ҳовли четидаги бандарга қараб шошибгина кетди…

* * *

Ҳокимойимга битилган номани Баҳодир шиғовулдан олган Ғани тўқсоба, Холиқулнинг кузатувида йўрғани етаклаб дарвозадан чиқди. Узангига оёғини қўйиб ўтирмасдан бир сакраб ўзини эгар устига олдида, отига қамчи босиб, шаҳарнинг „Марғилон" дарвозаси томон чоптириб кетди.

III БОБ

Нормуҳаммаднинг юзлиги Муродбек қушбегининг чорбоғини тарк қилгандан бери иккинчи кун йўл босиши. Юзлик илдамгина йўл босар, равотларда, қудуқларда тўхтаб, ўн беш-йигирма дақиқа отларга дам бериб, суғориб яна йўлга тушарди. Юзликдан уч юз-тўрт юз қадам олдинда илғор ўнлик тўдаси йўл бошлаб борар, рўпарада карвон кўриниб қолса, йўлни ўнгга ёки чапга солар, юзликни орқасидан эргаштириб, пастқам йўллар билан карвонни айланиб ўтарди. Нурали сарбоз Худоёрхоннинг ёнидан бир қадам ҳам жилмасдан доим

ёнида юрар эди. Равотларда тухтаб, дам олишганда кечалари тунашдан олдин гулхан олдида, узи қатнашган жангу жадаллар ҳақида Худоёрхон билан Саидбекка ҳикоя қилиб берар, иккови кузларини катта очганича жон қулоқлари билан тинглашар эди. Худоёрхон жангу жадал туғрисида Нурали сарбозни саволларга кумиб ташлар, у ҳам эринмай ипидан игнасигача сузлаб берар эди. Сал буш қолди дегунча Худоёрхон Нурали сарбозни қистар эди.

– Қани, Нурали амаки, жангномадан олинг!

Биринчи куни Худоёрхон Саидбекни эргаштириб, у ёқ-бу ёққа от солганлигини ҳисобга олмаганда тинчгина утди. Лекин эртаси куни йулга тушишдан олдин Нормуҳаммад галдаги илғор унликни ажратар экан, ёнида турган Худоёрхон ундан суради:

– Бугун илғор унлик кимники?

– Назиркулнинг унлиги, шаҳзодам, – жавоб берди юзбоши, Худоёрхоннинг нима учун сураганини тушуна олмай.

– Қани у?

Худоёрхон юзликдан ажралиб чиқаётган отлиқларга кўз югуртирар экан, отидан сакраб тушиб, қулини куксига қуйган навкарга қараб :

– Бугун сенинг тудангга иккита навкар қушилади, Назиркул. Мен билан Саид.

– Бундай қилиб булмайди, шаҳзодам, – деди Нормуҳаммад шоша-пиша, жойида айланмоқчи булган отнинг жиловидан тортиб, тинчитар экан, – илғор унлик олдинда юриб, у-бу хатардан юзликни огоҳ қилиб туради, сизнинг, тудага қушилишингиз тартиб-қоидага хилоф, шаҳзодам!

– Шундай денг, бугундан бошлаб тартиб-қоидани мен урнатаман, бек! – Худоёрхон отнинг бошини йулга бурар экан, – бугун юзликни, сиз айтган у-бу хатардан мен огоҳ қиламан. Ахир айтишади-ку, „гоҳ пирдан, гоҳ муриддан“ деб, – Худоёрхон кулиб юборди-да, отига қамчи босар экан, қичқирди, – қани йигитлар, олға!

Илғор унлик, юзбошининг буйруғини ҳам кутмасдан Худоёрхоннинг кетидан от қуйди.

– Шаштини қайтармай яхши қилдингиз, бек, – деди Нурали сарбоз, тўданинг орқасидан қараб қолган Нормуҳаммадга.

– Қизиқ гапларни гапирасизда, Нурали амаки, – Нормуҳаммад узоқлашаётган илғор тўданинг орқасидан кузатар экан, қамчисини олдига чўзиб юзликка юриш ишорасини қилди, – шаштини қайтариш у ёқда турсин, яна бир оғиз сўз айтганимда қамчи тортиб юборар эди, – кейин шикоятомуз гапини давом қилди, – ўзингиз кўрдингиз, бу галги сафарда бирор кун тинганим йўқ. Жавобгарлик. Олдинлари шўхлиги меъёридан ошиб кетса, „Хон ҳазратларига айтаман", – деб ёлғондакам пуписа қилсам, дарров кўнарди, ҳозир қаёқда, ҳеч кимдан тап тортмайди, ерга урсанг, осмонга сапчийди, хон ҳазратларига айтмаслигимни билади, шекилли. Битта шаҳзода зоти билан бир кун юргандан кўра, ўнта хон билан ўн кун юрган афзал. Астафируллоҳ, товба қилдим, товба қилдим. Ҳали бу бояқиш отасининг қатл қилинганлигини билмайди. Шўхлик қилиб, завқ-шавқ билан юрган бола отасининг қатлини эшитса, қай аҳвол га тушишини тасаввур қила олмайман. Шаҳзодага айтишга тилим ҳам бормаяпти, юрагим ҳам дов бермаяпти, Ну-рали амаки.

– Ҳа-а, сизга оғир, бек. Мингбоши жаноблари сизга масъулиятли вазифани юклаганлар, – деди Нурали сарбоз, Нормуҳаммадга ҳамдардлик билан, – лекин бугун-эрта айтмасангиз бўлмайди, узоқдан келтириб, ётиғи билан айтинг. Иккови ҳам Кенагасгача кўникиши лозим.

Нормуҳаммад узангига тиралиб, эгарга жойлашиброқ ўтирар экан, Нурали сарбознинг гапини тасдиқлаб, бош ирғаганча деди :

– Гапингиз маъқул, Нурали амаки, айтишим керак, айтмасам, бўлмайди. Парвардигор, ўзинг сабр-тоқат бер... Ие, Нурали амаки, илғор тўда мунча ҳам узоқлашиб кетмаса.

Юзлик йўрға юришда йўл босар, илғор ўнлик анчагина илгарилаб кетган... Ёзёвон чўлининг паст-баланд қум ерларида тақир жойлар, сийрак саксовулзорлар,

шўралар, кичик-кичик тўқайзорлар учрар эди. Илғор ўнликни бошқариб бораётган Худоёрхон завқ-шавқ билан отларни дам чоптириб, дам йўрттириб борар, жиғибийрони чиқиб, изма-из келаётган Назирқул Худоёрхонга бақириб гапира олмас, отлари тенглашиб қолганида тинмай ялинарди :

– Қулингиз бўлай, шаҳзодам! Отларни чоптирмас дан йўрға қилиб ҳайданг. Орқамиздан юзлик кўринмай қолди... Шу кетишимизда чўлда бир-биримизни йўқотиб қуямиз... Йўрға ҳайданг, шаҳзодам!

– Қўрқма, Назирқул. Нурали амаки бемалол изимиздан топиб келади, – шундай дея Худоёрхон отига қамчи босар, чангда қолиб кетган Назирқул, овозини чиқармасдан бисотидаги бор сўкиниши билан Худоёрхонни сўкиб борар эди...

Чўлнинг қибла томонидаги ягона сардобада юзлик бир оз фурсат дам олар экан, Нормуҳаммад отини суғораётган Назирқулга яқинлашди:

– Ҳорма, Назирвой!

– Саломат бўлинг, бек ака.

– Шаҳзода чарчатмадими? Чарчаган бўлсаларинг, илғорни бошқа ўнликка алмаштирай?

– Йўғ-э, чарчаганимиз йўқ, бек ака, – деди Назирқул ўлганининг кунидан ишшайиб, – шаҳзодани кузатиб бориш биз учун шараф.

– Шунақа дегин.

– Шунақа, ҳатто шаҳзода билан одам зерикмас экан, – деди Назирқул ўзини хурсанд бўлгандек кўрсатиб, – қани энди ҳар доим ҳам шаҳзодани кузатиб борсак.

– Яхши, унда сен айтганингдек бўла қолсин, – Нормуҳаммад кўзларини айёрона ўйнатиб, – эртага ҳам сенинг ўнлигинг шаҳзодани кузатиб боради бўлмаса.

Назирқулнинг юзидан бир зумда сохта хурсандчилиги йўқолди. Ишшайган оғзи чўччайиб, шоша-пиша Нормуҳаммадга арз қила кетди:

– И-и-и, бундай олий жазо қайси гуноҳларим учун, бек ака, ахир шаҳзода ўнликка бош бўлиб олган. Отнинг бошини қаёққа бурса, ҳаммамиз ўша ёққа от соламиз.

Пешингача орқасидан итдек чопиб, эргашиб юрдим. Яна бир кун шаҳзодани кузатиб борсак, бутун тўда, ҳаммамиз жинни бўлиб қоламиз, бек ака!

– Ҳа-а-а, тилингдан тутилдинг-ку, – юзбоши кулиб юборди, кейин Назирқулнинг елкасига шапатилаб, юпатган бўлди, – майли, кечгача бир амаллаб тургин. Эртага ҳордиқ чиқарасан...

Йўлга тараддудланиб, ҳамма отига минди. Худоёрхон илғор тўдага бир кўз ташлади-да, отига қамчи босиб, жиловини бўш қўяр экан, қичқирди:

– Илғорлар, ортимдан!

Бир зумда узоқлашган илғор тўданинг орқасидан юзлик йўлга тушди... Вақт қиёмидан ўтиб қолган... Кун қиздирар, югур-югур қилиб толиққан тўдага энди Назирқулнинг ўзи йўлбошчилик қилар, Худоёрхон ҳам иссиқда жимгина, Назирқул билан ёнма-ён йўртиб борар эди. Ўрта миёна қирни айланиб ўтишди-да, узоқда кетаётган карвонга кўзи тушган Худоёрхон отини секинлатиб тўхтатди :

– Саид, кетаётган карвонми?

– Карвон, шаҳзодам.

– Қаердан келаяпти?

– Карвон Қашқар ёки Хитойдан келаяпти.

– Сабаб?

– Сабаби, Андижон, Наманган карвон йўли қибла томонда, ўнг томонимизда қолиб кетди. Бу йўл кун чиқар томондан келган. Лекин карвон Қашқардан келганми ёки Хитойдан келганми, бунисини билмайман.

– Шунақа дегин! – деди Худоёрхон жонланиб. – Бўлмаса, буни карвоннинг олдига борганда биламиз.

Назирқул жон ҳолатда Худоёрхонни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилди:

– Бундай қилманг, шаҳзодам. Карвон олдига боришни бек акам ман қилганлар.

Худоёрхон қаҳр билан Назирқулга қаради:

– Бек аканг кимга ман қилган? Мангами?

Назирқулнинг дами ичига тушиб кетди. Худоёрхон отини ниқтар экан, қамчисини карвон томонга чўзиб, қичқирди:

– Қани йигитлар, карвонга қараб олға!!!.

Тўда билан бирга Худоёрхоннинг орқасидан от қуяр экан, Назиркул норози оҳангда ғўлдиради:

– Ё, парвардигор! Юзбоши энди теримни аниқ шилиб олади. Кенагасга боргунча бутун юзликни чарчатиб ўлдиради бу хоннинг боласи.

Илғор тўда шиддат билан от чоптириб, оз фурсатда карвонга етиб олди. Ўттиз-қирқ қадам оралиқда карвон билан ёнма-ён от қуйиб боришди. Икки юздан ошиқроқ туядан иборат бўлган катта карвон, салобат билан йўл босар, карвоннинг икки томонидан ҳар ўн беш-йигирма қадамда битта отлиқ соқчи-навкар, карвонни қўриқлаб борар эди. От чоптириб келаётган бир тўда отлиқларни кўрган карвон соқчилари карвонни ҳимоя қилиш учун бир қатор сафланди, ўзининг найзаларию милтиқларини отлиқлар томонига қаратишди. Мудофаада турган соқчиларга кўзи тушган Худоёрхон шўхлиги тутиб, қамчисини баланд кўтарганича қийқирди. Соқчиларнинг ўртасида саросималик бошланди. Улар узоқдан чанг кўтариб келаётган юзликни ҳам кўриб, кўпроқ хавотирга тушишди. Соқчилардан бири карвоннинг олди тарафига қараб от қуйиб кетди. Ўтакаси ёрилиб кетган Назиркул отига қамчи босди-да, Худоёрхонга етиб олиб, унга ялина бошлади:

– Хоки пойингиз бўлай, шаҳзодам, қийқирманг! Улар бизни „қароқчилар" деб ўйлашлари мумкин.

Худоёрхон отини секинлатар экан, Назиркулга ажабланиб қаради.

– Эсинг жойидами, Назиркул? Наҳотки қароқчиларга ўхшасак?

– Ха-да, қип-қизил қароқчиларнинг ўзгинасимиз, шаҳзодам, – деди Назиркул жон ҳолатда Худоёрхони ишонтиришга уриниб, – карвонларга фақат қароқчиларгина қийқиришиб от қуйишади, кейин ҳуштак ҳам чалишади.

– Қаёқдан биласан, нима, сен қароқчилик қилганмисан?

– Йуғ-э, Худо сақласин, шаҳзодам. Буни Нурали амаки айтганлар.

– Шунақа дегин. Нурали амаки айтган бўлса, демак, тўғри.

Худоёрхон бир зум ўзини қароқчидек тасаввур қилиб, кулиб юборди. Сўнгра отининг бошини карвонга буриб, тўхтар экан, карвон соқчиларига қамчисини кескин силтаб, тўхташни буюрди. Илғор тўда ҳам Худоёрхоннинг атрофида ярим доира шаклида тўхташди. Худоёрхоннинг ишларидан жинни бўлаёзган Назиркул бир амаллаб, ўзини босди-да, иложи борича юзига мулойимлик тусини бериб, қўрқа-писа сўради:

– Карвонни тўхтатмасангиз керак, шаҳзодам?

– Аксинча, Назиркул, тўхтатмоқчиман. Ахир юриб кетаётган карвонни томоша қилиб бўладими?

Ярим тахта бўлиб қолган Назиркул четга қараб, ғулдиради, „Ё парвардигор, рас-сво-о бўлдик". Бу орада карвон ҳам секинлик билан тўхтади. Соқчибошининг буйруғи билан бўлса керак, соқчилар бараварига найзаларию милтиқларининг учларини осмонга қаратди. Карвонни қизиқиб кўздан кечираётган Худоёрхон ёнида турган Саидбекдан сўради:

– Туяларнинг жиғаси, қўми, кажавасига қара, Саид. Бизларникига қараганда бошқачароқдай, шекилли?

– Фарқи бор, шаҳзодам. Уларнинг қўми каттароқ, икки киши бемалол сиғади. Кажаваси ҳам ихчамгина экан.

Юраги безиллаб турган Назиркул умид билан Худоёрхонга ялинди :

– Бу ердан тезроқ кетайлик, шаҳзодам!

– Жим бўл, овсар! Яхшиси, уларнинг милтиғига қара, пилтаси йўқ. Оташжонинг ўрнидаги нима у?

Соқчиларининг милтиғига қараб, Назиркулнинг тажанглиги ажабланиш билан алмашди:

– Ё, қудратингдан, шаҳзодам, ҳақиқатан милтиқларининг пилтаси йўқ. Бепилта қандай отишар экан? Оташжонинг ўрнида аллақандай темирча бўртиб турибди.

– Энди найзаларига қара! Найзанинг бир қарич пастдаги айланма ликопчага ўхшаган нарса, беш, олтита тешиклари ҳам бор.

– Бунисини билмадимов, шаҳзодам, бизнинг найзаларимизда бунақа ликопчалари йўқ.

Шу пайт Нормуҳаммад билан Нурали сарбоз от чоптириб келиб, Худоёрхоннинг рўпарасида тўхташди. Иккови ҳам терлаб-пишиб кетишган. Нормуҳаммад ҳансираганича Худоёрхонга жиддий қараб деди:

– Шаҳзодам, бу ердан тезроқ кетишимиз керак! Акс ҳолда карвондагилар сизни таниб қолишлари мумкин!

– Таниса нима қилибди? Ахир мен шаҳзодаман!

– Шунинг учун ҳам, шаҳзодам. Ахир отангиз – хон ҳазратларини... – Нормуҳаммад Нурали сарбознинг боши билан билинар-билинмас қилган ишорасини кўриб тилини тишлаб қолди.

– Хўш, нега тўхтаб қолдингиз, бек?

Нормуҳаммад бирров саросимага тушиб қолгандек бўлиб, дарҳол ўзини ўнглаб олиб, деди:

– Отангиз – хон ҳазратларининг номалари ҳақида, мингбоши жаноблари сизга айтган бўлсалар керак?

– Айтувдилар. Хўш, нима бўпти?

– Номада хон ҳазратлари сизни Кенагасга хуфя ҳолатда олиб боришимизга фармон берганлар.

– Хуфя ҳолатда мингбоши жаноблари борсалар керак, бек. Чунки давлат ишига молик, мамлакат сархадларини қараб келишни, у кишига буюрилган. Менинг Кенагасга боришим, давлат ишига молик эмас. Шунинг учун хуфя юришимдан маъно йўқ.

– Шаҳзодам, ахир отангиз – хон ҳазратлари...

– Бас-с!! – қовоғини уйиб ҳайқирди Худоёрхон, – хон ҳазратларининг олдиларида ўзим жавоб бераман! Тушундингми ҳамманг?!

Нормуҳаммад капалаги учиб, бошини эгганча орқага тисланди.

– Афв этсинлар, шаҳзодам...

Шу пайт уч-тўртта отлиқ, карвоннинг бош томони дан соқчилар олдига келиб тўхташди. Соқчибоши келган

отлиқларга илғор тўдани кўрсатиб, алланималарни тез-тез гапирди. Уларни кузатиб турган Худоёрхон Нормуҳаммаддан сўради :

– Булар кимлар бўлди яна?

– Кўринишидан карвонбоши билан мулозимлари бўлса керак.

– Улар биз томонга келишаяпти, бек. Ўзингиз сўзлашинг. Хонаси келса, милтиқларининг нега пилтасиз эканлигини сўранг.

Отлиқлар тўда томонга юриб, беш-олти қадам қолганда тўхташди. Салгина олдинроқ турган, карвонбоши бўлса керак, ўрта бўйдан пастроқ, думалоққина, калта соқолли, юзларида доим табассум, кўзлари қисиқ, ақлли, муомалали одамлиги шундоққина кўриниб турарди. Карвоннинг тўхташига Худоёрхон сабабчи бўлганлиги учун биринчи бўлиб Нормуҳаммад қўлини кўксига қўйган ҳолда салом бериб, сўрашди:

– Ассалому алайкум, жаноблар! Сафарларингиз бехатар бўлсин.

– Ва алайкум ассалом, афандилар. Сизларнинг ҳам сафарларингиз бехатар бўлсин, – карвонбоши тўдага кўз югуртириб, нигоҳини Худоёрхонда тўхтатди. Бир оз синчковлик билан қараб турди. Кейин бошини сал эгиб, қўлини кўксига қўйган ҳолда ҳол-аҳвол сўради, – соғ-саломат юрибдиларми, шаҳзодам? Сизларни йўл азоби қийнаб қўймадими? Ғизодан камчилик йўқми?

Худоёрхон ўзидан ҳам баттар ажабланиб турган Нормуҳаммадга бир қараб олди-да, карвонбошидан сўради:

– Сизни танимадим?

– Исмим Селимохун, шаҳзодам... Карвонбошиман.

– Мени олдин кўрибмидингиз?

– Сизни биринчи марта кўриб туриш шарафига муяссар бўлиб турибман, шаҳзодам.

– Унда мени қаёқдан танидингиз?

– Фақат шаҳзодаларгина карвонни тўхтатишга журъат қилишади, шаҳзодам.

Худоёрхон ўнғайсизлангандай бўлди-да, қовоғини уйиб, деди:

– Ҳм-м... Шунақа денг, қаёқдан келаяпсизлар?

– Қашқардан, шаҳзодам. Борадиган манзилимиз, Худо хоҳласа, Афғонистон.

– Афғонисто-он!?... – ҳайратдан Худоёрхон эгарнинг устида бир қўзғолиб олди, – у мамлакатга қайси йўл билан бормоқчисиз, Селимохун жаноблари?

Худоёрхоннинг астойдил қизиқишидан завқланган карвонбоши, табассум билан жавоб берди:

– Олдин Самарқанд, кейин Термиз орқали Афғонистонга борамиз.

– Ортга қайтишда ҳам шу йўл билан қайтасизми?

– Йўқ, шаҳзодам, Афғонистонда бирор ой бўлиб, ундан кейин ватанимизга Ҳиндистон орқали қайтамиз.

– Ўҳў...

Жавобдан қониққан Худоёрхон сўзсиз бошини қимирлатди, сўнгра Нормуҳаммадга қаради. Суҳбатнинг тугамаганлигини сезган карвонбоши, ҳар қандай хизматга тайёр ҳолда у ҳам Нормуҳаммадга тикилди. Нормуҳаммад томоғини бир қириб олиб, ўнғайсизланиброқ карвонбошига қараб, деди :

– Селимохун жаноблари, соқчиларингизнинг милтиғи пилтасиз экан. Милтиқлар ростдан ҳам пилтасиз отиладими?

– Пилтасиз отилади, афандим.

– Биз ҳам шунга қизиқиб қолдиқ. Марҳамат қилиб, милтиқлардан бирини бизга кўрсатсангиз.

– Жоним билан, афандилар.

Карвонбоши ўгирилиб, қўли билан соқчибошига ишора қилди. Отини ниқтаб, илдамгина карвонбошига яқинлашган соқчибоши, милтиқни унга берди-да, қўлини кўксига қўйиб орқага тисланди. Карвонбоши икки қўллаб милтиқни Худоёрхонга берар экан, милтиқдаги ўзгаришларга изоҳ берди:

– Пилтанинг ўрнида темирдан чақмоқтош қўйилган, шаҳзодам. Тепасидаги оташжонинг ўрнига мана бу темирча қўйилган, шу темирчани бош бармоқ билан орқага сурасиз. Нишонни мўлжалга олганингиздан кейин пастдаги темир тепкини кўрсаткич бармоғингиз билан

боссангиз, милтиқ отилади, шаҳзодам. Лекин ўқланиши қадимгидек оғзидан ўқланади.

Худоёрхон милтиқни қўлларига олиб, айлантириб томоша қилди. Паст-баланд жойларига қўйилган темирчаларига қизиқиб қаради. Сўнгра милтиқни салмоқлаб кўрар экан, карвонбошига қараб, деди:

– Ўзимизнинг мусулмон милтиғига қараганда анча енгил, ихчам экан. Отиб кўрсам бўладими, Селимохун жаноблари ?

– Марҳамат қилсинлар, шаҳзодам.

От устида буйинларини чўзиб турган навкарлар Худоёрхоннинг милтиқ отишини эшитиб, шошибгина отларини тислантиришди. Худоёрхон отининг жиловини Нормуҳаммадга тутқазди-да, милтиқни маҳкам ушлади. Тепасидаги темирчани бош бармоғи билан чирқ этиб орқага сурди. Сўнгра милтиқнинг учини осмонга қаратиб, тепкини босиши билан гумбурлаб ўқ отилди… Осмонни тутун қоплади. Этлари жимирлашганча, ҳаяжонланиб кетган Худоёрхон, завқ билан қийқириб юборди. Қатор чўккан туялар, бўкирганларича бирин-кетин тура бошлашди. Илғор туданинг отлари қулоқларини чимириб ҳуркиб кишнаган, ҳайратомуз хитоблар… Икки-уч навкарни беш-ўн қадамга от олиб қочган… атроф чанг-тўзон… Юз эллик, икки юз қадам нарироқда турган юзликнинг отлари ҳам безовталанган... Бир оз фурсатдан кейин тус-туполон сал босилгандай бўлди. Кўзлари чақнаган Худоёрхон, атрофдагиларга бир қараб олди-да, карвонбошига мамнуният билан деди:

– Милтиқларингиз аъло даражада, Селимохун жаноблари. Хон ҳазратларига айтиб, албатта, шу милтиқдан олдиртираман.

Карвонбоши қўлини кўксига қўйган ҳолда, бошини сал эгиб, деди:

– Ижозатингиз билан шаҳзодам, бизларга илтифот кўрсатиб, шу арзимас милтиқни қабул қилсангиз, шунчаки машқ қилиб юришингиз учун. Фарангистонга борганимда, албатта, жанобларига муносиб нақшинкор бўюртма милтиқ келтириб бераман.

– Ташаккур, Селимохун жаноблари, милтиқ менга жуда ёқса ҳам бу туҳфангизни қабул қила олмайман, – деди Худоёрхон милтиқни карвонбошига қайтара туриб, Нормуҳаммаднинг қўлидан отининг жиловини олар экан, – ахир сиз сафарга чиққансиз, йўлда у сизга кўпроқ керак бўлади. Пойтахтга қўнганингизда саройга марҳамат қилинг. Сизни лутфан таклиф қиламан. Энди эса хайрлашамиз, Селимохун жаноблари, сафарингиз бехатар бўлсин!

– Йўлингизни берсин, шаҳзодам. Доим омон бўлинг, ўзи паноҳида асрасин.

Худоёрхон ҳали ҳам ўзларига келолмай, ҳаяжонланиб турган навкарларига қараб жилмайди. Сўнгра жиловни силтаб тортиб, отини орқа икки оёғида тик турғизиб, жиловини бўш қўяр экан, қийқирди:

– Илғорлар! Йўлга-а!

Илғор бир зумда чанглар орасида кўздан ғойиб бўлди. Қолганлар ўнликнинг орқасидан бир оз фурсат қараб туришди. Ниҳоят, Селимохун Нормуҳаммадга қараб, деди:

– Кўз тегмасин. Шаҳзода шижоатли, дов йигит экан. Келажакда у тахтга муносиб, хон бўлиши шубҳасиз, афандим… Исми-шарифлари, афандим?

– Исмим, Нормуҳаммад, Селимохун жаноблари, ҳов уша турган навкарларга юзбошиман.

– Беҳад хурсандман, Нормуҳаммад жаноблари, меҳмонимиз бўлсангиз, бир пиёла чойимиз бор.

– Ташаккур. Худойим бизни бафуржа учраштирганда ўзим сизнинг хизматингизда бўламан. Энди ижозатингиз билан беш дақиқа ҳоли гаплашсак, бу зарурат.

Карвонбоши сўзсиз бош иргади-да, орқада турган мулозимларига ўгирилиб, қўли билан ишора қилди. Мулозимлар узоқлашгач, карвонбоши Нормуҳаммадга қаради :

– Қулоғим сизда, юзбоши жаноблари.

– Селимохун жаноблари, шаҳзода биз билан хуфя ҳолатда кетаяпти. Лекин шаҳзоданинг ўзи буни билмайди. Икки кундан бери карвонларни айланиб ўтдик,

бироқ бугун шаҳзода илғор ўнликка қўшилиб олди. Ўзингиз биласиз, шаҳзоданинг хоҳишини қайтариб бўлмайди. Охир-оқибат ўзингизга маълум. Шунинг учун, шаҳзода билан бўлган мулоқотни, карвондагилардан сир тутсангиз. Карвондагиларга „Қушбегининг ўғли беклар билан овга чиққан экан", – деб қўя қолинг. Уч кунлардан кейин Қўқонга яқин охирги равотга етасиз. Қўниш учун равотдан четроқда макон қуринг... Орқадан мингбоши жаноблари қўшин билан келаяптилар, улар ҳам шу равотга қўнишади. Тун ярмида қўшин йўлга чиқади, сиз,қўшин йўлга чиққандан кейин роса икки кун ўтказиб, кейин йўлга чиқинг. Бор гап шу, Селимохун жаноблари. Энди бизга рухсат берсангиз, шерикларимизга етиб олишимиз лозим.

Зийрак карвонбоши, Қўқонда нохуш воқеалар бўлганлигини сезди, юзидан табассум йўқолиб, жиддийлашди. У пешанасини тириштириб бир оз ўйланиб турди-да, сўнгра Нормуҳаммадга қараб, деди:

– Бир дақиқа вақтингизни оламан, юзбоши жаноблари!... Муҳим бир масала устида хон ҳазратларининг ҳузурларига кирмоқчи эдим... Хон ҳазратлари тинчмилар?

– Мени маъзур тутсинлар, Селимохун жаноблари, сизга бир нарса деёлмайман.

– Тушунарли... Мингбоши жанобларини охирги равотда қўнадилар дедингизми?

– Шундай, тақсир.

– Сиздан беҳад миннатдорман, юзбоши жаноблари, кўнглингиз тўқ бўлсин, албатта айтганларингизга амал қиламан.

– Хайр, энди. Яхши қолинглар, сафарларингизни бехатар қилсин.

– Хайр. Яхши боринглар. Офату қазосидан ўзи асрасин...

Вақт шомга яқинлашиб қолган. Нормуҳаммад юзликнинг олдида йўртиб борар экан, узоқда, „Ҳикмат" қудуғининг олдида тўхтаб турган илғор ўнликка кўзи тушиб, Нурали сарбозга деди:

– Шу ерда тунасак ҳам бўлар, Нурали амаки, сал ўтмай қоронғи тушади.

– Маъқул. Лекин қудуқдан бирор чақирим нарироқда қунамиз.

Нормуҳаммад бош ирғади-да, бир оздан сўнг деди:

– Нурали амаки, яхшиямки, боя карвоннинг олдида ишора қилиб, мени гапдан тўхтатдингиз. Акс ҳолда ҳозир шаҳзоданинг хурсандчилиги азага айланган бўлар эди.

– Ўзимизники ҳам азага айланган бўлар эди, бек.

Нормуҳаммад ажабланиб Нурали сарбозга қаради :

– Сабаб?

– Сабаб оддий. Отасининг қатлини эшитган шаҳзоданинг қандай хаёлга боришини билмаймиз-ку. „Мени ҳам қатлга олиб кетаяпти“, – деган хаёл билан отига қамчи босганда, ҳозир икковини чўлда қидириб юрган бўлар эдик. Икковининг ҳам отлари сара.

Нормуҳаммад қамчисининг учи билан қалпоғини тепароққа суриб, пешонасини тириштирди:

– Тўғри айтасиз, Нурали амаки. Шаҳзоданинг дам олаётган пайтини топиб, кейин айтаман.

– Айтаётганингизда ҳам эҳтиёт бўлинг, қамчи тортиб юбориши мумкин. Зинҳор қаршилик кўрсатманг, учтўрт қамчи билан одам ўлиб қолмайди. Акс ҳолда ёмон кўриб қолиши мумкин. Четроқдан тасалли бериб турамиз, иккови ҳам ўзи билан ўзи бўлиб тинчиб қолади.

Нормуҳаммад отининг жиловини тортиб, Нурали сарбозга қаради.

– Тинчиб қолади дейсизми, Нурали амаки? Яхши фикр. Энг яхши пайти, тунашдан олдин, гулханнинг олдида айтаман. Кечаси билан иккови ҳиқиллаб – ҳиқиллаб, ухлаб қолади. Ҳар эҳтимолга қарши ўнбошиларни ҳам огоҳлантириб қўйинг, кейин отларни четроққа чиқариб, тушовлаб қўйишсин.

– Маъқул, бек…

Ёзёвон чўлининг қибла томонидаги адирда юзлик тунашга тўхтади. Вақт хуфтон бўлган. Осмон тўла чарақ-

лаган юлдузлар... Кун бўйи тандирдек қизиган чўлда ҳозир майингина илиқ шабада эсар... Навкарлар тамадди қилиб бўлишган, унликлар ўз гулханлари атрофида олма, чой билан давра қуриб гурунг қилишар, кўпчиликлари эгарга бошларини қўйган ҳолда уйқуга кетишган... Юзбошининг гулхани атрофида тўрт киши чой ичишар, Худоёрхоннинг ёнида ўтирган Саидбек кун бўйи отда югур-югур қилиб чарчаганидан қошларини баланд кўтарган ҳолда гоҳ-гоҳида кўзлари юмилиб кетар эди. Худоёрхон Нормуҳаммаднинг қўлидан чойни олар экан, ҳар галгидек Нурали сарбозни қистади:

– Қани, Нурали амаки... Жангномани қолган жойидан олинг.

– Қаерда қолувди, шаҳзодам? – хаёл паришонлик билан сўради Нурали сарбоз, буш пиёлани дастурхон четига қўяр экан.

– Мана шу-да, фурсат ўтмасдан дарров эсингиздан чиқади, – деди Худоёрхон ярим киноя билан, – амаким Мадалихон даврида Қашқардаги хитойлар билан бўлган жангда қолувди.

– Ҳа-я, хитойлар билан бўлган жанглар. Э-ҳа-а, бу воқеаларга қарийб ўн саккиз-йигирма йил бўлди, шаҳзодам....

– Хитойлар билан неча марта урушгансиз?

– Аниқ эсимда йўқ, шаҳзодам. Худо раҳмат қилсин, Маъдалихон ҳазратлари хитойларнинг устига тўрт-беш марта қўшин тортиб борган бўлсалар керак. Шу лардан иккитасида, Қашқар билан Гулбоғ ҳудудида қатнашганман. Хитойлар билан охирги уруш, Гулбоғда бўлган. Қашқар хони Жаҳонгирхон тура[42]га ёрдамга борувдиқ. Жуда катта уруш бўлди, ўзиям. Минг-минглаб одамлар ҳар икки томондан қирилиб кетди. Ўша урушда Мадалихон ҳазратлари зафар қозониб, „Ғозий" унвонига сазовор бўлганлар. Эҳ, ўшанда қандай қирғин бўлувди-я, – деди Нурали сарбоз гулхан четида қайнай бошлаган қумғонни олиб, Нормуҳаммад билан ўзининг олдида турган чойнакларга қуяр экан, – қирқ

йил қирғин бўлса ҳам ажали етган ўлади, ажали етмаган ўлмайди, деб бежиз айтишмаган экан. Бу ҳаққаст рост.

– Нурали амаки? – деди Худоёрхон тоқатсизланиб.

– Лаббай, шаҳзодам.

– Биринчи марта ўзингиз қаерда урушга киргансиз?

– Қаерда дейсизми, шаҳзодам? – Нурали сарбоз ҳафсала билан чойни шопирар экан, – биринчи урушга кирганим Қашқарда бўлган, аниқроғи, Қашқарга етмасдан қибла томони қир тепаликларга қўшилиб кетган кенг адирда бўлган эди.

– Ана ўшани гапириб беринг, Нурали амаки.

– Хўп бўлади, шаҳзодам, – деди Нурали сарбоз пиёладаги чойдан ҳўплаб, – Худо раҳмат қилсин, Маъдалихон ҳазратлари ҳарб масаласида пишиққина эдилар. Дўнгни орқасию ён белига қўшинни яшириб қўяр эдилар, ўзлари мулозимлари билан дўнг устида турар эдилар. Ялангдаги душманга икки-уч минг сарбозни жангга ташлар эдилар. Бир оз жангдан кейин дўнгга қараб қочишга буйруқ берардилар. Қочиб кетаётган навкарлар, чамаси дўнгнинг ярмига кўтарилишганда, бирдан хон ҳазратлари қиличларини суғуриб, ҳайқирганларича душман устига от қўяр эдилар. Қўшин ҳам бараварига ҳайқириб қуюндай ёпириларди…

– Жангни бирдан бошлаб, дарров тамом қилиб қўя қоласиз-да, Нурали амаки, – деди Худоёрхон сарбознинг гапини бўлиб, – бир бошдан гапиринг.

– Хўп бўлади, шаҳзодам, – Нурали сарбоз, мароқ билан гапга тушиб кетди, – хон ҳазратлари жангдан бир кун олдин ҳаммамизга дам бердилар. Ихчамгина бўлиб ётиб ухладик. Саҳар, ҳали бомдодга азон айтилмасдан ҳамма қўшинга ош тортилди. Ҳар тўртта юзликка бир дошқозонда ош дамланди. Ошни еб бўлиб, қурол-аслаҳани созладик. Бизнинг туман олдинда бўлганлиги учун узун-узун найзаларимиз бор эди, ҳар юз найзанинг бирига туғ бойланарди….

– Айтгандай, карвондаги соқчиларнинг найзаларини кўрдингизми, Нурали амаки?

– Кўрдим, шаҳзодам. Бу хитой найзалари, ҳатто жангларда бир неча жасадлардан суғуриб олиб, ўзларига қарши ишлатганман.

– Найзанинг бир қарич пастидаги ликопчага ўхшаган нарса нима у?

– Ҳа, уми, найза қулочкашлаб отилганда, гавдани тешиб ўтиб кетмаслиги учун. Найза гавдага санчилганда, ўша ликопча гавдага тиралиб қолади. Суғуриб олиш осон. Бизнинг найзалар отилганда, гавдани бир газ – ярим газ тешиб ўтади. У найзани суғуриб олиш учун икки киши жасаднинг устига чиқиб тортиши керак. Астафириллоҳ, товба қилдим, парвардигор, гуноҳкор бандангни ўзинг кечир…

– Тушунарли, – деди Худоёрхоннинг эти жимирлашиб, – хитойлар найзаларини яхши ишлашган экан. Кейин нима бўлди, Нурали амаки?

Суҳбатнинг чўзилишини сезган Нормуҳаммад энди гапирмоқчи бўлиб турган Нурали сарбозга кўзи билан ишора қилди-да, сўнгра Худоёрхонга қараб, деди :

– Шаҳзодам, рухсат берсангиз, мен гапирсам.

– Сиз қайси жангу жадалдан гапирасиз, юзбоши жаноблари? Қамчи билан Ўшдаги ғалаёнчиларни қувганингизними? – деб Худоёрхон кулиб юборди.

– Йўқ, шаҳзодам, бошқа гап, – Нормуҳаммад Худоёрхоннинг юзига қарай олмасдан, бошини эгиб, ерга қараганча гапида давом этди, – шаҳзодам, икковингиз ҳам катта йигит бўлиб қолдингиз, энди сизларга…

Худоёрхон кулган ҳолда қошларини чимириб, Нормуҳаммаднинг гапини бўлди:

– Бизга насиҳат қилаяпсизми, бек?

– Йўғе-е... Сизга насиҳат қилишдан Худо сақласин, шаҳзодам, – деди гапни нимадан бошлашни билмай бир оз довдираб қолган юзбоши, – энди бу ёғига бардам бўлинглар, сизларга Худо сабр берсин…

Худоёрхоннинг юзидан кулги йўқолиб, қовоғи уюлди:

– Чайналмасдан тузукроқ гапир, ҳайвон! – Худоёрхон юраги нохушлик бўлганлигини сезиб, юзбошига ўшқирди, – гапир, ит увли!!

– Шаҳзодам, х-хон ҳазратлари о-отангиз билан Орифбек о-офтабачини... икковларини, – юзбоши тамоман довдираб, дудуқланиб қолди.

Нормуҳаммаднинг тутилиб гапиришига сабри чидамаган Худоёрхон унга бақириб берди :

– Нима, „Икковларини“?!!

Саидбек қўллари билан Худоёрхоннинг тиззасидан босди:

– Шаҳзодам, ўзингизни босинг…

– Нари тур!!! – Худоёрхон чап қўли билан Саидбекни итариб юборди-да, ўнг қўли билан ёнида ётган қамчисини дастасидан ғижимлади. – Гапир, қуппак!!!

– Отангиз… хон ҳазратлари билан… Орифбек офтобачини… икковларини… саройда қатл қилишди…

– Ним-ма-а?!! – Худоёрхон ўкириб ўрнидан туриб кетди. – Ким экан у?.. Отамни қатл қилган, ким?!! – мук тушиб ётган юзбошини бўйни аралаш елкасига қулочкашлаб қамчи билан савалар экан. – Ким деяпман сенга, ҳайвон ?!!

– Амакиваччангиз Муродхон қатл қилдирди!

– Муродхо-о-он!!! – Худоёрхон қўлидаги қамчини ерга отди-да, қаҳрабо сопли қиличини суғуриб, ҳайқирди. – Ў-ўлдирама-а-ан!!!

Кўз очиб-юмгунча гулхан олдида Саидбек билан қилич кўтарган Худоёрхон қолди. Саидбекнинг юзи мурдадек оқариб, тахта бўлиб қотиб қолган эди. Худоёрхон қиличини боши узра айлантириб, қоронғиликка қараб ҳайқирди:

– Қаёққа қочдиларинг, кўрқоқлар?!! Битта-битта кел, номардлар! Ҳамманг билан чопишаман!

Қоронғиликдан юзбошининг йиғламсираган товуши келди:

– Сизга қилич кўтарган қўлнинг ўзи чопилсин, шаҳзодам.

Шу пайтгача нафаси тиқилиб, шамдай қотиб турган Саидбекнинг ичидан ҳайқириқ отилиб чиқди :

– Вой, ота-а-ам!

– Вой, отажониме-е-ей!

– Бузругвориме-е-ей!

– Вой, ота-а-а-а-м!

Саидбекнинг фарёдидан довдираб қолган Худоёрхон, унга қараб бутун вужуди жимирлаб кетди. Томоғи гиппа бўғилиб, кўзларидан ёш томчилай бошлади. Қўлидаги қиличини ерга ташлади-да, Саидбекнинг елкасидан қучоқлаб, ўкириб юборди. Нурали сарбоз югуриб келди-да, ерда ётган қилични қўлига олиб, атрофга аланглаб қаради. Сўнгра чопонининг ичидан қўлтиғига қисиб олиб, четроққа чиқиб турди. Навкарлар бир жойга тўпланиб, нима қилишларини билмай, қотиб қолишди. Нормуҳаммад энгашган ҳолда тез-тез юриб келди-да, Худоёрхонга тўрт қадам етмасдан чўккa тушиб, қўл қовуштирди. Худоёрхон тезда ўзини ўнглаб олиб, қовоғининг тагидан юзбошига ўқрайиб қаради. Сўнгра бўғиқ овоз билан хириллаб сўради:

– Чопар кимдан келувди?!

– Муродхондан, шаҳзодам.

– Нима депди?

– Фармон берибди, сизга… сизни…, – юзбоши чайналди.

– Гапир, ҳайвон!

– Сизнинг қатлингизга фармон берибди.

– Нимани кутаяпсан?!

– Катта Кенагасга боришимиз керак, шаҳзодам.

– Катта Кенагасда қатл қиласанми?!

– Худо сақласин, шаҳзодам. Сизни қатл қилмоқчи бўлганнинг ўзи қатлга учрасин. Агар сизни қатл қилмоқчи бўлсам, шунча гапларни айтиб, қамчингизни ермидим. Сизни соғ-саломат Катта Кенагасга олиб боришимиз буюрилган, шаҳзодам.

– Катта Кенагасга нега бораяпмиз?!

– Мингбоши жаноблари саройни қўлга олгунларича, Султонбек парвоначининг қароргоҳида турамиз. Сарой қўлга олингандан кейин сизни хон қилиб кўтариб, тахтга ўтқазамиз, шаҳзодам.

– Тахтга ўтқазамиз?! – Худоёрхоннинг боши айланиб, кўз олдини туман қоплай бошлади.

– Ҳа, шаҳзодам. Сизни хон қилиб кўтариб, тахтга ўтқазамиз. Мусибат билан бўлса ҳам, Худо хохласа, ҳумо қуши бошингизга қўнади. От ўрнини той босади, дейишади. Сиз ҳам Худо раҳмат қилсин, отангиз хон ҳазратларининг ўринларини босиб, тахтга ўтиришингиз лозим. Хон авлодининг тақдирида шунақаси ҳам бўлади, шаҳзодам.

Ўлимга тайёр бўлган танада ҳаддан ташқари таранг тортилган асаблар бирдан бўшашди-да, Худоёрхон ҳушидан кетди…

Эртасига юзлик илдамлик билан йўлда давом этарди... Вақт чошгоҳга яқинлашиб, кун қизиб кетган… Тунги воқеадан кейин юзлик жимгина йўл босиб борар. Худоёрхон бир кечада улғайиб қолгандай вазмин тортган, қовоғи солинган, ҳеч ким билан гаплашмас, олдингидек от чопиш, қийқиришлар, хандалар, ҳамма шўхликлари барҳам топган. Совуқ хабар унга қаттиқ таъсир қилиб, ич-ичидан ўзгаргандек эди. Отасининг қатлини ҳеч ҳам ақлига сиғдира олмас, дам-бадам хаёлига келар эди, „Бечора отам… Раҳмдил, кўнгилчан эдилар, Худо раҳмат қилсин. Аъёнларга қаттиқ гапирмас эдилар. Туз кўр қилгур беклардан қайси бири хоинлик қилди экан. Юзбошидан сурасаммикан, йўқ, ҳозир мавриди эмас. Катта Кенагасга борганимда сўраб биламан… Ойихоним боёқиш… Ҳозир аҳволлари нима кечаётган экан… бечора, саройнинг бирор бир бурчагида йиғлаб ўтиргандирдар, ойихонгинам…“. Худоёрхоннинг кўзларида ёш ҳалқаланди. „Йўқ, бундай пайтда ойихоним йиғламайдилар. Ойихоним нозик ойимлардан эмаслар, ёвлар билан қирғин-баротни кўраверіб, овулда катта бўлганлар. Бироргасини ханжар билан ўлдириб, отамнинг ўчини оладилар… Ё тангрим, ойихонимни бу йўлдан қайтар, бўлмаса, у бечорани ҳам ўлдиришади. Отамнинг ўчини ўзим оламан. Хоинларнинг ҳаммасини битта-битта ўзим қиличдан ўтказаман. Қилич тортишдан олдин ҳар бир хоиннинг кўзларига бир марта тикилиб қарайман. Ким ўч олаётганлигини билиб қўйишсин, лаънати куппаклар. Саройга боргунимча мингбоши уларни қатл қилдириб

қуйса-чи. Йўқ, шаҳарга киришда қўшиннинг олдида ўзим бораман. Қани, бирортаси йўлимни тўсиб кўрсин-чи!...“ Худоёрхон ғазаб билан ён атрофдаги навкарларга қарар экан, мунғайибгина кетаётган Саидбекка кўзи тушиб, кўнгли бузилиб кетди. Саидбек ҳамма нарсага лоқайд бўлиб қолган. Бошлари ғувиллаб, ҳеч нарсани ўйламай борар. Йиғламоқдан кўзлари қизариб, қовоқлари шишиб кетган. Йўл бўйи ҳиқиллаб, ҳар-ҳар вақт лабларидан „вой, отам“ деган нидо учарди. „Шўрлик Саид. Ҳали ҳам кўзлари қуримабди. У ҳам мендек отасидан ажралди, бечора. Уни ёнимга оламан. У отасидек садоқатли.... Кечаги куни юзбоши мени карвондан узоқлаштирмоқчи бўлгани бежиз эмас экан. Мен бўлсам от чоптириб, қийқириб карвонни тўхтатдим“. Худоёрхон ўзининг кечаги шўхликларидан жаҳли чиқди. „Шаънимга ярашмаган ишларни қилдим. Ғирт аҳмоқлик! Иккинчи бундай ишларни қилмайман. Устига-устак юзбошини хафа қилиб қўйдим. Узр сўрасаммикан, йўқ, шаҳзодалар узр сўрашмайди, мавриди келганида яхши гапираман, шу кифоя. Нормуҳаммад яхши сарбоз, хизматини қадрлаш керак“.

Юзлик анчагина олдин карвон йўлидан бурилиб, Катта Кенагасга борадиган йўлга тушиб олган, охирги қудуққа яқинлашганда вақт пешиндан ўтиб қолган эди. Илғор тўданинг навкарлари қовға билан қудуқдан сув тортиб, унча катта бўлмаган эскигина новни тўлдиришарди. Қудуқ атрофи карвонларнинг тўхтаб ўтишидан теп-текис бўлиб, қибла томони чексиз тўқайзор, кунчиқар томони адир, қирга улашиб кетган. Қудуқ ёнига етиб келган навкарлар отларидан тушишар экан, Нормуҳаммад от устида туриб, уларга буйруқ бера бошлади:

– Аввал новни бир карра ювиб ташлаб, кейин тўлдиринг. Отларни совутиб бўлиб суғоринг, тушовлаб, ўтлагани қўйинг. Тамадди қилиб, дам олинглар, бирор соатлардан кейин йўлга чиқамиз.

Навкарлар юзбошининг буйруғини бажариш билан машғул бўлишди. Навбат билан қудуқдан сув тортишар,

отларини новнинг атрофида тушовлашарди. Ҳар бир ўнликнинг тайинланган одами ўз тўдаси учун жой таёрлаб, сафар дастурхонини ёзар эди. Навкарларнинг икки-уч кунлик қисқа сафар учун озиқлари, тез қотмайдиган қилиб ёпилган нон, қуритилган яхна гўшт, майиз, жийда, туршак... Кундуз куни сув билан бирга тамадди қилишар, тунда тунаш учун тўхташганда, гулхан ёқиб, қумғонда чой қайнатишар эди. Худоёрхон отнинг жиловини қўл қовуштириб турган мулозимга тутқазди. Кейин четроқда тарвақайлаб ўсган саксовулнинг остига бордида, сийрак ажриқ устига чордона қурганча тек қотиб ўтирди. Дастурхон тузатаётган Нурали сарбоз, қаддини ростлаётиб, саксовул тагига ўтирган Худоёрхонга кўзи тушиб қолди. Дастурхонинг бир четини кўтариб устини ёпти-да, бет қўлини ювиб рўмолга артинаётган Нормуҳаммаднинг олдига бориб деди:

– Шаҳзода саксовулнинг тагига бориб, ўтириб олди, бек. Дастурхонни ўша ёққа олиб бориб, соламан. Бирга ўтириб, тамадди қиласизлар, маъқулми?

– Э, йў-ўқ, бўлмайди, Нурали амаки. Шаҳзоданинг олдига боришга юрагим безиллаб қолди. Кечаги қамчининг зарбидан ҳали ҳам елкам зирқираяпди. Ўзи-ку-у, йўл бўйи бир кўзим шаҳзоданинг қамчисида бўлди. Энди, шаҳзоданинг олдида ўтириб, тамадди билан бирга яна қамчи ейишга, асло хоҳишим йўқ. Яхшиси, Саидбек билан икковига дастурхон солинг. Қайтанга ёлғиз иккови қолганида дардлашиб, тамадди қилишади.

Худоёрхоннинг олдига дастурхон тузаб келган Нурали сарбоз, мулозимнинг қўлидан иккита косага сув олар экан, хуржунларга суяниб, бир нуқтага тикилиб турган Саидбекнинг олдига келиб, деди:

– Бегим, туражоним... Туринг ўрнингиздан, ҳадеб уйлаб сиқилаверманг, одам хаёл бўлиб қолади. Бардам бўлинг, бандачилик ҳаммамизнинг пешонамизда бор. Икковларингизга Худо сабр берсин. Энди шаҳзоданинг олдига юринг, бирга тамадди қиласизлар. Бу охирги дам олишимиз. Йўлга чиқсак, Худо хоҳласа, шу кетишимизда тунда Катта Кенагасга кириб борамиз.

Ҳозир бирор нарса еб олмасаларингиз, йўлда ҳолдан тойиб, отдан йиқилиб тушишингиз ҳеч гап эмас. Энди мана бу косадаги сувни қўлингизга олинг, ана шундай, тўкиб юбормасдан эҳтиёт бўлиб юринг, ҳа, баракалла. Худоёрхоннинг олдига Саидбекни ўтказиб келган Нурали сарбоз ташвишланиб, улар томонга кўз ташлаб қўйди. Иккови бир-бирига алланарсалар деб тамадди билан машғул бўлишганлигини кўриб, бир оз кунгли тинчиди. Ёнида икки лунжини тўлдириб кавшанаётган Нормуҳаммадга уф тортиб деди:

– Эҳ Худойиме-е-ей… Бу икковини тергаб бўлмаса, уришиб бўлмаса, гапириб бўлмаса, Парвардигорим, икковига ақл фаросатдан бер…

Худоёрхон нари-бери тамадди қилган бўлди-да, косадаги сувни ичиб бўлиб, Саидбекка кўз қирини ташлади. Саидбек бир нуқтага бефарқ қараганча кавшаниб, зўрға ютинар эди.

– Сувдан ичсанг-чи, тиқилиб қоласан.

Саидбек Худоёрхонга бир бир кўз ташлаб, косадаги сувни олиб, ютоқиб ича бошлади. Худоёрхон сув ичаётган Саидбекка қараб ичидан эзилиб кетди. Унга ачиниб, раҳми келди. Қизарган кўзларини кўриб, томоғига бир нарса тиқилди. Ўзи эзилиб турган Худоёрхон, қандай қилиб Саидбекнинг кўнглини кўтаришни билмас эди. Лабларини маҳкам қисиб, Саидбекнинг сув ичиб бўлишини кутиб турди. Сўнгра қовоғини уйганича Саидбекка тик қараб туриб, бўғиқ овоз билан деди:

– Менга қара, Саид, – деди Худоёрхон овози сал титраб, – ўзингни қўлга ол. Бошқа ҳиққиллама. Бундан кейин ҳам ҳар доим ёнимда бўласан. Оталаримизни қатл қилишди. Биз ҳам ҳали саройга борганимизда ҳаммасидан битта қолмай оталаримизнинг ўчини оламиз. Худо хоҳласа, тахтга ўтирсам, кўп ишларни қиламиз. Мен сени урисларнинг мамлакатига юбораман. У ерга бориб, ҳамма нарсани кўриб, билиб, ўқиб, тилларини ўрганиб келасан. Қанча вақт керак бўлса, шунча юрасан, ҳатто йиллар ўтса ҳам майли. Йўл бўйи кўп нарсаларни мулоҳаза қилиб чиқдим. Фақат озгина сабр. Сен ўзингни

саидлар авлодига муносиб тут. Бардам бўл. Қаддингни ростлаб, бошингни баланд кўтар.

Худоёрхоннинг бу гапларини эшитган Саидбек ҳаяжондан мусибатини ҳам унутди. Кўзларини катта очганича унга бақрайиб қараб қолди. Худоёрхон Саидбекка синовчан қараб туриб хаёлидан ўтди. „Уни албатта ўрислар мамлакатига юбораман. Саид ўқимишли йигит. Ундан яхши арбоб чиқади". Бу орада навкарлар тўқайзордаги, отларни тушовидан ечиб етаклаб чиқишар, йиғиниб, йўлга ҳозирлик кўришар эди. Бир оз фурсатдан кейин Нормуҳаммад қўлини кўксига қўйиб, ярим таъзим қилганича Худоёрхонга яқин келиб, тўхтади:

– Шаҳзодам, юзлик тайёр. Йўлга чиқишга фармон берсангиз.

Худоёрхоннинг қулоғига „фармон" сўзи эриш туюлди. Унга биринчи марта юзбоши томонидан расмий мурожаат қилинган эди. Худоёрхон ўрнидан турди, юзбошига миннатдорчилик назари билан қаради. Бу юзбоши учун катта мукофот эди. Худоёрхон виқор билан, қўли кўксида турган ҳолда тисарилиб йўл берган Нормуҳаммаднинг олдидан ўтиб, отнинг жиловидан ушлаб турган мулозимга қараб юрди. Юзбоши билан Саидбек унга эргашишди. Навкарлар Худоёрхоннинг қовоғи очилганлигини кўриб, бир оз жонланишди. Худоёрхон мулозимининг қўлидан жиловни олар экан, одоб сақлаб, отларининг жиловидан маҳкам ушлаганича тик қотиб турган навкарларга бир-бир кўз югуртириб чиқди. Навкарлар Худоёрхонга самимий садоқат кўзи билан қарашар, бўлажак ёш хон уларнинг юзликлари ҳимоясида эканлиги билан фахрланишар, Худоёрхоннинг орқасидан ўтга ҳам киришга тайёр эканликлари шундоққина юзларидан барқ уриб турарди. Юзлик Худоёрхондан фармон кутарди. Юзлик рамзида бутун Фарғона мамлакатининг тақдири ўзининг қўлида бўлишини ҳис қилган Худоёрхон ўзини эгар устига олар экан, ҳам фахрланиб, ҳам мағрурланиб, бошини ғоз кўтарди. Юзлик ҳам деярли бараварига ўзларини эгар

устига олишди. Худоёрхон виқор билан қўлини олдинга чўзиб, қамчи билан „юриш“ ишорасини қилди. Илғор улик олдинга чиқиши билан юзлик жойидан қўзғалди.

IV БОБ

Тахтга ўтирганига ҳафта-ўн кун ўтган бўлса ҳам шу кунларни Муродхон безовталик билан ўтказди. На ушида, на уйқусида ҳаловат бор. Кечалари нотинч ухлар, узуқ-юлуқ тушлар кўрар, уйғонганда ҳам юраги ғаш тортиб гурарди. Кўпроқ вақтини „Шаҳнишин“да ўтказар, арконлар билан кам мулоқотда бўларди. Хизмат юзасидан ташриф буюрганларнинг бир-иккитасини ҳисобга олмаганда, деярли ҳаммасини амир Насруллохоннинг мушовири, Шарифбек билан, ҳозирча мингбоши лавозимига маъмур бўлмаган, лекин мингбоши вазифасини утаб турган Қодирбек мирохур қабул қилишар эди.

Муродхон новчадан келган, ориқроқ, ёши эллик бешлар атрофида, чўққи соқолига оқ оралаган, зарбоф тупининг устидан боғланган камарига, сопи безатилган қилич осилган. Юрагидаги ғашлик тахтга ўтирган кундан бошланган эди. Ўша куни тахтга ўтқазиш маросими утиб, беку боёнлар, аъламу пешволар кузатилгандан кейин, саройда бир оз осойишталик бўлди. Устунлари пақшинкор, кенг, салобатли „Ҳузури олий“да фақат арконларгина қолишди. Қип-қизил гилам ёзилган шоҳсупадаги тахтда Муродхон ўтирар, икки ёнида мирипоён[43] Шарифбек билан Қодирбек мирохур, нимсуфадаги курсиларда қушбеги, шиғовул, понсод, вазирлар, қуйироқда шарбатдор, эшик оғасидан тортиб, ҳар қайси ўз мансабига қараб беклар ўтирар эди. Хон „рухсати фарогат“ бергани учун, ҳали расмий тайинланмаган арконлар, учтадан-тўрттадан бўлиб олиб, ўзаро паст овозда гурунглашар, эрта-индин саройда бўладиган кенгашда ким қандай лавозимга тайинланишини тахмин қилишарди. Муродхон шу пайтгача ўзини кимлардадир гобедай ҳис қилар, ким нима деса оғзига қараб турар, „хўп“дан нарига ўтмас эди. Оқ кигизга солиб

кутаришганда ич-ичидан нимадир ўзгарди, танаси ларзага келди. Тахтга ўтказишганда, бангиникидай суниқ кўзлари чарақлаб кетди, вазмин тортиб, юзлари жиддийлашди. Фарғона мамлакати қўли остидалигини тушуниб етиб, ўзини бошқача ҳис қилди. Қарашлари, ҳаракатлари, гаплари ҳам ўзгарди. Виқор билан тахтда ўтирган Муродхон, нақшинкор устунларни бир-бир кўздан кечириб туриб, сўради:

– Шералихон, нима бўлди?

Шарифбек сукут сақлаб тургани учун, Қодирбек мирохур ўрнидан ярим туриб қўл қовуштирган ҳолда жавоб берди:

– Қилич билан чопиб ўлдирилди, олампаноҳ!

Хон бир сесканиб кетди-да, қовоғини уйиб, деди:

– Жасади қаерда?

Қодирбек Шарифбекка қаради. Шарифбек томоғини бир қириб олиб, лоқайдлик билан жавоб берди:

– Боғдаги супанинг устида, гиламга ўраб қўйилган.

Шарифбекнинг нописандлик билан берган жавоб оҳанги хонга ёқмади. У хон билан илгаригидек муомала қиларди. Қувғинлик даврида Муродхоннинг деярли ҳеч вақоси йўқ, муҳтожликдан бировнинг қўлига қарам эди. Шарифбек амирлик ҳисобидан ҳар-ҳар вақт Муродхонни таъминлаб турар, доим Муродхонга ортиқча даҳмазадай қарарди. Ҳозир аҳвол ўзгарди. Фарғона мамлакатининг тожу тахти, молу мулки унинг қўлида. Энди ўзи истаган одамининг бошидан тилла сочиши мумкин.

– Унинг жасадини кўрмоқчиман!

Шарифбек, олдинги оҳангда хонга эътироз билдирди:

– Хон ҳазратлари, кўришга ҳожат бормикин, ахир унинг мурдаси...

– Ба-ас-с!! – қўлини кескин силтаб ҳайқирди хон, Шарифбекнинг сўзини бўлиб, сўнгра тахтда ўтирган жойидан шартта ўрнидан турди. Арконлар бараварига ўринларидан туришди-да, қўл қовуштирганча ярим таъзим ҳолда қотиб қолишди. Хон қовоғини уйиб, Қодирбекка буюрди. – Йўл бошланг!

– Бош устига, олампаноҳ.

Қодирбек уч-тўрт қадам орқаси билан юриб бурилди-да, боққа томон йўл бошлади. Шарифбек ичидан зил кетди, „астофирилло, товба-товба, қўйдай ювошгина бўлиб қўлимга қараб келадиган одам, тахтга ўтириб, бирдан итдай қутурганини қара буни, ҳе-иблис... Товба қилдим, одамзодни туркидан билиб бўлмас экан, жин урсин, раъйига қараб муомала қилмасам бўлмайди шекилли...“. Шарифбек шоша-пиша юриб хонга эргашди. Хон арконлари билан супага яқинлашганда, Қодирбекнинг имосига кўра беклардан бири гиламни эҳтиёткорлик билан очди. Ўз қонига бўялиб, қотиб қолган Шералихоннинг жасадига хоннинг кўзи тушиб, юраги гумуриб кетди. „Мана, ниҳоят учрашдик, қариндош! Қирқ йилдан ошиқроқ вақт ўтибди-я... Болалик даврimiz қандай яхши эди, ҳеч бир нарсани талашмас эдик, қайта бирга баҳам кўрар эдик. Қандай беғубор, самимий дамлар эди, вояга етганимизда тақдир бизни рақибларга айлантирди. Минг афсус!.. Йигитлик даврimiz хазон бўлди, отам тахтга ўтириб, сенинг отангни қатл қилдирди, сен қувғинда қолдинг. Амаким тахтга ўтириб, отамни қатл қилдирди, мен қувғинда қолдим. Фалак гардиши билан мен тахтга ўтириб сени қатл қилдирдим, ҳатто уғлингнинг қатлига ҳам фармон юбордим... Тахтга ҳақдорларнинг қисмати шунақа шекилли. Менинг ҳам қатлим қайси бир шаҳзоданинг қўлида бўлса ажаб эмас, яна Эгамнинг ўзи билади. Худойим сени раҳматига олсин, Шералихон... мендан рози бўл, биродар...“. Бир дақиқа Муродхоннинг қалбида қариндошлик ҳисси уйғонди. Томоғига бир нарса тиқилиб, кўзларида ёш қалқаланди. Юраги ғашланиб, чуқур „уҳ“ тортди. Тош ётқизилган йўлакдан вазминлик билан юрар экан, ҳеч кимга қарамасдан бўғиқ овозда деди:

– Хоннинг жасадини хуфтонлатиб, довондаги қабристонга олиб бориб кўминг.

Беклар жойларидан жилмасдан, товуш чиқармай бир-бирларига қараб олишганини сезган Муродхон тўхтаб, бурилиб сўради:

– Нима гап?

Шарифбек хоннинг яна ғазаби келишидан чўчиб, бўйнини қисганича ерга қаради. Қодирбек хон томон бир қадам ташлаб таъзим қилди, сўнгра қўл қовуштирганча пастроқ товуш билан деди:

– Хон ҳазратлари!.. Олампаноҳ... Шералихон сизнинг рақибингиз эди, лекин ўзингизни авлодингиздан. Агар жасадни довондаги қабристонга кўмсак, ўзингизга қарашли қирғиз, қипчоқларнинг орасида фитна чиқмаса деб қўрқаман. Узоқ муддат Фарғона диёрида бўлмаганлари учун, ҳазратларини биров таниб, биров танимаслиги мумкин. Олампаноҳ!.. Шералихонга жаноза ўқиб, „Даҳмаи шоҳон"га дафн қилишга фармон берсалар, рақибингизга нисбатан олижаноблик қилган бўлур эдингиз. Фуқаро ўртасида обрўю мартабангиз яна ҳам баланд бўлар эди. Қулингиз бўлай... Олампаноҳ... „Даҳмаи шоҳон"га дафн қилишга рухсат берсалар, ғоят улуғ иш қилган бўлур эдилар, қиблаи олам!

Арконлар ҳам Қодирбекнинг гапларини одоб билан маъқуллашиб, ғудранишди. Хон пешанасини тиришштирди, Қодирбекнинг ҳаяжон билан айтган гаплари, ҳамда арконларнинг маъқуллови уни ўйлантириб қўйди. Ғалаён кўтарган фуқарони кўз олдига келтириб, эти жимирлашиб кетди. Хон Қодирбекка, сўнгра арконларга қараб бош ирғади:

– Маъқул.

Қўл қовуштирган ҳолда қотиб турган арконлар бир тин олиб, енгил тортишди...

Ҳозир ҳам Муродхон „Ҳузури олий"да чап қўли билан қилич дастасини ғижимлаб, ўнг қўли билан йирик донали тасбеҳни ўгирганича, устунларнинг бирига енгилгина суянди. „... Жин урсин, амир ваъда қилган қўшиндан ҳалигача дарак йўқ. Ўзимдаги икки-уч минг навкар камлик қилади. Ҳозирги шароитда кўнгил хотиржамлиги учун бу жуда кам. Устига-устак мингга яқини Дарвозу Қоратегиндан, бу тоғликларга унча ишониб ҳам бўлмайди... Парвардигор, ўзинг осон қил. Мусулмонқулни қатл қилдирмагунимча тинчлик йўқ.

Ҳозир у нималарни ўйлаб юрибди экан, жуда айёр денишади. Четдан қўшин тўплаб, шаҳарни қамал қилса-я, э йўқ... Чопардан юборган номасида, мени хон деб тан олган, садоқат билан хизмат қилишини битиб юборган. Яна ўғли ҳам ёнимда, сал хоинлигини сезсам, ўғлини қатл қилдириб юборишимни яхши билади. Мансабида қолса, молу-мулки жойида бўлса, унга яна нима керак. Шошма-шошма... ҳақиқатан ҳам уни мансабида қолдириб, хизматга қўйсам-чи, мамлакатнинг паст-баландини ундан яхши биладиган одам йўқ." Муродхон хаёлига келган фикридан енгил тортиб, қаддини ростлади, лекин дарҳол олдинги ҳолатига қайтди. „Бўлмайди... Ғалаёнга қўшилган беклар рози бўлишмайди. Мусулмонқулга қарашли одамларнинг қанчасини қатл қилдириб юборишди. Яхшиямки, қатлларни вақтида ман қилиб қўйдим... Эҳ, муросасиз, бевафо дунё... Қачон бу тахт талашиш, мансаб талашишлар барҳам топар экан? Пойтахтда сал кам ўн йилдан бу ёғига тинчлик йўқ. Халқ ҳам эзилиб кетди. Амир охирги келишида ҳатто ҳарамда ҳам қирғин қилиб кетган. Фуқаронинг ҳам сабр косаси тўлган бўлса керак. Ҳозир ҳамманинг кўзи менда. Худо кўрсатмасин, сал нарсага қирғизу қипчоқлар кўзголон кўтариб юбориши ҳеч гап эмас. Парвардигор, фитналардан ўзинг асра". Хон асабийлашиб тасбеҳ доналарини тез-тез ўгира бошлади „Қандай қилиб бўлмасин тезроқ халқнинг ишончи билан меҳрини қозонишим керак. Ҳу-ўш, бунинг учун Ҳокимойимни чақиртириб, тинчлантирсам, ичкарию-ташқаридаги ҳар хил миш-мишлар ўз-ўзидан тинчийди, ана шундай қиламан". Хон бир оз енгил тортиб, шошилмасдан юриб бориб, тахтга ўтирди. Тасбеҳни билагига ўтказиб, икки марта қарсак чалди. Ҳудайчи кириб, таъзим адо қилди.

– Олампаноҳ!

– Кайвонига айт, Ҳокимойимни чақирсин.

– Бош устига, олампаноҳ.

Ҳудайчи ҳарам томон илдам юриб кетди...

Шералихон қатл қилингандан бу ёғига ҳарамда канизаклар оёқ учида юришади. Ҳокимойим эрига аза тутиб,

қора кийган. Канизак, жорияларнинг шўхликлари, қийқириб кулишлари, кўнгилхушликлари барҳам топган.

Ҳокимойим–Жорқиной,Таласқирғизларининг бийи, Тўхтаназарбий дўнаннинг кенжа қизи. Шералихоннинг катта хотини. Оқишдан келган, ёши қирқларда бўлса ҳам қоматини йўқотмаган, ақлли, табиатан вазмин, ўта меҳрибон. Кундоши Сўнаойим зотилжам касали билан қазо қилганда етим қолган болаларини ўз боласидай меҳр билан тарбиялаб, катта қилди. Саримсоқбек билан Худоёрхонга нимани кийдириб, едирса, Маллахон билан Суфибек[44]ка ҳам ўшани кийдириб, едирди. Ўгайлигини заррача ҳам сездирмади. Қизларнинг кўнглини ўкситмасдан куёвга берди. Меҳрибон бўлиши билан бирга иродаси ҳам кучли, эрининг воқеасида овоз чиқармади. Ўзини маликаларга муносиб даражада тутди. Фақат бир мартагина, майитни „Даҳмаи шоҳон"га дафн қилиш учун тобутни кўтариб олиб кетишаётганда орқадан титраган пастгина товуш билан „Вой турам", – деб, кўзлари ёшга тўлганча қолди. Олдиндан эрининг хон бўлишига Жорқиной норози эди. Чамаси тўрт йиллар олдин Юсуфбий додхоҳ бир туп беку-понсодлар билан Шералихонни тахтга ўтқазиш учун Оллоназарбийнинг овулига ташриф буюришди. Бундай мартабали меҳмонларнинг бевақт келишидан бий бир оз шошиб қолди. Кейин гап нимадалигини тушуниб, қўшни овул бийларига одам юборди. Дастурхон ёзиб, қозон остирди. Бутун овулдагилар хурсанд, фақат Жорқинойнинг кўнгли ғаш эди. У жонажон овулини севади... Бепоён қирлар, адирлар, қорли тоғлар, арчалар, дўланалар, олдида алпқомат ўғиллари, паридек гўзал қизи бўлса, унга бундан ортиқ бахтнинг кераги йўқ. Жорқиной кайвониларга қарашиб юрар экан, вақт топиб, отасига йиғламсираб норозилигини билдирди.

– Ба-асс!!... Бас қил, эси паст, – Тўхтаназарбий кўзларини ола-кула қилганча қизига ўшқириб берди, – эрингди бошиға бахт қуши қўниб турғанда хурсанд бўлишди урниға жилашини қара буни... Товба қилдим... Жийинип, тайёр бўп тур, ҳафта ўтиб, эрингди орқасидан жўнайсан.

Жорқиной тақдирга тан берди. Тахтга ўтирган Шералихон, вазирларнинг маслаҳати билан бир йиллардан кейин тўнғич ўғли Саримсоқбекни Тошкентга, кичик хотинидан бўлган ўғли Маллахонни Андижонга бек қилиб тайинлади. Шаҳзодаларнинг ичида Худоёрхон ажралиброқ тургани учун уни валиаҳдликка мўлжаллади.

Ҳокимойим ўзининг хос ҳужрасида ўтирар экан, Нодирабегимдан қолган токчадаги китобларга қараб туриб, тақдири шоиранинг тақдирига ўхшаб қолишидан кўрқиб кетди. Болалари билан бирга суйилишини кўз олдига келтириб, даҳшатга тушди.

– Ё, Тангрим!.. Болаларимни қазою офатдан ўзинг асра, – кўзига ёш олиб пичирлади Ҳокимойим, – керак бўлса, менинг жонимни ол... Менинг жоним эвазига болаларимни асра, Парвардигорим...

Ҳокимойим бир „уҳ" тортиб, эри, болалари билан овулда ўтган бахтиёр дамларни эслади...

Ёз кунларининг бирида чошгоҳ бўлмасдан овул эркаклари қўшни овулда бўлаётган суннат тўйига отлиқ жўнаб кетишди. Эрини кузатган Жорқиной хонзодаларга ош буюрар экан, эркароқ ўсган Худоёрхонга алоҳида таъкидлади.

– Шўхлик қилма, ўғлим, акаларингни гапларига қулоқ сол, Саидбек билан бирга ўйна. Офтоб ойим мушкулкушод қиляпти, бувинг билан бирров бориб, қайтаман, – ўтов олдини супураётган Сарви кайвонига қараб, – Сарви-и, тушликка болаларга бешбармоқ қилиб берақол. Олтиной қани?

– Саидбек ўйнатиб юрибди, ойихоним, Олтиним бошқасига кўнмайди.

– Яхши, мен кетдим,... Болаларга кўз-қулоқ бўлиб тур.

– Кунглингизни тўқ қилиб бориб келаверинг, ойихоним, ҳаммасига ўзим қарайман.

Катталарнинг йўқлигидан Худоёрхонга Худо берди. Кайвонининг кўзларини ола-кула қилиб қилган пўписаларидан заррача ҳам чўчимас эди. Булоқдан сув ташиб, катта-катта хумларни сувга тўлдираётган акаси Саримсоқбекнинг олдига югуриб борди.

– Ака, акажон,... бир гап айтайми?

– Хўш.

– Болаларни йиғиб, тарафма-тараф от чопишайлик.

– Тарафма-тараф дейсанми?

– Ҳа-да-а, кўпкари ўйин унчалик қизиқ эмас. Яхшиси, икки тараф бўлиб олиб ёғоч қиличлар билан бир-биримизга отда ҳужум қиламиз, қалай?

– Ўҳў-ў, зўр-ку, – Саримсоқбек буш кўзаларни ерга қўйиб қаддини ростлади, – лекин, бўлмайди.

– Бўлмайди!? Нега бўлмайди?

– Хон отамдан ҳам, ойихонимдан ҳам гап эшитиб қолишимиз турган гап.

– Нега энди гап эшитар эканмиз? Хон отам индамайдилар, қайтага хурсанд бўладилар... Ҳа, ҳа, хурсанд бўладилар, менга ишонаверинг. Ойихоним бир-икки жавраб-жавраб, кейин овози ўчади-қолади.

– Бас-с! – деди Саримсоқбек қовоғини уйиб, – Ойихоним тўғриларида бунақа беадаб гапларни гапирма.

– Товба қилдим, акажон, товба қилдим, – Худоёрхон акасининг айниб қолишидан қўрқиб шоша-пиша хатосини тўғрилади, – ойихоним бир-икки танбеҳ берадиларда, кейин гуноҳимиздан ўтиб, индамай қўя қоладилар.

– Бу бошқа гап, – деди Саримсоқбек буш кўзаларни қўлига олаиб, – мен тезда бориб сув олиб келгунимча сен болаларни ўтовнинг орқа томонига йиғиб тур.

– Маъқул.

Худоёрхон елиб, югуриб, болаларни йиғар экан, уч яшар Олтинойни ўйнатиб юрган Саидбекка қараб деди:

– Саид, тезда Олтинойни ўтовга ташлаб чиқ.

– Кунмайди, хонзодам, боя қўйиб чиқмоқчи эдим, ер тепиниб, йиғлаб туриб олди.

– Шунақа дегин, – Худоёрхон пешонасини тириштириб синглисини алдашга уриниб кўрди, – Олтино-ой, ўтовга киргин, кейин сенга бир нарса олиб келаман.

– Йўқ, – Олтиной Саидбекнинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олиб йиғлашга тайёрланди.

– Жин урсин. Майли, Саид, шошмай тур, ҳозир йўлини қиламан, – ғала-ғовур қилиб турган болаларга

қараб деди. – жим бўл ҳамманг, жим деяпман, ҳў-ўш, сенлар тўртовинг қўрадаги отларни эгарла.

– Кўпкари чопадиган бўлсак, отам келса, уришиб беради, хонзодам.

– Бугун кўпкари чопмаймиз. От устида қилич чопишамиз, кейин катта хонзода айтдилар десанг, отанг уришмайди, тушундингми? Тушунган бўлсанг яхши, энди югуринглар. Қолганларинг ўчоқ бошидан бир газ-бир газ келадиган таёқ олиб келинглар. От устида ҳақиқий қилич чопишамиз.

– Яшаси-ин! От устида қилич чопишамиз.

Худоёрхоннинг гапларидан хурсанд бўлиб кетган болалар қий-чув қилишганча ўтов-ўтовларига қараб югуриб қолишди. Худоёрхон Олтинойни кўтариб олган Саидбекка қараб, боши билан ишора қилди.

– Ўтовга юр, – ўзи бошлаб ўтовга кирди-да, бешбармоққа хамир ёяётган кайвонига қараб, – эна,... Олтинойга ўзингиз қаранг, биз Саид билан ўтин тергани борамиз.

– Ўтин тергани борамиз!? – Кайвони умрида ўтин термаган Худоёрхонга ажабланиб қаради, – айланай хонзодамдан, ростдан ўтин тергани борасизларми?

– Ростдан, эна, ростдан. Ахир, ҳа деб бийбовомнинг ўтинларидан олиб ёқиш инсофдан эмас-да, – Худоёрхон тапирмоқчи бўлган Саидбекка бир ола қараб, кайвонига ақл ўргата кетди, – қўшнилар нима дейди, хонзодалар дангаса эка-ан, демайдими? Яхши эмас, эна, яхши эмас.

– Вой, ақлли хонзодамдан ўзим ўргилай. Бора қолинглар, қоқиндиқ. Олтиним, кел, ўзимнинг олдимга, хамирдан бераман, кулчача ясайсан.

– Кулчача... Кулчача ясайман...

Олтиной талпинганча Саидбекнинг қўлидан сирғаниб тушди-да, супрага яқин келиб, чўнқайиб ўтириб олди...

Ўтов орти бир чети қирга уланиб кетган яланглиқда отларга миниб олган болалар ёғоч қиличларини ўйнатиб Саримсоқбекни кутишар эди. Томошабин бола-бақралар ҳам анча-мунча кўпайиб қолишган. Ишини тугатиб бўлган Саримсоқбек илдам юриб келди. Саидбек

жиловидан ушлаб турган отга бир сакрашда ўзини эгар устига олди-да, болаларга бирров кўз югуртириб чиқди.

– Ҳамма тайёрми?

– Тайёрмиз.

– Яхши, энди эса бўлинамиз, ху-уш. Мен, Маллахон, Худоёрхон, Саидбек, Суфибек бир томон, қолганлар бир томон, маъқулми?

– Йуғе-е, хонзодам, бу адолатдан эмас, – деди Саидбек эътироз билдириб, – биз беш кишимиз, улар эса етти нафар, улардан биттасини олайлик, шунда теппа-тенг бўламиз.

– Ташвишланма, Саид. Сен, Худоёрхон, Суфибек улар билан бирга-бир жанг қиласизлар. Маллахон иккаламиз иккитадан олишамиз, – болаларга қараб, – ўйин шарти бундай, сизлар эллик қадам у томонга, биз эллик қадам бу томонга юрамиз. Кейин бараварига бир-биримизга қараб от қуямизда, қилич чопишамиз, тушунарлими? Яхши, ҳой, сен болалар, четроқда туринглар, яна отларнинг туёғи остида қолиб кетманглар. Четроқ, яна четроқ, ҳа, ана шундай.

Эллик қадам ортга чекинаётган қирғиз болалар ўзаро чуғурлаша кетишди.

– Хонзодалар билан қилич солишиб бўлар эканми?

– Бўлмайди, агар бирортасига таёқ тегиб кетса, нақ балога қоламиз.

– Эса нима қиламиз?

– Бир-икки қилич уриштирган бўламиз-да, кейин шартта қир томон от қўйиб, қочиб қоламиз.

– Маъқул.

Мулжалланган жойга келиб, иккала томон ҳам тайёр бўлгач, Саримсоқбек ёғоч қиличини баланд кўтариб, буйруқ берди.

– Душман томонга қараб олға-а-а!!!

– Олға-а-а!!

– Ур-ҳе-е-ей!!

– Ҳа, ҳа, ҳа-а-айт!!

Иккала томон ҳам бараварига бир-бирлари томон от қўйишди. Қирғиз болалар ўзлари томон қиличлари-

ни уйнатиб елиб келаётган хонзодаларга хавфсираб қарашди.

– Хонзодаларнинг келиши даҳшат-ку...

– Ростакамига солишса-я.

– Саидбек тўрам билан анови учала хонзода сал аяса ҳам, хонзода Худоёрхон аямасдан таёқ солади.

– Эса нима қиламиз?

– Яхшиси, қилич солишмасдан от бошини буриб, қочиб қоламиз.

– Маъқул.

Гуруҳлар бир-бирларига яқинлашмасданоқ қирғиз болалар отларини буриб, ура қочиб қолишди.

– Ҳей, ҳей, қаёқа-а-а? – қичқирди Саримсоқбек отларини пихтаб қочаётган болаларга ажабланиб қараб. – Ахир қилич уриштиришимиз керак.

– Тўхтангла-а-ар, тўхта, деяпман, қурқоқлар, – қичқирди Худоёрхоннинг жиғибийрони чиқиб, – етиб олсам, ҳаммангни ўлдирама-а-ан...

Ҳар қалай кейинги „жанг"лар бир оз дурустроқ бўлди. Дам олиб, дам олиб тўрт-беш марта бир-бирларига от қўйиб, қиличлашишди. У ёқ-бу ёқлари бир оз кўкарган бўлса ҳам кайфиятлари баланд, ҳаммалари хурсанд. „Жанг"лардан ҳориб-толган болалар қандай қилич солишганини бир-бирларига айтиб, чақчақлашганча отларини лўкиллатиб ўтовлари томон ҳайдаб кетишди...

Шомга яқин эркаклар тўйдан қайтишди. Жорқиной ўтов ичида эрининг қўлидан чопонни олар экан, болаларнинг бугунги қилган шўхликларидан шикоят қилди.

– Қўявер, жоним, болалар қанча кўп от чопиб, машқ қилишса, шунча яхши. Болаликдан чиниқса паҳлавон йигитлар бўлиб улғайишади. Болаларимнинг онасидан ўзим ўргилай.

Шералихон меҳр билан хотинининг белидан қучоқлаб, ўзига тортди-да, оппоқ томоғидан қаттиқ ўпди.

– Вой ўлмасам, хон тўрам, – деди Жорқиной эшикка олазарак қараб, – болалар кириб қолишади-я...

Шу пайт ҳужра эшиги очилиб, Ҳокимойимнинг хаёли бўлинди. Хонага кайвони кириб, таъзим адо қилди.

– Нима гап? – деди Ҳокимойим рўмолининг учи билан кўзларини артар экан.

Кайвони Ҳокимойимга ташвишли қараб, секингина деди:

– Хон сизни йўқлайдур!

Ҳокимойим ғазаб билан кайвонига ўқрайиб қаради.

– Хон „Шаҳншин"дамас, ойихоним, „Ҳузури олий"да!

Ҳокимойим бир оз бўшашди. Қовоғини уйганча бир фурсат ўйланиб турди, сўнгра кайвонига товушини пастроқ қилиб тез-тез гапирди:

– Гапларимни яхшилаб эшитиб ол, Сарви. Хон бекордан-бекорга чақиртирмайди. Агар „Ҳузури олий"дан қайтмасам, биринчи қиладиган ишинг, Олтиной билан Султонмуродбекни энг чеккадаги тагхонага қамаб қўй. Икковига қаттиқ тайинла, товушларини чиқармай ўтиришсин. Ёнингга канизаклардан бирини олиб, Чорсуга бор, маҳалладаги қирғиз, қипчоқ хотин-халажларни оёққа турғиз. Растанинг олдига йиғилиб, „Ҳокимойимни қатл қилишди", – деб дод солинглар. Хотинлар дод солса, халқ қўзғолади. Тўс-тўполонда болаларимни олиб, овулга қоч...

– Ойихоним!!... – деди кайвони йиғламсираб.

– Ба-ас!... Ҳозир йиғи-сиғининг вақти эмас, Сарви... Хоннинг олдидан қайтмасам айтганларимни бажар.

Ҳокимойим ҳужрадан чиқиб, „Ҳузури олий" томон шошилмасдан юриб кетди. Ҳужрада ёлғиз қолган кайвони ғужанак бўлиб олиб елкаларини силкитганча унсиз йиғлаб қолди. Ҳудайчи Ҳокимойимнинг яқинроқ келишини кутиб турди-да, сўнгра „Ҳузури олий"га кириб чақирди:

– Ҳокимойим киришга изн сў... ия, ия... товба...

„Ҳузури олий"да биринчи марта тартиб бузилди. Хоннинг рухсатини кутмасдан Ҳокимойим бақрайганча қотиб турган ҳудайчининг ёнидан ўтиб хоннинг рўпарасида тўхтади-да, таъзим қилмасдан бошини ғоз кўтариб турди. Хоннинг ишораси билан ҳудайчи бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Мусибатлардан эзилиб, йиғи-сиғи билан шафқат тилайдиган муштипар онани кутган хон, қоматини тик тутган, мағрур Ҳокимойимни кўриб,

бир оз эсанкираб қолди. Рақиблар бир неча сония бир-бирларига сўзсиз тикилиб туришди. Ҳокимойимнинг таъзим адо қилмаганидан хоннинг ғазаби келмади. Унга Ҳокимойимнинг таъзими эмас, фуқаронинг тинчлиги керак, ғалаён бўлмаса, бўлди. Хон тахтда бир қўзғолиб олиб, секин гап бошлади:

– Ҳокимойимнинг соғлиқлари яхшими?

– Шукур.

– Хафа қилишмаяптими?

– Бундан ортиғи бўмаса керак.

Хон ерга қаради. Кейин томоғини бир-икки қирган бўлиб деди:

– Тақдир, Ҳокимойим... Фалак чархининг кажрафторлиги ҳам бўлади. Ўзи сабр берсин, тақдирга тан беринг, Ҳокимойим.

– Саройга келмасимдан бурун тақдирга тан берганман, хон. Қаерда ўсиб, вояга етганимни яхши биласиз. Менга қолса, қонга беланган бу саройни, кенг яйловдаги овулимнинг битта ўтовига алмашмайман. Нимаям қилайки, тақдир экан, – Ҳокимойим хоннинг кўзига тик қараганча товушини бир парда кўтариб, гапини давом қилди, – минглар сулоласини Худо урди. Битта палакда ҳар хил қовун бўлганидай, Шохруҳбийди авлодидан тарқаган Норбўтабийди уруғи қонхўр чиқди. Отанг қайнотамни қатл қилдирди, сен тўрамни қатл қилдиргинг. Тўкилган қонлар камлик қилган бўлса мени ҳам қатл қилдир. Мен ўлимдан қўрқмайман, хон. Ит кутурса, ўз суягини ўзи ғажир...

– Ба-ас-с!!... Бас қилинг, Ҳокимойим, – ҳайқирди хон ғазабдан оқариб, сўнгра бир фурсат сукут сақлаб, ўзини босиб турди-да, товушини бир парда тушириб, деди: – Худо шоҳид, сизга заррача зиён етказиш ниятим йўқ, Ҳокимойим, билъакс... Сизни чақиртиришимдан мурод... Сиз озодсиз!

Ҳокимойим энтикди. Қулоқлари шанғиллаб, танаси бўшашиб, оёқларида мадор қолмади. Шунча аччиқ гаплардан кейин хондан марҳамат кутмаган эди.

– Болаларим-чи, болаларим ҳам озодми, хон?

– Болаларингиз ҳам, ўзингизга қарашли канизак, жорияларингиз ҳам озод. Ота-боболаримнинг арвоҳига қасам ичаман, бир ҳафтадан кейин сизга рухсат, хоҳлаган жойингизга боринг.

Ҳокимойим хоннинг кўзларига тикилиб қаради. У ҳали ҳам хоннинг афв қилиб, устига-устак озодлик беришига ишонмасди. Хон найранг қилаётган бўлмасин яна.

– Менга рухсатми, хон?

– Бир дақиқа... Ҳокимойим... Ўзингизга маълум, мен шу пайтгача қувғинда эдим. Хон авлодидан бўлсам ҳам тахт талашиш хаёлимда йўқ эди. Раҳматли завжингизни вазиру иноқлар қандай тахтга ўтқазишган бўлсалар, мени ҳам тахтга шундай ўтқазишди. Бу тақдир. Мендан домангир бўлманг, Ҳокимойим. Тангрим сизга сабри жамил берсин... Энди сизга рухсат, бораверинг.

Ҳокимойим кетишга чоғланар экан, хонга қараб, деди:

– Маҳшар куни Тангримнинг ўзи сизларга қози бўлсин, хон. Тўрам сиздан фарқи уларок, тахтни минглар авлодидан эмас, балки Фарғона мамлакатини оёкости қилган душманимиз, манғитлардан тортиб олди.

Ҳокимойим бурилиб, бир-бир қадам босганча „Ҳузури олий"ни тарк қилди. Хон бўғриққанидан қип-қизариб, тахтга суянган ҳолда, тасбеҳ доналарини тез-тез ўгира бошлади. „Минг лаънат,... Ҳокимойимнинг ҳамма гапларига чидашим лозим... Нима бўлганда ҳам Мусулмонқул келгунига қадар тинчлик керак, – Мурод-хон чуқур „уҳ" тортиб, кўзларини юмди, – жин урсин, мирипоённинг айғоқчиларидан ҳалигача дарак..." Ҳудайчи кириб хоннинг хаёли бўлинди.

– Олампаноҳ, мирипоён Шарифбек жаноблари билан, мингбоши Қодирбек жаноблари амрингизга мунтазир.

Хон шошмасдан тахтга жойлашиброқ ўтирди-да, қўли билан ҳудайчига ишора қилди. Ҳудайчи қабулхонага чиқиб, чақирди:

– Хон ҳазратлари изн бердилар!

Шарифбек билан Қодирбек, ойболта ушлаб, қотиб турган хос соқчиларнинг олдидан ўтиб, „Ҳузури олий"га кириши-да, тахтда ўтирган хонга таъзим адо қилишди. Сўнгра тахтга яқинлашиб келиб, қўл қовуштирган ҳолда туришди. Хон қўли билан нимсуфада турган курсиларга ишора қилиб, уларга илтифот кўрсатди.

– Нима гап? – сўради хон Шарифбек билан Қодирбек курсиларга ўтиргач.

Шарифбек жойидан бир қўзғолиб олиб, жавоб берди:

– Олампаноҳ, чорбозорчиларга қўшиб юборган айғоқчиларимиздан яна иккитаси тунда қайтиб келишди.

– Хўш, хўш!

– Мусулмонқул „Чашмаи орифон"дан ўтибди. Қўшини икки-уч минг атрофида, қўшин бошида Ўшнинг ҳокимидан ташқари Марғилон ҳокими, Ўтаббойни ҳам кўришибди. Лекин Худоёрхон ҳали ҳам кўринмабди. Айғоқчиларимиз унинг ўлик-тиригини ҳам билишолмаган, олампаноҳ.

Хабарни эшитган хон, асабийлашиб, қўлидаги тасбеҳни тез-тез ўгирганча зарда аралаш Шарифбекка қараб, деди:

– Ҳў-уш-ш!... Мир жаноблари, Мусулмонқулнинг юборган номаси буйича шаҳзодани қатл қилди ҳам дейлик. Ўшнинг ҳокими мезбон сифатида Мусулмонқулга ҳамроҳ бўлиб келяпти ҳам дейлик... Лекин нега Мусулмонқулнинг қўшини икки мингдан уч мингга етди? Нега Марғилон ҳокими Ўтаббой унга қўшилди? Мана шулар мени хавотирга соляпти. Мусулмонқул бизга қарши бирор-бир фитнами, найрангми, уйлаётган бўлмасин яна, – хон Қодирбекка қараб, – қани, мингбоши жаноблари, сиз бизлардан кўра Мусулмонқулни яхшироқ биласиз, сизнинг фикрингиз қандай?

Қодирбек одоб юзасидан жойидан бир қўзғалиб олиб, жавоб берди:

– Хон ҳазратлари, агар Мусулмонқул бизга қарши бирор бир фитна-найранг уйлаганда эди, бошлаб Ан-

дижон, Наманган, ҳокимларини оёққа турғизган бўлар эди. Қўшинни уч – тўрт минг эмас, етти – саккиз мингга етқизган бўлар эди. Айғоқчиларимизнинг келтирган хабарларига қараганда бу шаҳарларда тинчлик, осойишталик. Фуқаро орасида миш-миш, гап-сўз, ғалаён бўлмаган. Ўш ҳокими билан Марғилон ҳокимининг бир оз навкарлари билан қўшилгани, бу Мусулмонқулнинг манманлигию катталигидан бошқа нарса эмас. Мусулмонқул қўшин билан Ўшга жўнаганда, ёнида фақат Умарали понсод бўлган холос, қолган ҳаммаси ёш бекчалар. Мусулмонқул уларни ҳеч қачон ёнида олиб юрмайди. Шаҳарга киришда Ҳазратларининг олдиларида ўзини басавлат, даражасини баланд қилиб кўрсатиш учун шундай қилган, – Қодирбек нафасини ростлаб, хонга бир қараб олди-да, гапига якун ясади, – олампаноҳ, нима бўлганда ҳам Мусулмонқул шаҳарга қараб келяпти. Шаҳарга кирса бўлди, бу ёғини эплаб оламиз. Агар Ўшда туриб қолганда эди, бизга қарши бўлган бўлар эди, қиблаи олам.

Қодирбекнинг жавобидан қониққан хон бир оз енгил тортиб, ўзини тахтнинг суянчиғига ташлади. Бамайлихотирлик билан тасбеҳ ўгирар экан, Шарифбекка қаради:

– Сиз нима дейсиз, мир жаноблари?

Шарифбек бир муддат ўйланиб турди-да, вазминлик билан жавоб берди:

– Олампаноҳ, мингбоши жанобларининг айтганлари тўғри. Лекин Мусулмонқул жуда айёр, унинг хаёлида нималар борлигини, ёлғиз Эгамнинг ўзи билади. Шунинг учун ҳам ҳар эҳтимолга қарши мингбоши жаноблари билан бамаслаҳат эҳтиёт чораларини кўриб қўйдик, хон ҳазратлари.

– Қандай чораларни кўрдингиз?

– Олампаноҳ... Боя мингбоши жаноблари, „Мусулмонқул шаҳарга кирса бўлди, бу ёғини эплаб оламиз“, – деб бежиз айтмадилар. Ҳазратларининг ҳам хабарлари бор, ҳафта олдин, ғалаёнда биз томонда бўлган юзбошию понсодлар, вазиру иноқлардан бешўнтасини чақиртириб, кенгаш ўтказувдик. Бекларга бир

минг-ярим мингдан навкар тартиб қилишга, сиз ҳазратларининг номларидан фармон берувдик. Икки кун бўлди, ўзимиздаги уч минг билан жами саккиз мингдан ошиқроқ навкарни ростлаб қўйдик. Беку навкарлар ҳазратларига астойдил хизмат қилиши учун бир масалада хузурингизга келувдик, хон ҳазратлари.

– Нима масала экан?

Кенгашда айтилган гапларнинг маблағ томони, хонга етмаслигини Шарифбек яхши билар эди. Муродхон ўспиринлик йилларида тежамкорроқ бўлиб, кейинчалик инқирозга бўлиб қолган эди. Тахтга ўтирганида умрида биринчи марта хазинадаги бойликларни кўриб, тахта бўлиб қолди. Зиқналиги баттар ошиб, хасисликка айланди. Халққа ош берилганда ҳам қарийб халфанадай бўлди. Шариат пешволарию, беку боёнларга сарфона берилганда, Шарифбек хонга айтиб ўтирмай, баланд овоз билан хон номидан улашди. Хон ҳурпайибгина олсига берилаётган ҳар бир сарфонанинг орқасидан аччиқланган кўзлари билан кузатиб қолар экан, ўлганининг кунидан тиржайиб ўтирди. Лекин эртаси куни Шарифбек, Қодирбек, Мадаминбекларни исрофгарчиликда айблаб, яхшигина танбеҳ берди. Шуларни ўйлаб, Шарифбек, бир оз мулоҳаза қилиб турди-да, кейин ётиғи билан деди:

– Хон ҳазратлари... Навкарларни фақат ғизо билан таъминлашнинг ўзи камлик қилади. Маъракани бошлашимиздан олдин юзбоши, шиғовул, понсод, беку навкарларга моҳона бериб рағбатлантиришимиз даркор. Бунинг учун хазинадан андак сарф-харажат қилмоғимиз лозим. Шундай қилмасак бўлмайди, олампаноҳ.

Шарифбекнинг гаплари хонга ёқинқирамади. Хон бир-икки қисқа йўталиб олди-да, пешанасини тиришгирлаича бир оз сукут қилиб, деди:

– Ху-уп... Дуруст, дуруст... Айтганларингиз яхши... Лекин олдин ишни бошланглар, бир ишни бошламасдан олдин дарров хазинага ёпишасанлар. Жуда ғалатисанларда. Мусулмонқулни бир ёқлик қилиб, хотиржам бўлайлик, ана ундан кейин моҳона беришни ўйлаб кўрамиз, тузукми?

Шундай пайтда хоннинг зиқналик қилишидан Қодирбек ғижинди. Лекин сездирмасдан юзига мулойимлик тусини бериб, хонни чучитадиган қилиб деди:

– Хон ҳазратлари. Бу ердагилар ҳали ҳазратларини яхши билишмайди. Олдиндан моҳона бермасангиз, бекларнинг орасидан бирор-бир фитна чиқиб, „Хон зиқна экан" – деса, Худо кўрсатмасин, анчадан бери қўли пул кўрмаган навкарлар норозилик билдириб, ғалаён кутарса, бу ёқдан Мусулмонқул келаётган бўлса, ана унда тожу тахт, хазина уёқда турсин, жонимиз ҳам омонат бўлиб қолади, қиблаи олам.

Хоннинг танаси музлаб қолди. Тили гапга айланмай, ўқрайганча Қодирбекка тикилиб, сўнгра нажот излагандай Шарифбекка қаради. Шарифбек ҳам гапни совутмасдан дарров илиб кетди:

– Мингбоши жаноблариниг гаплари тўғри, олампаноҳ. Беку навкарларни олдиндан рағбатлантирсангиз, уларнинг олдида обрўйингиз ошади. Ҳаммалари ҳазратларини ҳурмат этиб, садоқат билан хизмат қилишади... Худо хоҳласа, Фарғона мамлакатининг бутун мол-мулки ҳазратлариники. Бу ёғи Хўжанд, Ўратепа, бу ёғи Тошкент, Қурама[45], Оқмачит[46], Туркистон[47], бу ёғи Андижон, Наманган, Марғилон, Ўш, борингки, ҳамма бекликлар сиз – ҳазратларининг тасарруфингизда. Худо берса, кейинчалик шу бекликлардан келадиган божхирожлар билан яна хазинангиз тўлиб-тошиб ҳам кетади, олампаноҳ.

Шарифбекнинг гаплари хонга бир оз малҳамдай бўлиб, дарров кўниб қуя қолди:

– Бўпти-бўпти... Дуруст... Майли, хазинадан қанча керак бўлса шунча олинглар, нимани лозим кўрсангиз, шуни қилинглар. Бекларнинг обрў-эътибори, лавозимига қараб беринглар, – сўнгра кетидан таъкидлаб қўйди, – ҳуда-беҳудага исроф қилманглар, ҳаммаси меъёрида бўлсин... Ишлар сиз айтганчалик тугаса, жуда яхши... Мусулмонқул Қўқонга қачон етиб келар экан?

– Уч-тўрт кун бор чамаси, олампаноҳ... Яна айғоқчилар аниғини етказиб келишади.

– Маъқул... Лекин ҳушёрликни қўлдан бой берманг, мингбоши жаноблари. Сиз айғоқчиларни кўпайтиринг. Айтгандай... Мусулмонқулнинг ўғли қаерда?

– Шу ерда, саройда, олампаноҳ... Қаноатшонинг, соқчи-навкарлари билан бирга.

– Яхши, уни кўздан қочирманглар, ҳар доим саройда бўлсин, унга сиз бошингиз билан жавоб берасиз, мингбоши жаноблари.

– Бош устига, олампаноҳ, – Шарифбек томоғини бир-икки қириб, Қодирбекка қараб олди-да, гапини давом қилди, – ҳазратларининг хаёлларидан фаромуш бўлдимикин, деган андишада, мингбоши жаноблари билан ҳазратларига арз қилмоқчи бўлиб турувдик.

– Қандай арз? – хон кўзларини очиб, унга қаради.

– Олампаноҳ... Ўзларидан қолар гап йўқ, бу ота-боболаримиздан қолган удум... Ҳарамдагиларни, Ҳокимбонумуҳ канизакларни ҳаммасини битта қолдирмай, сарқардаю юзбошиларга битта-битта тортиқ қилсакми деб...

– Бас-с!!... Мир жаноблари, бас қилинг!.. Хон кўзларини чақчайтирганича қўлини кескин силтаб, Шарифбекнинг гапини шартта бўлди. – Сиз ҳам эшитиб қўйинг, мингбоши. Бу гапни бир эшитдим, бошқа эшитмай. Турт йил олдин мана шу саройда, амир Насруллохон, Моҳларойимни қатл қилдириб, ҳарамдаги канизакларни бекларга тортиқ қилиб, халқдан олган тавқи-лаънати қиёматгача етти пуштига етиб ортади. Ҳали шаҳар фуқаросининг алами кетмай туриб, шу ерда, шу ишни яна қайтадан такрорлаш, ғирт аҳмоқликнинг ўзгинаси. Амир етмагандай, биз ҳам халқнинг лаънатига қолиб кетишимиз ҳеч гап эмас...

Шарифбек, Қодирбек билан қўл қовуштирганча бошини эгиб турар экан, вақти келиб, хоннинг гапларини амирга етказишни кунглига тугиб қўйди. Хон Шарифбекнинг кунглидагини сезгандай унга қараб деди:

– Тавқи-лаънатни биринчи бўлиб амирнинг ўзига айтган одам, шоир эди, шекилли, номи хаёлимдан фаромуш бўлди...

– Ул нобакор шоир, Ҳозиқ[48], хон ҳазратлари,... Жунайдуллоҳ Ҳозиқ.

– Ҳа, ҳа, шоир Жунайдуллоҳ Ҳозиқ. Кейинчалиқ амир шоирни Шаҳрисабзда қатл қилдириб юборди, шекилли, шундайми, мир жаноблари?

– Олампаноҳ!

– Амир ҳазратлари Қўқонни барбод қилиб, музаффар билан қайтганларида, беку боёнлар, аркону мулозимлар, уламою аъламлар, амир ҳазратларини тантана билан кутиб олишган экан. Адашмасам, ўшанда тавқилаънатни шоир Ҳозиқ, икки мисра шеър тўқиб айтган эмиш, шу гап ростми, мир жаноблари?

– Ҳаққаст рост! Олампаноҳ, ул беандиша шеър қилиб айтган, – деб жавоб берди Шарифбек хоннинг бунчалик суриштиришидан хавотирланиб.

– Шундай денг, демак, тўғри экан... У шеър қандай айтиларди?

– Хон ҳазратлари, маъзур тутсинлар...

– Ҳў-ўш-ш?

– Ахир... Олампаноҳ... Амир ҳазратларига беадаблик қилган бўламиз!

Хон қовоғини уйганча Шарифбекка тикилиб туриб, деди:

– Бу ерда амирингиз йўқ, мир жаноблари, бу ерда мен борман… Қўрқмасдан бемалол айтаверинг.

Иложсиз қолган Шарифбек, „ҳукми пошшо вожиб“ қабилида Қодирбекка бир қараб олди-да, халқ ичида машҳур бўлган икки мисра шеърни айтиб берди:

Буриди бар қади худ, аз маломат,
Либоси, то ба домони, қиёмат.

„Уз қаддингга лаънатлардан шундай бир либос тикиб кийдингки, у либос устингда қиёматгача қолади.“

– Офарин, мир жаноблари, офарин, – хон, тиржайганча Шарифбекни олқишлаб, сўнгра заҳарханда қилиб деди, – агар мана шу икки мисра шеърни тутиқушдек шақиллаб айтиб берганингизни биров амир ҳазратларининг қулоқларига етказса, мансабингиз у ёқда турсин, шоир Ҳозиқдай омонатингиздан ҳам айрилиб

қолманг, деб қўрқаман. Нима дедингиз, мингбоши жаноблари?

Қодирбекнинг жавобга тили айланмай, бошини лиқиллатиб, ютиниб қўя қолди, Шарифбекнинг ранги оқарганча дудуқланиб деди:

– О-олампаноҳ... М-м-мен... ахир мен сизнинг амрингизни бажо к-келтирдим... Мен ўзим ҳеч вақт, ҳеч қачон...

– Қўрқманг, мир, бу гаплар ҳеч қачон амир ҳазратларининг қулоқларига етиб бормайди. Шуни яхши билингки, шоирнинг ўзи ўлса ҳам, айтганлари, ёзганлари ўлмайди. Дунё кезиб юради. Ёмон амаллар билан шоир халқининг назарига тушишдан Худо сақласин. Уларнинг тили асалдан ширин, заҳардан аччиқ, пардан юпқа, қиличдан кескир бўлади. Хазинанинг сарфу харажатига устасизлар, мана бундай нарсаларга фаросатингиз етмайди, – хон икковига бир қараб олди-да, супра бир парда тушиб, юмшоқроқ оҳангда гапида давом этди, – халқнинг ишончию ҳурматини қозониш учун, мулжаллаган ишларимиз бир ёқли бўлгандан кейин Ҳокимойим билан канизакларини, хоҳласин, катта ўғли Саримсоқбекнинг олдига, хоҳласин, ўртанча ўғли Маллахонинг олдига, хоҳласин, ота-бобосининг овулига кузатиб юборамиз. Кузатганда ҳам, ҳурматини жойига қўйиб, мулозиму соқчи-навкарлар билан бирга кузатиб юборамиз. Тушунарлими, жаноблар?

– Тушундик, олампаноҳ!

– Мана бундай ишлар фуқаронинг ичида қанча кўп гап-сўз бўлса, шунча яхши... Бўпти, энди бориб ишларни тезлаштиринглар, сизларга рухсат.

Икковлари ҳам ўринларидан туришди-да, хонга таъзим адо қилиб, „Ҳузури олий“ни тарк қилишди. Хон уларнинг изидан кузатиб қолар экан, чуқур „уҳ“ тортиб, кўзларини юмди. Қарийб уч-тўрт соатлик мулоқотдан кейин ҳам унинг дилидаги ғашлик йўқолмади.

* * *

Баҳодир шиғовулнинг чорбоғи. Шом қазо бўлиб, зуфтон яқинлашиб қолган. Юлдузлар кун бўйи саратон

қуёшида тобланғандай осмонда чарақлаб турибди. Чорбоғнинг кўча томонида қатор экилган теракларнинг боши осмон билан қўшилиб кетгандай. Ташқи ҳовлида киши билмас ғимирлаб шиғовулнинг йигитлари хизмат қилишади. Боққа уланган ишкомнинг тагидаги кенг супада, меҳмонга келган бекларнинг йигитлари дастурхон атрофида чордона қурганча чой ичиб гурунглашар, бандардаги отлар бурун парракларини ҳуриллатиб, думлари билан чивинларни ҳайдаганча, курсиллатиб беда чайнашар эди. Отларнинг сонига қараганда, меҳмонлар мўлжалдагидан хийла кўпроқ. Сабаби кундуз куни Ғани тўқсоба чорбоққа келганида, шиғовул билан ишончли беклардан ҳам беш-ўнтасини хуфя кенгашга чақиришни маслаҳатлашиб олишган эди. Шиғовулнинг, беклар ўтирган меҳмонхонадан ҳар замонда пешайвонга чиқиб дарвоза томонга қараб қўйишидан яна кимнидир кутаётгандай эди. Ҳовлининг бир чеккасида каттагина ёзги ошхона. Билқиллаб зирвак қайнаб турган қозон тепасида Абдурасул гуруч елпир, онда-сонда тошу курмагини териб ташлаб, тозаланган гуручни ёнидаги идишга солар, яримлаб қолган қопдан яна гуруч олар эди. Ёнгинасида Холиқул сув қайнаётган қумғондан чой дамлар экан, гуруч елпиётган Абдурасулга қараб туриб, деди:

– Гуручни яхшилаб елпиб тозала, ука, бирорта ҳам тоши қолмасин. Келган меҳмонлар ҳаммаси казо-казо, таъби нозиклардан, яна бек акамлардан гап эшитиб юрмайлик.

Абдурасул „маъқул“ дегандек, бош ирғаб қўя қолди. Меҳмонхонадан чиқиб, ҳовлига тушиб келаётган Баҳодир шиғовул қовоғини уйганича ғунғиллади: „Жин урсин, икки карра хуфтон бўлаяпти, Султон сатангдан ҳалигача дарак йўқ. Шом оралаб келсин, деб қаттиқ тайинлаган бўлсам. Шундай пайтда беғамлигини қара буни, ҳе-еппирсиён...“. Саройдаги хизмат пайтларида, Султонбек парвоначи бошқа бекларга нисбатан ўзига оро бериб, озода бўлиб юргани учун, Баҳодир шиғовул унга „сатанг“ деб лақаб қўйган, лекин шиғовулдан бош-

каси бу лақабни айтишга ботинмасди, фақат бир марта Мадалихонгина Султонбек парвоначига бошдан оёқ разм солди-да, табассум билан деди:

– Қиёс йўқ, парвоначи жаноблари, битта чирманда бўлса, кифоя. Жўрангиз шиғовул жаноблари айтганларидек, сатанглик аъло даражада, офарин, офарин...

Хонга билдирмасдан парвоначи қалин қошларини бир неча марта баланд-паст қилиб, шиғовулга ҳавойи пуписа қилиб қўярди. Тажанглиги ошган шиғовул чой дамлаётган Холиқулга ўшқирди:

– Ҳалигача чойни олиб бормадингми?

– Аллақачон олиб борганман, бек ака, бу дамлаётганим захира.

– Ҳм-м, – заҳарини кимга сочишни билмай турган шиғовулнинг кўзлари, каттагина чўп қошиқда зирвакнинг тузини тотиб кўраётган Абдурасулга тушди, – зирвакнинг тузини кўраяпсанми?

– Тузини кўряпман, бек ака... – деди Абдурасул қошиқни лаганнинг четига қўяр экан, шиғовул гапининг охангидан хавотирланиб.

– Вой овсар-ей, буни қаранг, тузини кўраётган эмиш. Каттаси аҳмоқ тузини чўмичда кўради. Ахир бунақада зирвакни паққос еб қўясан-ку, фил...

– Бу, қошиқ бу, бек ака.

– Бас-с! Чўмич бундан катта бўлмайди...

Шу пайт кўчадан отларнинг дупури эшитилиб қолди.

– Жим-м! Отларнинг товушими?

– Отларнинг товуши, бек ака.

Шиғовулнинг бирпасда кайфияти кўтарилди.

– Баракалла, миритаббох, баракалла... Гуручингни зирвакка босовур, арслоним... Холиқул!... Дарвозага югур, – ўзи ҳам дарвоза томон юрар экан, йигитларига буйруқ бера кетди, – сан иккитанг отларни дасталаб бандарга, санлар йигитларни супага олиб ўтинглар, қани, тез-тез, чаққон-чаққон қимирланглар.

Фурсат ўтмай йигитлар отларни бандарга олиб ўтиши билан, Султонбек парвоначи бир тўп навкарлар билан дарвозадан кириб келди. „Товба-товба, битта пар-

воначига шунча соқчи, хонлардаям бунақаси йўқ, шундай пайтда манманликка бало борми, башанглигини қара буни, умри ойнага қараш билан ўтгани аниқ, мингбошининг баччаси ҳам ўзига шунчалик оро бермаган" шиғовулнинг жиззакилиги тутиб кетди:

– Ҳа-а... мунча-а,... парвоначи жаноблари, чорбоғда ҳам ойна топиларди, ё ойна синиб, янгам билан...

– Адаб-б!!! – парвоначи қошларининг тагидан кўзларини чақчайтириб, амирона товуш билан шиғовулнинг гапини бўлди.

Хону хонзодаларнинг олдида ноўрин ҳаракат қилинса, ёки ҳазил-мутойиба одоб доирасидан чиқса, айтиладиган „адаб" сўзи шиғовулни жойида қотириб қўйди. У машъала ёруғида навкарларга бирров кўз югуртириб, Нормуҳаммаднинг ёнида турган Худоёрхонни таниб қолди. Унинг чорбоққа келишини кутмагани учун шиғовул бир зумгагина бўлса ҳам эсанкираб қолди, „Ё, Парвардигор!.. Шаҳзода Катта Кенагасда қолиши керак эди-ку, бошини хавф-хатарга қўйиб, бу ёққа келганини қаранг. Атроф хоннинг айғоқчилари билан тўла бўса, бу қип-қизил аҳмоқликнинг ўзгинаси. Қодир Эгам, балою-қазодан ўзинг асра...". У дарҳол ўзини ўнглаб олди-да, Худоёрхон томон бир қадам ташлаб, таъзим адо қилди.

– Минг бор маъзур тутсинлар, шаҳзодам, қоронғида танимай қолибман, чорбоғимизга хуш келибсиз, қадамларига ҳасанот, марҳабо шаҳзодам, марҳабо!

– Бардаммисиз, шиғовул жаноблари? – расмиятчилик юзасидан ҳол-аҳвол сўради Худоёрхон, – мол-жон омонми?

– Худога шукур, шаҳзодам, Худога шукур, соғ-саломат етиб келганингизга беадад шукур. Бошим осмонга етди, шаҳзодам, – шиғовул парвоначига бир қараб олиб, ҳаммасига тушунди. Унинг авзойидан Худоёрхонни ҳам ялиниб, ҳам қўрқитиб, Катта Кенагасда қолишга кундира олмай чарчагани шундоққина кўриниб турарди. Худоёрхоннинг қайсарлигини билган шиғовул, унга ёқадиган қилиб гапини давом этди, – биз томонга ташриф буюриб жуда тўғри қилганлар, шаҳзодам. Сизни кўриб, кенгашга келган бекларнинг руҳи кўтарилади. Худо

хоҳласа, ҳаммамизга ўзингиз бош бўласиз. Қани энди, бу ёққа марҳамат қилсинлар, шаҳзодам, бу ёққа... Холиқул!.. Сан йигитларни супага бошла.

Шиғовул уч-тўрт қадам орқаси билан юриб бурилди-да, ҳовлини кесиб зина томон илдам йўл бошлаб кетди. Султонбек парвоначи ярим таъзим қилган ҳолда қўлини олдинга чўзиб, Худоёрхонни олдинга юришга манзират қилди:

– Марҳамат қилсинлар, шаҳзодам.

Худоёрхон олдинга қараб юрар экан, бошини хиёл буриб, Саидбек билан Нормуҳаммадга ишора қилди. Баҳодир шиғовул беклар ўтирган меҳмонхонага кирди-да, ҳудайчига ўхшаб эълон қилди:

– Шаҳзода Худоёрхон жаноблари ташриф буюряптилар!!!

Гунгир-ғунғир гаплар тўхтаб, бирдан ҳамма жим бўлиб қолди. Хонада сукунат пайдо бўлди, кейин чақмоқ ургандай беклар бараварига қалқиб оёққа туришди. Хонага салобат билан Худоёрхон шериклари ҳамроҳлигида кириб келди. Беклар қўл қовуштирган ҳолда ҳаммалари таъзим адо қилишди...

Туп яримлаб, хуфя кенгаш ҳам қарийб охирлашиб қолган. Ош тортилиб, дастурхонлар йиғиштирилиб олинган, фақат унда-мунда чойнак-пиёлалар қолган. Тўрда Худоёрхон вазмин бўлиб жиддий ўтирар, икки ёнида Баҳодир шиғовул билан Султонбек парвоначи. Қолган беклар ёшу мансабига қараб қатор ўтиришарди. Ғаш туқсоба, Нормуҳаммад, Азимбек, Саидбеклар ҳам шулар орасида. Кенгашда беклар, Мусулмонқул мингбоши билан Умарали понсоднинг режаларини ҳаммалари баҳамжиҳатлик билан маъқуллашди. Шиғовул билан парвоначи, режани амалга ошириш учун нималар қилиш кераклигини бекларга обдон тушунтиришди. Ёши каттароқ беклар ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлашди. Ёшроқ беклар, аниқроқ билиш учун, у-бу нарсаларни сўраб, суриштириб олишди. Баҳс – мунозаралардан кейин, кенгаш охирида Баҳодир шиғовул чукка тушиб ўтириб олди-да, бажариладиган иш-

ларни бекларга бўлиб бера бошлади. Ташқи ҳовли ҳам деярли тинчиб қолган, супа, меҳмон йигитлар билан банд бўлгани учун, шиғовулнинг йигитлари дарвозага яқин чоғроқ майдонга гилам, кўрпача ташлаб, дам олишарди. Супадагилар ҳам дастурхонни йиғиштириб қўйиб, кўплари узала тушиб, уйқуга кетган, айримлари ёнбошлаган, бошқалари оёқларини узатган ҳолда пастроқ товушда гурунглашар, ҳаммалари ҳам бекларнинг чиқишини кутишарди. Ўчоқ бошида Абдурасул ҳаммага ош тортиб, лаганлар қайтганидан кейин қозон, товоқ, капгиргача битта қўймай ҳаммасини ювиб, артиб чиқди. Ўчоқ атрофига сув сепиб, супуриб-сидириб, чиннидай қилиб қўйди. Сўнгра хонтахта ёнидаги дағалроқ курсичага ўтириб, чой ичганча Холиқулни кута бошлади. Холиқул навбатдаги чойнакни узатиб келар экан, йўл-йўлакай рўмол билан терлаган юз-бўйнини артди. Ўтин ёрадиган пастаккина кундани хонтахта ёнига тикка қўйди-да, ўтириб, тин олди.

– Уф-ф, вой-вое-ей, ишлар тинчиб қолди, назаримда, – қўлидаги рўмолни виз-визак қилиб бўйнига ташлади, – қани, ниманг бор, полвоним?

– Сизга тагроғидан дадилгина қилиб олиб қўйганман, ака, – деди Абдурасул, усти нон билан ёпилган сопол лагандаги ошни Холиқул томон сурар экан, – олинг, ош бўлсин.

Холиқул нонни синдириб, ошни катта-катта ошам қилиб, босиб олар экан, ярим чайнаб ютарди. Уч-тўрт олишда лаганни салкам яримлатиб, деди:

– Қўлинг дард кўрмасин, ҳақиқий ошпазсан, ука, бек акам бекорга сени миритаббоҳ демайдилар. Сен ҳақиқатан ҳам жамиики ошпазларнинг амирисан.

Мақтовдан эриб кетган Абдурасул яшириб қўйган косадаги сергўшт иликни Холиқулнинг олдига қўйди.

– Айланай полвонимдан, ширинхўрагим... Ҳали дастурхонни йиғиштираётганда сенга пашмак олиб чиқиб бераман.

Болаликдан ширинликка ўч бўлган Абдурасулнинг кўзлари ёнди.

– Шундай қилинг, ака, пашмак билан би-ир маза қилиб чой ичайлик.

Абдурасул илиқдан гўшт узиб олиб, ошга қўшиб шитаҳа билан еяётган Холиқулга завқланиб қаради, сўнгра косадаги майда қилиб тўғралган кўк пиёздан чимдилаб олиб, ошнинг устига сепди. Ошни тугатиб, пиёлани тозалаган Холиқул, бармоқларини ялаб, хонтахта четида турган латтага қўлларини артди. Абдурасул узатган чойни олар экан, гулдурос кекириб деди:

– Бай-бай, бай-бай, Абдурасул ука, додласам ҳам икки кунгача менга ҳеч нарса берма яна, – қорнини силаганча чойни ҳуриллатиб ичаркан, – нафасдан бошқасига зиғирча ҳам жой қолмади... Вой-вое-ей, ҳали меҳмонларни кузатиш керак.

– „Икки кун"миш, икки соатдан кейин „ниманг бор?" деб келасиз, ҳали, – ҳиринглаб кулди Абдурасул, кейин товушини пастроқ қилиб сўради, – ичкаридан гапиринг ака, ичкаридан, ичкарида нима гаплар?

– Э-э... Ичкарида гап катта, ука, гап катта, – бўш пиёлани Абдурасулга узатар экан, – назаримда шаҳзодани хон қилиб кўтариб, тахтга ўтқазишадиёв.

– Зўр-ку, шаҳзода ҳам гапирдими, кўриниши қандай?

– Йўқ, бир оғиз ҳам гапирмади, айвонда у ёқ-бу ёққа юриб, деразадан кўз ташлаб турдим, қовоқларини уйиб олган, ўлжасига човут солмоқчи бўлган бургутдай қўлларини чақчайтириб ўтирди.

– Қойи-ил,... бек акамлар-чи, бек акам гапирдиларми?

– Вой-вой, бу бек акам бир кун мени тириклай ўлдирадилар.

– Тириклай ўлдирадилар? Ё товба, нима учун, ака?

– Ҳов қайси кун, уюрга борганимиз эсингдами? Сан чорбоғда қолувдинг. Бек акамлар билан Ғани тўқсоба хонанинг олдига кириб кетишди, чиққунларигача катта хонани Уч қўрғонидан[49] кўрдим. Бир сакрашда отга минадиган одам, беш-олти қадам ҳаккиллаб, аранг эгарга чиқиб ўтирдим. Шу десанг, чорбоққача...

Холиқулнинг гапи оғзида қолди. Меҳмонхонадан айвонга Нормуҳаммад билан Азимбек чиқишди. Улар

зинадан тушишди-да, ҳовли бўйлаб супа томон юришди. Супадагилар бир-бирларини туртишиб, оёққа қалқишди. Майдончадаги йигитлар ҳам тура солиб кўрпача гиламларни думалоқлаб, бир чеккага йиғиб қўйишди. Нормуҳаммад супага яқинлашиб, чақирди:

– Назиркул!

– Лаббай, бек ака... – супадагилардан биттаси югуриб келиб, Нормуҳаммаднинг рўпарасида қўл қовуштирди.

– Йигитлардан тўрттасини ол, ўзинг билан беш киши бўлиб, парвоначи жанобларини Катта Кенагасга кузатиб борасизлар. Қолганлар шу ерда қоламиз. Шошма, юзлиққа Нурали амаки бош бўлади. Ҳамманг Султонбек жанобларига бўйсунасизлар, буйруқларини сўзсиз бажаринглар. Икки кун тайёрланинглар, индин кечаси йўлга чиқасизлар, тушундингми?

– Айтганингиздек қиламиз, бек ака.

– Бўлди, бор энди, сизларга оқ йўл, ҳозир беклар ҳам чиқиб қолишади.

Шу пайт меҳмонхонадан бирин-кетин беклар чиқиб кела бошлашди. Меҳмонларни тўп-тўпи билан Нормуҳаммад, Азимбек иккови кузатишди. Беш-ўн дақиқа ичида бандарда деярли отлар қолмади. Йигитлар у ёқ-бу ёқни йиғиштирган бўлишди-да, Холиқулга айтиб, Нормуҳаммадга қарашли йигитларни эргаштириб, боққа чиқиб кетишди. Меҳмонларнинг бир қисмини кузатган Нормуҳаммад бўш қолган супага қараб юрар экан, йўл-йўлакай қилич осилган камари билан чакмонини ечиб, супанинг бир четига қўйди. Ўзи ҳам кўрпачага оғир ўтириб, обдон керишди, энди ёнбошлайман деганда, айвонда Баҳодир шиғовул кўринди.

– Холиқул! Қанисан?

– Шу ердаман, бек ака, – деди Холиқул қўлидаги тамбани деворга тираб қўяр экан.

– Дарров ичкаридаги катта хонага ўзимникидақа қилиб иккита жой ташла. Ҳожатни йўлига машъала ёқиб қўй. Обдаста, кесак, сочиқларни ростлаб қўй, тезлат.

– Хўп бўлади, бек ака, – Холиқул буйруқни бажаргани шиппиллаганча юриб кетди.

Азимбек охирги меҳмонни кузатиб дарвозадан кирди-да, Холиқулни қидириб, атрофга аланглади. Ўчоқ бошида ишларини тугатиб, қўлини ювaётган Абдурасулга кўзи тушиб деди:

– Абдурасул, дарвозани тамбалагин-да, кейин бориб, дамингни ол, айтгандай, эрталабки нонуштага тузукроқ бирор нарса тайёрланглар. Холиқул аканг билан маслаҳатлашиб қилинглар, тушундингми?

– Тушундим, бек ака, – деди Абдурасул, ҳам бош иргаб, ҳам қўлини кўксига қўйиб, сўнгра дарвоза томон шошилдам юриб кетди. Азимбек, Нормуҳаммад ёнбошлаб ётган супага қараб юрди.

– Мунча ушланиб қолдингиз, жўра? – сўради Нормуҳаммад Азимбек супага яқинлашганда чордона қуриб ўтирар экан.

– Маманазар, гапга солиб ушлаб қолди, анови карвонсаройчи Ашир бўқоқнинг ўғли. Ҳеч шуларни жиним сўймайди, зоти паст. Гапларидан юрагим ғаш тортди.

– Нима дейди?

– Товба қилдим, худди хоннинг айғоқчисидай эзмалашиб, ҳар хил нарсаларни суриштириб қолди. Мен ҳам шошмасдан қовоғимни солиб, кўзига қараб туравердим. Ўзи ҳам сезди, шекилли, шоша-пиша хайрлашиб, отига минib жўнаб қолди. Кўзлари бежо, саъй-ҳаракатлари ҳам менга шубҳали туюлди, яна Худо билади. Аслида шаҳзода Кенагасда қолса ҳам бўларди, – Азимбек камари билан чакмонини ечиб, Нормуҳаммаднинг рўпарасига чордона қуриб ўтирар экан, гапида давом этди, – ҳар ҳолда хавфсизроқ жой, ғалвалар бир ёқли бўлгунча ўша ерда турғани маъқул эди, нима дедингиз?

Нормуҳаммад бир оёғини чўзиб, тиззасини уқалаганча деди:

– Гапларингиз маъқул, Азимбек, лекин шаҳзодани яхши билмайсиз-да, ўлгудек ўжар. Парвоначи унинг Кенагасда қолиши учун Худонинг зорини қилди, кўнмади, парвоначига бир ўқрайиб берувди, боёқишнинг дами ичига тушиб кетди. Ўшдан келишда йўлдаги воқеани айтмайсизми, раҳматли хон ҳазратларининг гапларини айтгунимча яхшигина тўрт-беш қамчи едим.

– Қамчи едим?.. Ё товба, нима учун?

– Э-э, мавриди келганда айтаман, жўра. Ҳозир хаёлим бошқа нарса билан банд, тезроқ икки кун ўтса-ю, тезроқ ҳаммаси тугаса, ётганимда ҳам, турганимда ҳам тинчим йўқ, жўражон.

Азимбек Нормуҳаммадга қараб туриб, кулди.

– Нега кулаяпсиз?

– Мени сиздан баттар тинчим йўқ, Нормуҳаммадбек, шунга кулаяпман. Ўзи Ўшдан чиққандан юрагим ғаш тортувди, устига-устак амаким бу ерда айғоқчию дор билан қўрқитиб қўйганлар, кун бўйи ичкари ҳовлидан чиқмадим. Юрагим тарс ёрилиб кетай деди, яхшиям сиз келдингиз.

– Амакингиз тўғри қилганлар, Азимбек, бу қўрқишдан эмас, эҳтиёткорлик. Бекордан-бекорга дорга осилиш ғирт бемаънилик. Саройдагилар ҳам аҳмоқлардан эмас, улар ҳам бекорга қўл қовуштириб ўтирмагандир. Уларнинг ҳам айғоқчилари бор, айғоқчилар келтирган хабарларга қараб, бирор-бир тадбир ўйлаётган бўлишлари ҳам мумкин. Рақибинг тўғрисида ҳеч нарса билмаслик, одамнинг юрагини ғаш қилар экан, жўра. Боя меҳмонларни кузатгунча юрагим дукуллаб ўлди... Парвардигор, балою қазодан ўзинг асра.

Азимбек бир эснаб олди-да, узала тушиб ётар экан, деди:

– Ўзи асрайман, деса, ҳеч гап эмас... Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди, энди ухлайлик, жўра...

Беш дақиқалардан кейин иккови донг қотиб уйқуга кетишди.

* * *

Азимбекнинг дилида шубҳа уйғонгани бежиз эмас эди. Маманазар, мир Шарифбекнинг айғоқчиси эди. Муродхон тахтга ўтириши билан эртаси куниёқ Қодирбек мирохур билан Мадаминбек понсодларнинг ёрдамида беш-ўнта айғоқчиларни ёллади, Маманазар ҳам шуларнинг орасида эди. Айғоқчиликка уқуви бўлмаса ҳам бекларнинг орасига тиқилиб юрар, Шарифбекка ҳам шуниси керак эди. Маманазарнинг отаси карвонса-

ройчи Аширбўқоқ, бир вақтлар Мусулмонқул мингбошининг олдига елиб-югуриб, муомала қилиб, юзбоши мансабини ўғлига олиб берган эди. Маманазар бекларга илтоқланиб лаганбардорлик қилар, навкарларга буйруқ бериши, дўқ уришлари бачканадай бўлиб, бекунавкарларнинг ичида обруси йўқ эди. Шарифбек унга поисодлик мансабини ваъда қилди. Маманазар енг шимариб киши билмас ишга тушиб кетди. У ўзига ёқмаган ёки отасининг рақобатчилари бўлган беку-боёнларнинг олдида янги хондан шикоят қилиб, нолир, ёмонлар, сўнгра уларнинг устидан Шарифбекка чақиб, бир нечтанинг ёстиғини ноҳақ қуритиб юборди. Ғани тўқсоба уни хуфя кенгашга таклиф қилганида юраги ҳаприқиб кетди. Дарҳол Шарифбекка хабар қилмоқчи бўлди. Беш-олти қадам ташлаб секинлади-да, тўхтаб қолди. Қўлидаги қамчиннинг чарм ҳалқасини билагига ўтқазиб туриб ўйга толди, „Шошма, Маманазарбек, шошма... Агар ҳозир бориб, айтсам, Қодирбеклар ҳаммасини ҳибсга олиб, боғлаб олиб боришади-да, мансаб-мукофотнинг ҳаммасини ўзлари олишади. Мен бир чеккада қолиб кетавераман. Э-э, йў-ўқ... Бунақаси ҳечмайди, яхшиси, ҳеч кимга айтмасдан хуфя кенгашга ўзим бораман. Кенгашга кимлар келган, нечта келган, шиалар қилишмоқчи, ҳаммасини билиб олиб, кейин шоҳиёнга бориб хабар қиламан. Бундан албатта хон ҳазратлари ҳам хабардор бўладилар. Ана унда мансаб ҳам, мукофот ҳам бир ўзимники бўлади“. Хаёлига келган фикридан мамнун бўлган ҳолда, шом бўлишини сабрсизлик билан кутди...

Маманазар шом бўлар-бўлмас чорбоққа кириб борди. Шамлар билан яхшигина ёритилган катта меҳмонхонанинг бир чеккасида Ғани тўқсоба билан гурунглашиб ўтирди. Хонага бирин-кетин беклар кириб кела бошлашди. Маманазар беклар билан бир-бир кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашар экан, севинчидан энтикиб кетарди, „Худойимга шукур, поисодлик нақд бўлди. Буларни ҳаммасини ушлаб берсам, хон ҳазратлари мансабга қўшиб, у-бу мукофотдан ҳам беришлари аниқ...“. У бир

йил ичида понсодликдан келадиган даромадни, амлок ерлардан келадиган фойдани бир зумда ҳисоблаб чиқди. Баҳодир шиғовул, шаҳзоданинг ташрифини бекларга билдириб чақиргандан кейин, хонага кириб келган Худоёрхонни кўриб, кўзлари ёниб, нафси ҳакалак отиб кетди. Таъзим вақтида шаҳзодага эмас, гўё ўзининг хокимлик мансабига таъзим қилаётгандай бўлди. „Ё, Парвардигор, берган неъматингга шукур, рўпарамда ё Андижон, ё Марғилон ҳокимлик мансаби турибди, ушлаб берсам, бас...“. Ҳокимликдаги хазинани кўз олдига келтириб, ичи қизиб кетди. Ўрда, арконлар, канизаклар, вой-во-ей... Маманазарнинг қийқириб юборишига оз қолди... Уюр-уюр йилқилар, қутон-қутон қўйлар, подалар, ерларни ижарага беради. Шаҳардаги карвонсаройни сотиб олади, йўғе-е, нега сотиб олар экан? Эгасини бирор бир нарсада гуноҳкор қилиб, тортиб олса ҳам бўлаверади. Отаси битта югурдагини қўйиб қўйса бас, ана фойда... Кенгаш давомида юраги дукиллаб, тугагунча сабр билан кутди. Ниҳоят кенгаш тугаб, ҳамма ташқарига чиққач, енгил нафас олди. Энди орзулари ушалади. Шиғовулнинг йигитлари, бандардан отларни учтадан-тўрттадан дасталаб, ташқарига етаклаб олиб чиқиб, эгаларига топширишар, Азимбек билан Нормуҳаммад меҳмонларни деярли сўзсиз, имо-ишора билан кузатишарди. Маманазар отининг жиловини мулозим йигитдан энг охирида олди. У меҳмонларни кузатиб, ёлғиз ўзи қолган Азимбекнинг олдига яқинлашиб борди.

– Меҳмонларни кутиб-кузатиб, чарчамадингизми, Азимбек?

– Йўғе-е, нега чарчар эканман, Маманазарбой? – деди уни „бек“ дейишга тили айланмай. – Қайтанга сизлар билан суҳбат қилиб, ҳордиғим чиқди.

– Шунақа денг, яхши-яхши, Ўшдан қачон қайтиб келдингизлар?

– Кеча келувдик.

– Умарали понсод қайтиб кетдиларми?

– Кетдилар, нимайди?

– Шундай, ўзим, Азимбек, шундай ўзим, ҳа, айтгандан, шаҳзода чорбоғда қоладиларми ё қайтадиларми?

Азимбек сергак тортди, Маманазарга қовоғининг тагидан ўқрайиб қараб туриб, деди:

– Билмайман, шаҳзодада ишингиз борми?

– Йуғ-е, Азимбек, йўғ-е... шаҳзодада нима ишим ҳам бўлсин, шунчаки ўзим қизиқиб сўрадим, яхши қолинг, хайр, хайр...

Азимбек индамасдан унга қараб тураверди, Маманазар шоша-пиша отига миниб, нихтаганча жўнаб қолди. У отини йўрға қилиб ҳайдар экан, ўзини ўзи койиб кетди, „Бефаросат, овсар, нима қилардим Умарали понсодни сўраб, қаерга кетгани билан нима ишим бор. Бугун бўлмаса, эртага ҳибсга олинарди-ку, қип-қизил аҳмоқлик қилдим“, ўзидан олдинги отлиқларга етиб олмаслик учун отини секинлатди. „Товба, товба, яна устига-устак, шаҳзодани сўраганимни қара, ғирт эшшаклик қилдим. Уяям улгудек бетамиз экан, билса ҳам бақрайиб туриб, „билмайман“ дейди-я, нокас. Ўқрайиб қараганини кўриб, юрагим орқамга тортиб кетди ўзиям. Сезиб қолган бўлса-я, йўғ-е, Худо сақласин, сезмаган бўлса керак, фақат маҳмаданалигимдан озгина жаҳли чиқди, холос. Маҳмаданалик қилиб нима қилардим. Ит, эшшак, хайвон... ҳа, майли, ҳечқиси йўқ. Улар билиб қолган тақдирда ҳам ҳеч нарсага улгуриша олмайди. Ҳозир тўғри бориб, мир жаноблариға хабар қиламан, шу кечанинг ўзида ҳаммасини бир ёқлик қиламан. Ҳали тонгача уч-тўрт соат вақт бор, бемалол улгураман“. Маманазар отини тўхтатди. Қоронғиликка тикилиб, эстойдил қулоқ солди. Отларнинг дупури эшитилмай қолган эди. У қимир этмай бир оз кутиб турди-да, кейин отнинг бошини қалъа томон бурди. Аввалига отини йўрға қилиб ҳайдади, бир оздан сўнг узанги билан пиқтаб чоптириб кетди. Узоқдан „Марғилон“ дарвозасига кўзи тушиб, Маманазарга дарвозадан кириш ташвиши тушди. „Лаънати дарвозабонлар, ҳаммаси Мадаминбекнинг навкарлари, гадойдан ҳам паст. Тонгачақа ундирмагунча пашшани ҳам шаҳарга қўймайди

булар, кун бўйи келадиган даромаднинг ҳаммаси Мадаминбекнинг киссасига тушади, ҳа-а, очофат, ҳали шошмай турсин, унинг ҳам танобини тортиб қўяман. Ҳозир бу тамбалларни тезроқ дарвозани очиши учун нима қилсам экан, мир жанобларининг номларини айтсаммикин, йўқ, Шарифбекни бу лаънатилар яхши танимайди. Мен салтанат хавфсизлиги учун елиб-югурсаму, бу эшшаклар дарвозани очишмаса-я, вой, ҳайвонларе-ей". Дарвозабонларнинг дангасаю таъмагирлигини кўз олдига келтирган Маманазарнинг астойдил жаҳли чиқиб, алам қилиб кетди. „Мен, хон ҳазратларининг номларидан буюраман, ҳа, ҳа, тўппа-тўғри, хон номидан буюраман. Қани, очмай кўрсин-чи, эртаси кун хон ҳаммасини қатор қилиб дорга остиради." Шуларни ўйлаб, Маманазарнинг бирданига ботирлиги тутиб кетди. Салобатли дарвозанинг олдига етиб келди-да, отдан ҳам тушмасдан қамчини билан дарвозани қоқиб, ўшқира кетди:

– Ҳў-ў-уй, ким бо-ор?!...Тезроқ дарвозани очинглар, лаънати тамбаллар!! Хон ҳазратларининг номларидан буюраман. Дарвозани очинглар, сусткашлик ўлимга тенг!!!

Пилта милтиққа бошини қўйиб, пинакка кетган соқчи кўзини ярим очиб, шинакдан пастга қаради. Бетоқатлик билан у ёқдан бу ёққа юриб турган отлиққа кўзи тушиб, мудраб ётган шеригини туртди.

– Шодмон, тур, пастга қара, бир отлиқ турибди, дўғига қараганда, Бухородан келган чопарга ўхшайди-ёв, дарвозани очмасак, кейин бек акамлардан қамчи еб юрмайлик яна.

Шодмон эринибгина шинакдан бошини чиқариб, пастдаги отлиққа тикилиб қаради.

– Куринишдан чопарга ўхшамайди, Райимқул ака, қалпоғида жиғаси ҳам йўқ, ҳозир кимлигини билиб оламиз, – пастга қараб бақирди, – ҳў-ў-уй, кимса-а-ан?.. Отингни айт, бўлмаса ҳозир пилта милтиқдан отиласан.

„Милтиқдан отиласан" деган сўзни эшитиб, Маманазарнинг ботирлигидан асар ҳам қолмади, юраги ҳаприқиб, дудуқланиб қолди.

– Ҳ-ҳо-ой, ҳо-ой-ҳой, о-отм-ма-а, Худо хайрингни бергур, отма, б-бу ма-ан, ман, юзбоши Маманазарбек Ашурбой ўғлиман!!!

Шодмон Райимқулга қараб ҳиринглади:

– Ҳи-ҳи, ҳи-ҳи… Товба-товба, Райимқул ака, ҳа-ло-бу Маманазар писмиқ-ку, Ашир бўқоқнинг ўғли, дуту-пуписасини қаранг, четдан қараган мингбоши шу, деди. Товба қилдим, парвардигор, туякашнинг ўғлидан ҳам бек чиқса-я, қиёмат-қойим бўлади шекилли, – деди Шодмон, сўнгра яна Маманазарга қараб бақирди, – бемаҳалда нима қилиб юрибсан?

– Хон ҳазратларига шошилинч хабар олиб келганман, дарвозани очинглар! – Маманазарнинг бирдан яна ботирлиги тутиб кетди, – тезроқ оч, деяпман, итдан тарқаган қашшоқлар, хабар кеч борса, хон ҳазратлари ҳаммангни дорга остирадилар, бўл тез-тез, лаънати эшшаклар...

„Дор“ сўзини эшитган Райимқулнинг этлари жимирлаб кетди. Маманазар билан ўчакишмасликни маъқул кўриб, Шодмонни муросага чақирди:

– Шодмонбой ука, қўй, шу паст билан тенг келиб юрма, балодан ҳазар. Ростдан ҳам хоннинг иши билан келган бўлса, бошимиз ғалвага қолиб юрмасин. Тинчгина ризқимизни териб, еб юрибмиз-ку. Худо кўрсатмасин, бу ердан ҳайдашса, яна подшоликнинг йўқ тангасига қараб қоламиз. Пастдагиларга айт, дарвозани очиб юборишсин...

Бир оздан сўнг дарвозабонлар шарақ-шуруқ қилиб халқаларни занжирдан бўшатишди-да, залворли лўкидошларни суриб, дарвозанинг бир табақасини ланг очишди...

Ўн беш дақиқада Чорсуга етиб келган Маманазар, кўпиклаб кетган отини секинлатди. Эгарга қайтадан жойлашиброқ ўтирди-да, сарой томонга қараб отини қистаб кетди.

V БОБ

Шералихон даврида сарой қўрғонининг бурчларида биттадан соқчи навкар турган бўлса, Муродхон тахтга

ўтиргандан бери, иккитадан, овлоқдаги бурчларда эса учтадан, ҳатто тўрттадан соқчи навкарлар қўйилган. Туни билан машъаллар ёниб туришидан, бурчларда ҳар доим навкарлар борлиги билиниб туради. Дарвоза ёнидаги соқчихонада, тун ярмида алмашиб келган соқчи навкарлар, енгилгина тамадди қилиб қотиб ухлашарди. Соқчихона ёнида унча баланд бўлмаган супада, бешолти навкар чой ичиб гурунглашар, шевасига қараганда, ҳаммаси қоратегинлик. Ташқи ҳовлида, хон маҳкамасининг дарвозаси билан, ҳарам дарвозасининг олдида иккитадан соқчи навкар туришарди. Маҳкаманинг ён томонидаги қатор ҳужралардан биринг эшиги қия очиқ, даҳлиз вазифасини ўтовчи бу хонада ёши йигирма тўрт-йигирма бешлардаги бир йигит ухлаб ётар, шундоққина кўрпачанинг олдида қинидан суғурилган қилич турарди. Бу йигитнинг номи Аҳмадшо. У хон хос соқчиларининг бошлиғи, юзбоши Қаноатшонинг жиловдор мулозими. Даҳлизга кирганда ўнг томонда нақшинкор эшик бўлиб, ичкари кирилганда кенггина яхши жиҳозланган хонада Қаноатшонинг ўзи ухлаб ётарди. У, Аҳмадшодан каттароқ бўлиб, ёши ўттиз бешлар атрофида, ўрта бўйдан баландроқ, бақувват, оқишдан келган, ақлли, калтагина қора соқоли ўзига ярашиб туради. Камарию чакмонини ҳисобга олмаганда, деярли ечинмай ётар, ҳатто этигини ҳам ечмаган, яланғочланган қиличи қўл етар жойда турарди. Бунчалик эҳтиётқорликнинг ўзига яраша жиддий сабаби бор эди...

Қўқонда қирғин қилиб, тахтга Иброҳим хаёлни ўтқизган амир Насруллохон, Бухорога қайтишда Қоратегин билан юрди. Уч-тўрт кун Қоратегинда қўниб, қўшинга дам берди. Шу ерда Қаноатшонинг ўн олти яшар келишган соҳибжамол синглиси борлиги амирнинг қулоғига етди. Амирнинг фармони билан қизни канизакликка Бухорога олиб кетишди. Тоғ қизи қордек оппоқ, кўзлари қоп-қора, қадди-қомати бенуқсон. Парвардигор унга ҳусни Юсуфни берган, гўзалликда беқиёс эди. Ғайирлигу ҳасадлари келган канизаклар, ботирбоши кайвонини қўлга олиб, ҳарамдаги тартиб-қоидани

бузишга кўндиришди. Кийикдек ҳуркак қизни бир-икки ҳафта кўниктирмасдан биринчи кечадаёқ, амирга рўпара қилишди. Умрида биринчи марта бегона эркак билан ёлғиз қолган қиз даҳшатга тушди. Амир билан бирга ётишга кўнмай, тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатди. Муроди ҳосил бўлмаган амир ғазаби келиб, эртаси куни қизни „марги ширин" қатлига фармон берди. „Марги ширин" билан қатлга ҳукм қилинганларни катта лошқозонда қайнаб турган сувга ташлаб ўлдиришар эди. Лекин бир оз вақт ўтгандан кейин амир жаҳл устида берган фармонидан пушаймон бўлди. Аммо вақт ўтган эди. Шу ишнинг бошида турган ботирбоши кайвони-ю турт-беш жория, канизакларни қатл қилдирди. Уч-тўрт оплардан кейин Қаноатшо Бухорога келиб, синглисини пуқлади. Соқчи-навкарлар, уни аркка қўйишмади. Ҳафта-ун кун югур-югур қилиб, суриштириб, тайинли бир жавоб тополмади. Аркка кириш учун қилган ҳамма уринишлари зое кетди. Ахийри ҳеч бир иш чиқмагач, Қоратегинга қайтиб кетди. Тоғ халқи жуда ориятли бўлади. Кейинги йиллар Қаноатшо Бухорога бир неча марта хуфёна келиб, синглисини киши билмас суриштирди. Ниҳоят узоқ машаққатли қидирувлардан бирида ҳақиқатни билиб олди. Қачон бўлмасин, амирдан уч олишга онт ичиб, Қоратегинга қайтиб кетди. Ўша кундан бошлаб Қаноатшонинг тинчлиги йўқолди. Ўнгида ҳам, тушида ҳам, кўз олдида нозиккина синглисининг ёлғиз турган сиймоси турарди. Қудратли амирга қарши бирор иш қилишига кўзи етмаса ҳам қандайдир ички бир куч унга тинчлик бермас, ҳар доим уч олишга ундар эди. Бу орада минглар уруғидан, тахтга ҳақдорлардан бири Муродхон, амир Насруллохоннинг ёрдами билан мир Шарифбек ҳамроҳлигида икки мингга яқин навкар билан Қоратегинга келиб, қунишди. Шарифбек қоратегинликлардан навкарликка ёллай бошлади. Узоқни кўзлаб Қаноатшо ҳам навкар бўлди. От чопишда, қиличбозликда ўта абжир бўлганлиги учун Шарифбек уни тоғликлардан ёлланган навкарларга юзбоши қилиб тайинлади. Кейинчалик Муродхоннинг хос соқчиларига

бошлиқ қилиб қўйди. Икки-уч ойлардан кейин асосий қўшин Қоратегинда қолиб, Қўқонга яқинроқ бўлиш учун Муродхон билан олти нафар киши Ўратепадаги Найман гузарига бориб қунишди. Шу ерда истиқомат қилиб туришганда Бухородан чопар келди. Қаноатшонинг Бухородаги хуфёна хатти-ҳаракатлари амирнинг қулоғига етган эди. Тоғликларнинг кекчи халқ бўлишини билган амир ҳар эҳтимолга қарши Қаноатшони киши билмас қатл қилишга фармон бериб юборди. Шарифбек ҳукмни ижро қилишга шошилмади, ҳатто Муродхонга ҳам айтмади. У қоратегинликларнинг ғалаён кўтаришларидан чўчир эди. Шунинг учун ҳам қатлни кейинроқ, мавриди келганда ижро қилишни кунглида тугиб қўйди...

Муродхон тахтга ўтиргандан бошлаб, чамаси бир ҳафталардан кейин Аҳмадшо ҳар галгидек соқчихонада йиғилиб қолган ариза-қоғозларни, хон маҳкамасидаги мингбошининг ҳужрасига олиб кетди. Фурсат ўтиб, қўлидаги қоғозлар билан қайтиб келди-да, ранги ўчган бир ҳолатда Қаноатшонинг ҳужрасига кириб, пойгакда ўтириб қолди.

– Б-бек а-ак-ка-а!!... – кўзлари ола-кула бўлиб кетган Аҳмадшо, қийшайган лаб-лунжини йиғиштиролмай қалтираган ҳолда дудуқланиб, – с-суй-суйишади, ў-ўлдириш-шади, расво-о бўлдик...

Қаноатшо Аҳмадшонинг ҳаддан ташқари қўрқиб кетганини тушунди. Ўрнидан қўзғалиб, чўкка тушиб ўтирди-да, уни ўзига келтириш учун қовоғини солиб, ўшқириб берди:

– Ба-асс!!... Тур ўрнингдан... Тур деяпман сенга, ҳайвон!! Ана шундай, берироқ кел, мана бу ёққа ўтир, ўтир деяпман, эшшак, – кейин товушини сал пасайтириб, – ҳиққиллама, ҳа-а, ана шундай, энди гапир.

– Буюрганингиздай... Ҳиқ, бугун ҳам а-арриза-қоғозларни олиб, ҳиқ, мингбошининг ҳужрасига олиб борувдим... Ҳиқ...

– Хўш-ш!

– Қабулхонага кирсам ҳеч ким йўқ... Ҳиқ, мулозими чойга чиқиб кетган шекилли...

– Кейин нима бўлди?

– Кейин... Сал қия очилиб турган эшикнинг олдига бориб, ҳужрага кирсамми-кирмасаммн деб ўйланиб турувдим...

– Чўзмасдан гапирсанг-чи, аҳмоқ!

– Ичкаридан мир Шарифбекнинг Қодирбек мингбошига айтаётган гапларини эшитиб қолдим

– Нима деди?

– Х-хонга ҳозирча айтмай турамиз, деди.

– Нимани?

– Амир Насруллахондан келган фармонни?

– Қанақа фармон?

– Айтишга тилим бормайди, бек ака...

– Гапир, ҳайвон!

– С-сиз... Сизни... Хуфёна қатл қилдиришга фармон юборибди.

Қаноатшонинг ранги оқариб кетди. Аҳмадшо унга қараб, хириллаган товушда тез-тез гапира бошлади:

– Дарду балонгизни олай, бек ака, буюринг, Қўлдош билан карвонсаройга бориб, одамларимизга бир-бир айтиб чиқамиз. Худо хоҳласа, шу бугун тунда қочамиз...

– Жим бўл, овсар!.. – силтаб ташлади Қаноатшо, сўнгра қовоғини уйганча бир оз ўйланиб туриб, деди, – гапларимни қулоғингга қуйиб ол, ҳеч кимга бу ҳақда гурс этиб, оғиз оча кўрма. Ҳеч нарса билмагандай қадимгидек ишингни қилиб юравер, лекин ҳар эҳтимолга қарши кечаю кундуз ҳушёр бўлиб юрмоғимиз лозим, тушундингми?... Ҳа, баракалла, қоғозларни шу ерда қолдир... Ана шундай, энди бор, ишингга боравер.

Аҳмадшо бир „уҳ“ тортиб гарангсираганча ҳужрадан чиқди. Қаноатшо ёстиққа ёнбошлар экан, бошидан қалпоғини олди, сўнгра пешонасини уқалаб, кўзларини юмганча хаёлга чўмди. „Жин урсин... Барибир амирнинг қулоғига етиб борибди-да, ҳў-ўш, охирги чопар Бухородан қачон келувди?.. Бу ерга келгани йўқ, келганда билан бўлар эдим. Адашмасам, охиргиси Ўратепага келувди, – Қаноатшо кўзларини очиб, пешонасини тиришгирди, – тушунарли, чопар келиб, кетганидан кейин

Шарифбекнинг кўзлари уйнаб, сўзларида ҳам ясамалик пайдо бўлди. Сезган бўлсам ҳам унчалик эътибор бермаган эдим. Фармон аниқ ушанда келган. Ҳукмни нима сабабдан шу пайтгача ижро қилмагани ҳам тушунарли, агар Қодирбекка бугун айтган бўлса, улар учун энг қулай пайт Мусулмонқулни бир ёқли қилишгандан кейин. Унгача менга тегиша олмайди. Бу яхши. Демак, ҳали вақт бор... Ҳў-уш, олдин Мусулмонқулнинг қачон, қайси пайтда келишини билишим керак. Буни кунора Шарифбекнинг олдига келиб турадиган айғоқчиларидан билиб олсам бўлади. Кейин Мусулмонқул билан боғланиш керак, лекин қандай қилиб, кимни юборсам экан? Ёки уни шаҳарга яқин келишини кутиб, кейин йигитларим билан чиқиб, қўшилсаммикин? Уни саройда мансаб эмас, дор кутаётганини айтиб, ишонтира олармикинман? Мана бу ёғи муаммо... Мусулмонқул ишониши керак, ахир бекордан-бекорга ҳаётимни ўлим хавфига қўймаслигимни тушунса керак,... энди бу ёғи Худога таваккал...“

Фармон келганини эшитгандан бу ёғига Қаноатшо ҳар эҳтимолга қарши эҳтиёткорроқ бўлиб қолди. Шунинг учун тунда ҳам ечинмасдан, ҳар қандай хавф-хатарга тайёр ҳолда ётар эди. Ҳозир ҳам хонасида ухлаб ётар экан, ҳужранинг эшиги секин очилиб, қўлида шам кутарган Аҳмадшо кўринди.

– Ўҳҳў, ўҳҳў... – муштига йўталиб, Қаноатшони уйғотмоқчи бўлар экан, – бек ака, туринг, ташқарида... – Аҳмадшонинг гапи оғзида қолди.

Ўрнидан сапчиб турган Қаноатшонинг қўлидаги қилич, шам ёруғида ялтираб кетди.

– Б-бу, ма-ан, бек ака!!... Ма-ан... Аҳмадшоман!... – шоша-пиша деди Аҳмадшо, юраги дуккиллаб урганидан қўлидаги шамни қалтиратиб.

– Эшшак... Сал бўлмаса калланг учарди, овсар, – Қаноатшо қиличини пастга туширди.

– Сал нарсага қиличга ёпишасиз, – деди Аҳмадшонинг тишлари таккиллаб, – бир-икки йўталган бўлсам...

– Ҳей, йўталмай ўл, тинчликми, нима гап?

– Тинчлик, бек ака, тинчлик, дарвозанинг орқасида бир одам турипти, тез дарвозани очинглар, хон ҳазратларига шошилинч хабар келтирдим, дейди.

– Ким экан у?

– Отим Маманазарбек, дейди... Дўқ-пўписалари жуда баланд, бек ака.

– Шунақа дегин, уни бу ёққа олиб келинглар.

– Хуб бўлади, бек ака.

Аҳмадшо қўлидаги шамни токчага қўйиб, кўздан ғойиб бўлди. Қаноатшо қўлидаги қиличини қозиққа камари билан бирга илиб қўйилган қинига шиғиллатиб солди. Кўрпачага ўтирар экан, чакмонини елкасига ташлаб, тақиясининг устидан барра қалпоғини кийди. Даҳлизда қадам товуши эшитилиб, ҳужрага нафаси тикилган Маманазар кирди. У бетакаллуф юриб келиб, Қаноатшонинг рўпарасида чўкка тушиб ўтирди-да, шам ёруғида унга тикилиб туриб, тез-тез гапирди:

– Бек!!... Зудлик билан мирипоён Шарифбек жаноблариии кўришим керак, шошилинч хабар келтирдим, ҳар бир дақиқа...

– Кимсиз?

Қаноатшо унинг гапини бўлганидан ғижини келиб, писанд қилмаслик билан жавоб берди:

– Ман, Маманазарбек Ашурбой ўғлиман, энди билдингизми?

– Бемаҳалда нима хабар келтирдингиз?

– Сизнинг билишингиз шарт эмас, бек! Мен фақат шер жаноблари билан хон ҳазратларига айтаман. Менинг айтганимни қилиб, дарров...

Қаноатшо қовоқларини уйиб, Маманазарнинг гапини бўлди:

– Кўринишдан дуппа-дуруст одамга ўхшайсизу, лекин эсингиз жойида эмасга ўхшайди, бек. Бу ердаги тартиб-қоидани билмайсиз, шекилли. Ҳуда-беҳудага хон ҳазратларини „Шаҳнишин"да безовта қилиш ман қилинган. Олдин олиб келган хабарингиз қанчалар зарурлигини билмоғим даркор.

Қаноатшонинг гаплари унинг иззат – нафсига тегиб, бўғриқиб кетди. Овозини бир парда кўтарганича „сан"сирашга ўтди.

– Б-бу ердаги тартиб-қоидани с-сандан яхши биламан. Хон ҳазратларига қарши бир тўп фитначилар шу оқшом хуфёна кенгаш қилишди, тушундингми?

Қаноатшо унинг „сан"сирашига эътибор бермай, сергак тортди.

– Фитначилар дейсизми?!... Қанақа фитначилар?... Қаерда?

Маманазар бирдан тутақиб, дўқ ура кетди:

– Ба-асс!!... Мени ким деб ўйлаяпсан, итдан тарқаган лаънати маччойи. Хон ҳазратларига арз қилиб, сен ҳайвонни...

Маманазарнинг гапи бўғзида қолди. Қаноатшо ўтирган жойидан қўлини чўзиб токчадаги қамчини олдида, қулочкашлаганча Маманазарнинг бақрайиб турган юзига қарсиллатиб тортиб юборди.

– Мана сенга арз!... Гапир, кўппак!!

Даҳшатга тушган Маманазар қўллари билан юзини тўсганча гиламга ағдарилиб тушиб, додлай кетди:

– Вой, эна-а-а, ўлдим!!... Бек ака-а-а урманг!!... Вой, турамжо-о-он, айтаман... Вой эна-а-а, ҳаммасини айтаман...

– Ўчир овозингни, ҳайвон!!... Терингни шилиб оламан, эшшак... Гуштингни қиймалатиб, суягингни зиндонда чиритаман, тўнғиз!... Ўрнингдан туриб ўтир, қўлларингни тушир,... тушир, деяпман сенга, даюс... Ана шундай, энди гапир, фитна қаерда, кимникида бўлди? Кимлар бор?... Гапир, деяпман, ҳайвон!!

Тамоман довдираб қолган Маманазар яна қамчи тушиб қолишидан қўрқиб, дудуқланганича пала-партиш гапира бошлади:

– Ч-чор-чорбоғ-ғ!!... Б-баҳодир ш-шиғ-шиғовулнинг ч-чорбоғида!...

– Шиғовулнинг чорбоғида? Кимлар?

– Ч-чорбоққа келган ф-фитначилар, О-ортиғали мирохур, Ҳамдам п-понсод, шиғовулнинг жияни Азимбек, Ғани тўқсоба, Нормуҳаммад юзбоши...

– Шошма, шошма, жим бўл, бир бошдан гапир, фитнани ким бошлади?

Сал-пал ўзига келган Маманазар қамчига кўз қирини ташлаб, астойдил гапира бошлади:

– Фитнани Мусулмонқул бошлаган, бек ака, ҳа, Мусулмонқул. Ўтган куни кечаси Умарали понсод чорбоққа келиб, Баҳодир шиғовулга Мусулмонқулдан нома бериб кетибди. Шу кеча хуфёна кенгаш бўлди, ўн чоғли беклар йиғилди. Султонбек парвоначининг ҳамроҳлигида шаҳзода ҳам келди...

– Қайси шаҳзода?

– Худоёрхон!... Шералихоннинг ўртанча ўғли.

– Худоёрхон?!.. Адашмаяпсанми?

– Улай агар, ўз кўзим билан кўрдим, бир хонада ўтирдик.

– Шаҳзода ҳозир чорбоғдами?

– Чорбоғда, парвоначи Катта Кенагасга ўзи қайтиб кетди.

– Кенгашда нима гаплар бўлди?

– Кўпроқ Баҳодир шиғовул гапирди, жума оқшоми учта дарвозани қўлга олишимиз керак, икки юздан ошмароқ навкарни қалъа деворидан оширишимиз керак, деди.

– Девордан? Девордан қандай қилиб оширади?

– Риштон дарвозасига яқинроқ жойда қалъа девори таъмирлашяпти. Усталар деворнинг ичкари томонидан харрак ясашяпти, ўша жойдан оширишади. Шиғовул ҳамма бекларга қилинадиган ишларни бўлиб берди... Ҳа, айтгандай, Мусулмонқулнинг ўғли Абдураҳмонга ҳушёр бўлиш керак. Яхшиси, уни зиндонга ташлаш керак.

– Зиндонга ташлаш керак? Нима учун?

– Агар Ҳокимойим Абдураҳмонни яшириб қўйиш имкони бўлмаса, уни саройдан ўғирлаб чиқишни шиғовул Ғани тўқсобага юклади.

– Шошма, шошма, Ҳокимойим буларни қаёқдан билади?

– Шиғовул Заҳро сатангдан Ҳокимойимга нома битиб, бериб юборибди.

– Заҳро сатанг ким?

– Ҳокимойимнинг яллачиси.

– Яллачиси дегин... – деди Қаноатшо кўзларини юмиб, унинг мияси чақмоқ тезлигида ишларди. Ниҳоят бир қарорга келди, шекилли, томоғини бир қириб олиб, Маманазарга қаради, – жума оқшом бошлашади, дедингизми? – деб сўради Қаноатшо, Маманазарни „сан"сирашдан „сиз"сирашга ўтиб.

– Ҳа, жума оқшом, бек ака, тунда шаҳарга кириб, жума куни саҳар билан саройни қўлга олишмоқчи.

– Шундай денг, яхши, жуда яхши. Олиб келган хабарингиз ҳақиқатдан ҳам жуда зарур, ҳам бебаҳо, Маманазарбек жаноблари. Сиз фақат хон ҳазратларинигина эмас, бизларни ҳам фалокатдан сақлаб қоляпсиз. Сизга тазйиқ ўтказганим учун мени маъзур тутинг. Вазифамиз шунақа, тушунасиз деган умиддаман. Шахсан ўзим сиздан чексиз миннатдорман. Энди ишга ўтсак. Энг олдин бу хабарни тўхтатмасдан хон ҳазратларига етказиш лозим, шунинг учун мир жанобларини уйғотиб, вақтни ўтказиб юрмайлик. Ҳозир сизни йигитларим боғ орқали тўғри „Шаҳнишин"га кузатиб боришади. У ерда сизни эшик оғаси кутиб олади, сўнгра мулоқот учун хон ҳазратларининг ҳузурларига олиб киради. Сиз хон ҳазратларидан тегишли фармон олгунингизга қадар, мен мир жанобларини уйғотиб, навкарларни отлантириб, йўлга тайёр бўлиб тураман. Нариги хонага чиқиб, қурол-яроғларингизни қолдиринг, қайтишингизда оласиз. Тунда хон ҳазратларининг ҳузурларига қурол билан кириш қатъиян ман қилинган. Тартиб шунақа, Маманазарбек жаноблари.

Маманазар „тушунаман" дегандек бош ирғаб, ўрнидан турди-да, ҳужрадан чиқар экан хаёлидан ўтказди: „хон ҳазратларининг ҳузурларига кириб олсам бўлди, сен лаънати маччойини нима қилишни ўзим биламан..."

– Аҳмадшо!... – мулозимини чақирди Қаноатшо, сўнгра нариги хонада шиқир-шиқир қилиб, камарию қиличини қозиққа илаётган Маманазарга эшитиладиган

қилиб деди, – тезда соқчихонага бориб, Қўлдош билан Сафарни югуртириб кел. Бек аканларни боғ орқали „Шаҳнишин"га олиб боришсин, ҳар бир дақиқа ғанимат, – сўнгра Аҳмадшога қараб туриб, бошини юқори кутарди-да, кафтини қирраси билан томоғини кесгандай ишора қилди, – тушундингми?

Ишорани тушунган Аҳмадшо серрайиб қотиб қолди.

– Қотиб турмасдан тезда буйруқни бажар, аҳмоқ!!...

Қаноатшонинг ўшқиришидан ўзига келиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Бир оздан кейин соқчихонадан келган йигитлар, машъал билан Маманазарнинг йўлини ёритганча боғ томонга кузатиб, олиб кетишди...

Қаноатшо бошидан қалпоғини олди. Терлаган юзини белбоғ билан артиб, кўзларини юмганча хаёлга чўмди: „Худойимга шукур, дунё битта жирканч махлуқдан тозаланди. Қанча бегуноҳ одамларнинг бошини еди бу ифлос. Ҳақ адолат топиши учун Тангрим бу разилни ўз оёғи билан менга юборди. Менинг ҳаётим учун ҳам йўл курсатиб берди... Минг қатла ўзингга шукур. Ҳу-уш... Уни эртага пешин бўлмасдан бошлаб қидиришади. Қалъа дарвозабонларидан суриштиришади, соқчи навкарларнинг ҳаммаси Мадаминбекнинг йигитлари. Улар Маманазарни танишса керак, ҳойнаҳой саройга келишади. Бу ерда уни ҳеч ким кўргани йўқ... Бачча ўйнатадиган тунги базмхоналардан қидиришади, унгача бир-икки кун вақт ўтади, бу яхши. Эртага чорбоққа бориб, Баҳодир шиғовул билан гаплашаман..." Ташқаридан қадам товуши эшитилиб, Қаноатшонинг хаёли бўлинди. Ҳаяжондан нафаси тиқилган Аҳмадшо ҳужрага кириб, пойгакда тўхтади-да, кўзларининг пахтасини чиқариб, Қаноатшога хириллаган товуш билан, деди:

– Вой-во-ей, бек ака, нима қилиб қўйдингиз? Эртага Маманазарни қидириб қолишса, ҳаммамизни қатор қилиб дорга...

– Овозингни ўчир, овсар!.. – жеркиб берди Қаноатшо, Аҳмадшонинг гапини бўлиб, кейин бир оз сукут қилиб турди-да, салмоқ билан деди, – гапларимни яхшилаб эшитиб ол. Ҳозир соқчилардан уч-тўрттасини олгин-да,

– Захро сатанг ким?

– Ҳокимойимнинг яллачиси.

– Яллачиси дегин... – деди Қаноатшо кўзларини юмиб, унинг мияси чақмоқ тезлигида ишларди. Ниҳоят бир қарорга келди, шекилли, томоғини бир қириб олиб, Маманазарга қаради, – жума оқшом бошлашади, дедингизми? – деб сўради Қаноатшо, Маманазарни „сан"сирашдан „сиз"сирашга ўтиб.

– Ҳа, жума оқшом, бек ака, тунда шаҳарга кириб, жума куни саҳар билан саройни қўлга олишмоқчи.

– Шундай денг, яхши, жуда яхши. Олиб келган хабарингиз ҳақиқатдан ҳам жуда зарур, ҳам бебаҳо, Маманазарбек жаноблари. Сиз фақат хон ҳазратларинигина эмас, бизларни ҳам фалокатдан сақлаб қоляпсиз. Сизга тазйиқ ўтказганим учун мени маъзур тутинг. Вазифамиз шунақа, тушунасиз деган умиддаман. Шахсан ўзим сиздан чексиз миннатдорман. Энди ишга ўтсак. Энг олдин бу хабарни тўхтатмасдан хон ҳазратларига етказиш лозим, шунинг учун мир жанобларини уйғотиб, вақтни ўтказиб юрмайлик. Ҳозир сизни йигитларим боғ орқали тўғри „Шаҳнишин"га кузатиб боришади. У ерда сизни эшик оғаси кутиб олади, сўнгра мулоқот учун хон ҳазратларининг ҳузурларига олиб киради. Сиз хон ҳазратларидан тегишли фармон олгунингизга қадар, мен мир жанобларини уйғотиб, навкарларни отлантириб, йўлга тайёр бўлиб тураман. Нариги хонага чиқиб, қурол-яроғларингизни қолдиринг, қайтишингизда оласиз. Тунда хон ҳазратларининг ҳузурларига қурол билан кириш қатъиян ман қилинган. Тартиб шунақа, Маманазарбек жаноблари.

Маманазар „тушунаман" дегандек бош иргаб, ўрнидан турди-да, ҳужрадан чиқар экан хаёлидан ўтказди: „хон ҳазратларининг ҳузурларига кириб олсам бўлди, сен лаънати маччойини нима қилишни ўзим биламан..."

– Аҳмадшо!... – мулозимини чақирди Қаноатшо, сўнгра нариги хонада шиқир-шиқир қилиб, камарию қиличини қозиққа илаётган Маманазарга эшитиладиган

қилиб деди, – тезда соқчихонага бориб, Қўлдош билан Сафарни югуртириб кел. Бек аканларни боғ орқали „Шаҳнишин"га олиб боришсин, ҳар бир дақиқа ғанимат, – сунгра Аҳмадшога қараб туриб, бошини юқори кутарди-да, кафтини қирраси билан томоғини кесгандай ишора қилди, – тушундингми?

Ишорани тушунган Аҳмадшо серрайиб қотиб қолди.

– Қотиб турмасдан тезда буйруқни бажар, аҳмоқ!!...

Қаноатшонинг ўшқиришидан ўзига келиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Бир оздан кейин соқчихонадан келган йигитлар, машъал билан Маманазарнинг пўлини ёритганча боғ томонга кузатиб, олиб кетишди...

Қаноатшо бошидан қалпоғини олди. Терлаган юзини белбоғ билан артиб, кўзларини юмганча хаёлга чўмди: „Худойимга шукур, дунё битта жирканч махлуқдан тозаланди. Қанча бегуноҳ одамларнинг бошини еди бу нафас. Ҳақ адолат топиши учун Тангрим бу разилни ўз оғзи билан менга юборди. Менинг ҳаётим учун ҳам йўл курсатиб берди... Минг қатла ўзингга шукур. Ҳу-ўш... Уни эртага пешин бўлмасдан бошлаб қидиришади. Қалъа дарвозабонларидан суриштиришади, соқчи навкарларнинг ҳаммаси Мадаминбекнинг йигитлари. Улар Маманазарни танишса керак, ҳойнаҳой саройга келишади. Бу ерда уни ҳеч ким кургани йўқ... Бачча ўйнатадиган тунги базмхоналардан қидиришади, унгача бир-икки кун вақт ўтади, бу яхши. Эртага чорбоққа бориб, Баҳодир шиғовул билан гаплашаман..." Ташқаридан қадам товуши эшитилиб, Қаноатшонинг хаёли бўлинди. Ҳавлидан нафаси тиқилган Аҳмадшо ҳужрага кириб, пойгакда тўхтади-да, кўзларининг пахтасини чиқариб, Қаноатшога хириллаган товуш билан, деди:

– Вой-во-ей, бек ака, нима қилиб қўйдингиз? Эртага Маманазарни қидириб қолишса, ҳаммамизни қатор қилиб дорга...

– Овозингни ўчир, овсар!.. – жеркиб берди Қаноатшо, Аҳмадшонинг гапини бўлиб, кейин бир оз сукут қилиб турди-да, салмоқ билан деди, – гапларимни яхшилаб эшитиб ол. Ҳозир соқчилардан уч-тўрттасини олгин-да,

Маманазарнинг жасадини учинчи бурчнинг ён-атрофига кўмиб ташланглар. Овлоқ жой, кечаси у ёқда турсин, кундуз кунлари ҳам у ерга одам бормайди. Кейин келиб, бандардаги отнинг эгар-жабдуқларини ечиб олгин-да, қурадаги отларга қўшиб юбор. Мабодо четдан келиб, отни сўраб қолишса, „қайси куни кўчадан ушлаб олувдик" денглар. Чунки қўшин шаҳарга кирганда ҳафта-ўн кун, чакана мол, пода, отларнинг йўқолиши табиий ҳол. Йигитларга қаттиқ тайинла, Маманазар саройга кечаси ҳам, кундузи ҳам келмаган. Уни бу ерда ҳеч ким кўргани йўқ. Кейин... Саҳар билан боққа чиққин-да, киши билмас атрофни синчиклаб қара, бирорта ҳам қон доғи бўлмаслиги керак... Тушундингми?

– Ҳаммасини тушиндим, бек ака, – деди Аҳмадшо, Қаноатшонинг ўзига ишонч билан айтган гапларидан кўнгли бир оз хотиржам тортиб, кетишга чоғланар экан, – ҳаммасини айтганингиздай қиламиз.

– Шошмай тур, кеча пешиндан кейин ҳарамга бирорта аёл кирмадими?

– Йўқ, кирмади, бек ака, кеча кун буйи дарвозадан аёл зоти киргани йўқ.

– Яхши, дарвозахонада ҳушёр бўлиб тур, бирорта аёл ҳарамга деб келса, тўғри менинг ҳужрамга жўнат... Энди бориб, йигитларни ол-да, юмушларни бажаринглар. Шовқин қилмасдан, ими-жимида иш қилинглар.

Аҳмадшо ҳужрадан чиқар экан ўзича ғўнғиллади:

– Товба-товба, юз марта товба, бек акам тамоман эсини еб қўйган шекилли. Бу ёқдаги ишлар бости-бости бўлмасдан кўнгилхушликка бало борми, астафириллоҳ, куппа-кундуз куни бегона хотинни ҳужрасига олиб кириб, нима қилади? Бир нарса десанг ўшқириб, ё „овсар" дейди, ё „эшшак". Парвардигор бизга раҳм қилиб, хазинаи ғайбингдан бек акамга ақли донишдан бер.

Ҳужрада ёлғиз қолган Қаноатшо ёстиққа ёнбошлаб, оёқларини чўзди, „эртага шиғовулникига боришдан олдин Заҳро сатангни кутишим керак, уни тўхтатмасам, саройда бирор ишкал чиқариб қўймасин яна. Бу ишларни Ҳокимойим билмаганлари маъқул. Абдураҳ-

монга ўзим бирор чорасини топарман, у ҳар доим кўз олдимда-ку. Кейин шифовулнинг олдига бораман, эртага у билан обдон суҳбатлашаман". Шуларни ўйлаб, Қаноатшо бомдодга яқин ухлаб қолди. Охирги пайтларда у биринчи марта тинчгина қотиб ухлади.

* * *

Тунги соқчиларни алмашган навбатдаги соқчи-навкарлар, бомдод ўқилиши билан сарой дарвозасининг иккала табақасини ҳам ланг очиб қўйишди. Пастроқда оқиб ўтадиган ариқдан сув келтириб сепиб, супуриб-сидириб, топ-тоза қилишди. Маҳкама, девонхона мансабдорлари бирин-кетин келиб, бандар ҳам отларга эринмлаб қолган. Чошгоҳ яқинлашгани учун одам сийраклашиб, фақат хизмат юзасидан ҳар хил лавозимдаги беклар, яккам-дуккам кириб-чиқиб туришарди. Дарвоза олдида турган икки соқчи-навкарларнинг ёши каттароқ мушовлиси, номи Қурбон, оғзини каррақдай очганича пастдан сарғайган тишларини хира ялтиратиб эснади. Кейин томоғини бир-икки қирди-да, куннинг иссиғида кўпори ичган бангидай кўзини ярим юмиб, қошларини баланд кўтариб турган шеригига қараб, деди:

– Ҳайдаржон ини-им,... – уни ўзига қаратиш учун кўлидаги попукли найзасининг дастаси билан ерга уриб, тўқиллатди, – манга бир бор қара, укайи ширин, ҳали пешин овқатига гала вақт бордир-а. Шундоққина орқага ўтуб, қумғоннинг тагига алоби сўзон ёқиб юборсанг, Қашқарнинг тахта чойидан дамлаб, би-ир маза қилардикда.

Олов ёқишга унча уқуви бўлмаган Ҳайдар қовоғини солиб гудранди:

– „Иним, иним" дейсиз, ўзингиз ҳам бир марта чақмоқтошни пиликка уриб кўринг, акойи гарданғавс. Чақмоқтош уровуриб, қўлларим жомайи ташбоққадай кавариб кетди.

Қурбон мулойим оҳангни бир парда кўтариб, дўқ аралаш гапирди:

– Ҳу-уй, ини-и-им, ман ёққан оловларга иккита сандиқдай-сандиқдай келадиган чақмоқтош ейилиб, адойи

тамом бўлган. Ман пиликка чақмоқтош урганимда, аз баройи Худо, сан ҳали суннат... – Қурбоннинг дўқ аралаш гапи бирдан узилиб, мулойим пардага тушди. – Ия, ия... Ҳайдаржон иним, бо, бу келаётган зани ким бўлди яна, ин қадар лозиму, ин қадар фаранжи ҳар кимда йўқ...

Қурбоннинг гапи оғзида қолди. У шоҳ кўчадан бурилиб, саройга борадиган йўлдан келаётган аёлга, бақрайиб қараганча қотиб қолди. Зар ёқали банорас паранжида, оёқларида бедана ковуш-маҳси, қомати келишган, майда қадамлар билан чаққонгина юриб келаётган бу аёл, Ҳокимойимга битилган номани нимчасига яшириб олган Заҳро сатанг эди.

– Астофирулло-о, товба қилдим, Ҳайдаржон иним, – деди мўйловини диккайтирганча Қурбон узоқдан келаётган Заҳробонуга тикилиб, – бу фаранжининг ичидаги кимлигини ҳам билиб бўлмайди, жин урсин. Шиффиллаб юришига қараганда, ёшга ўхшайдиёв, қадамчаларям зебо, одам баласи бундоқча товус хиром қилиб юролмайдур. Инчунин бу малаг ё фариштa.

Ҳайдар ҳам келаётган Заҳробонуга бошдан-оёқ кўз ташлаб, комил-ишонч билан каромат қилди:

– Келаётган кимлиги менга аён бўлди, Қурбон ака, – деди Ҳайдар, муридига таълим бераётган катта эшонлардай, – паранжиси билан ковуш-маҳсисига қараганда, бу бирорта бекнинг ёки аъламнинг хотуни, аниғини изҳор қилсам...

– Э-эд-донолигингдан ўргилдим, Ҳайдаржон иним, – деди Қурбон, Ҳайдарнинг карoматидан ҳафсаласи пир бўлиб, – беку аъламларнинг хотунлари, Ҳокимойим лозимат қилганларидагина қадам ранжида қилишадур, шунда ҳам тўп-тўп бўлиб, икки от қўшилган жойравак аробада келишади.

– Ундоғ бўлса, бу келаётган тоғ кабутари...

– Жим бўл энди, жин ургур, яқин келиб қолди, – деди Қурбон, Ҳайдарнинг гапини бўлиб, сўнгра найзасини сал пасайтирганча яқинлашиб қолган Заҳробонунинг йўлини тўсиб: – тўхта-а! Ҳамшира, бо, қаёққа боряпсан?

Зоҳробону паранжисининг бир чеккасини кўтариб, икковига ярқ этиб қаради-да, жозибали жилмайиб, майин овоз билан деди:

– Ҳокимойимнинг олдиларига, айланай.

Илонни кўрган бақадай иккови ҳам таррақдай қотиб қолишди. Шу пайт соқчихонадан чиқиб келаётган Аҳмадшо навкарларга дашном берди:

– Қуйворинглар, овсарлар! Кўрмаяпсизларми, янгам Ҳокимойимга қарашли. Ўтовуринг янга, ўтовуринг... Ҳокимойимнинг олдиларига бораяпсизми?

– Ҳа, айланай, – жавоб берди Зоҳробону дарвозадан кирар экан.

– Ҳов, анови эшиги очиқ турган учинчи ҳужрага боринг, бек акам ўтирибдилар, шундоққина айтиб, ўтиб кетаверинг, ҳозир тартиб шунақа, янга.

– Хўп, айланай, – Зоҳробону Қаноатшонинг ҳужраси томон шитоб билан юриб кетди.

Аҳмадшо Зоҳробонунинг орқасидан бақрайиб қараб қолган навкарларга кўзларини ола-кула қилиб, койиб берди:

– Товба, товба... Чимилдиқ кўрмаган бу иккита кишқарчаларни қаранг. Умрларингда хотин зотини кўрмаганмисанлар?

Зоҳробонудан таралган атир ҳидидан маст бўлган Ҳайдар найзасига маянганча кўзларини сузиб, деди:

– Чашми оҳусини кўрдингми, Аҳмадшо? Ейман дейди-я,... „ҳа-аф" қиламан дейди. Лайли Мажнунни кўндириб, хокистар қилгандай, кўзлари билан бир қараб, мани ёндириб, ахкар қилди бу оташпаррон.

– Ҳи-ҳи, ҳи-ҳи, Ҳайдаржон, укайи ширин, – деди Қурбон, ҳиринглаб, – сани шу хотин бир қарашда ёндирган бўлса, сан шу гавданг билан қумғоннинг тагидаги пиликни ҳам ёқолмайсан ношуд, ҳи-ҳи, ҳи-ҳи...

– Бас қилинглар, даканг хўрозлар! – Ёлғондакам ўдағайлади Аҳмадшо қўли билан ҳужрага ишора қилиб, – ҳозир бек акам чиқиб, икковингни ҳам қамчи билан ёндириб қолмасин яна.

Навкарлар шоша-пиша жойларига бориб, ғоз қотишди. Захробону Қаноатшонинг ҳужрасига кириб, паранжи ичидан салом берди.

– Ваалайкум ассалом, келинг, янга, келинг, – деди Қаноатшо ўтирган жойида бир қимирлаб олиб, – хуш, хизмат?

– Ҳокимойимнинг олдиларига келувдим, айланай, сизга айтинг, дейишди.

– „Ҳокимойимнинг олдиларига", денг, ҳа-а, мабодо исмингиз Захробону эмасми?

– Ҳа, айланай, – Захробону ҳушёр тортиб, – сиз қаёқдан биласиз, гиргиттон?

– Секинроқ, янга, секинроқ!... – Қаноатшо овозини пасайтириб, – кеча шиғовул жанобларининг чорбоғларида хуфёна кенгашда эдим, шу киши айтдилар, „сингилхонимиз эртага Ҳокимойимга нома олиб боради, қараб-қўриб тур", – деган эдилар. Яхшиям, айтган эканлар. Хон ҳазратлари нимадандир шубҳаланган шекилли, эрталаб „Ҳарамга келганларни битта-битта тинтиб, текширинглар", – деб фармон бердилар.

– Вой ўлмаса-ам, бошдан оёғим тортмовди-я,... вой шўрим қурси-ин,... – Захробону саросимага тушиб, турган жойида ўтириб қолди.

Қаноатшо кўзини ола-кула қилиб, гапини давом этди:

– Ҳозир кайвони, ҳарамга келган ошпаздан тортиб оқсочгача битта-битта тинтиб текширяпти.

– Вой, ман ўлибгина қолай, энди нима қилдим, шарманда бўлдим, кайвони номани топиб олса, мани жувонмарг қилади...

– Жим бўлинг, янга, бас-с!... – Қаноатшо, уни тинчлантириб. – Энди менинг айтганимни қиласиз...

– Нима қилай, айланай? – Захробонунинг тишлари таккиллаб.

– Ҳарамга борманг, ҳозир ҳужрадан чиқиб, секин орқангизга қайтинг. Йўлда сўраганга „эшигимнинг олдида учта қўйим йўқолиб қолувди, шуни бек акамга арз қилиб келувдим", – дейсиз.

– Хўп айланай, хўп, номани нима қилай?

– Қолдириб кетинг, янга... Кейинроқ ишончли оқсоқолларнинг биридан Ҳокимойимга бериб юбораман.

– Илоҳим мингга киринг, айланай, бошингиз оғримасин, болаларингизни роҳатини кўринг, гиргиттон... – Заҳробону Қаноатшони алқай-алқай нимчасидаги номани кўрпачанинг тагига тиқиб қўйди. Ўрнидан туриб, кетишга чоғланар экан, Қаноатшо қўл ишораси билан уни тўхтатди.

– Қишлоқда қариндошларингиздан борми, янга?

– Риштонда[50] тоғаларим туришади, нимайиди?

– Ҳозир боришингизда Чорсудан бирорта аравани кира қилинг. Нарсани енгил олиб, болалардан бирикитасини ҳамроҳ қилиб олинг. Ишлар бости-бости бўлгунча ҳафта-ўн кун тоғаларингизникида юрганингиз маъқул.

– Хўп бўлади, айланай, хўп... Гапларингиз маъқул.

Заҳробону Қаноатшодан миннатдор бўла-бўла хужрадан чиқиб, дарвоза томон шипиллаганча юриб кетди. Хужрада ёлғиз қолган Қаноатшо дик этиб ўрнидан турди-да, Заҳробону қолдириб кетган номани кўрпача тагидан олиб, очди. Бирров кўз югуртириб, ўраб, қўйнига тиқди. Сўнгра даҳлизда ғимир-ғимир қилиб юрган Аҳмадшога қараб қичқирди:

– Аҳмадшо!.. Отларни эгарла... Тез бўл, пешинга қолмай жўнашимиз керак, шошма... Қўлдош билан Сафарни ҳам айт, биз билан бирга боришади.

– Хўп бўлади, бек ака.

Қаноатшо Аҳмадшонинг тез-тез узоқлашаётган қадам товушига бир пас қулоқ солиб турди. Қозиқдан чакмонини олиб, кийди-да, қилич осилган камарини тортиб боғлади. Ташқарига чиқар экан, йўл-йўлакай камарини тўғрилаб, дарвоза томонга юриб кетди.

* * *

Заҳробону Ҳокимойимнинг ҳузурига бориш учун саройга йўл олган пайтда Шарифбек билан Қодирбек хонинг олдидан таъблари хира бўлиб чиқишди. Қо-

воқларини уйишганча серустун, ҳашаматли танобийлардан бир-бир ўтиб боришар экан, Қодирбек „менинг ҳужрамга борамиз" – дегандек қўли билан ҳужраси томон ишора қилди. Яккам-дуккам учраган арконларнинг нимтаъзимларига бош ирғаб, Қодирбекнинг ҳужрасига қараб юришди. Қабулхонага киришар экан, Қодирбек қўл қовуштириб турган мулозимига қараб, деди:

– Битта аччиққина қилиб чой дамлагин... Шошма, бу хонада дастурхон тузалганми?

– Чиройлигина қилиб тузаб қўйганман, бек ака.

– Баракалла!... Овқатни ҳам тезлаштиринглар.

– Хўп бўлади, бек ака.

Ҳужрага бурилмасдан чап томондаги дастурхон тузалган муъжазгина хонага киришди. Мулозим кетгани учун иккови ҳам камар, чакмонларини ўзлари қозиққа илишди. Сўнгра тўрдаги кўрпачага чордона қуриб ўтиришар экан, Қодирбек орқасидаги ёстиққа суянган ҳолда бир „уҳ" тортиб, кўзларини юмди. Шарифбек унга зимдан қараб, хаёлидан ўтказди, „мингбошининг хондан ҳафсаласи пир бўлганга ўхшайди... Нималарни уйлаётганикин, товба қилиб, Мусулмонқулга қўшилиб кетса-я. Бундай пайтда одамзоддан ҳар нарсани кутса бўлади... Ҳа-а, хон хақиқатан ҳам амир уйлаганчалик бўлиб чиқмади, бундай ҳолатда амирнинг уйлаган режалари амалга ошмайди. Уни қўйдек ювош деб юрсам, ичидан пишган экан. Ҳозиқнинг шеърини менга бекордан-бекорга айтдирмади, иблис... Нима бўлганда ҳам Мусулмонқулни бир ёқли қилгунимизча хон билан муомалани яхши қилиб, нима деса, „хўп" деб туриш керак... У ёғини кейин кўрамиз...". Қодирбек кўзини очди. Ўтирган жойида бир қўзғалиб олди-да, Шарифбекка қараб туриб, деди:

– Мени яхши биласиз, ака... Орқага қайтмайман, хоҳлаган тақдиримда ҳам, орқага йўл йўқ. Шу... Юрагимда армон бўлиб кетмасин... тахтга ўтқазган хонингиздан кўнглим тўлмади. Бу хонни қаердан ковлаб топдингиз ўзи? Хон дегани ҳам шунақа хасис, бачкана

буладими? Хазинани тагига босиб олган бўлса, бир танга чиқиши душвор. Бирорта тузукроғи йўқмиди?

– Ҳай, ҳай, ҳай... Қодирбек, секинроқ, ука... Деворнинг ҳам қулоғи бор.

– Э-э, ростда-а,... Худо раҳматли Шералихон, минг марта тузук эди. Хабарингиз бор, салкам бир йилдан бери шу хоннинг хизматида елиб-югураман. Ақалли, кўнглим учун „раҳмат" деган сўзни эшитмадим, ака, одамга сал бўлса ҳам алам қилар экан. „Ҳузури олий"га киришга юрагим безиллаб қолган. Бояги аҳволни қаранг, ҳатто сизга ҳам найранг қилаяпти. Бирор чорасини қилмасак бўлмайди, аҳвол шу кетишда бўлса, охири нима бўлади, билмадим... Валлоҳуаълам.

Шарифбек унга синовчан қаради.

– Ху-уш, биродари азиз, нима чора кўрмоқчисиз? Билсак бўладими?

Қодирбек кулди.

– Ҳи-ҳи... Товба қилдим, мендан сураяпсизми, Шарифбек ака? Жуда ажойибсиз-да, товба-товба... Хон ўз пули билан. Бизнинг бош-қошимиз сиз, яъни амир Насруллохон ҳазратларининг мушовирлари, мирипоён Шарифбек жаноблари, биз фақат сизни таниймиз, ака! Нимани буюрсангиз, сўзсиз ижро қиламиз... Гап шу, Шарифбек ака.

Қодирбек „энди нима қилсанг, қил" қабилида икки қўлини ёнига ташлаганча жим қолди. Шарифбек сукут сақлаб турар экан, хаёлидан ўтказди: „унга ишонса бўлади, ўзи айтганчалик орқага йўл йўқ. Айтганимни бажаради, бу яхши, жуда яхши, фақат кўнглини хотиржам қилиш керак".

– Хўп, маъқул, гапларингиз маъқул, Қодирбек, хон менга ҳам ёқмади...

– Ҳа-а-атилингизга шакар... Мана шундан гапиринг, мир ака-а... Би-ир юрагим ёзилсин.

– Ҳай-ҳай, секинроқ, Қодирбек, сал оғирроқ бўлинг, худди ёш болага ўхшайсиз-а, – у, Қодирбекнинг бирданига ўзгариб, хурсанд бўлиб кетганига завқи

келиб, сунгра бир оз ўйланиб турди-да, салмоқ билан деди, – бўлмаса, гап бундай, Қодирбек ука... Оғиргина бўлиб, яна озгина сабр қиласиз. Хон нима деса, „хўп" деб яхши муомалада бўлинг. Бу ёғидан кунглингиз тўқ бўлсин. Мусулмонқулни бир ёқли қилишимиз билан амир ҳазратларига яширин чопар юбораман. Раҳматли Муродхоннинг Карманада рузғорию беш-олтита уғилқиз фарзандлари бор. Уғилларидан Пулатхон дегани бамаънироқ, ўшани зудлик билан олдириб келиб, отасининг ўрнига тахтга ўтқазамиз. Амир ҳазратлари менга кафолат берганлар.

Қодирбек мирнинг гапларидан ағрайиб қолди.

– Қойи-ил, мир жаноблари, мана бу бошқа га-а-ап... Ишқилиб, ўғли ҳам отасига тортмаганмикин?

– Йўқ, у ҳали успирин, ўн-ўн беш йил ичида Муродхоннинг эшигида кўп марта булганман, Пулатхон ҳақида амир ҳазратларининг хабарлари бор.

– Муродхон нима бўлади?

– Уни, Карманага қайтариб жўнатиб юборамиз, у ёғини амир ҳазратларининг ўзлари ҳал қиладилар.

– Парвардигор, ўзингга шукур. Бир енгил тортдим, ака. Тўрт-беш кундан бери сизга айтсамми, йўқми, деб, ахир шу бугун сабр косам тўлиб кетди... Айтгандай, Қаноатшони нима қиламиз?

– Амир ҳазратларининг фармонларини ижро қиламиз.

– Ҳайф-да, Шарифбек ака!

– Иложи йўқ, акс ҳолда ўзимиз балога қолиб кетамиз. Шу бугун Қаноатшони чақиртириб, „лавозим муборак", – деб суюнчи олган бўламиз. Кейин Мусулмонқулни саройда ҳибсга олишни унга юклаймиз. Ишлар бир ёқли бўлгандан кейин сарой соқчиларини манғитларга алмашиб, мавриди келганда қатл қилдириб юборамиз.

Қодирбек пешанасини тириштирганча, бир муддат ўйланиб турди-да, сунгра Шарифбекка қараб, деди:

– Гапларингиз маъқул, ака, ҳали йигитларга айтаман, Қаноатшони ҳужрангизга чақиртиради, унга ўзингиз айтганингиз маъқул.

Шарифбек индамасдан тасдиқ маъносида бош ирғаб қўйди. Шу пайт эшик очилиб, патнисларда чой, овқат кўтарган иккита мулозим хонага кириб келди.

* * *

Қаноатшо сал нарироқда бошларини эгиб, қўлларини кўксиларига қўйган ҳолда турган Қўлдош билан Сафарнинг саломига алик олди-да, Аҳмадшо етаклаб келган отнинг жиловини ушлади. Сакраб, минишга чоғланар экан, сарой томон йўрға юришда келаётган учта отлиққа кўзи тушди.

– Аҳмадшо! – чақирди Қаноатшо, қўлини эгарнинг қошидан олаётиб. – Келаётганлар ким бўлди, танимайсанми?

– Йўқ, бек ака... Навкарларга ўхшамайди, яроғлари ҳам йўқ, кийимларига қараганда бойларга ҳам ўхшамайди... Ё товба, бек ака,... ановини қидириб келишган бўлса-я...

– Жин урсин, шунақага ўхшайди, – Қаноатшо қўли билан отнинг ёлини таради, – сенлар гапга аралашмай жим туринглар.

Аҳмадшо ҳамма учун бош ирғаб қўя қолди. У адашмаган эди. Отлиқлар Ашир бўқоқнинг югурдаклари бўлиб, Маманазарни излаб юришарди. Улар отларини бандарга чала-чулпа боғлашди-да, Қаноатшога яқинлашиб, ярим таъзим қилган ҳолда салом беришди.

– Келинглар, йигитлар, хизмат? – сўради Қаноатшо уларнинг саломига алик олганидан сўнг. Олдинроқда турғани каттаси бўлса керак, қўлидаги қамчинни отининг қунжига тиқди-да, қўлларини қовуштирган ҳолда деди:

– Хужайиннинг ўғлини қидириб юрувдик, бек ака.

– Хужайининг ким?

– Аширбой карвон, бек ака.

– Ўғлининг оти нима?

– Маманазарбек, бек ака, Маманазарбек Аширбой ўғли.

– Ху-уш?

– Кеча уйдан шом оралаб чиқиб кетганларидан бери дараклари йўқ.

– Шериги бормиди? – ўсмоқчилаб сўради Қаноатшо.

– Ҳамма гап шунда-да, бек ака, шериклари бўлмаган, яна устига-устак „мени кутманглар, зарур ишим бор", – деб кетганлар, қалъа дарвозасидан ярим тунда кириптилар, дарвозабонларга „саройга боряпман" деганаканлар, биз ҳам тўғри шу ерга келовурдиқ.

– Шунақа дегин, – деди Қаноатшо енгил тортиб, – нима, сен саройдаги тартибни билмайсанми? Ярим тунда чопардан бошқа ҳар қандай одамни саройга киритиш ман қилинганини наҳотки билмасанг?

– Биламан, бек ака, биламан, – шоша-пиша жавоб берди хизматкор, – лекин хўжайиннинг ўғли дарвозабонларга „Хонга шошилинч хабар олиб боряпман", – деган экан, шунинг учун бу ерга келдик.

Қаноатшо учаласига бир-бир қараб ўшқириб, берди:

– Нима дединг, куппак?!.. „Хонга шошилинч хабар олиб боряпман", – депти?... Нима деётганингни биласанми, ҳайвон!! Хўжайинингни ўғли қайси бир базмхонада маишат қилиб, буза ичиб, баччабозлик қилса, тун ярмида хон ҳазратларининг номларини сотиб, дарвозадан кирадиган бўлдими у итдан тарқаган!! Агар бу ифлоснинг гаплари хон ҳазратларининг қулоқларига етиб борса, Маманазарингдан тортиб санларгача қатор бўлиб ҳамманг дорга осиласанлар, эшшаклар!!

Учовининг ҳам ранглари оқариб, тахта бўлиб қолди. Каттароғи бошини эгганча шоша-пиша Қаноатшога ялина кетди:

– Б-бизни афв этинг, бек акажон, қ-қулингиз бўлайлик, биз оми одамлармиз... Бизни жувонмарг қилманг, бола-чақаларимиз бор... Дарвозабонлар айтса, биз ҳам аҳмоқ бўлиб келовуриппиз... Бир қошиқ қонимиздан...

– Йўқолларинг баринг! – ўшқириб берди Қаноатшо, хизматкорнинг гапини бўлиб. – Иккинчи бу ерда кораларингни кўрмай, ҳайвонлар!!!

Учовлари таъзим қилишди-да, ғулдираганча миннатдор бўлиб, бандарга қараб югургилаб қолишди.

– Уф-ф, Худога шукур, бир балодан қутулдик, – деди Қаноатшо узоқлашаётган отлиқларнинг орқасидан қараб туриб, сўнгра отини етаклаб келаётган Аҳмадшога қараб, – энди сал шошмай турамиз, улар нарироққа кетишсин.

Савол-жавоблардан юраги безиллаган Аҳмадшо терлаб кетган юз-пешонасини рўмол билан артатуриб деди:

– Парвардигор, бало-қазодан ўзинг асра, гапларингиз тугагунга қадар юрагимни ҳовучлаб турдим, бек ака. Тиззамдаги қалтироқ ҳали ҳам босилгани йўқ.

Қаноатшо енгил ҳаракат билан ўзини эгар устига олиб, чакманини тўғрилар экан, Қўлдошга қараб, деди:

– Жўранг сал нарсага ваҳима қиладиган бўлиб қолипти, Қўлдош, олдинги Аҳмадшо қани? Сафар иккаланг уни ўртага олиб, би-ир чилёсин қилинглар, зора ўзига келиб қолса.

Аҳмадшодан баттарроқ юраги дукиллаган Қўлдош билан Сафар индамасдан бир-бирларига қараб пишайиб, қуя қолишди. Шу пайт дарвозадан Қодирбекнинг мулозими чиқиб, соқчи-навкарларнинг олдида тухтади-да, Қаноатшога қараб, қичқирди:

– Юзбоши жаноблари!.. Мир Шарифбек жаноблари, сизни сураяптилар. Маҳтал қилмай зудлик билан ҳужраларига марҳамат қилар экансиз!

Мулозим дарвозадан кириб, кўздан ғойиб бўлди. Ҳали отларига миниб улгурмаган Қўлдош билан Сафар бир-бирларига қараб олишди. Аҳмадшо Қаноатшонинг ўзангисидан маҳкам ушлаган-ча товушини пасайтириб, тез-тез гапирди:

– Отга қамчи босинг, бек ака, ҳар бир дақиқа ғаниматъ. Бизни сўроқ қилишса, билмаймиз, деб тураверамиз, қани, бек ака, отга „чу" денг...

– Жим бўл, аҳмоқ... Қўлингни ол, – Қаноатшо отдан сакраб тушди-да, жиловни Аҳмадшога тутқазаётиб деди, – ваҳима қилмасдан сал ўзингга қара, овсар. Саройдаги соқчилар ҳаммаси ўзимизнинг йигитлар, ҳибс-

га олиша олмайди, бу ерда бошқа гап бор. Отларни қурага олиб боринглар-да, ҳамманг ҳужрага кириб, миқ этмасдан ўтиринглар, тушунарлими?

– Тушундик, бек ака.

– Бўпти, энди боринглар, шалвирамасдан мундо-оғ тетиккина бўлиб юринглар.

Учалови отларни қура томон етаклар экан, Аҳмадшо йўл-йўлакай шеригига ғулдираб кетди:

– Вой-вое-е-ей... Ташвишни бири тугамасдан бири келадия, Сафар, жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Ё, Тангрим... Хазинаи ғайбингдан шодлик ҳам бер!

Қаноатшо дарвозадан кириб, хон маҳкамаси томон илдам юриб кетди. У ҳужрага кирар экан, тўрда ўтирган мир Шарифбекка кўзи тушиб, нимтаъзим қилган ҳолда салом берди.

– Келинг, юзбоши, келовуринг, – деди Шарифбек, бир қимирлаб олиб, рўпарасидан жой кўрсатди, – мана бу ёққа ўтиринг.

Фотиҳа тортилиб, ҳол-аҳвол сўрашилгач, Шарифбек бир муддат сукут қилиб турди, сўнгра томоғини бир-икки қириб, расмий оҳангда деди:

– Ҳў-ўш... Сизни чақиртиришимиздан мурод, биз у ёқда – „Ҳузури олий"да кенгашиб, сизга бир хизмат билан бир лавозимни юкладик.

– Бош устига, мир жаноблари, ҳар қанча хизмат бўлса, бош устига, лекин мен учун ҳозирги бажариб турган вазифамдан юқорироқ лавозим бўлмаса керак.

– Шундай денг, яхши... Олдин хизматдан гаплашсак... Хабарингиз бор, Мусулмонқул икки-уч минг навкар билан Ўшдан қайтиб келаяпти. Бугун-эрта келиб қолса керак. Уни кутиб олиш учун қалъа ташқарисидаги сайхонга етти-саккиз минг навкар йиғиб, ростлаш учун фармон бердик. Олдинига Мусулмонқулнинг ҳурматини жойига қўйиб кутиб оламиз, кейин унинг ёнидаги беш-ўнта мулозимлари билан бирга хон ҳазратларининг ҳузурларига кузатиб борамиз. Сарой дарвозасидан кириши билан, сиз уларнинг ҳаммасини ҳибсга олиб, боққа судраб олиб чиқасизлар. Боғда уларни жаллод

кутади. Сиз бажарадиган хизмат мана шулардан иборат, юзбоши жаноблари.

Қаноатшо бир фурсат ўйланиб турди-да, мирга қараб, деди:

– Ҳибсга олиш пайтида иш муборизага етиб қолса, каллодга иш қолмайди, деб қўрқаман, мир жаноблари.

– Унда яна ҳам яхши... Хон ҳазратларининг олдиларида сизнинг мартабангиз яна ҳам ошади. Ҳў-ўш... Хизмат масаласи ҳал бўлди, энди лавозим ҳақида гаплашсак. Хон ҳазратлари сизни Марғилонга ҳоким қилиб тайинламоқчилар!

– Ҳоким қилиб тайинламоқчилар?! – Қаноатшо ростакамига ангрийиб қолди.

– Шундай, юзбоши жаноблари, сизни ҳоким қилиб тайинламоқчилар.

– Марғилон ҳокими-чи?

– Марғилоннинг ҳозирги ҳокими, Ўтаббой қушбеги. У ҳам қипчоқлардан, Мусулмонқулнинг ишонган одамларидан бири. „Чашмаи орифон"да Мусулмонқулга қўшилиб, бирга келаяпти. Ўша куни Ўтаббой ҳам қатл қилинади. Шунинг учун ҳам хон ҳазратлари унинг ўрнига сизни тайинламоқчилар. Энди... Лавозимлар муборак бўлсин, юзбоши жаноблари!

– Қуллуқ, мир жаноблари, қуллуқ... Сиздан беҳад миннатдорман... Лекин мен бундай лавозимга...

– Бўлди, бўлди, юзбоши, „ҳукми пошшо вожиб". Ҳозирча ҳеч кимга индамай туринг, маъқулми? Энди ишингизга боровуринг.

Қаноатшо ҳужрадан чиқар экан, умри тоғларда, тилқилар орасида ўтиб, бирдан „ҳокимлик лавозимига тайинланиши"дан мийиғида кулди, „адашдингиз, мир жаноблари, мени „ишонади" деб, қаттиқ адашдингиз. Хон икки дунёда ҳам тоғлик бир навкарни ҳоким қилиб тайинламайди. Ҳокимликка тайинлаш бу қатлга фармон бериш билан баробар. Қатлнинг қачон ижро этилишини билиб олишим ҳам катта гап. Бунинг учун сиздан чексиз миннатдорман, мир жаноблари". Қаноатшо маҳкамадан чиқиб, ҳужраси томон юрар экан, бирдан енгил тортиб,

кайфияти кўтарилди. У ҳам ҳоким бўлиб тайинланишига ишонмай адашган эди. Кейинчалик у ҳоким бўлиб тайинланди. Фақат Марғилонга эмас, Туркистонга ҳоким бўлди. Ҳокимликка Муродхон эмас, балки Худоёрхон фармон беришини Қаноатшо ҳали билмас эди.

* * *

Баҳодир шиғовулнинг буйруғи билан саройга бориб қайтган Ғани тўқсоба, Холиқулнинг кузатувида „ғуломгард"[51]дан ичкарига кирар экан, Худоёрхон ўтирган хонага даҳлиздан туриб секин мўралади. Яхшигина жиҳозланган ўртамиёна хона. Нозу неъмат билан тузалган хонтахта тўрида ўтирган Худоёрхон, қўлини елпиғич қилганича ўнг томонида ўтирган Баҳодир шиғовулга, алланарсаларни шахд билан гапирарди. Пастроқда, Саидбек, Нормуҳаммад, Азимбеклар бошларини эгган ҳолда жимгина ўтиришарди. Ғани тўқсоба, қаддини кўтариб белини уқалар экан, хаёлидан ўтказди: „ё Парвардигор, кечадан бери оғиргина бўлиб ўтирган шаҳзодани нима жин урди? Ёки шиғовул ноўрин гап гапирдимикин, йўғе-е, унинг эси жойида-ку, шиғовулни имлаб чақирсаммикин, йўқ, беодоблик бўлади... Лекин ичкарига кирмасам бўлмайди... Э-эт-таваккал", Ғани тўқсоба эшикдан кўриниш бериб, Худоёрхонга таъзим қилди. Худоёрхон гапини тўхтатмаган ҳолда, тўқсобага, киришга рухсати ишора қилди. Тўқсоба овоз чиқармасдан енгилгина юриб келиб, Азимбекнинг ёнига чўнқайди.

– Ана шундай қиламан, шиғовул жаноблари, – деди Худоёрхон, ҳаяжондан энтикиб, – ҳаммасини битта-битта олиб чиқиб, ўзим қиличдан ўтказаман!

Шиғовул босиқлик билан Худоёрхонга деди:

– Ҳай, ҳай, шаҳзодам, шайтонга ҳай беринг, асло ундай қилманг...

– Нега энди? Ахир улар кўпчилик бўлиб отам билан Саиднинг отасини, икковларини ўртага олиб, қилич билан чопиб, ўлдиришган, номардлар, – Худоёрхоннинг кўзлари чақнаб, – ҳозиргина ўзингиз айтиб бердингиз.

– Бу ҳаққаст рост, шаҳзодам, – шиғовул жойида бир қимирлаб олиб, томоғини қирди-да, салмоқ билан гапини давом қилди, – лекин бундай ишлар соҳиби тахтнинг шаънига тўғри келмайди. Хону шаҳзодаларга, жангу-жадаллардагина рақибига тиғ тортса, ярашади. Хон... Хонлик мақомида турмоғи лозим. Қатлга ҳукм қилинганларни қатл қилиш, жаллоднинг вазифаси, шаҳзодам.

Худоёрхон қовоғи тагидан ўтирганларга кўз ташлади, уларнинг жимгина бошларини қимирлатиб, „маъқул" ишорасини қилганларини кўриб, бир оз бўшашгандай бўлди. Шиғовул бир муддат ўйланиб туриб, гапида давом этди:

– Одамларнинг қонини кўп тўкканидан, халқ ичида „амир қассоб" лақабини кўтарган амир Насруллохондай одам ҳам, қатлга ҳукм қилинганларни, минг душмани бўлмасин, жаллодга фармон берган. Ҳеч қачон ўзи бундай ишларга қўл урмаган, шаҳзодам!... Майли, сиз қўшиннинг олдида боринг, биз ҳар доим ёнингизда бўламиз. Худо хоҳласа, саройни қўлга оламиз. Хоинларнинг қатлига фармон беринг, лекин қатл ижросини жаллод амалга оширсин, шаҳзодам, фармонингизнинг ўзи кифоя қилади...

Баҳодир шиғовулнинг мантиқли гапларидан кейин Худоёрхон „маъқул" дегандек бошини ирғади, ерга қараб, уйга толганича бошқа гапирмади. Шаҳзода билан шиғовулнинг гапларини бўлишга журъат қилмай турган Ғани тўқсоба, сўзлаш учун Худоёрхондан изн сўради:

– Ижозатингиз билан, шаҳзодам,... – Худоёрхон боши билан ишора қилгач, тўқсоба гапини давом қилди, – Бек акамлар Заҳробонудан хабардор бўлиб туриш учун саройга боришимни буюрувдилар. Киши билмас уйидан саройгача орқасидан бордим, саройга етганда узоқроқдан қараб турдим...

Шиғовул сабрсизланиб тўқсобадан сўради:

– Соқчилар-чи?... Дарвоза соқчилари... Заҳрони тўсишмадими?... Заҳро саройга кирдими?

– Олдинига тўсишди, кейин соқчихонадан Қаноатшонинг мулозими чиқиб, уларга алланималар деб ўшқириб берди, соқчилар Захробонуни индамасдан қўйворишди.

– Хайрият!

– Лекин сал туриб энди саройга кираман деб юрувдимки, Захробону бирдан қайтиб чиқди, бек ака... Чиққанда ҳам орқасидан шайтон қувгандай шошиб юриб кетди.

– Шошиб кетди?... Уйигача кузатиб бормадингми?

– Уйига бормади, бек ака, Чорсуга қараб бурилиб кетди.

– Чорсуга-а?.. Ё товба... Орқасидан кузатдингми?

– Иложи бўлмади, бек ака, жўраларим келиб қолишди.

– Вой овсаре-е-ей!!... Жўрабозликка топган вақ...

Очиқ эшикдан Холиқулнинг ташвишли юзини кўриб, шиғовулнинг гапи оғзида қолди. Юраги нохушликни сезиб, эти жимирлашди.

– Ҳа-а?!... – деб қичқирди шиғовул, ўтирган жойидан.

Холиқул ғулдираб, алланималарни имо-ишора қила кетди. Қуйироқда ўтирган Азимбек дик этиб ўрнидан турди-да, даҳлизга чиқиб, зум ўтмай қайтиб кирди. У, ҳаяжонланганини яшириб, иложи борича босиқ овозда шиғовулга қараб деди:

– Амаки!... Хон... Хоннинг навкарлари чорбоққа қараб келишаётганмиш!

Ўтирганлар қотиб қолишди. Биринчи бўлиб Худоёрхон сапчиб туриши билан шиғовулдан ташқари ҳаммалари қўзғалишди. Худоёрхон қиличини шиғиллатиб қинидан суғурар экан, қони жўш урганидан овози қалтироқ деди:

– Н-норма-а-ат!!...

– Лаббай, Шаҳзодам.

– Боғдагиларни зуд чақиртиринг! Б-биз жанг қиламиз!

Нормуҳаммад жавоб беришга улгурмасдан, шиғовул ўтирган жойидан қўлини кўтарган ҳолда қичқирди:

– Шошманглар!!! Шаҳзодам, шошманг!... Олдин билайлик-чи, нима гап, – сўнгра эшикка қараб, деди – Холиқул!!

– Лаббай, бек ака.

– Келаётганлар неччи нафар?

– Тўрт нафар, бек ака.

– Қанақа юришда келишяпти?

– Лўкки юришда, бек ака.

– Бу яхши... Дуруст... Ҳў-ўш, дарров ўрикнинг тагидаги супага тузукроқ жой ташла, ишкомнинг тагидаги супага навкарларни оласизлар, югур!

Холиқул бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Баҳодир шиғовул турганларга бирров кўз югуртириб чиқди-да, Худоёрхонга қаради:

– Шаҳзодам, хон бирор нарсани сезганда, камида иккини юборган бўлар эди. Агар менинг ўзимни ҳибсга олмоқчи бўлганда ҳам, навкар камида ўн-ўн бешта бўлиши лозим. Кейин, отларни бемалол лўкиллатиб эмас, балки отларни чоптириб ёки йўрғадан илдамроқ юришарди... Бу ерда бошқа бир гап боров. Ҳар эҳтимолга қарши, Азимбек, сан боғдаги навкарлардан бешолтитасини олиб қайт. Ғанибек, сан ичкари ҳовлида Азимбекни кутиб тур. Нормуҳаммад, сан „ғуломгард"да туриб супадан кўзингни узма. Қачон товуш берсам, ундан кейин ҳаракатга тушинг, унгача кўриниш у ёқда турсин, товушларинг ҳам чиқмасин... Ижозатингиз билан, шаҳзодам, бориб навкарларни пешвоз оламан, – шундай дея Баҳодир шиғовул бурилиб, эшик томон юрди. У „ғуломгарддан" ўтиб, ташқи ҳовлининг айвонига чиқар экан, дарвозадан кириб келаётган навкарларга кўз ташлади, „тўрт нафар экан. Холиқул билан кўл олиб кўришишларига қараганда, яхши ният билан келишганга ўхшайди... Жин урсин, нимага келишдийикин... ҳой-наҳой, хон бирор-бир фармон билан жўнатган, шекилли, ҳозир кўрамиз..." – шуларни хаёлидан ўтказган шиғовул, уларга пешвоз чиқди.

– Келинглар, меҳмонлар, келинглар... Марҳамат, – деди шиғовул, ҳаммалари билан бир-бир кўришар

экан, Қаноатшони супага таклиф қилди, – қани, бек, бу ёққа марҳамат қилсинлар... Холиқул!... Сан йигитларни нариги супага бошла... Қани, марҳамат...

Қаноатшо супага қараб юрар экан, қилич осилган камарию чакмонини ечиб, шиғовулнинг йигитларидан бирига узатди. Фотиҳа тортилиб, ҳол-аҳвол сўрашилгач, шиғовул унга зимдан қаради. „Товба қилдим, ўзини уйига келгандай яроғини топшириб, бемалол ўтиришини қаранг буни, нимага келганини чўзмасдан тезроқ айтсаякан бу“, шиғовулнинг кўнглидан нималар ўтганини сезгандай Қаноатшо унга табассум билан қараб туриб деди:

– Бек ака!

– Лаббай.

– Ишонсангиз, кечадан бу ёғига туз тотганим йўқ... Ўлгудек очман, бек ака. Хизматкорингизни сарқити бўлса ҳам паққос туширар эдим.

– Э-эт-товба-а... Қорин оч, денг, ҳозир-да... – деди Шиғовул, Қаноатшонинг гапларидан ҳайратини яширолмай, сўнгра ошхона томонга қараб қичқирди, – Абдурасу-ул!!

– Ла-ҳаб-бай, бегак-ка, – Абдурасул югургилаб келар экан, супа олдида қўлларини қовуштирганча, бошини эгиб шиғовулга қаради.

– Ниманг бор?

– Шу... Пешинда тайёрлаганим, ўзингиз алоҳида буюрган шўрвадан бор, йигитларга дамлаган ошдан бор... Кейин яхна гўш...

– Бўлди, бўлди... Ҳаммасидан олиб кел, бек акангга би-ир ҳунарингни кўрсат!

– Хўп бўлади, бек ака, ҳозир боплайман...

Баҳодир шиғовул, пиёладаги чойни шошилмасдан бир-бир ҳўплар экан, иштаҳа билан овқатланаётган Қаноатшога кўз қирини ташлади. „Астофирулло, астофирулло, қирқ йиллик жўраларим ҳам менинг даргоҳимда ўзларини бунчалик эркин тутишмайди. Бу йигит, ё жинни-и-и... ё, ўта айёр... Назаримда, икковидан ҳам боров“. Обдон овқатланиб бўлган Қаноатшо қўлидаги пиёлани

дастурхон четига қўяр экан, минг хаёлга бориб ўтирган шиғовулга жилмайиб деди:

– Мени маъзур тутсинлар, бек ака. Анчадан буён бунчалик иштаҳа билан овқат емаган эдим.

– Ош бўлсин, бек, ош бўлсин, – деди шиғовул ўзига чой қуяр экан, – қани, мевалардан, қовундан олинг, бек.

– Ташаккур, бек ака, – деди Қаноатшо бир шингил узумдан олиб.

Шиғовул чойдан ҳўплар экан, навкарлар ўтирган супага кўз қирини ташлаб, ҳайратдан кўзларини катта очди. Тунги ишлар билан толиққан Аҳмадшо наридан-бери овқатланиб, дангал узала тушганча қотиб қолган, Қўлдош билан Сафар ҳам мезбонга ҳурмат юзасидан ярим ёнбошлаб пинакка кетишган, улар билан бирга ўтирган Холиқул дам унисига, дам бунисига қараб, бир ўзи чойхўрлик қилиб ўтирарди. „Товба, товба... Булар ҳайитлаб чиққанга ўхшайди, – хаёлидан ўтказди шиғовул назарини яна Қаноатшога қаратиб, – каттаси уч кишининг овқатини бир ўзи паққос урса, навкарлари хушёр бўлиб туришнинг ўрнига эшшакдай ағанаб ётса... Қиёмат". Қаноатшо карсиллаган кулчани шошмасдан ер экан, шиғовулга зимдан қаради, „ҳа-а... шиғовулдақаси камдан-кам учрайди. Бамайлихотирлик билан чой ичишини қаранг. Ичида қиёмат бўлаяпти, юзидан билинтирмайди-я, қойи-ил, ўрнида бошқа одам бўлганда эди, аллақачон қўли қалтираб, чойи тўкилган бўларди. Аччиқчучукни куровуриб пишиб кетган назаримда."

– Тус-туполонлардан тинчмисиз, бек ака?

– Ўзига шукур.

– Ҳов, ўша кунги „Ҳузури олий"да, хон билан қилган савол-жавобингиздан кейин сизга тан берганман... Тараф йўқ.

Шиғовул кулимсираб қўйди.

– Лекин... Шу пайтгача шунча қаршилик билан ҳеч бир одам хоннинг олдидан тирик чиққан эмас, бек ака.

– Тақдир... Пешонага ёзгани бўлмасдан қолмайди, бек.

– Ҳаққаст рост! Бало-қазодан Ўзи асрасин, – деди Қаноатшо, узумдан нам бўлган бармоқларини рўмолга арта туриб, – хў-ўш, чойни ҳам ичдик, узумни ҳам едик, бек ака... Энди „нима юмуш билан келдинг?“ – деб сўрамайсиз ҳам.

– Меҳмон, атойи Худо. Ўзингиз яхши биласиз, бек, диёрларимизда меҳмонни саволга тутиш беодоблик бўлади.

– Аслида одобсизлик мендан ўтди, бек ака. Лекин нима қилайки, дарвозангиздан киришим билан дилим ёришиб, ўзимни қушдай енгил ҳис қилдим. Кайфиятим кўтарилганидан иштаҳам очилиб кетди, бек ака, ўктамлик қилганим учун сиздан минг бор узр сўрайман!

Шиғовул табассум билан Қаноатшога қараб, деди:

– Узр сўрашнинг ҳожати йўқ, бек. Ахир мезбоннинг хонадонида меҳмоннинг кайфияти кўтарилса, бу яхшилик аломати.

– Илоҳим, айтганингиз келсин, бек ака. Энди ижозатингиз билан бу ерга келишим сабабини айтсам.

Шиғовулнинг „маъқул“ ишорасидан кейин, Қаноатшо ўтирган жойида бир қўзғолиб олди-да, салмоқ билан гап бошлади:

– Исмим Қаноатшо, бек ака. Муродхоннинг хос соқчи-навкарларининг бошлиғиман. Асли қоратегинликман, бизнинг жойларни билсангиз керак, тоғлик жойлар, уюрда меҳнат билан суягим қотди...

Қаноатшо ҳикоясини бундан тўрт йиллар чамаси олдин амир Насруллохон қўшини билан Қоратегинга келиб қўнган кундан бошлади. Аввалига бир маромда сўзлади. Навбат синглисининг қатлига етганда кўзларида ёш ҳалқаланди. Томоғи бўғилиб, товуши ҳам чиқмай қолди. Қаноатшо чуқур нафас олди-да, томоғини бир-икки қириб, рўмол билан кўз-ёшларини артганча гапини давом қилди. Хондан фармонга ўхшаган нарсани кутган шиғовул кўзларини катта очганича Қаноатшога бақрайиб қараб қолди. Юрагидаги хавфсираш, ғашлик йўқолиб, ўрнини Қаноатшога нисбатан ҳамдардлик

эгаллади. У қовоқларини уйганча ҳикояни диққат билан тинглар экан, ҳар ҳар вақт лабларидан „Боёқиш шўрлик“, „Бечора ожиза“, „Ҳа, қонхўр қассоб“, каби нидолар учиб турди. Ҳикоя яна маромига тушди. Навбат Маманазарга етганда шиғовул бир сесканиб, Қаноатшога қараганча аграйиб қолди, кейин тезда ўзини ўнглаб олди-да, Қаноатшонинг гапини бўлиб, дудуқланганча сўради:

– Шош-шошманг, шошманг, б-бек... Маманазарни саройга келди дейсизми?

– Шундай, бек ака, Маманазар ярим тунда саройга келиб, хон ҳазратларининг ҳузурларига олиб боришимни талаб қилиб туриб олди.

– Ё, Парвардигор!.. – шиғовул даҳшатга тушиб, – кейин нима бўлди!?

– Уни ҳужрамга келтириб, сўроққа тутдим. Олдинига „Фақат хон ҳазратларининг ўзларига айтаман“, – деб туполон қилгандай бўлувди, кейин бир-икки дўқ-пўписа билан ҳаммасини билиб олдим, бек ака.

– Ҳаммасини билиб олдим!?... Ё товба... – шиғовулнинг ҳайратдан оғзи очилиб.

– Кейин, менинг буйруғим билан йигитлар уни қатл қилиб, мурдасини учинчи бурчнинг четроғига кўмиб ташлашди.

– Уф-ф, вой, вое-ей, хайрияте-ей, – шиғовул енгил тортиб, терлаган юзларини рўмол билан артар экан, – у малъунни қатл қилдириб, тўғри қилгансиз, бек. Акс ҳолда қанчадан-қанча яхши одамларнинг қонига зомин бўлар эди. Кейин нима бўлди?

– Эртаси куни Заҳробонунинг саройга келишини кутдим. Сизнинг номингиздан гапириб, Ҳокимойимга битилган номани олиб қолдим-да, ўзини изига қайтариб юбордим... – Қаноатшо қўйнидан номани олиб, шиғовулга узатар экан, Шарифбек билан бўлган учрашувини қисқача сўзлаб берди-да, гапини тугатаётиб деди, – мирипёённинг олдидан чиқиб, ҳаяллатмай отга миндиму тўғри чорбоғингизга қараб йўл олдим... Бор гапнинг ҳаммасини айтдим, бек ака... Энди бу ёғи сизга ҳавола, сиз нима десангиз, шуни қиламан.

– Шунақа денг.

Шиғовул кўзларини юмиб, ўйга толди, „Парвардигор, ўзингга минг қатла шукур... Ҳаммаси яхшилик билан тугади, бекнинг айтган гапларининг ҳаммаси тўғри, шекилли... Найранги йўқ, булоқнинг сувидай... Акс ҳолда юз эллик-икки юзта навкар билан босиб олиб кетарди. Ҳў-ўш, унинг ҳозирги аҳволи ночор, бу ерга нажот истаб келган, гапига қараганда бизнинг ҳар қандай топшириғимизни сўзсиз бажаради, бу яхши... Лекин бекка кафолат керак, сарой қўлга олингандан кейин унинг тақдири нима бўлади? Бекни ташвишлантираётган нарса мана шу. Уни хотиржам қилиш учун менинг ваколатим камлик қилмайди... Шундай бўлса ҳам уни шаҳзоданинг ҳузурига бошлаб бораман, энг тўғри йўл шу, шаҳзоданинг бир оғиз сўзи билан бек батамом хотиржам бўлади", Шиғовул кўзларини очиб, Қаноатшога қаради, сўнгра томоғини бир қириб олиб, салмоқ билан деди:

– Ҳў-ўш... Энди бундай қиламиз, бек, ҳозир сизни тўғри шаҳзода жанобларининг ҳузурларига олиб бораман, ҳамма гапни ўша ерда бамаслаҳат ҳал қиламиз, маъқулми?

– Сиз нима десангиз, шу, бек ака.

– Бўпти... Қани турдик бўлмаса, омин...

Шундай дея шиғовул юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди. Қаноатшо ҳам шошибгина юзига фотиҳа тортиб, унга эргашди. Баҳодир шиғовул Қаноатшони „ғуломгард"да қўл қовуштириб турган Нормуҳаммаднинг олдидан олиб ўтиб, Худоёрхон ўтирган ҳужрага бошлаб кетди...

VI БОБ

Тўрт кундан бери йўл босиб келаётган Мусулмонқул мингбошининг қўшини бешинчи кун деганда Ёзёвон чўлини кесиб ўтди. Қовжираган теп-текис чўл деярли тугаган, унда-мунда тўқайзор, адирлар кўзга ташлана бошлади. Икки мингдан ортиқроқ отлиқ қўшиннинг йўл

босишидан осмонга чанг-тўзон кўтарилган, навкарлар юзларини рўмол билан ўраб олишган, юзликлар тўп-тўпи билан йўл босишар, қўшиндан орқароқда пода аралаш чакана моллар билан, иккитадан от қўшилган йигирма-йигирма беш чоғли юк ортилган арава келар эди. Вақт қиёмдан ўтган. Чўл тугаётганидан бўлса керак, саратон иссиғи бир оз бўлса ҳам пасайган. Қўшиндан сал олдинроқда бир тўп беклар билан Мусулмонқул мингбоши борар эди. Бир кечаю икки куннинг ичида мингбошига, Баҳодир шиғовулдан иккита чопар келди. Биринчи чопарни шиғовул кенгаш тугаши биланоқ саҳарлаб жўнатган эди. Қаноатшони чорбоғдан кузатиб қўйгач, шом оралатиб, иккинчи чопарни йўллади. Мингбоши ёнма-ён келаётган Умарали понсодга, Султонбек парвоначи билан Баҳодир шиғовулнинг устидан шикоятомуз койиниб келар эди.

– Астафириллоҳ! Товба-товба... Шиғовулнинғ жўнатган номалари бир-биридан ғалати-я... Жорти тунда кеган номасида, чорбоғиға шаҳзода кеған бўса, пешинда кеған номасида Қаноатшо чорбоққа кеса, қиёмат бўляпти, наҳаримда, понсод, қиёмат... Қариған чоғида икковиям эсларини жеб қўйған, шекилли, – мингбоши узангига тиралиб, қаддини ростлар экан, гапини давом қилди, – парвоначиға ҳайронман, муштдай болани уйида ушлаб туролмасая, товба... Шаҳзоданинғ чорбоққа келиши ғирт тентаклиқ. Хоннинғ айғоқчилари шивирини эшитса, ҳаммаси дорға тортилади-я. Шиғовулди нима жин урди, хоннинғ хос соқчисини шаҳзоданинғ олдиға об кирса-я, товба қилдим... Эҳтиётсизлик бу – қип-қизил тентаклиқди ўзғанаси.

Овозини баралла қўйиб, гапириб келаётган мингбоши, бирдан жимиб қолди, сўнгра товушини бир парда тушириб, кўзларини ола-кула қилганча Умарали понсодга қараб, деди:

– Понсод!... Қаноатшонинғ чорбоққа келиши хоннинг найранғи бўмасин тағин, шиғовулдан сир-пир оғаш кеған бўса-я?

Мингбошининг ваҳимасидан Умарали понсод ҳам бир лаҳза шубҳага бориб, сўнгра бошини чайқаганча деди:

– Йўғе-е... Нималар деяпсиз, мингбоши жаноблари?.. Шиғовулни ўзингиз яхши биласиз, ўта зийрак. Росту ёлғонни бир зумда ажратади. Найрангдан маъно йўқ, Қаноатшо Маманазардан ҳаммасини билиб олиб, кейин чорбоққа борган. Қайтага мушкулимиз анча осонлашди, тунда шиғовул навкарларини саройга киритиб ҳам ўтирмайди. Фақат қалъадан оширса кифоя. Худо хоҳласа, бир томчи ҳам қон тўкмасдан саройни қўлга оламиз, мингбоши жаноблари.

– Илоҳим айтганингиз кесин, понсод, лекин журагим бир нарсадан ғаш, тўс-тўполонда Абдураҳмонга бирор кор-ҳол бўмасин деб, қ-қўрқаман, Умаралибек, – мингбошининг товуши билинар-билинмас титраб чиқди, – ҳали суяғи қотмаган.

– Ўғлингиздан хотирингиз жам бўлсин, мингбоши жаноблари. Абдураҳмонбек Қаноатшонинг йигитлари билан бирга шиғовулга қараб-қўриб тураман деган. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади.

– Ойтганингиз кесин, – деди мингбоши, томоғини бир-икки қириб, сўнгра бир фурсат ўйланиб туриб салмоқ билан гапини давом қилди, – понсод... Худо хоҳласа, Муродхонни бир жағли қип, Худоёрхонни тахтга ўтқазганимиздан кейин ҳойнаҳой амирнинг ғижини келиши ониқ, жимғина қараб турмаса керак. Бугун бўмаса, эртага қўшин тортиб келиши эҳтимолдан холи эмас, шунинг учун у жағ-бийоғимизга қараб, қурол-жароғларди тувурлаб, тартиб қимоғимиз даркор.

Умарали понсод, мингбошига қараб туриб истеҳзоли кулганча деди:

– Хайрияте-ей, мингбоши жаноблари, қурол-аслаҳалар ҳам эсингизга келар экан. Қарийб икки йилдан бу ёғига шу ҳақда жавраб келаман, эшитмай демайсиз. Дунё ўзгаряпти... Қарийб ҳамма мамлакатлар чақмоқ милтиққа ўтиб олишган, бизда ҳалиям пилта милтиқ.

Шуям бўлса, беш-олтита навкарга битта милтиқ, сал намга отилмайди, отилганда ҳам кўпчилик навкар чўчиб кетганидан беш-ўн дақиқа таррақдай қотиб қолади. Куникмаси йўқ. Олти дона тўпимиз бор, шуни ҳам иккитаси бузуқ. Сал-пал кўзга кўринган тўпчию милтиқсоз усталаримиз ҳам йўқ. Тўрт йил олдин Фарангдан келган элчилар „Милтиқ дўкон қуриб берамиз", – деб шу кетганча ҳали келади. Уларнинг келишини кутиб ўтирмасдан, Мардон милтиқсознинг ёнига уч-тўртта шогирдини қўшиб, Фарангга юбориш керак эди.

Умарали понсоднинг аччиқ-аччиқ гапларидан мингбошининг юзи бўғриқиб кетди.

– Гапларингиз ҳам пилта милтиқдай қарсиллаб чиқадия, понсод. Нишонга тегмай қомайди, заҳар-а, заҳар, лекин фойдали заҳар, – бўғриқиб турган мингбоши, ўзининг гапидан нашъа қилиб кулиб юборди, сўнгра жиддийлашиб салмоқ билан деди, – сизди мана шу туври сўзлиғингиз учун ҳурмат қиламан, понсод, гапларингиз ҳақ... Худо хоҳласа, шу ишнинг орқасидан астойдил тушиб, Бойзоқбийга одам жувараман.

– Қайси Бойзоқбий?

– Улли жузнинг катта бийи... Жуздан ошиқ бийларнинг каттаси. Ҳозирғи вақтларда Улли жузнинг овуллари Туркистондан тортиб Олтойғача чўзилган, бийоти Дашти Қипчоқдан тортиб, Эртиш билан Энасой дарёларигача чўзилиб кетган. Молининг бир қисмини урисдинг жерида боғади, урис билан олди-бердиси бор. Бойзоқбийди ўртаға қўйиб, урислардан сиз айтган милтиқларди сотиб оламиз, понсод жаноблари.

Умарали понсоднинг кўзлари чақнаб, юзлари ёришиб кетди.

– Мана бу бошқа гап, мингбоши жаноблари. Жуда ҳам маъқул гапни гапирдингиз. Шу ишни амалга ошириб, навкарларимиз янги милтиқдан машқ қилиб, отишни ўрганишса, батамом хотиржам бўлардик.

– Э-э, Умаралибек, батамом хотиржам бўлиш учун шу ишнинг ўзи камлик қилади, – мингбоши бир „уҳ" тортиб, ўйга толди.

Асрга яқин узоқдан кўзга илинар-илинмас охирги равот кўринди. Мингбоши пешанасига қўлини соябон қилиб, бир оз қараб турди-да, орқароқда беклар билан бирга келаётган Ўтаббойни чақирди:

– Ўта-ап!

Ўтаббой отини ниқтаб, мингбошига тенглашди.

– Лаббай, минғбоши жаноблари?

– Кўзинг ўткирроқ, айна, қара-чи, кўринган равотма?

– Равот.

– Ғимирлаятган нима?

– Ўзимизнинг илғор туда, четроққа карвон қунипти.

– Карвон дейсанма!?... Қона?

– Ҳо-ов... қибла томонда.

– Ҳа-а кўрдим... Анча четқа қунипти, келишимизди билган чиғар-ов, – мингбоши отини секинлатиб, Умарали понсоддан суради, – Понсод!... Бийоғи Қуқонгача неччи соатлиқ жўл қоган?

– Отлиқ жадаллаб юрилса, тўрт-беш соатлиқ йўл бор-ов.

– Равотта қўшинга дам берамиз.

– Маъқул.

Мингбоши яқинлашиб қолган бекларга қараб, товушини баланд қилиб, буюрди:

– Равотга жетганда ҳамма туп-тупи билан жойлашсин, овқатланиб, дамини осин. Тун жорти бўмасдан жўлга тушамиз, ҳамма эшиттима-а... Энди сардобагача жадаллаймиз, – шундай дея мингбоши отига қамчи босди...

Шом тушиб, осмонда юлдузлар кўриниб қолган. Юзлаб ёқилган гулхан атрофида навкарлар гурунглашиб, тамадди қилишар, ёши каттароқлари овқатланиб бўлиб, аллақачон уйқуга кетишган. Отлар суғорилиб, буйнига емхалта илинган. Қароргоҳда, ягона чодирнинг олдида иккита соқчи навкар шамдай қотиб турарди. Енгил-елпи тортилган ёзги чодир ичида, кун буйи от устида юриб, толиққан мингбоши билан Умарали понсод бошларида тақия, эгниларида яхтак билан чой ичганча роҳатланиб

дам олишарди. Чодирнинг очиқ жойидан, ичкарига бир лаган қовурдоқ кўтарган Боймурод кириб келди. Индамасдан лаганни дастурхонга қўйди-да, қаддини ростлаб туриб деди:

– Карвонбоши бериб жуварипти, хўжам.

– Карвонбоши дейсанма? Оти нима?

– Қашқарлиқ Селимохунман, дейди, ташқарида турипти.

– Ҳа-а, Селимохунма? Уни жахши танийман, чақир, кирсин.

– Хўжам.

Чодирга Селимохун кириб келди. Табассум билан қўл қовуштирганча мингбоши билан Умарали понсодга пимтаъзим қилиб, салом берди. Қўл олиб кўришиб, фотиҳа ўқилгач, ҳол-аҳвол сўрашилди.

– Тану жонлари соғми? Мамлакатда тинчликми? Қўшин билан сафарларда қийналмаяптиларми, мингбоши жаноблари?

– Худоға шукур... Ўзингиз тинчмисиз, охун? Молкон омонма? Жаҳон кезиб, чарчамаяпсизма?

– Давлатларини соясида, ҳазратим... Ўзига шукур, пуллар тинч, жойларда омонлик.

– Тинчлиқ бўлсин,... – деди мингбоши, сўнгра лаганга ишора қилди, – нима ташвиш қиб журипсиз, охун?

– Ташвиши бораканми, ҳазратим, – карвонбоши табассум билан калта соқолини силаб, – машойихларимиз... „насиб қилса келур Шому Ироқдин“ деб айтиб ўтишган экан. Жаноблари қаёқда эдилару, биз қаёқда эдик. Буни қарангки, насибаларимиз қўшилган экан, парвардигорим бизларни чўлу биёбоннинг қоқ ўртасида учраштирди... Қани, овқат совимасин, марҳамат қилсинлар, жаноблар.

Бир-бирларига „олинг-олинг“ қилишиб, овқатга машғул бўлишди. Овқат устида суҳбат йўл азобию, пирх-наводан бошланиб, сўнгра хориж мамлакатлари ҳақида кетди. Умрида четга чиқмаган мингбоши, карвонбошининг гапларини диққат билан тинглар, вақти-

вақти билан ўзи учун керакли мавзуда саволлар берар эди.

– Охун, уларнинг ҳам устачилиқ дўконлари бизлардикиға ўхшағамма?

– Афғон, Эрон, Ҳиндистон, арабларники, қарийб бизларникига ўхшайди. Лекин Фаранг, Олмон, Русия мамлакатлари дўконларининг бизларникидан фарқи катта, ҳазратим. Бизларда дўконлар кичкина-кичкина, нари борса, беш-ўнта уста-шогирд ишлайди. Уларнинг катта шаҳарларида кичик дўконлардан ташқари, иккитадан-учтадан катта-катта дўконлари бор. Ҳар бирида юзлаб, ҳатто минглаб одамлар ишлайди.

– Вой-бойо-ов, шунча одам битта дўконға қойтиб сиғади?

– Кўпкари чопадиган жойдан каттароқ ерга иморат қуриб, атрофини девор билан ўраб олишган, шуни ичида ишлашади.

– Ё, Баҳовуддин!... Шунча одам нима иш қилишади?

– Ҳар хил нарсалар ишлаб чиқишади, газлама, тайёр кийим-кечак, уй-рўзғор анжомларидан тортиб, темирдан катта-катта қайиқ ясашади.

– Темирдан қайиқ!?

– Темирдан, катталиғи уч-тўртта иморатдай келади.

– Эт-тавба!!

– Бу ҳали ҳолва, ҳазратим, чамаси, ўн йиллар олдин инглизлар олов билан юрадиган темир арава ясаб чиқаришди, тарақ-тарақ қилиб темир йўлнинг устидан юради.

Буниси ҳаммасидан ошиб тушди. Мингбоши билан Умарали понсод оғизларини очилиб, ҳангу манг бўлиб қолишди.

– Темир арава дейсизма, охун!? – Сўради мингбоши ишонқирамасдан.

– Темир арава, ҳазратим, олов билан юргани учун оташ арава дейишади.

– Оташ арава!?

– Оташ арава!

– Астафируллоҳ-о, товба-товба!... Буни одам қайтиб ҳайдайди?

– Гилдиракларининг устида кичкинагина ҳужрачаси бор, шу ҳужрачадан туриб, тандирга ўтин ташлагандай ўтин ташлаб туришади, ҳазратим.

Мингбоши карвонбошининг гапларидан гаранг бўлиб, Умарали понсодга қаради.

– Понсо-од, Қодир эгам, ҳисоб-китопти дўзахдан бошлаган кўринадиёв.

Умарали понсод бир ютиниб олиб, карвонбошидан сўради:

– Селимохун жаноблари, бу, оташ арава деганингиз нима иш қилади?

– Катталиги ўзидай келадиган ўнта-ўн бешта темир аравани юки билан шаҳардан шаҳарга судрайди, понсод жаноблари.

– Битта темир араваси қанча юк олади?

– Иккита карвоннинг юкини бемалол олади.

– Ио пиримай,... журиши қондай?

– Улоқчи оттай боров... Тахминан Андижондан бомдодда чиқса, пешинга қолмай Қўқонга кириб боради, ҳазратим.

Иккови ҳам карвонбошига қараб, бақрайиб қотиб қолишди.

– Астафируллоҳ, товба қилдим, понсод, қиёмат бошланишти-ю, биз бехабар қоппиз, – деди мингбоши пешанасини тириштириб, – офарин, Селимохун жаноблари, офарин, тараф жўқ... Понсод икковимизни кўз бойлагичлар ҳам бунчалиқ ҳайрон қолдирғани жўқ. Энди, охун, бизларди ақлимиз жетадиған гаплардан гапиринг. Хорижға борғанингизда фарангдима, ўрисдима пашкарларини кўрдингизма?

– Кўрдим, мингбоши жаноблари. Ўрисларнинг бешўтта пашкарларини Ўринбургдаги божхонада кўрдим. Лекин инглизларнинг Панжоб шаҳрида қурилган лашкаргоҳида бўлдим...

– Панжоб шаҳари қаерда, Охун? – карвонбошининг гапини бўлиб сўради мингбоши.

– Ҳиндистон мамлакатида, ҳазратим... Шу лашкаргоҳда мени анчайин айлантириб, томоша қилдиришди.

– Томоша қилдиришди?... Кимлар, охун?

– Уильямс[52] билан Эшшли жаноблари, ҳазратим.

Мингбоши билан Умарали понсод бир-бирларига қараб олишди. Умрида бунақа исмларни эшитмаган мингбоши бошини қашлаганча ишшайиб деди:

– Товба қилдим, отлариям бир қизиқча.

Карвонбоши жойида бир қўзғолиб олиб, гапини давом қилди:

– Инглизлар, навкарларига ниҳоятда аҳамият берган, ҳазратим. Навкарларнинг уст-бошлари бир хил, оёқ кийимлари ҳам бир хил, елкаларида юк халталари бор, сувдонлари бор, ҳаммасида бир хил милтиқ, бирортасида қилич ёки найза кўрмадим. Фақат зобитларигина расмиятчилик учун қилич тақиб юришади холос.

– Ия, охун, навкарлар қиличсиз, найзасиз нима билан жанг қилишади?

– Милтиқ билан, ҳазратим.

Мингбоши заҳарханда қилиб кулди.

– Ғалати-ғалати гапларни гапирасиз-да, охун, ахир милтиқ бир марта отилгандан кейин қуруқ темирдан фарқи қомайди-ку. Уни сумбалаб ўқлагунча бир талай вақт кетади, бир томони намлиқ, қор-жомғир дегандай.

– Ҳазратим, қилич, найза, пилта милтиқ, чақмоқ милтиқ, фаранглардан аллақачон қолиб кетган.

Мингбоши ҳайратланганча Умарали понсодга қараб қўйиб деди:

– Товба-товба, нималар деяпсиз охун, дорисиз, чақмоқсиз милтиқни нима билан отишади?

– Ўқ билан отишади, Ҳазратим.

– Ўқ билан!?... Қандайча ўқ билан?

– Мана бунақа ўклар билан, ҳазратим, – карвонбоши қўйнидан чоғроқ халтача чиқариб, оғзини очди-да, ичидан уч-тўртта патрон олиб, мингбошига тутқазди, – бу ўклар қордаям, ёмғирдаям отилаверади, ҳазратим.

Мингбоши билан Умарали понсод, патронларни қўлларида айлантириб кўриб, қизиқиб томоша қилишди. Мингбоши бошларини сарак-сарак қилиб, деди:

– Эт-товба!... Буни қаранг, понсод, қиёмат. Охун, буни милтиққа қайтиб ўқлайди? Бу ўқ нимадан жасалган?

– Қоғоздан, ҳазратим.

– Қоғозда-ан!?... Ҳаб-бу, тахтадай қаттиқ-ғу?

– Шиббалашганда, ҳазратим, таг томони темирдан ясалган, ўртасидаги сариқ нарса сиз айтган чақмоқтош ўша, оташжонинг ўрнида ўқ соладиган жойи бор, ўқлашдан кейин тепки босилганда сариқ нарсадан учқун чиқиб, милтиқ отилади, ҳазратим.

Мингбоши қўлида патронларни салмоқлаб туриб деди:

– Қойи-ил... Фаранғларди усталариға қойил қомасдан илож жўқ, понсод, нима дединғиз?

– Ҳаққаст рост, мингбоши жаноблари, – Умарали понсод, мингбошининг гапини маъқуллаб, сўнгра кароваошбошидан сўради, – Селимохун жаноблари, бу ўқларнинг милтиғи сизда борми?

– Йўқ, понсод жаноблари, инглизлар милтиқларини ниҳоятда махфий тутиб, қаттиқ сир сақлашади. Бу ўқларни хон ҳазратларига кўрсатишим учун инглизларнинг Ҳиндистондаги ярим подшосининг ноиблари, Уильямс билан Эшшли жаноблари беришди.

– Хон ҳазратларига кўрсатиш учун!? – сўради мингбоши аграйганича.

– Шундай, мингбоши жаноблари, инглизлар Қўқонда янги қурол-яроғ, ўқ-дори устахонасини қуриш учун, хон ҳазратлари билан музокара олиб боришмоқчи. Шунинг учун ҳам бу хабарни хон ҳазратларига етказиш учун Ҳиндистонга Хўтан, Кашмир орқали эмас, Фарғона мамлакати билан юрдим.

Мингбоши билан Умарали понсод бир-бирларига маънодор қараб олишди-да, бир оз фурсат ўйланиб туришди. Ниҳоят мингбошининг ишораси билан Умарали понсод гап бошлади:

– Селимохун жаноблари, мингбоши жаноблари айтганларидек, сиз бизни кетма-кет ҳайрон қолдиряпсиз. Ҳалимизда йўқ гапларни эшитяпмиз. Албатта, бу суҳ-

батингиз учун икковимиз сиздан ўта миннатдормиз. Лекин айтинг-чи, Селимохун жаноблари, ўша инглизлар нима учун айнан бизнинг хон ҳазратлари билан музокара олиб боришмоқчи? Нима учун Қўқонда қурол-яроғ устахонасини очишмоқчи? Нима учун ўзлари келмасдан сизни юборишди? Инглизларнинг муддаоси нима?.. Селимохун жаноблари, биз ҳаммасини билишимиз лозим.

Карвонбоши бир оз сукут сақлаб турди, сўнгра мингбоши билан Умарали понсодга бир-бир қараб олди-да, салмоқ билан гап бошлади:

– Жаноблар! Мени кўп йиллардан бери биласизлар, салкам ўттиз йиллардан бери карвонбошилиқ қилиб жаҳон кезаман. Эл-юрт олдида ҳақгўйлигим, ҳалоллигим учун ўзимга яраша обрў-эътибор орттирганман. Хориж мамлакатларида ҳам юқори доирадагилар мени яхши билишади. Саволларингизнинг ҳаммасига батафсил жавоб бераман, илло ҳузурингизга ташриф буюришимнинг ҳам асосий сабаби шу, жаноблар. Инглизлар мени, айнан хон ҳазратларига юборишларининг сабаби, улар амир Насруллохон ҳазратларини душман сифатида кўришади.

– Душман сифатида кўришади!? Хайрияте-ей, нима учун, охун?

– Хотирингизда бўлса, ҳазратим, бундан чамаси тўрт йиллар олдин менинг карвоним билан иккита инглиз, вакил бўлиб келувди?

– Эсимда, эсимда, – деди мингбоши, сўнгра Умаралига қараб, – боғонаги айтганларингиз, понсод... Инглиз вакиллари келишди-ю, шу кетганча гумдон бўп кетишди, охун.

– Инглизларнинг бирининг номи полковник Стоддорт, бирининг номи лейтенант Артур Конноли, ҳазратим. Ўша йили амир ҳазратлари икковини қатл қилдирдилар.

– Қатл қилдирди!?... Ё, Парвардигор... Нима учун?

– Бунинг тарихи хийла узун, ҳазратим... Тахминан саккиз-ўн йиллар олдин инглиз ҳарбий айғоқчиси Бернс[53] жаноблари...

ташкил қилиб, рус савдогарлари билан солдатлар кузатувида Бухорога жўнайди. Амир, қушбегию вазирлар билан бирга Виткевични Аркда қабул қилади. Суҳбат савдо-сотиқ ва қисман сиёсат устида боради. Виткевич гап орасида инглизларнинг Бухорога нисбатан ёмон кўз билан қарашини қистириб ўтади.

– Фикрингизга қўшила олмаймиз, элчи жаноблари. Шу пайтгача инглизлардан ёмонлик кўрмадик. Шубҳаларингиз ўринсиз, улар бизларга хайрихоҳдирлар.

– Мени маъзур тутсинлар, амир ҳазратлари, агар инглизлар ҳазратларига хайрихоҳ бўлсалар, давлат сирларини жаҳонга ошкор қилмаган бўлар эди, – шундай дея Виткевич китобни амирга тақдим этади.

Амир китобни вазирларига ўқитиб кўриб, ниҳоятда ғазабга келади. Душмандан огоҳ этгани учун, Русия элчисидан миннатдор бўлади. Бу орада Стоддорт билан Конноли[57], Қўқон хони билан қурол-яроғ масаласини яхши томонга ҳал қилиб, Қўқондан Бухорога карвон билан жўнашади. Худди шу масалада амирнинг ҳузурига ташриф буюришади. Инглизларга нисбатан ҳали ҳам ғазабдан тушмаган амир аввал уларни ҳибсга олиб, сўнгра қатл қилдиради...

Инглиз элчиларининг қатл қилинишидан таъсирланган мингбоши, бошини чайқаганча Умарали понсодга қараб, деди:

– Понсод, „элчиға ўлим жўқ“ деган удум ота-боболаримиздан қоган. Бу амир-қассобди қиған ишини қаранғ, – сўнгра карвонбошига қараб, – китопти жазған инғлиз журиптима, охун?

– Уни Қобулда қатл қилишди, ҳазратим.

– Қобулда қатл қилишди? Ё, товба, кимлар?

– Афғонлар, ҳазратим... Тўрт йил олдин Афғон халқи амир Дўстмуҳаммадхон[58] ҳазратларини қайтадан тахтга ўтқазиш учун Қобулдаги инглизларга қарши қўзғолон кўтаришган эди. Шу қўзғолонда кўп инглизларни отиб, чопиб ташлашди. Ўлганларнинг ичида Бернс жаноблари ҳам бор эди, мингбоши жаноблари.

Учовлари бир нафас сукут сақлаб туришди. Карвонбоши пиёладаги совиб қолган чойни сипқариб, гапини давом қилди:

– Биз Эшшли жаноблари билан бир неча йиллардан бери танишмиз. Улар мендан Хитой матоларини улгуржи сотиб олишади. Олдинги сафаримда Эшшли жаноблари мени лашкаргоҳга таклиф қилдилар, Уильямс жаноблари билан ўша ерда танишдим. Олдин айтиб ўтганимдек, икковлари лашкаргоҳни бир чеккадан айлантириб кўрсатишди, мингбоши жаноблари, инглиз навкарларининг машқлари бизларникидан тубдан фарқ қилади. Уларда интизом жуда қаттиқ. Юзлаб навкарлар зобитнинг буйруғига қараб бир тан бўлиб ҳаракат қилишади. Чой устида анча суҳбатлашдик. Инглизларнинг муддаолари битта, ҳазратим. Улар Фарғона мамлакатининг шимолий ҳудудидаги чегараларни мустаҳкамлаш учун, холисанлиллоҳ қурол-яроғ устахоналарини қуриб беришмоқчи. Нима сабабдан ўзлари келиша олмаслигини менга айтишмади, лекин суҳбат давомида ўзим тушуниб етдим. Стоддорт билан Конноли жанобларининг қатлидан кейин инглизлар эҳтиёткорроқ бўлиб қолишган шекилли. Бор гап шу, мингбоши жаноблари.

Карвонбошининг гапларини диққат билан эшитиб ўтирган мингбоши, чуқур нафас олди-да, пешанасини силади:

– Селимохун жаноблари, бир нарсани тушунолмай турипман. Инғлизлар қайжақда-ю, бизнинғ шимолий чегара қайжақда, тоғин холисанлиллоға устахона қуриб беришса. Нима учун бизнинғ ташвишимиз уларға тушиб қолди? Коса остида ним коса жўқмика-ан деб ўйланиб турипман. Ўзинғиз-чи, охун, ўзинғиз қандай фикрдасиз?

– Мингбоши жаноблари, инглизларнинг олган маълумотига қараганда, ўрислар Оқмасжид билан Туркистон шаҳарларига ҳужум қилиш учун тайёрланаётганмиш. Агар улар хонликларни босиб олишса, инглизларнинг тасарруфидаги Ҳиндистон билан Афғонистон хавфдан холи бўлмайди. Ҳазратим, каминанинг фикри ожизини

билмоқчи бўлсалар, „қўшнинг тинч, сен тинч“. Худо кўрсатмасин, ўрислар Фарғона мамлакатини ишғол этсалар, Қашқарни ҳам олишлари ҳеч гап эмас.

Мингбоши билан Умарали понсод сергакланиб, бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди. Русиянинг бостириб киришини хаёлига ҳам келтирмаган мингбоши аввалига довдирагандай бўлди. У, мамлакатнинг энг хавфсиз жойи, шимолий ҳудуддаги чегара деб ҳисоблаб келарди. Чунки чегарадан нарёғи Дашти Қипчоқ, бепоён чўлу биёбон, Русияга кетган карвон беш-олти ойсиз келмайди. Русиянинг Фарғона мамлакатидан қанчалик узоқда, қанчалик катталигини, мингбоши тасаввур ҳам қила олмас эди. Шу пайтгача бекликлардаги у-бу низою ғалваларни ҳисобга олмаганда, хонликнинг ягона рақиби Бухоро амирлиги эди холос. Энди эса бу ёқдан ўрислар келса-я. Карвонбошининг гапларидан гарангсиб қолган мингбоши хириллаган товушда деди:

– Нималар деяпсиз, Охун? Ўйлаб гапиряпсизма-а? Туркистон боводан наржағи тап-тақир, чўлу биёбон бўса... Ўрис шу-унча навкару, жуки билан биз томонга қайтиб келади?

Карвонбоши табассум билан унсиз кулиб, бошини чайқаганча деди:

– Э-э ҳазрати-им, боя ўзлари айтганларидай, қиёмат ким-қачон бошланган, сизнинг хабарингиз йўқ. Уч-тўртта давлат, бутун дунёни эгаллашяпти. Бу ёғи Ҳабашистондан тортиб Арабистон, Эрон, Афғон, Ҳиндистонгача, фаранглар билан инглизлар эгаллаган. Ғарбдан, майда мамлакатлардан тортиб, Қофқоз, Булғор, Туркиягача ўрис босиб олган. Сиз айтган тап-тақир чўлу биёбонга, ҳазратим, ўрис аллақачон уч-тўртта ҳарбий қалъа қуриб ташлаган. Карвонларни бир чақирим жойга яқин йўлатмайди. Бундай олиб қаралганда тегилмаган жой, Туркистондаги учта хонлиқ қолган холос, мингбоши ҳазратлари.

Учовлари анча вақтгача жим қолишди.

– Парвардигор, балою офатдан ўзинг асра, – мингбоши уюшиб қолган оёқларини уқалар экан, – биз амирдан

хафсираб журсак, бало бошқа жақдан чиғиб турипти, тавба... Хў-ўш, лўнда қиб айтганда, айтган гапларингизни бу жерда ҳазм қиб бўмаяпти, Охун... Лекин инглизларди гаплари бизға маъқул. Энди-и гап бундай, бизлар тун қорти бўмасдан жўлға тушамиз. Сиз, бир кунни шу жерда утказиб, индин саҳар жўлға тушинғ, Охун. Қўқонға борганингизда саройда ўбдан гаплашамиз, нима дединглар?

Мингбошининг гаплари икковига ҳам маъқул тушди. Фотиҳа ўқилгандан кейин бир-бирлари билан хайр-хушлашиб, Умарали понсод карвонбошини кузатиб келди. Мингбоши, ёстиққа ёнбошлаб оёқларини чўзар экан, чопонини ёстиқ қилиб буклаётган Умарали понсодга қараб деди:

– Понсод, бу Охун бало чиқди-ғў, шайтонди ўзғинасия, тавба қилдим... Гапларини қаранғ, билмаган нарсаси жўқ. Мударрисданам кўпроқ биладиған чиғаров, бирдан ҳайрон қолдириб ўтирди бу одамди.

Умарали понсод мийиғида кулиб, деди:

– Айтганингизча бор, мингбоши жаноблари, ахир ота-боболаримиз айтишган-ку „Юрган дарё, ўтирган бўйра" деб. Энди жаҳон кезганидан кейин одам кўп нарсани кўриб, билади-да. Хў-ўш... вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди, ётиб ухламасақ бўлмайди, икки соат бўлса ҳам ҳарна-да.

Мингбоши, „маъқул" дегандек, бош силкиди-да, ёнига ағдарилди. Умарали понсод чўзилиб шамни пуфлаб ўчирди, сўнгра ҳомуза тортганча узала тушиб ётди. Қаровхона, соқчилардан ташқари ҳамма сокин уйқуга кетди.

* * *

Тун ярмида Мусулмонқул мингбошининг қўшини йиғишиб, йўлга тушганда Қўқон қалъасининг деворида ҳам қизғин кетар эди. Ғира-шира ойдинда уста Мели туяларга пишиқ қилиб боғланган арқонларни пайпаслаб бирма-бир текшириб чиқар экан, ён атрофга олазарак бўлиб қараб қўяр эди.

– Ё Парвардигор... Биз меҳнаткаш қулларингни қазою офатдан ўзинг асра, – уста Мели пичирлаганча умрида биринчи марта ихлос билан Худога нола қила кетди, – шу кеча миршабу соқчиларга хоби сахтингдан бер, Павардигор. Омон-эсон уйга бориб олсак, етим-есирларга хайру худойи мендан, Қодир эгам...

Тарашланган девор устида чордона қуриб ўтирган икки шогирдига кўзи тушиб, жон-пони чиқиб кетди.

– Харракка тушинглар, жин ургурлар, – сурма ичгандай вишиллаб, – инангди чорбоғига келгаммисан, эшшаклар. Худо кўрсатмасин, тунги миршаблар кўриб қолишса, дор ҳам тайёр, арқони ҳам ўзимиздан. Эҳтиёт бўлмоқ даркор, тушундиларингми? Тушунган бўлсаларингиз, яхши, – уста Мели бир парда тушиб шогирдларига буйруқ бера бошлади, – ҳў-ўш, сен харракнинг нариги томониға бориб тур, сен эса бу чаккасиға ўтиб, тайёр бўлиб туринглар. Ҳали замон шиғовулнинг йигитлари келиб қолишади. Девордан ошганини тўхтатмасдан пасға...

Уста Мелининг гапи оғзида қолди. Халта бўлиб осилиб турган арқонлар, бирваракайига таранг тортилганидан тўсинлар ғичирлаб, харрак силкингандай бўлди.

– Д-девонаи Баҳовуддин... Қ-қиёмат бошланди назаримда, – уста Мели ғичирлашу қимирлашдан дағдағ қалтираб, сўнгра эсанкирашдан шамдай қотиб турган шогирдларига товушини пастлатиб, ўшқириб берди, – с-суфини мезанасидай қ-қотиб турмасдан жой-жойларингизга югуринглар, ер юткурлар!

Уста қўрқа-писа девордан энгашиб пастга қаради. Илдамгина юқорилаб келаётган навкарларни кўзи илғаб, юраги шувиллаб кетди. Шоша-пиша ўзини орқага олиб тўсинга суянганча ғудранди:

– Т-товба қилдим... Товба-товба, шайтоннинг болаларидай ўрмалаб ч-чиқишини қара буларни, Парвардигор, жангари бандаларингни ўз паноҳингда асра...

Бир оздан кейин девор ортидан қора кўланкадай одам гавдаси кўринди. Биринчи бўлиб Азимбек ҳан-

сираганча девор ошиб, харракнинг устига сакраб тушди. Нафасини ростлар экан, бирин-кетин дупурлаб харракка сакраб тушаётган навкарларга дашном берди:

– Ҳай-ҳай, секи-и-ин!! Шовқин қилманглар, товуш чиқармасдан тез-тез пастга тушинглар, пастда дам оламиз, – тўсинга суяниб турган уста Мелига кўзи тушиб, – Мели амаки, сизмисиз? Ҳамма ёқ тинчми? Тунги соқчилар ораламадими?

– Т-тинч, Азимжон и-иним, ҳамма тинч, – уста Мелининг ҳали ҳам қалтироғи босилмай, – Худоға шукур, бу ерда тинчлик, у ёқда қандай?... Ҳамма тинчми?

– Тинч, Мели амаки, ҳаммаси яхши, ишимиз мўлжалдагидай боряпти. Худо хоҳласа, дарвозани қўлга олсак, марра бизники.

– Оми-ин! Биз-чи, биз нима қилайлиқ, бек?

– Биздан кейин яна иккита тўп бор, Ғани тўқсоба билан Ҳамдам понсоднинг тўпи. Улар ҳам ошиб бўлгандан кейин арқонларни тортиб олинглар-да, пастқам йўллар билан уйга жўнанглар. Худо хоҳласа, омон бўлсак, эртага кўришамиз, энди мен борай, Мели амаки, яхши қолинг.

– Худо ёр бўлсин, Азимжон иним.

Азимбек чаққон юраётган навкарларнинг сафига кирди-да, пояларни бир-бир босиб, пастга тушиб кетди. Уста Мели Азимбек билан бўлган савол-жавобдан кейин, бир оз руҳланиб, ўзини лашкарбошидай ҳис қилди. Қилтириқ томоғини чўзганча, навкарларни назорат қила кетди.

– Е, Танғрим, таги кўринмайди-я, булар қайнаб чиққан назаримда. Шу кетишда суфи азон чақирмасдан шаҳар навкарға лиқ тўлади қолади. Ҳў-ў найнов, энгашиброқ юр... Сан нимаға қаққайиб турибсан?.. Тез-тез қимирла, ҳа-а баракалла... Ия, буни лапанглаб юришини қара... Даббамисан дейман?... Нима-а?... Ўзинг дабба?... Вой аблаҳ... Ҳали бекка айтиб, бир савалатмасамми сан ярамасни... Товба қилдим, булар ҳаммаси даҳанаки жанг-да машқ қилишган, шекилли...

Ҳаммаси бир ош пишар вақт ичида девор ошиб бўлган навкарлар, тўп-тўпи билан тайинланган жойга юриб кетишди...

Юки шолча билан ёпилган от-арава ғичирлаганча оғир юриб, қалъа дарвозасига яқинлашиб келар эди. Аравакашлик қилаётган Усмоналининг ёнида ўтирган Азимбек, дарвоза олдида ўтирган соқчиларга диққат билан қарар экан, товушини пасайтириб деди:

– Дарвозада икки нафар соқчи, шинакда ҳам бўлиши керак, қолганлари ҳужрада шекилли. Мен билан саволжавоб қилган соқчини ўзим эплайман, сен мудраб ўтирганини тинчит, – Усмонали сўзсиз бош ирғади, Азимбек бошини хиёл орқага буриб, – қолганлар... То ўзим товуш бермагунимча „мик" этмай ўтиринглар.

Арава дарвозага яқинлашиб қолди. Соқчилардан бири эринибгина ўрнидан турди. Бир керишиб олди-да, арава томон юриб йўл-йўлакай бақирди:

– Тўхта-а!.. Саҳари мардондан қаёққа боряпсан?

Азимбек аравадан тушар экан, соқчи томон юриб, тез-тез гапира бошлади:

– Риштон бозорига, хўжайин, Риштон бозорига... Жумабозордан кеч қолмайлик, деб вақтлигина чиқувдик, ўзингиз биласиз, йўли анчагина...

– Қайт орқанғга... Дарвоза бомдод намозидан кейин очилади.

– Йўлдан қайтарманг, хўжайин, молим касод бўлмасин, дарвозага аталган тангамиз бор, хўжайин.

– Шунақа деғин, нима ортғансан?

– Кўза, хўжайин, кўза, – Азимбек соқчига яқинлашар экан, Усмонали лип этиб аравадан тушди-да, ўзини отларнинг панасига олди, – „хўп" десангиз, кўзадан берай, сайлаб олинг.

– Э-э... Кўзанғди бошимға... Иъ, иъ, – соқчи биқинига ханжар тиралганини сезиб, эти жимирлашганча қўлидаги найзасини тушириб юборди.

– Жим-м... Овозингни чиқарма, кўппак, – Азимбек чаққонлик билан соқчининг белидаги ханжарини олиб, камарига қистирар экан, Усмоналига қараб қўйди.

Усмонали ўрнидан шошиб турмоқчи бўлаётган иккинчи соқчининг олдига икки сакрашда етиб олди, додламоқчи бўлган соқчининг бошидан қалпоғини чап

қўли билан олиб юзига босди-да, ўнг қўли билан кўксига ханжар санчди. Азимбекнинг ишорасига кўра ундан ортиқ навкар деярли товушсиз ҳолда аравадан бирин-кетин сакраб тушиб, дарвоза олдига бориб туришди. Азимбек атрофга бир кўз югуртириб олиб, қалтираб турган соқчига деди:

– Шеригингнинг ҳолини кўрдингми?.. Жонингдан умидинг бўлса, товушингни чиқармайсан, – ханжарини пастга тушираб экан, – фақат саволларимга жавоб берасан, тушундингми?

Соқчининг гапиришга ҳам ҳоли келмай, бошини ликиллатиб қуя қолди.

– Шинакда қанча соқчи бор?

– И-икки н-нафар... б-бег-ак-ка.

– Ҳужрада қанча?

– О-олти нафар...

– Тунги навкарлар қачон келишади?

– К-келиб, к-кетишди.

– Яхши, – Азимбек тайёр турган навкарларга буюрди, – буни биттанг куллукла... Сан қолган навкарларни югуртириб кел... Усмонали, сан тўртта навкарни олиб, шинакка чиқ, эҳтиёт, бўл, занг чалиб юборишмасин, қолганлар мен билан ҳужрага. Қаршилиқ қилганини жонида тинчитинг, таслим бўлганини куллукланг.

Бир фурсат ичида ҳамма иш тугади. Тўсатдан қилинган ҳужумдан уйқусираган соқчилар гарангсиб қолишди. Қаршилик кўрсатиш у ёқда турсин, миқ этишга ҳам улгуришмади. Ҳамма соқчиларни куллуклаб, паттачининг омборхонасига қамаб қўйишди. Азимбек терлаган юзини рўмол билан арта туриб, навкарлар билан омборхонадан келаётган Усмоналини имлаб чақирди.

– Ҳаммасини қамадиларингми?

– Ҳаммасини қамаб, эшикни тамбалаб қўйдик, бек ака.

– Мурдани нима қилдиларинг?

– Аравага ортиб, бостирмани тагига олиб бориб қўйдик.

– Яхши, энди тўртта навкарни дарвозага қўй, тўрттасини шинакка чиқар, қолганларни ҳужрага олиб кир.

Азон айтилиши билан дарвозани очиб қўйинглар. Бозорчиларни у ёққа ҳам, бу ёққа ҳам тўхтатмасдан ўтказиб юборинглар. Шинакдагилардан хабар олиб тур, мен паттачининг ҳужрасида бўламан.

Усмонали сўзсиз бош силкиб, буйруқни бажаргани шошилди. Бир пасда дарвозахонада сув сепгандек яна жимжитлик ҳукмрон бўлди. Азимбек паттачининг ҳужрасида чордона қуриб, деворга суянган ҳолда ўгирар экан, юраги ғашланди, „жин урсин... Кутишдан ёмон нарса йўқ, айниқса, мана бу ҳолатда. Тўқсоба билан понсод нима қилишдийикин... Ишқилиб дарвозани шовқинсуронсиз олган бўлишсин-да. Ҳали замон тонг отади. Мингбошидан ҳалигача дарак йўқ...”

Ҳужрага нафаси тиқилган Усмонали кириб, Азимбекнинг хаёли бўлинди.

– Нима гап?

– Ташқарида иккита отлиқ чопар турипти, бек ака, зудлик билан дарвозани очишни талаб қилишяпти. Пайзаларини кўрсатишди.

Азимбек дик этиб ўрнидан туриб кетди.

– Дарҳол дарвозани очинглар, булар чопарлар эмас, хоннинг айғоқчилари, икковини ҳам бу ёққа олиб кир. Ҳушёр бўлинглар, қочириб юборманглар яна.

Бир оздан кейин шарақлаб дарвоза очилди. Отларнинг дупур-дупури, кишнашлари, навкарларга урилган қамчи, айғоқчиларнинг сўкинишлари билан аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Навкарлар йўлма-йўлакай силтаниб, дўқ ураётган айғоқчиларни ҳужрага судраб киришди.

– Қўйворинглар, ҳайвонлар!... Қўйвор деяпман, ит! Минғбоши қўшини билан бало-қазодай ёпирилиб келаяпти, эшшаклар... Ҳаяллатмай зудлик билан хон ҳазратларига етказмоқ даркор... Ҳамманг дорға осиласанлар, итдан тарқағанлар...

Азимбекнинг бадани жимирлаб кетди. Юзлари бўғриқиб, кўзлари чақнади. Олдинроқда турган айғоқчининг ёқасидан шартта ғижимлаб ушлаганча бир-икки қаттиқ-қаттиқ силтаб, ўшқириб берди:

– Овозингни ўчир, куппак!!... Мингбоши жанобларини қақорат қиладиган сенмисан ҳали, тунғиз?! Қўйдай ўтказатиб, гўштингни итларга талатаман, хоннинг лаънати айғоқчиси... Неччи нафарсанлар? Қаёқдан келяпсанлар?.. Гапир, даюс!!!

Дарвоза қўлга олинганини тушунган айғоқчилар тараша дай қотиб қолишди.

– Гапир деяпман, ҳайвон!

– Б-беш н-нафармиз, б-бек ака, „Чашмаи орифон" дан келаяпмиз.

– „Чашмаи орифон"да пиширириб қўйиптими, сандарга?.. Ростини гапир, ит!!

– Худо урсин!.. Гапларим рост, бек ака... Уч кун олдин чорбозорчиларга қўшилиб, минғбоши жанобларининг қўшинларини „Чашмаи орифон"да учратдиқ, ўшандан бу ёнга қўшинни кузатиб келдик. Кеча асрда қўшин охирги равотга қўнди. Биз хуфтонлатиб бу ёққа қараб жўнадиқ, бек ака.

– Шунақа дегин... Қани қолганинг?

– Работдан ўтгандан кейин бўлиндик, бек ака, улар зудлик билан хабар бергани Қодирбек мингбо... Тавба қилдим, бек ака, Қодирбек мирохурнинг қароргоҳига кетишди.

Газаб ва аламдан Азимбекнинг кўзлари олайиб кетди.

– И-иҳ... Ҳаъ-итдан тарқаган ҳайвонлар!!

Зарб билан иягига тушган муштдан, айғоқчи додлагancha буйра устига ағдарилиб тушди. Азимбек юмалаб ётган айғоқчининг устидан ҳатлаб ўтиб, шаҳд билан ташқарига чиқар экан, ҳайқирди:

– Усмонали!!... Қанисан?... Ёнингга биттани олиб, чорбоққа от қўй. Амакимга „тунда Қодирбек мирохурнинг қароргоҳига айғоқчи борган", – деб айт. Амаким мингбошини кутмасдан бор навкар билан бу ёққа от қўйсинлар. Қодирбеклар бостириб келмасидан олдин сарбонни зудлик билан қўлга олиш лозим, – сўнгра дарвозани шошиб-пишиб очаётган навкарларга қараб, – дарвозани қайта ёпманглар, ланг очиқ турсин, навкарлар

ҳужрадан чиқиб, саф тортиб, тайёр бўлиб туришсин. Бу икковини куллуклаб, омбордагиларга қўшиб қўйинг.

Азимбек узоқлашиб кетаётган отлиқларни нигоҳи билан кузатиб қолар экан, юраги зирқираб кетди, „Қодир эгам... Авлиё-анбиёлар ҳаққи, пиру устозлар ҳаққи, Ўзинг мадад бер. Амаким ҳаялламай етиб келсин... Акс ҳолда қиёмат-қирғин бўлади... Парвардигор, амакимни Қодирбекдан олдин етказгин...“

Бу орада суфи аллақачон бомдодга азон айтиб бўлган, тонг ҳам ёришиб келарди. Узоқдан жумабозорга шошилиб келаётган бозорчилар, косиб, деҳқонлар яккам-дуккам кўрина бошлади.

* * *

Чорбоғнинг кун чиқар томонидаги қир-ялангликда, сон-саноқсиз навкар йиғилган. Навкар бошида Худоёрхон, икки ёнида Баҳодир шиғовул билан Султонбек парвоначи, орқароқда бир неча ёши улуғ беклар, Нормуҳаммад билан Саидбеклар ҳам шулар орасида. Атрофни отларнинг кишнашию ҳуриллашлари босиб кетган. Йўлларга қўйилган навкарлар бозорга келаётганларни орқага қайтаришарди.

– Тўхта-а!... Қайт орқангга!.. Бугун шаҳарда бозор бўлмайди.

– Садағанг кетай, бек йигит. Бизни йўлдан қолдирманг... Жумабозор деб шу-унча йўлдан овора бўлиб...

Савол-жавобу ялинишлардан зериккан навкарлар гапни лўнда қилиб қуяқолишди.

– Нима?... Ўлгиларинг келяптими?... Бугун шаҳарда бозормас, қирғин-барот бўлади... Қўшинни кўрмаяпсанларми?.. Қайт, бўлмаса, ур-тўпалангда қирилиб кетасан баринг.

Бу гаплардан кейин араваю пиёда жон ҳолатда орқага бурилиб, „миқ“ этмасдан шоша-пиша жўнаб қолишарди. Тонг отаётганидан безовталанган Худоёрхон, қовоғини уйиб, Баҳодир шиғовулга қаради.

– Мингбоши ҳаяллаяпти, шиғовул жаноблари, тонг отиб боряпти, чопардан ҳалигача дарак йўқ.

Худоёрхондан баттар хавотирланаётган шиғовул, унга таскин берди.

– Хотиржам бўлсин, шаҳзодам. Умарали понсод „Шаҳарга уч чақирим қолганда чопар юбораман, тайёр бўлиб туринглар", – деб айтган. Беш-ўн дақиқа нари-бери чопар албатта келади, шаҳзодам... Иъ, ана... Чопарлар ҳам елиб келяпти... Ё, товба-а... Буларни шайтон қайдашини қаранг, бунақада отларни нобуд қилишади, аҳмоқлар, – ўқдай учиб яқинлашиб келаётган отлиқларни диққат билан кузатиб турган шиғовулнинг кўзларида ажабланиш пайдо бўлди, – Ия... Товба қилдим... олдингагиси Усмонали шекилли... Ҳа, Усмоналининг ҳудди ўзи... Ишқилиб тинчлик бўлсин.

Усмонали кўпиклаб, терлаб-пишиб кетган отини ярим бўриб тўхтатди-да, қамчи ушлаган қўлини кўксига қўйган ҳолда отдан тушмасдан таъзим адо қилди. Сўнгра бир Худоёрхонга, бир шиғовулга қаради.

– Нима гап, Усмонали? – сўради шиғовул, Худоёрхонга бир қараб олиб.

– Бек ака!.. Зудлик билан саройга от қўяр экансиз... Бек ака айтдилар.

– Саройга-а!?... Нима учун?

– Қодирбек мирохур ҳаммасидан хабардор, тунда элчи келган... Лекин кеч қолдикми деб қўрқаман, бек ака... Боя қир ошаётганимизда мирохурнинг қароргоҳи томондан келаётган отлиқларга кўзим тушгандай бўлди.

Худоёрхон ялт этиб Баҳодир шиғовулга қаради, шиғовул ташвишланганини билдирмасликка ҳаракат қилиб, ўчма гулдиради:

– Қодир эгам... Мўминларни қирғиндан Ўзинг асра, – кўзларини уйганча бир зум ўйланиб турди-да, сўнгра Худоёрхонга қараб деди, – Шаҳзодам!.. Зудлик билан Нормуҳаммаднинг юзлигини олинг-да, довонга қараб от қўйинг, Тошкандга, Саримсоқбекнинг олдига борасиз.

– Тошкандга-а?!.. – ажабланиб сўради Худоёрхон. – Сиз-чи?

– Биз шаҳарга от қўямиз, шаҳзодам. Улгурсак, саройни қўлга оламиз, улгурмасак, Қодирбек мирохур билан жанг қиламиз!

Худоёрхон аччиқ кулди.

– Шундай пайтда қўшинни ташлаб қочиш, ҳеч бир хон авлодига тўғри келмайди. Бунга ор-номус йўл қўймайди, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз, шиғовул жаноблари. Айниқса, отамнинг қотилларидан қочгандан кўра, шу қирғин-баротда ўлганим минг марта афзал...

– Гапингиз маъқул, шаҳзодам, лекин бу хавфли маъракада...

– Ба-ас-с!!! – ҳайқирди Худоёрхон, кўзлари чақнаб. – Сабримни тахтга ўтирганда синайсиз, шиғовул жаноблари, мени асрайман деб овора бўлманг, яхшиси, жанг олдидан фотиҳа беринг. – Сўнгра қамчисини билагига осилтирганча иккала қўлини баланд кўтарди, – қани, шиғовул жаноблари, ичимизда каттамиз сиз. Жанг маъракасида рақиб устидан зафар қозонишимиз учун фотиҳа беринг!

Иложсиз қолган Баҳодир шиғовул, қўлларини дуога очди.

– Илоҳи оми-и-ин!!!

Икки мингдан ортиқ навкар бараварига, олдинмакетин жўр бўлишди.

– О-оми-и-и-ин!!!

– Парвардигори олам, Роббимиз, Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло мана шу жанг маъракасида бизга мададкор бўсин. Пиру устозларимизнинг арвоҳлари қўлласин. Зафар бизга ёр бўлсин. Душманларимиз мағлуб бўлиб, Худоёрхон хон бўлсин. Оми-ин, Олло-оҳу акба-а-ар!!!

– Олло-о-оҳу акба-а-ар!!!

Худоёрхон юзига фотиҳа тортиши билан отига қамчи босиб, ҳайқирди.

– Ҳа-ҳа-а-а-айт, ҳайт-ҳайт!!!

Ҳайқириқни навкарлар илиб кетишди.

– Ҳи-и-и-и-ий-й, ҳайт-ҳайт!!!

Ер осмонни қийқириқ, дупир-дупир, кишнашлар, чанг-тўзон босиб кетди. Тўполонда Баҳодир шиғовул ён томонидан қувиб ўтаётган Нормуҳаммадни қамчиси билан нуқиб, бақирди:

– Норма-а-ат!!... Йигитларинг билан шаҳзодани ўраб ол. Ёнидан бир қарич ҳам жилма, унга бошинг билан жавоб берасан!

Нормуҳаммад сўзсиз бош ирғаб, нарироқда елиб келаётган Назиркўлга ишора қилди-да, Худоёрхон томонга қараб отига қамчи босди. Қўшин бир фурсат от қўйиб, иккинчи қирни ошиб ўтар экан, узоқдан йўлни кундалангига тўсиб, қатор саф тортган отлиқлар кўринди. Худоёрхон отини чопишдан йўрғага олди. Қўшин ҳам секинлади.

– Шиғовул жаноблари қани? – Худоёрхон ён-атрофга аланглаб, сўнгра отини қичаб келаётган Баҳодир шиғовулга кўзи тушиб, деди, – келаяпсизми? Шаҳарга киришга кеч қолганга ўхшаймиз, Қодирбек йўлни тўсиб улгуришти.

Баҳодир шиғовул жавоб беришга улгурмасдан Қодирбек томонидан аввал ноғоралар чалинди, кейин бирваракайига карнай-сурнай овозлари янгради. Худоёрхон саросимланиб шиғовулга қаради.

– Астафируллоҳ-о... Булар кўпкари чопишга чиққанга ўхшайди.

– Ҳаммаси тушунарли, шаҳзодам... Қаноатшонинг гаплари тўғри чиқди. Карнай-сурнайдан ташқари қозоқ уламоларни ҳам олиб келишибди. Булар бизни мингбошининг қўшини деб ўйлашяпти... Бу яхши, ҳўш, кўришишдан Қодирбекнинг қўшини биздан икки-уч баравар ортиқ. Шаҳзодам, булар сизни яхши танишади, шунинг учун сиз ўзингизни қўшиннинг ичкарироғига олинг. Биз ҳам ўзимизни мингбошини кутиб олгани чиққандай қилиб кўрсатамиз. Султонбек жаноблари билан Қодирбекнинг олдига бориб турамиз. Мингбоши жаноблари келишлари билан кучлар тенглашади. Ана ундан кейин маъракасини бошлаб юборсак бўлади.

Бу орада Қодирбекнинг қўшинига яқинлашиб қолишди. Худоёрхон Баҳодир шиғовулнинг гапларига шошмасдан рўпара қўшин бошида турган уч-тўртта отлиққа диққат билан қараб, сўради:

– Ўртароқда тургани, Қодирбекми?

Шиғовул индамагани сабабли Нормуҳаммад жавоб берди:

– Уша, шаҳзодам... Қундуз қалпоқ кийган Қодирбекнинг ўзгинаси.

Худоёрхоннинг бадани жимирлаб, билинар-билинмас титраб кетди. Кўзлари чақнаб, тишларини иржайтирганча шиғовулга бир қараб олди-да, отига қамчи босиб, қийқирди:

– Ҳа-а-а-аппирим, ўзингдан мадад... Ҳайт-ҳайт!!!

Худоёрхоннинг орқасидан бир тўп йигит билан Нормуҳаммад от қўйди. Бир зумгина довдираб қолган Баҳодир шиғовул отига қамчи босар экан, ғулдиради:

– Ҳа-а-ат-тентак бола-я!... Ўзини ҳам, бизни ҳам нобуд қилади бу, хонзода... Қодир эгам, энди бу ёғи ўзингга таваккал...

Худоёрхон шиддат билан Қодирбекнинг тўпига яқинлашиб борар экан, отига охирги марта қамчи босиб, қамчинни этигининг қунжига тиқиб қўйди. Қодирбек қуюндай елиб келаётган отлиқларни хавотирланиб кузатар экан, олдинда келаётган Худоёрхонни таниб, ағрайиб қолди.

– Мадами-ин!... Бу шаҳзода-ку... Шаҳзода тирик... Мингбоши ўтирик битипти...

Худоёрхон узангига тиралиб, тик турган ҳолда қиличини суғурар экан, Қодирбекка қараб, ҳайқирди:

– Қодирбе-е-ек!!... Мен, Худоёрхон Шералихон ўғлиман... Мана бу зарбам отамнинг қасоси учун, ит увли-и-и!!!

Қодирбек қалтираган қўллари билан қиличини суғурар экан, даҳшатдан олайган кўзларини ялтираган қиличдан узолмай қолди. Қулочкашлаб ёнламасига зарб билан серпилган қилич визиллаганча ҳавони кесиб, Қодирбекнинг калласини учириб юборди. Танадан учган калла ҳаводаёқ қон сачратиб, тап этиб ерга тушди. Ҳуркиб кетган от бир кишнаб олдинга интилди-да, бошсиз танани судраганча елиб кетди. Бир зумда бўлган бу воқеадан, беку навкарлар серрайиб қолишди. От қўйиб келаётган Баҳодир шиғовул, ортидан дупурлаб келаётган қўшинга

ўгирилиб қамчиси билан „тўхта“ ишорасини қилди-да, ўнгра қамчинни боши узра айлантирганча ҳали ўзига келмаган навкарларга қараб, узоқдан ҳайқириб келди:

– Итоа-а-ат, итоа-а-ат, шаҳзода Худоёрхонга итоа-а-ат.

Баҳодир шиғовулнинг ҳайқиғидан навкарлар Худоёрхонга қарашди. Бири таниб, бири танимай, биринкетин отдан тушиб, таъзим қила бошлашди. Мадаминбекнинг ранги оқариб, жон ҳолатда қиличини суғурар экан, ўгирилиб навкарларга қараб, бақирди:

– Хиёна-ат!!... Хиёна-ат!!... Шиғовулнинг гапига ишонманг, у хонимизга хиёнат қилди!... Отдан тушманглар, – ортидаги бекларга қараб. – Шаҳзоданинг калласини узиб оламан, сизлар тезроқ шиғовулнинг овозини ўчиринглар, акс ҳолда қўшин қўлдан кетади.

Умрида биринчи марта одам калласини олган Худоёрхон ерда ётган Қодирбекнинг калласидан кўзини уза олмас эди. Уқчиб, қусгиси келар, ранги докадай оқариб, танасидан мадор кетиб, қилич ушлаган қўли билинар-билинмас титрар эди. Шаҳзодадан кўз-қулоқ бўлиб турган Нормуҳаммад, қиличини баланд кўтарган Мадаминбек томон отини ниқтаб, ҳайқирди:

– Назиркў-у-ул!!!

Ҳужасини сўзсиз тушунадиган Назиркул, қўлидаги найзани ёпалма қилиб ҳаволатганча Нормуҳаммадга қараб отди. Нормуҳаммад найзани ҳаводаёқ илиб олиб, тўхтатмасдан Мадаминбекнинг кўксини мўлжаллаб зарб билан улоқтирди. Танасидан қарийб ярим газ тешиб ўтган найза билан Мадаминбек қичқирганча гурсиллаб ерга агдарилиб тушди. Бир вақтнинг ўзида бирин-кетин пиёда саркардадан ажраган беку навкарлар, паролашга тушди. Шу пайт кунчиқар томондан чанг-тўзон кўтарилиб, сон-саноқсиз елиб келаётган отлиқлар кўзга ташланди. Баҳодир шиғовул Худога шукурлар қилиб, қўлидаги қамчини баланд кўтарган ҳолда навкарларга қараб, қичқирди:

– Мусулмонқул мингбоши жаноблари қўшин билан келишяпти оҳо-о-о-ой!!!

Навкарлар орасида шивир-шивир бошланди, „мингбоши келяпти, мингбоши келяпти“. Шиғовул қамчинни силкитганча қичқиришни давом қилди:

– Кимки шаҳзода Худоёрхонга итоат қилса, отдан тушиб, таъзим адо қилса, афв этилади оҳо-о-ой!!!.. Кимки итоат қилмай отдан тушмаса, қатл этилади оҳо-о-ой!!!

Бошлаб уламо, аълам,[59] беклар отдан туша солиб тиз чўкканча бошларини эгиб, таъзим адо қилишди. Навкарлар ҳам ёппасига отдан тушиб, таъзим адо қилишди. Ҳамманинг нигоҳи от қўйиб келаётган қўшинга қаратилди. Бир оз фурсат ўтгандан кейин қўшин секинлаб, тўхтади. Терлаб, чангга ботиб кетган Мусулмонқул мингбоши билан Умарали понсод, бир тўп беклар кузатувида яқинлашиб келишди. Қўшин орасида мингбоши шарафига олқишлар янгради. Ерда ётган Қодирбек мирохурнинг калласию танасига найза санчилган Мадаминбекнинг мурдасини кўриб, мингбоши вазиятни дарҳол тушунди. Мингбоши отини ниқ таб қонга беланган қилични ушлаб турган Худоёрхонга яқинлашиб келди. Елкасидан қучоқлаб, пешанасидан ўпди.

– Баракалла, шаҳзодам, отангизни қасосини муносиб даражада обсиз, – сўнгра қўлларини осмонга кўтарган ҳолда қўшинга қараб ҳайқирди, – о-ҳо-ҳо-о-о-ой... давр, даври Хулоёрхон оҳо-о-ой!!!

Қўшин ҳайқирикни илиб кетди.

– Давр, даври Худоёрхо-о-он!!!...

– Давр, даври Худоёрхо-о-он!!!...

Ҳайқираётган қўшин овозига, карнай-сурнай, ноғораларнинг янграган овози жўр бўлиб кетди. Бир оздан кейин мингбоши қамчи ушлаган қўлини баланд кўтарди. Қўшин орасида жимлик ҳукм сурди.

– Ўта-а-ап!!

– Лаббай, мингбоши жаноблари.

– Бизга қўшилган мана бу қўшинни ҳам олғиндағин сарбозхоналар билан Ашир бўқоқнинг карвонсаройини бос. Таслим бўғанини ҳибсга об, қўраға қама.

– Бош устига, мингбоши жаноблари.

– Баҳодирбек шиғовул!!

– Лаббай, мингбоши жаноблари.

– Қўшиндан иккита жузлиқти ажратинг, шу кифоя қилади. Саройди босамиз, – Худоёрхонга қараб, – қани шаҳодам, энди бийоғига жадаллаймиз.

Мингбоши шундай дея отини „Марғилон" дарвозаси томон буриб, қамчи босди...

* * *

Қодирқулнинг сарбозхоналарга юборган чопарларини ушлаб, ҳибсга олган Азимбек, қўшин келадиган томонга қарайверіб кўзлари толиқди. „Товба қилдим, шунча ҳаракатламаса булар, ҳалигача чорбоққа икки марта бориб келса буларди, булар нима қиляпти ўзи,... ё, Парвардигор! – миясига келган фикирдан ранги оқариб. – Нахотки амаким, Қодирбекнинг қўшини билан тўқнаш келган бўлса..."

Шу пайт чанг кўтарилиб, елиб келаётган отлиқлар кўринди.

– Бек ака, қўшин келяпти!

Азимбек отлиқларга диққат билан қараб туриб, деди:

– Булар қўшин эмас, илғор тўда, – сўнгра товушини баландлатди, – тайёрланинг!!... Отлиқлар Қодирбекнинг навкарлари бўлса, дарвозани тамбаланг... Тўрт нафар дарвозада қолади, қолганлар шинакка, – яқинлашиб келган отлиқларга қараб туриб Азимбекнинг гапи оғзида қолди. Олдинда келаётган мингбоши, Худоёрхон, шиғовул, Нормуҳаммад, понсодларни таниб қолиб юзига кон югурди. У чуқур нафас олди-да, навкарларга қараб бақирди:

– Нигитла-а-ар!!! Дарвозанинг икки томонига бир қатордан ёплама бўлиб сафланингла-а-ар!!!

Мингбоши ҳамроҳлари билан дарвозага яқинлашар экан, таъзим адо қилиб турган навкарларга бирров кўз югуртириб, отини секинлатди.

– Ҳамманга балли! – қўл қовуштириб турган Азимбекнинг ёнидан ўтар экан, унга қараб, – баракалла Азимбек... Навкарларинг билан дарвозада қолиб, тартибга қара, пириги дарвозаларга ҳам шуни жетказ!

– Бош устига, мингбоши жаноблари.

Мингбоши отини ниқтади. Чорсу орқали Ғиштқўприкдан илдамгина ўтишар экан, гавжумланиб қолган одамлар орасида шивир-шивир бошланди, „олдиндаги Мусулмонқул минғбоши, ёнидаги шаҳзода... Яна қирғин бўлади шекилли“. Қаноатшонинг йигитлари ланг очиб қўйган сарой дарвозасидан киришди-да, тош ётқизилган кенггина ҳовли саҳнига келиб мингбоши отдан тушди. Навкарлар ҳам гур этиб отларидан сакраб тушишди. Мингбоши хон маҳкамаси томон юрар экан, йўлакда таъзим адо қилиб турган Қаноатшонинг ёнида камарига қилич тақиб олган Абдураҳмонга кўзи тушиб, ғурурланиб кетди. Индамасдан ўғлини бағрига босди-да, сўнгра Қаноатшога қараб:

– Орқамиздан журинг...

Ўрта танобийдан мингбошию Худоёрхон бошчилигида келаётган бир тўп навкарларга кўзи тушган ҳудайчи бир зум ағрайиб туриб, кейин ўзини ичкарига урди.

– О-олампаноҳ!... М-мусулмонқул мингбоши...

Хон кўзларини олайтирганча ҳудайчига қараб, ўшқирди:

– Нима дейса-ан!?

– Бир тўп навкарлар билан...

– Навкарлар билан?... Соқчила-ар!!!... Қани соқчилар?... Қаноатшо-о-о!!!

Қабулхонадан мингбошининг товуши эшитилди.

– Навкарлар шу жерда қосин, Нормат, сан шаҳзодаға қара, беклар орқада журсин.

Бошлаб ўзи „Ҳузури олий“га кирди-да, ҳамроҳлари билан хона ўртасига келиб тўхтади. Тахтда ўтирган Хон бўзрайганча уларга қараб қолди. Курсиларда ўтирган Шарифбек, вазир, иноқ[60]ларнинг ранглари оқариб ўринларидан турганча тошдек қотди. Иккала томон бир фурсат бир-бирларига тикилиб қолишди. Худоёрхон курсида ўтирган вазир, иноқларга бир-бир ўқрайиб қараб чиқди-да, кўзини Муродхонга тиқди. Хон рўпарасида Худоёрхон турганини фаҳмлади. Унинг кўзларидан қатлга ҳукм қилинганини тушуниб, эти жимирлашиб кетди.

Ўлим шарпаси яқинлигини сезиб, даҳшатдан қулоқлари шаштидан, танаси бўшашди. Арконлар ҳам хоннинг ҳолига тушишган, фақат Шарифбекгина ранги оқариб кетган бўлса ҳам пинагини бузмади. Орқароқда турган Қаноатшога қараб, истеҳзо билан тиржайиб деди:

– Қачондан бери хўжангни алмаштира қолдинг, кўппак?

Қаноатшо бир қадам ёнга ташлаб, қовоқларини уйнаича жавоб берди:

– Сиз амирдан менинг қатлимга фармон олганингиздан бери, мир жаноблари.

Мирнинг оқарган юзи баттар оқариб, юзидаги эҳтиросда йўқолди. Пирпираган кўзларини Қаноатшодан олиб қочди. Худоёрхон томоғини бир-икки қирди-да, вазир, иноқларга қовоғининг тагидан ўқрайиб қараб, деди:

– Сизлар отамга хоинлиқ қилдингиз, ўлим жазосига лойиқсиз, сизлар қатл этиласиз,...

Вазир, иноқлар ўзларини гиламга ташлаб, ялиниб, ёлворишганча Худоёрхондан шафқат тилай бошлашди.

– Ба-ас-с, жим бўлинг, кўппаклар! – ҳайқирди Худоёрхон, сўнгра Муродхонга ўгирилиб қаради. – Сиз хон ҳазратлари, отамнинг қатлига розилиқ бергансиз, сиз ҳам қатл этиласиз, – товушини баландлатиб ҳайқирди, – халло-од!!!

Навкарларнинг олдида серрайиб турган жаллодлар уларига келиб ичкарига шошилишди.

– Ханжарларимиз қонсираған!

– Ҳаммасининг қўлини боғлаб, растага олиб боринг, хон ҳазратларини боққа олиб чиқинг. Отам шаҳид бўлган жойда қатл қилинг.

Шу заҳоти „Ҳузури муборак“даги ун-ун бешта вазир, иноқларни дорга тортиш учун растага олиб чиқишди. Жаллод Муродхоннинг қўлини боғлаб, сарой боғига келтирди. Шералихон қатл қилинган жойда чўккалатиб, бўйнига пичоқ тортди...

Ўтаббой Ашир бўқоқнинг карвонсаройини ўраб олди. Фақат бухоролик навкарларнигина ҳибсга олиб,

қўрага қамади. Бу орада йиғидан кўзлари қизарган кайвони, ҳудайчи орқали Худоёрхон билан Саидбекни чақиртирди-да, шиппиллаганча олдинга тушиб, ҳарам томон бошлаб кетди...

– Болажонларим!!! – ҳарам саломхонасида Ҳокимойим ўғли билан Саидбекни бағрига босар экан, ўзини тутолмай баралла йиғлаб юборди, – қиблагоҳларингни душманлар шаҳид қилишди. Оталарингдан айрилиб қолдик, болажонлари-и-им!!!

Худоёрхон елкасини силкитиб, товушсиз бўзлар, Саидбек эса уксиб-уксиб йиғлар эди. Хонага Олтиной билан Султонмуродбек отилиб киришди.

– Акажон!!

– Акажон, бек ака!!

Олтиной югурганча келиб, акасининг елкасидан қучоқлаб олиб йиғлаб юборди. Тўрт ёшли Султонмуродбек дам акасининг, дам Саидбекнинг этагидан тортқилаганча йиғламсираб, шикоят қила кетди.

– Акажон, хон отамни ўлдиришди, ҳиқ, ҳу-ув, ҳу-ув, к-кейин кутариб олиб кетишди, ҳиқ, опам икковимиз қўрқиб, йиғладик, ойихоним йиғламадилар, ҳиқ, Сарви энам опам икковимизни тагхонага қамаб қўйдилар, биз яна қўрқдик, ҳиқ, ҳиқ... Ҳу-ув...

Чеккароқда турган кайвони Султонмуродбекнинг гапларини эшитиб, юм-юм йиғлар эди. Худоёрхон ўтириб, укасини бағрига босди. Саидбек ўзини бир қадам четроққа олиб, қўл қовуштириб турди. Олтиной Ҳокимойимга ёпишиб олган эди.

– Энди ҳеч ҳам қўрқмагин, укажон, душманлардан хон отамизнинг қасосини олдим, – Худоёрхон ўрнидан туриб Ҳокимойимга қаради, – от устида туриб қилич билан Қодирбек мирохурнинг калласини олдим, ойихоним, қолганларни жаллодга фармон бериб, қатл қилдирдим.

– Баракалла, ўғлим, хон отангнинг қасосини олиб, ҳақиқий эр йигит бўлибсан.

Ҳокимойим отасининг қасосини олган ўғли билан фахрланиб, кўнгли бир оз ёришди...

Чамаси икки-уч соат ичида ҳамма ишлар тинчиб, ҳар хил лавозимдаги беклар саройга йиғилиб келишди.

Шайхулислом ҳазратлари Қуръондан тўрт оят ўқиб, фатво берганларидан кейин Худоёрхонни сарой ҳовлисида оқ кигизга солиб, даст кўтаришди. Олқишлару, хитоблар аралаш жўр бўлиб, нақш айтишганча тантана билан қайтатдан „Ҳузури муборак"ка олиб кириб, уни тахтга ўтқазишди...

Гўяга ўтириб олган жарчилар, расталарда, чорраҳаларда, одамлар гавжум жойларда чақира кетишди:

Аюханнос, одамлар,
Эшитмадим деманглар!
Эшитмаган эшитиб,
Билмаганлар билсинлар.

Соат олдин Муродхон
Бош кесилди беомон.
Фаргона давлатига
Худоёрхон булди хон.

Вазир, иноқ растада
Қатор осилди дорга.
Хиёнат қилганларди
Қолмасдан бари улди.

Ҳай, ҳай, бу давру даврон,
Даврони Худоёрхон.
Худоёрхон даврида
Элу юрт булсин омон...

Ўша куни жума намозида, шайхулислом Сулаймонхўжа эшон ҳазратларининг фатволари билан, Худоёрхоннинг номи хутбага қўшиб ўқилди. 1262 ҳижрий, саратон ойининг ўн саккизида (1845-милодий, июн ойи) Фаргона мамлакатига хон бўлиб, Худоёрхон Қўқонда тахтга ўтирди.

VII БОБ

Худоёрхон тахтга ўтириш, отасининг хатми қуръонини битта қилиб, халққа ош берди. Хоинликда айбланиб, дорга осилган вазиру иноқлар ўрнига ўзига

қарашли қипчоқлардан лавозимларга тайинлаган Мусулмонқул мингбоши, ҳокимиятни деярли бутунлай қўлга олди. Сарой маҳкамасига келганларнинг кўпчилигини ўзи қабул қилар ва хон номидан ўзи фармон берар эди. Давлат ишига молик муҳимроқ муаммо ёки тадбир чиқиб қолса, уч-тўртта қипчоқлар билан ўзининг ҳужрасида маслаҳатлашиб оларди-да, сўнгра умумий кенгашда масалани ўртага ташламасдан қабул қилинган қарорни эълон қилиб қўя қоларди. Ҳатто „Ҳузури олий"да ҳам хон олдидан ўтмасдан арконлар олдида нописандлик билан фармон бериши Худоёрхоннинг иззат нафсига тегса ҳам қовоғини уйиб, тишини-тишига қўйиб турарди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди, чунки юрт сўраб, мамлакатни мустақил ўзи идора қилишига кўзи етмасди. Бир кенгашда Баҳодир шиғовулнинг маслаҳати билан Худоёрхон Қаноатшони амир Насруллохон қўли етмайдиган жойга – Туркистон вилоятига ҳоким қилиб тайинлади. Қаноатшо вақтни ўтказмасдан сафарга нарибери тайёрланди-да, хоннинг рухсати билан қўл остидаги навкарларни олиб, жўнаб кетди. Нормуҳаммад эшик оғаси[61] лавозимига тайинланди. Баҳодир шиғовулнинг розилиги билан Азимбек, Нормуҳаммаднинг ёрдамчиси сифатида хоннинг хос соқчилари шаҳсуворларга, сарой соқчи-навкарларга қўрбоши қилиб тайинланди. Худоёрхон тахтга ўтиргандан бу ёғига Саидбек ичкари ҳовлидан оёғини тортди, фақат Ҳокимойим чақиртиргандагина саломхонага борар эди. Бир куни Ҳокимойим тайинлаган китобларни саломхонага олиб борганда Олтиной билан Султонмуродбек оналарининг ёнларида ўтиришарди. Саидбекнинг таъзимига Ҳокимойим алик олиб, сўрашар экан, Олтинойга қаради.

– Энди ёш бола эмассан, қизим, катта қиз бўлиб қолдинг. Бундан кейин бек аканг келганларида ўрнингдан туриб, таъзим қилгин, сен ҳам, Султонмурод.

Ўшандан бу ёғига Олтиной ўрта ҳовлида ёки саломхонада Саидбекка рўпара келиб қолса, дарҳол эгилиб, салом берадиган бўлди. Саидбек ёш бўлганлиги учун бирон-бир лавозимга расман тайинланган бўлмаса-да,

офтобачи вазифасини бажариб юрди. Ҳар куни эрталаб хонни „Шаҳншин“дан чиқишида кутиб олар, таҳорат олиб, кийинишида чаққонлик билан ёрдамлашар эди. Қипчоқларнинг ўзаро кенгашларининг бирида қипчоқ бийларидан бири Уразанбий кишибилмас, секингина Мусулмонқул мингбошидан сўради:

– Катта бий, Саидбек, обтовачи мансабиға ҳали қашлиқ қилади, оптовачилиққа кўзлаб қўйған одамингғ борма?

– Нимайиди?

– „Хўп“ десанғ, ўзимизди Маматбийға бериб қўяғой, ёқиндагина овулдан кўчиб келди. Ичимизда мамласи бир пари шу.

– Йўқ, Маматингғ бумайди, – чўрт кесди мингбоши бошини чайқаб, – ўған чўмич десанғ, тоғора кўтариб жўрайди. Кейинига хоннинғ ўзиям буса-бумаса бошқасини „йўқ“ дейди. Саидбекка ўрганиб қоған, Саидбекди ўзи оптовачи бўп журовурсин-чи, кейинроқ кўрамиз. Ҳозирги пайтда унинғ бизга фойдасиям, зарариям тегмайди.

Шу гапдан кейин Саидбек билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қўйди. Шералихоннинг қирқи ўтгач, Мусулмонқул мингбоши қизини Худоёрхонга никоҳлаб бериб, „падари арус“ бўлиб олди. Бу сафар тўй муносабати билан қафта-ун кун фуқарога ош тортилди. Беку боёнларга, олиму уламоларга сарпалар берилди. Янгалар, қайнсиклар келинни ўртага олиб „ёр-ёр“ айтиб саройга олиб киришар экан, Сарви кайвони ҳарам саломхонасида ўтирган Ҳокимойимга танбеҳ бера кетди.

– Бу нимаси, ойихоним, ё, товба-а?

– Нима бўлди, Сарви!?

– „Нима бўлди“миш, шундай шамшод ўғлингизни тўшда қора кийиб ўтиришингиз яхшими-а, ўзингиз айтинг.

– Ахир...

– „Ахир-пахир“и йўқ, ойихоним, раҳматли хон ҳазратларининг жойлари жаннатдан бўлсин, лекин тирикларни ҳам ўйлаш керак. Азадор кийимда келинни кутиб

олсангиз, уят бўлади-я, хосияти ҳам ёмон. Нимранг гулдор одми куйлак устидан адрас мурсак кийсангиз, кифоя.

– Қандай бўлар экан, Сарви?

– Қандай эмас, қанддай бўлади, ойихоним, қанддай.

Кайвони Ҳокимойимни қуярда-қуймай етаклагудай бўлиб хос ҳужрага олиб кириб кийинтириб чиқди. Ҳокимойим ҳужрадан чиқиши билан меҳмонга келган пошшоойимлар, келинни узатиб келганлар, канизаклар бараварига таъзим адо қилишди. Ҳокимойим таъзимда турган келиннинг бошини қўллари билан кўтариб, пешанасидан ўпди.

– Илоҳим, бахтли б-бўлинглар, қизим...

Ҳокимойимнинг товуши титраб бошқа гапира олмади. „Хон ҳазратлари ҳаёт бўлганларида эди...“. Ҳокимойимнинг кўзларида ёш ҳалқаланиб, кайвонига қаради. Кайвони унинг ҳолатини тушуниб, қўлларини дуога очди.

– Қани, илоҳи омин, хон ҳазратлари билан малика ойим қўша-қаришсин, ували-жували, ҳаёт йўлида собит қадам ташлаб, бахтли-тахтли бўлишсин, омин, Оллоҳу акбар!

Ҳаммалари юзларига фотиҳа тортишди.

– Айтганингиз келсин...

– Умрларини узоқ қилсин.

– Бола-чақали бўлишсин.

– Фарзандларингизни роҳатини кўринг, Ҳокимойим.

Ҳокимойим рўмолининг учи билан кўз-ёшларини артди. Кайвони ярим таъзим қилган ҳолда Ҳокимойимга ясатилиб, дастурхон тузалган катта хонага ишора қилиб, деди:

– Ойихоним, марҳамат қилиб бошланг.

Ҳокимойим хонага қараб юриши билан қолганлар унга эргашди...

Худоёрхон ҳар куни нонуштадан олдин бошлаб онасига саломга кирар, сўнгра „Ҳузури олий“да сарой аъёнларининг саломини қабул қилар эди. Тартиб билан ҳудайчи аъёнларнинг номларини бирма-бир айтиб чақирар, номи тилга олинган амалдор аввал тахтда ўтир-

ган Худоёрхонга, сўнгра ўнг томонда ўтирган Мусулмонқул мингбошига таъзим адо қилиб, бир чеккада қўл қовуштириб турарди. Ҳамма таъзим адо қилиб бўлгач, мингбоши томонидан тайинланган сарой шоири – Ниёз домла хонни узундан-узоқ дуо қилганидан сўнг ҳамма „Ҳузури олий"дан чиқиб, ўз иши билан машғул бўлар эди. Худоёрхон янги мансабга ўтирган қипчоқларнинг мажлису суҳбатларини ёқтирмас, айрим расмий қабуллар, кенгашлар тугашини сабрсизлик билан кутарди. Аъёнлар „Ҳузури олий"ни тарк қилишлари билан ўзининг ҳамсуҳбатларини чақиртирарди.

– Ҳудайчи.

– Қулингизман.

– Офтобачи, эшик оғаси, қўрбошини чақир.

– Бош устига, хон ҳазратлари.

Саидбек, Нормуҳаммад, Азимбеклар „Ҳузури олий"га кириб, хонга таъзим адо қилишгач, хон ўзини тахт суянчиғига ташлаганча „уф" тортиб, деди:

– Уф-ф, келдиларингизми, хайрияте-е, бу, мансабга ўтирган янги ақлбегилардан чарчаб, зерикиб, юрагим тарс ёрилай деди, ўтиринглар, – курсиларга ўтиришгач, „Ҳузури олий"да бўлган ишлар ҳақида Худоёрхон гап бошларди, – бугун қабулга кимлар келишди денг, Исфара бегининг вакиллари, ҳаммаси ғирт тожик, яхшиям Ниёз домла ҳужраларида экан, ҳудайчи зинғиллатиб олдириб келди...

„Ҳузури олий"да ўзлари қолишганда расмиятчиликка унчалик риоя қилишмас, ўзларини эркин тутишар, суҳбат самимий бўлар эди. Суҳбат орасида ҳудайчи кириб қолиб, қабулга келганларнинг номини айтди дегунча, Худоёрхон тахтда сипогина бўлиб олар, курсиларда ўтирган учалови шоша-пиша қўл қовуштирганча юзларига жиддий тус бериб, одоб сақлаб туришарди. Суҳбат ҳар хил мавзуда бўларди, асосан, саройга келиб-кетувчилар, шаҳардаги айрим воқеалар, ҳарбий машқлар, ов режалари, келажакда қилинадиган ишлар ҳақида бўларди. Ҳар ҳар вақт Худоёрхон китоб терилган токчаларга қўли билан ишора қилиб, дер эди:

– Саид, бугун фақат сендан эшитамиз, жангномадан ол.

– Қайси биридан ўқий, хон ҳазратлари?

– Абомуслимдан.

– Бош устига.

Хон ҳафта-ўн кунлаб ёш беклар билан шаҳсуворлар кузатувида овга чиқиб кетар, кўпроқ вақти навкарларнинг машқларини томоша қилиш билан ўтар, ўзи ҳам машқ қилар, қурол-яроғлари билан қизиқар эди. Навбатдаги овда беклар билан пешингача қуён қувиб, обдон чарчаган Худоёрхон, мулозимлар дастурхон тузаган чодир ичида чой ичиб дам олар, ҳар доимгидек Саидбек хон хизматида. Беклар майса устига тўшалган гилам, кўрпачаларда бири чордона қурган, бири ёнбошлаган, бири чўзилган ҳолда дам олишар, Нормуҳаммад билан Азимбек ҳам шулар орасида, сал нарироқда шаҳсуворлар ўзларига алоҳида жой қилишган. Қозон-товоқ, гилам, кўрпача, масаллиқ, ашқол-дашқол ортиб келинган уч-тўртта арава ёнида қозон осилган, баковул бошлиқ мулозимлар овқатга уннаган. Худоёрхон дастурхонга қўйган буш, пиёлани олишга шайланган Саидбекни ишора билан тўхтатди.

– Чой бўлди, бас, – болишга суянган ҳолда Саидбекка қараб гапини давом қилди, – дарвоқе, сенга айтаман, деб ёдимдан кўтарилибди. Сенга қирғизди боласидан шерик ҳам топиб қўйдим.

– Шерик!? – ажабланиб сўради Саидбек. – Қанақа шерик, хон ҳазратлари?

– Ҳар йили Таласдан йиллиқ солиқларни олиб келадиган Бейсинбий боймоқлининг ўғли. Ўзингни муридларингдан, бадавлат, молини ҳисобини ўзи ҳам билмайди. Ўтган ҳафта яхши отлардан тўрттасини олиб келган эди, ўшанда айтиб қолди, „қулваччанғиздан мулла чиқама – жўқма деб таваккал мадраса-падрасаға бер-самма, деб туриппан, хон тўрамжон, ё овулда қоб молға қарасимма, нима десалар, шу", – деган эди, „бу ёғидан хотиржам бўл, ўғлингни пирига қўшиб, катта мадрасага ўзим юбораман", – дедим-да, ўғлини баҳорга яқин олиб

келишни буюрдим. Такаллуф қилишни билмайди, тўғри одам, терисиға сиғмай хурсанд бўлиб кетди. Ахир ўрисларнинг мамлакатига борганингда сенга ҳамроҳ бўлиб боради-да.

– Ўрисларнинг мамлакатига-я? – Саидбек қулоқларига ишонмай хонга қараганча анграйиб, – ростданам ўрисларнинг мамлакатигами, хон ҳазратлари?

Унинг ажабланиши ҳаяжон билан алмашиб, кўзлари чақнаб кетди. Худоёрхоннинг Катта Кенагас йўлида айтган гапларини шунчаки юпатишдай қабул қилиб, кейинчалик эсидан ҳам чиқиб кетган эди. Одобни ҳам унутиб, қовушган қўлини тиззасининг устига қўйганча ўтирган жойидан ярим туриб қайта ўтирди.

– Шундай, ўрисларнинг мамлакатига борасан, Саид. Миртойир сарбон фарангга жўнаётганида гаплашиб қўйганман. Ўрисларди қайси шаҳарига бориб, қайси мактабида таълим олишди билиб келади. Ҳозир мезон бўлса, ақраб ойининг охирларида ёки қавснинг бошларида келиб қолади. Қишда сафарга чиқмаса керак, бўлса-бўлмаса савр ойларида жўнайди. Яна аниғини ўзидан сўраб, билиб оламан. Худо хоҳласа, шу карвон билан савр ёки ҳамал ойида бирга жўнайсизлар, йўлга тайёргарлигингни кўравер.

Қувончи ичига сиғмай кетган Саидбек ўрнидан тура солиб хонга қуллуқ қилди. Худоёрхон ғулдираб миннатдорчилик билдираётган Саидбекка қараб, бепарволик билан қўл силтади.

– Бўлди, Саид, бўлди... Ўтир. Нари борса уч юз-тўрт юз чақиримлиқ жойга борасан-да, шунга шунча довдирайсанми? – ён томонидаги болишга ёнбошлар экан чўкка тушиб қўл қовуштириб ўтирган Саидбекка қараб, илжайди. – Ростини айтсам, сенга ҳавасим келяпти. Тахтга ўтирмаганимда эди, шартта сен билан бирга жўнаб кетар эдим. Минг афсуски, энди иложи йўқ. Тахтнинг турган-битгани ташвиш экан. Кўп нарсага ақлим етмайди. Амир билан сарҳадимиз Қашқардан бошланиб, бу ёғи Дарвоз, Қоратегин, Зомин[62] билан Ўратепани ўртасидан ўтиб, этаги Сирдарёга уланиб кетади, бу томони маъ-

лум. Лекин Чимканд, Туркистон, Дашти Қипчоқ бу томон сарҳадларни умуман билмайман, тасаввур ҳам қилолмайман. Отам Саримсоқбек акамни Тошкандга бек қилиб тайинлаб жўнатганларида бирга бориб эдим. Тошканни ўшанда кўрганман, у ёғига ўтганим йўқ. Тахтга ўтирганимдан бу ёғига бирорта бекликларга борганим йўқ. Бекликлардан вакилларнинг ўзлари келишяпти, шу вакиллар билан ҳам савол-жавоб қилишда қийналаман. Мана шундай пайтларда мингбоши ҳам атайлаб гап қўшмай тиржайиб туради, лаънати чўлоқ. Жаҳлим чиқиб, қилич билан бошини сапчадай узиб ташлагим келади қари куппакни.

– Ҳай, ҳай, хон ҳазратлари, шайтонга ҳай беринг, нима бўлганда ҳам мингбоши жаноблари қайнатангиз, ахир қайната ота ҳук...

– Э-э, бас қил, қайната-а! Қанақа қайната, эсинг жойидами, Саид, мингбоши қизини менга бериб, нимага куёв қилиб олганини билмайди дейсанми? – Худоёрхон ғижини келиб, – қизиям ўзидай бурни текис, қора таппак, қайта ёнидаги канизаклари минг марта сулув, ҳаммаси сутга чайиб олгандай оппоққина. Кейинги сафар маликани ҳужрасига қайтариб юбориб, канизакларидан олиб қоламан.

– Товба, товба!

– Нима, товба, товба?!... Мингбоши мени писанд қилмаганини аламига ана шундай қиламан. Ойихоним доим менга „Саидбекни гапига қулоқ сол, одоб, тартибни Саидбекдан ўрган, тарбияси яхши“, – деб айтгани айтган. Тўғри, тарбиянгга гап йўқ, лекин сенга ўхшаб юриш менга тўғри келмайди. Ойихонимга қолса, Олтинойни бериб, сени куёв қилиб олса, мўмингина, қобилгина куёв, қизига ўшқирмайди, бақирмайди. Ойихонимга ўшанақаси керак.

– Э, э, хон ҳазратлари... – ғулдиради Саидбек, лавлагидай қизариб.

– Ҳали шошмай турсин бу Дашти Қипчоқ, – хон Саидбекнинг хижолат чекканига заррача эътибор бер-

май, – шундоқ ҳам бийлар фитна бошлаб, тагига сув қуйишмоқчи, шекилли. Шундай қилишса, зўр бўларди-да.

Саидбек сергак тортиб, хонга қаради.

– Фитна дейсизми, хон ҳазратлари, қанақа фитна?

– Мингбошининг устидан.

– Мингбошининг устидан!?

– Шундай, яна кимлар дегин.

– Кимлар, хон ҳазратлари?

– Ўзининг қипчоқлари.

– Ё, товба-а!!

– Ўзиям анчадан бери жиғимга тегиб юрувди, қайта яхши бўлди, шошма,... – Худоёрхон ёнбошлаган ҳолда бир зум ўйланиб турди-да, сўнгра чордона қуриб, Саидбекка қаради, – миямга бир фикр келди, Саид.

– Хон ҳазратлари.

– Олдин Нормат билан Азимбекни топиб кел, қаерда улар?

– Ташқарида, беклар билан, хон ҳазратлари.

– Чақир.

– Бош устига.

Саидбекнинг орқасидан чодирга кирган Нормуҳаммад билан Азимбек хонга таъзим адо қилишиб, қўл қовуштирганча одоб сақлаб туришди. Хон ёнбошдан чордона қуриб ўтирар экан, уларга жой кўрсатиб, товушини пасайтириброқ деди:

– Бу ёққа ўтиринглар, дастурхонни қайириб, яқинроқ ўтиринглар, ана шундай, гапларимиз ташқарига эшитилмасин.

Ҳар галгидек суҳбат қиламиз, деб бемалолроқ ўтирган Нормуҳаммад, хоннинг эҳтиёткорлик билан товушини пасайтириб гапиришидан ҳушёр тортиб, Азимбекка бир қараб олди-да, чўкка тушиб, хонга диққат билан қаради. Худоёрхон ўтирганларга бирров кўз югуртириб чиқиб, товушини ўзгартирмаган ҳолда сўз бошлади:

– Гап бундай, эсларингда бўлса, мингбоши жиянининг туйига кетганда бир ҳафта йўқ бўлиб кетувди.

– Хўш.

– Ўшанда Холбек қўрбоши[63], Муҳаммадиёр додхоҳ, Раҳмонқулбий, Жумабой додхоҳлар ҳузуримга киришди. Ҳаммалари бир бўлиб мингбошининг устидан арз қилишди.

Хоннинг гапини эшитиб, уччови бир-бирларига қараб олишди. Мингбошининг устидан арз қилиш ўлим билан баравар эди. Нормуҳаммад бир ютиниб олиб, сўради:

– Ишқилиб, мингбошининг устидан қалтис гап бўлмагандир, хон ҳазратлари?

– Бундан ортиқ қалтиси бўлмайди, – илжайиб жавоб берди Худоёрхон.

– Ё товба, мингбоши эшитса, қатл қилдиради-ку, – кўзларини ола-кула қилиб деди Нормуҳаммад, хоннинг нимадан хурсанд бўлганини тушуна олмай ажабланиб.

Худоёрхон Нормуҳаммаднинг гапларига эътибор бермай фикрларини тўплаб олиш учун бир оз ўйланиб турди-да, гапини давом қилди:

– Хабарингиз бўлса керак, бир ой олдин мингбоши ўзининг қулон уруғидан Турдибой қипчоқни Хўжандга ҳоким қилиб тайинловди.

– Хўш.

– Гап шундаки, мингбоши Хўжанд ҳокимлигини олдин Холбек қўрбошига ваъда қилиб, кейин Турдибой қипчоққа бериб юборган экан. Холбек қўрбоши мингбошининг бу ишидан қаттиқ ранжиган шекилли, ҳузуримга кириб унинг қилган ишларини ҳаммасини тўкиб солди. Ёнидаги бийлар ҳам бири олиб, бири қўйиб мингбошининг ҳамма айбларини очиб ташлашди. Айниқса, Холбек қўрбошини гапини эшитинг, „Хон ҳазратлари, мингбошининг мансабга қўйган ҳамма одамлари ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда тайёр. Тахтга ўтиришингиз билан ҳаммасини чўлу даштдан чақиртириб олди. Ҳазратларидан бир оғиз рухсат сўрамасдан хонликка қарашли ерларнинг бир қисмини ўз уруғларига бўлиб берди. Ҳунарманд, косиб, савдогарларга ўзи солиқ солиб, ўзи олаётир. Чўлда

мол боқиб юрган Турдибой қипчоқ ҳам ҳеч бир маъракага қўшилмай, Хўжандга бек бўлди – қўйди. Энди, хон ҳазратлари, бу ёғини адолат қилинг", – деб қўл қовуштириб турди. Ёнидаги беклар унинг ҳамма гапларини тасдиқлашди. Кейин мен улардан сўрадим: „Хуш-ш, нима қил дейсизлар, бийлар? Улар: „Хон ҳазратлари, бизга Мусулмонқулни мингбошилиқ лавозимидан озод қилиш ҳақида фармон битиб берсангиз, биз ўзимиз уни олиб ташаймиз", дейишди. Олдинига уларнинг гапларини эшитиб, сизларга ўхшаб қотиб қолдим. Туйқусдан нима деб жавоб беришни ҳам билмадим. Тўртовига бир-бир разм солиб чиқдим. Ҳаммаси катта-катта уруғларнинг обрўли бийлари, обдон тайёрланиб келишганга ўхшайди, дадил менга қараб жавоб кутишяпти. Бир оз ўйланиб туриб, дедим: „Гапларингиз менга маъқул, ўйлаб кўриб, жавобини кейинроқ айтаман. Ҳозирча бу ҳақда бировга чурқ этманглар", – деб уларга жавоб бериб юбордим.

– Хайрият-е, – деди Нормуҳаммад енгил тортиб, Саидбек билан Азимбекка қараб қўяр экан, гапини давом қилди, – уларга фармон битиб бермай тўғри қилгансиз, хон ҳазратлари. Шаҳардаги ҳамма сарбозхоналар мингбошига қарашли, шивирини эшитса, ҳаммасини оёққа турғизиб, бир зумда саройни қўлга олади.

– Мен ҳам шуни билиб туриб уларга тайинли жавоб бермадим. Боя шуларни Саидбекка айтаётиб миямга бир фикр келди.

– Хуш, хуш?

– Мингбошининг айғоқчилари келтирган хабарига кўра, Ўратепа беги Исобек[64] юз биздан бош тортиб, амирнинг соясига ўтмоқчи экан. Бож юбормагани ҳам шундан шекилли. Кенгашда ёзга чиқиб, Ўратепага қўшин тортиб борадиган бўлдик. Беклар, навкарлар ҳаммаси қўл остимда бўлади. Ана шу пайт айни вақти, Мусулмонқулни мансабидан олиб ташласам бўлади, қалай, маъқулми? Нима дейсизлар?

– Зўр-ку, биз тайёрмиз, хон ҳазратлари, – биринчи бўлиб жавоб берди Азимбек, қиличини маҳкам чангаллаганча кўзлари ёниб.

– Шунга ҳожат бормикан, хон ҳазратлари, – деди Саидбек, қўллармикан дегандай Нормуҳаммадга қараб қўйди.

– Сен жим ўтир, илмилиқ, – Худоёрхон Саидбекни жеркиб берди, – сенга қолса мингбоши шайтондай ирғишлаб юрса ҳам ҳамма фариштадай жимгина юрса. Нормат, сен нима дейсан?

– Гапларингиз маъқул, хон ҳазратлари, мингбошини лавозимдан олиш учун ҳарб сафарини мўлжаллаганингиз тўғри, лекин шу ишга ўзингиз аралашманг.

– Аралашманг!? Гапларинг қизиқ, Нормуҳаммад, тушунмай турипман. Хон бўла туриб мен аралашмайми?

– Хон бўлганингиз учун ҳам аралашманг, хон ҳазратлари.

– Ҳм-м, сабаб?

– Сабаби Мусулмонқул мансабдан олингандан кейин у ёғи нима бўлишини Худо билади. Воллоҳу аълам бир оз вақт ўтиб қирғиз, қипчоқларини тўплаб келиб, саройни қўлга олиши ҳам мумкин. Агар сиз аралашсангиз, „хон менга қарши чиқди", – деб, Худо кўрсатмасин, хонзодалардан бирортасини тахтга ўтқазиши мумкин. Агар аралашмасангиз, ҳазратлари тахтда боқий ўтираверадилар. Мингбошилар келиб – кетаверади.

Хон Нормуҳаммадга ҳайратланиб қаради. Ўртада бир оз жимлик чўкди. Ниҳоят Худоёрхон ўтирган жойида бир қимирлаб олиб, ўзини болишга ташлаганча деди:

– Ўҳў-ў, Нормат, калланг зўр-ку, бу ёғини ўйламабман, гапларинг маъқул, шошма, шошма. Ўша ернинг ўзидаёқ қатл қилдириб юборсам-чи? Хуш, бунга нима дейсан?

– Бўлмайди.

– Бўлмайди? Нега бўлмайди?

– Мингбошини яхши биласиз, хон ҳазратлари, у ўзини қатл қилдириб қўядиганлардан эмас. Фармон беришингиз билан қирғин бошланиб кетади. Иккала томондан ҳам навкар қирилиб, нима билан тугашини Худо билади.

– Ҳм-м, хўп, яхши, гапларингни маъқул ҳам дейлик. Хўш, нима қиламиз энди? Бу ёғига нима маслаҳат берасан?

– Ишни бундай қиламиз, хон ҳазратлари, овдан қайтганимиздан кейин ўзим Холбек қўрбоши билан учрашиб, гаплашаман...

Нормуҳаммад Холбек қўрбоши билан бўладиган мулоқотни гапирар экан, Худоёрхон киприк қоқмай гапнинг охиригача эшитди-да, кўнгли тулганидан қўлларини бир-бирига ишқалаб қўйди.

– Яхши, жуда яхши, маъқул, лекин бу ҳақда биров билмасин, ҳаммангиз қулоғингизга қуйиб олинг, ҳатто Баҳодир шиғовул, Умарали понсод, Султонбек парвоначи, Ғани туқсоба, Ҳамдам понсодлар ҳам билишмасин, мабодо билиб қолишса, дарров насиҳатга ўтишади, насиҳатга эса тобим йўқ, маъқулми?

– Маъқул, хон ҳазратлари, – ҳамма учун жавоб берди Нормуҳаммад.

Шу пайт чодирнинг дарбанди кўтарилиб, баковулнинг товоқдай ялтираган юзи кўринди.

– Хон ҳазратлари, босма кабоб тайёр!

Семизгина баковул пишиллаганча таъзим қила солиб қаддини ростлар экан, қўли билан белини уқалаб қўйди. Хоннинг сўзсиз ишорасидан кейин баковул лапанглаганча қозон томон шошилди.

* * *

Калвак маҳалласининг ўртасидан шалдираб Улкансой оқади. Сойнинг энсизроқ жойида ихчамгина қилиб қурилган сўри олдида беш-ўнта одам тўпланган. Пешанасини рўмол билан танғиб олган уста синган чиғириқни таъмирлар, атрофидаги одамлар „ҳа деган туяга мадад" қабилида устага қарашиб туришарди. Айни ерга яхоб бериш пайтида чиғириқ синиб, иш тухтаганидан Раҳмонқул мироббошининг фиғони фалакка чиққан. У асабийлашганча қошларини баланд-паст қилиб ёнидаги одамларга ўшқира кетди.

– Минг марта айтганман, миробдан бошқа бирон-танг чиғириққа қўл тегизма, деб, мана оқибати, қайси ахмоқ тагпонани олмасдан айлантирди?

– Мен айлантирувдим, бек ака, – деди қўл боғлаб турганлардан бири мироббошига қўрқа-писа қараб.

– Чиғириққа қўл тегизишга қандай ҳаддинг сиғди, ҳайвон? Қайси эшшак сенга рухсат берди?

– Ҳайдарқул миробнинг ўзлари рухсат берувдилар, бек ака.

– Ҳайдарқулди ўзи рухсат берди, дейсанми? – мироббошининг ғазаби қўзиб. – Сийниталоқди ўзи қани?

– Фозилбек додхоҳ билан қуда-анда бўлишган, бек ака, оқини олгани кеча Данғарага жўнаб кетишди.

Сарой маҳкамасида хизмат қиладиган Фозилбек додхоҳнинг номини эшитиб, мироббоши бир парда паст тушди.

– Э, э, олдинроқ шундай демайсанми, галварс, – қўйнидан рўмол олиб, терини артар экан ҳеч нарса бўлмагандай ишшайди, – Ҳа, энди, Ҳайдарбой ҳам сарой хизматига ўтсалар керак?

– Шундай бўлса керак, бек ака, Фозилбек додхоҳ хон ҳазратлари олдиларида эътиборли одам дейишади.

– Шундай, ука, шундай, саройда Фозилбек додхоҳнинг обрўлари баланд, ҳў-уш, мабодо яна чиғириқни айлантиришга тўғри келиб қолса, олдин кашакда турган тагпонани олиб, кейин чиғириқди... Ия, ия...

Туғон-куприкдан турна қатор бўлиб келаётган отлиқларга кўзи тушиб, мироббошининг гапи бўғзида қолди. Дарҳол узини унглаб олиб, кўзларини ола-кула қилганча ёнидагиларга қараб, вишиллади:

– Мингбоши жаноблари келаяптилар, тездан бир қатор бўлиб қўл қовуштириб турингглар, ҳайвонлар, – берилиб ишлаётган устага қараб бақирди, – ишингди бас қил, отларни ҳуркитиб юборасан, аблаҳ...

Ҳаммалари қатор туриб қўл қовуштирганча бошларини эгиб туришди. Мусулмонқул мингбоши соқчи навкарлар кузатувида ўртанча хотини турадиган Калвакдаги ҳовлисига борар эди. Унинг қовоғи уюлган, ҳафта

олдин айғоқчиси Тошканддан нохуш хабар келтиргани учун кайфияти йўқ. Тошканд ҳокими Саримсоқбек Туркистондан келаётган божни олиб қолиб, навкарларини купайтираётганини айғоқчидан эшитиб, қаттиқ ташвишга тушиб қолди, „тахт талашиш учун навкар жийиб жатир-ов, Маллахонға ухшаб жимғина журса бумайма, қаватида журған беклар қитиғлаған чиғаров ёки амир билан алоқа қиляпмикин, бийлар билан кенғаш қип бу ишди бир жақли қилиш керак". Уч кун олдин бийларга хабар қилиш учун Боймуродни юбораётиб, тайинлади: „бийларди түртовиғаям айтиб чиқ, чоршанба куни ҳаммаси асрға қомай жетиб кесин, туври Калвакдағи ҳовлимға кесин". Айни аср пайтида „бийлар келди", – деб уйдан одам боргани учун шошиброқ турган бўлса ҳам, Раҳмонқул мироббошининг рупарасига келганда отини тухтатди.

– Нима гап? – мингбоши Раҳмонқул мироббошининг саломига алик ҳам олмай.

– Яхоб беришга тайёргарлиқ кўриб, чиғириқни таъмирлаяпмиз, мингбоши жаноблари.

– Таъмирлаяпсиз, деғин, жахши, чиғириқ қурилганиға неччи жил буған?

– Чолларди айтишича, Худо раҳматли Норбутабий ҳазратларининг даврларида қурилганакан, чамаси, эллик йилдан ошганов, мана бу таъмирлаётганимиз, иккинчиси, мингбоши жаноблари.

– Ҳм-м, биринчисиға эллик жилдан ошқан деғин, бупти, ишингғизди қилинг.

Мингбоши отини ниқтаб жойидан қузғалиши билан соқчи навкарлар унга эргашишди. Туғон-куприкдан утишлари билан қурғондагиларни хабардор қилиш учун Боймурод олдинга чиқиб, отини йурттириб кетди. Бир оздан кейин мулозимлар томондан дарвозалари очиб қуйилган каттагина қурғонга кириб келишди. Ички, ташқи ҳовли, қатор ҳужралар, меҳмонхона, олди узунасига айвони билан қурилган бу данғиллама уй, бир вақтлар Иброҳим хаёлга қушилиб қочган манғитлик бекка қарашли эди. „Ўғрини қароқчи урди" дегандай

мингбоши бекнинг оиласини бадарға қилди. Бисоти билан қолган тайёр уй-жойга Андижондаги ўртанча хотинини кўчириб келиб ўтқизди. Ташқи ҳовлида шошибгина келган сайисга жиловни тутқазар экан, бандарда турган бегона отларга кўзи тушиб, хириллаган товушда сўради:

– Бийларди бари кеғамма?

– Бари кеған, катта бий, ўртови ҳам миймонхонада, жигитларди икки бўлиб пасқи ҳужраларға олдиқ.

– Жахши.

Мингбоши оқсоқланганча ҳовлини кесиб ўтиб, даҳлизда ағдарма этигини бир-икки қоққан бўлди-да, бийлар ўтирган кенг хонага кириб борди. У бийлар билан бир-бир қучоқлашиб кўришди. Фотиҳа ўқилиб, ҳолаҳвол сўрашилгач, мингбоши қалпоғини бошидан олиб, оқ тақияни кийди. Ўтирганлар, йирик-йирик қипчоқ уруғининг бийлари бўлиб, мингбошининг ишонган одамлари эди. Ҳар қандай масала, муаммо шу бийлар билан ҳал қилинар эди. Бийларнинг ёши улуғроғи Ўразанбий, чўққи соқол, новчадан келган, қотма, ёнидагиси Оқбутабий, ўрта бўйли, Ўразанбийдан сағал ёшроқ бўлса ҳам ақлли, мулоҳазали, етти ўлчаб, бир кесадиганлардан. Қуйироқда ўтирганлар Қувондиқбий билан Норқулбий, бу иккови икки дунё. Қувондиқбий сергап, қизиққон, униси ўта камгап, баҳс-мунозараларга деярли аралашмайди. Сўралганда ҳам қисқагина, лўнда жавоб беради. Бир оз фурсат у ёқ-бу ёқдан гурунглашгач, мингбоши бийларга бирров кўз югуртириб чиқди-да, масалани лўнда қилиб ўртага ташлади.

– Саримсоқбек ғимирлаб қолди, бирор-бир найранг бошламоқчи, назаримда. Ҳамма бекликлардан жиллиқ бож келди, фақат Тошкандан кеғани жўқ. Устига-устак Туркистондан келаётган божди ҳам жўлда қайириб, ўзиға об қопти. Ростма-жолғомма навкарларини кўпайтириб, амирдан қурол-жароғ сўрағанмиш. Бир балани бошламасидан жўқ қилиш керак. Нима дейсизлар?

Бийлар бир-бирларига қараб олишди. Ўразанбий қисиқ кўзларини мингбошига тикиб туриб деди:

– Катта бий! Ўйлаган ишингдан ўт чиғиб кетмасин, тоғин. Шундағам бийоғи „оқ чопон-қора чопон“ бўб жатир. Мамла қисақ бумайма?

– Бу ишда мамла қип бумайди. Мамлага кунса ҳам кейинига пайт пойлаб журади. „Ана келади, мана келади“, – деб, той кишнаса ҳам чўчиб, жўлга қараб журабермизма? Бирон-бир ишди қилиш керак.

Бийлар ўртасида мунозара бошланиб кетди.

– Уч-турт минг қўшин жувариб, Тошканди қамал қилиш керак!

– Саримсоқбекди овға чиғишини пойлаш керак.

– Тунда ўрдани босиш керак.

– Овқатига заҳар солиш керак.

Мусулмонқул мунозарага аралашмай, чой ичиб, гапга қулоқ солиб ўтирган Норқулбийдан сўради:

– Сен нима дейсан?

– Саримсоқбекди Қўқонга чақиртириш керак.

Бийлар мунозарадан тўхтаб, Норқулбийга қарашди. Оқбутабий орқасидаги ёстиққа суяниб туриб, мингбошига қаради:

– Катта бий, Норқулбийди гавида жон боров. Саримсоқбекди бир жўлини қип, Қўқонга чақиртириш керак.

– Маъқул... Энди бийоғинийам айт, Норқулбий, уни қайтиб чақиртирамиз?

– Бунисини билмайман.

– Жин урсин... Бир гапти бошлашга бошлайсану қуйруғи жўқ.

Оқбутабий пиёладаги совиб қолган чойни сипқордида, буш пиёлани қулида айлантириб туриб, деди:

– Жули бор!

Ўтирган бийлар Оқбутабийга қарашди. Оқбутабий пиёлани дастурхонга қўйиб, чордонадан чўкка тушиб олди-да, гапини давом қилди:

– Нома битиб жувариш керақ! Номада: „Уканг Худоёрхон жашлиқ қип, тахтни эплолмаяпти. Ўзинг кеп тахтга ўтир, мамлакатга ўзинг қара, ўзинг идора қил“, – десақ, ўзи човип келади.

– Бумайди... Номаға ишонмайди. Саримсоқбек тентакмас.

– Узининг қорачопонидан дадилроқ одамни қушиб, жувариш керак. Баҳодир шиғовулдима-а, ё Умарали понсоддима-а, икковидан бирини жуварамиз, маъқулма?

– Денинг совма?.. Бумайди, унисийам бунисийам Ҳокимойимға айтиб, ҳамма жақти ағдар-тунтар қип ташайди-ғу, – шундай дея мингбоши эшик томонга қараб қичқирди, — Боймура-ат... Чили-им, – тутаб турган чилимни Боймуроднинг қулидан олди-да, сархонасини қизартириб қуриллатганча уч-турт марта қаттиқ-қаттиқ тортди. Сунгра чилимни Уразанбийга узатаётиб, Норқулбийга қараб, деди, – қона, Норқулбий, кеғандан бийоғиға кавшанасан, думи жуқ гавинғдан гапир.

Норқулбий оғзидагини шошмасдан чайнаб ютди-да, пиёласига чой қуйди:

– Эшанини жувариш керак.

Чилим тортаётган Уразанбий оғзидан тутун чиқарганча Норқулбийга қараб, кулиб юборди.

– Ҳа, ҳа, ҳа... Ҳет-товба-а-а... „гапти уйда утирған қиздан, товда журған чупоннан сура", – деған, бу писмиқди товған гапини туврилиғини қара, – шундай дея чилимни гилам устига қуйиб, мингбошидан суради, – катта бий, Ҳокимойимнинг пири ким?

Мингбоши бир оз уйланиб турди-да, сунгра бийларга қараб, бошини чайқаб туриб, деди:

– Ҳокимойимди пирларини баринг жақши тонийсан, Сафохон тура билан Соҳибзода Ҳазрат, тоғин бир Халфа деғаниям бор, лекин оти эсимда жуқ.

– Тониймиз, катта бий, барини тониймиз. Абийри катта эшонлардан.

– Абийри катта бусаям бул пирлардинг бирортасиям бумайди.

– Бумайди? Нега бумайди?

– Ҳаммасини овзи буш, жулға тайярлаб, Тошкандға жунатғунча бутун шаҳар билиб қуяди. Эшонларди овзини жовуп бумас-а.

– Эса, қойтамиз?

– Ҳокимойимди Қашқарда яна бир эшони бор. Бундан жийирма-жийирма беш жил олдин Қуқондан кучиб борған, уч-турт жилда бир кеп, кетади. Оффоқхужани авлодларидан, оти Қулихон тура.

– Эшитқаммиз, лекин узини курғанимиз жуқ.

– Лекин Қулихон турани Қуқонға об кеп бумайди.

– Ия, товба қилдим, айлантирмай туври-туври гапир, катта бий, – Қувондиқбийнинг тоқати тоқ булиб, – униси бумайди, буниси бумайди, бир куниминг борма? Нега Қуқонға об кеп бумайди?

– Агар турани Қуқонға обкесақ, у пайтта саройға оппориш керак. Ҳокимойимди пириға ихлоси баланд, зиёрат қиғани чиқади. Бийоқда Худоёрхон, сир очилиб қолади. Шунинг учун турани Қуқонға об кеп утирмасдан, Қашқардан туври Тошканға жунатиб жуварсақмикин, нима дейсизлар?

– Шашма, шашма, катта бий, шашма... Турани Қашқардан туври Тошканға жувариб бумайди, – Уразанбий, мингбошининг гапларига эътироз билдириб, – „нега Қуқонға қунмадим“, – деб турани узиям хавфсираб қолади. Ишди пишиқ қилиш керак, турани саройғамас, туври, мана шу жерға кечаси об келиш керак. Кейин жатиғи минан тура ишанадиған қип айтиш керак, „туражаним,... Худоёрхон ҳам муридингиз, Саримсоқбек ҳам муридингиз. Энди-и, ота-боволаримиз „дийирман навати минан“ дийишған. Худоёрхон ҳали жаш, шунинг учун тахтға Саримсоқбекди утқизмоқчимиз. Бу ишлардинг бари Ҳокимойимди хоҳиши билан бүп жатир. Сизди саройға оппормай туври бу жерға об келишимиздан мақсад, туполон қип журмасин деб, бу ишларди Худоёрхондан хуфя ҳолатда қип жатирбиз. Саримсоқбек Қуқонға келгунға қадар Ҳокимойимди узи Худоёрхонди жулға солади“, – деб айтиш керак. Турани узи ҳам Саримсоқбекди тахтға утқизамиз, деб уйласин. Хонзода Қуқонға кеғандан кейин хилват товиб, узиға секин „сал вақт утсин, бумаса жанжал бүп кетади“, – деб айтамиздоғин Балиқчиғама, Ушғама ҳоким қип тайинлаймиз. Бир ой-жорти ойди ичида мавридини товип қатл қип жуварамиз, мана шуйтсақ, туври булама?

– Туври, туври.

– Мундан тувриси жўғов.

Бийлар бир овоздан Ўразанбийнинг гапини маъқуллашгандан кейин Оқбутабий мингбошидан сўради:

– Катта бий, Қашқарға кимди жуварасан?

– Боймуратға тойинлайман, Ўсканбийди жигитлари билан бирға жуваради.

– Эса гап бундай, Саримсоқбекди жўқ қилишимизди бешшовмиздан бошқа бирор жон зоти билмасин. Қипчоғиям, бошқасиям. Қашғарғама, Тошканғама ким борсаям „Саримсоқбекди хон қип кўтарамиз", – деб ўйласин. Жўқса, кўзидан билдириб қўяди, гавим маъқулма?

– Маъқул.

Бийлар Қулихон тўрани кутиб олиб, Тошкентга кузатиш ҳақида бир оз гурунглашгач, Қувондиқбий мингбошига қараб тиржайганча деди:

– Катта бий... Тошканди беклиғи бўшаса, давринғда биз ҳам қуруқ қомайиқ, нима десанғ, қип жатирбиз. Мени эшонға қўшиб жуварсанғ, насиб қиғанча Тошканинғда ҳам би-и-ир бийлиқ қип қайтардим.

Бийлар Қувондиқбийни майна қила кетишди.

– Туя ҳаммомға кираман дийдима-а?

– Бу борса, тошканликларди шўри қурийди-ғў...

– Борсаям ўрда ҳовлисининғ ўртасиға ўтов тиги-и-иб жотади...

Бийларнинг ўзаро ҳазил-мутойибаси тугагач, мингбоши Қувондиқбийга қараб салмоқ билан деди:

– Сен, Қувондиқбий, Тошкантти беклиғиға хомтама бўма. У жойға ўзимизға қарашли Азизбек[65]ди мўлжаллаб қўйғанман.

Қувондиқбий жириллаб кетди.

– Қачондан бийоғи Азизбачча, Азизбек бўп қопти? Бачча қип, бачча қип, энди бек қип қўясамма, – мингбоши шарттаки Қувондиқбийга ола қараб, кейин бийларга бир кўз ташлаб қўйди, – Азизбаччани наржаға қўйиб тур, катта бий. Қўядиған бўсанғ, ўзимизди қипчоқдан қўй. Ўзимизға қарашли деғанинғ қорачопоннан, ҳали борғаннан кейин кўрасан, бир ҳунар қип...

– Ба-ас-с!!... Жим бўл, Қувондиқбий! – Ўразанбий Қувондиқбийнинг гапини бўлиб ўшқириб берди. – Катта бийди қиғани туври, Саримсоқбекди жўқ қип, қипчоқдан бек қип қўйса, Тошканд халқи ғалаён кўтариб журмасин тоғин. Қора чопондан қўйғани маъқул, катта бий туври иш қип жатир, Оқбутабий, сен нима дейсан?

– Гапинғ маъқул, Ўразанбий, катта бий Азибекди қўйса, қўяғойсин. Эса гап бундай, бийлар. Ҳаммамиздинғ ҳам жашимиз саксанди нари-берисида. Бояна овулимдан катта бийдинғ уйиға кеғанча сов жойим қомади. Ҳаммамиз ҳам қаридиқ. Сен ҳам қаридинғ, Қувондиқбий. Тошканди беклиғини ҳавас қима, Тошканд нар жақда турсин, Хўжандға ҳам жетмай ўлиб-нетиб журма тағин. Ху-уш, катта бий, тоғин бир масала. Бояна уйинға келишдан олдин бозор, раста, чойхоналарди ойнолдим. Кўп жойларда бизди уруғлар қора чопонларға тўнғлиқ қиб жатир. Бир жойда ғубалаш бўп қолди, битта қора чопонға бешта қипчоқ жовушди. Кети жахши бўмайди, ўтоғаси. Бизлар даштти одамларимиз, ота-боволаримиз журған жерларди халқ бекордан-бекорға „Дашти Қипчоқ“ демайди. Биз тўпори одамлармиз, мамлани билмаймиз. Овуллардағи қипчоқларди шаҳарға жийма. Сен бугун катта бийсан, қипчоқ тинч, эрта-индин амалдан кетсанғ, бийоғини Ўғоним билади. Шунинғ учун кўтаришинға қараб, овулларимизға милтиқ, ўқ-дори, ғур-жерлардан ярдам қиғин. Биз ҳам қараб турмаймиз, молдан, отдан ярдам қиламиз. Бизларди давримиз ўтти, катта бий, лекин жашларимизди аяққа қўйишимиз керақ, туврима, бийлар?

Бийлар „маъқул“ ишорасида бош силкиб мингбошиға қарашди. Мингбоши сийрақ соқолини силаганча бир оз муддат ўйланиб туриб, деди:

– Гапларинғ туври, Оқбутабий, жашларға қараш керақ. Селимохун карвонбоши билан суйлашғанимизди баринғ биласан. Ҳиндистондан қайтишда тўп қуядиған дегрез, милтиқсоз усталарни обкеламан деб ваъда қиған. Қурол-жарағ дўкони ишлаб кетса, кам-кам овулларға жувариб тураман, бу томондан хотиржам бўл.

Лекин Қувондиқбийди гапида жон бор, Ўразанбий. Азизбек ўзимизга қарашли бўминан қипчоқмас, қора чопон... Шунинг учун ҳар эҳтимолга қарши Норматти Кировчи[66]га бек қип тойинлаймиз. Тошканга жоқинроқ, Азизбекдан киши билмас хабар оп туради.

– Кировчинг, не жер?

– Қурамадағи шаҳарларди энг каттаси.

– Маъқул, бўлади, лекин Саримсоқбекди Қўқонга келишини Норматга айтмай турганинг маъқул.

Мингбоши „маъқул" ишорасида бош ирғаб қўйди. Кенгаш овқатдан кейин ҳам шомгача давом этди...

Ҳафта ўтиб, Мусулмонқул мингбоши ҳужрасида чопарлар келтирган номаларни кўздан кечириб ўтирар экан, ҳужра эшиги очилиб, сармунший[67] Муҳаммад Ражаббек кўринди.

– Ижозатми, тақсир.

– Номаларди об келдингма, мирза?

– Сиз тайинлаган нома, фармонларни битиб, тайёрлаб келдим. Мана бу нома Саримсоқбекка, мана бу Азизбекнинг Тошканга ҳоким қилиб тайинланиши тўғрисида фармон, буниси Кировчидаги Давронбек[68] додхоҳга, буниси Нормуҳаммаднинг Кировчига ҳоким қилиб тайинланиши тўғрисида фармон.

Мингбоши номаларни бир-бир кўздан кечириб, муҳр босар экан, ғоз қотиб турган сармуншийдан сўради:

– Номаларга мирзаларнинг кўзи тушмадима?

– Йўқ, мингбоши жаноблари, нома, фармонларни уйда битиб келдим.

– Жахши қипсан, мирза, жахши. Хабаринг бор, бу ишлар хуфя ҳолатда бўлиб жатир, ҳеч кимга овуз очма, бўпти, ишингга бор.

Сармунший таъзим адо қилиб, ҳужрадан чиққач, мингбоши мулозимини чақирди. Шошилиб кирган Боймурод қўл қовуштириб турди.

– Нима қилдинг?

– Саҳарлаб Ўсканбий қўрбоши бошчилигида йигирмата навкарни Қашқарга жўнатдим, хўжам.

– Қай палла қайтади?

– Ҳафта-ўн кун бориши, ҳафта-ўн кун келиши, ўртада икки-уч кун дам об қойтса, жийирма-жийирма беш кунларда кеб қолади, хўжам.

– Жахши, сарбозхонада Ўсканбийди ўрниға ким қоған?

– Тўқливой понсод қоған.

– Маъқул, Норматти айттингма?

– Шул жерда, хўжам.

– Ойт, кирсин.

– Хўжам.

Мингбошининг чақиртирганидан хавотирланган Нормуҳаммад, минг хаёлга бориб, ҳужрага кириб, таъзим адо қилди-да, нома ўқиётган мингбошига зимдан қаради, „жин урсин, нимага чақиртирди экан, овдаги гапларимиздан хабар топтимикан? Йўғе, ким айтарди унга, лекин ўлгудай синчков, кўзи мушукнинг кўзига ўхшайди-я, товба қилдим. Парвардигор, ўзинг асра". Мингбоши нома, фармонларни алоҳида-алоҳида карнай қилиб ўрар экан, Нормуҳаммадга бошдан-оёқ разм солиб, сўради:

– Ишларинғ жақшима, бек?

– Худога шукур.

– Кўринишинғ бошқачароқ, денинғ совма? – тикилиб туриб сўради мингбоши.

– Яхшиман, мингбоши жаноблари, – жавоб берди Нормуҳаммад, мингбошининг кўзларига тик қараб.

– Жахшиман деғин? Нима иш қип журибсан?

– Хон ҳазратлари буюрган у-бу ишларни бажариб юрибман, – юраги ғашланиб асаблари таранг тортилди.

– Шунақа деғин? Хўп, жахши, – гап чўзишни ёқтирмайдиган мингбоши мақсадга ўтиб қўя қолди, – эса гап бундай... Бийлар билан маслаҳат қип, сени Кировчиға ҳоким қип тайинладиқ.

– Ҳоким қилиб? – Нормуҳаммад енгил тортиб, бўшашди.

– Ҳоким қип, маъқулма?

Мингбошининг гапи томдан тараша тушгандай бўлди. Ҳокимлик лавозимини хаёлига ҳам келтирмаган Нормуҳаммад бир оз бўлса ҳам довдираб қолди.

– Маъзур тутсинлар, мингбоши жаноблари, ҳокимлиқни эплолмайман. Агар қўрбоши лавозимига тайинла...

– Эплайсан, вассалом, – деди мингбоши Нормуҳаммаднинг гапини шартта бўлиб, – ўрдада беш-ўнта жаши мукатталар бор, удайчи, шарбатдор, понсод, шиғовул, машовирлар бор. Кенгаш қил, ярдам қилишади.

Рози бўлишдан бошқа чораси қолмаган Нормуҳаммад, таъзим адо қила туриб ғулдиради:

– Мени шу лавозимга лойиқ кўрганингиздан беҳад миннатдорман, мингбоши жаноблари.

Мингбоши карнай қилиб ўралган номаларни унга бераётиб, деди:

– Мана бу Давронбек додхоҳ номиға битилган нома, қўлиға берасан. Бунисини сени ҳоким қил тайинланишинг туврисида фармон.

Нормуҳаммад номаларни бир-бир ўпди-да, авайлаб қўйнига тиқди. Мингбоши ўтирган жойида бир қимирлаб олиб, насиҳатомуз гапини давом қилди:

– Икки-уч кун ичида жийинип, жузлиғингди об, жўлға туш. Борғанингдан кейин шаҳар, қишлоқларди убдан ойланиб қараб чиқ. Бозор, раста, косиб, ҳунарманд, савдогар, деҳқончилиқ, чорвачилиққа эътибор бер. Жойдаги навкарларди у жағ, бийоғиға қараб, тувурлаб, тартиб қип, созлаб қўй. Тошкандан кўз-қулоқ буб тур. Шивирини эшитсанг, дарҳол чопар жувар. Жўлға керакли озиқ-анжомди Эргашбий тавочидан оласан, маған гапинғ бўмаса саған жувап, ишинға боравер.

Нормуҳаммад таъзим адо қилиб, ҳужрани тарк қилди. „Суроққа чақиртирган бўлса-я“, – деб бошида хавотирланган бек мингбошининг хужрасидан енгил тортиб чиқди-да, ўзининг ҳужраси томон юрар экан ўйга толди, „уф-ф, бай, бай,... Худо бир асради-ей, тилсимлар, мингбоши жаноблари, ҳокимлиқни эплолмайман. Агар қўрбоши лавозимига тайинла...

– Эплайсан, вассалом, – деди мингбоши Нормуҳаммаднинг гапини шартта бўлиб, – ўрдада беш-ўнта жаши мукатталар бор, удайчи, шарбатдор, понсод, шиғовул, машовирлар бор. Кенгаш қил, ярдам қилишади.

Рози бўлишдан бошқа чораси қолмаган Нормуҳаммад, таъзим адо қила туриб ғулдиради:

– Мени шу лавозимга лойиқ кўрганингиздан беҳад миннатдорман, мингбоши жаноблари.

Мингбоши карнай қилиб ўралган номаларни унга бераётиб, деди:

– Мана бу Давронбек додхоҳ номиға битилган нома, қўлиға берасан. Бунисини сени ҳоким қил тайинланишинг туврисида фармон.

Нормуҳаммад номаларни бир-бир ўпди-да, авайлаб қўйнига тиқди. Мингбоши ўтирган жойида бир қимирлаб олиб, насиҳатомуз гапини давом қилди:

– Икки-уч кун ичида жийинип, жузлиғингди об, жўлға туш. Борғанингдан кейин шаҳар, қишлоқларди убдан ойланиб қараб чиқ. Бозор, раста, косиб, ҳунарманд, савдогар, деҳқончилиқ, чорвачилиққа эътибор бер. Жойдаги навкарларди у жағ, бийоғиға қараб, тувурлаб, тартиб қип, созлаб қўй. Тошкандан кўз-қулоқ буб тур. Шивирини эшитсанг, дарҳол чопар жувар. Жўлға керакли озиқ-анжомди Эргашбий тавочидан оласан, маған гапинғ бўмаса саған жувап, ишинға боравер.

Нормуҳаммад таъзим адо қилиб, ҳужрани тарк қилди. „Суроққа чақиртирган бўлса-я“, – деб бошида хавотирланган бек мингбошининг хужрасидан енгил тортиб чиқди-да, ўзининг ҳужраси томон юрар экан ўйга толди, „уф-ф, бай, бай,... Худо бир асради-ей, тилсимлар, мингбоши жаноблари, ҳокимлиқни эплолмайман. Агар қўрбоши лавозимига тайинла...

– Эплайсан, вассалом, – деди мингбоши Нормуҳаммаднинг гапини шартта бўлиб, – ўрдада беш-ўнта жаши мукатталар бор, удайчи, шарбатдор, понсод, шиғовул, машовирлар бор. Кенгаш қил, ярдам қилишади.

Рози бўлишдан бошқа чораси қолмаган Нормуҳаммад, таъзим адо қила туриб ғулдиради:

– Мени шу лавозимга лойиқ кўрганингиздан беҳад миннатдорман, мингбоши жаноблари.

Мингбоши карнай қилиб ўралган номаларни унга бераётиб, деди:

– Мана бу Давронбек додхоҳ номиға битилган нома, қўлиға берасан. Бунисини сени ҳоким қил тайинланишинг туврисида фармон.

Нормуҳаммад номаларни бир-бир ўпди-да, авайлаб қўйнига тиқди. Мингбоши ўтирган жойида бир қимирлаб олиб, насиҳатомуз гапини давом қилди:

– Икки-уч кун ичида жийинип, жузлиғингди об, жўлға туш. Борғанингдан кейин шаҳар, қишлоқларди убдан ойланиб қараб чиқ. Бозор, раста, косиб, ҳунарманд, савдогар, деҳқончилиқ, чорвачилиққа эътибор бер. Жойдаги навкарларди у жағ, бийоғиға қараб, тувурлаб, тартиб қип, созлаб қўй. Тошкандан кўз-қулоқ буб тур. Шивирини эшитсанг, дарҳол чопар жувар. Жўлға керакли озиқ-анжомди Эргашбий тавочидан оласан, маған гапинғ бўмаса саған жувап, ишинға боравер.

Нормуҳаммад таъзим адо қилиб, ҳужрани тарк қилди. „Суроққа чақиртирган бўлса-я“, – деб бошида хавотирланган бек мингбошининг хужрасидан енгил тортиб чиқди-да, ўзининг ҳужраси томон юрар экан ўйга толди, „уф-ф, бай, бай,... Худо бир асради-ей, тилсимлар, мингбоши жаноблари, ҳокимлиқни эплолмайман. Агар қўрбоши лавозимига тайинла...

– Эплайсан, вассалом, – деди мингбоши Нормуҳаммаднинг гапини шартта бўлиб, – ўрдада беш-ўнта жаши мукатталар бор, удайчи, шарбатдор, понсод, шиғовул, машовирлар бор. Кенгаш қил, ярдам қилишади.

Рози бўлишдан бошқа чораси қолмаган Нормуҳаммад, таъзим адо қила туриб ғулдиради:

– Мени шу лавозимга лойиқ кўрганингиздан беҳад миннатдорман, мингбоши жаноблари.

Мингбоши карнай қилиб ўралган номаларни унга бераётиб, деди:

– Мана бу Давронбек додхоҳ номиға битилган нома, қўлиға берасан. Бунисини сени ҳоким қил тайинланишинг туврисида фармон.

Нормуҳаммад номаларни бир-бир ўпди-да, авайлаб қўйнига тиқди. Мингбоши ўтирган жойида бир қимирлаб олиб, насиҳатомуз гапини давом қилди:

– Икки-уч кун ичида жийинип, жузлиғингди об, жўлға туш. Борғанингдан кейин шаҳар, қишлоқларди убдан ойланиб қараб чиқ. Бозор, раста, косиб, ҳунарманд, савдогар, деҳқончилиқ, чорвачилиққа эътибор бер. Жойдаги навкарларди у жағ, бийоғиға қараб, тувурлаб, тартиб қип, созлаб қўй. Тошкандан кўз-қулоқ буб тур. Шивирини эшитсанг, дарҳол чопар жувар. Жўлға керакли озиқ-анжомди Эргашбий тавочидан оласан, маған гапинғ бўмаса саған жувап, ишинға боравер.

Нормуҳаммад таъзим адо қилиб, ҳужрани тарк қилди. „Суроққа чақиртирган бўлса-я“, – деб бошида хавотирланган бек мингбошининг хужрасидан енгил тортиб чиқди-да, ўзининг ҳужраси томон юрар экан ўйга толди, „уф-ф, бай, бай,... Худо бир асради-ей, ти-

бўлиши мумкин, ахир тахт учун кураш, шаҳзодаларнинг қонида бор, шошма, қурбоши билан иккови келишиб, тили бир бўлмасин яна, э, йў-ўқ, тили бир бўлганда Холбек қурбоши хонга арз қилмаган бўларди. Қурбоши билан гаплашганимда бунга ўзим амин бўлганман. Назаримда у фақат мингбошига қарши. Саримсоқбекни кузатиб юриш буюрилганини хонга айтсаммикин? Йўқ, ҳозирча айтмай турганим маъқул. „Акам нимани ўйладийикин", – деб юраги ғаш тортиб юради. Худо кўрсатмасин, ака-ука ўртасида адоват пайдо бўлишига сабабчи бўлиб қолмай яна. Бораверай-чи, бир гап бўлар, шароитга қараб иш тутаман. Лекин бегона жойда бир ўзим қийналаман, у ерда ким билан ҳам маслаҳат қилардим, тўхта-а", – Нормуҳаммад юрган йўлида таққа тўхтади, – „Азимбекни олиб кетаман, ҳа, ҳа, хонга айтиб, Азимбекни ўзим билан бирга олиб кетаман, бир амаллаб хонни кўндириш керак. Яхшиси, Азимбек билан олдин маслаҳатлашиб, кейин бирга хоннинг олдига кирамиз", шуларни хаёлидан ўтказиб, Нормуҳаммад бурилди-да, Азимбекнинг ҳужрасига қараб юрди. Чорак соатча гаплашиб олишгандан кейин иккови „Ҳузури олий" томон илдам юриб кетишди. Хоннинг олдига кириб чиққан ҳудайчи „кираверинглар" дегандай Нормуҳаммадга ишора қилди. Нормуҳаммад билан Азимбек хон ҳузурига кириб, таъзим адо қилишди.

– Хон ҳазратлари.

– Келинглар, беклар, бу ёққа Саиднинг ёнига ўтиринглар, хў-ўш, нима янгиликлар олиб келдингиз?

Нормуҳаммад ўтирган жойида бир қимирлаб олиб, гап бошлади.

– Мингбошининг олдидан келяпман.

– Хўш.

– Чақиртирган экан.

Хон ҳушёр тортди.

– Нимага чақиртирипти?

– Кировчига ҳоким қилиб тайинлади.

Худоёрхон енгил тортиб, ўзини тахт суянчиғига ташлади.

– Уф-ф, жин урсин, бор йўғи шуми? Мингбоши, қурбошининг гапларидан хабар топибдимикин деппан.

– Аввалига мен ҳам шундай хаёлга бориб, мингбошининг ҳужрасига юрагимни ҳовучлаб кирувдим, Худога шукур, ҳаммаси яхшилиқ билан тугади.

– Яхшилиқ билан тугади дегин, Кировчига ҳоким бўптилар-да, – Худоёрхон пичинг қилиб, – офари-и-ин, ўзингдан эшитиб ўтирсам-а. Йўқ, йўқ, ўтиравер, сени ҳоким бўлишингдан эмас, лаънати чўлоқ бир оғиз менга айтмаганидан, писанд қилмаганидан жаҳлим чиқяпти. Менга қолса, сени Андижон, Тошканд, Намангандай катта-катта шаҳарларга ҳоким қилиб тайинлардим, э, йўқ, сенларни ҳеч қаёққа юбормайман. Сизлар ёнимда бўлсаларингиз хотиржам юраман, вассалом.

– Шунинг учун ҳам ҳузурингизга келдим, хон ҳазратлари, рухсатингиз билан мингбошининг гапини рад қилиб, Кировчига бормайман.

Хон Нормуҳаммадга бир қараб олиб, бош чайқади.

– Бормайман дейсанми!?... Эсинг жойидами?... Бошқалар бундай лавозимга жон-жон деб турганда сен йўқ деб турсанг, мингбоши ҳар хил хаёлларга бориши мумкин. Шубҳага бормаган тақдирда ҳам гапи ерда қолгани учун ҳар доим сенга ола қараб юради. Яхшиси, Кировчига борганинг маъқул. Ўратепа[69]га қўшин тортишимиздан олдин сенга чопар юбораман, бир минг-ярим минг навкаринг билан Новда ёки Қўштегирмонда қўшиласан. Қайтанга яхши бўлди.

Нормуҳаммад ўрнидан туриб, томоғини бир-икки қирди-да, қўлларини қовуштирганча хонга қаради.

– Хон ҳазратлари...

– Ўтир, ўтир, Шу пайтта такаллуфингни қўй.

– Хон ҳазратлари, бу гапни туриб айтмасам бўлмайди. Майли, Кировчига бор десангиз, бораман, лекин Азимбекни мен билан кетишиға рухсат берсангиз.

– Ҳа, ҳа-а, мана шу-да, – Худоёрхон жириллаб берди, – бирон-бир нарсага мени кўндирмоқчи бўлсаларингиз, дарров расмиятчиликка ўтиб оласанлар. Чучварани хом санабсан. Сен Азимбекни олиб кетсанг,

Саидбек Русияга кетса, ҳайҳоттай саройда бир ўзим қоламанми? Йўқ, Норматбек, Азимбекни олиб кетишни хаёлингга ҳам келтирма.

– Ё, товба, хон ҳазратлари, – Нормуҳаммад гапни бошқа ёққа буриб, сўради, – ростдан ҳам Саидбек Русияга жўнайдими?

– Шундай.

– Хон ҳазратлари, Азимбекни олиб кетишга рухсат берсангиз, Саидбек Русияга жўнамасдан бир ой олдин уни ҳузурингизга юбораман. Акс ҳолда бир ўзим қийналиб қоламан. Ҳар ҳолда бегона жой. Ўрда беклари менга қай кўз билан қарашади, билмайман. Шароитни ўрганиб олгунимга қадар Азимбек ёнимда бўлса бамаслаҳат иш бошлардиқ. Биз қаерда бўлмайлиқ сиз учун, салтанат учун, мамлакатимиз тинчлиги, равнақи учун астойдил хизмат қиламиз, хон ҳазратлари.

– Оммо, лекин, гапни қандай қилиб гапиришни яхши биласан-да, Нормуҳаммад, деди – Худоёрхон бўшашиброқ, – яхши, маъқул, сен айтганча бўла қолсин, индаллосини айтганда гапларинг тўғри, бегона жойда бир ўзингга қийин бўлиши турган гап, майли, Азимбек сен билан бирга борсин, – Азимбекка қараб, – Кировчига Нормат билан бирга борасан, лекин чопар юборишим билан саройга қайтасан.

– Бош устига.

– Нормат.

– Хон ҳазратлари.

– Анови маслаҳат қилганимиз амалга ошса, ўзинг ҳам саройга қайтиб келасан.

– Жоним билан, хон ҳазратлари.

Худоёрхон ўзини тахт суянчиғига ташлаб, Саидбекка қаради.

– Саид, кечагини қолган жойидан ол, бир ғуборимиз чиқсин.

– Бош устига.

Саидбек китоблар турган токчага қараб юрди...

Уч кундан кейин Нормуҳаммад билан Азимбек юзликларни олиб, Кировчига жўнаб кетишди...

* * *

1262 ҳижрий, ақраб ойининг охирларида[70] саҳарга яқин қалъанинг „Хужанд“ дарвозаси оғир очилди. Бир туп беку навкарлар кузатувида турт от қушилган, усти ёпиқ қашқарча „Фаранг арава“ йўрға юришда дарвозадан енгил юриб чиқди. Отлиқларнинг кийимларию хуржунларига қараганда узоқ сафарга отланишганга ўхшайди. Фақат ихчам кийинган иккита отлиқ уларни дарвозагача кузатиб қолишди. Соқчи дарвозабонлар зил-замбил дарвозани кучаниб беркитишар экан, кузатиб келган отлиқлардан қундуз қалпоқ кийгани дарвозабонларга дўқ аралаш ўшқириб берди:

– Икковинғ ҳам қулоқларинға жахшилаб қуйиб олинғлар, „Фаранғ арава“ ҳақида бировға чурқ этсаларинғ, бошинғ ўлимда, молинғ талонда, тушундиларинғма, ҳайвонлар?

– Тушундик, бек ака, тушундик. Бировга айтиб ўлиппизми, ҳали жондан умидимиз бор, бек ака, – шошапиша жавоб берди дарвозабонларнинг ёши каттароғи.

– Шундай бусин!

Отлиқлар қарсиллатганча қамчи босиб, бир зумда қоронғилик ичида ғойиб бўлишди. Дарвозабонларнинг ёшроғи отлиқлар кетган томон қараб туриб, „тўнғиз қипчоқ“, – деб тўнғиллади-да, шеригига қараб, деди:

– Салимбой ака, бир гап айтайми?

– Нима дейсан?

– „Фаранг арава“ни ичидагилардиям, навкарлардиям, анови дўқ уриб кетган иккита отлиқлардиям падарига лаънат!

– Ҳа... Ғофиржон ука, бирда-яримда танға тушмаса, жириллайдиган бўп қопсанми... Ҳа, ҳа, ҳа, – Салимбой хо-холаб кулди.

– Э, ростда-а... Оддий косиб ёки деҳқон ярим тунда безовта қилса, шунга яраша танга-чақа бериб кетади. Бу мирқурук беклардан чақа у ёқда турсин, қурттай қилиб сукиш ҳам эшитиб оласан, ҳе-е-жин урсин ҳаммасини... Айтгандай, эътибор бердингизми, бу „Фаранг арава“

бу ердикига ўхшамайди, бизлардикига қараганда сал ихчамроқдай.

– Туғри топтинг, Ғофиржон ука, эсингда бўлса, беш кун олдин тунда келган „Фаранғ арава"ни ўзгинаси. Мен ўшанда эътибор берувдим. Э, ҳаммасини жин урсин, занжирди илдингми? Кетдик, бўлмаса, совқотиб қоламиз.

Иккови ҳам бирин-кетин ҳожатга бориб, сўнгра ён томондаги соқчилар ётган ҳужрага кириб кетишди...

„Фаранг арава"да бораётган икки кишининг ёши улуғроғи Қулихон тўра, ёши олтмиш беш-етмишларга бориб қолган, оппоқ соқоли ўзига ярашган, нуроний, ўрта бўйли, туладан келган, бошида симоби салла, эгнида малла чакмон, кўзларини юмган ҳолда тасбеҳ ўгириб борар эди. Рўпара ўриндиқда ёши йигирма беш-ўттизлар атрофида, муйловча қўйган, хушсурат бир йигит, муйна қалпоғини бурнигача тушириб олиб, пинакка кетган. Бу йигит мингбоши томонидан тайинланган бўлажак Тошканд ҳокими Азизбек. Аравакашнинг ёнида мингбоши ҳадя қилган пўстинга ўралиб, ўтириб олган киши Қулихон тўранинг мурид и. У ҳар доим пирининг таҳоратларида, ибодатларида хизмат қилар, Қулихон тўра қаёққа боришидан қатъи назар, доимо ёнида ҳамроҳ бўлиб юрарди. Ақраб ойининг охири бўлгани учун ҳаво совиб, ой ўроқдай бўлиб қолган, зим-зиё осмонда сийрак булутлар орасидан яккам-дуккам юлдузлар хира милтираб қўяди. „Фаранг арава" навкарлар билан туя ўркачидай ястаниб ётган қирни айланиб ўтиб, кўздан ғойиб бўлди...

VIII БОБ

Қўқондаги „Бешариқ" маҳалласи, Мадалихон даврidан бошлаб „Ғиштқўприк" деб атала бошлади. Бунга сабаб хон бекларидан бири Хожа додхоҳ Улкансой устидаги эски кўприкни олдириб ташлаб, ўз ҳисобидан янги кўприк қурдирди. Усталар кўприкни сувга чидамли пишиқ ғиштдан қуришгани учун халқ унга „Ғишт-

кўприк" деб ном берди. Кўприк олти равоқли бўлиб, тўрт чеккасига тўрт минор, устига бир қатор дўконлар қурилди. Кўприкнинг шундоққина ён томонида хонликка қарашли тегирмон, обжувоз ишлаб турибди. Деярли ҳар куни тегирмон олдида дон-дун ортган уч-тўртта арава навбат кутади. Бугун ҳам тегирмонда иш қайнаган. Тегирмончи ташқарига чиқиб, яхтагига қўнган оппоқ чангларни қоқар экан, сўрида давра қуриб, гурунглашиб ўтирган мижозларга қараб, гапирди:

– Кимнинг навбати?

Сўрида ўтирганлардан бири туриб тегирмончига яқинлашиб, қўл қовуштирди:

– Менинг навбатим, уста ака, меники.

– Нима обкегансиз?

– Буғдой, уста ака, буғдой.

– Терилганми?

– Терилган, уста ака, ўзим терганман.

– Кеча Ғозиёғлиқдан келган биттасини гапига ишониб, буғдойини новга ағдарувдиқ, тоши боракан. Тегирмон тоши тарақлаб кетиб, хайрият синмади. Бошидан айтиб қўяй, тошга бир нарса бўлса, товонини тўлайсизлар, – тегирмончи „бу гап сизларга ҳам тааллуқли" дегандай сўридагиларга қараб қўйди.

– Кўнглингиз тўқ бўлсин, уста ака, болаларни аралаштирмасдан буғдойларни ўзим терганман, ака.

– Яхши, – очиқ эшикка қараб қичқирди, – Тошма-ат!

– Лаббай, уста ака, – ичкаридан югуриб чиққан шогирдлардан бири.

– Акангга қарашивор, қопдаги буғдойни новга ағдаринглар.

– Хўб бўлади, уста ака...

„Ғиштқўприк" одамлар билан гавжум. Раста, дўконларда савдо қизиган. Бири сотган, бири олган, ҳамма ўз тирикчилиги билан овора. Чорсудан келишда кўприкдан ўтиш билан ўнг томонга қараб кетган йўл хон саройига олиб боради, кўприкнинг рўпарасида ҳаммом, ёнгинасида чойхона. Баҳодир шиғовулнинг хонадони чойхона билан қарийб бир девор. Бу ҳовлида

шиғовулнинг катта хотини, кенжа ўғли, келини, набиралари истиқомат қилишади. Қизларини чиқарган. Уч йил олдин „Парпашабоф“ маҳалласидан ҳовли олиб, катта ўғлини рўзғори билан кўчириб чиқарди. Ўғиллари тоғаларига тортишди. Улгуржи савдо билан шуғулланишади. Дарвозадан кириш билан кенггина ташқи ҳовли, отхона олдида бандар, хизматкор яшайдиган ҳужра, ҳовли ўртасида тарвақайлаб ўсган ўрик таги сўри. Ҳаво совиб, шамол эсиб тургани учун сўри усти йиғиштириб олинган. Пешайвонли даҳлизлик меҳмонхона, ичкари ҳовлига кирадиган йўлак. Бандарга боғланган бегона отларга қараганда шиғовулникига меҳмонлар келган. Ҳақиқатан ҳам меҳмонхонада Баҳодир шиғовул рўпарасида ўтирган Султонбек парвоначи билан Умарали понсодга кўзларини ола-кула қилганча алланималарни гапирар эди. Ташқи ҳовлида хизмат қиладиган Муҳсинжон қўлидаги буш патнисни айвон рафига қўйди-да, навбатдаги чойни дамлаб, ҳужрасига қараб юрди. Ҳужрада Холиқул ўзи тенгқур икки йигит билан гурунглашиб ўтирар эди. Йигитлардан бири Умарали понсоднинг, иккинчиси Султонбек парвоначининг жиловдори. Муҳсинжон бир чойнак чой билан пиёлани, дастурхонга қўйди-да, меҳмонларга мурожаат қилди:

– Зерикмасдан ўтирибсизларми, акалар? – жавобни ҳам кутмасдан Холиқулга қараб, – мен айвонга бориб турай, ака, бек акам чақириб қолишлари мумкин.

– Бехижолат боравер, ука, бек акаларга қарасанг бўлди. Бу ёқда ўзимизни ўзимиз кўраверамиз, бемалол боравер.

Муҳсинжон ҳужрадан чиққан йигитлардан бири чой қайтараётган Холиқулдан сўради:

– Холиқул, жўра, биз шаҳарга ойда, йилда бир келамиз. Сиз бир кун чорбоғда бўлсангиз, уч кун шаҳардасиз, нималар бўляпти, ўзи?

– Нимайиди, жўра?

– Нимайидимиш, товба, ўзингизди билмаганга олаасиз-а, саҳари мардондан бек акамнинг йигитлари Катта Кенагасга бекорга келмайди-ку. Бек акам ҳам бир оғиз

бир нарса демадилар, нари-бери нонушта қила солиб йўлга тушдиқ. Йўл бўйи миқ этмадилар.

– Биздаям шундай бўлди, – йигит бўш пиёлани Холиқулга узатар экан гапга аралашди, – йўл бўйи қовоқларини солиб келдилар, бундай пайтта бек акамларга гапирмаган маъқул. Нохуш хабар келсагина шундай ҳолатга тушадилар. Нималар бўлаётганини сиз билмасангиз, ким билади, Холиқул жўра?

Холиқул Эгамбердига чой узатди-да, сомон сувоқ деворга суяниб туриб гап бошлади.

– Хўб, бўлмаса, эшитинглар, ўтган куни бек акам билан Мадумар бойваччанинг туйидан келсак, чорбоқда бек акамнинг Тошканддан келган одами ўтирибди.

– Хўш, хўш.

– „Айри равот"та қашқарлик Қулихон тўрани кўрипти.

– Хон ҳазратларининг пирларини айтаяпсизми?

– Шундай.

– Хўш, кейин-чи?

– Кеча кун бўйи бек акам суриштириб, ҳаммасини билиб олдилар.

– Нимани билиб олдилар, жўра?

– Қулихон тўра „Фаранг" аравасида Қашқардан тўғри Қўқонга келиб, кейин Тошкандга ўтиб кетганини.

– Уф-ф, бор-йўғи шуми? Қиёмат қойим бўлдимикин, деппан.

Шу пайт ҳужра эшиги очилиб, Муҳсинжон кўринди.

– Холиқул ака, бек акамлар туришяпти.

Жиловдорлар шоша-пиша ҳужрадан чиқиб, бандарга қараб юриб кетишди. Беклар пешайвондан ҳовлига тушишди. Султонбек парвоначи шиғовулга гапириб келар эди.

– Биз сизни шу ерда кутиб турамиз, Баҳодирбек, Ҳокимойим билан гаплаша солиб орқага қайтинг. Ҳокимойим нима десалар, шунга қараб яна маслаҳатлашамиз, нима дедингиз, Умаралибек?

– Маъқул.

Чорак соатдан кейин Холиқулнинг кузатувида Баҳодир шиғовул хон саройига қараб отини йўрттириб кетди...

Кайвони ҳарам саломхонасида Нодирабегимнинг китобини мутолаа қилиб ўтирган Ҳокимойимнинг ҳузурига кириб, таъзим адо қилди.

– Нима гап, Сарви? – сўради Ҳокимойим китобдан кўзини узиб.

– Баҳодир шиғовул мулоқот учун изн сўраяпти.

– Айт, кирсин.

Ҳокимойим китобни ёпар экан, саломхонага кириб, таъзим адо қилган Баҳодир шиғовулга жой кўрсатди:

– Кел, Баҳодирбек.

– Бахтимизга ҳар доим омон бўлсинлар, Ҳокимойим!

– Яхши юрибсанми? Мол-жон омонми?

– Давлатлари соясида, Ҳокимойим.

– Бекликларда тинчлиқми? Сарҳадларда осойишталиқми? Эл тўқми?

– Худога шукур, Ҳокимойим, ҳамма жойда тинчлик, эл тўқ.

Ҳокимойим, шиғовулга синовчан назар ташлаб, сўради:

– Нима юмуш билан келдинг?

Баҳодир шиғовул гап бошлашдан олдин бир оз мулоҳаза қилиб турди-да, сўнг товушини пастлатиб, сўзлай бошлади:

– Кеча одамларимдан бири Тошканддан келди, „Айри равот"та пирингиз Қулихон тўрани кўрибди...

– Пиримди кўрипти? Ё товба, пирим „Айри равот"та нима қилиб юрибдилар?

– Шундай, Ҳокимойим, навкарлар мингбошига қарашли экан. Кеча мингбошининг сайисларидан бирига танга-тунга бериб, сўраб, билиб олдим. Ҳафта-ўн кун олдин Қулихон тўрани Қашқардан олиб келишибди. Тўрт кун мингбошининг Калвакдаги қароргоҳида истироҳат қилиб, бешинчи кун тунда бир тўп беку навкар кузатувида Тошкандга жўнаб кетиптилар...

– Товба қилдим, нималар деяпсан, Баҳодир? – сўради Ҳокимойим, ажабланиб. – Пирим Қўқонга келган бўлсалару менинг хабарим бўлмаса, нега тўғри саройга келмасдан мингбошининг қароргоҳига тушиптилар?

– Шунга ҳайронман, назаримда, мингбоши бирор бир фитнани бошламаса деб қўрқаман, Ҳокимойим.

– Ўйлаб гапиряпсанми, Баҳодир, қанақа фитна?

– Ахир ўзингиз ўйланг, Ҳокимойим, олдинлари Қулихон тўра Қўқонга келадиган бўлсалар, шаҳарга уч-тўрт чақирим етмасидан кутиб олардик. Тантанаю дабдаба билан саройга олиб келардик. Ҳамма зиёрат қилгани чиқарди. Ҳафта-ўн кун саройда ҳайит бўлиб кетарди. Энди бу ёғини қаранг, қарийб бир ҳафта мингбошининг қароргоҳида турсалару, биз билмасак. Устига-устак тунда хуфёна Тошкандга жўнаб кетсалар, бу ерда бир гап бор, ҳаммаси мингбошининг найранги... Ростини айтсам, Ҳокимойим, юрагим ғаш... Саримсоқбекдан хавотирдаман.

Ҳокимойим шиғовулнинг гапларидан бир зум ағрайиб қолди, сўнгра ўзини ўнглаб олди:

– Эсингди еб қўйибсан, Баҳодир, мунча гапларинг совуқ бўлмаса, қариган сари миянг айниб боряпти шекилли, ўғлимдан нега хавотир бўласан? Саримсоқбек ҳам пиримга мурид, – Ҳокимойим ўзининг ноҳақлигини сезиб, юраги увишса ҳам, „яхши ният ярим мол" қабилида гапини давом қилди, – отаси шаҳид бўлгандан бу ёғига авлодимизда энг каттаси Саримсоқбек. Шунинг учун ҳам пирим меҳмондорчиликди Саримсоқбекдан бошламоқчи бўлгандир.

Баҳодир шиғовул Ҳокимойимнинг гапларини охиригача сукут сақлаб тинглаб турди-да, сўнгра кўзларини юмиб бош чайқади.

– Нега бош чайқайсан?

– Ҳокимойим... Қулихон тўра учун авлодингизни каттаси фақат сиз, холос. Хон бўлишига қарамай на Худоёрхонни, на Саримсоқбекни, на бошқасини тан олади. Сиз ҳаёт экансиз, пирингиз фақат сизни билади.

Ўзингизга яхши маълум, Ҳокимойим, пирингиз ҳар гал Қўқонга келса, биринчи сизни йўқлайди. Бу сафар саройга келмаслигига сабаб, мингбошининг найранги...

– Чайналмасдан лўнда қилиб гапир, Баҳодир, – деди Ҳокимойим сабрсизлик билан, – юрагим тўлиб кетти, Саримсоқбекдан нега хавотирдасан, шундан гапир!

– Ҳокимойим, мингбоши ҳамма ишларни сизнинг номингиздан қилаётган бўлса керак. У, Саримсоқбекни Қулихон тўра воситасида Қўқонга чақиртириб олмоқчи, шекилли. Нияти Саримсоқбекни тахтга ўтқизмоқчи бўлганда эди, аввал сизга маслаҳат соларди. Мусулмонқул ҳеч вақт куёви Худоёрхонни тахтдан олиб, Саримсоқбекни ўтқизмайди. Фикри ожизимча, Мусулмонқул бир шум ният билан...

– Бас-с, жим бўл, Баҳодир! Бошқа гапирма! – ҳайқириб юборди Ҳокимойим ранги оқарганича. – Энди тушундим, боламга бир нарса бўлса, мингбошини соғ қўймайман, авлоди билан қуритаман. Пирим нега менга учрашмасдан кетти-я, у киши ҳаммага ишонувчан одам. Мингбоши пиримди алдаган, булар ҳаммаси мингбошининг фитнаси...

Ҳокимойим ҳолсизланиб, ёстиққа суяниб қолди. Баҳодир шиғовул саросимага тушиб, шоша-пиша Ҳокимойимни юпатишга тушди:

– Ҳокимойим, ўзингизди қўлга олинг, ҳали ҳеч нарса бўлгани йўқ. Бу бир тахмин, холос. Саримсоқбек Қўқонга келган тақдирда ҳам атрофида менинг йигитларим бўлади...

– Йўқ, Баҳодир, ўғлим Қўқонга келмасин... Нима қилсанг, қил, уни йўлдан қайтар...

Эшик олдида турган кайвони югуриб хонага кирди.

– Вой, ўлмасам, ойихоним, нима бўлди сизга!?

– Чиқиб тур, Сарви!

– Ойихоним! – деди кайвони йиғламсираб.

– Чиқ деяпман сенга-а!!! – ўшқириб берди Ҳокимойим ўтирган жойида қаддини ростлар экан. Кайвони товуш чиқармасдан кўздан ғойиб бўлди. Ҳокимойим шиғовулга қаради. – Бўл тез, Баҳодир, гапир, нима қилиш керак?

– Ҳокимойим, Қулихон тура ҳали-бери Қўқонга қайтмаса керак, чарчоғини чиқариб, у ёқ-бу ёқни зиёрат қилгунларига қадар ҳафта-ўн кун ўтиши аниқ. Сиз дарҳол иккита нома битинг. Биттаси Саримсоқбекка, иккинчиси Қулихон турага. Мен бориб, чопарни йўлга тайёрлай, бир соатдан кейин номага одам юбораман. Чопарлар шу бугун Тошкандга жўнаб кетади.

– Маъқул, Эҳтиёт бўл, мингбошининг айғоқчилари сезиб қолмасин. Чопарларни жўнатишинг билан бошлаб мингбошини ҳибсга ол. Кейин шу ишга аралашганларнинг ҳаммасини тутқун қилиб, зиндонга ташла. Пирим келганларидан кейин буларга ҳукм чиқарамиз.

Баҳодир шиғовул Ҳокимойим гапини тугатмасданоқ пешанасини тиришгирганча бош чайқади.

– Ҳокимойим, мингбошини саройда ҳибсга олиб бўлмайди, сарбозхоналардаги навкарлар унинг ихтиёрида, навкарларга Жонибек қўрбоши билан Ўсканбий бошлиқ. Мусулмонқул нима деса, шуни қилишади. Мансабларнинг кўпига ўзининг қипчоғидан тайинлаган. Бу ҳақда сизга хабар берувдим. Агар ҳибсга олиш учун навкарларим билан келсам саройга кирмасимданоқ қирғин бошланиб кетиши аниқ. Бундай пайтда мингбоши ҳеч кимни аяб ўтирмайди, ҳатто куёви Худоёрхонни ҳам аямайди. Ҳозирча ҳеч нарсани билмагандай юраберайлик. Мана бу ишлар бир ёқлиқ бўлгандан кейин бирор йўлини топармиз.

Ҳокимойим бир зум ўзини ожиз ҳис қилди. Ноилложлигидан алам билан шиғовулга қаради. Вақтида шиғовулнинг гапларига эътибор бермагани учун пушаймонлигидан ич-этини еб, болаларини асраб қолиш учун ўлимга ҳам тайёр эди. Ҳокимойим қовоғини уйганча шиғовулга қараб, бўғиқ овозда мурожаат қилди:

– Ўғлимнинг тахтга ўтирганига суюниб, туйига қувониб, шу ишлар билан андармон бўлиб, мингбошининг ишларига эътибор бермабман. Тож-тахтнинг хавфсизлиги учун деб уйлабман. Баҳодир, бундан кейин нима иш қилишни лозим топсанг, шуни қил, керак бўлса,

менинг номимдан фармон беравер, ҳозирча буни хон билмасин. Энди бориб, ишларингди тезлат. Тошканддан чопар қайтиши билан кечасими, кундузими, менга хабар бер.

– Бош устига, Ҳокимойим.

Баҳодир шиғовул таъзим адо қилди-да, саломхонани тарк қилди.

* * *

Мусулмонқул мингбоши отнинг жиловини Боймуродга тутқазиб, маҳкама томон юрар экан, Азимбекнинг урнига тайинланган Қўйлибой додхоҳ шошиб келаётганини кўриб тўхтади.

– Сизға гавим бориди, катта бий, – Қўйлибой додхоҳ таъзим адо қилиб нафасини зўрға ростлади.

– Ҳа, Қўйлибой, хў-ўш, нима гап? Тинчлиқма?

– Баҳодир шиғовул Ҳокимойимди ҳузурида икки соатдан кўпроқ бўлиб, беш дақиқа олдин саройни тарк қилди.

– Шунақа деғин, – мингбоши ҳушёр тортиб, – хабарни ким берди?

– Ўзингиз тайинлаған канизак.

– Гапларини эшитиптима?

– Иложи бўмапти, катта бий, кайвони эшик олдидан бир қадам ҳам жилмапти, – деди Қўйлибой ўзи айбдордай бошини сал эгиб.

– Жин урсин бу кайвонини, бекасиға иттай содиқ. Шиғовул нима бўлди? Саройдан чиқиб, қай жерға кетди?

– Орқасидан одам қўйдим, келиши билан сизға хабар бераман.

– Жахши, орқасидан одам қўйиб, жахши қипсан, – деди мингбоши, сўнгра соқолини силаганча бир зум ўйланиб турди-да, гапини давом қилди: – шиғовулдан ҳушёр бўл, қаерға боряпти, нима қиляпти, мени хабардор қип тур. Саройдаги соқчи-навкарларди кўпайтир. Ўскан-бийди ўрниға ким қоған? Тўқливой дийсамма, жахши, ўминан Жонибекка одам жувар, ҳар эҳтимолға қарши навкарларини тайёр қип қўйсин. Бўпти, ишинға боравер.

Қуйлибой додхоҳ сўзсиз бош ирғаб таъзим қилдида, бурилиб, дарвоза томон юриб кетди. Мингбоши пешанасини тириштириб, уйга толди, „шиғовул бу ишлардан хабар топган бўлса, Тошканга чопар жунатиши аниқ, жин урсин, тездан олдини олиш керак. Саримсоқбекди чўлда қатл қилдириш керак. Тўрани Қуқонга кетирмасдан туври Қашқарга жунатаман. Вақти кеб, бўса-бумаса, бу ишлар хоннинг қулоғига жетиши аниқ. Билгандаям қулидан ҳеч нарса кемайди". Шуларни хаёлидан утказар экан, сайисхонадан чиқиб келаётган Боймуродни имлаб чақирди.

– Маган қара.

– Хўжам.

– Гапларимди жахшилаб эшитиб ол. Баҳодир шиғовул Қулихон тўрани ҳидини олганга ухшайди, ит увли. Тошканга чопар жувариши мумкин. Чопар довондан журмаса керак, товди қор босган. Сен, шу бугун, ҳозирди узида Туқливойди сарбозхонасидан Аштти жўлига, Бешариқти жўлига, Маҳрамди жўлига тўрт-бештадан навкар жубар. Навкарларди сараланган, дадил-дадилидан жубар. Чопарди учратса, равоттан узоқлаштириб қатл қисин, номани жағиб, жўқ қисин, тушундингма?

– Хўжам.

– Чопар қачон жунашини билмаймиз, ё бугун жунайди, ё эртага. Шунинг учун навкарларга айт, жўлга озиқ олишсин. Карвонсаройда жатиб журмасин, чўлда журиб пойласин.

– Хўжам.

– Кейин... Саримсоқбекди Қуқонга кетирмасдан чўлда жўқ қилиш керак.

Боймурод сергакланиб, мингбошига қаради.

– Хўжам!?

– Туври эшиттинг... Саримсоқбекди Қуқонга кетирмасдан жўқ қилиш керак. Қанча тез бўса, шунча жахши. Шунинг учун Эшбойди узининг жигитлари билан жўлга тайярла, Тошканга қараб жунасин. Энг қулай жай Қураманинг жўли, „Фаранг арава"ни учратганда Усканбийга ҳам, Қулихон тўрага ҳам, Саримсоқбекка

ҳам „Худоёрхон билиб қопти“, – деб айтсин. Ўзинг Эшбойға жўлини ўргат, бирон-бир нарсани баҳона қип Саримсоқбекди Қулихон тўрадан ажратсиндағин наржақраққа оппориб жўқ қип тездан хабарини берсин. Лекин қаттиқ тайинла, Саримсоқбекди жўқ қилишини Ўсканбийға айтмасин, билип бўмайди... Нима демоқчи бўганимди тушундинғма? Тушунған бўсанғ, жахши. Ўсканбий Қулихон тўрани Қўқонға опкеп журмасдан соқчилар билан туври Қашқарға кузатиб қайтсин. Иш битғандан кейин „хонзода Саримсоқбекти қароқчилар чўлда тунаб, ўлдириб кетишипти“, – деған миш-миш тарқатинғлар. Бости-бости бўганча Эшбойлар Кандирдан ўтиб, Ирискулбийди овулиға борсиндағин бир ойжорти ой кўринмай журсин.

– Хўжам.

– Бўпти, бориб шу ишларди тезлаштир, бирор-бир жон зоти билмасин... шошма, – мингбоши кетаётган Боймуродни тўхтатиб, – шиғовулға хабар берған одамди топ. Бийлар ойтмайди. Қароргоҳдағи хизматкор, соқчи, сайисларди киши билмас суриштир. Гумон қиғанинғди индамасдан чўлға оппориб, жўқ қип ке.

Боймурод бош иргаб, шошилиб бандар томон юриб кетди. Мингбоши оғир тин олиб, пешанасини тиришгирганча маҳкамага кирар экан, қўштабақа эшик олдида турган соқчилар ғоз қотишди.

* * *

Қавс ойининг бошлари, кеч куз. Дарахтлар шохида яккам-дуккам сарғайган барглар қолган. Вақт пешинга яқинлашгани учун „Қашқар“ дарвозасидан кириб-чиқувчилар хийла сийраклашган. Дарвоза ташқарисида қалъа олди қишлоқлар, чорвоқлар, полизлар, кенг-кенг далалар ястаниб ётибди. Водий, Ўратепа, Хужанддан келган карвонлар шаҳарга „Қашқар“ дарвозасидан кириб боришади-да, Ўрда ёнидан ўтиб карвонсаройларга тарқалишади. Кузнинг офтоби илиқ нур сочган. Шинакда исиниб ўтирган соқчилардан бири эриниб ўр-

нидан турди. Уйинга тушмоқчи бўлгандай қўлларини икки томонга чўзганча обдон керишди. Қалин қорга бурканган олисдаги тоғларга қараб туриб, ярим мудраб ўтирган шеригига деди:

– Ҳў-ў, Сайфи, ҳадеб мудраб ётмасдан мундо-оқ ўрнингдан турсанг-чи, суллоҳ. Бу қорли тоғларга қара, томоша қилиб, туймайсан. Қурамада каклик қирилиб ётгандир. Кейинги ҳафта бек акамлардан бир-икки кунга жавоб олиб, каклик овига борамиз. Бир маза қилайлик, ҳозир какликларнинг айни семирган пайти... Ё, товба, буни эснашини қара, турмайсанми, галварс? Ҳозир чакмонни устингдан олиб ташлайман.

Сайфи ёпиниб олган чакмонини бурнигача тортдида, тоғлардан завқланаётган шеригига ёвқараш қилиб, тунғиллади:

– Чакмонга қўл тегизсанг, ўлдим деявер, шинакдан нақ пастга қараб улоқтираман.

– Тоғларни томоша килсанг-чи, гузаллигини қара…

– Ўзинг томоша қилавер. Ўтган йили гапингга лаққа тушиб, совуқда тарашадай қотиб қолганим юз йилга етади. Бу сафар аҳмоғинг йўқ, Омонбой, тоққа ўзинг кетавер.

Омон шинакни бошига кутариб кулди.

– Бир жойда миқ этмай тургандан кейин тарашадай қотмасдан тутунинг чиқсинми, овсар? Тоққа борган одам ҳар доим ҳаракатда бўлиб туриши керак. Овдан кейин камарда арчадан гулхан ёқиб, каклик гўштидан еб, кийик ўтидан чой ичиб, исини-и-иб, маза қилиб ёнбошлаб ётганга нима етсин, дунёнинг ҳамма лаззати ана шунда, Худонинг неъматидан бенасиб қолган гумроҳ.

Омон кулганича шаҳар томон ўгирилиб қаради-да, ўрда томондан от қўйиб келаётган бир туп навкарларга кўзи тушиб, юзидан кулги йўқолди.

– Сайфи! Тур, ўлдик, ўрдаликлар! – Омон кўзларини ола-кула қилганча буйин томирларини бурттириб, пастга қараб бақирди. – Бек ака-а-а!!... Чиқи-и-инг... Ўрда беги келяпти!!

Дарвоза ёнидаги ҳужра эшиги шарақлаб очилди-да, ичкаридан шоп мўйлови диккайган соқчибоши шо-

шилиб чиқиб, отлиқларга кўз ташлади. Олдинда келаётган Райимқул додхоҳ билан Қаюм понсодни таниди. Қилич осилган камарини тўғрилаб, қўлини силкитганча ўтган-кетганларга бақира кетди:

– Ҳой, сан четроқдан юр, ташқаридан ҳеч кимни қўймай туринглар. Бу қоплар кимдики? Сан нима қилиб гурибсан? Санаяппан? Ҳеш-шу пайтта санамай ўл! Йўқот ҳаммасини! – дарвозадан кираётган аравакашга ўшқириб берди. – Ҳамма ёқни лой қилиб юбординг, аблаҳ, ҳайда аравангни, четроққа олиб ҳайда, сийниталоқ.

Отлиқлар соқчибошига яқинлашишганда Райимқул додхоҳ қўли билан орқада келаётган навкарларга ишора қилиб, жиловни тортганча отини тўхтатди.

– Қамбарали! – Райимқул додхоҳ дарвозага интилаётган отини тинчлантирар экан, соқчибошига қараб, деди, – Қулихон тўрам келаяптилар, кечувда туриптилар. Йўлларни тузатиб, тартиб қилдир, асрга қолмасин.

Шундай дея Райимқул додхоҳ отига қамчи босди, ортидан навкарлар ҳам қасира-қасир от қўйиб кетишди. Қамбарали понсод ғўлабирдан келган, буғдойранг, ўрта ёшли, қошлари қалин, шоп мўйлов. „Замон нотинч" деб Ниёз қушбеги уни йигирмата навкар билан дарвозани қўриқлашга қўйган. Бир зумда бўшаб қолган дарвозахонада Қамбарали понсод бир оз серрайиб турди, сўнгра жон ҳолатда ҳужраларга қараб бақирди:

– Ҳамманг ташқарига чиқ, ҳайвонлар! Сан икковинг ҳам лайлакка ўхшаб қотиб турмасдан пастга туш, – соқчибоши қўлларини орқага қилганча сабрсизлик билан у ёқдан, бу ёққа юра бошлади. Саф тортиб, қотиб турган навкарларнинг рўпарасида тўхтади-да, қалин қошларини баланд-паст қилиб гапини давом қилди, – ҳамманг яхшилаб эшитиб ол. Шаҳарга ҳоким жанобларининг пирлари ҳожи Қулихон тўра ҳазратлари ташриф буюряптилар. Ҳозир тўрам дарёнинг кечув жойида чодир тикиб, дам олаяптилар. Ўрданинг беклари навкарлар билан тўрамни кутиб олгани кетишди. Худо хоҳласа, асрга қолмай етиб келсалар керак. Ҳаммамиз тўрамнинг хизматларида бўлмоғимиз лозим. Дарвоза-

хонадан тортиб то ўрдагача йўллар чиннидай бўлиши керак, – навкарларга аланглаб кимнидир қидирди, – Йўлдо-ош!

– Лаббай, бек ака.

– Сан Зиё паттачининг олдига югур, растадаги ҳамма мешкопчиларни йиғиб, йўлга сув септирсин.

– Хуб бўлади, бек ака.

– Эгамқу-ул!

– Лаббай, бек ака.

– Сан Ҳасан элликбошини топ, одамларини чиқариб, йўлларни супуриб-сидиришсин. Ўрда бегининг фармонлари деб айт.

– Хуб бўлади, бек ака.

– Қолган ҳамманг дарвозахонанинг ичкарисию ташқарисини текислаб, тозалаб, сув сепиб, супуриб-сидириб чиннидай қилиб қўйинглар.

Сафдан икки нафар навкар чиқиб, маҳаллаю раста томон кетишгач, соқчибоши навкарларни бир-бир кўздан кечириб, дағдаға қила бошлади.

– Башарангларга қара, навкар эмас, дарвишнинг ўзгинаси бўлиб қопсанлар. Ҳафталаб соқол олмайсанлар, шекилли, эшшаклар. Супур-сидирдан кейин мундо-о-оғ ўзларингга қараб, у ёқ-бу ёқларингни тўғрилаб олинглар. Олдин ҳамманг қатор бўлиб сартарошга бор... Йўқ, сартарошни шу ерга чақиртирамиз... Сайфи-и!!

– Лаббай, бек ака.

– Растага югур, усталарнинг янги ўргамчик шогирдларидан уч-тўрттасини олдингга солиб, ҳайдаб кел. Қуруқ покиси билан келса кифоя. Совунлаб, уқалаб ўтириши шарт эмас, покини сувга уриб, соч-соқолни қиртиллатиб олаверади. Лекин устасига айт, аччиқтошдан кўпроқ бериб юборсин.

– Аччиқтош нимага керак, бек ака?

– Шуни ҳам билмайсанми, нодон. Янги ўргамчиқ шогирд бўлганидан кейин бош билан ияк терисини ярим-ярим қилиб шилиб олади-да, галварс. Қонни тўхтатиш учун жароҳатга шартта аччиқтош босилади, вассалом, тушундингми?

– Т-туш... Тушундим, бек ака, – аранг жавоб берди Сайфи дудуқланганча ҳушидан кетгудай бўлиб. Навкарлар бир-бирларига кўзларини олайтириб қараб, даҳшатдан қотиб қолишди.

– Қани, энди ҳамманг ишга туш. Олдин ҳужрага кириб, қурол-яроғ, чакманларингни ташлаб, енгил бўлиб олинглар, тез-тез қимирланглар, Худонинг дангаса бандалари.

Навкарлар бир зумда ҳужраларига тарқалишди. Енгилгина бўлиб ишни ташқаридан бошлашди. Араваю карвонларнинг тинимсиз юришидан ўнқир-чўнқир бўлиб кетган йўлларнинг дунгини олиб, чуқурини тўлдириб, текислай бошлашди Дарвозахонадан туриб ишларни назорат қилиб турган Қамбарали понсод, белкурак билан шўраларни ураётган Омонни чақирди.

– Лаббай, бек ака.

– Тетиккина юрибсанми, Омонбой?

– Шукур, бек ака.

– Шинакда совқотмаяпсанларми?

– Ҳа, энди ҳамма қатори, бек ака, – деб жавоб берди Омон, понсоднинг меҳри товланганидан хавотирланиб.

– Шунақа дегин, – Қамбарали понсод қошлари тагидан Омонга тикилиб, – боя шинакда каклик ови дегандай бўлдингми?

Омоннинг юзидаги хавотирлик ўрнини хотиржамлик эгаллади.

– Шундай, бек ака, ҳозир айни пайти. Каклик ҳам мас бўлган, ҳам семирган.

– Семирган дегин, – понсод мўйлови аралаш лабларини ялаб, – каклик овлаш қийинми, Омонбой?

– Ҳеч қийинлик жойи йўқ, бек ака , – Омон каклик овига жавоб олиш фурсати етганини сезиб астойдил гўшунтира кетди, – аввалига от қилидан ясалган тузоқ қўяман, кейин каклик қор тагига яширинганда...

– Бўлди, бўлди, – Қамбарали понсоднинг тоқати тоқ бўлиб, – кейин бафуржа айтиб берарсан. Овга қачон жўнамоқчисан?

– Шу... Турамларни кутиб, кузатгандан кейин бир-икки кунга жавоб бер...

– Вой аҳмоқ! – Қамбарали понсод Омоннинг гапини бўлиб ўшқириб берди. – Турамларни кузатгандан кейин каклигингга бало борми, асло кераги йўқ. Турамларнинг дастурхонларида ҳар куни каклик бўлишини хоҳлайман, тушундингми?

– Тушундим, бек ака.

– Овга шу бугун жўнайсан!

– Шу бугун? – ҳаприқиб кетди Омон хурсандлигидан терисига сиғмай.

– Шу бугун, ёрдамга нечта одам керак?

– Икки киши етиб қолар.

– Туртта одам олиб кетасан.

– Маъқул, неччи кун ов қилайлик, бек ака?

– „Неччи кун" деганинг нимаси, овсар! Турам Тошканда қанча юрсалар, сан ҳам тоғда ўшанча кун юрасан, ҳар кунлик овингни ҳар кун юбориб турасан, тушундингми?

– Тушундим, бек ака, – ағрайганча жавоб берди Омон, қулоқларига ишонмай.

– Йўлга озиқ, анжом-аслаҳани тузигача Зиё паттачидан оласан. Ўзингга маъқул навкарни турттасини олгинда, сизларга оқ йўл, овларинг бароридан келсин. Овда ҳушёр бўл, Омонбой ука, агар шарманда қилсанг, нақ кўрадиганингни кўрасан, баҳоргача Сайфи иккаланг шинакдан тушмайсанлар, тушундингми?

– Хотиржам бўлинг, бек ака, Худо хоҳласа, турам қайтгунларига қадар ўрда ошхонасидан каклик узилмайди.

– Ҳа-аббаракалла, азамат. Би-ир ўзингни кўрсатасан энди. Бўпти, одамларингни олу, санларга жавоб.

Бу орада Қулихон тўранинг келаётганлари шаҳарга бир зумда тарқалган шекилли, бошқа маҳалла-кўй, гузарлардан ҳам одамлар тўп-тўп бўлиб ҳашарга кела бошлашди. Савоб илинжида бел, кетмон, супургиларни навбат қилиб ишга тушиб кетишди. Бозор, расталардан тўпланиб чиққан мешкопчилар қатор бўлиб ўрдадан

қалъа дарвозасига қараб сув сепа бошлашди. Иш айни қизиган пайтда навкарлардан бири ўрда томондан келаётган отлиққа кўзи тушиб, Қамбарали понсодга хабар берди:

– Бек ака, Ниёз қушбеги келаяпти.

– Қуряппан, отдан тушса, жиловни қўлидан ол.

Ниёз қушбеги Қамбарали понсодга яқинлашиб, отдан тушди-да, жиловни навкарга тутқизар экан, ҳашарчилар билан саломлашган бўлди:

– Ҳў-ў ёппасига ҳормангларо-о-ов!!

– Бор бўлсинлар, бек ака, бор бўлсинлар.

– Ҳа-а-аббаракалла, баракалла, Худо қувват берсин!

– Келсинлар, бек ака, келсинлар, – Қамбарали понсод Ниёз қушбеги билан қўл олиб кўришар экан, – қадамларига ҳасанот, бахайр.

– „Пирим кўринсалар, хабар қиласан", – деб ҳоким жаноблари юбордилар, – деди Ниёз қушбеги йўлни текислаб, созлаётган одамларни кўздан кечираётиб: – ҳашарга мунча одам кўпайиб кетди?

– Тўрамнинг келаётганларини эшитиб, ҳар ёқдан келишяпти, бек ака.

– Тўрамнинг келишларига дегин... Ҳа-ҳа-а-а, ҳали тўрамнинг бу келишларида кўп масалалар ҳал бўлади, Қамбарали ука, шинакда одаминг борми?

Қамбарали понсод атрофга аланглаб, қичқирди:

– Сайфи-и-и!! Қанисан?

– Шўттаман, бек ака.

– Дарров шинакка чиқ, йўлдан кўзингни узма.

Сайфи Қамбарали понсодга сўзсиз бош ирғаб, кетмонни шеригига тутқизди-да, шинакка чиқадиган зинага қараб, кетди. Ниёз қушбеги Қамбарали понсоддан учтўрт ёш катта, зуваласи пишиқ, ўрта бўйли, соқолига оқ оралаган, ўрда мушовирларидан бири. Туркистондан Қўқонга бораётган бож карвонини қайириб олишни Саримсоқбекка маслаҳат берган ҳам шу. Ниёз қушбеги дарвозахонаю ҳужраларга кўз югуртириб, ёнида турган Қамбаралидан сўради:

– Ҳў-ўш... Қамбарали ука, дарвозахонада зерикмаяпсанми?

– Бир кунда мингта одам ўтади, бек ака, зерикиш йўқ, униси-муниси билан гурунглашамиз. Зиё паттачи ҳар куни икки маҳал овқатга масаллиғ беради. Қайта сарбозхонадан кўра бизга шу ер маъқул.

– Шунақа дегин?

– Шунақа. Товба қилдиму, аммо лекин хонзодамиз ҳам ваҳимани уяси, шекилли. Йўқ душманга сиз ҳам келиб-келиб бизни бу ерга қўйиб қўйдингиз. Бир ойдан бери турибмиз, на душмандан дарак бор, на бошқасидан.

– Бошқасидан дарак келди, Қамбарали ука, дарак келди.

– Дарак келди дейсизми, бек ака, Худоға шукуре-е, қачон келди?

– Дарак билан бирга даврим ҳам келди, ука. Мана бу супур-сидирлар, бу югур-югурлар ким учун қилиняпти?

– Ким учун бўларди, бек ака, Қўқондан келаётган Қулихон тўрам учун-да.

– Биз кутаётган дарак Қулихон тўрам билан келяпти, Қамбаралибек. Туркистондан келаётган божни қайириб олганимиз учун хон, мингбошию вазирлари билан маслаҳатлашиб, Қўқон билан Тошкандни ўртасида сулҳ тузиш учун пирларини юборишган шекилли. Ана энди менинг даврим келди. Юсуфбек ҳожининг гапидан ҳокимнинг олдида изза чекиб, тортган аламларимни юз ҳисса қилиб чиқараман.

– Қанақа изза, қанақа алам, бек ака?

– Ҳужрангда чилим борми? – деди Ниёз қушбеги саволга савол билан.

– Бор, бек ака.

– Юр, ҳужрангда чилимдан тортиб ўшағда гаплашамиз.

– Маъқул.

Ниёз қушбеги чилимнинг сархонасини ловиллатганча бир-икки қуриллатиб тортди-да, рўпарасида ўтирган Қамбарали понсодга қараб, ўтган воқеаларни гапириб бера бошлади...

... Бундан чамаси икки ойлар муқаддам Туркистондан Қаноатшо юборган бож карвони асрга яқин „Камолон" дарвозасидан Тошкентга кириб келди. Қўқонга жўнаш олдидан бир-икки кун нафас ростлаш учун карвонсаройга жойлашди. Бундан хабар топган Ниёз қушбеги ўрдага, Саримсоқбекнинг ҳузурига югурди.

– Ҳоким жаноблари, Туркистондан келган бож карвони бир соат олдин Себзордаги „Қушчинор" карвонсаройига тушди.

– Ҳу-уш!!

– Ижозатингиз билан божни Қўқонга юбормасдан хазинангизга тушириш керак.

Саримсоқбек ҳушёр тортиб, Ниёз қушбегига синовчан қаради.

– Хазинага тушириш керак, дейсизми?

– Шундай, ҳоким жаноблари, агар маъқул кўрсалар. Худоёрхонга Хужанд, Нов, Қуштегирмон, Ўратепа, водийдаги катта-кичик бекликлардан, қозоқ жузларидан келадиган бож етади. Худо хоҳласа, келаси йилдан бошлаб Чимканд, Авлиёота, Оқмасжид, Туркистон бово, сарҳад олди бекликлардан, бу ёғи Қурама, Бўка, Пскант[71], Туйтепа[72] ҳамда шу атрофдаги бекликлардан йиғиладиган йиллик солиқ, божларни Тошкентга қайириб оламиз. У ёқ-бу ёғимизга қараб, тузиб, тартиб қилишимиз керак, ҳоким жаноблари.

Саримсоқбек ўтирган ўрнидан туриб кетди. Пешанасини тириштирганча кенг саломхонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Қарийб турт-беш ойдан бу ёғига иниси Худоёрхон ўтирган тожу тахт аламида куйиб-ёнди. Бу турганда Худоёрхоннинг лип этиб тахтга ўтириб олиши, устига-устак унга тобе бўлишини ҳеч ҳам ҳазм қила олмас эди. Қўқонга бориб, онасини кўра олмаслигини, отасининг қабрини зиёрат қила олмаслиги, аниқроғи, Худоёрхоннинг бирор-бир фитнасидан чўчиши уни баттар эзарди. Ниёз қушбегининг гаплари унинг алам жароҳатларига малҳам бўлиб туюлди. Ниҳоят бир қарорга келди, шекилли юришдан тўхтаб, Ниёз қушбегига буюрди:

– Ўрда бекларини йиғинг!

Ўн нафардан ортиқроқ ўрда беклари саломхонага йиғилишгач, хос ҳужранинг эшиги очилиб, Саримсоқбек кириб келди. Беклар бараварига курсилардан туриб, таъзим адо қилишди. Саримсоқбек бекларга бирров кўз югуртириб чиқди-да, қўли билан ўтиришга ишора қилди. Сўнгра масалани лўнда қилиб ўртага ташлади.

– Жаноблар! Ҳозирги шароитимиз ҳаммангизга маълум. Диёримизда анча-мунча камчиликлар, етишмовчиликлар мавжуд. Шу билан бирга навкар, озиқ-овқат, қурол-яроғ, дегандай. Мана шундай муаммоларни ҳал қилиш учун келаси йилдан бошлаб Хўжанддан бу ёғи то Туркистон сарҳадларигача бўлган катта-кичик бекликлардан йиғиладиган йиллик солиқ, божлар Тошканд ҳокимлигининг хазинасига келтириб, туширилади. Мен шунга қарор қилдим, сизлар нима дейсизлар?

Беклар бир-бирларига маъноли қараб олишди. Ўртада жимлик ҳукм сурди. Улардан бирортаси ҳам гап бошлашга ботинмади. Хонликка келадиган божнинг ярмини қайириб олиш, ҳазил гапми. Хонга уруш эълон қилиш билан баравар. Ниҳоят аста-секин ғимир-ғимир бўлиб, баҳс-мунозара бошланди. Саримсоқбекнинг қарорини маъқулловчилар ҳам бўлди. Маъқул қилмаганлар андиша қилиб, очиқ айтмасалар ҳам шунга яқинлаштириб гапиришди.

– Бу ишимиз хонга ёқмайди, бугун бўлмаса, эртага қўшин тортиб келиши аниқ.

– Қўшин тортиб келса келар, қалъамиз мустаҳкам. Хонга муносиб зарба берамиз.

– Қалъа мустаҳкам бўлса ҳам қўшинга бас келиш қийин.

– Дегрезчиларга кўпроқ тўп қуйдириш керак.

– Ҳозирча божни олмай туриш керак, қурол-яроғ, навкарларни тартиб қилиб, кейин бошласак ҳам бўлаверади.

Саримсоқбек баҳслашаётган бекларни четдан туриб кузатар экан, кенгашда Юсуфбек ҳожигина мунозарага қўшилмасдан сукут сақлаб ўтирар эди. Юсуфбек ҳожи

урта буйли, ёши эллик беш-олтмишлар атрофида, мош-гуруч соқол, бошида қордек оппоқ солла, эгнида бухороча тун. У бекларнинг гапларига қулоқ солиб утирар, гапирганларнинг бирортасига ҳам сеники туғри ё нотуғри демади. Саримсоқбек Юсуфбек ҳожига кўз қирини ташлаб урнидан турди. Беклар ҳам бараварига қалқиб оёққа туришга ҳаракат қилишганда Саримсоқбек қул силкиб, уларни тўхтатти.

– Турманглар, – ҳоким туркман гиламни бир-бир босиб нигоҳини бекларга қаратди, – қарийб ҳаммангиз у ёки бу уйлаганларингизни билдирдингиз, кенгаш бошлангандан кузатиб турибман, ҳожимдан бирор-бир садо чиқмади. Нечун сукут сақлайсиз, ҳожим? Менинг қарорим сизга маъқул келмадими?

Ҳокимнинг гапларидан кейин беклар Юсуфбек ҳожига қаращди. Юсуфбек ҳожи бир муддат уйланиб туриб, кейин майин овозда сўз бошлади:

– Ҳоким жаноблари, сизнинг авлодингиз минглар сулоласига мансуб. Катта бобокалонингиз Шоҳрухбий ҳазратлари (Оллоҳ раҳмат қилсин) биринчи марта хонлик тахтига утирганларида, фақат водий диёрлари хонликка қарам эди холос. Вақт утиши билан бобокалонларингиз Конибодом, Исфара, Хужанд, Уратепа, бу ёғи Қурама, Бука, Тошканд, Чимканд, Туркистон, Оқмасжид ерларини жангу-жадал қилиб, қиличнинг кучи билан буйсундириб, буюк Фарғона давлатини барпо қилишди. Бу давлат Бухоро амирлигидан уч марта, Хева хонлигидан икки марта катта. Тахтга утирган бегона уруғдан эмас, инингиз. Бу бошланғич хонлик даврида мабодоки жаноблари томондан қуллаб-қувватланиши лозим. Мабодо божни олишга қарор қилган бўлсалар, ярмини эмас, хонликка келадиган ҳамма божни олиб Фарғона давлатини буйсундирсинлар. Тошкандни пойтахт қилсинлар. Салоҳиятли булиб Бухоро амирлиги билан Хева хонлигини ҳам куч билан қулга олиб, тасарруфингизга олинг. Олдинги буюк Туркистонни барпо қилинг. Бу ишда камина жону дилим билан ёрдамлашаман. Агар жаноблари божларни Ху-

жанддан бу ёғини қайириб олишга фармон берсалар, хонлик иккига бўлинади. Иккала томондан минглаб мусулмонлар қирилиб кетади. Шундай ҳам шимол томондаги сарҳадларимизда ўрис бир-иккита ҳарбий қалъа қуриб олибди. Кейинги ниятини Худо билади. Амирнинг икки-уч йил олдин босиб, талаб, тирнаб, тишлаб кетган жароҳатлари ҳали битгани йўқ. Қулай пайтни ҳақ деб, пойлаб ётибди. Машойихларимиз „Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер", деб бекорга айтиб ўтишмаган. Шундай ҳам бўлинган Туркистонни яна бўлмасинлар, ҳоким жаноблари.

Юсуфбек ҳожининг сўзларидан кейин ҳамма чуқур ўйга толди. Яқинда бўлиб ўтган қирғинбарот талашлар кўз олдиларидан ўтди. Юсуфбек ҳожининг тахминича яна жангу жадал бўлиш эҳтимоли, бекларнинг этларини жимирлатиб юборди. Ниҳоят Саримсоқбек бошини кўтариб, бекларга бир назар ташлади-да, сўнгра Юсуфбек ҳожига қараб туриб деди:

– Ҳожим... Жаноблар, падари бузрукворимиз Шералихон ҳазратлари (Оллоҳ раҳмат қилсин) Тошканд ҳокими Муҳаммадшариф[73] оталиқни қатл қилдириб, мени ҳокимлик тахтига ўтқиздилар. Ҳожимни „Оталиқ" лавозимига тайинлаб, овлоқда менга шундай дедилар, „Ўғлим, Юсуфбек ҳожи дунёнинг паст-баландини, аччиқ-чучугини, қаттиқ-юмшоғини кўриб, билган одам. Кенгаш баҳслик бўлганда Юсуфбек ҳожининг гапларига эътибор қилинг", – деб насиҳат қилиб кетганлар. Сиз ҳақсиз, ҳожим. Бобокалонларимиз бунёд қилган Фарғона мамлакатини иккига бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Отам насиҳатини васият ҳукмида кўриб, сизнинг сўзларингизга амал қиламан, ҳожим. Сўзланг, нима қилай?

Юсуфбек ҳожи бошини хам қилган ҳолда қизариб, бўзариб ўтирган Ниёз қушбегига бир қараб олди-да, ўйлаб ўтирмасдан жавоб берди:

– Ҳоким жаноблари, қиблагоҳингиз даврларида ҳурматлари юзасидан озроқ бўлса ҳам ҳар йили бож юбориб турар эдингиз. Инингиз даврида бож юбормасангиз ҳам

бўлади. Хонлар авлодида оға-инилар ўртасида бу удум бор. Хабарингиз бор, бир ҳафта беморликда ётиб қолдиқ. Бирор ойларда ўзимга келсам ижозатингиз билан ўрда аъёнлари ҳамроҳлигида, Худо хоҳласа, Қўқонга сафар қиламиз. Хон ҳазратлари, вазирлар, иноқлар билан машварат қилиб, ҳамма муаммоларни, иншооллоҳ, яхши томонга ҳал қиламиз. Туркистон масаласини ҳам кўтарамиз. Кейинги йиллардан бошлаб Туркистондан бож олиш керак эмас, билъакс, Туркистонга кўмак бермоғимиз лозим. Чунки у ерлар сарҳадимиз, сарҳадни мустаҳкамлаш керак. Тўп, қурол-яроғ, навкар, анжом-аслаҳа, озиқ-овқат, буларнинг ҳаммасига анча-мунча маблағ кетади. Туркистондан келган бож ҳозирча ўрда омборида турсин, Худо хоҳласа, Қўқондан қайтсак, божни Туркистонга қайтариб юборамиз. Каминанинг фикри ожизимиз мана шу, ҳоким жаноблари.

Саримсоқбек Юсуфбек ҳожининг сўзларидан тўла қаноатланганча бекларга қаради. Ўрда беклари ҳожининг сўзларини маъқулловчи оҳангда ғулдирашди...

– Мана шунақа гаплар, Қамбарали ука, – Ниёз қушбеги гапини тугатаётиб, – хонга яхши кўринаман деб, сал бўлмаса қаҳрига учраб қолаёздим. Ўша кенгашдан бу ёғига ғашлиқ, алам юрагимга ўрнашиб қолган. Қулихон тўра биз томонларга бекордан-бекорга ташриф буюрмаган бўлса керак. Хоннинг қулоғига миш-миш гаплар етиб борган бўлса хонзода Саримсоқбекни инсофга келтириш учун тўрани юборган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ана энди Қулихон тўра билан музокарага яқинроқ қилиб суҳбатлашамиз.

У хонтахта устида турган чилимга қўлини чўзди. Лекин чилимнинг чўғи ўчиб, сархонаси совиб қолган эди. Мулозимини чақириш учун оғиз жуфтлаётган Қамбарали понсодни Ниёз қушбеги тухтатиб қолди.

– Кераги йўқ, вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди, ташқарига чиқамиз.

Ҳикояни миқ этмай эшитган Қамбарали понсод, бу ёғига Ниёз қушбеги қандай иш тутишига қизиқсинди.

– Шошмай туринг, бек ака, ахир Қулихон турага „хонга мана бундай денг", – деб буюриб бўлмайди-ку?

– Жиннимисан, Қамбарали ука, Қулихон турага буюриб бўладими? Аслида бирор ойлардан кейин ўзимиз бормоқчи бўлиб турувдик, яхшиямки, бормаганимиз. Ўзлари келиб қолишди. Бу келишлари хоннинг сиёсий томондан ожизлигини билдиради. Ўрда беклари билан кенгашган ҳолда Қулихон турани мойил қилиб мулойимлик билан ўз шартларимизни...

– Келишяпти-и-и!! – шинакда турган Сайфининг жон ҳолатда қичқириғи, Ниёз қушбегининг гапини бўлди. – Келишяпти, бек ака, келишяпти!

Ниёз қушбеги билан Қамбарали понсод ташқарига чиқишганда, вақт асрдан ўтиб, шомга яқинлашиб қолган эди.

– Ҳали узоқдами?, – суради Қамбарали понсод шинакка қараб.

– „Қуштамғали"дан ўтишяпти.

– Қанча бор?

– О-о-олдинда тўртта отлиқ кетяпти. Аравадан кейин камида юзга яқин навкар боров.

Ниёз қушбеги отга минар экан, ўрда йўлига тўпланган одамларга бирров кўз югуртириб, Қамбарали понсодга деди:

– „Шайхонтаҳур" билан „Ҳастимом"нинг тариқатчи суфию қаландарлари ҳам келишипти, жин урсин, „турамни зиёрат қиламиз", – деб аравани ағдариб юборишмаса бўлди. Бўпти, мен ўрдага кетдим, Қамбаралибек, дарвозаю тартибга ўзинг қара, – шундай дея отига қамчи босиб, ўрда томон елиб кетди. Қамбарали понсод ҳужра олдида тўпланиб турган навкарларга яқинлашди.

– Қани, ҳамманг тўрт сафдан қатор бўл-чи... Тез-тез қимирлаларинг. Ҳў-уш-ш... соч-соқол олдирсанг, дуппа-дуруст одамга ўхшаракансанлар-ку, баринг. Худди чимилдиққа кирадиган куёвга ўхшаб қопсанлар, бу яхши... Ҳў-уш, ишни ҳам қойиллатибсанлар, бу ҳам ях-

ши, шунинг учун бугун ҳаммангга ҳайит. Зиё паттачи қани, қани у?.. Зиё патта-а-а!!

Нарироқда ҳашарчиларга бош-қош бўлиб турган Зиё паттачи дарвоза томонга буйнини чўзиб қичқирди.

– Ман шуттаман, бек ака, шуттаман!

– Қани берироқ кел-чи.

– Лаббай, бек ака.

– Омон йигитлари билан бордими?

– Айтганини олиб бериб, кузатиб юбордим, бек ака.

– Яхши, дарвозахонангни кўрдингми?

– Кўрдим, бек ака, кўрдим, йигитларингизни қўллари дард кўрмасин, роса тер тўкиб меҳнат қилишди, азаматлар. Қалъанинг ҳеч бир дарвозаси бизникидай озода, чиройлимас, бек ака.

– Ана шунинг учун бугун йигитларимга би-и-ир зиёфат қилиб, ош дамлатиб берасан, Зиё ука.

– Жоним билан, бек ака, жоним билан. Шундай ҳам кун ора ош дамлатиб бераяпман-ку.

– Бугунгиси са-ал бошқачароқ бўлади, овсар... Қани, четроққа юр-чи, – Қамбарали понсод хуфя гап учун сал энгашган ҳолда овозини пастлатиб, сўради, – Анави... Кузангдагидан борми?

Зиё паттачи ҳушёр тортиб, қаддини ростлади.

– Йўғе-е, нималар деяпсиз, бек ака, қамчингизни егандан бери бузанинг макруҳлигини тушуниб, сотмай қўйганман.

– Сотмай қўйганман?... Вой муттаҳам-ей, макруҳлигини тушунганмиш... Растада кўздан паналатиб сотишингни билмайди, деб ўйлайсан, шекилли.

– С-сизга нотўғри...

– Ба-ас!! Шайтоннинг ургочиси... Ўша куни докадан ҳам сузмасдан йигитларимни ўлгудай бўктириб ичирибсан, аблаҳ. Нақ пешингача ҳеч кимни танимай эшшакдай ағанаб ётишди, лаънатилар, бунинг учун терингни шилиб олсам ҳам оз... Ҳа, майли, – Қамбарали понсод бир парда тушиб, – бу сафар бир косадан ошиқ берма, тушунарлими? Йигитлар ҳам бир ҳордиқ

чиқаришсин. Шошма, ҳалигидай... Менга ҳам чоғроқ кузачада шом оралатиб бериб юбор.

– Айтганингиздай қиламан, бек ака, сизга энг уткиридан Рихси бузагарнинг...

Шу пайт шинакдан Сайфи қичқириб қолди:

– Бек ака-а-а!! Яқинлашиб қолишди.

Қамбарали понсод бир қули билан Зиё паттачига „жойингга бор" ишорасини қилиб, иккинчи қули билан муйловини бураганча ҳайқирди:

– Йигитла-а-ар!! Дарвозанинг икки томонига бир қатордан бўлиб сафланингла-а-ар!!

Супур-сидирни тугатиб, туп-тупи билан гурунглашиб турган одамлар, навкарларнинг саф тортганини куриб, ғимирлаб қолишди. Ўрдагача бўлган йўлда тумонат одам. Ёшроқлари том, девор, дарахтларнинг устига чиқиб олишган. Ҳамма ҳаяжон билан нигоҳини дарвозага қаратган. Шу пайт отлиқ навкарлар кузатувида тантана билан „Фаранг арава" дарвозадан кириб келди. Саф тортган навкарлар олдидан ўтиб икки томони одамлар билан зич йўлдан секинлаб юрди. Ҳамма ярим таъзим ҳолда қўл боғлаб туришди. Ҳасса ушлаган қаландарлардан бири қўлларини баланд кутариб, арава томон бир-икки қадам ташлади-да, бор овози билан хитоб қилди:

– Марҳабо... Ё, ҳазрати Маҳдуми Аъзам пиримнинг авлоди, марҳабо!

Қаландарнинг сўзлари ишора бўлгандай ҳамма бирданига хитоб қила кетди.

– Қадамларига ҳасанот!

– Хуш келдилар!

– Сафо келдилар!

– Ҳазрати Маҳдуми Аъзам пиримнинг авлодларига жоним фидо!

– Аравага яқинлашма, ҳайвон!

– Бир мартагина этакларини кўзимга суртай!

– Ҳой, ҳой, ҳой!!.. Аравадан қўлингни торт, эшшак!

– Йигитла-а-ар!!.. Аравани ўртага олинглар!

– Йўлни бўшатингла-а-ар!!

– Отнинг тагида қолиб кетасан, аблаҳ. Нари тур, деяпман сенга!

Отлиқларнинг кескин ҳаракатидан аравани зиёрат қилувчилар бир оз бўлса ҳам орқага чекингандай бўлишди. Ур-сур, ҳай-ҳай билан отлиқлар ўртасида бир амаллаб кетаётган „Фаранг арава“ ўрда кўпригидан тарақлаб ўтди-да, дарвозадан кириб, кўздан ғойиб бўлди. Пирларининг келишидан бошлари осмонга етган суфилар, даврa олиб, зикрни бошлаб юборишди.

Ё Оллоҳ ҳув ё Оллоҳ,
Ҳақ дуст ё Оллоҳ

Ё Раб манам қаландар,
Дар хору хас баробар

Ё Оллоҳ ҳув ё Оллоҳ,
Ҳақ дуст ё Оллоҳ

Дарвозаи ажалда
Шоҳу гадо баробар

Ё Оллоҳ ҳув ё Оллоҳ,
Ҳақ дуст ё Оллоҳ.

Одамлар зикр тушаётган қаландарларга яқинроқ келиб, ўраб олишди. Ихлос билан „ё Оллоҳ, ҳув ё Оллоҳ“ни қўшилиб айтиб, қаландарлар билан бирга зикрга тушиб кетишди. Зикр яримлаб ҳам қолган эдики, мезанадан суфининг шомга чақирган азон товуши эшитилди. Азон тугагач ҳамма баравар юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди-да, масжидларга, уйларига тарқалишди.

IX БОБ

Қулихон туранинг Тошкентга келганига ҳафта-ўн кун бўлди. Шу кунларда тариқат суфилари ҳамроҳлигида ўтган азизларнинг мақбараларини зиёрат қилиб, зикр, ибодатдан қўли бўшамади. Келган куни ўрда

дарвозасидан кириши билан беку навкарлар ташқи ҳовлида қолиб, фақат Қулихон туранинг ўзигина ўрда мулозими етаклаган „Фаранг арава“да ички ҳовлигача кириб борди. Аравадан турани Саримсоқбекнинг ўзи кутариб туширди. Қўлларини тавоф қилиб, қучоқлашиб кўришар экан, ўпкаси тўлиб, „вой пирим, вой отам“, деб узоқ йиғлаб турди. Сўнгра ўрда беги хонимлар, кайвонилар, канизаклар ихлос билан этакларини ўпиб йиғлаб, зиёрат қилишди. Йиғи-сиғи, дуойи фотиҳа, ҳолаҳвол сўрашилгач, Саримсоқбекнинг ишораси билан ўрда мулозими Қулихон турани ички ҳовли билан ташқи ҳовли ўртасидаги алоҳида ажратилган ҳужрага бошлаб борди. Азизбек билан беку навкарларни ташқи ҳовлидаги ҳужраларга жойлаштиришди. Ҳужрада туранинг муриди билан уч-тўртта ўрда мулозимлари кутишарди. Йўлдан ҳориб, чарчаб келган Қулихон тура муриди ёрдамида ювиниб, тараниб, кийиниб, шому хуфтонни ўқиди. Сўнгра мулозимлар тузаган дастурхондан номигагина овқат еган бўлди-да, хобгоҳга чўзилиб қўя қолди. Икки кунгача ҳужрадан чиқмасдан ҳордиқ чиқарди. Шу икки кун ичида Қулихон тура номаларни Саримсоқбекка тақдим этди. Номаларни ўқиб чиққан Саримсоқбек, ҳаяжондан энтикиб пирига қаради. Тасбеҳ ўгираётган Қулихон тура Саримсоқбекка қараб, вазминлик билан насиҳатомуз деди:

– Ўғлим, инсон учун мактабу мадраса, бу ўзи яшаётган дунёвий ҳаёт. Иншооллоҳ, ҳар куни кўрамиз, ўрганамиз, биламиз, яшаймиз. Фарғона мамлакатида кейинги беш-ўн йил ичида фақат жангу жадал бўлиб турди. Мамлакатнинг жанглардан олган жароҳати ҳали битганича йўқ. Олдингию кейинги хонларга нисбатан бобокалонингиз Норбўтабий ҳазратлари (Худо раҳмат қилсин) даврида Фарғона мамлакати ниҳоятда обод бўлди. Ҳукмронлик ниҳоят даражада камолга етибдурким раоё ва бароё, ҳамма хотиржамлиғ ила фаровон умргузаронлик қилибдурлар. Ҳеч бир тарафдин душман хавфи бўлмабдур. Қимматчилик ва

қаҳатчилиқ ҳам бўлмабдур, билъакс, тўкинчилиқ, арзончилиқ шул даражада бўлибдурким муомалаға чақа пул кифоя қилмай Фарғона мамлакатида биринчи маротаба қора пул жорий қилинибдур. Шу даврларда мамлакат гуркираб ривожланди. Амакиларингғиз Умархон (Худо раҳмат қилсин) ҳазратлари ва Маъдалихон ҳазратлари (Худо раҳмат қилсин) даврларида ҳам тинчлиқ, фаровонлиқ бўлди, лекин у даражада эмас. Худо хоҳласа, тахтға ўтирсанғиз, аввало, тинчлиқ, сулҳға эътибор беринг. Тинчлиқ бўлса, иншооллоҳ, ҳамма нарса бўлади. Мушовирлар билан машварат қилиб шундай сиёсат олиб боринғки, раъият хурсанд бўлиб, бой яшасин. Амир Темур тузукларига амал қилинг. Соҳибқирон ўз даврларида учта улкан вилоят – Хуросон, Хоразм, Мовароуннаҳрни бирлаштириб, буюк давлат барпо қилиб эдилар. Ғарбда ҳозирғи Эроннинг ярми Хуросондан бошланиб, шарқда шарқий Туркистон, яъни Қошғар, Урумчи, Ғулжағача. Бу ёғи шимолда Дашти Қипчоқдан тортиб жанубда форс кўрфазиғача борар эди. Ана шундай буюк давлат парчаланиб амирлиғу, хонликларға бўлиниб кетди, – Қулихон тўра астойдил афсусланиб, бир уҳ тортди-да, пешанасини тириштириб, гапини давом этди, – бунға шаҳзодаларнинг ўзаро тахт талашиб, қилған жангу жадаллари сабаб бўлди. Ана шу дунёвий ҳаёт мактаби сизға катта сабоқ бўлсин. Укаларингизға доим ғамхўрликда бўлинг. Ҳамманғизни қулоқларингизға ўзим азон айтиб, ўзим исм қўйғанман. Болаликда бир-бирларингғиз билан аҳил, меҳрибон эдинғизлар. Ҳар доим ана шундай бўлинг. Бобокалонинғиз Норбўтабий ҳазратлари укаларига меҳрибон, кечиримли эдилар. Бир вақтлар бобонғиз Ҳожибек жаноблариниғ (Худо раҳмат қилсин) қилған гуноҳларидан ўтғанлар...

Саримсоқбек ўтирган ўрнида бир қимирлаб олдида, одоб доирасида Қулихон тўранинг сўзларини бўлиб, сўради:

– Беадабчилиқ қилиб, сўзларингизни бўлганим учун афв этинг, пирим. Лекин буни билишим керак. Ҳожибек бобом нима гуноҳ қилиб эдилар?

Қулихон тўра табассум қилган ҳолда бир оз сукут сақлаб уйланиб турди. Оппоқ соқолини оҳиста силаб туриб Саримсоқбекнинг саволига жавоб берди:

– У замонда бобонғиз Ҳожибек жаноблари Наманган вилоятида ҳоким эдилар. Уч-тўртта ғаламис беклар-нинг фитнаю найрангига учиб, бобокалонинғиз Норбўтабий ҳазратларига қарши тахтга даъвогарлик қилиб эдилар. Орадан унча-мунча гап-сўзлар ўтди. Бобонғиз Ҳожибек жаноблари Андижонда эканликларидан хабар топган бобокалонинғиз Норбўтабий ҳазратлари каттағина қўшин билан Андижонга келдилар. Раъият, арконлар „бир-одаркушлик бўлади", – деб изтиробга тушдилар. Лекин бобокалонинғиз укаларига нисбатан ширин муомалада бўлдилар. Ҳар икки биродар бир-бирлари билан қучоқлашиб кўришиб, йиғлашибдурлар. Булар билан бирга беклар, уламолар ҳам йиғлабдурлар. Ака-укаларнинг кўнгилларидан гина-кудурат, адоват, ғубор кўтарилиб, ўрнини сулҳ, тинчлиқ, хотиржамлиқ, хур-сандчилиқ эгаллади. Бу ҳолдан шоирларнинг ҳам илҳомлари келиб, байту ғазаллар битибдурларким, шул ғазалларнинг тўрт қатори ҳануз ёдимда.

Хурдсолон ба бародар бикунад беадаби,
Журм пушанду бародар надихандаш адабе.
Об агар сад пора гардад боз бо ҳам ошност,
Рост рафтан аз вафо, каж рави айни балост.

(Кичик ёшлилар уз акаларига беадаблик қиладилар,
Акалар эса гуноҳни яшириб, адаб (жазо) бермайдилар.
Сув юз булакка булингани билан барибир
бир-бирларига иноқдир,
Тўғри юриш бу – вафодан, эгри юриш айни балодир.)

– Ана шундай, ўғлим, бу нафақат сизга, кулли сул-тон, амир, хонларга ибрат булатурғон воқеа. Худо кўр-сатмасин, мабодо ояндаба шунга ўхшаш воқеъ содир бўлса, сиз ҳам албатта бобокалонинғиз каби меҳрибон ва

кечиримли бўлинг. Сизга айтмоқчи бўлганларим мана шулар, бўтам.

Саримсоқбек қўлидаги номаларни кўрпача устига қўйди-да, Қулихон туранинг қўлларини тавоф қилиб туриб, деди:

– Пирим! Сиз отамдан улуғсиз... Худо хоҳласа, тахтга ўтирсам, Худо номига қасам ичаманки, ҳозир менга айтганларингизни барчасига амал қиламан. Ижозат берсангиз, эрта-индин ўрда беклари билан кенгаш ўтказиб маслаҳатлашсам.

– Маъқул.

Тўра келганларининг учинчи куни ул зотнинг шарафларига Саримсоқбек ўрдада зиёфат берди. Зиёфатга беклар, дин пешволари, боёнлар таклиф этилдилар. Эртаси куниёқ Қулихон тўра бир тўп тариқат суфилари ҳамроҳлигида „Шайх Хованди Тоҳур" зиёратига ҳозирланар экан, йўлга кузатаётган Саримсоқбекнинг елкаларини силаб туриб, деди:

– Бўтам, кетгунимизга қадар мен азизларнинг мақбараларида зиёрату ибодатда бўламан. Худо хоҳласа, бугун „Шайх Хованди Тоҳур"дан, бошлаб бирор ҳафталардан кейин, иншооллоҳ, „Зангиота"да итмомиға етказамиз. Бу диёрларға яна бир марта келиш менға насиб бўладими, йўқми, Худо билади. Шунинг учун тунаш жойим ҳам мақбараларда бўлади... Йўқ, йўқ, эътироз билдиришингиз бефойда. Сиз асло хижолат тортманг, ўғлим, менинг хурсандлиғимға қаранг, – сўнгра товушини пастлатиброқ қўшиб қўйди, – туримдан ғурим яқин, бўтам, мақбараларда тунаб ибодат қилмасам армонда қоламан, чунки кейинги сафар келишимға, Воллоҳу аълам, кўзим етмайди. Ҳа, айтгандай, Қўқонға жўнашимиздан бир кун олдин хабар беринг, фақат бир кун олдин.

Саримсоқбек „узингизга қандай маъқул бўлса" деган маънода сўзсиз бош ирғаб, қўл қовуштириб турди. Пирини зиёратга кузатган Саримсоқбек ҳудайчига ўрда бекларини кенгашга йиғишни буюрди. Беклар йиғилгач,

у курсидан хийла баландроқ, майда нақшли шашкунжа устида турган номаларнинг бирини олиб, ўқий бошлади. Хон вакиллари билан музокара олиб боришга тайёрланиб келган беклар, Азизбекнинг ҳокимликка тайинланиш тўғрисидаги фармонни эшитишар экан, олдинига таажжубланишди. Ниёз қушбеги Райимбек додхоҳ билан Қаюм понсодга маъноли қараб қўйди. Улар Азизбекнинг Тошкентга бекордан-бекорга ҳоким қилиб тайинланмаслигини билиб, иккинчи номанинг ўқилишини сабрсизлик билан кутишди. Саримсоқбек фармон битилган номани шашкунжага қўйди-да, ўзига битилган номани олиб, шошилмасдан ўқий бошлади. Унинг Андижон ёки Наманганга ҳоким қилиб тайинланишини тахмин қилган беклар, тахтга чақирилишини эшитиб, бир фурсат ҳаммалари анграйиб, жим бўлиб қолишди. Биринчи бўлиб Ниёз қушбеги Саримсоқбекни муборакбод қилди.

– Тахти маврусийлари қутлуқ бўлсин, ҳоким жаноблари!

Қушбегидан кейин бошқа беклар ҳам муборакбод қила кетишди.

– Даврингиз файзу баракотли бўлсин!

– Мамлакатингизда ҳар доим тўкинчилик, сочинчилик, ободонгарчилик бўлсин!

– Илоҳим юз йил даврон суринг!

– Ёмон назарлардан асрасин!

Саримсоқбек табассум билан табрикларни қабул қилди. Табриклардан кейин яна бир оз фурсат фуқаролардан тушган аризалар ҳақида, янги ҳоким билан бўладиган мулоқот, вилоят миқёсида қилинадиган иш режалари тўғрисида муҳокама қилишди. Беклар рухсат олиб, саломхонани тарк қилишар экан, Саримсоқбек эшик томон юраётган Юсуфбек ҳожини қайтариб олиб қолди.

– Бир дақиқага, ҳожим, – Саримсоқбек қайтиб келиб курсига ўтирган Юсуфбек ҳожининг юзларига бир муддат тикилиб туриб, гапини давом қилди, – шундоққина юзингиздан билиниб турипти, ҳожим... Тахтга

ўтиришим сизга маъқул келмади, шекилли... Ростини айтинг.

Кўзини гиламга тикиб ўтирган Юсуфбек ҳожи пешанасини тириштириб, чуқур нафас олди-да, Саримсоқбекка қараб, оҳисталик билан деди:

– Ҳоким жаноблари, жанобларини Фарғона мамлакатининг тахтида кўриш, менинг энг катта орзуим. Сизнинг мамлакатда тинчлик ўрнатиб, адолат билан идора қилишингизга ишонаман.

– Шундай экан, нечун кайфиятингиз йўқ?

– Мен Мусулмонқул мингбошига ишонмайман, ҳоким жаноблари, бу саҳройи қипчоқни ўлгудай қасамхўр дейишади.

– Мусулмонқулга мен ҳам ишонмайман, ҳожим.

Юсуфбек ҳожи ҳайрон бўлиб, Саримсоқбекка савол назари билан қаради.

– Аввалоси Худо, қоловурса, мен пиримга ишонаман, ҳожим. Ўзингиз биласиз, пирим булоқнинг сувидай покиза, одил, ҳақгўй, ўта художўй одам. Пирим ёнимда бўлсалар агар, мен ҳеч кимдан қўрқмайман.

– Тўрамдан заррача шубҳам йўқ, ҳоким жаноблари, – деди Юсуфбек ҳожи қошларини баланд кўтарганча бир оз ўйланиб туриб, гапини давом қилди, – тўрам Қошғарга жўнаб кетганларидан кейин Мусулмонқул бирон-бир фитнаю найранг қилмаса деб қўрқаман.

– Хотиржам бўлинг, ҳожим, бу томонини ўйлаб қўйганман. Мусулмонқулни четроқ вилоятга бадарға қилмагунимча пирим ёнимда бўладилар.

– Ундай бўлса, яхши... Жуда ҳам яхши, кўнглим энди хотиржам тортти, ҳоким жаноблари, – деди Юсуфбек ҳожи кенгаш бошлангандан бери биринчи марта табассум билан. Саримсоқбек беш-олти кун сурункасига Азизбекни бекларнинг кузатувида туман, қишлоқларга олиб борди. Шаҳарнинг паст-баланд жойлари билан таништирди. Сафар олдидан арконларга зиёфат бериб, рози-ризочилик тилади.

... Қавс ойининг йигирмаларида қалъанинг „Қашқар" дарвозасидан беку навкарлар кузатувида чиқиб

кетаётган „Фаранг арава"ни Қамбарали понсод навкарлари билан бирга таъзим қилган ҳолда кузатиб қолишди.

* * *

Хўжанддан Қурамага қараб чўзилган карвон йўли. Хуфтон таъхирлаб қолган. Атроф қир, адир, тўқайзор аралаш саҳро. Қавс ойининг учинчи ўн кунлиги бошлангани учун ой ҳам уроққа ўхшаб қолган бўлиб, хирагина нур сочади. Музлама бўлмаса ҳам ҳаво совуқ. Кандир довонида қор ёғаётгани учун бу ерларда ҳам бирда-ярим қор учқунлаб қўяди. Тўқайзор тулкиси ҳам тунги овга чиққан. Унинг каламуш, сичқонлардан умиди йўқ. Улар ақраб ойиданоқ ин-инларига кириб кетиб, ҳамалгача ер юзини тарк қилишган. Бундай пайтларда бўри галасидан қолган сарқитлар ҳам бўлаверади, шунда ҳам қолса. Тулки бирор-бир ўлжанинг изидан тушиш учун ҳавони ҳидлар экан, бирдан сергакланиб, қулоқларини диккайтирди. Бир оз сукунатдан кейин Хўжанд томондан келаётган отларнинг билинар-билинмас туёқ товуши эшитила бошлади. Тулки товуш келган томонга қараб, тош қотиб турди. Хира ёруғда отлиқлар кўриниши билан ўзини буталар тагига урди. Йўрға юришда келаётган отлар кўпиклаб, терлаб, хийла толиққан, отлиқларнинг қовоқларини уйиб индамай юришларига қараганда улар ҳам чарчаб, очиқиб, совқотишган. Зим-зиё чўл, адирда карвон йўлидан келаётган бу олти отлиқ Саримсоқбекни қатл қилиш учун Мусулмонқул мингбошининг фармони билан Боймурод жўнатган навкарлар эди. Улар бир кун олдин аср билан шомнинг ўртасида Хўжандга кириб келишди. Бир кеча дам олиб, саҳарлаб йўлга чиқишди. „Чаноқ овул"да отларга дам бериб, нари-бери тамадди қилган бўлишди-да, раҳбарларининг ўдағайлашидан кейин дам олмасдан яна йўлга тушишди. Навкарлардан бири совуқдан тоқати тоқ бўлди шекилли, олдинроқда кетаётган раҳбарига ғурунглади:

– Эшбой оға, отлар чарчади, озғинтай дам берайиқ. Ўзимиз ҳам ўт жоғиб, исиниб, ул-бул нарса жеб олайиқ.

– Отларди қўй, ўзинг озғинтай чидағин, айна. „Айри равот“ға жорти чақирим қолди. Борғанда барини битта қип дам оламиз.

Ярим чақиримни эшитган навкарлар жонланиб қолишди. Руҳан кўтарилиб, бир-бирларига ҳазиллашиб, гап ҳам отиб қўйишди. Бир фурсат юришгач ҳақиқатан ҳам узоқдан фонуснинг кўринар-кўринмас милтираган хира ёруғи кўзга ташланди. Отлар ҳам ўргатилгандай чироққа қараб илдамланиб қолишди. Бир чети беш-ўнта хонадон билан уланиб кетган „Айри равот“ қорайиб кўринди. „Айри равот“ карвонсаройи бошқа равотларга қараганда хийла каттароқ, карвон йўлининг чорраҳаси деса ҳам бўлади. Олд томонида суви яримлаб қолган каттагина ҳовуз, атрофида беш-ўнта танаси йўғон-йўғон тут дарахтлари бор. Шохлари тарвақайлаб бир-бирларига қўшилиб кетган тутларнинг таги айланаси супа. Тошкент, Хўжанд, Ўратепа, Кандир довони, Булоқ йўлидан келган карвонлар, шу равотда бир кун-ярим кун тўхтаб обдон дам олишади. Навкарлар шохига фонус илинган дарахт тагига келиб тўхташди.

– Ҳеч ким кўринмаяпти, Эшбой оға, тун жорти бўлғанов, ҳаммаси ухлаб жатир, шекилли, карвонлар ҳам жўқ.

– Карвонлар қиш пайтида камдан-кам журади, – деди Эшбой қаёқдандир етиб келган беш-олтита итларнинг баравар аккиллашига эътибор бермай чақирди – Ҳо-ҳо-о-ой!!... Ким бо-о-ор?!

Чоғроққина эшик очилиб, шам кўтарган хизматкор чиқди-да, навкарларни кўриб, шошганича ичкарига кириб кетди. Бир оздан сўнг елкасига чопон ташлаган, карвонсаройнинг иш бошқарувчиси – Қосим баззоз чиқиб келиб, итларни ҳайдади.

– Тур!.. Тур, кет!!.. Ҳамдам, итларни йўқот!

Қосим баззоз ёши элликдан ошган, кўзлари қисиқ, ўрта бўйли, оқ-сариқдан келган, гўштдор, калта соқол қўйган. Кўпни кўрган Қосим баззоз қурол-яроқли навкарларга бир кўз ташлаб, рўпарасида кимлар турганини дарров пайқади.

– Келинглар, бек акалар, келинглар, – тўнини елкасидан олиб кияр экан, – марҳамат қилсинлар, марҳамат.

Эшбой отдан сакраб тушди-да, қовоғининг тагидан ўқрайиб қараб туриб гапини қисқа қилиб қўя қолди.

– Ҳужра, ўтин, эт... Тез бўл!

– Жоним билан, бек ака, жоним билан, – шоша-пиша деди Қосим баззоз, сўнгра атрофга аланглаб чақирди, – ҳой, Ҳамдам, қанисан?.. Неъматти чақир, шаттамисан, ҳа-аббаракалла, бек акаларингдан отларни олиб, бостирмага олиб бор. Шошмай тур... Олдин хуржунларини олишсин, эгарларни ўшатта ечиб қуясан... Ана энди олиб бор. Ярим соатча қантариб қуйиб, кейин сув, хашак бер, тез-тез қимирла. Ҳамдам, сан паски ҳужрага югур, эшигини очиб шам ёқиб қўй... Тезлат.

Хизматкорларга иш буюриб бўлган Қосим баззоз, елкаларига хуржун илиб олган навкарларга ўгирилиб қаради-да, мулозамат қилди.

– Қани, ҳужрага марҳамат қилсинлар, бек акалар, бу ёққа марҳамат.

– Шошма! – Эшбой Қосим баззозни қамчиси билан нуқиб, тўхтатди. – Отинг нима?

– Қосимбой, бек ака, Қосимбой, – нафаси тиқилиб, жавоб берди Қосим баззоз қамчи нуқилган жойини силаб туриб, – лекин Қосим баззоз десангиз ҳамма танийди.

– Маған қара, баззоз. Равотинға навкар қўриқлаған „Фаранғ арава" келдима?

– Келди, бек ака, келди, қавснинг олтисида асрга яқин келди.

– Аравада ким кеғанини танидинғма?

– Ул зотни ким танимайди дейсиз, бек ака. Ахир ул зот пиримиз Махдуми Аъзам ҳазратларининг авлодлари, ҳожи Қулихон тўра бўладилар. Уша куни ким қаерлардан ҳар хил элатдаги одамлар зиёрат қилгани келишди. Равотимга одам сиғмай кетди, тўйдай бўлиб кетди. Бир кеча хизматларида бўлиб эртаси куни саҳарлаб Тошкандга кузатиб юбордиқ, – Қосим баззоз Эшбойга гапириб туриб бирдан ҳушёр тортдқи, – ё, Парвардигор! Бек ака, пиримга бирор нарса бўлдими?

– Арава қойттима – жўқма? – қўрслик билан сўради Эшбой саволга жавоб бермасдан.

– Ҳали қайтишгани йўқ, бек ака, қайтишгани йўқ, лекин қайтишда кириб, бир кеча дам олиб кетамиз, дейишган.

– Жахши, ҳужрага бошла.

– Марҳамат, бек ака, марҳамат.

Қосим баззоз навкарларни карвонсаройнинг ён томонидаги хос ҳужралардан бирига бошлаб борди.

– Қани, ичкарига марҳамат қилсинлар, бек акалар.

Навкарлар Қосим баззознинг орқасидан эргашиб, иккита шам билан ёритилган кенггина хонага киришди. Эшикдан киришда ўнг томонда таҳорат олиш, бет-қўл ювиш учун ташноб, ёнма-ён турган иккита катта-катта хумга сув солиб қўйилган. Эшикнинг рупарасида қозон осилган мўрилик ўчоқ, ёнида анчагина ўтин саржинлаб, тахлаб қўйилган. Эшикдан чап томон ярим қадамгача ер, у ёғи тўргача похол солиб, устига гилам ёзилган. Тўрдаги бурчакда кўрпа ёпилган сандал, атрофига кўрпачалар тўшалган. Тахмонда қулфланган сандиқ устига бешолтита кўрпа тахланган. Токчаларда ҳар хил идишлар, чойнак, пиёлалардан тортиб, коса, товоқларгача бор. Қосим баззоз ўнг қўлини тўр томонга чўзиб, деди:

– Бемалол жойлашинглар, бек акалар, хона салгина совуқроқ. Ҳамдам олов ёқиб, чўғини сандалга солгунча озгина сабр қилиб турасизлар. Ҳозир йигитларимга буюраман, чой қўйиб, овқатга ннаша...

– Жўқ, кераги жўқ! – деди Эшбой Қосим баззознинг гапини шартта бўлиб. – Чўғ ҳам, чой ҳам, кераги жўқ. Этти қўйруғиминан обкеппер, овқатти ўзимиз қиламиз, сен баззоз, бу жоғини тезлат.

– Хўп бўлади, бек ака, хўп бўлади, ҳозир гўшту қўйруқни сиз айтгандай қилиб олиб келишади.

Ҳаял ўтмай катта сопол товоқда қўй гўштини кўтариб олган Ҳамдам ҳужрага кирди-да, қўл қовуштирди.

– Бизга яна хизмат борми, бек акалар?

– Жуқ... Ишинға бор.

Ҳамдам ҳужрани тарк этгач Эшбой чакманига уралиб, кўрпачага ўтирди-да, йигитларига буйруқ бера кетди:

– Биринчи бўп, Чори, сен қозоннинг тагиға ўт жоқ. Бердиқул, сен токчадан товоқди об, қуйриқди тувра. Пиримқул, сен Мамат икковинг этти тувранғлар, қовурғаларини човип майдаланғ. Норвой, сен хуржунлардан нон, майиз об, сандалиға қўй, баринг тезлат.

Навкарлар қурол-аслаҳа, чакманларини бир четга тахлаб қўйиб астойдил ишга тушиб кетишди. Биринчи бўлиб ечинган Чори саржин ёнида турган шох-шаббани ўчоққа қалади-да, тагидан ёниб турган шамни тутиб турди. Шохлар чисирлаб ёниши билан ингичка-ингичка ўтинларни танлаб олиб, олов устига қалай бошлади.

Ўрол қозонни чайқаб бўлиб, ёнаётган ўтинларнинг тагидаги лахчани бир оз ташқарига сурди-да, устига қумғонни қўйди. Қуйруқни тўғраб бўлган Бердиқул ўчоқ олдида терлаб турган Чоридан сўради:

– Қозон қизидима?

– Қизиған.

– Қона... Наржақроқ тур-чи, айна.

Бердиқул бир лаган тўғралган қуйруқни қизиб турган қозонга жағиллатиб солди-да, капгир билан ағдара кетди. Қуйруқнинг жағиллашидан маза қилган Эшбой қозон томон бўйнини чўзиб туриб, деди:

– Жазза қип, кўпам сарғайтиб жуварма яна, бир-икки ағдариб, думбул қилдағин этти сол. Сувини кўпайтма, азғинтой сосанғ бўлади.

Бердиқул бош ирғаб терлаган пешанасини енги билан артди. Қуйруқ думбул бўлиши билан гўштни солиб яхшилаб қовурди. Сўнгра ярим коса сув солди-да, бир-икки ағдариб, тузини ростлади.

– Оловди торт, Чори, ости обқомасин тағин, – деди Бердиқул қўлидаги капгирни лаганга қўйиб, димлаш

учун қозоннинг қопқоғини ёпар экан, – чўғини сандалға сол.

Чори шаққиллаб қайнаб турган қумғонни дастқаппаги билан бирга чойнакларни тайёрлаб қўйган Пиримқулга узатди. Сўнгра оловкурак чўғни тўлдириб олар экан, тўрга қараб бақирди:

– Курпани кўтаринглар! Кули олинганма?

– Обкелавер... Кули озгинтай.

Чори қўлидаги оловкуракни эҳтиёт қилиб лўккиллаганча чўғни сандалнинг чуқурчасига солиб қайтди. Ярим исиниб, ярим совқотиб турган навкарлар чориқларини еча солиб сандалга тиқилишди.

– Вой, вое-е-ей... Сандал энам!

– Вой, масза-ғу.

– Жозғача турмасда-а-ан жотсанг.

– Сандални ким ўйлаган чиғар?

– Катта бовонг.

Ҳаммалари шарақлаб кулиб юборишди. Бир оз чақ-чақлашиб исинишгач, Норбой нонларни синдириб, Пиримқул чой қайтарди. Эшбойнинг ишораси билан Бердиқул билан Мамат эринибгина сандалдан туриб, учоқ бошига боришди. Бердиқул қозоннинг қопқоғини кўтариши билан гуп этиб юзига буғ урилди.

– Оҳ, оҳ, – деди Бердиқул оғзини катта очиб, кўзларини юмганча буғ аралаш қовурдоқнинг ҳидидан маст бўлиб, сўнгра нарироқда турган Маматга имо қилди, – қона, айна, товоқди обке.

Капгир билан қовурдоқни бир-икки ағдарди-да, Мамат ушлаб турган каттагина сопол товоққа теппа қилиб сузди. Капгир билан бир тўғрам гўштни олиб пуфлаб-пуфлаб еб кўрар экан, товоқ кўтариб турган Мамат бир ютиниб, сўради:

– Пишиптима?

– Мени қозонимга тушган эт, пишмасдан қомайди, ойна, сандалға оппор.

Эшбой сандалда буғи чиқиб турган қовурдоқнинг устига пиёзни паррак қилиб тўғрай бошлади. Иштаҳаси

қутурган навкарлар ҳиди анқиб турган қовурдоқдан кўзларини узмай бир-бир гапириб қўйишди.

– Баззозди жигитлари қозонга ўт жоққунча биз овқатти жеб буламиз.

– Сартлар қозонни шолғом билан совзиға тўлдириб, этти озғинтой солади.

– Шунинг учун кўпи орриқ-орриқ, жони жўқ.

Эшбой пиёзни тўғраб бўлиб, енгини шимарган бўлди-да, гўштли иликни олиб, бошлаб берди.

– Қона, жигитлар... Баринг тўйганинғча же...

Навкарлар бараварига қўл узатишди. Олдинига ҳаммаси жимгина кавшашга тушди. Қўллар товоққа тез-тез бориб келар, фақат чайнаш, ютиниш, томоқ қиришгина эшитиларди, холос. Товоқдаги қовурдоқ яримлаган сари қўл узатишлар ҳам секинлашиб, бирда-ярим гап-сўз ҳам бўлиб турди. Товоқ тагида бир косадай қолганда ҳамки, ҳамма тўйиб, бирин-кетин қўлларини арта бошлашди. Эшбой чойни хўриллатиб ичар экан, бармоқларини ялаётган Бердиқулдан сўради:

– Қозонда эттан қоганма?

– Озғинтой бор, мойи кўп.

– Мойи бўса, бо жахши. Товоқдағини қозонга ағдардағин, эртанғи нонуштаға устиға нон тувраб, чой билан жеб, кетамиз, ойна. Ҳа, айтғандай... Ҳамманг гавимди қулағинға жахшилаб қуйиб ол, – Эшбой хушёр тортган навкарларга бирров кўз югуртириб, гапини давом қилди, – эрта-индин жўлдама, чўлдама „Фаранг арава"ни учратсақ, нима учун кеганимизди Ўсканбийди ўзи ҳам, навкарлари ҳам билмасин, тушундиларинғма?

Навкарлар сўзсиз бош ирғаб, бир-бирларига қараб олишди. Бердиқул қўлини артаётиб эҳтиётлик билан Эшбойдан сўради:

– Оға, нимаға кеганимизди улардан жашириб нима қиламиз, Ўсканбий оға қорачопонмас, қипчоқ-қу. Ё, Саримсоқбекка айтиб қўяма?

– Бунисини билмайман. Боймурот оға маған шуйтиб тайинлади. Саримсоқбек Ўсканбийға „тахтға ўтирсам,

фалон шаҳарға ҳоким қип тайинлайман", деб ваъда қип қўйған бўса иш чатоқ, бундай пойтта Ўсканбий Саримсоқбекди қотти қўриқлайди. Нимаға кеганимизди айтиб қўйсақ, хонзодани ўрниға олтовмизди калламиз учиб журмасин тағин. Шунинғ учун Ўсканбийға айтмай турғанимиз маъқул, тушундиларинғма?

– Тушундиқ.

Навкарлар чой устида у ёқ-бу ёқдан бир оз гурунглашиб ўтиришди. Дастурхонни ҳам йиғиштирмасдан шамни пуфлаб ўчиришди. Кун буйи от устида юриб, чарчашганидан ўтирган жойларида чўзилиб қотиб қолишди.

„Айри равот"да ҳамма уйқуга кетган, фақат бостирмадаги отларгина дам-бадам ҳуриллаб, депсиниб курсиллатганча беда чайнашарди...

Эртаси куни Қосим баззоз одатдагидек бомдоддан кейин карвонсаройни айланишга тушди. Мавсум тугаган бўлса ҳам „Айри равот"дан йўловчи мусофирлар узилмайди. Баҳордан бошлаб қарийб қишгача равот карвон билан келган одамлар билан гавжум булади. Қишда у шаҳардан бу шаҳарга борадиган чорбозорчи косиблар, деҳқонлар, жаллоблар, майда савдогарлар қўниб ўтади. Чорбозорчилар ҳеч қачон якка йўлга чиқишмас, ҳар доим бир-бирларига ҳамроҳ бўлиб беш-ўнта эшак-арава, от-арава қилиб йўлга чиқишади. Равот хонликка қарашли бўлиб, бир вақтлар Абдуллахон томондан қурилган, кейинчалик Қўқон хонликлари томонидан бир неча марта таъмирланган. Бошқа равот, сардобаларда бўлгани каби бу ерда ҳам хонликка қарашли беш-ўнта отлар совутилиб, боқувда тайёр турар, хоннинг амалдорлари, чопарлари ўтганда „Айри равот"га қўниб, отларини алмаштиришади. Карвонсаройга кирилганда саройнинг ўртаси туя юрадиган йўлак бўлиб, йўлакнинг икки чеккаси кетганча супа. Йўлакнинг ўзидаёқ туялар чўктирилади, сўнгра кажава, юклар туширилиб, супа устига тахланади. Ҳар бир супанинг тўрида савдогарлар истиқомат қиладиган ҳужралари бор. Сарой ичидаги

супа, ҳужралар обрўли, эътиборли, йирик савдогарлар учун, мундоғроқ савдогарлар одатда ҳовуз бўйи супаларга қўнишади. Тагжой нархи ҳам саройдагига қарағанда арзонроқ. Юқдан бўшаган туяларни маҳаллий шутурбонлар, асосан, ўсмир болалар арзимаган тангачақага бир кун-ярим кун адир, яйловга ўтлатгани олиб кетишади.

Қосим баззоз ҳувиллаб ётган саройга кирди. Супаларда тахланган яккам-дуккам юкларни ҳисобга олмаганда, сўрилар деярли бўм-бўш, қатор ҳужралардан беш-олтитасигина банд холос. Чорбозорчилар бири чой қўйган, бири нонушта қилган, бири ҳисоб-китобга ўтирган. Қосим баззоз йўлакдан юриб борар экан, қарийб ҳаммаси таниш бўлиб кетган чорбозорчилар билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашди. Бозорлардаги нарх-наво билан қизиққан бўлди. Сўнгра чап томондаги йўлакка бурилди-да, икки ҳужра оралиғидаги чоғроқ эшикдан ҳовлига чиқди. Бостирманинг бир чеккасида молларнинг тагини тозалаётган Неъматнинг олдига борди.

– Ҳорма, Неъматбой!

– Ассалому алайкум, хўжайин.

– Ваалайкум, отларга ҳам қарадингми?

– Суғориб, арпасини бердим, хўжайин.

– Баракалла, салдан кейин эгарлаб, бандарга олиб чиқиб, боғлаб қўй.

– Отларни алмаштирмайми?

– Ҳожати йўқ, булар чопар эмас, алмаштириш керак бўлганда эди, кеча айтишган бўларди. Ўзлариникини эгарла, ем халталарига арпа солиб, эгарларини қошига илиб қўй.

– Хўп бўлади, хўжайин.

Қосим баззоз бостирмадаги араваю отларга бирров кўз югуртириб, омборга қараб юрди. Кун чиқмасданоқ чорбозорчилар нари-бери нонушта қилишди-да, араваю отларига миниб, жўнаб кетишди. Чошгоҳга яқин хуржунларини кўтариб олган навкарлар, ланг очиқ дарвозадан чиқиб, отлар боғланган бандарга қараб юришди. Ҳовуз атрофида тўпланган хазонларни йиғиб,

қаноргa жойлаётган Ҳамдам қаддини ростлаб қўл қовуштириб турди. Шу пайт ичкаридан Қосим баззоз чиқди. Орқасидан тугунчалар билан тўла савaт кўтарган хизматкор келар эди.

– Яхши дам олдиларингизми, бек акалар? – Қосим баззоз саватдан тугунчаларни олиб, навкарларга биттадан бераётиб, – йўлга озиқ, бек акалар.

Эшбой тугунчаларни кўриб ишшайганча деди:

– Ишингди жахши билар экансан, баззоз.

– Вазифамиз шунақа, бек ака.

– Кимга ҳисоб берасан?

– Сармунший Муҳаммад Ражаб жанобларига, бек ака.

– Жахши.

Навкарлар қоринбоғни бир-бир тортиб кўриб, отларига минишди.

– Сўрағанга „хонди чопарлари", деб ойт, жахши қол, баззоз.

– Яхши боринглар, сафарларингиз бехатар бўлсин, бек акалар. Қайтишда қўниб ўтинглар.

Навкарлар отларини ниқташди. Қосим баззоз хизматкорлари билан қўл боғлаганча уларни кузатиб қолди. Ҳовуз лабида қўл қовуштириб турган Ҳамдам, Қосим баззозга яқинроқ келиб, сўради:

– Хўжайин, буларнинг чопар эмаслиги аниқ, савдогар ёки амалдорга ҳам ўхшамайди, булар кимлар ўзи?

– Э-э... Ҳамдам ука, товба қилдим, булар хоннинг азроиллари. Кимнингдир жонини хуфёна олишга кетишяпти, назаримда. Чопар, амалдорларнинг хизматини юриб қилсанг, буларнинг хизматини югуриб қилгин. Хатога йўл қўйсанг, амалдор бақириб, ўшқириб қўя қолади, булар индамасдан каллангни олиб, пинагини ҳам бузмайди, – Қосим баззоз даҳшатдан бақрайиб қотиб қолган хизматкорларига бирров кўз югуртириб, кўзларини ола-кула қилганча гапини давом қилди, – бировга чурқ этиб, оғиз оча кўрманглар, балога қолиб кетмайлик яна. Энди ишларингизга бо-

ринг. Хидир вофурушнинг гапига қараганда кечқурун Хўжанд томондан карвон келади. Хумларни сувга тўлдириб қўйинг, таҳоратхона, ҳожатхоналарни ростлаб, тартиб қилиб қўйинглар.

Хизматкорлар кетишгач Қосим баззоз узоқлашиб кетаётган отлиқларнинг ортидан бир оз қараб турди-да, сўнгра „астафируллоҳ, товба қилдим, Парвардигор, бало-офатлардан ўзинг асра", – деб пичирлаганча ҳужрасига кириб кетди.

* * *

Қурама вилоятидаги Кировчи шаҳри, Хўжанд билан Тошкентнинг қарийб ўртасида. Кировчи беклиги Олимхонга қадар мустақиллигини сақлаб турди. Норбўтабийдан кейин ўғли Олимхон тахтга ўтиргач, Хўжанд, Ўратепа, Тошкент, Чимкент, Туркистон, Қурама вилоятлари бекликларини бўйсундирди. Олимхондан кейин Умархон, Дашти Қипчоқдан тортиб Кўҳистон, Кўлоб, Шаҳрисабз ҳисобига мамлакатни кенгайтирди. Мадалихон даврида Ҳисор, Дарвоз, Қоратегин, Бадахшон, Мастчоҳ ҳамда қирғизларнинг баъзи бир туманлари бўйсундирилди. Худоёрхонга қадар гоҳ Бухоро амирлиги, гоҳ Қўқон хонлиги бошқа шаҳарлардаги каби Кировчида ҳам беклар алмаштириб турилди. Шаҳар тўрт дарвозали қалъа девори билан ўралган, иккита дарвозадан дала, чорвоқ, қишлоқ, овулларга борилади. Қолган икки дарвозадан карвон билан келган савдогарлар, чопарлар, косиблар, йўловчилар, чорбозорчилар кириб-чиқишади. Нормуҳаммаднинг Кировчига келганига ҳам қарийб икки ой нари-бери бўлиб қолган. Келган куни эртасиёқ у ўрда беклари билан кенгаш ўтказиб олди-да, енг шимариб ишга тушиб кетди. Бозор, расталарда тартиб ўрнатди. Йиллик солиқларни халқнинг кўтаришига қараб, қайтадан белгилади. Карвонлар учун олинадиган божни камайтирди, карвонсаройни кенгайтириб қайта таъмирлашга фармон берди. Сарбозхонада қаттиқ интизом ўрнатди. Аввалига „келган ҳокимларнинг бит-

таси-да", деб лоқайдроқ бўлиб юрган ўрда беклари, Нормуҳаммаднинг шаҳар ободонлиги учун астойдил саъй-ҳаракат қилиб, одилона иш юритишидан кўнгиллари тўлиб, уни ҳурмат қила бошлашди. Буйруқ берса, астойдил бажарадиган бўлишди. Қисқа вақт ичида қилинаётган ишлар кўзга ташланиб, халқ ичида обрў-эътибори ошди. Айниқса, шаҳар ташқарисида, далада, чорбоғларда экин-тикин қилаётган деҳқонларнинг жонига оро кирди. Ҳар йили қозоқларнинг чорва моллари, йилқилари экинларни пайҳон қилиб ташлар, бечора деҳқонларнинг қўлидан ҳеч нарса келмас эди. Бунга чек қўйиш учун Нормуҳаммад овуллардаги қозоқ бийларини ўрдага чақиртириб келтирди.

– Қайси жуздансизлар, бий оғалар?

– Улли жуздан, бек жигит.

– Йиллиқ солиқни кимга беряпсизлар?

– Хўжанд ҳокимиға беряппиз, бек жигит.

– Бу ёғи қизиқ бўлди-ку, бий оғалар, чорва-моллаpингизни, уюр-уюр йилқиларингизни ёзда Қурама тоғларида боқсаларинг, қишда даласида боқсаларинг, нима учун солиқди бизга бермай Хўжанд ҳокимига берасизлар?

– Хоннинг катта мирзаси бизға шуйтиб айтган, бек жигит, бизда айб жўқ.

– У пайтда Қўқон хони амирнинг одами эди. Хўжанднинг ҳокимиям манғит эди, ҳозир улар йўқ. Келаси йилдан бошлаб солиқни Кировчи ҳокимлигига берасизлар, маъқулми?

Бийлар бир-бирларига қараб олишди, ўзаро пичирлашишди-да, сўнгра бийларнинг каттаси Нормуҳаммадга қараб, бош ирғади.

– Маъқул, бек жигит, лекин катта мирзаға жавопини ўзингиз берасиз.

– Келишдик, бий оғалар, бу биринчи масала, энди иккинчи масалага ўтсақ, деҳқонларимизнинг далаларидаги экин-тикинлари тўғрисида. Чорваларингиз экинларни пайҳон қилипди. Айниқса, йилқиларингиз бир кечада уч-тўрт таноб ерни пайҳон қилиб ташлапди. Деҳқонларнинг ёзи билан қилган меҳнати бир пул бўлди.

– Энди-и, бек жигит, ҳайвон, ҳайвон-да, эси жўқ.

Бийларнинг экин пайҳонига бунчалик лоқайдлик билан қарашларига Нормуҳаммаднинг жаҳли чиқиб кетди.

– Моллариинг эси бўлмаса, эгасиниям эси йўқми? – қовоғини уйганча товушини бир парда кўтарди, – Бийлардан шу гап чиққандан кейин одамлари гўр бўлармиди. Овулга борганингизда одамларингизга айтиб қўйинглар. Қулоқларига қуйиб олишсин. Ҳозир қиш, майли, чорвани хоҳлаган жойда боқишсин. Лекин баҳор келиб, деҳқонлар экин-тикинини бошлаганда ҳушёр бўлишсин. Тартибни назорат қилиш учун навкар қўйдираман. Бир газ экин пайҳон бўлса ҳам деҳқонларнинг бир йиллиқ ҳосилини мирзаларга ҳисоблатиб, тўрт баробар қилиб ундириб олиб бераман. Шу одамнинг ўзи моллари билан яна кўлга тушса, товондан ташқари йигирма дарра урдириб, бир ой зиндонга ташлайман, ҳаммангиз тушундингизми, бий оғалар?

Нормуҳаммаднинг пўписасидан чўчиб кетган бийлар бир-бирларига қараб, кенгашмасданоқ сўзсиз бош иргаб қўяқолишди...

Нормуҳаммад Азимбек билан ҳар куни кечқурун гоҳ шомгача, гоҳ хуфтонгача суҳбатлашар, ишларни таҳлил қилишар, навбатдаги ишларни хомаки режалаштириб, эртаси куни ўрда беклари билан кенгаш ўтказар эди. Ана шундай суҳбатларнинг бирида соқчибоши хонага ҳовлиқиб кириб, таъзим адо қилди.

– Нима гап?

– Қулихон тўрам келдилар, бек ака.

– Қулихон тўрам?

– Шундай, бек ака, қашқарлик Қулихон тўрам, „Лангар" дарвозасидан кирганларига қараганда Хўжанд томондан келган бўлсалар кераг-ов.

– „Хўжанд томондан" дейсанми? – Нормуҳаммад Азимбекка бир қараб олиб. – Қулихон тўрам хон ҳазратларининг пирлари-ку, жўра, бир чақирим, ярим чақирим олдиларига пешвоз чиқиб кутиб олиш керак, – ўрнидан турар экан соқчибошига буюрди, – отларни эгарлашсин, бекларни чақир, тез бўл, қош қорайиб боряпти.

– Турам ўрда ҳовлисидалар, бек ака.

– Ўрда ҳовлисидалар!?.. Ё, товба, ўзлари келдиларми? Ёнларида ҳамроҳлари борми? Олдинроқ хабар юборсалар, кутиб олар эдик.

Нормуҳаммад билан Азимбек соқчибошининг орқасидан ташқарига отилишди. Қулихон туранинг ҳеч кимга хабар бермай туйқусдан ўрдага кириб келишидан аввалига шошиб қолишди. Кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашилгач, меҳмонларни ҳужраларга жойлаштиришди. Тура шом намозига туриши билан Нормуҳаммад Азимбек билан маслаҳатлашиб туранинг ҳурматлари учун беку боёнларни чақириб, зиёфат бермоқчи бўлди. Лекин Қулихон тура намозни ўқиб бўлиб, Нормуҳаммадни секин имлаб чақирди.

– Нормуҳаммад ўғлим.

– Лаббай, туражоним.

– Мени хурсандлигимга қарасанғиз, келганимни зинҳор ҳеч кимга айтманг, меҳмон ҳам чақиртиманг, ўғлим, йўл мени чарчатиб қўйди. Хобгоҳга кириб дам оламан. Саҳарлаб йўлга чиқамиз.

– Келиб, кетганингизни муридларингиз эшитса, хафа бўлишмасмикин, дейман-да.

– Сиз айтмасанғиз, билишмайди, ўғлим, мабодоки билиб қолган тақдирда ҳам уларга айтинг, Тошканддан қайтишда роса икки кун шу ерда бўламан.

– Сиз нима десангиз, шу, туражоним.

Енгил тамаддидан кейин тура билан муридини хобгоҳга кузатиб қўйишди. Нормуҳаммад билан Азимбек қолган меҳмонлардан хабар олиш учун ташқи ҳовлидаги ҳужраларга қараб йўл олишди. Йўлдан чарчаб келишган шекилли, Азизбек Ўсканбий билан бир ҳужрада, навкарлар бошқа ҳужраларда донг қотиб ётишар эди.

– Сизга ҳеч нарса қизиқ туюлмаяптими, жўра? – Ҳужраларига қайтишар экан, Азимбек Нормуҳаммаддан сўради.

– Менга ғалати туюлган нарса Қулихон турадай одамга Азизбекни ҳамроҳ бўлиши, турам уни нега ўзлари билан олиб юрибдилар, шунга ҳайронман.

– Ёшлиқда қилган гуноҳларини ювиш учун тўрамга мурид бўлиб тушгандир-да.

Мириқиб кулишди-да, бир-бирларига хайрли тун тилаб, ўз ҳужраларига кириб кетишди. Саҳарлаб йўлга чиққан Қулихон тўра билан ҳамроҳларини, Нормуҳаммад уч-тўртта беклар билан шаҳар дарвозасигача кузатиб, қайтишди...

Чамаси ўн беш-йигирма кунлардан кейин Қулихон тўранинг Тошкентдан қайтиб келаётгани тўғрисида хабар келди. Тўра шаҳарга яқинлашиб қолгач Нормуҳаммад, уни кўриб олиш учун Азимбек билан беку-навкарлар ҳамроҳлигида йўлга чиқди. Бир чақирим юрар-юрмас, узоқдан отлиқлар билан бирга келаётган „Фаранг арава" кўзга ташланди. Нормуҳаммад отини ниқтаб, уларга яқинлашиб борар экан, олдинда келаётган отлиқларнинг бири унинг диққатини тортди.

– Азимбек, ўртадаги отлиқни танияпсизми?

– Оқ қалпоқ кийганними?

– Ўшани.

Азимбек қўлини пешанасига соябон қилиб, бир муддат қараб турди-да, ҳайратомуз хитоб қилди:

– Ё товба, ахир бу хонзода-ку, Саримсоқбек!

– Худди ўзи, мингбоши Азизбекни бекордан-бекорга тўрам билан қўшиб юбормаган экан. „Тошканддан хабардор бўлиб тур" деганига энди тушундим.

– Мингбоши Азизбекни Тошкандга ҳоким қилиб тайинлаган, деб ўйлайсизми?

– Худди шундай.

– Хонзода нега Қўқонга боряпти?

– Товба қилдиму, хонзода Саримсоқбекни Қўқонда иккитанинг бири кутаяпти, жўра, ё тахт, ё ажал.

– Ё, Раббий!.. – Азимбек Нормуҳаммадга даҳшат билан қараб, – мингбоши куёвини тахтдан олмаса керак, демак, хонзодани Қўқонда ажал кутаяпти.

– Топдингиз, жўра.

– Наҳотки булардан хоннинг хабари бўлмаса?

– Менимча, хоннинг ҳам, Қулихон тўранинг ҳам бу ишдан хабарлари йўқ. Бу мингбоши бошлиқ қипчоқ-

ларнинг найранги. Улар яқинлашиб қолди, жўра, мавридини топиб, кечқурун гаплашамиз.

Бу орада отлиқлар бир-бирларига анча яқин келишди. Нормуҳаммад отининг жиловини тортиб тўхтатди-да, эгардан сакраб тушиб, олдинроқда келаётган Саримсоқбекка таъзим қилди...

Йўлдан чарчаб келган меҳмонлар „суҳбатни эртага қиламиз", деб хуфтондан кейинроқ чўзилиб қўя қолишди. Нормуҳаммад билан Азимбек холи бўлишгач, саломхона ёнидаги ҳужрага киришди-да, ҳар бирлари ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлади. Кенгаш у маслаҳатдан кейин вақтни ўтказмасдан Азимбек Қўқонга жўнайдиган бўлди. Ҳужрадан чиқишар экан, Нормуҳаммад Азимбекка мурожаат қилди:

– Гап шу, жўражон, ҳеч қаёққа бурилмасдан тўғри чорбоққа бориб, амакингиз билан учрашинг. Бу ерда кўрганларингизни ҳаммасини айтинг. Амакингиз нима десалар, шу бўлади. Ҳар эҳтимолга қарши ўрда бекларига „Қаноатшонинг олдига юбордим", деб айтаман.

Бир соатлардан кейин Нормуҳаммад Азимбекни тўртта навкар ҳамроҳлигида „Лангар" дарвозадан чиқариб, Қўқонга кузатиб юборди...

Эртаси куни Қулихон туранинг келганидан хабар топган атроф қишлоқ, овул одамлари „Пиримға назр", деб бири қўй, бири мол етаклаганча турани зиёрат дуосини олиш учун тўп-тўп бўлиб ўрда томон кела бошлашди. Отлар турадиган кўра қўй, молга тўлиб кетди. Ўрда ҳовлисию ташқари одамлар билан гавжум. Ҳаво салқинроқ бўлса ҳам қуруқ бўлгани учун Нормуҳаммад ўрда олдидаги яланглиққа зиёратчилар учун жой тайёрлатди. Назрга келган моллардан сўйилиб, дошқозонларда ошпазлар ошга уннашди. Чошгоҳга яқин ҳудайчи ўрдадан чиқиб, гилам, кўрпача тўшалган шоҳсупага қараб юрар экан, гурунг қилиб ўтирган зиёратчилар жим бўлиб, ҳудайчига қарашди. Ҳудайчи супа олдига келиб тўхтади-да, йўталиб олиб, баланд товушда эълон қилди:

– Ҳожи Қулихон тўра ҳазратлари, хонзода жаноблари, ҳоким жаноблари аъламу, арконлар билан ташриф буюряптилар!

Ўрда дарвозасида Қулихон тўра кўриниши билан мингдан ортиқ зиёратчилар гур этиб ўтирган жойларидан туришиб, таъзим адо қилишди. Тўрадан бир қадам орқароқда Саримсоқбек, Нормуҳаммад, қозикалон, аъламлар, беклар келишади. Улар шоҳсупага бориб ўтиргунга қадар жамоа қўл боғлаган ҳолда одоб сақлаб турди. Ҳудайчи супага бир қараб олиб чақирди:

– Рухсати фароға-а-ат!!

Ҳудайчи билан ўртада хизмат қилиб юрган бешўнта дастурхончилардан ташқари ҳамма жойига ўтирди. Қулихон тўра дуога қўл кўтарди.

– Илоҳи оми-и-ин!!

– Оми-и-и-ин!!

– Робби анзилни мин залан муборакан ва анта хайран мунзилин. Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўтганларимизни ғариқи раҳмат қилсин, ҳаётларимизни сиҳат қилсин, беморларимизга шифойи комил ато қилсин, сафардағиларнинг сафарини бехатар қилсин, фарзандларимизнинг кишти-корларига ривож берсин, мамлакатимизда, вилоятларимизда, шаҳарларимизда, хонадонларимизда тинчлик, сиҳатлик, файзу баракот, ободончилик ато қилсин, бираҳматика ё арҳамар роҳимин!!

– Оллоҳу акба-а-ар!!

Қулихон тўранинг ишораси билан зиёратчилар супа атрофини гир айланиб, яқинроқ келиб ўтиришди. Тўра ширали овозда амри маъруфни бошлади.

– Бисмиллаҳир роҳманир роҳим... Алҳамду лиллаҳиллази холақона минал адам, ва жа алана умматал лиҳабибиҳил акрам, саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи ва асҳобиҳи ва саллам, ва баъдо... Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу муҳтарам, азиз биродарлар. Еру осмонни, сизу бизларни яратган Оллоҳ субҳонаҳу ва таолоға ҳамду санолар бўлсин, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламға салавотлар бўлсин. Пайғамбаримиз шундай марҳамат қилди-

лар. Инсонда учта ҳаёт бўлар экан, биринчиси сизу биз яшаб турган дунёвий ҳаёт, иккинчиси қабристондаги барзах ҳаёти, учинчиси қиёматдаги охират ҳаёти бўлар экан. Барзах ҳаётида савол-жавоб осон бўлиши учун, маҳшаргоҳда „Номаи аъмол“ китоби адолат тарозисининг савоб палласини босиши учун дунёвий ҳаётда Оллоҳнинг фарз, вожибини, пайғамбаримизнинг суннатларини бажо келтиришимиз лозим. Дунёвий ҳаётда хайрли амаллар қилишимиз лозим. Қилинган ҳар қандай амал яхшими, ёмонми, „Номаи аъмол“га ёзилиб қўйилар экан. Оллоҳ Қуръонда шундай дейди, „Фаман яъмал мисқола зарратин хайран яраҳ“, яъни, кимки дунёвий ҳаётида зарра, мисқолчалик яхши амал қилса, қиёматда ўшанга яраша мукофотини олади, ва аксинча „Ва ман яъмал мисқола зарратин шарран яраҳ“, яъни, кимки дунёвий ҳаётида зарра мисқолчалик ёмон амал қилган бўлса, ўшанга яраша жазосини ҳам олар экан. Вақт ғанимат, биродарлар, Азроил омонатга қачон келишини ҳеч қайсимиз билмаймиз. Дунёвий ҳаётга ҳеч бир жонзот абадий қолмайди. „Куллу нафсун зоиқатул мавт“, яъни ҳамма жондор вақти келиб, ажал шаробидан тотиб, омонатни топширади. Омонат топширилгандан кейин „Номаи аъмол“ китоби ёпилиб, савоб ҳам, гуноҳ ҳам ёзилмас экан. Магарам учта нарсадан савоб ёзилиб турар экан. Бу учта нарсанинг номини „Садақаи жория“, дейдилар. Биринчиси...

Қулихон ғура амри маъруфни оят, ҳадисдан бошлаб, кейин тариқат пирларининг ҳаётларидан сўзлади. Халқ амри маъруфни обдон мириқиб эшитди. Оят, ҳадисдан айтилганда зиёратчиларнинг эътиқод, ихлослари ошди. Пирларнинг оғир дамларда сабр, қаноатлари, шижоатлари, кароматлари ҳақида гапирилганда руҳан кўтарилиб, завқландилар. Амри маъруф тугаши билан мавлуд ўқилиб, орқасидан ош тортилди. Ошдан кейин шаҳар имом-хатиби ёқимли овозда Қуръондан қироат қилди. Қулихон ғура қироатдан, нарзу ниёздан, эҳсонлардан ҳосил бўлган савобни ўтганларнинг руҳларига фисабилиллоҳ ҳадоя этди. Охирида жамоани, ошпазлар-

ни, елиб-югуриб хизмат қилганларни узундан-узоқ дуо қилди. Тўра Саримсоқбек билан Нормуҳаммаднинг ёрдамида ўрнидан туриши билан ҳамма қалқиб, ўрнидан қузғалди. Зиёратчилар орасидан Қулихон тўрага нисбатан миннатдорчилик хитоблари янгради.

– Раҳмат, тўражоним!

– Худойим тўрамди балою-қазодан асрасин!

– Бахтимизга ҳар доим омон бўлинг!

– Юзга киринг, тўражоним!

– Парвардигор тўражонимнинг сафарларини бехатар қилсин.

Қулихон тўра қуллуқ қилганча ҳамроҳлари билан ўрда дарвозасига қараб юрди...

Зиёратчилар билан бўлиб, обдан чарчаган тўра эртаси кун бўйи дам олиб, индин саҳар ҳамроҳлари билан йўлга чиқди. Нормуҳаммад одоб юзасидан меҳмонларни ўрда беклари билан бирга кузатиб борди. Қишлоқ, чорбоғлар орқада қолиб, чўл бошланди. Қуёш кетмон бўйи кўтарилиб, янтоқ, шураларнинг шохига қунган қировни эрита бошлаган. „Фаранг арава"дан анча олдинда тўрт отлиқ, икки ёнида беклар узаро суҳбатлашиб боришар, хийла орқароқда соқчи навкарлар келишар эди. Чўлда бир чақирим нари-бери йўл юришгач, арава секинлаб тўхтади. Муъжазгина эшиги очилиб, ўриндиқда ўтирган Қулихон тўра кўринди.

– Нормуҳаммад ўғлим.

– Лаббай, тўражоним.

– Мудраб қолиб, сизлар хаёлимдан фаромуш бўлибсизлар-ку, энди шу ердан орқага қайтинглар.

– Яна озгина кузатиб борайлик, тўражоним.

– Йўқ, йўқ, бўлди, шу ерғача кузатиб келдиларингиз, кифоя, – Қулихон тўра Нормуҳаммадни дуо қилиб, юзига фотиҳа тортди, – энди қайтинглар, ўғлим, Оллоҳ сизларни ёмон назарлардан асрасин, яхши қолинг, бутам.

– Яхши боринг, тўражоним.

– Саримсоқбек, сиз мени ёнимга келинг, ўғлим, „Айри равот"ғача суҳбатлашиб борамиз.

– Хўп бўлади, тўражоним.

Саримсоқбек отининг жиловини навкарга тутқазида, аравага чиқишдан олдин Нормуҳаммадга қаради.

– Яхши қолинг, бек.

– Яхши боринг, хонзодам, сафарингиз бехатар бўлсин.

Саримсоқбек „Фаранг арава"нинг зинасини тушириб ўтирмасдан чаққонгина чиқиб, Қулихон тўранинг ёнига ўтирди-да, кигиз устидан чарм қопланган эшигини ёпди. Аравакаш ёнида пўстинга ўралиб ўтириб олган тўранинг муридига бир қараб олиб, юганни силтаганча қичқирди:

– Чу-у, жониворлар!

Арава енгилгина жойидан қўзғалди. Нормуҳаммаднинг ишораси билан беку навкарлар отларига минишди. Усканбий отини ниқтаб унга ўгирилиб қаради.

– Жахши қол, бек, тузунға рози бўл.

– Яхши боринг, бек ака.

Нормуҳаммад узоқлашиб кетаётган отлиқларнинг ортидан бир оз кузатиб турди-да, отининг бошини шаҳар томон бурар экан, ён томонда турган беклар ҳам отларини ниқташиб жойларидан жилишди. Карвонлар одатда куни бўйи бир марҳала йўл босишади. Бир марҳала – ўттиз чақирим нари-бери. Кировчи билан „Айри равот"нинг оралиғи марҳаладан камроқ бўлгани учун „Фаранг арава"ни кузатиб келаётган отлиқлар шошмасдан лўкки юришда боришар эди. Қулихон тўра билан Саримсоқбекнинг суҳбати бозор, раста, нарх-наводан бошланди. Суҳбат давомида келди-кетди карвонлар, савдогарлар, деҳқончиликдан олинган ҳосил лар ҳақида гаплашдилар. Ҳаво анчагина илиб қолгани учун Қулихон тўра туя жунидан босилган юпқа чакмонни тиззаси устидан олиб, рўпара ўриндиққа ташлади-да, тасбеҳ доналарини шошмасдан битта-битта ўгириб туриб, деди:

– Ўғлим, Фарғона мамлакатида қанчалик ободонгарчилиқ, тинчлиқ барқарор бўлиб турса, сизларнинғ соялаpингизда биз шарқий туркистонликлар ҳам хотиржам ҳаёт кечирамиз. Шу масалада Қўқонға келишимдан олдин Валихон тўранинг олдиларига кирувдим.

– Турам тинчмилар?

– Жуда ҳам тинч деб бўлмайди, бутам... Диёримизга Хитой хавф солиб турса, қанақа тинчлиқ бўлсин?

– Сарҳадга дахл қиляптими?

– Очиқдан-очиқ дахл қилмаса ҳам шунга яқинроқ. Ўтган йил ёзда Русия-Хитой ўртасида Ғулжа шартномаси бўлиб ўтди. Шу шартномадан кейин шарқий Туркистонда бир оз тинчлиқ бўлиб турибди. Лекин Хитойга ишониб бўлмайди, бутам, бугун бўлмаса, эртага босиб келиши ҳеч гап эмас. Ана шундай хавф-хатарларни ҳисобга олиб, Валихон туранинг ўрдаларида аркони давлат машварат қилдиқ. Мухтасари машварат шул бўлдики, ғайридин хитойлиқларга тобе бўлгандан кўра, Қўқон хонлиғига тобе бўлиш ҳазорон афзалроқ деган қарорга келдиқ. Фарғона мамлакати салоҳиятли бўлиши лозим, шундагина Хитой бизга таҳдид қилмайди. Бобокалонимиз подшоҳи жаннатмакон Оффоқхўжа ҳазратлари, (Худо раҳмат қилсин) даврларида шарқий Туркистон гуллаб-яшнаган эди. Айниқса, Қошғар обод бўлиб эди. Ҳазратимдан кейин Хитой босиб келди. Асрлар буйи иккала томондан жангу жадаллар бўлиб турди. Тарих 1234 ҳижрий (1818 милодий) йилидан бошлаб Махдуми Аъзам авлодимиздан Жаҳонгирхон тура қушинга бош бўлиб, муҳораба билан шарқий Туркистонни Хитойдан озод қилиб, истиқлолга эришдиқ. Дўзахи Хитой ҳар икки-уч йилда бир яъжуж-маъжуждай ёпирилиб келиб, жангу жадаллар қилишди. Ҳазорон афсуслар бўлсинки, кейингги жанғларнинг бирида Жаҳонгирхон тура мағлубият аламини тортиб асир олиндилар. Уша йили 1244 ҳижрийда (1828 милодий) Жаҳонгирхон турани Хитой пойтахти бўлмиш Пекинга олиб бориб, қатл қилишди, (Инно лиллоҳи ва инно илайҳи рожиун). Қулихон туранинг товуши бўғилиб, кўзлари ёшга тўлди. Саримсоқбек пирининг қўлларидан ушлаб, ҳамдардлик билдирди.

– Парвардигор турамга шаҳидлиқ даражасини бериб, раҳматига олсин. Дилингиз вайрон бўлмасин, туражоним, диққат бўлманг. Худо хоҳласа, вақти келиб, Хитойлардан турамнинг қасосларини оламиз.

Қулихон тўра кўз ёшларини рўмол билан артиб, бир оз нафасини ростлади-да, Саримсоқбекка миннатдорчилик билдириб, гапини давом қилди:

– Раҳмат, уғлим... Гапларингизни эшитиб, кўнглим анча хотиржам тортти. Биз Жаҳонгирхон тўра билан ака-уканинг болаларимиз. Орадан икки йил ўтиб, Маъдалихон ҳазратлари кўмакларида Юсуфхўжа жанг билан Қошғарни хитойлардан озод қилдилар. Бир йил ўтар-ўтмас Хитой мўр-малахдай босиб келиб, шарқий Туркистонни нисфидан кўпроғини босиб олди. Юсуфхўжа бир қанча ёронлари билан Қошғардан чиқиб, Хўқанди латиф тарафиға азимат қилдилар. Орадин ўн етти йил ўтуб, яъни 1264 ҳижрийда (1847 милодий) Валихон тўра жангу жадал бирла Қошғар била Янгиҳисорни хитойлардан озод қилдилар. Лекин қўлға олинган истиқлолимиз омонатға ўхшайди. Сабаби Шарқий Туркистон бўлакларға бўлиниб кетган. Диёримиз озодлиғини мустаҳкамлаш учун ҳаддан имкон бирлашмоғимиз лозим.

– Бирлашмоғимиз лозим!? Ё, товба, маъзур тутинг, тўражоним, Уйғуристон бўлиниб кетганми?

– О-оҳ, уғлим, Жаҳонгирхон тўранинг мағлубиятларидан кейин Уйғуристон хонликларға бўлиниб кетди.

– Хонликларга-а!?

– Шундай, бўтам, Қошғар, Хўтан, Или, Кучар, Урумчи хонликлариға бўлиниб кетган. Ҳар бири ўзларича хон бўлиб олишган. Ана шу хонликларни бирлаштирмоғимиз лозим. Қайси бир йили беш-ўнта уламолар ўртаға тушдик, „жаноблар, бирлашайлик, биттангиз бош бўлиб қолғанингиз унға бўйсунинг“, деган эдик, бирортаси ҳам кўнмади. „Маҳдуми Аъзам авлодидан бўлса, бўйсунамиз“, дейишди. Хонлар фақат Маҳдуми Аъзам авлодларини тан олишади холос, бошқасини тан олишмайди. Шунинг учун ҳам раҳматли Жаҳонгирхон тўранинг ўғиллари Бузрукхон тўра[74]ни Хўқанддан Қошғарға сарафроз қилиб, олиб бормоғимиз даркор.

– Бузрукхон тўра Қўқондамилар?

– Шундай, ахир бир вақтлар Умархон ҳазратлари Жаҳонгирхон тўрага Катта Кенагасни суюрғол қилиб

берғанлар. Йигирма йилдан ошибдурки, Бузрукхон тура Катта Кенагасда истиқомат қиладилар. Худо хоҳласа, Бузрукхон тўрани Қошғарға олиб бориб хон қилиб кўтарамиз. Шу муносабат билан Уйғуристонни бирлаштирсак, истиқлолда барқарор туришимиз сизларға ҳам боғлиқ бўлади. Фарғона мамлакати тинч, обод бўлса, салоҳиятли бўлса бизлар ҳам тинч ҳаёт кечирамиз. Темурийлардай тахт талашиб, ўзаро жангу жадал қилиб турсанғиз, Хитой сизларни писанд қилмай қўяди. Охирул-амр Қошғарға ҳужум қилиши мумкин. Шунинг учун ҳамма умидимиз сиздан, бўтам. Тинчлиқ бўлиб турса, ҳамма нарса... ия, ё Оллоҳ,... тавба қилдим, нима бўлди?

„Фаранг арава" секинламасдан таққа тўхтагани учун Қулихон тўра мункиб кетаёзди. Саримсоқбек оёғини рўпара ўриндиққа тираган ҳолда чаққонлик билан тўрани ушлаб қолди. Аравакашдан норози ҳолда дарчадан ташқарига аланглаб қаради.

– Нега тўхтаб қолдиқ, ўғлим?

– Хавотир бўлманг, тўрам, йўл нотекисроқ бўлса керак, ҳозир тушиб қарайман.

Шу пайт арава эшиги шахд билан очилиб, кўзлари бежо, ранглари учган Ўсканбий кўринди. Таъзим ҳам қилмасдан дудуқланганча қўллари билан имо-ишора қилиб, Саримсоқбекка алланималарни ғулдиради.

– Нима гап?

– Т-тўрамжон!.. Хон-хонзодам!..

– Одамга ухшаб гапир, ҳайвон!

– Худоёрхон!.. Эшбой... Эшбой шум хабар опкелди...

Саримсоқбек Ўсканбийнинг кўкрагидан итариб юборди-да, аравадан сакраб тушди. Аравани ўраб турган навкарлар бараварига шоша-пиша отларидан тушиб, Саримсоқбекка қараганча қотиб туришди.

– Эшбой қайси биринг?

Четроқда турган Эшбой дарҳол отининг жиловини шеригига тутқазиб, икки қадам олдинга ташлади, сўнгра таъзим адо қилиб, қўл қовуштирганча Саримсоқбекка қаради.

– Нима гап?

– Саройда ғалаён, хонзодам!.. Беш-ўнта фитначи беклар Худоёрхонни айнитиб, саройди қўлга олишди. Минғбошининг жонидаги уч-тўртта бийлари билан бирга ҳибсга об, қамашди. Худоёрхон қўшин билан Тошкандга журиш қип кеп жатир.

– Ё Парвардигор!.. Бевақт қазодан ўзинг сақла, – деди Ўсканбий дағ-дағ қалтираганча бир Эшбойга, бир Саримсоқбекка қараб, – хонзодам, энди баримизди дорга осишади.

– Овозингни ўчир, куппак! – Саримсоқбекнинг ранги оқариб кетди, сўнгра Эшбойга қараб, хириллаган товушда сўради. – Сени ким юборди?

– Боймурот оға жорти тунда кеб, тайинлаб жуварди, ғалён бости-бости бўғунча Тошкандан аҳлу байтларингизни олиб, Бухороға жўнаш буюрилган, хонзодам.

– Буюрилган!? Ким буюрди? – зарда билан сўради Саримсоқбек кўзлари чақнаб.

– Ҳокимойим буюрдилар, хонзодам.

Саримсоқбек бўшашди. Навкарлар нима қилишларини билмасдан Саримсоқбекка қарашди. Шу пайт аравaнинг ичида ҳамма гапларни эшитиб ўтирган Қулихон тўра эшик томон сурилаётиб қичқирди:

– Шошманғлар!.. Тухтанғлар!.. Худоёрхонни ўзим тухтатаман. Хонзодам, сиз навкарлар билан Тошканға қайтинғ. Худоёрхонни қаршисиға ўзим бораман.

Унинг хатти-ҳаракати қатъийлигини сезган Эшбой чаққонлик билан аравадан тушмоқчи бўлаётган туранинг оёқларига ёпишди.

– Турамжон, туражоним, асло бундай қиманғ!.. Фитначи беклар сизни Худоёрхонға жақинлаштирмасданоқ қатл қилишади. Бундай пайтта улар ҳеч нарсадан қойтишмайди. Ҳокимойим „пиримди навкарлар омон-эсон Қошғарғача кузатиб боришсин“, – деб буюрғанлар.

– Қатл қилишса ҳам майли, – деди Қулихон тўра, астойдил куюниб, – қазо қилишим сулҳға сабаб бўлса, минғдан-минғ қазойимға розиман.

– Ҳай, ҳай, туражоним, нималар деяпсиз, ҳаётингиз хавф остида бўлишини асло истамайман, – Сарим-

соқбек тўранинг шижоатидан ҳайратланиб, – биз мусулмонларнинг бахтига ҳар доим соғ-омон бўлинг, пирим. Худоёрхон қўшин билан келаётган бўлса, Тошкандга қайтиб, қўшин билан қаршисига чиқса булади. Лекин ким ғолиб бўлишидан қатъи назар, иккала томондан ҳам одам қирилади. Бунинг бизга ҳеч ҳам кераги йўқ.

– Баракалла, бўтам.

– Селнинг олди тўсилса, бузиб, янчиб, ювиб кетар экан, тўрам. Худоёрхонга қаршилиқ кўрсатмаймиз. Қўшин билан келиб, қаршилиқ кўрмай, яна қайтиб кетади. Бу ишлар ўтиб бости-бости бўлгунча мен Бухорога бориб тураман, тўражоним, – Саримсоқбек бешолти қадам четроққа чиқиб, Ўсканбийни имлаб чақирди, – Ўсканбий, сен навкарларинг билан тўрамни кузатиб борасан. Йўлда ҳушёр бўлинглар, Худоёрхонга рўпара келиб қолманг. Аччиқ устида тўрамга зиён етказиб қўймасин яна. Мен ўнлиқ билан қайтаман.

Ўсканбий жавоб беришга улгурмасдан Эшбой ярим таъзим қилиб туриб, деди:

– Хонзодам, рухсат берсанғиз, мен ҳам жигитларим билан ўнлиққа қўшилсам. Сизди соғ-саломат Сирдарёдан кечиб ўтқанингиз тўврисидаги хабарни Ҳокимойимға жетқазиш маған буюрилған.

– Неччи нафар навкаринг бор?

– Беш нафар, ўзим билан олтита, хонзодам.

– Маъқул, – Ўсканбийга қараб, – пиримди сенга омонат топширдим. Соғ-саломат Қошғарга етказасан.

– Бош устиға, хонзодам.

Навкарлар отларининг жиловидан маҳкам ушлаган ҳолда қотиб туришар эди. Саримсоқбек қайтиб, арава ёнига келди-да, бир оз ўйланиб турди. Сўнгра арава ичида хуноб бўлиб ўтирган Қулихон тўрага шундай деди:

– Тўражоним, сиз асло диққат бўлманг. Бу фалак чархи... Қайси томонга айланишини ёлғиз Қодир эгам билади. Яхши ниятлар қилиб келаётувдиқ. Худо хоҳласа, вақти келиб, ниятларимизни амалга оширамиз, иншоаллоҳ. Афсуски, вақтимиз зиқроқ. Энди тўражоним, йўл олдидан бизларга оқ фотиҳа беринг.

Қулихон тўра беку навкарларни дуо қилиб, юзига фотиҳа тортди. Саримсоқбек тўранинг қўлларини ўпиб, пешанасига суркади-да, „яхши боринг, тўражоним", деб, арава эшигини ёпди. Қамчиси билан аравакашга „ҳайда" ишорасини қилиб, енгил ҳаракат билан ўзини эгар устига олди. Узоқлашиб бораётган „Фаранг арава"нинг орқасидан анчагача турди. Ўсканбий бир Саримсоқбекка, бир узоқлашиб кетаётган аравага қараб, ниҳоят ўзи Саримсоқбекдан рухсат сўради:

– Эса, бизга ҳам жавоб беринг, хонзодам.

– Ҳа, ҳа, сизларга рухсат, бек, омон-эсон етиб олинглар, сизларга оқ йўл.

– Жўлингизди берсин, хонзодам.

Ўсканбийнинг ишораси билан навкарлар узоқлашиб қолган „Фаранг арава" орқасидан от қўйишди. Чанг-тўзон ортида отлиқлар кўздан ғойиб бўлгач, Саримсоқбек ёнида қолган навкарлага қараб, деди:

– Ху-уш, йигитлар, энди бу ёғига жадаллаймиз. Шомгача Кировчига етиб олсак, ўша ерда дам олиб, отларни алмаштирамиз. Тунда йўлга чиқиб, Худо хоҳласа, чошгоҳга қолмай Тошкандга кириб борамиз.

Шундай дея у отининг бошини келган йўлига буриб, қамчи босди. Олдинда Саримсоқбек елиб борар, сал кейинроқда навкарлар, беш-ўн қадам орқароқда Эшбой йигитлари билан от чоптириб келар эди. Текис тупроқ йўлдан елиб бораётган Саримсоқбекнинг юраги ғашланиб, ўйга толди: „... товба қилдим, Парвардигор, тахт бор экан, икки дунёда ҳам тахт талашиш тугамаса керак... Фитначи беклар хонзодаларни бир-бирларига қарши қилиб қўйишади, лаънатилар... Ё Раб, мушкулимни ўзинг осон қил. Тошканга етиб боришим билан аввал ҳарамни кўчираман. Хазина, йўлга овқат, анжомлар учун йигирма беш-ўттиз арава етади. Ўзим билан бирга беш юз-олти юз навкар борса кифоя. Сирдарё кечувидан ўтиб олсак, у ёғи амирлиқнинг сарҳади, Худоёрхон қўшини билан кечувдан ўтишга ҳадди сиғмайди". Чорак соат от чоптириб, беш-ўн дақиқа йўрға юришар, кейин яна от чоптириб кетишарди. Эшбой Пиримқулни имлаб пичирлади.

– Қилич суғурсанғиз, шиғиллашидан билиб қолишлари мумкин, шунинг учун ҳамманг ханжарингғди этигинға тиқиб қуй. Кейинғи жўрғада биттадан биқиниға ханжар тиғиб, кейинғиларига қилич тортинг. Саримсоқбекти ўзим тувурлайман. Бир-биринға жетказ.

Бир фурсат от қуйиб, яна йўрға юришга ўтишди. Эшбой узангига тиралганча қаддини ростлаб, ён-атрофга аланглаб қаради. Туп-туп булиб қағиллаб учаётган қарғалардан бошқа атрофда жон зоти кўринмади. Эшбой отининг жиловини бўшроқ қилиб, учини эгар қошига маҳкам қилиб боғлади. Дудама ханжарини этигининг қўнжидан чиқариб йигитларига имо қилди. Сўнгра отини ниқтаб, олдинда кетаётган навкарга тенглашиши билан биқинига ханжарни ғарчча тиқиб олди-да, этигининг қўнжига тиқа солиб, отига қамчи босди. Эшбойнинг йигитлари ҳам қарийб бир вақтда навкарларнинг биқинига ханжар тиқиб, этикларининг қўнжига тиқишдида, қиличларини суғуриб, кейингиларига от қўйишди.

– Вой, ўлди-и-и-им!

– Вой, эна-а-а-а!

– А-а-а-ах, ўлдим!

Навкарлардан бирин-кетин учтаси отдан йиқилиб, тўрттаси эгар устига чўзилиб қолди. Учта ҳушёрроғи биринчи додлашни эшитгандаёқ отларига қамчи босиб қолишди. Тўсатдан бўлган қий-чувга Саримсоқбек ўгирилиб қаради-ю, ўзи томон от қўйиб келаётган Эшбойни кўриб, юраги зирқираб кетди. Қиличини суғуришга улгурмади. Қийқирганча орқадан етиб келган Эшбой, кўпкарида улоқни тортиб олгандай Саримсоқбекни от устидан юлиб олиб, эгарга ўнгарди-да, қўнжидан ханжарни ола солиб, бўғзига тортиб юборди...

Бир оздан кейин йигитлар ҳансираганча бирин-кетин етиб келишди. Пиримқул ҳафсала билан ханжарини артаётган Эшбойга қараб, деди:

– Анови қочған учовини ҳам қувиб жетиб, тинчиттиқ.

– Уларди қувмасаларинғ ҳам буларди, – деди Эшбой, тинчиб қолган Саримсоқбекнинг мурдасига ишора қилиб, – хонзодани сўйилғани жетарди.

– Тошканға бориб, айтиб қуймасин дедиқ-да, Эшбой оға.

– Айтғанда нима қиларди, барибир Қўқонға борама?

Ҳаммалари тиржайиб кулишди. Эшбой ханжарини артиб бўлиб, қинига солди-да, атрофга бир қараб олиб, деди:

– Норбой, сан хонзодани қўйнини қарачи, тиллапилласи бўса, оғин. Қолғанларди ҳам фақат танғасини онғнор. Анжомиға тегманғлар, ҳаммаси тониғли, Пиримқул.

– Лаббай, Эшбой оға.

– Мамат икковинғ Қўқонға жўнайсиз, туври Боймурот оғаға учрашиб, ишди бажарилғанини айтасан. Қолғанлар довонди этагиға қараб журамиз, Ирискулбийди овули ўшағда. Бир ой овулда журиб, қимиз ичиб, эт жеб, дам-пам оламиздағин, кейин Қўқонға қойтамиз. Қона, бўл баринғ.

Ўн дақиқалардан кейин икки навкар „Айри равот"га, Эшбой қолган йигитлари билан Кандир довонига қараб от қўйиб кетишди.

X БОБ

Баҳодир шиғовулнинг Тошкандга чопар юборганига қарийб уч ҳафта ўтди. Аллақачон келиши керак бўлган чопардан ҳалигача дарак йўқ. Хавотирга тушган шиғовул, Умарали понсод билан маслаҳатлашиб беш-олтита йигитини Тошкандга жўнатмоқчи бўлиб ҳам турувдики, чорбоққа Азимбек тўртта навкари билан кириб келди. Жиянининг тўсатдан келишидан ҳам ажабланиб, ҳам хавотирланди. Кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашилгандан кейин меҳмонхонага ўтишди.

– Тинчликми, жиян? – сўради Баҳодир шиғовул фотиҳа тортилгандан кейин.

– Тинчликка-ку, тинчликку-я, амаки, лекин хонзода Саримсоқбек Қулихон тўра билан Қўқонга ташриф буюряпти, соқчи навкарларнинг бошлиғи Ўсканбий, – Азимбек кўрпачага жойлашиброқ ўтириб, бир чеккадан

гапира бошлади. Шиғовул қовоқларини уйганча Азимбекнинг гапларини бўлмай эшитди. Азимбек гапини тугатгандан кейин Азизбек тўғрисида бир, иккита саволлар берди. Жавобдан қониқиб, бир фурсат ўйланиб турди-да, пешанасини тириштирганча Азимбекка қараб, деди:

– Жиян, сен ювиниб, кийимларингни алмаштириб, дамингни ол. Ҳеч қаёққа чиқма, бу ҳақда ҳеч кимга чурқ этма, бегона одам сизларни кўрмасин, ўйлаганимдай хуфя ишлар бўляпти шекилли, жин урсин. Мени тушундингми?

– Тушундим, амаки.

– Яхши, мен понсод билан маслаҳатлашиб, дарров қайтаман.

Баҳодир шиғовул нари-бери кийинган бўлди-да, отланиб, Умарали понсоднинг ҳовлисига қараб жўнади. Ҳар галгидек Холиқул уни кузатиб борди. Умарали понсоднинг ташқи ҳовлисидаги шинам ҳужрада иккови анча гаплашишди.

– Хонзода Саримсоқбекнинг Қўқонга келаётганига қараганда чопарларим етиб бормаган, Умаралибек, йўлда биттасига бир нарса бўлса, иккинчиси етиб бориши керак эди. Йўлда агар қароқчилар урмаган бўлса, билмадим, яна нима бўлган.

– Мингбошининг одамлари қатл қилмаганмикин, Баҳодирбек.

– Мингбошининг одамлари дейсизми? Бўлиши мумкин, шу хаёлимга келмабди, Умаралибек, лекин мингбоши чопар юборганимни қаёқдан билади?

– Ҳамма ёқда мингбошининг айғоқчилари изғиб юрибди, Баҳодирбек, ҳатто саройда ҳам бор. Чопарлар катта кўчада ўз-ўзидан йўқолиб қолмайди-ку, мингбошининг одамларидан бошқа ҳеч ким қилмайди бу ишни, яна Худо билади.

– Наҳотки мингбоши сезиб қолган бўлса? – шиғовул Умарали понсодга бақрайиб қараб қолди, салдан кейин бир ютиниб, деди. – Гапингиз тўғрига ўхшайди, Умаралибек, нима бўлганда ҳам тезроқ бирор-бир чорасини қилмоғимиз даркор.

– Чораси битта, Баҳодирбек, ишни мана бундан бошлаймиз, – Умарали понсод чукка тушиб олиб, гапини давом қилди, – ўзимизга қарашли бекларга айтиб, тўрт-беш минг навкар ростлаб қуймоғимиз даркор. Султонбекнинг қароргоҳи бир қадам узоқ бўлгани учун йигитларини чорбоғларга бўлиб ташлаймиз. Холбек қурбошига ҳам бир оғиз айтиб қўяман, у ҳам йигитларини...

– Ия, Умаралибек, Холбек қурбошига нима қиласиз айтиб? – шиғовул понсоднинг гапини бўлиб. – Барибир қипчоқ, қипчоқ-да, мингбошига айтиб қўйса-чи?

– Айтмайди, Баҳодирбек, айтмайди, икки ой олдин мендан маслаҳат сўраб, „минғбоши ҳаддидан ошиб кетти, хоннинг ҳузурига кириб, устидан арз қиламан, бир гап бўлса, мен тараф бўласма-а?“, – деб сўраган эди. Мен „хон ҳазратлари нима десалар, шу“, – деб жавоб бердим. Бу ёғидан хотиржам бўлинг, қипчоқ бўлса ҳам мингбошига қарши. Ундан кейин вақт топиб, Ҳокимойимни хабардор қилиб қўйинг. Саримсоқбек шаҳарнинг дарвозасидан кириши билан ўзимиз ўраб олиб, саройга олиб борамиз. Саройни ўзимизнинг навкарлар билан тўлдириб ташлаймиз. Бегоналарни яқинлаштирмаймиз. Ҳурматини жойига қўйиб, бирор ҳафта меҳмон қиламиз-да, бир минг-ярим минг навкар билан Тошкангача кузатиб бориб, Азизбекни қайтариб олиб келамиз. Саройдаги навкарларни кўриб, чорбоғларда йиғилган навкарларни эшитиб, мингбошининг бирор-бир иш қилишга ҳадди сиғмайди. Ана шундай қиламиз, Баҳодирбек.

– Яхши, мен олдин бекларни хабардор қилиб чиқай, сиз парвоначига одам юборинг, Ҳокимойимнинг ҳузурларига кейинроқ кираман.

– Маъқул.

Баҳодир шиғовулнинг буйруғи билан беклар ҳали навкар тартиб қилишга улгурмасдан саройга, „Хонзода Саримсоқбекни навкарлари билан чўлда қароқчилар тунаб, ўлдириб кетибди“, – деган совуқ хабар келди. Шиғовул хабарни эшитиши билан Азимбекни тўртта

навкари билан бирга йўлга отлантирди. Тонг қоронғисида дарвозадан чиқариб кузатар экан, жиянига қаттиқ тайинлади.

– Боргандан Нормуҳаммадни хабардор қилиб қўй, бугун-эрта мингбоши навкар билан Қурамага ўтса керак, киши билмас сизлардан у-бу нарсаларни сураб-суриштириши мумкин. Сизлар фақат Хонзода билан Қулихон тўрани йўлга чиқариб кузатгансизлар холос. Сен ҳам, Нормуҳаммад ҳам бошқа ҳеч нарсани билмайсизлар. Сени Қўқонга келганингни мингбоши зинҳор билмасин, жиян, тушундингми?

– Тушундим, амаки.

– Сизларга оқ йўл, яхши боринглар.

– Яхши қолинг.

Олдиндан тайёрланиб юрган мингбоши, Пиримқул билан Мамат келиши билан ҳамма ёққа „хонзодани қароқчилар ўлдириб кетипти" деган хабарни тарқатди. Дарҳол бекларни йиғиб, навкарлар билан Қурама чўлларини босди. Бир ҳафта ичида ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилди. „Қароқчиларни қочирғансанлар", деб, кучманчи қозоқларнинг бир қанчасини қатл қилдириб юборди. Саримсоқбек билан навкарларнинг жасадларини қишлоқ қабристонига дафн қилдириб, Қўқонга қайтди. Ҳокимойим қора устига қора кийиб, аза очди. Худоёрхон хатм-қуръон қилиб, халққа ош берди. Мингбоши келгандан кейин икки кун ўтгач бийларнинг катталари Уразанбий, Оқбутабий, Қувондиқбий, Норқулбийлар мингбошининг хонадонига йиғилиб келишди. Мингбоши бийларнинг авзойига қараб, ҳаммаси ундан норози эканликларини сезди ва ўзича деди: „жин урсин, Саримсоқбекни қатл қилишдан олдин бир овуз айтиб қўйсам бўларакан, ҳаммасини қовоқ-тумшуғи шуғаи, шекилли". Ҳақиқатан ҳам бийлар хонзоданинг қатлини эшитиб, қаттиқ ташвишга тушиб қолишди. Ҳар куни „ана қирғин бўлади, мана қирғин бўлади", деб, юракларини ҳовучлаб ўтиришди. Таъзия, хатм-қуръон ўтгандан кейин сал ўзларига келиб, енгил тортишди. Бийлар ўзаро кенгашиб, катта бийнинг танобини тортиб

қуймоқчи бўлишди. Мингбошининг меҳмонхонасида утиришар экан, дастурхон кутариб келаётган мулозимни Уразанбий жаҳл билан қўл силтаб, қайтарди.

– Дастурхонингди жийиштир, ойна, биз бийақа зиёфат жеғани кеғанимиз жўқ.

– Дастурхон миймонди зийнати, Уразанбий, – дастурхонни қайтарганидан орият қилиб деди мингбоши, қовоғини солиб, – жемағанингда ҳам дастурхонди қўйса, қўйсин, саған овурлиғи тушяппа?

– Ҳозир зийнатингди қўйип тур, катта бий, – Уразанбий мингбошига қараб жириллаб берди, – ҳов бирда саған „уйлағанингдан ут чиғади" демовмидим, сен нима иш қип журибсан, ўзи?

– Нима иш қиппан?

– Дунёға ут қўйиб, „нима иш қиппан?" дийди. Шу кунғача нима жеб, нима ичиб, қайтиб журғанимизди ўзимиз биламиз, Худо билади. Бари овуллар шу кунғача хавотирда журдиқ. Саримсоқбекди чўлда нега қатл қилдирдинғ?

– Шуған шунчама?

– Буни дени совмасов, – Уразанбий бийларга қараб.

– Уразанбий туври айтаётир, катта бий.

– „Хонзодани Қўқонға опкеламиз" деб, кенғашувдиқ-қу, чўлда қатл қип нима қилардинғ, баримизди хавотирға қўйип.

Бийлар бараварига гапларини тўкиб-солдилар. Ёлғиз Норқулбийгина қўлидаги носқовоғини уйнаганча оғзига мум тишлаб утирарди. Мусулмонқул мингбоши Андижондан бошлаб мансабға утиргандан бу ёғига бунчалик гап эшитмаган эди.

– Бунча баринғ бараварига иттай таладинғ, – кўзларини чақчайтирганча бийларга ёв қараш қилиб, – кучала жеб келдиларинғма? Хонзодани бекорға қатл қилдирғаним жўқ. Баҳодир шиғовул билиб қоп, Тошканға чопар жуварипти. Сизларға айтғани вақт бумади. Чўлда чопардиям, хонзоданиям жўқ қип одамларға „чўлда хонзодани қароқчилар ўлтирип кетипти", – деб гап торқаттим, ё, нотуври қиппамма?

Қувондиқбий чордона қуриб, ўтириб олди-да, мингбошининг юзига қараб туриб, заҳарханда билан деди:

– Ўразанбий айтғандайин ҳаққаттан ҳам денинғ совмас, катта бий.

– Гапинғди билиб гапир, Қувондиқбий, тилим бор деб...

– Гапимди билсам-билмасам аччувинғ чиқмасин, катта бий, – Қувондиқбий мингбошини гапини шартта бўлиб, – ўзинғ жахши биласан, сопқонди билмай отған ҳам бошиға, ҳам кетиға теғади. Шошилишда берған фармонинғди охирини ўйладинғма?

– Охириға нима қипти?

– „Нима қипти"миш. Хўп, хонзодани қароқчилар чўлда тунаб, ўлтириб кетған дейлиқ, нимаға Қулихон тўраға тегмапти. Нимаға Ўсканбий билан қирқ-элликта навкариға теғишмапти. Шу ёғини ўйламадинғма?

– Ўсканбийдиям, Қулихон тўраниям хонзода билан бирға бўғанини бу жағдағилар билишмайди. Ўсканбий Қашқардан қойтса, ўған ҳам тайинлаб қўямиз.

– Баҳодир шиғовулға ҳам „ойнолойин, ҳеч кимға айтма", деб тойинлайсамма? Тошкану жўлда хонзода билан Қулихон тўрани бирға кўрған одамларди бариға шуйтиб тайинлайсамма? Одамларди миш-миши Қўқонға жетип кемайди дийсамма? Миш-мишдан олдин Қулихон тўрани ўзи хавотир об, бир ой ўтама-жўқма Қўқонға кеп қуяди. Буған нима дийсан?

Мингбоши бир „уф" тортиб, терлаган юз-пешанасини рўмол билан артди.

– Уф-ф, калламди оврутиб жубординғ баринғ. Бир чеккадан гапир, битта-битта гапир. Хўп, мен Саримсоқбекди қатл қилдириб, гуна қиппан, менинғ ўрнимда Ўразанбий, сен буғанинғда нима қилардинғ? Сен-чи, сен-чи, тили заҳар, сен-чи писмиқ,...

– Саған бир нарса дедимма?

– Демағанинғ деғанинғдан баттар. Хў-ўш, Саримсоқбекди қатл қилдирмадим ҳам дейлиқ, шиғовулди чопари оппорған номани ўқиб, Саримсоқбек Қўқонға кемай баримиз шарманда бўлайиқма? Нима, баринғ жим бўп қолдинғ? Гапир-р!!

Мингбошининг гапларидан бийлар бир-бирларига қараб олишди. Айрим пайтларда бийларнинг орасида мана шундай кескин, баҳсли мунозара бўлиб қолганда ҳар гал Оқбутабий дўнг гапларни текислаб, томонларни муросага келтирарди. Бу гал ҳам олдин тумшайиб ўтирган бийлар қараб, сўнгра юзи қизариб, лаби гезарган, асаби қўзғаганидан қисиқ кўзларининг таги пир-пир учаётган мингбошига бир қараб олди-да, ўтирган жойида бир қўзғалиб олиб, гап бошлади.

– Шошма, шошма, катта бий, сал овурроқ бўгин...

– Э-э, „овурроқ бўгин" деб Қувондиққа айт...

– Мен женгил бўп нима қиппан, саған ўхшаб...

– Бас-с, бўлди, бўлди, бас қил баринг. Қариған сари териларимиз жуқа бўп кетипти. От тепкисини от кўтаради, биттанг гапирғанингда бошқанг жирилламай тур. Худоға шукур, бешовмизди кенгаш қип журғанимизға жийирма жилдан ошипти. Бир майдон қор эриб, бир майдон сув оқди. Ҳар вақт, ҳар қандай масалани чечиб кеғанмиз, чечилмай қоғани жўқ, бу масаланиям чечамиз. Эса катта бий туври қиғанма-жўқма, нима қиған бўса, қиған, бўғани бўп ўтти, энди бийоғини кўрайиқ. Бир жўлини топайиқ сихам куймасин, кавопиям куймасин. Қона, Ўразанбий, сендан бошлайиқ...

Бийлар бир чеккадан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлашди. Бийлар ўзларини босиб олишган, шароитнинг нозиклигини ҳисобга олиб, етти ўлчаб, бир кесишарди. Узоқ кенгаш қилишгандан кейин якуний хулосани Ўразанбий гапирди.

– Эса бундай қиласан, катта бий, олдиниға Қўйлибой додхоға айт, саройдағи навкарларини кўпайтирсин, ҳужраларди барини навкарға тўлдирсин. Сарбозхонадағи қўрбошиларға одам жувар, навкарди икки-уч минғдан қип, кўпайтиб қўйсин. Уч-тўртта ўзинға жоқмаған мўллаю бекди дорға остирғиндағин, кейин хоннинг олдиға кир. Бу жердағи ўйлаған гапларимизди шартта-шартта айт, „Саримсоқбек фитна қўзғаб, тахтни омоқчи бўғанакан, бу жердағи уч-тўртгасиминан тил товишипти, нома жувариб, нома об, гаплашиб қўйғанакан. Айғоқ-

чиларимдан билиб қолдимдағин шуйтиб, шуйтиб шу ишларди қилдим, бу жердағи фитначиларди барини дорға торттирдим. Энди хавф жўқ, бемалол хонлиғингди қип журовур", деғин. Қўрқмасдан қарсиллатиб, қарсиллатиб гапир. Қона, нима дийди. Мамлаға кўнса жахши, кўнмай тўполон қиладиған бўса, куёвим деб аяб ўтирма, боққа об чиқиб, қатл қилдириб жувар. „Хон бўламан" деған хонзодалар тиғилиб жатир. Қизинғ ҳали жаш, эр товулади, говим маъқулма?

– Маъқул.

– Эса боғонағиға айт, дастурхонди обкесин, кайванилар овқат-повқат қиғандир. Ғала-ғовурдан қоринлар ҳам очқаб кетди. Туврима, бийлар?

Бийлар ўлганининг кунидан сўзсиз бош қимирлатиб қўя қолишди. Мингбоши Ўразанбийнинг боя дастурхонни қайтарганига бир аламини олмоқчи бўлди-ю, Оқбутабий лабини тишлаб, ишора қилгани учун индамасдан бошини буриб, мулозимни чақирди. Сергўшт бешбармоқни обдан еб тўйган бийлар ҳар қайси ўз жиловдорлари кузатувида овул-овулига жўнаб кетди...

Эртаси куни мингбоши Муродхон тахтга ўтирганда эл қатори ошга борган беш-олтита беку уламоларни ҳибсга олдирди. Қўйлибой додхоҳ билан Жонибек қўрбошига буюриб, навкарларни кўпайтирди. Ҳибсдагиларни икки кун қамаб, сўроқ қилдирмаёқ растага чиқартириб дорга остирди-да, ўша куннинг ўзида хоннинг ҳузурига кирди.

– Хон, сизға қарши фитна қўзғағанларди дорға остирдим. Бошқаларға ибрат бўсин, деб растаға чиқартириб, остирдим.

– Фитначила-а-ар!? – Худоёрхоннинг ранги оқариб, – Қанақа фитначилар?

– Айғоқчиларим хабарини келтиришди. Уламолардан Холмуҳаммад домла, Сафохўжа эшон, Хўжамқули аълам, Сулаймонхўжа аълам, беклардан Раҳматилла додхоҳ, Сотиболди додхоҳ, Охун додхоҳ. Қоғанларини оти эсимда жўқ, шулар ҳаммаси аканғғиз Саримсоқбекка „Худоёрхонди тахтдан олиб, сизди хон қип кўтарамиз", деб Тошканға нома битиб жубарипти. Хавотир бўп жур-

масин деб, сизға айтмасдан дарров олдини олдим. Бошлаб Саримсоқбекди Қўқонға келтирмасдан чўлда қатл қилдирдим...

– Акамнийа-а-а!! – Худоёрхон бир сесканиб кетиб мингбошига ўшқириб берди, – нималар деяпсан, ҳайвон, ҳали акамни сен қатл қилдирдингми, ит увли, хонзодани қатл қилишга қандай ҳаддинг сиғди, куппак!!

– Секинроқ, хон, секинроқ, – мингбоши жаллодлар турган томон бир қараб олиб, – агар Саримсоқбекди қатл қилдирмаганимда у Қўқонға кеб, сизди қатл қилдирарди. Ёки сиз уни қатл қилдирардингғиз. „Биродаркуш" деган тамғани кўтарманғ, деб шу ишди қилдим.

Худоёрхон бўшашиб, тахтга суяниб қолди. Бошини қўллари билан чангаллаб, кўзларини юмди. Бир оздан кейин мингбошига қаради.

– Наҳотки акам менга қарши чиққан бўлса?

– Шундай, хонзода қарши чиққан. Агар Саримсоқбек Маллахонға ўхшаб жимғина ҳокимлиқ қип журғанда маған зарил кептима уни қатл қилдириб. Мана, Маллахон журипти-ку, жимғина ҳокимлиғини қип. Бизнинғ у билан ишимиз жўқ. Саримсоқбекди бу жердағи беклар билан бирға фитна қиғаниға исботим бор, хон.

Худоёрхон изтиробда қолди. У акасининг тахтга даъвогарлик қилиб, қатл қилинганини ҳеч ҳам миясига сиғдиролмас эди. Бир „уҳ" тортиб, овулда ўтказган болалик даврларини эслади. Ҳар доим қирга чиқишганда Худоёрхон Саримсоқбекнинг отига мингашиб оларди. Ўзи от минишга ҳали ёшлик қиларди. От минишни ҳам унга акаси ўргатди. Тошкандга ҳоким бўлиб борганда ҳам, бирга борган Худоёрхонни доим ёнида олиб юрди. Қўқонга қайтаётганда акаси у билан қучоқлашиб хайрлашар экан, „укажон, хон ҳазратларидан рухсат олиб, Тошканга тез-тез келиб тур, тоғларга олиб чиқаман" деганди. Шундан бу ёғига акасини қайта кўриш унга насиб қилмади. Хоннинг кўзларига ёш қуйилиб келиб, томоғига бир нарса тиқилди. Рўмол билан бурнини қоқиб, бир-икки томоғини қирди-да, қовоғининг тагидан мингбошига ўқрайиб қаради. Мингбоши хоннинг кўзига

алвастидай кўриниб кетди. Хоннинг олдида ҳеч нарсадан тап тортмай нописандлик билан туришидан унинг ғазаби келди. „Жалло-о-од!“ – деб ҳайқириб юбормаслик учун тишини тишига қўйди. „Куппакнинг қизини устига учта кундош олиб, кейин талоқ қўяман. Эртагаёқ Холбек қўрбошини чақиртириб, гаплашаман. Итдан тарқаган мингбошини тезроқ бир ёқли қилиш керак“.

– Бу ишлардан Ҳокимойимнинг хабарлари борми?

– Жўқ, Ҳокимойимди хабари жўқ.

– Яхши, бу ишларди Ҳокимойим билмаганлари маъқул, шундай ҳам ҳозир ойихонимга оғир. Кетма-кет келган мусибатдан эзилиб кетдилар ойихоним бечора. „Ўғлимни қароқчилар ўлдирган“, деб ўйлаб юраверсинлар. Акамнинг тахтга даъвогарлик қилиб, қатл қилинганини билсалар, қай аҳволга тушишини Худо билади. Шунинг учун бу ҳақда уларга лом-мим деманг.

– Бош устиға, хон.

– Энди мени холи қолдиринг.

Хон билан бўлган мулоқот кўнглидагидай бўлгани учун мингбоши ич-ичидан хурсанд холда кўзлари кулиб, хонга таъзим адо қилган бўлди-да, „Ҳузури олий“ни тарк қилди...

* * *

Бу орада Ўсканбий навкарлари билан Қулихон турани Қашқаргача кузатиб борди-да, бир кун дам олиб эртаси Қўқонга қайтди. Қурама чўлида Эшбойдан эшитган гаплари уни қаттиқ ташвишлантирарди. „Хон, минғбоши билан бийларди дорға тортган бўлса-я, шаҳарға кирганимда „сен ҳам аралашгансан“, – деб мениям қўшиб, дорға тортиб жуворса-я“. Ўсканбийнинг эти жимирлашиб кетди. Қўқонга яқин равотларнинг бирида навкарларига дам олишни буюрди-да, ўзи чой ичиб, гурунглашиб ўтирган қипчоқларнинг тўпига қўшилди. Гап орасида шаҳарда бўлган у-бу воқеаларни суриштириб кўрди. Ҳадеб сўраб, суриштирганидан тўпдаги қипчоқларнинг бийи сергакланиб, қисиқ кўзлари билан Ўсканбийга қаттиқ тикилиб туриб, сўради:

– Отинг нима, ойна?

– Ўсканбий, бий оға?

– Қипчоғакансан, устиға бийакансан, худди хонди айғоқчисиға ўхшаб бунча суриштириб қолдинг? Гапларинг қизиқ-қизиқ, „Хон жойидама?“ „Минғбоши жойидама?“ Жойида бўмай энасининг маҳриға тушган овулиға борама.

Давра қуриб ўтирганлар кулиб юборишди. Минғбошининг ҳам тирик, ҳам мансабида эканлигини билиб, енгил тортган Ўсканбий бийга қараб кулиб туриб, деди:

– Шу ёшғача кириб, кўпти кўрғансиз, бий оға, қаерим айғоқчиға ўхшасин, айғоқчи шунча навкар билан журмайди-ғу. Минғбошининг буйруғи билан жўғори сарҳадларни қараб келяппан. Анча вақттан бағиға шаҳарда бўғаним жўқ. Жилиға хон алмашади. Хон ўзима ё тағин бошқа бўғамма, сўрағаним шундан, бий оға.

– Мана бу гавинг туври, бий жигит, – деди бий хотиржам тортиб, – ҳаққаттан ҳам жоқинда қарийб хон алмашарди, хонзодаға тахтға ўтириш насип қимағанакан, хон қатл қилдириб, қароқчиларға тўнгкаб жуварди. Ўлған хонзода Тошканди ҳокими деб эшиттим, хоннинг я акаси, я укаси чиғаров.

Бийнинг гапини эшитиб, Ўсканбий анграйиб қолди, тили гапга айланмай қолди, бир ютиниб олиб, аранг гапирди.

– Хон-хонзодани қатл қилишдими?

– Шуйтиб эшиттиқ, ойна.

– Ё, Парвардигор!

Эртаси саҳарлаб йўлга чиқиб, асрга яқин Қўқонга кириб келди. Йўл бўйи Саримсоқбек хаёлидан кетмади, „товба қилдим, хонзода Бухороға қочиб кетган бўса, хон қайтиб уни қатл қилдиради. Ё бошқа хонзодамикин? Борғанда Боймуроттан билиб оламан“. Шаҳарга кириши билан навкарларидан бирини Боймуродга юбориб, қолган навкарлар билан сарбозхонага қараб юрди. Дарвозадан кираётиб атрофга кўз ташлади. Ҳар кунгидай ҳамма ўз иши билан машғул. Юзбошиларнинг буйруғи билан навкарлар майдонда ҳар хил машқларни

бажаришар, ошпаз, новвойлар ўз ишлари билан банд. Ўсканбий хотиржам тортиб, сакраб отидан тушди-да, жиловни навкарлардан бирига тутқазиб, ҳужрасига қараб юрди. Сарбозларни назорат қилиб турган Туқлибой югургидай бўлиб Ўсканбийга яқинлашиб келди.

– Ҳормасдан омон-эсон жахши бориб келдиларингма, бий оға? Баринг келдиларингма? Эшбойлар ҳам келдима?

– Ҳамма кеган, Эшбойларди кўрганим жўқ. Ўзларинг тинчма?

– Тинч.

– Ғалва-палва буган жўқма?

– Жў-ўқ, – Туқлибой Ўсканбийнинг саволидан гарангсиб, – бирон нарса бўлдима?

– Ишинг бўмасин, кўп билсанг, тез қорийсан, – қовоғини уйганча кўрпачага чўзилиб керишар экан, гапига қўшимча қилди, – Боймурот оға кеса, хабар қиғин.

– Хўб бўлади, бий оға.

Ўсканбийнинг кайфияти йўқлигини сезиб, товуш чиқармай тезгина ҳужрадан чиқди. Бир соатлардан кейин Ўсканбий Боймуродга ҳисоб бериб бўлгандан кейин ундан сўрамоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаган ҳам эди, Боймурод қўл силтаб, тўхтатди.

– Гапимди жахшилаб эшитиб ол, Ўсканбий, Тошканғаям, Қашқарғаям борганинг жўқ. Саримсоқбекдиям, Қулихон тўраниям кўрганинг жўқ, бу ҳақда ўзинг ҳам, навкарларинг ҳам бировга чурқ этманг, тушундингма?

– Тушундим, оға, – деди Ўсканбий ҳеч нарсани тушунмаса ҳам.

– Эса навкарларингга бир ҳафтага жувап бер, саган ҳам бир ҳафта жувап. Туқлибой қараб туради, жахшилаб даминғди олдағин, кейин саган бир иш бор.

Ўсканбий ҳужраларнинг бирида овқатланиб, дам олаётган навкарлари томон юрди. „Товба қилдим, хонзоданинг қатли минғбошининг буйруғи билан буғани аниқ. Биз бўсақ Саримсоқбек хон бўлади, деб журиппиз. Кимди ўлдириш, кимди қолдириш бу катталарнинг иши. Желкадаги калла учиб кетмаслиғи учун тилди

чишлаб журинш керак. Жигитларғаям шуни қаттиққана қип тайинлашим керак". У хонага кириб, кўрпача устига омонат ўтирди-да, қўзғалмоқчи бўлиб турган навкарларига „ўтиринғлар", – дегандай қўл силтаб, деди:

– Гапларимди қулоқларинға ҳамманғ қуйиб ол. Биз Тошканғаям, Қашқарғаям борғанимиз жўқ. Бу ҳақда бировға чурқ этиб, овуз очсанғғиз, калланғиз кетади. Минғбошининғ феълини жахши биласиз, тили узунди уришиб, сўкиб ўтирмайди, шартта калласини об қўяғояди. Сўрағанға „Туркистон бовоға бориб, сарҳадларни кўриб келдиқ", деб айтинғ, тушундинғларма?

– Тушундиқ, бий оға.

– Эса ҳамманға бир ҳафта жавоп, овқатти жеб бўғанинғғиздан кейин овул-овулинғға бориб, дам об қайтинғлар.

Жиловдори кўндаланг қилган отга сакраб минди-да, сарбозхона дарвозасидан чиқиб, от бошини Шаҳидон маҳалласига қараб бурди. Сарбозхонанинг шундоққина ёнгинасидаги чойхона одамлар билан гавжум. Ўсканбий суриларда ўтирган чойхўрларга бир қараб олиб, чойхонадан сал узоқлашгач, четроқда ўтирган иккита йигит шошилиб бандарга қараб юришди. Отларига мина солиб Ўсканбийнинг орқасидан тушишди. Улар Баҳодир шиғовулнинг йигитлари эди. Саримсоқбекнинг маъракаси ўтгандан кейин шиғовул Холиқулни чақириб, буюрди:

– Йигитларни иккитадан шаҳарга бўлиб ташла. Чойхона, бозор, раста, сарбозхоналарда кечаю кундуз пойлоқчилиқ қилишсин. Ўсканбий кўриниши билан шартта қўлини боғлаб, чорбоққа олиб келишсин. Фақат ҳушёр бўлинглар, минғбошининг одамлари сезиб қолмасин.

– Айтганингиздай қиламиз, бек ака.

Ўсканбийнинг келганини билгач, Холиқул уч-тўртта йигитлари билан киши билмас унинг йўлини пойлади. Ниҳоят учинчи куни хуфтондан кейин бир ўзи тунги базмдан чиқиб, хонадонига қайтаётганида қўлоёғини боғлаб, чорбоққа келтиришди. Ҳужрада ўтирган

шиғовулнинг рўпарасига тиз чўктиришди. Баҳодир шиғовул ранги ўчиб, қалтираб қолган Ўсканбийга бир қараб олди-да, йигитларига:

– Бизни холи қолдиринглар, – деди.

Навкарлар ҳужрани тарк қилишгач, шиғовул бир-икки енгил йўталиб, қўли боғланган Ўсканбийга қараб туриб, кейин сўради:

– Менга қара, Ўсканбий, нечта боланг бор?

– Б-бешта, бек ака, бешта. Учта ўғил, иккита қиз.

– Мени сенга ҳеч қандай шахсий даъвойим йўқ, бий, хусуматим ҳам йўқ, фақат хонзода Саримсоқбекни ким қатл қилганини билмоқчиман холос. Қулихон тўрани Қашқардан Қўқонга олиб келиб, кейин Тошкандга олиб борганингдан хабарим бор. Сен Кировчидан бу ёғини гапир, болаларим етим қолмасин, десанг, ростини айт.

Ўсканбий шиғовулнинг қовоғини уйиб, салмоқ билан гапиришидан ҳамма гапдан хабардор эканлигини сезди. Ростини айтмаса, калласи кетишини билиб, эти жимирлашиб кетди. У шиғовулнинг феълини яхши билгани учун нафаси тиқилганча шоша-пиша гапга тушди.

– Худо ҳаққи, бек ака, хонзоданинг қатлидан хабарим йўқ, ўзим Қўқонга кеб, билдим.

– Бошидан айтиб қўяй, бий, Худо номига қасам ичиб айтаман, агар хонзоданинг қатлига қилдай аралашган бўлсанг, ҳовлидаги ўрик шохига остираман, аралашмаган бўлсанг, тўрт томонинг қибла. Лафзимда туришимни яхши биласан.

– Ростини айтяпман, бек ака, ҳаққаттан ҳам хонзоданинг қатлидан хабарим йўқ, бек ака. Ишонмасанғиз, Қулихон тўраға одаминғизди жувариб, суратинг. Биз Қулихон тўрани об, Қашқарға жўнадиқ, хонзода Тошканға қайтти...

– Тошкандга қайтти? Нега Тошкандга қайтти?

– Бизға Эшбой, „хон қўшин тортиб келажатир“, деса, лаққа ишониппиз. Кейин Хонзодаға „Бухороға қочаракансиз, жўқса, хон қатл қилдиради“, деб айтти.

– Эшбой ким?

– Минғбошининг хуфя ишларини қип журади. Эшбой бизға Қурамани чўлида рўпара келди.

– Шунақа дегин, кейин нима бўлди?

– Бошқа ҳеч нарсани билмайман, бек ака, биз ростдан ҳам хонзода Саримсоқбек тахтға ўтиради, деб ўйлаппиз. Ўтирик айтсам, Нормат қушбеги билан Азимбек қурбоши гувоҳ, улар ҳам шуйтиб ўйлашған. Тўрт кун олдин шаҳарға кирмасимиздан минғбошининг жиловдори маған, „Саримсоқбекдиям қурғанинг жўқ, Қулихон тўраниям қурғанинг жўқ, Тошканғаям борғанинг жўқ. Бу туврида бировға чурқ этма“, – деб қаттиқ тойинлади. Ўйлаб турип кейин билиппан.

– Эшбой қаерга кетти?

– Биз Қашқарға жўнаётқанимизда Эшбой жигитлари билан хос навкарларға қўшилиб, хонзодани Тошканға кузатиб кетти, бек ака.

– Тушунарли-и, – Баҳодир шиғовул кўзларини юмган ҳолда соқолини силаб бир оз ўйланиб турди-да, сўнгра Холиқулни чақириб, буюрди, – бий оғангни қўлини еч, сен озодсан, Ўсканбий, йигитларим ҳовлингга кузатиб қўйишади.

– Жўқ, жўқ, кузатишди кераги жўқ, бек ака, от берсанғиз, бўлди, ўзим кетаман. Жигитларингизға қаттиқ қип тайинланғ, бек ака, тағин бировға ойтип журмасин. Худо кўрсатмасин, минғбошининг қулоғиға жетса, биринчи бўп мени калламди олади.

– Бу ёғидан хотиржам бўл, Ўсканбий, бу ҳақда бировнинг билмаслиги икковимизга ҳам керак.

Эртаси куни Баҳодир шиғовул Ҳокимойимнинг ҳузурига йўл олди. Саломхонага кириб, таъзим қилар экан, кўрпача устида мунғайибгина тасбеҳ ўгириб ўтирган Ҳокимойимга кўз қирини ташлаб, ачиниб кетди. Эгнида қора куйлак, қора духобадан нимча, бошига уралган қора рўмол устидан қордек оппоқ дока рўмол ташланган. Ҳокимойим олдинги Ҳокимойим эмас эди. Ўзини анча олдирган, эридан кейин ўғлининг қатли уни анча букиб қўйган. Ҳокимойим тасбеҳ ўгиришни тўхтатмаган ҳолда шиғовулга „ўтир“ ишорасини қилди.

Чўкка тушиб қўл қовуштириб ўтирган Баҳодир шиғовул гапни нимадан бошлашни билмасдан бир-икки томоқ қириб, кўнгил сўради.

– Худойим сизга сабр билан куч-қувват берсин, Ҳокимойим.

– Яхши юрибсанми, Баҳодирбек, хонадонинг тинчми?

– Худога шукур, Ҳокимойим.

– Тинчлиқми, Баҳодирбек?

Баҳодир шиғовул бир оз сукут сақлади. У Ҳокимойимнинг битмаган ярасини янгилашни асло хоҳламас эди. Чамаси бир ой олдин хонзоданинг Қўқонга келаётганини билдириш учун Ҳокимойимнинг ҳузурига кирганида ҳам, „юраги ғаш тортмасин", – деб чопарларининг чўлда қатл қилинганини айтмасдан, оддийгина қилиб „етиб боришолмапти", – деб қўя қолган эди. Ҳозир ҳам Ҳокимойимнинг дилини оғритмаслик учун иложи борича ётиғи билан гапиришга ҳаракат қилди.

– Ҳокимойим, мингбошининг бийларидан бирини ҳибсга олиб, сўроқ қилдим.

– Хўш?

– Хонзода Саримсоқбекни қароқчилар қатл қилишмаган.

Ҳокимойим тасбеҳ ўгиришдан тўхтаб, шиғовулга тикилиб қолди. У хонзоданинг қотили кимлигини ҳам сурамади. Қуйилиб келган кўз ёшларини дока рўмолининг учи билан арта туриб, деди:

– Пирим тўғрисида биринчи келишингданоқ шундай бўлишини юрагим сезувди, Баҳодирбек, иккинчи марта келиб, „хонзода келяпти, чопарлар етиб боришолмапти", – деб хабар берганингда юрагим тўхтаб қолай деди. Ақлим ҳамма нарсага етади, Баҳодирбек. Чопарларинг етиб боролмаган эмас, улар ё Булоққа, ё Хўжандга етмасданоқ чўлда мингбошининг одамлари қатл қилишганини билмайди, деб ўйлайсанми? Ҳаммасини биламан, Баҳодирбек, лекин нима қилайки, иложим йўқ, – Ҳокимойим шиғовулнинг норозига ўхшаб бош чайқаётганини кўриб, қўл ишораси билан

уни тўхтатди, – йўқ, йўқ, гапимни бўлмай тур, Баҳодирбек, ёнингдаги беклар билан хонга садоқатли хизмат қилишингизни яхши биламан. Чорбоғларда навкар йиғиб қўйганингизни ҳам биламан. Лекин таваккал қилишга ҳаққим йўқ, Баҳодирбек. Сарой мингбошининг навкарлари билан тўлиб кетган. Ўзинг биласан, сарбозхонадаги навкарлар ҳам унга қарашли. Сен навкарларингни оёққа турғизганингча мингбоши шаҳарни қўлга олади, кейин нима бўлишини Худо билади. Беш ой ичида турамдан ҳам, боламдан ҳам ажралдим. Қай аҳволга тушганимни ўзим биламан, Худо билади. Қолган учта боламдан ажралиб қолишни асло истамайман. Худо кўрсатмасин, бирорта боламдан яна ажралиб қолгудай бўлсам, юрагим кўтаролмайди, Баҳодирбек.

Ҳокимойимнинг томоғига бир нарса тиқилгандек бўлиб, гапиролмай қолди. Дод солиб юбормаслик учун дока рўмолининг учини қаттиқ тишлади. Ҳокимойимнинг аҳволини кўриб, эзилиб кетган шиғовул, ерга қараб туриб, оҳиста деди:

– Сизни яхши тушундим, Ҳокимойим, нима десангиз, шу.

Ўртада бир оз сукунат бўлди. Зўриқишдан юзлари қип-қизариб кетган Ҳокимойим кўз ёшларини артиб, ўзини босиб олди-да, шиғовулга қараб, деди:

– Сен билганларни яна ким-ким билади?

– Уч киши, Ҳокимойим, мен, Умарали понсод, Султонбек парвоначи.

– Сизларга берадиган фармоним шундай, Баҳодирбек, учовинг ҳам қулоқларингга қуйиб олинглар. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолсин. Бу ҳақда бировга чурқ этманглар. Айниқса, хон билмасин. Бекларга дарҳол буюр, чорбоғдаги навкарларни жой-жойларига қайтариб юборишсин. Сабр қилиб турамиз, кейинроқ вақти келиб қолар, Баҳодирбек.

Шиғовул бир сўз демасдан „маъқул“ ишорасида бош силкиди, сўнгра ўрнидан туриб, Ҳокимойимга таъзим адо қилди-да, саломхонани тарк этди. Шиғовул саройдан чиқиб, Ғиштқуприкка қараб йўл олди. Ҳокимойим-

нинг кўриниши унга қаттиқ таъсир қилган эди. Ўтган-кетганнинг саломига алик олиб борар экан хаёлга чўмди, „шўрлик Ҳокимойим, ранг-рўйи бир аҳволда бўлиб қолибди. Тамоман юрагини олдириб қўйган, боёқиш. Мусулмонқулдан қаттиқ чўчиб қолган. Лаънати қипчоқ. Бўғиб ташлагим келади куппакни. Қўлимизда шунча навкар бўлиб туриб бир иш қила олмаганимиз одамга алам қилар экан. Мингбоши ҳаддидан ошди. Ҳеч ким билан кенгашмасдан фитнага алоқаси йўқ одамларнинг ёстиғини қуритди. Ўзининг қипчоқларидан ташқари ҳеч ким билан ҳисоблашмай қўйди. Тўғри, ҳозирча биздан ҳайиқиброқ турибди, кўпчилик бўлганимиз учун бизларга тегишга ҳадди сиғмайди. Лекин кейинчалик пайт пойлаши турган гап. Шунинг учун ҳам Ҳокимойим айтганларидек, чорбоғдаги навкарларнинг ҳаммасини эмас, бир қисмини қайтариб, бир қисмини олиб қоламан. Жонибек қўрбошининг навкари билан тарози бўлиб туради. Ҳў-уш, бир ишни бошлаш учун хон билан гаплашиб бўлмайди, таваккал қилишимизга Ҳокимойим рухсат бермайди, нима қилиш керак? Яхшиси, Умарали понсод билан Султонбек парвоначини чақиртираман. Кенгашиб, бирор-бир чорасини топармиз". Шуларни хаёлидан ўтказиб, Ғишткўприкка келиб қолганини ҳам сезмай қолди. Чойхонадагиларнинг саломига алик олиб, ҳовлисига қараб бурилди.

* * *

Хонзода Саримсоқбекнинг таъзиясида Худоёрхон эл қатори аза тутди. Лекин мингбоши билан бўлган мулоқотдан кейин бошқача бўлиб қолди. Саидбек Худоёрхондаги кескин ўзгаришни сезса ҳам сўрашга ботинолмади. Хон олдингидай овга чиқмас, жангнома, ҳикояларни ҳам эшитмасди. Ҳафталаб „Шаҳнишин"дан чиқмади. Гоҳ-гоҳида Саидбекни ёнига олиб қир, тўқайларни айланди. Дарё соҳилигача бориб, узоқ вақт каттакичик тўлқинларнинг қирғоққа урилишини томоша қилади.

– Саид.

– Хон ҳазратлари.

– Айт-чи, ака укага хоинлик қилиши мумкинми?

– Менимча, хоинлиқ қилмаса керак, ахир ака-укани жигарбандлар дейишади-ку, яна Худо билади, хон ҳазратлари.

– Билишимча, сенинг аканг йўқ, шундайми?

– Шундай, хон ҳазратлари, акам ҳам йўқ, укам ҳам йўқ, якка йигитман.

Худоёрхон Саидбекка ғамгинлик билан қараб туриб, деди:

– Қандай бахтлисан, Саид.

Саидбек хонга ажабланиб қаради. „Хон ҳазратларига нима бўлди ўзи, гаплари ҳам ғалати, нимагадир бирдан ўзгариб қолди. Мингбоши нима деди экан. Ишқилиб тинчлик бўлсин". Хон мингбоши билан бўлган суҳбатдан кейин икки кун ўтказиб, Холбек қурбошини чақиртирди. Ўратепага қўшин тортишни кутмасдан тезроқ бирор-бир чора топишни буюрди. Холбек қурбоши қўл қовуштириб туриб, деди:

– Хон ҳазратлари, ҳамма имкониятларни қараб чиқдим. Саройдағидан тортиб шаҳар ичидаги ҳамма навкарлар Мусулмонқулга қарашли. Жонибек қурбошини ўзим томонга оғдираман, деб жотиғиминан гап бошловдим, иттай ириллаб қовуп берди, „тоғин шундайча гап қисанг катта бийга ойтип бераман", – деб лўқ ҳам уриб қўйди. Ҳужумди ташқаридан бошласақ, икки томондан ҳам қирғин катта бўлади, лекин бошла десанғғиз, бошлайвераман, хон ҳазратлари.

– Йўқ, қурбоши, қирғинни кераги йўқ, қирғин нима билан тугашини Худо билади, яхшиси, Ўратепага қўшин тортиш пайтини кутамиз.

– Шундай қилайиқ, хон ҳазратлари, Ўратепаға бориб, қайтгунча минғбошининг жорти одамини ўзимга оғдириб оламан. Бешариққа жетти деғунча шартта мансабидан об, олдиниға Тиловғама, Облиққама сурғун қип жуборамиздағин, кейин гарттай вақтти ўтказиб, қатл қип жуварамиз. Мана шуйтсақ бўлади.

– Маъқул.

Хоннинг Ўратепага қўшин тортиб бориш пайтини кутишдан бошқа чораси қолмади. Қиш бошланиб, биринчи қор ташлаши билан Миртойир сарбон сафардан қайтди. Эртаси хон ҳузурига кириб, таъзим адо қилди. Карвонбошини кўриб, хоннинг кайфияти кўтарилди. Узоқ ҳол-аҳвол сўрашишлардан кейин хон уни саволларга кўмиб ташлади. Бегона юртнинг ҳамма нарсаси уни қизиқтирарди. Анчагина суҳбатдан кейин хон Саидбекни чақиртирди.

– Русияга шу йигитни олиб кетасиз, Миртойир жаноблари, – Худоёрхон таъзим қилаётган Саидбекка ишора қилиб, – оти Саидбек, шериги ҳам бор. Бу йигитларни қаерда ўқишини аниқлаб келдингизми?

– Шундай, хон ҳазратлари, ҳаммасини билиб келдим. Булар бориб ўқийдиган шаҳарнинг оти Ўринбург[75].

– Ўринбург? Биздан узоқдами?

– Дашти Қипчоқнинг қоқ ўртасида.

– Ўҳў-ў...

– Урал дарёсининг лабидаги шаҳар. Ўқийдиган мадрасасини ҳам кўрдим, икки қаватли катта бино, отиям қизиқ, „Кадет корпуси“ деб айтишди...

– Отини нима дедингиз?

– „Кадет корпуси“, хон ҳазратлари.

– Қизиқ, нималарни ўқитар экан?

– Билмадимов, кўп нарсаларни ўқитса керак, ўзиям ўтган йили ёзда очилибди. Татар мударрис билан ҳам танишдим, оти Билол жаноблари экан, талабаларнинг Осиё гуруҳига бош эканлар.

– Осиё гуруҳи дейсизми?

– Шундай, хон ҳазратлари, урис, немис, ўрис татар, гуржилар бир гуруҳ, Осиё миллатига мансуб қирғиз, қозоқ, ўзбек, мусулмон татарлар бир гуруҳ. Осиё гуруҳи бошламасига татар тилида ўқир экан, бориб-бориб, ўрис тилига ўтар экан. Талабаларни ҳам кўрдим, ҳаммаси бир хил кийинган. Лекин ўрис талабалар жуда кўп, ҳаммаси ўрис тўраларнинг болалари. Ўзларини чойхонасида бир хил овқат ейишар экан. Кийим-кечак, озиқ-овқат, ётадиган жойи подшоликдан таъминланар

экан. Шаҳарда ўрислардан ташқари мусулмон татар, ўзбек, уйғур, хоразмликлар яшайдиган маҳалла бор...

– Мусулмон маҳалла ҳам бор, дейсизми?

– Шундай, хон ҳазратлари, каттагина маҳалла, ўзим кўрдим, ҳатто мачитлари ҳам бор. Ўзбеклар уйғур, татарлар билан қуда-анда бўлиб кетишган.

– Қизиқ, бу иккови борса қаерда ётиб-туради?

– Биринчи йили ўзбекларнинг маҳалласида туради, истиқомат қиладиган уйни ҳам кўриб, эгасига тайинлаб, аниқ қилиб келдим. Кейинги йили ўқиш жойининг ётоқхонасига ўтса ҳам бўлади.

– Яхши, ўқиш муддати неччи йил?

– Ўқиш муддати ҳар хил, хон ҳазратлари, Билол жанобларидан суриштириб, билиб олдим. Маҳаллий талабалар шу мактабни ўзида ёшлигидан ўқиб ўн йил, ўн икки йилда шу мактабни ўзида тугатар экан. Ўзга мамлакатнинг фуқароси подшолиқ томонидан борган бўлса, бир йил Ўринбургда ўқиб, уч-тўрт йилни бошқа катта-катта шаҳарларда ўқишар экан.

– Бошқа шаҳарларда? Зўр-ку, нега энди бошқа шаҳарларда?

– Бунисини билмадим, хон ҳазратлари.

– Яхши, дуруст, бўлади, – карвонбошининг гапларидан қониққан Худоёрхон, сўнгра Саидбекка қараб, – Саид, шаҳарма-шаҳар юриб, маза қиладиган бўлдинг, ростдан ҳам сенга ҳавасим келаяпти. Қайси шаҳарда бўлса ҳам ўқиб келсанг бўлди. Айниқса, тилини ўргангин, имкони бўлса, ёнига қўшиб бир-иккита бошқа тиллардан ҳам ўрган. Отам даврида хорижликлар келгани эсингдами? Саройда биттаям тилмоч топилмаса-я, эсимда, ўзларининг тилмочлари бор экан. Тўғри, сен араб тилини яхши биласан, лекин шу пайтгача бизнинг мамлакатимизга бирорта араб келгани йўқ. Хў-ўш, энди бу ёғини аниқлайлик, – хон карвонбоши томон қараб, – Худо хоҳласа, сафарга қачон чиқмоқчисиз, Миртойир-бой жаноблари?

– Худо хоҳласа, ҳамал ўтиб, саврнинг ўнларида йўлга чиқамиз, хон ҳазратлари.

– Яхши, йўлга тайёргарлигингни кўравер, Саид. Мен Бейсинбийга одам юбораман, ўғлини юборсин...

Қиш ўтиб, баҳор келди... Бу йил деҳқон билан чорвадорнинг куни туғди. Қишда қор қалингина ёғиб, баҳор сернам келди. Лалми буғдой бир текис униб чиқиб, бўй чўза бошлади. Қир-адирларда ўт бир қарич бўлиб, лолақизғалдоқ очилган. Айрим жойларда шунчалик зич очилганки, қип-қизил гиламдай, сал шабадага лопиллаб, кишининг завқини келтиради. Қарийб икки ойдан бу ёғига савдогарлар Миртойир карвонбоши бошчилигида сафарга тайёргарлик кўришди. Ҳунармандлардан мол олиб, той-тойи билан „Бекравот“ карвонсаройига тахлаб қўйишган, туялар боқувда, тайёргарлик ҳам охирига етиб қолган. Карвон билан сафарга чиқадиганларнинг азалдан удуми бор. Жўнашдан бир кун олдин ўртада ош дамлаб, яхши ниятлар билан худойи қилишади. Қуръондан оят ўқиб, ўтганларнинг арвоҳларига бағишлашади. Ўша кеча ҳаммалари карвонсаройда тунаб, саҳар йўлга чиқишади. Бир кун олдин Саидбекни олиб кетиш учун Миртойир сарбон саройга келди. Карвонбоши хоннинг ҳузурига кирганда, Саидбек Ҳокимойим билан хайрлашиб, фотиҳасини олиш учун ҳарам саломхонасига йўл олди...

Ҳокимойим ҳар галгидай тасбеҳ ўгириб ўтирар, фақат бу сафар ёлғиз эмас эди. Ўнг томонида қизи Олтиной, чап томонида беш ёшга тўлган кенжа ўғли Султонмуродбек эналарига ёпишибгина ўтиришар, хонанинг бир бурчагида кайвони зўр бериб пуфлаб исириқ тутатарди. Олтиной ёши ўн-ўн бирларда, табиатан шўх, буғдойрангдан хийла оқишроқ, эгнида ўша вақтларда расм бўлган шоҳона либос, духоба нимча, бошида тевараги мўйна, попукли сари кийиб олган. Олтиной Ҳокимойимнинг тескариси, китоб ўқишга хуши йўқроқ, қиз бола бўлса ҳам от минишни ёқтиради. Кўпинча Ҳокимойимдан яширинча кайвонининг ёрдамида уч-тўртта канизакларни эргаштириб олади-да, қирга от қўйиб кетади. Бир куни Ҳокимойим қизидан Худоёрхонга шикоят қилди.

– Олтинойди тергаб қуй, ўғлим, шўхлиги ҳаддан ташқари. Кун ора қирга от қўйиб кетаяпти. Менга бўйин бермай қўйди, шайтон қиз.

– Ўзингиз ҳам овулда кун орамас, ҳар куни от чопардингиз-ку, ойихоним.

– Бизнинг давримиз бошқа эди, ўғлим, бу ер сарой бўлса, кўрган нима дейди?

– Ҳеч нарса демайди. Буниям даври бошқа, эна, оқбилак ойимчалардай аравада юрсинми? Олтинойди уришманг, ойихоним, қўйинг, от чопишни яхшилаб ўрганиб олсин, керак бўлиб қолади.

Ҳафсаласи пир бўлган Ҳокимойим, Олтиной билан бошқа иши бўлмай қўйди...

Саидбек саломхонага кириб, Ҳокимойимга таъзим адо қилди.

– Кел, ўғлим.

Ҳокимойим Саидбек билан ҳол-аҳвол сўрашар экан, Олтиной дик этиб ўрнидан турди-да, қўлини кўксига қўйиб, ҳолда Саидбекка эгилиб салом берди. Султонмуродбек югуриб келиб, Саидбекни қучоқлади. Саидбек эгилиб, унинг икки юзидан ўпиб, елкасини силади.

– Яхши юрибсизми, шаҳзодам?

– Мен яхшиман, юринг, – Саидбекнинг қўлидан ушлаб, тўр томонга тортқилар экан, – узоққа кетаяпсизми, ойихоним айтдилар?

– Шундай, шаҳзодам, узоққа кетаяпман.

– Мени ҳам олиб кетинг.

Саидбек жавоб беришга улгурмасдан Ҳокимойим Султонмуродбекни тергади.

– Бўлди қил, ўғлим, бек аканларни чарчатдинг, кел, жойингга ўтир, – Саидбекка қараб, – сен келгунинга қадар савол бераверіб, бошларимни оғритиб юборди. Кел, бу ёққа келиб ўтир, ўғлим.

Саидбек пастроққа чўкка тушиб ўтирди. Олтиной ҳам боягидек онасига ёпишиб олди. Саидбек негадир кейинги пайтлар Олтиной билан олдингидек очилиб бемалол гаплашмас, гапирган тақдирда ҳам тутилиб, кўзига қарай олмас эди. Ҳозир ҳам қимтиниб ҳол-аҳвол

сўрашди. Олтиной эса унинг акси, ишшайганча Саидбек билан бемалол сўрашиб, фақат ҳар замон Ҳокимойимга қараб қўярди. Онасининг сал қошлари чимирилганини кўриб, дарҳол қўли билан илжайган оғзини беркитиб олди.

Ҳокимойим овулдалик пайтда Саидбекка унча эътибор бермаган бўлса ҳам саройга келгандан кейин уни зимдан кузатиб борди. Саидбекнинг одоби, юриш-туриши, муомаласи Ҳокимойимга маъқул келди. Кайвонининг маслаҳати билан вақти келганда куёв қилишни ҳам ният қилиб қўйди. Бугун Олтинойни ясантириб, ёнида олиб ўтиришининг ҳам сабаби шундан.

– Сафарга жўнаяпсанми, Саидбек ўғлим?

– Худо хоҳласа, Ҳокимойим, йўл олдидан фотиҳангизни олай, деб келдим.

– Хон „Саидбек мадрасада ўқигани бораяпти“, деб айтди.

– Шундай.

– Яхши, ўғлим, илм ўрганишни ният қилибсан, бу жуда яхши. Мадрасада неча йил ўқийсан?

– Миртойир жаноблари уч-тўрт йил дедилар.

– Маъқул, сен ҳеч нарсадан ташвишланмасдан бемалол ўқиб илм олавер, ўғлим, мен ҳар йили керакли маблағни Миртойирдан жўнатиб тураман.

– Ташаккур, Ҳокимойим.

– Ўғлим, сен биринчи марта узоқ сафарга кетаяпсан, ҳали ёшсан. Бу дунёда яхши ҳам бор, ёмон ҳам бор. Шунинг учун сафарда ҳам, борган жойингда ҳам ҳушёр бўлиб юргин. Худойим одамизодни ҳар хил қилиб яратган...

Ҳокимойим йўл олдидан Саидбекка бир қанча оналик насиҳатини қилди. Кейин билган дуоларини ўқиб, яхши тилаклар тилаб, юзига фотиҳа тортди-да, ўтирган жойида қўлларини олдинга чўзди. Саидбек тура солиб, унинг рўпарасида чўкка тушиб бошини эгар экан, ёнгинасида турган Олтинойга кўз қири билан қараб қўйди. Олтиной кулгисини яшириш учун бежирим лабларини

маҳкам юмиб олганча шўх кўзлари билан Саидбекка қараб турарди. Саидбекнинг эти жимирлаб кетди.

– Парвардигорим сени ёмон кўзлардан асраб, ўз паноҳида сақласин, – Ҳокимойим Саидбекнинг пешанасидан ўпар экан, кўзларига ёш келди, – сафаринг бехатар бўлсин. Ой бориб, омон қайт, ўғлим.

Кайвони бир нарсаларни пичирлаганча Саидбек билан Олтинойнинг бошларидан исириқни айлантирди.

– Ҳа-а-а, – Олтиной кайвонига ола қаради.

– Икковингга кўз тегмасин, дейман-да, Олтиним, – кайвони илжайди.

Ҳозиргина шўх кўзларини уйнатиб турган Олтиной қовоғини уйиб, қулоқларигача дув қизариб кетди.

– Э-бборе-е-е, – шартта ўрнидан турди-да, оҳудай югурганча саломхонадан чиқиб кетди.

– Вой ўлай, шарманда қилди, ҳа,ҳа,ҳа, – кайвони Олтинойнинг орқасидан кулганча қолди.

Саидбек лавлагидай қизариб, ғулдираганча Ҳокимойимга миннатдорчилик билдириб, хайрлашди, сўнгра рухсат олиб, саломхонани тарк этди. Хоннинг олдига кириб, хайр-хушлашди. Худоёрхоннинг ишораси билан бир ҳафта олдин Кировчидан келган Азимбек, бир тўп беклар билан Саидбек ва Миртойир сарбонни „Бекравот" карвонсаройига кузатиб боришди. Отлардан тушиб, карвонсарой дарвозасидан киришар экан, ён томонда қатор ҳужралардан бирининг эшиги очилди. Ичкаридан қирғизча қалпоқ кийган, ўрта ёшли, чорпахилдан келган киши, ориқроқ ўспирин йигит билан чиқиб, булар томон шошилиб келишарди.

– Бу жигитча муртинғиз бўлади, турамжон, оти Қилич, акамди улчаси бўлади, – деди ўрта ёшли киши қўл олиб кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашишгандан кейин, – Бейсимбий оғамди иши чиғиб қоп, маған тойинлади, ўзи уч-тўртта бийлар билан Камаровулға кўпкари тўйға кетти, – сўнгра Қиличга қараб, – Саидбек турамди жахшилаб тониб оғин, жияним, бу кишиларди авлоди бизди авлодға пир бўлади, ҳар доим хизматларини қилгин, кам бўмайсан...

Эртаси куни тонг қоронғисида Саидбек шериги Бейсимбий боймоқлининг ўғли Қилич билан Миртойир сарбон карвонида Оренбургга жўнаб кетди.

XI БОБ

Орадан олти йил ўтди... 1268 ҳижрий, жавзо ойи[76]... Россиянинг уруш-жанжалсиз босиб олган „Дашти Қипчоқ“[77] ерлари. Бу ерларда қиш фасли узоқроқ чўзилади. Баҳор тугаб, ёз бошланишига қарамай ҳали салқин. Уч кун олдин ёққан ёмғирдан кейин ўтлар бўй чўзиб, дарахтлар эндигина гулга кирган. Казакларнинг кузда экқан буғдойлари бир қарич бўлиб қолган. Ўн бешйигирматача хонадондан иборат хуторга кираверишда почта бекати салобати билан бошқа уйлардан ажралиб туради. Бекат тусинлардан қурилган бир қаватли бино бўлиб, катта ҳовлиси ёғоч девор билан ўралган. Ҳовлининг ярми қишки-ёзги отхоналарга бўлинган. Амалдорлар, савдогарлар, йўловчилар отларини алмаштириш учун ҳар доим отлар боқувда туради. Ҳовлининг бир чеккасида извош, фойтон, бричка, юк араваларни таъмирлаш учун чилангарлик устахонаси ҳам бор. Бинода бекат назоратчисининг хонасидан ташқари меҳмонхона, ошхона, четроқда ямшиклар учун алоҳида хона бор. Ямшикларнинг еб-ичишлари, ётоқхоналари подшолик ҳисобидан. Бир вақтлар „Дашти Қипчоқ“ деб аталган бу жойларда ўтроқ бўлиб қолган казаклар, бошқирдлар, қалмоқлар, қирғизлар, қозоқларнинг овул, маҳалла, хутор, станицалари жойлашган. Қуёш чарақлаб турган бўлса ҳам нимча пўстин кийиб олган бекат назоратчиси хонасидан пешайвонга чиқиб рафга қўлларини қўйган ҳолда ҳовлига кўз югуртирди. Устахонада ғимирлаётган усталарга бир қараб олди-да, чиғириқни айлантириб қудуқдан сув тортаётган, ҳамма нарсадан хабардор ошпаз хотиндан сўради:

– Акулина-а, Прохор „Қашқа“ни тақаладими?

– Эрталабданоқ тақалаб, яйловдаги отларга қўшиб келди, Пантелей амаки. Ҳозир Петрухинларнинг тошга тегиб, синган омочини таъмирлашяпти.

– Яхши, айтгандай, бугун фельдегер келадиган кун. Тушликка овқатни дурустроқ тайёрла, ўтган сафар вайсаб кетувди, – назоратчи ҳовли ўрида шўхлик қилаётган неварасига қараб, ўшқирди, – Митка-а-а... Чўчқа боласини тинч қўй, шайтон, қувлама, деяпман сенга, жин ургур, йўқса, Геннадий ҳазрат Филимонни савалагандай савалайман, итвачча!

Назоратчининг дўқи таъсир қилди шекилли, Митка чўчқа боласини қўйиб, ғозларни қува кетди.

– Вой аблаҳ... Кимга тортти бу, жин урсин, – деразага қараб бақирди, – Фрося, тирмизагингга қара, агар ғозлар учса, далада битта-яримтасини тулки олмасин, яна.

Шу пайт ўрмон йўлидан қўнғироқларини жаранглатиб келаётган извош кўзга ташланди. Хонасига кирмоқчи бўлган назоратчи ўгирилиб, қўнғироқ овози келган томонга диққат билан қаради.

– Ҳў-ўш... Икки от қўшилган извош... Гербига қараганда подшоликка қарашли, лекин фельдегерникига ўхшамайди, отларни қичаб ҳайдашига қараганда каттароқ амалдор, шекилли. Ишқилиб дўқ урадиган генераллардан бўлмаса бўлди, авлиё Пётр, жанжалу тўполанглардан ўзинг сақла, – назоратчи бир чўқиниб олди-да, ёғоч зинадан ҳовлига туша солиб хизматкорларига бақира кетди, – Прохор, Савелий... Тезда дарвозани очинглар, ер ютгурлар, амалдор келяпти. Фрося, сен меҳмонхонани тайёрлаб қўй. Барин қачон йўлга тушишини Худо билади.

Ланг очиқ дарвозадан йўрға юришда икки от қўшилган извош кириб келди. Қозоқ ямшик терлаб кетган отларни ҳовли ўртасида тўхтатиб, сакраб ерга тушди. Извош эшигини очиб, йиғма зиналарни туширди-да, нимтаъзим қилган ҳолда, деди:

– Марҳамат қилсинлар, мирзалар.

Поручик[78] кийимида иккита йигит, ёшлари йигирма бир-йигирма икки атрофида, қиличларини чап қўллари билан ушлаган ҳолда извошдан тушишди. Йигитлардан бири ўрта бўйли, буғдойранг, қошлари сийрак, кўзлари қисиқ Қилич, кейингиси ўрта бўйдан баланд-

роқ, оқишдан келган, қош-кўзлари қоп-қора, келишган мўйловчаси ўзига ярашиб турган Саидбек эди. Иккови ҳам яхши улғайган. Каттароқ амалдорни кутган бекат назоратчиси билан хизматкорлар йўловчиларга қараб бақрайиб, қотиб қолишди.

– Пантелей амаки, булар басурманлар, шекилли, – деди Прохор, назоратчига бир қараб олиб, – лекин кийимлари баринларникидай ёки элчилармикин?

– Қайси элчини поручик кийимида кўргансан, жин ургур? – назоратчи Прохорни жеркиб. – Валақламасдан жим бўл, ҳозир ўзим билиб оламан.

Назоратчи буйини ғоз тутганча Саидбекка қараб, ҳарбийчасига деди:

– Саломатлик тилайман, поручик жаноблари!

Саидбек назоратчига бошдан оёқ бир қараб олди-да, жилмайганча:

– Саломатмисан, Пантелей амаки? Қарибсан... Бизларни дарров ёдингдан чиқарибсан-да, ахир беш йил олдин Оренбургдан Қозонга жўнатилган кадет[79]ларни наҳот унутган бўлсанг?

– Кадетларни!?

– Худди шундай, Пантелей амаки, кадетларни, – гапга қўшилди Қилич, – извош подшолик ҳисобидан бўлгани учун от бермай роса тўрт кун ушлаб тургансан. Чой-чақа беришга бизнинг ақлимиз етмаган, аниқроғи, ёшлик қилганмиз. Шунда ҳам йўлини қилиб, қурттай санаб, ундириб олувдинг, энди эсладингми?

– Ё, биби Марям... наҳотки ўша болачалар сизлар бўлсангиз, – назоратчи ўлгани кунидан тиржайиб, – Акулина, Прохор... Бу йигитларга қаранглар-а, беш йил ичида ҳақиқий барин бўлишибди. Таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибсизлар, оббо азаматларе-ей, Фроося-а-а, дарҳол самоварга қара, жаноблар йўлдан очиқиб, чарчаб келишган. Қани, жаноблар, чой тайёр бўлгунча менинг хонамга марҳамат қилинглар, йўл ҳужжатларингизни китобга қайд қилиб қўйишим лозим.

Назоратчи юриб, зинадан кўтарилар экан, Саидбек извошдан отларни бўшатаётган ямшикка алланарсаларни уқтираётган Қилични чақирди.

– Қилич.

– Лаббай, тўрам, – Қилич илдам юриб, Саидбекка яқинлашди.

– Отларни алмаштиришдан олдин темирчига айтиб, извошнинг ғилдиракларини ёғлатгин. Ҳужжатларга ўзим қарайман. Айтгандай, темирчига чойчақани олдиндан бериб, тепасида тур, ишни чала-чулпа қилиб қўймасин яна.

– Хўб бўлади, тўрам.

Назоратчи хонасида йўл ҳужжатларини қиртиллатиб, китобга кўчирар экан, ҳайратланиб, Саидбекка қаради.

– Наҳотки Петербургнинг ўзидан келаётган бўлсаларингиз?

– Петербургнинг ўзгинасидан.

– Оренбурггача-я?

– Оренбурггача, Пантелай амаки, Оренбурггача.

– Қойи-и-ил, – назоратчи ҳужжатларни кўздан кечирар экан, – хў-ўш... Петербургдан Москвагача паровозда, яхши-и... Бошқа паровоз билан Қозонгача келибсизлар, яхши-и... Қозондан бу ёғига подшолик извошида-а... Эҳ, отагинам, Қозондан Алексеевгача маза қилиб пароходда келсаларингиз ҳам бўларди-ку, бу ёғига тўрт қадам қоларди.

– Пароходда маза қилиб келсак бўларди, Пантелей амаки, лекин Қозонга тушганимизда дарё музи энди эришни бошлаган экан, пароходлар юрмаётган эди.

– Ҳа-я... Эсим қурсин, бизга қараганда у томондаги муз кечроқ эрийди. Йўлга чиққанларингизга қанча бўлди?

– Бир ой нари-бери шекилли.

– Ўҳў-ў... Мана буни саёҳат деса бўлади, – назоратчи ёзишда давом этаркан ўз ишидан нолий кетди, – бизнинг ишимиз ҳам ишми, жин урсин, каторганинг ўзгинаси. Ҳеч қаёққа боролмайсан, чиқолмайсан. Вазифам 14-даражадаги энг паст лавозим. Подшоликдан бериладиган маошнинг ҳам баракаси йўқ. Устига-устак бизни аллақандай порахўр подьячий[80]ларга тенглаштиришади. Товба қилдим, бу одамларда инсоф деган нарсанинг ўзи...

– Бўлди, бўлди... Куп нолийверма, Пантелей амаки, – Саидбек назоратчининг гапини бўлиб, – битта гапни тутиқушдек ёдлаб олибсан. Беш йил олдин ҳам худди шу гапларни айтиб, бир сулкавой ундириб олгансан. Подьячийлар сизларнинг олдингизда ёш боладай гап.

– Тегишасиз-да, отагинам, – назоратчи лавлагидай қизарди, – ахир...

– Бас-с, куп гапириб юбординг, сафаримиз подшолик ҳисобидан бўлса ҳам мана сенга бир сулкавой, – Саидбек бир дона кумуш тангани стол устига ташлар экан, – фақат бу ёғини тезлат, икки соатдан кейин йўлга чиқишимиз керак. Қоронғи тушмасдан кейинги почта бекатига етиб олишимиз лозим.

– Айтганингиздек бўлади, барин, – назоратчи чаққонлик билан тангани нимчасига яширар экан, – сизлар чой ичиб, меҳмонхонада бир оз дам олгунингизга қадар ҳаммасини тайёрлаб қуяман, сиз хонангизга бораверинг, отагинам, ҳужжатларни ўзим олиб бораман.

Саидбек сўзсиз бош иргаб, хонадан чиқди. Устахонада Қиличдан чойчақа олган Прохорнинг ҳамиша тунд қовоғи очилиб, тили ҳам ечилиб кетди. Ёрдамчиси Савелий билан извошнинг гупчагини пишанг ёрдамида тунка устига ўрнатар экан, четроқда турган Қиличга вайсай кетди:

– Ғилдиракларни шундай ёғлаб берайки, барин, ҳавода айлангандай юрсин. Ўтган ой подшоликдан эмандан ясалган олти дона бочкачада ёғ бериб юборишди. Аллақандай конда топишган эмиш. Чучқа ёғи унинг олдида похолдай гап, отагинам...

Икки соатлардан кейин почта назоратчисининг сертакаллуф кузатувида извош Оренбургга қараб йўл олди...

* * *

Бир вақтлар император хоним Анна Иоанновна фармони билан асос солинган Оренбург шаҳри... Осиё билан Ғарбни ажратиб турувчи шаҳар. Шаҳар Урал дарёсининг чап томонига жойлашган бўлиб, кўчалари текис, кенг, тўғри бурчакда туташган чорра-

ҳалар. Олд томони устунлар билан ҳашам берилиб, ғарб услубида қурилган данғиллама уйлар, „Рус-Осиё“ банки, губернатор уйи, дворянлар йиғиладиган бино, казармалар, кадет корпуси, улгуржи савдо билан шуғулланадиган йирик-йирик рус савдогарларининг фирмалари, меҳмонхоналар, хиёбон, шаҳар четроғида масжид мезанаси кўриниб турадиган татарлар, сартлар маҳалласи ҳамда сиёсий сургун қилинганларнинг баракларн кўзга ташланиб туради. Дарёнинг ўнг томонида ўнлаб туя карвонларини қабул қила оладиган мол алмашиш карвонсаройи қурилган. Бу карвонсаройни жаҳон бозори деса бўлади. Араб мамлакатлари, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой, Қашқар, Туркистон хонликларидан келадиган карвонлар шу ерда савдолашиб, мол алмашиб, дам олиб орқага қайтишади. Оренбургдан у ёғи бепоён Сибир, Фаранг йўлларида туя карвонга ҳожат йўқ. Бу ерлар сersув, ўтлоқзор бўлгани учун ҳар йигирма беш-ўттиз чақиримга подшолик томонидан почта бекатлари қурилган.

Оренбург губернатори генерал-адьютант Перовский хонасида креслога ўтириб, дона-дона гапирар, ҳафта олдин Орол қалъасидан келган полковник Бларамберг қўлидаги ручкани шилқ этиб сиёҳдонга ботириб олиб, подшолик герби туширилган оқ қоғозга шошмасдан ёзар эди. Василий Алексеевич Перовский, граф Алексей Кириллович Разумовскийнинг никоҳсиз туғилган ўғли. У ёши элликдан ошган генерал, орик, мўйловли, Бородино, Наполеон урушларида қатнашган. 1833 милодий йилдан Оренбургда губернаторлик лавозимида хизмат қилиб, 1842 йилда бошқа лавозимга ўткизилган. Император Николай Iнинг фармони билан 1845–47 йилларда Қўқон хонлигига қарашли Тўрғай, Ирғиз дарёлари бўйида ҳамда Сирдарёнинг Оролга қуйиладиган жойида ҳарбий истеҳкомлар қурилишини назорат қилган. Беш ой олдин, аникроғи, 1851 милодий йили, декабр ойининг ўрталарида уни Петербургга чақиртиришди. Император Николай I иштирокида ўтган ҳарбий кенгашда қатнашди.

– Жаноблар, – деди император курсиларда ўтирган саккиз-ўн чоғли вазирларга бирров кўз югуртириб, – Ғарб билан Болқонда, Ўртаер денгизи билан Қора денгизда бўлаётган сиёсат бир оз ўзгарди. Ғарбда лорд Пальмерстон[81] аллақандай фитналарни бошламоқчи, шекилли. Негадир инглиз консуллари Туркияга серқатнов бўлишди. Франция билан Сардиния қироллиги ҳам ғимирлаб қолди. Бу масаланинг бир томони. Ҳаммангизга маълум, Ҳиндистон Англиянинг измида, Афғонистон ҳам шунга яқинроқ. Лекин инглизлар шу билан кифояланмасдан, Ўрта Осиё хонликларига ҳам қўл узатишмоқчи. Хонликларни бирлаштириб, Россияга қарши қўйишмоқчи. Шу ишлар билан Ост-Индия компанияси шуғулланаётган эмиш. Ҳатто Хива ва Қўқон хонликларига инглиз маслаҳатчиларини ҳам юборишган эмиш. Инглизлар Ҳиндистон ва Афғонистон орқали Ўрта Осиёга суқилиб кирмоқчи, бунга йўл қўйиб бўлмайди, жаноблар. Бирон-бир чорасини топиб, инглизлардан олдинроқ ҳаракат қилмоғимиз лозим. Шу ҳақда сизларнинг фикрларингизни билмоқчиман, олдин халқаро сиёсий аҳволни билиб олсак, ёмон бўлмас эди, – император бир тин олиб, нигоҳини вице-канцлер князь Нессельродеда тўхтатди, – жаноби канцлер!

– Эшитаман, Ҳазрати олийлари.

– Марҳамат, сиз бошлай қолинг, азизим.

– Миннатдорман, ҳазрати олийлари.

Нессельроде, қўлидаги қоғозга бир қараб олиб, сўзлай бошлади:

– Ҳазрати олийлари, жаноблар... Ҳақиқатан ҳам ғарбда сиёсат бир оз ўзгарган бўлса ҳам бизга нисбатан ёмон томонга ўзгарди. Уч ой олдин Австрияда саккизта давлат дипломатлари музокаралар олиб боришди. Назаримда Лондон конвенциясида тузилган шартномаларни йўққа чиқаришмоқчи. Лорд Пальмерстон ўз дипломатлари орқали қуйидаги талабларни қўйибди, яъни, бизнинг протекторатимизда бўлган Аланд ороллари билан Финландия, Швецияга қайта-

рилади, Болтиқ атрофлари Пруссияга берилади. Польша қироллиги қайтадан тикланиб мустақил давлатга айлантирилади ва Россия билан ғарб давлатлари ўртасида бетараф мамлакат бўлади. Молдавия, Валахия Австрияга берилади. Ломбардия, Венеция Сардиния қироллигига берилади. Австрияда бўлган музокараларда мана шундай талаблар қўйишди. Лорд Пальмерстон ҳудудларни шундай бўлиб ташлаганки, битта-яримтасини ҳисобга олмаганда қарийб ҳамма давлатлар қўйилган ушбу шартларга рози.

Император асбийлашиб ўзини кресло суянчиғига ташлади.

– Бемаънилик, биз бундай талабларни қабул қилмаслигимизни жаноб Пальмерстон яхши билади. Давом этинг.

– Французлар ҳам инглизларнинг ноғорасига ўйнаб, биздан калитни талаб қилишяпти.

– Калит? Қанақа калит?

– Вифлеемдаги ибодатхона калитини, ҳазрати олийлари. Фалестина Туркиянинг мустамлакаси. Бир вақтлар биз Туркияни Миср давлати тор-мор қилишидан сақлаб қолувдик. Станбул қўлдан кетай деганда, Босфорга ўн минг пиёда аскар туширувдик. Шунинг эвазига Туркия халифаси ибодатхона калитини Католик мазҳабидан олиб, Православ мазҳабига, яъни бизга берган эди. Ҳозирча ибодатхона бизнинг назоратимиз остида. Французлар ана шу калитни католик мазҳабига қайтариб беришимизни талаб қилишяпти.

Император вазирларга бир қараб олиб, Нессельродега заҳарханда қилди.

– Товба қилдим, биби Марям... Лорд Пальмерстон жаноблари сиёсатга ибодатхона калитини ҳам аралаштирибдилар-да, бу ғирт муттаҳамчилик, бу ҳақда ҳали яхшилаб ўйлашиб кўрамиз, маърузангиз учун ташаккур, княз, жаноблари, – сўнгра бошини буриб, ҳарбий вазир граф Милютин[82]га қаради, – Дмитрий Алексеевич.

– Ҳазрати олийлари...

– Сўз сизга, азизим.

Милютин император томон ҳарбийчасига бир бош силкиб олди-да, харита ёзилган столга яқинлашиб, кўрсаткич таёқчани қўлига олди.

– Ҳазрати олийлари, жаноблар, мен фақат ўзимга тегишли мавзуда гапираман. Маърузамни ҳарбий денгиз флотидан бошлайман. Елканли кемаларимиз ҳамда буғ билан юрадиган парракли кемаларимиз, Шимолий ва Тинч океанларида, Болтиқ, Ўртаер, Қора денгизларда бемалол сузиб юришибди. Босфор ва Дарданел бўғозларида ҳам бемалол сузиб юришибди. Лекин негадир охирги пайтларда Англиянинг парракли кемалари Туркиянинг Босфордаги ҳарбий базаларига тўпланмоқда. Бу нарса бизни безовта қилмасдан қўймайди. Иложи борича елканли кемаларимизни парракли кемаларга алмаштирмоғимиз лозим. Қуруқликдаги қўшинларимизга келсак, қурол-яроғ масаласида Англия ва Франциядан анчагина орқадамиз. Бизнинг милтиқларимиздан отилган ўқ бир юз саксон, нари борса, икки юз метрга боради, инглиз милтиқларининг ўқи бир минг юз-бир минг икки юз метргача боради. Инглизларнинг...

– Дмитрий Алексеевич, нималар деяпсиз? – император креслодан туриб, хона бўйлаб шошмасдан юра бошлади. – Бу қанақаси, инглиз милтиқларидан отилган ўқ неча метрга боради, дедингиз?

– Бир минг юз-бир минг икки юз метргача боради, зоти олийлари.

– Бизларники-чи?

– Нари борса, икки юз метргача боради.

– Биби Марям, фарқини қаранг, даҳшат, роса минг метрга фарқ қилади-я. Милтиқларнинг бир-биридан фарқи нимада экан?

– Инглиз милтиқларининг стволлари ичига нарезка қилинган, бизнинг милтиқларимизнинг стволлари ичи тухумдай сип-силлиқ, зоти олийлари.

– Фарқи шу холосми?

– Шу холос, зоти олийлари.

– Бемаънилик, – император қовоқларини уйганча

креслога бориб ўтирар экан, вазирларга кўз югуртирди, – Тула заводи қайси бирингизга қарайди?

Йўғон, тепакал оғир саноат вазири шошиб ўрнидан турди.

– Ҳазрати олийлари.

– Дмитрий Алексеевичнинг гапларини эшитдингизми, азизим, ствол ичидаги аллақандай нарезкани инглизлар ўйлаб топса-ю, бизнинг инженерларимиз оғизларини очиб ўтиришса-я, бу қанақаси, а? Сиздан сўраяпман, Григорий Ефремович?

– Ҳ-хазрати олийлари, бу иш билан аллақачон ш-шуғулланганмиз, – деди вазир ҳаяжонланганидан дудуқланиб, – ҳатто шу ҳақда маъруза ҳам тайёрлаб келганман. Мосин жаноблари лойиҳани тугатишлари билан...

– Жаноб Мосин ким?

– Бош лойиҳачи, инженер, зоти олийлари, лойиҳа охирига етиши билан биринчи кўргазма милтиқни қуя бошлаймиз. Мосин жанобларининг айтишларича, бу милтиқлардан отилган ўқ бир минг беш юз метрдан ҳам узоққа кетар экан.

– Ҳм, бир минг беш юз метр денг, чаккимас, – императорнинг қовоғи очилиб, қоғозга алланималарни ёзар экан, – агар жаноб Мосин айтганларидек бўлса, яхши, жуда яхши, Мосин жанобларини ҳамда ёрдамчиларини моддий рағбатлантиринг, ўтиринг, азизим, Дмитрий Алексеевич, сиз маърузангизни давом этаверинг.

– Ҳа, ҳа, рухсатингиз билан, зоти олийлари. Жаноблар, Туркистон масаласига келсак, Оренбург ёнида жойлашган Белогор қалъаси захирасидан икки эскадрон суворий казаклар билан икки батарея тўпчиларни „Казалинск“ фортига сафарбар қилсак, кифоя қилади. Фортдаги пиёдаларнинг ўзи етиб ортади, деб ўйлайман...

Ҳарбий вазир „Казалинск“ фортида қилинадиган ишлар, ҳарбий тактика устида маъруза қила бошлади. Император вазирнинг маърузасига қулоқ солганча креслодан яна турди-да, қўлларини орқасига қилиб, хона бўйлаб оҳиста юра бошлади. Милютиннинг маърузасидан юраги ғаш тортди.

„Жин урсин, графнинг гапига қараганда қуролароғ масаласида инглизлар анча олдинда шекилли, тездан мутахассисларни чақиртириб, бу масалани ҳал қилиш лозим. Буғ билан ишлайдиган кемаларни ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш керак. Бу ёқда Туркистон", – император дафтарчасига алланималарни ёзаётган Перовскийга кўзи тушиб, Нессельроде билан бўлган сухбат ёдига тушди...

Уч ой бурун император ҳарбий кенгашга қатнашувчилар рўйхатини кўздан кечирар экан, рўпарасида папкасини бир қўлида ушлаб, қолдини гоз тутиб турган вице-канцлерга қаради.

– Князь жаноблари, рўйхатда жаноб Перовскийнинг фамилиясини кўрмаяпман. Нега у рўйхатда йўқ? Кенгашда мен унинг Туркистон ҳақида фикрини билмоқчиман, кейин уни Оренбургга қайтадан губернатор қилиб тайинламоқчиман. Туркистон масаласида Перовскийдан яхши номзод йўқ, тажрибаси ҳам кўп, ҳатто сартча гапиришни ҳам билади.

Нессельроде енгилгина таъзим қилиб, бошини сал эгган ҳолда шошма-пошма императорга эътироз билдира кетди.

– Ижозатлари билан, зоти олийлари, ўн йил олдин, аниқроғи, 1839 йили Хивага қарши уюштирилган ҳарбий экспедициямизнинг барбод бўлгани наҳотки ёлларидан кўтарилган бўлса. Ахир ўшанда экспедицияга жаноб Перовский бошчилик қилган эди. Минг-минглаб туялар, отлар, аскарлар қирилиб кетди. Шамолга совурилган маблағларни айтмайсизми, хазинамиз нақд бир ярим миллион сўмдан ошиқ зарар кўрди. Мана шу муваффақиятсизликдан кейин жаноб Перовскийни қайтадан губернатор лавозимига тайинласангиз, қандай бўлар экан?

– Соз бўлади, князь жаноблари, худди ўша сиз айтган ҳарбий юришнинг муваффақиятсизликка учрагани учун жаноб Перовскийни губернатор лавозимига тайинламоқчиман. Кейинчалик Қўқон хонлигига қарши ҳарбий экспедицияга бошлиқ қилиб тайинлашга қарор

гап. Сув бемалол, озиқ-овқатни қирғиз, қозоқлар еткизиб беришяпти. Зоти олийларининг ёзма ахборотимиздан хабарлари бор, икки йил олдин Қўқон хонлигига қарашли Тўйчибек, Қўшқўрғон, Каттақўрғон, Чимқўрғон қалъаларини эгалладик. Туркистонга ҳарбий юришни Оқмачит қалъасидан бошлашни мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Биринчидан, Оқмачит қалъаси ҳарбий томондан бизга ниҳоятда қулай, иккинчидан, уни ишғол қилсак, ён-атрофдаги Кумушқўрғон, Жўлақ, Тошқўрғон сингари кичик-кичик қўрғонлар руҳан тушкунликка тушиб, тез таслим бўлишади. Кейинги навбатда Туркистон қалъаси, Чимкент қалъаси, Тошкент ва ҳоказо. Ҳарбий юришдан олдин қирғиз, қозоқ бийлари билан шартнома тузиб олиш лозим. Юкларимизни ташиш учун туя сотиб олишимиз шарт эмас, ижарага олганимиз бизга қулайроқ, туяга ўзлари қарашади. Озиқ-овқат билан қисман таъминлашни ҳам бийларга юклаймиз.

Перовский маърузасининг охирида истеҳкомлар, ҳарбий юриш учун зарур бўладиган ишлар устида гапирди. Перовскийнинг маърузасидан бир оз кўнгли хотиржам тортган император „навбат кимники", – дегандай вазирларга кўз югуртирди. Марҳум граф Бенкендорф[83] ўрнига тайинланган империя хавфсизлик вазири, III бўлим бошлиғи граф Орлов[84], императордан рухсат олиб, харитага яқинлашмасдан жойида туриб гапириб қўя қолди.

– Ҳазрати олийлари, жаноблар... Кавказ, Болқон, Ғарб ҳамда Қора денгиздаги вазиятлар, биз ўйлагандан ҳам қалтисроқ бўлиб турибди. Худога шукур, айғоқчиларимиз Ғарбда ҳам, Ўрта Осиёда ҳам яхшигина ишлаб туришибди. Австрияда лорд Пальмерстон дипломатлари қўйган талаблар уруш бошлаш учун бир баҳона холос. Аслида уларнинг ниятлари Россия ҳарбий кемаларини Босфор, Дарданелли бўғозларига қўймаслик, Қрим ва Кавказни Россиядан тортиб олиб, Туркия мустамлакасига айлантиришни мўлжаллашяпти. Кавказда фақат черкесларнигина мустақил давлат қилиб тиклашмоқчи. Бу Россия Қора денгиз флотидан маҳрум

бўлди дегани. Лорд Пальмерстон Польша қироллигини тиклашга астойдил ҳаракат қилаяпти. Варшава, Люблин, Лодзь шаҳарларидаги яширин гуруҳларни, шу билан бирга Кавказдаги имом Шамил[85]ни ҳам маблағ ва қурол-яроқлар билан...

– Бир дақиқа, граф, – император граф Орловнинг гапини бўлиб, – анови имом Шамил деганингиз шовшувга сабаб бўлган кавказлик абрек[86] эмасми?

– Худди шундай, зоти олийлари, Чечен волостидан чиққан қароқчи.

– Таажжуб, нега ҳалигача у ҳибсга олинмаган?

– Ҳазрати олийлари, бир неча марта энди қўлга оламиз деганда бирдан ғойиб бўлади-қолади, тоғ сўқмоқ йўлларини беш қўлдай билади, чеченлар у ёқда турсин, ингуш, кабардин, осетинлар ҳам у лаънати қароқчига хайрихоҳ. Жой беришади, озиқ-овқат беришади, жандармериядан бориб қолса, дарҳол яширишади. Лекин чорасини топиб, сопини ўзидан чиқардик, зоти олийлари.

– Сопини ўзидан чиқардик? Буни қандай тушуниш керак, граф?

– Имом Шамилнинг ўзига ўхшаган қароқчиларни ёллаб, қурол-яроғ билан таъминладик, яна бир оз пул ҳам бердик, пул бўлса, қароқчилар ҳар қандай ишни бажаришади. Икки-уч ойнинг ичида йўқ қиламиз, деб ваъда беришди.

– Қароқчиларнинг ваъдасига ишонса бўлади, деб ўйлайсизми, граф?

– Худди шундай, зоти олийлари, қароқчилар айрим дворянларимизга қараганда ор-номусли бўлишади. Ваъда беришдими, бас, албатта бажаришади.

– Ҳм, шунақа денг. Яхши, давом этинг.

– Рухсатингиз билан, зоти олийлари, Туркистон масаласида... Учала хонликнинг ҳам қўшинлари сони тахминан бўлса ҳам бизга маълум. Қурол-яроғлари қарийб ибтидоий аҳволда. Шубҳасиз, улардан ҳар томонлама анча устун турамиз. Шундай бўлса ҳам камроқ қон тўкилиши учун айрим ҳарбий хийлаларни ишга солмоғимиз лозим. Чунончи, олдин Тошкент ҳокими

билан махфий музокара олиб бориб, Қўқон хонлигидан ажратиб олиш керак. Оқмачит, Туркистон, Чимкент, Тошкент қалъаларини қўлга киритганимиздан кейин Қўқон хонлиги билан алоқани яхшилаб, Бухорога юриш қилсак, мақсадга мувофиқроқ, деб ўйлайман.

– Яхши, таклифларингизни эътиборга оламиз, граф, ҳа, айтгандай, қозоқлар ҳақида, хонликларни ўртадан кўтариб, округ, уезд, волостларга бўлиб юборганимизга қозоқлар қандай қарашяпти? Тизимни ўзгартирганимизга норози бўлишмаяптими?

– Аксинча, зоти олийлари, округ маҳкамаларига, уезд, волост бошқармаларига ўзларининг бийларидан тайинлаб қўйганмиз. Қозоқлар хурсанд. Бир-икки фитналарга сабабчи бўлган хон авлодларини Тюмень ҳамда Тобольскка бадарға қилиб юбордик. Уч-тўрт йил ичида сарҳадларда яшовчи қозоқларнинг қолган-кутган қабила, уруғлари ҳам тобеликни қабул қилишди. Бу бизга Қўқон хонлигига қарашли қалъаларга ҳужум қилишимиз учун жуда қўл келади.

– Қўл келади, дейсизми, граф. Сабаб?

– Сабаби, қозоқ Юзлари тобеликни қабул қилганларидан кейин хонликда яшовчи қозоқлар ҳам бизнинг ҳимоямизда бўлади. Хон зулмидан қозоқларни ҳимоя қилиш эса бизнинг биринчи вазифамиз, зоти олийлари. Бундай зулмларни ўзимиз ҳам сунъий равишда уюштиришимиз...

– Бўлди, граф, бўлди, – деди император мамнуниятлик билан қўлларини бир-бирига ишқалар экан, – режаларингизни майда-чуйда тафсилотлари бизни қизиқтирмайди. Фикрларингиз менга маъқул, бу ишларда сизга муваффақият. Марҳамат қилиб ўтиринг. Ҳў-ўш, кимнинг навбати, яна ким гапирмоқчи?

Оғир саноат, енгил саноат, озиқ-овқат ва яна бир қанча вазирлар сўзга чиқишгач, император юзага келган муаммоларни ўртага ташлади. Анчагача давом этган тортишув, баҳслашув тугагач, у якуний сўз сўзлаб, бажариладиган вазифаларни министрларга бўлиб берар экан, назарини Перовскийга қаратди.

– Василий Алексеевич, ўтиринг, азизим, ўтиринг. Сизни яна Оренбургга губернатор лавозимига тайинладик ҳамда Туркистонга ҳарбий юриш компаниясига бош қўмондон этиб тайинладик. Сизни табриклайман, азизим. Ҳамма гапларни эшитдингиз, узоғи билан бир йил-ярим йил ичидаёқ тайёрланиб, Туркистонга ҳарбий юриш қиламиз. Сизнинг вазифангиз, Василий Алексеевич, у ёқда шундай шароит яратиб берингки, ҳарбий кемаларимиз Орол ва Сирдарё сувларида бемалол сузадиган бўлишсин. Ҳарбий флот базасига янада чуқурроқ эътибор беринг ва шу ердаги ҳарбий истеҳкомларни мукаммаллаштиринг. Шу ишларга доир мутахассисларни, ҳарбий маслаҳатчиларни сизнинг ихтиёрингизга юбораман, – Нессельродега қараб, – айтгандай, князь жаноблари, департаментда хизмат қилаётган мутахассис бор дегандай бўлувдингиз, у жаноб, ким?

Нессельроде ўрнидан тура солиб қаддини ғоз тутганча жавоб берди:

– Жаноб Вельяминов-Зернов[87], зоти олийлари.

– Давом этинг, князь.

– Вельяминов-Зернов, Владимир Владимирович, ёши йигирма иккида. Шарқ, Осиё давлатлари бўйича мутахассис. Араб, форс, турк тилларини мукаммал билади. Дипломатия бўйича иқтидорли. Айни вақтда чет эл Вазирлиги қошидаги Осиё департаментида хизмат қилади.

– Яхши, жуда соз. Ўтиринг, азизим, – деди император Перовскийга қараб, – ана сизга ҳарбийлар билан бирга осиёликлар тилини биладиган дипломат. Василий Алексеевич, тилмочга эҳтиёж қолмайди, бу жаноб иштирокида хонликка қарашли ҳар қандай шаҳар, қалъа ҳокимлари билан бемалол музокара олиб бораверасиз. Вақт кам, ҳарбий юришга пухта тайёрланинг. Жойларни текширинг, нима керак бўлса рўйхатга тушириб, зудлик билан вице-канцлерга юборинг. Тайёрланиб, йўлга чиқишингиз учун бир ҳафта етар, деб ўйлайман, азизим...

Ҳафта ўтиб, ўнтача юк араваю извошлар қатор бўлиб, Перовский маслаҳатчию мутахассислар билан бирга Оренбургга жўнаб кетди...

Полковник Бларамберг билан тўрт-беш ой ичида бажарилган ишлар ҳақида ҳисобот ҳамда ҳарбий сафар учун керакли анжомлар рўйхатини қоғозга туширишар экан, эшик очилиб, папка ушлаган III бўлим хизматчиси штабс-капитан Раевский кирди.

– Рухсат этинг, жаноби олийлари.

– О-о-о... Николай Иванович, келинг, азизим, келинг... бу ёққа марҳамат қилинг, – Перовский уни ён томонда турган стулга таклиф қилди, – келганингиз яхши бўлди, йигитча. Ҳозиргина хаёлимдан ўтиб турувдингиз. Петербургга жўнатиладиган шошилинч махфий ҳужжатлар бор. Бизнинг фельдегерларимизни ўзингиз яхши биласиз, йўл масаласида беғамроқ. Ҳужжатларни сизнинг каналингиз орқали жўнатсак, девдим.

– Жоним билан, жаноби олийлари.

– Миннатдорман, азизим, энди сизни эшитаман... Йўқ, йўқ, турманг.

– Жаноби олийлари, – Раевский қайта стулга ўтирар экан, – бир йил олдин граф Орлов жаноблари Оренбург кадет корпусида таълим олаётган Осиё миллатига мансуб бўлган ҳамма талабаларнинг рўйхатини олиб, тегишли маълумотларни тўплашга буйруқ берувдилар. Ўқишни битириб, ҳарбий қисмда хизмат қилаётганлар 246 нафар ва айни вақтда ўқиётганлар 380 нафар. Лекин шулардан биттаси диққатга сазовор, жаноби олийлари.

– Шунақа денг. Ким экан у диққатга сазовор бўлган?

– Қўқон хони вазирининг ўғли, Саидбек Орифбек ўғли, жаноби олийлари.

– Ўҳў-ў... Давом этинг, штабс-капитан.

– Рухсатингиз билан, – штабс-капитан қўлидаги папкани очиб, ўқий бошлади, – Саидбек Орифбек ўғли. Ёши йигирма иккида. Табиатан оғир, ақлли. Кўп китоб ўқийди, ҳар қандай мавзуда бемалол суҳбатлаша олади, бир оз инглиз тилини ҳам ўзлаштирган, сартларнинг юқори табақасидан, саййидлар авлодидан бўлгани учун қирғиз, қозоқ миллати унга мурид сифатида бўйсунишади. 1846 йил, июнда Оренбургга Қўқондан карвон билан келган. Хон томонидан берилган ишончнома

ва ҳужжатларни губернаторликка топширган. Мазкур йилнинг июл ойидан Неплюев номидаги кадетлар корпусининг осиёликлар гуруҳига қабул қилинган. Олти ой сартлар маҳалласида истиқомат қилувчи Тошкентдан кўчиб келган Россия фуқароси Акрам Сиддиқ ўғли хонадонида ижарада туриб ўқиган. Кейин ўзининг хоҳиши билан корпус казармасига ўткизилган. Араб, форс тилларида ўқиш-ёзишни равон билади. Бир йил давомида рус тили ва кириллча ўқиб-ёзишни обдон ўргангач, махсус буйруқ билан 1847 йили ёнидаги шериги билан Қозон кадет корпусига юборилди.

– Қўшилиб борган кадет ким?

– Таласлик қирғиз бийининг ўғли, Қилич Бейсинбий ўғли, жаноби олийлари. Қўқондан бирга келишган. Унга ҳам сарой девони томонидан ҳужжатлар берилган.

– Яхши, жуда яхши... Давом этинг.

– Қозон кадет корпусида икки йил таълим олишгач, икковини 1849 йили Петербург Преображенск полки қошидаги кадетлар корпусига юборилди. Ўша ерда уч йил ўқиб, муддатидан олдин поручик унвони билан тугатишди.

– Нега энди муддатидан олдин?

– Россия фуқароси бўлмаган талабаларга шундай имтиёзлар берилади, жаноби олийлари.

– Ҳм-м. Ҳарбийлик томони қандай?

– Интизомга қаттиқ риоя қилади, замонавий қуролларни ўқув таълими бўйича яхши билади, икки йил ичида беш марта қилич билан яккама-якка дуэлга чиққан. Биринчисида мағлуб бўлган, лекин қиличбозлик ҳамда шарқ якка курашларидан алоҳида таълим олгандан кейин қолган дуэлларда ғалаба қозонган.

– Нималар деяпсиз, Николай Иванович? Азизим, қанақа дуэль? Ахир император ҳазрати олийлари кадет корпусларида ҳар қандай дуэлни қатъиян таъқиқлаб қўйганларини наҳотки билмасангиз?

– Э-эҳ, жаноби олийлари, билганда қандоқ... Лекин бу шайтонларга бирор-бир нарсани тақиқлаб бўлар эканми, ҳаммаси иблиснинг ўзгинаси, бу шумтакалар

деярли кун ора дуэлга чиқиб туришади. Мендаги рўйхатга тушгани, рўйхатга тушмагани қанча.

– Ўлим билан ҳам тугайдими?

– Йўғе-е... Худо сақласин, фақат биринчи қонгача.

– Ўзларича қони чиққани ҳам, чиқмагани ҳам қаҳрамон-да?

– Шунақа бўлса керак, жаноби олийлари.

– Ҳм-м... Тартибсизлик. Назорат йўқ, жавобгарлик йўқ. Бу қанақаси-а?

– Буни назорат қилишнинг ҳеч ҳам иложи йўқ, жаноби олийлари.

– Шунақа денг, – Перовский ўзини кресло суянчиғига ташлади-да, бепарво қўл силтаб, Раевскийга кулиб қаради, – бир томондан муборизa қилиб туришгани ҳам яхши... Чиниқишади, ютқазиб қўймай деб кўпроқ машқ ҳам қилишади. Нима дедингиз, штабс-капитан жаноблари?

– Худди шундай, жаноби олийлари. Биз ҳам шуни ҳисобга олиб у-бу жанжалларга панжа орасидан қараябмиз, жаноби олийлари.

– Офарин, штабс-капитан жаноблари, офарин, – Перовский штабс-капитаннинг қизарганига эътибор бермай гапида давом этти, – айтгандай, Саидбек қилич-бозлик бўйича қаерда таълим олган?

– Петербургда, жаноби олийлари... Қилич билан бир вақтда Франсуа де Бюа жанобларининг ўзидан роса олти ой таълим олишган.

– Ўҳў-ў, – деди Перовский гапга қўшилмай ўтирган Бларамбергга бир қараб олиб, – Франсуа жаноблари ҳар кимга ҳам таълим беравермайди, яхшигина пул сарф қилишгани аниқ. Бойлиги каттами?

– Жуда ҳам бой деб бўлмайди, жаноби олийлари. Онаси ёшлигидаёқ ўлиб кетган, отасини навбатдаги тахт талашишда қатл қилишган. Отасидан қолган мерос ҳовли-жой, иккита дўкон, хонликдан берилган ўн икки таноб ер. Саидбекнинг савдогар муридлари йилда икки марта Оренбургдан саккиз, ўн туя ҳар хил сара моллардан унинг Қўқондаги дўконларига жўнатишади.

Шунга қарамай подшо хоним ҳар йили Қўқондан унга юз тилла юборади. Хоннинг ишончли сарбони тилларни шаҳримиздаги „Рус-Осиё“ банкига олиб бориб, Саидбекнинг номига қўяди.

– Подшо хоним, ким?

– Хоннинг онаси, жаноби олийлари.

– Ҳм-м... Тушунарли, йигитча ҳозир қаерда? Унинг бизга қандай манфаати тегиши мумкин?

– Келишимдан мақсад ҳам шу ҳақда сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим, жаноби олийлари. Почта бекати ходимининг берган маълумотига қараганда, Оренбургга келишганига икки кун бўлган. Кейинги бориш манзиллари Қўқон. Менимча, Қўқонга борадиган карвонни кутишса керак. Бизни Қилич қизиқтирмайди. Бизга Саидбек керак, жаноби олийлари. Олган маълумотларимизга қараганда, Саидбек хоннинг энг ишончли одамларидан. Қўқонга боргандан кейин хоннинг энг яқин маслаҳатчиларидан бири бўлиши аниқ. Юк сақланадиган омборхонада киши билмас жомадонларини текшириб кўрдик. Қурол олиб кетаяпти, бу контрабандага киради. Божхонада уни қўлга тушириб, ўзимизга оғдириб олсак, кейинчалик хонга таъсир ўтказишимиз...

– Ҳай, ҳай, нималар деяпсиз? – Перовский Раевскийнинг гапини бўлиб. – Асло ундай қила кўрманг, азизим. Наҳотки кадетларни билмасангиз, улар эгилмайди, синиб қўя қолишади. Ҳар бир кадет корпусининг ўзига яраша дастури бор. Ҳар бир кадет учун Ватан, номус, кадетлар бирдамлиги ҳамма нарсадан устун туради. Кадет корпусларида талабаларни ана шундай руҳда тарбиялашади. Ватан учун жон фидо қилиш улар учун шараф. Ҳақиқатда ҳам шундай бўлиши керак. Саидбекни айғоқчиликка ёллаш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. У билан самимий гаплашиш керак. Акс ҳолда душманга айланиб қолади. Ким билади, хон уни каттароқ лавозимга тайинласа агар, келажакда у билан музокара олиб боришимизга тўғри келар. Шунинг учун Саидбек билан танишиб, муносабатимизни яхшилаб олишимиз лозим. Саидбек қуролларни сотиш учун

эмас, балки совға учун олиб кетаётганини яхши биласиз. Осиёликлар қуролни қадрлашади. Яхшиси, уни менинг олдимга юборинг, у билан ўзим гаплашаман, ахир айтишади-ку, қаловини топсанг, қор ёнар деб, тўғрими, штабс-капитан жаноблари?

– Худди шундай, жаноби олийлари. Эртагаёқ Саидбекни ҳузурингизга юбораман. Кетишга рухсат этинг, жаноби олийлари.

– Бораверинг азизим, сизга рухсат.

Раевский қаддини ғоз тутиб, бош силкиди-да, бурилиб, хонадан чиқди.

* * *

Саидбек билан Қиличнинг Оренбургга келишганига ҳафтадан ошиб қолди. Биринчи куниёқ шаҳар почта бекатига рисоладагидай извош, отларни топшириб, ҳужжатларни қайд қилишди-да, марказдаги меҳмонхонага жойлашишди. Йўл чарчоғини чиқариб, икки кун ҳеч қаёққа чиқмай ётишди. Учинчи куни эрталаб эндигина нонуштани тугатиб ҳам бўлишувдики, меҳмонхона хизматчиси эшикни тақиллатиб кирди-да, Саидбекка қараб:

– Барин, сизни бир жаноб сўраяптилар, – деди.

– Ким экан?

– Исмини айтмади, кўринишдан ажнабийга ўхшайди.

– Айт, кирсин.

Хизматкор чиқиб, хонага ўрта бўйли, оқишдан келган, қирра бурун, бакенбард қўйган, кўзлари кўк, бошида қора шляпа, эгнига плаш кийган киши кириб келди. У хона ўртасида тўхтади-да, шляпасини қўлига олди, сўнгра бошини бир силкиб, ўзини таништирди:

– Инглиз консули хизматчиси Ричард Уильямс.

– Саидбек.

– Қилич.

– Танишганимдан ғоят хурсандман, жаноблар, – деди Уильямс қийналиброқ татарча, қирғизча сўзларни аралаштириб.

– Ўзингизни қийнамай инглиз тилида гапираверинг, Уильямс жаноблари, – деди Саидбек соф инглиз тилида, – Осиё тиллари сизга унчалик келишмас экан.

– Ташаккур, Саидбек жаноблари, мени тил азобидан қутқарганингиз учун бағоят миннатдорман, – сўнгра ён чўнтагидан мактуб чиқариб, Саидбекка узатди, – сизга дўстингиздан мактуб олиб келдим.

Саидбек Уильямс берган мактубни очиб, ўқиди.

Ассалому алайкум, Саидбек жаноблари.

Дуойи саломдан сўнг мактубни Селимохун карвонбошидан деб билгайсиз. Оренбургдаги инглиз консулининг сиёсий маслаҳатчиси Ричард Уильямс жаноблари жаноблари билан таништириб қўйишимни илтимос қилган эдилар. Шахсан таништиришга фурсат бўлмаганлиги учун жанобларига мактуб битишга журъат этдим. Уильямс жанобларининг Фаргона мамлакатига доир фойдали таклифлари бор экан. Жаноблари, Уильямс жаноблари билан суҳбатлашишни лозим топсалар, бағоят хурсанд бўлар эдим.

Таъзиму эҳтиром билан Селимохун.

Саидбек номани ўқиб бўлиб, Уильямсга табассум билан қаради.

– Мактуб учун ташаккур, Уильямс жаноблари. Селимохун жанобларини яхши танийман. Бир-икки марта у кишининг суҳбатларида бўлганман. Ақлли, муомалали, кўп нарсани кўрган одам, – деди Саидбек, сўнгра уни курсига таклиф қилди, – марҳамат қилсинлар, қаҳва буюрайми?

– Йўқ, ташаккур. Нонушта қилганман.

– Унда қулоғим сизда.

Ҳаяжондан дудуқланиб гапирадиган осиёликни кутган Уильямс, Саидбекнинг инглиз тилида бемалол гапириб, ўзини эркин тутиши, уни бир оз ажаблантирди. У қаҳва ҳўплаб ўтирган Қиличга бир қараб олиб, деди:

– Холи гаплашсак, девдим.

– Биринчидан, Қилич жанобларидан яширадиган ҳеч бир сирим йўқ. Иккинчидан, у киши инглиз тилини

энди ўрганмоқчилар, Уильямс жаноблари, тортинмасдан бемалол гапираверинг.

– Яхши, сизларнинг вақтларингизни олиб ўтирмайман, жаноблар, шунинг учун гапнинг лўндасини айтиб қўя қоламан. Айғоқчиларимизнинг келтирган маълумотларига қараганда, Россия давлати сизнинг мамлакатингизга қўшин тортиб кириш учун тайёрланаяпти.

Саидбек қошларини чимирди. Уильямс унинг юзидаги ўзгаришни кўриб, гапида давом этди:

– Саидбек жаноблари, бизни афу этинг, сиз ҳақингизда керакли маълумотларни олганмиз. Сиз бугун-эрта Ватанингизга жўнайсиз. Хон ҳазратлари сизни сарой лавозимларидан бирига тайинлашларига шубҳамиз йўқ. Шунинг учун ҳам олдингизга ташриф буюришимиздан мақсад бизнинг таклифимизни хон ҳазратларига етказсангиз...

– Маъзур тутасиз, „бизнинг" деганингиз кимлар?

– Англия давлати, мен ҳукуматим номидан вакилман. Шундай қилиб, бизнинг таклифимиз уч мамлакат: Хива хонлиги, Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги қўшинларини бирлаштириб, мамлакатингизнинг шимолий чегараларига сафарбар қилиш лозим. Замонавий қуролярофлар билан таъминлашни биз ўз зиммамизга оламиз. Россия қўшинларини Орол бўйига қурган ҳарбий истеҳкомлардан суриб чиқариш керак ва ўша ерда чегарани мустаҳкамлаш керак, жаноблар.

– Руслар Орол бўйига ҳарбий истеҳком қуришган деяпсизми?

– Ана холос... Ҳали хабарим йўқ денг? Нафақат Орол бўйига, Сирдарё бўйларига ҳам қуриб ташлашди. Энг каттаси „Казалинск" форти.

– Шунақа денг.

– Бу, ҳали ҳолва, Саидбек жаноблари, – Уильямс қовоғини уйиб олган Саидбекка қараб, – икки йил олдин, аниқроғи, 1850 йил баҳордан тортиб кузгача руслар хон ҳазратларига қарашли уч-тўртта қалъаларни ҳам қамал қилиб, жанг билан босиб олишди.

– Жанг билан!? Қон тўкилдими?

– Тўкилганда қандоқ, иккала томондан ҳам қурбонлар бор. Нечтаданлигини аниқ билмайман, русларнинг статистикасига эса ишониб бўлмайди.

Саидбек Уильямсга қараб, кўзларини катта очганча бақрайиб қотиб қолди.

– Йў-уғе-е, н-нималар деяпсиз? – Саидбек бир ютиниб олиб, тили аранг гапга айланди, – жанг билан қалъаларни босиб олиши, қон тўкилиши, ахир, бу бизнинг мамлакатимизга уруш эълон қилиш билан баробар-ку, бундай бўлиши мумкин эмас, гапларингизга ишонмайман.

– Бекор қиласиз, Саидбек жаноблари, бизнинг агентларимиз нотўғри маълумот олиб келишмайди. Мен ҳатто босиб олинган қалъаларнинг номларини ҳам биламан, – Уильямс ён чўнтагидан икки букланган қоғозни олиб очиб, кўз югуртирди, – Туйчибек, Каттақўрғон, Қўшкўрғон қалъалари, Чимқўрғон қалъасини эса замбараклардан ўққа тутиб анча-мунча шикаст етказишган. Маълумотнинг тўғрилигига шубҳалансангиз, шу атрофдаги қозоқлардан суриштириб, билиб олишингиз ҳам мумкин.

Саидбек умрида бу қалъаларни кўрмаган, ҳатто эшитмаган бўлса ҳам инглизнинг кўзларига қараб туриб, унинг гапларига ишонди. „Ё, Парвардигор, бу жанобнинг гаплари тўғрига ўхшайди. Хон ҳазратлари қай аҳволда экан, мингбоши жаноблари бирор-бир чора кўргандир, Қаноатшо нима қилди экан? Қўқондан ёрдам келган тақдирда ҳам урисларга бас келиш қийин". Саидбек қовоғини уйиб, кўзларини юмганча бир фурсат жимиб қолди, сўнгра Уильямсга қараб, деди:

– Менинг ҳолатимни тушуниб турган бўлсангиз керак, Уильямс жаноблари, олти йил Россияда таълим олсаму Россия менинг Ватанимга тажовуз қилса. Олти йил ичида Россияда орттирган дўстларим менга душман бўлиб қолишса, ақлга сиғдириб бўлмайди. Ҳа, майли, буни қўйиб турайлик. Таклифингиз менга маъқул. Лекин жуда қийин масала. Амалга ошган тақдирда ҳам Россияга бас келиш жуда қийин.

– Бас келиш қийин дейсизми? Нега бундай деб ўйлайсиз?

– Айтинг-чи, Уильямс жаноблари, – Саидбек саволга савол билан, – сиз Россиянинг ҳарбий қароргоҳларида, ҳарбий флотларида бўлганмисиз?

– Йўқ, у ерларга бизни қўйишмайди.

– Мен эса бўлганман... Беш йил, Оренбургдагини ҳам қўшсак, олти йил. Ҳатто Кронштатда ҳам икки ой ҳарбий машғулотда бўлганман. Учта хонлик эмас, ўнта хонлик бирлашган тақдирда ҳам Россияга бас келишига кўзим етмайди, Уильямс жаноблари. Ахир ғарбни босиб олган Наполеон билан Болқон ва араб ерларини босиб олган Туркия халифалигини тор-мор қилган Россия эмасми?

Уильямс Саидбекка қараганча ангрийиб қолди. „Жин урсин бу осиёликни, буларни қаердан билади бу?... Олти йилнинг ичида роса ўқитишган, шекилли. Уни бу фикридан қайтаришим керак. Таклифимизни хонга маъқуллатишига уни кўндиришим керак. Акс ҳолда Пальмерстон ҳаммамизни қувиб солиши аниқ."

– Гапингизга қўшиламан, Саидбек жаноблари, сизга очиғини айтиб қўя қолай, Россияни мамлакатингиз ерларидан суриб чиқишингиздан Англия ҳукумати манфаатдор. Россияни Ҳиндистон ва Афғонистонга яқин келишини асло истамаймиз. Мана, бу югур-югурлар, қурол-яроғларни холисанлиллоҳ сизларга етказиб бериш ҳаммаси шундан. Қурол-яроғдан ташқари Россия сизнинг чегарангизга қўшин тортиб кириши билан биз ҳам унга уруш эълон қиламиз.

– Биргина Англия давлатими?

– Нега энди? Англия билан бирга Франция, Туркия, Австрия...

– Кулгимни қистатманг, жаноб Уильямс, Туркия яқиндагина урушдан чиққандан бери ҳалигача ўзига кела олганича йўқ. Австрия бетараф мамлакат. Ҳарбий тўқнашувлар бўлмаса ҳам мамлакатингиз Франция билан уруш ҳолатида. Шундай шароитда Россияга уруш эълон қилишнинг ўзи кулгили.

– Биз Франция билан музокаралар олиб борамиз, Саидбек жаноблари, биз бирлашамиз...

– Олдин музокара олиб бориб, бирлашинг, кейин гаплашамиз. Сизлар Франция билан қандай бўлсангиз, биз ҳам Бухоро билан шундай ит-мушукмиз. Фараз қилайлик, хон ҳазратлари таклифингизни қабул қилдилар ҳам дейлик. Лекин Бухоро амирлиги-чи, Хива хонлиги-чи, улар қабул қилишармикин? Қабул қилишган тақдирда ҳам бу қўшинларга қўмондон қайси мамлакатдан бўлади? Ўртада қандай шартлар бўлади? Бу шартлар учала хонликка ҳам тўғри келадими? Мана шундай бир қатор жиддий муаммолар бор, Уильямс жаноблари, – Саидбек бир фурсат сукут сақлаб туриб, гапини давом қилди, – лекин гапингизда жон бор. Агар Ғарб давлатлари бирлашиб, Россияга уруш эълон қилсаларингиз, унда Россия армияси уч-тўрт бўлакларга бўлиниб кетади. Бундай шароитда бир иш чиқарса бўлади. Ҳар қандай тақдирда ҳам сизларнинг таклифларингизни хон ҳазратларига албатта етказаман. Хон ҳазратлари таклифни қабул қилсалар, албатта сизга элчиларини юборадилар.

– Таклифимизни қабул қилишлари учун сиз ҳам саъй-ҳаракат қилинг, Саидбек жаноблари, биз сизга ишонамиз. Элчилар фақат бу ерга, Оренбургга эмас, – Уильямс букланган қоғоз билан сурғичланган мактубни Саидбекка узатар экан, – мана бу қоғозда ёзилгани бўйича Ҳиндистондаги мана шу манзилга боришсин, Кашмир шаҳрида, Оренбургга қараганда икки баробар яқин, ҳам хавфсиз. Мана бу мактубни эса шахсан хон ҳазратларининг ўзларига топширишингизни сўрайман. Боя айтганимдек, мактубдан ташқари, ўзингиз ҳам шароитни хон ҳазратларига яхшироқ қилиб тушунтирасиз, деган умиддаман, Саидбек жаноблари. Беш йил олдин шу ишларни амалга оширишга уриниб кўрувдик. Ҳатто Селимохун жанобларининг карвонлари билан усталарни ҳам жўнатувдик. Тинимсиз жанжаллар бўлиб тургани сабабли ҳамма меҳнатларимиз ҳавога учиб кетди. Лекин ҳозир вазият қалтис, шу ишларни амалга оширмасак, Россия Туркистонни босиб олиши ҳеч гап

эмас. Хон ҳазратларидан элчилар келгунига қадар биз Бухоро ва Хива хонликлари билан боғланиб турамиз. – Уильямс чўнтак соатига қараб қўйди, – Ўҳў... Кетадиган вақтим бўлиб қолибди. Сизлар билан танишиб, суҳбатлашганимдан ғоятда хурсандман. Ижозатингиз билан хонани тарк қилсам. Яхши қолинг, жаноблар, кўришгунча.

– Кўришгунча, Уильямс жаноблари...

Уильямсни кузатишгач Саидбек чуқур хаёлга ботди.

„Инглизнинг менга ёлғон гапиришидан ҳеч бир маъно йўқ, унинг айтганлари тўғри. Бизга Қозоқ саҳроси қўрғон бўлиб турувди-я. Рус солдатлари саҳродан ўтиб, Орол, Сирдарё бўйларига ҳарбий истеҳком қурган бўлса, устига-устак қалъаларимизни ишғол қилишган бўлса, бундай ҳолатда уларни суриб чиқиш у ёқда турсин, тўхтатиб қолишнинг ҳам деярли иложи йўқ. Бу ёғига сардобанинг ҳам, қудуқнинг ҳам кераги йўқ. Дарё бўйлаб бостириб келаверишади... Даҳшат! Нима қилиш керак? Инглизларнинг таклифини қабул қилиб, бирлашсакмикин? Учала хонлик музокаралар олиб бориб, бир тўхтамга келгунча ойлар, ҳатто йиллар ўтиши ҳам мумкин. Қўшинни янги қуроллар билан қуроллантириш, кийинтириш, машқ қилдириш. Эҳ, Худойиме-еей, бунинг ҳаммасига тоғдай вақт керак...“

Саидбек чуқур „уҳ“ тортиб, ўзини курси суянчиғига ташлади. Ҳафсала билан кийинаётган Қилич бир нуқтага қараб қолган Саидбекдан сўради.

– Тинчликми, тўрам?

– Жуда ҳам тинчлик деб бўлмайди, Қилич, – Саидбек ўзини кўзгугага солиб, у ёқ-бу ёғини тўғрилаётган Қиличга қараб гапирди. – Қани, айт-чи, корпусларда бирга ўқиган курсдошларимиз бизга қарши қилич кўтарса, нима қилар эдинг?

– Қилич билан уриб, қўлидаги қиличини учириб юборар эдим, – ўзига оро бериб, сайрга отланаётган Қилич ўйлаб ўтирмай жавоб берди. Кулиб турган юзи бирдан жиддийлашиб, Саидбекка ўгирилиб қаради, – сизга нима бўлди, тўрам, инглиз бирор-бир нохуш хабар келтирдими дейман?

– Шунақа деса ҳам бўлади, Қилич, инглиз хунук хабар келтирди. Ўрислар Катта Юз қозоқларининг ерлари билан туташган сарҳадларимиздаги тўртта қалъани босиб олишибди.

– Йўғе-е?! Инглиз адашаётгандир...

– Адашгани йўқ, айғоқчилари аниқ маълумот олиб келишган.

– Ё, товба, демак, Россия биз билан уруш ҳолатида экан-да.

– Йўқ, расман уруш ҳолатида эмас, акс ҳолда матбуотда эълон қилишар эди. Ўрисларни биласан-ку, олдин бир мамлакатнинг бир чеккасини босиб олиб „нима қилар экан", – деб бир оз кутиб туради. У мамлакат қаршилик кўрсатса ҳам, кўрсатмаса ҳам қуённи ютаётган илондай бир чеккадан ямлаб юта бошлайди.

– Бай, бае-е-ей, ҳув-в-в!! – Қиличнинг эти жимирлашиб, – худди кўриб тургандай гапирасиз-а, тўрам. Наҳотки ўрислар босиб келишса? Бунчаликка бормаса кераг-ов. Босиб олган қалъалари Катта Юз қозоқлариники чиқар?

– Йўқ, қозоқларники эмас, – Саидбек бош чайқаб, – ўзинг яхши биласан-ку, қирғиз, қозоқ қалъа қурмайди. Фақат ўтов, овул.

– Гапларингиз тўғри, бизларда фақат ўтов, овул, – Қилич бошини қашлаганча пешонасини тириштириб, – бизларда нега уй қуришмайди, тўрам? Қачон қарасанг, қирғиз, қозоқда ўтов, овул, яйлов,... ўтов, овул, яйлов.

– Қирғиз, қозоқ халқи ҳар доим мавсумга қараб, у ёқбу ёққа кўчиб юраберишади. Ўтовни бир зумда тикиб, бир зумда йиғса бўлади. Уй қурсанг, кўчиш пайтида лой, гувалакни йиқитиб, от, эшакка ортиб бўлмайди-ку, гаранг, – деди Саидбек кулиб. Сўнгра бир „уҳ" тортиб, қўл силтади, – кел, бу гапларни қўйиб тур, Қилич, бугун кайфиятимизни бузмайлик. Қаёққа боришимиз керак эди?

– Вой тўраме-ей, тўражониме-ей, анови олифта инглиз келиб-кетди-ю, ҳамма нарса ёдингиздан кўтарилиб, ўзгардингиз, қолдингиз. Мунча сиқилманг, тўражоним,

Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, – Саидбекнинг фуражкасини узатар экан, – олдин шаҳарни сайр қилиб, кейин қадрдон корпусимизга борамиз. Ундан кейин карвонсаройга бориб, ҳамшаҳарларимиз билан учрашамиз деб кеча маслаҳат қилиб олдик-ку.

– Ҳа-я, ёдимдан кўтарилганини қара. – Саидбек фуражкасини кияр экан. – Қани кетдик, бўлмаса.

Меҳмонхонадан чиқишди-да, удумга риоя қилган ҳолда кадетлар корпуси томон йўл олишди. Саидбек узоқдан кўриниб турган икки қаватли ўқув биносига қараб туриб, биринчи куни ўқишга келганини эслади. Саидбек „Осиё"ликлар гуруҳида бўлиб, талабалар йигирмадан ошиқроқ, асосан қирғиз, қозоқ, татар, ўзбеклардан бор-йўғи Саидбек билан уч нафар эди холос. Татар муаллим ҳар бир столда иккитадан ўтирган талабаларнинг олдига биттадан дафтар, биттадан „Букварь" китоб тарқатиб чиқди-да, столлар орасидаги йўлакдан бир-бир босиб, Саидбек тушунадиган татар тилида гап бошлади.

– Бу ўқув биноси олдин ҳарбий мактаб бўлиб, 1825 йили генерал Неплюев[88] жаноблари асос солганлар. Ўтган йили, яъни 1845 йил, 8 ноябрда император ҳазрати олийларининг фармонларига асосан „Неплюев номидаги кадет корпуси"га айлантирилди. Генерал жанобларининг саъй-ҳаракатлари билан қурилган бинода ўтирибсизлар. „Неплюев номидаги кадет корпуси"га хуш келибсизлар, жаноб кадетлар. Мен сизларга рус тили адбиёти билан тарихдан дарс бераман...

Дарвозани қўриқлаб турган соқчи кадетларнинг олдидан ўтиб, йўлакдан юриб боришар экан, ўқув биноси олдида турган директор муовини, дон казакларидан есаул Мироновга дуч келишди. Жойларида таққа тўхтаб, иккови ҳам „смирно" ҳолатида қадларини ғоз тутишди.

– Саломатлик тилаймиз, есаул жаноблари.

– Во-ольно-о-о... Бу қанақаси, – Миронов дўриллаган овоз билан, – бу қанақа тартибсизлик, нега бегоналар бу ерда!?

– Ахир бу, биз-ку, Данило амаки. Наҳотки...

– Отста-а-авить... Поручик, йўқ, кадетчаларим, бургутчаларим, – собиқ ўқувчиларини таниб қолган Миронов, казакчасига икковини баравар кучоқлаганча вайсай кетди, – менинг шоввозларим... Қани, мундоқро-оқ турингларчи, яхшироқ кўрай. Оббо азаматларе-е-ей, беш йил ичида шу-унча улғайибсанлар-а, э-эҳ,... ҳақиқий казаклар.

Миронов ханжар осилган казакча энсиз тасмасини тўғрилар экан, йигитларга завқланиб қараб турди-да, кейин қошларини баланд-паст қилиб, ёлғондакам дўқ қила кетди.

– Жин урсин, бу қанақа юриш-а, кўринишларинг питерлик оқсуяк киборларга ўхшаб, олифта бўлиб кетибсанлар-ку, худди оқбилак ойимчалардай. Аслида икковингни яхшилаб савалатиб, уч кун гаупвахтага қамаб қўйишим керак, – Миронов илжайганча бошини лиқиллатиб, яна ялаб-юлқай кетди, – лочинларим. Қаерда битиришингиздан қатъи назар корпусимизнинг палапонларисизлар. Келиб, яхши қилдингиз. Қари казакни хурсанд қилдингиз, оббо азаматларе-е...

– Данило амаки, – деди Қилич бинога бир қараб олиб, – нега корпусда ҳеч ким кўринмайди? Кадетлар бирор жойга кетишдими?

– Ҳа-а, кадетларни айтяпсанми, у шайтонлар ойнинг бошиданоқ палаткаларини кўтариб олиб, ёзги ҳарбий далага машқ қилгани кетишди. Шу билан сентябрнинг охирларида келишса ҳам катта гап. Уларни қўйиб тур, ўзларингдан гапирларинг, сен..., – деди Миронов Саидбекка қараб.

– Саидбек Орифбек ўғли, есаул жаноблари.

– Ҳа, ҳа... Саидбек, Саидбек. Тўғри... Сени биринчи кўрганимда қўйдай ювошлигингни кўриб, раҳмим келганидан хўрлигим келиб кетувди, ҳозир эса нақ атаманнинг ўзгинасисан. Қаерга тайинландинг?

– Мен Ватанимга қайтаман, есаул жаноблари.

– Тушунарли... Сени-чи, йигитча, сени қаерга тайинлашди?

– Қилич Бейсинбий ўғли, есаул жаноблари, мен Талас вилоятиданман, Саидбек жаноблари билан Қўқонга қайтиб бориб, хон ҳазратларига хизмат қиламиз, есаул жаноблари.

– Яхши, баракалла, азаматлар. Сизлар билан фахрланамиз. Қаерга тайинлашса ҳам ҳалол хизмат қилинг. Бир вақтлар кадет бўлганингизни ҳеч вақт унутманг. Кадет номусини сақланг, – ҳилпираб турган корпус байроғига ўгирилиб, дўриллаган товушда буйруқ берди, – корпус байроғига қараб, смирно-о-о...

Саидбек билан Қилич байроққа қараганча ҳарбий-часига ғоз қотиб туришди. Миронов фуражкасини чап қўлига олиб, ўнг қўли билан чўқинар экан, ёд бўлиб кетган дуосини ғулдираб ўқиди:

– Ё, биби Марям, Ватанимизни офат-кулфатдан сақлагайсан. Ота Худо, ўғил, авлиё фариштa Ватанимизни, подшо зоти олийларини, кадетларни бало-қазодан ўз паноҳингда асрагайсан. Омин, ана бўлди, – Миронов фуражкасини кийиб, байроққа честь берар экан, – сизлар ҳам ҳар доим ўзларингизни дуоларингизни ўқиб туринглар. Ибодатларимиз ҳар хил бўлгани билан Худомиз битта. Ҳа, ҳа, менга ишонаверинглар. Бундан кейин ҳам йўлларинг тушиб, Оренбургга келганларингизда мана шундай қадам ранжида қилиб туринглар. Неплюев кадет корпусининг дарвозаси, сиз кадетлар учун ҳамиша очиқ.

Йигитлар Миронов билан илиққина хайрлашиб дарвоза томон юриб кетишди. Буш келаётган усти очиқ фойтонни тўхтатиб, минишар экан, Қилич кучерга қараб, деди:

– Ўнг қирғоқ, карвонсаройга.

– Хўп бўлади, барин.

Фойтон шаҳардан ташқарига чиқиб, Ўрал дарёси устига қурилган кўприкдан гулдираганча ўтди-да, карвонсаройга қараб бурилди. Кучер божхона биносидан ўтиб, фойтонни тўхтатар экан, ўгирилиб, деди:

– Бу ёғига пиёда борасизлар, барин, аравалар тиқилиб кетган, шу ердан қайтаман.

– Майли, – деди Қилич кира ҳақини бериб, Саидбекдан кейин тушар экан.

– Кутиб турайми, барин?

– Йўқ, кетавер, биз бу ерда анча бўламиз.

Машҳур Оренбург карвонсаройи... Ҳар хил миллатдаги одамлар билан ҳар доим гавжум. Ғарб ва Осиё бозорлари бирлашган жой. Бу ерда асосан улгуржи савдо қилишади, молларни нақд пулга сотишади ёки айирбошлашади, лекин чакана савдо ҳам бўлиб туради. Ғарб давлатлари ва Россия шаҳарларидан улгуржи моллар, тўрт от қўшилган юк араваларда келади. Осиё давлатларидан эса туя карвон билан келади. Бозорнинг бир томони ғарб услубида қурилган дўконлар, бир томони шарқона, дунёдаги жамики матоҳ шу ердан топилади.

Саидбек Қилични ўзига таниш бўлган қўқонликлар савдо қиладиган растага бошлади.

– Тўрам, фарангларнинг дўконларини томоша қилиб борайлик, қизиқ-да.

Ватандошларини қуришга ошиқаётган Саидбек ноилож кўнди.

– Майли, лекин тўхташ йўқ, ёймаларнинг олдидан бирров назар ташлаб, ўтиб кетаверамиз. Акс ҳолда бозорни бир ҳафтада ҳам айланиб чиқолмаймиз.

Қилич сўзсиз бош иргаб, кўниб қўя қолди. Томошани инглиз дўконидан бошлашди. Бозор ҳар галгидек гавжум. Ҳар икки-уч дўкондан кейин қаҳвахона, ошхона, пивохона, тракторлар жойлашган. Бу ердаги сотувчию ошпазлар, осиёликларга ўхшаб томоқларини йиртиб харидор чақиришмайди. Жиддий бўлиб курсида қаҳва ҳўплаб ўтиришади. Харидор келганда табассум билан мулозимат қилиб, молларини бир-бир тавсия қилишади. Саидбек қадамини тезлаштириб юрар, Қиличбек сон-саноқсиз молларга кўз югуртириб, орқада қолиб кетар эди.

– Қили-и-ич!

– Боряпман, тўрам, боряпман, – илдам юриб Саидбекка етиб олар экан, сўради. – Бу инглизлар мунча қопқора бўлмаса?

– Улар инглизлар эмас, ҳиндилар. Инглизлар молларини олиб келиб, нархини белгилаб беришади. Ташиб келиш, савдолашиш, сотиш, қўриқлашни ҳиндилар бажаради.

– Хизматкор денг.

– Шунақа деса ҳам бўлади.

Олмонлар, поляклар, булғорлар, арманилар, яҳудийларнинг дўконларидан кейин ўртароқда рус савдогарларининг катта-катта дўконлари жойлашган. У ёғи Осиё, Шарқ дўконлари бошланади. Араблар, эронлар, афғонлар, ҳиндилар, турклар, уйғурлар, бухороликлар, тошкентликлар, қўқонликлар, хиваликларнинг дўконлари ола-тасир жойлашган. Сотувчилар бир-бирларидан баландроқ қичқиришга ҳаракат қилишади.

– Марғилон атласига келинг, хилма-хилидан бор!

– Марварид қасаба, бўзбандлари билан!

Расталар орасида ошпазлар, новвойларнинг ҳам қичқириқлари эшитилиб қолади.

– Калла шўрва, ҳасипга кеп қолинг!

– Чўзма лағмон, мантига марҳамат!

Қилични кутаверишдан зериккан Саидбек, унга дашном берди.

– Қилич, бўлди... Томошани бас қил.

– Бўлди қилдим, бўлди. Қўқон растага бошланг, тўрам. Растага боргунча ҳеч қаёққа қарамайман.

– Қани, кетдик бўлмаса, орқада қолиб кетма.

Саидбек илдам юриб, юраги дукиллаганча қўқонликлар савдо қилаётган растага яқинлашди. Пештахта ортида молини мақтаб турган ёшгина йигитча, рўпарасига келиб тўхтаган икки поручикка қараганча гапи оғзида, довдираб қолди. Саидбек сотувчига қараб, мулойим оҳангда сўради:

– Аброр ҳожи амаки бормилар?

– А-а... Ҳожибовоми? Ҳа, ҳа, борлар...Шу ердалар... Дўкондалар, – сотувчи ҳушини йиғиб олиб, дўкон томонга қараб қичқирди. – Ҳожибово-о... Қараб юборинг, сизни сўрашяпти.

– Ҳозир, – бошига оқ тақия кийган, ўрта бўйли, ғуштдор, ёши олтмишларда, оқ соқолли, енгил яктак кийган Аброрҳожи бир-бир босиб, дўкондан чиқиб келди, – келсинлар, хизмат жаноблар?.. Ия, ия... Турам, туражоним-м – Аброр ҳожининг овози қалтираб, кўзларида ёш милтиради, – Парвардигор, ўзингга шукур, кўрар кун ҳам бор экан.

Аброр ҳожи пештахтани айланиб ўтиб, иккови билан қучоқлашиб кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашди. Сўнгра намланган кўзларини енги билан арта туриб дўконга қараб қичқирди:

– Ҳой, Турсунали... Чойхонага югур, охун акангга тайинла, катта хонани тайёрлаб, дастурхон тузсин. Шўрва, ош. Меваларга ўзинг қара. Карим заргарга тайинла, ҳамшаҳарларимизни айтиб чиқсин, Миртойир карвонбошини ҳам айтсин, югур, ўғлим, – сўнгра Саидбекка қараб. – Хона тайёр бўлгунча дўконга кириб, бир пиёла чой ичиб турамиз, туражоним.

– Сизни ҳам овора қилдим, ҳожибово, – Саидбек унғайсизланиб, – ҳожати йўқ эди.

– О-оҳ, туражоним-ей... Оворагарчилиги бор эканми, сиз учун ҳар қанча овора бўлсак арзийди, ахир сизни қачондан бери кутамиз, ичимиз алам, зардобга тўлиб кетган... Қани туражоним, дўконга марҳамат қилсинлар...

Аброр ҳожи Орифбек офтобачига мурид, ихлосманд, улфат, ҳам қадрдон дўст эди. Ҳовли жойлари ҳам Галабаққоллик маҳалласида ёнма-ён жойлашган. Нуфузли савдогар бўлгани учун сарой кенгашларига, зиёфатларига чақиртирилар эди. Мусулмонқул мингбоши томонидан қатл этилган мулла Холмуҳаммад охунга қуда бўлганлиги учун мингбошининг зуғумига учраб қолди. Қариндошларининг маслаҳати билан замона „омон-омон" бўлгунча Туркистон бовога кўчди. Бир йилдан кейин Оренбургга кўчиб келди. Саидбекни бозорда тасодифан учратиб қолиб, йўқотиб қўйган нарсасини топиб олгандай узоқ қучоқлаб, йиғлади. Ўшандан буёғига Саидбек Қозонга жўнагунига қадар ҳамшаҳарларининг олдига ҳафта-ун кунда бир келиб турар эди.

Бозор четроғидаги чойхонанинг мартабали меҳмонлар учун яхшигина безатилган хонаси. Чойхона осиёликлар савдо қиладиган расталарнинг орқа томонига жойлашган бўлиб, ошпазларнинг деярли ҳаммаси уйғурлар эди. Чойхоначи Ҳасан охун ихлос билан тузаган дастурхон атрофида ўн чоғли қўқонликлар давра қуриб ўтиришарди. Тўрда Аброр ҳожи яхши ният билан совға қилган яп-янги чуст дўппини кийиб олган Саидбек, ёнида Аброр ҳожи, бу ёнида Миртойир карвонбоши ўтирарди. Саидбек, олдин бир-икки кўриб, таниб-танимаган савдогарлар ҳам шу ерда. Қилич „тўрга чиқинг", – деб қисташларига қарамай ўзини пастроққа олди. Фотиҳа тортилиб, ҳол-аҳвол сўрашилгач, Саидбек карвонбошидан Қўқондаги ёр-дўстларнинг соғ-саломатлигини суриштирди.

– Худога шукур, тўражоним, ҳаммалари соғ-саломат юришибди, ҳар гал сафардан қайтиб саройга борганимда хон ҳазратлари жанобларини сўрайдилар, қайтаётганимда ҳам „Саидни учратиб қолсангиз, биздан салом айтинг", – деб тайинлаб қўядилар.

– Худо мадад берсин.

– Айниқса, Ҳокимойим, „Ҳузури олий"га кирмасимдан саломхонага чақиртирадилар. Жанобларидан келган номани олиб бориб берганимда хурсанд бўлиб кетганларини кўрсангиз эди, Ҳокимойим жанобларини ўз уғилларидай суяр эканлар.

Ҳокимойимнинг ўзига нисбатан муносабатини эшитиб, танасига аллақандай бир илиқлик югурди. Бошламасига суҳбат нарх-наво, бозорда бўлиб турадиган айрим ҳангомалар ҳақида бўлди. Ҳамшаҳарлар, Саидбек билан Қиличбекни ўқишни тугатиб қайтишлари билан муборакбод қилишди. Қозон, Петербург ҳақида гапларни киприк қоқмай зўр қизиқиш билан эшитишди. Ҳасан охун ҳар-ҳар вақт меҳмонлардан хабар олар, оқ кўйлак устидан белбоғ боғлаб олган йигитчаларига имо қилиб, чойларни янгилатиб турарди.

– Ҳожибово, шурва тайёр бўлди.

– Э, баракалла, охун, баракалла... Келтираверинг.

Шурва ичилиб, косалар йиғиштириб олингач, Аброр ҳожи Карим заргар узатган чойдан ҳўплаб, гап бошлади.

– Сиз Қозонга жўнаб кетганингиздан кейин сал ўтмай бу жаноблар кўчиб келишди, – Аброр ҳожи қуйироқда ўтирган икки кишига ишора қилиб, – лекин кўчиб келишлари бизлардай бемалолроқ эмас, нақ жаллоднинг ханжаридан аранг қутулиб қолишган. Уй-жойлари, мол-ҳолларини мусодара қилиб, мингбоши қипчоқларига ҳадя қилиб юборибди.

– Мусодара қилди? Ё товба, нима учун?

– Шундай, тақсир, ҳамма нарсаларимизни мусодара қилдирди, – ўтирганлардан бири бош ирғаб, Аброр ҳожининг гапини тасдиқлади, – Мусулмонқул, мулла Холмуҳаммад охунга қўшиб, бир қанча аъламу бекларни бир кунда қатл қилдиргандан кейин шайхулислом Сулаймонхўжа эшон билан Раис домла жума куни хутбадан кейин норозилик билан буромад қилувдилар, бир ойдан кейин икковларини ҳам қатл этдирди. Вақт ўтиб, навбат бизга келганидан хабар топдик, қўлга илинган нарсани олиб, кечалаб Кандир довони орқали Тошкандга, ундан Туркистон бовони зиёрат қилиб, бу ёққа келдик. Туз-насиба ҳозирча шу ерга сочилган экан, тақдир қилганини териб, еб юрибмиз, турам.

Ўртада бир оз сукунат пайдо бўлди. Ўтирган мусофирларнинг ҳар бири ўз ташвишларию мусибатлари эсларига тушиб, жимгина хаёл суриб ўтиришди. Саидбек мунғайиб ўтирган ҳамшаҳарларига қараб, ачиниб кетди. Аброр ҳожи бўш пиёлани заргарга узатаётиб, деди:

– Ҳаммаси миш-миш тарқалгандан кейин бошланди.

– Қанақа миш-миш?

– Шаҳарда „хонзода Саримсоқбекни мингбошининг одамлари қатл қилибди“, – деган миш-миш тарқалди, турам, шу гап чиққандан кейин одамларга зуғум бошланиб кетди.

– Мингбошининг одамлари? Ё, товба, – Саидбек ажабланиб, – ахир, хонзода Саримсоқбекни қароқчилар чўлда тунаб, шаҳид қилишган эди-ку? Ҳатто мингбоши

жаноблари қароқчиларни қатл қилиш учун мингга яқин навкар билан Қурамага бориб, қайтдилар-ку? Наҳотки...

Саидбек бир пайтлар дарё соҳилида Худоёрхоннинг берган саволини эслади, „Саид, айт-чи, ака укасига хоинлиқ қилиши мумкинми?“ Ўшанда Саидбек унинг гапларидан ажабланган эди. Ҳозир эса юраги ғашланди. „Хон менга бу саволни бекорга бермаган. Наҳотки Саримсоқбек тахтга даъвогарлик қилган бўлса? Ё, Парвардигор, хон Саримсоқбекнинг қатлига фармон берган бўлса-я! Йўғ-е, бундай бўлиши мумкин эмас. Ҳокимойим икки дунёда ҳам бу ишга рози бўлмайдилар. Лекин миш-миш гаплар бекорга тарқалмайди-ку, борганда суриштираман...“

– Биз ҳам олдин шундай деб ўйлаб юрувдик, туражоним, бу гаплар сиз Қўқондан жўнаб кетганингиздан кейин чиқди. Саройдаги воқеаларни паст-баланд эшитиб турамиз. Лекин Миртойир жаноблари ичида юрадилар, батафсилини шу кишидан эшитасиз.

Саидбек Миртойирга қаради. Карвонбоши навбат билан чой узатаётган заргарнинг қўлидан пиёлани олиб, бир ҳўплаб, дастурхонга қўйди-да, кўз тикиб турганларга бир қараб олиб, гап бошлади.

– Ҳожибовонинг гаплари тўғри, туражоним, буни қарангки, шу воқеага олти йилдан ошибди, жаноблари уша пайтларда ўн олтидан энди ўн еттига қадам қуювдингиз. Ҳозир, адашмасам, роса йигирма иккига тўлдингиз. Биз кўрмаган, билмаган жойларни кўриб келдингиз. Муболағасиз савиянгиз бизлардан баланд. Худога шукур, оқ-қорани бемалол ажрата биласиз. Ҳожим айтганларидек, ҳақиқатан ҳам сиз Қўқондан жўнаб кетганингиздан кейин шу миш-миш тарқалди. Бу қанчалик тўғри, нотўғри, Худо билади. Нима бўлганда ҳам тўпаланг, қирпичоқ хонзода Саримсоқбекнинг қатлидан кейин бошланди. Қипчоқ иккига бўлинди. Бир томонда Холбек қурбоши, иккинчи томонда Мусулмонқул мингбоши бўлиб, мансаб талаш бўлди. Ўратепани олиб қайтаётқанда Мусулмонқулни мансабидан олиб ташлашди. Лекин сал вақт ўтмай яна саройни зўрлик билан

олиб, мансабга ўтирди. Қайта мансабга ўтиргандан кейин анча пишиб қолган, шекилли, ўзига қарши бўлган қипчоғиниям, бошқасиниям бир чеккадан қатл қилдириб, мустаҳкам ўрнашиб олди. Тошканд ҳокими Азизбекни ҳам қатл қилдирди, ўрнига Нормуҳаммад ҳоким бўлди...

– Ия, Нормуҳаммад Тошкандга ҳоким бўлдими? – карвонбошининг гапини бўлиб, сўради Саидбек, – маъзур тутасиз, Миртойир жаноблари, Нормуҳаммад Кировчида ҳоким эди, шекилли?

– Шундай, тўражоним, Нормуҳаммад бир йилча Кировчида ҳоким бўлиб турди, кейин Азизбек Қўқондан келган тафтишчиларни қатл қилдириб, Тошканни мустақил деб эълон қилди. Мусулмонқулнинг фармони билан Нормуҳаммад Тошканни қамал қилиб қўлга олди. Азизбекни ҳибсга олиб Қўқонга юборди, ўзи хоннинг фармони билан Тошкандга ҳоким бўлди. Тошкандда бир нав-ку-я, лекин Қўқонни қипчоқ босган, тўражоним. Қимирласанг, қипчоққа тегиб кетасан. Мингбоши яхшияхши ерларни тортиб олиб, қипчоқларга бўлиб берди. Одамлар тўп-тўп бўлиб, қишлоқларга, шаҳарларга кўчиб кетишяпти. Бозорда ҳам, растада ҳам, дўконда ҳам қипчоқ хўжайин. Сал норозилик билдирганни қатл қилишади ёки ўлгудай калтаклашади. Мамлакатни учтўртта қипчоқ бошқаряпти, маъзур тутасиз, талаяпти, десам, тўғрироқ бўлади. Даштда мол боқиб юрган саҳройи одамлар саройни эгаллаган. Фақат девонда, мирзолар ичида қипчоқ йўқ, холос. Бошқа юртдан келган элчилар у ёқда турсин, ўз-ўзлари билан муомала қилишни билмайдилар, сал нарсага „жалло-од", – Миртойир чуқур бир „уҳ" тортиб совиб қолган пиёладаги чойни сипқарди-да, буш пиёлани қўл чўзган Карим заргарга узатди. Сўнгра бир-икки йўталиб олиб, гапини давом қилди, – қашқарлик Селимохун карвонбоши Ҳиндистондан олиб келган йигирма тўрт нафар тўп қуядиган дегрезлар, милтиқсоз усталар ҳам, бир йил ишлаб-ишламай кетиб қолишди. Кейинчалик суриштириб билсак, Ҳиндистондаги инглизларнинг каттаси уларни

чақиртириб олибди. Нима сабабдан чақиртириб олганини билолмадиқ. Тўғри, орада яхши ишлар ҳам бўлди, чунончи, ариқ қазилиб, битта-яримта мадраса ҳам қурилди. Лекин сарой аъёнлари бундай тўпори, нодон бўлиши керак эмас. Тўрт йил ичида Ўратепа беш-олти марта таланди. Ўратепага боришда ҳам, қайтишда ҳам Нов[89] билан Қуштегирмон эрмакка таланади. Қурама, Тошканд, Чимканд атрофлари неча марталаб таланди. Шимолий ерларимизда ўрислар бемалол ҳарбий истеҳкомлар қуришяпти, „ҳа", – дейдиган одам йўқ. Ўрислар ҳатто бир нечта қалъаларни ҳам босиб олишибди. Босиб олинган қалъалар тўғрисида эшитмадингизми, тўражоним?

– Қулоғимга чалингандай бўлди, лекин аниқ бир нарса билмайман, – деди Саидбек бу ҳақда гапиришни истамай.

– Ўрислар қалъага карвонларни яқин йўлатишмайди. Анчадан бери у томонларни айланиб ўтяпмиз. Ўша йили йўл-йўлакай қирғиз, қозоқлардан батафсил эшитиб, Тошкандга қўнганимизда, Нормуҳаммад қушбеги билан ҳам суҳбатлашдим. Қушбегининг Қўқонга юборган номаларига фақат мингбошидан жавоб номаолган. Мингбоши охирги номасида „ўрислар билан урушиб, чопишиб юрма. Битта-иккита қалъани босиб, талаб, молини ҳайдаб кетади. Орқасидан қувибнетиб юрма. Бундан бу ёғига ҳар хил ваҳима гапларди номага битиб, менга юборма" деган мазмунда битиб юборган. Мен қушбегига Қўқонга борганимда бор гапни хон ҳазратларига айтиб бераман, дедим. Лекин „Ҳузури олий"га кирмасимдан мингбоши ҳужрасига чақиртириб, „хонга қалъалар тўғрисида гапириб юрма, тушундингми, сарбон?", деди. „Тушундим, мингбоши жаноблари", дедим, у „тушунган бўлсанг сенга жавоб", деди. Мингбошининг зулмидан қўрқиб хон ҳазратларига индамай қўя қолдим. Хулласи калом, Фарғона мамлакатини қипчоқлар бўлак-бўлакка бўлиб, ҳар қайси ўзига қарашли ҳудудни ўз билганича сўраб ётибди. Бирлик деярли йўқ. Яхшиям, Бухоро амири хи-

валиклар билан овора, Худо кўрсатмасин, амир бостириб келиб қолса, Мадалихон давридагидай босиб, янчиб, талаб кетиши ҳеч гап эмас. Мамлакатимизда аҳвол мана шунақа, тўражоним. Зудлик билан бирор-бир чорасини кўрмоқ лозим. Акс ҳолда валлоҳу аълам, уч-тўрт йил ичида мамлакатимиз таназзулга учраши муқаррар.

– Хон ҳазратлари-чи? Беклар-чи? Наҳотки мингбошига қарши бирор бир чора кўришмаган бўлса?

– Хазинаю навкар Мусулмонқулнинг қўлида, тўражоним. У ёғини ўзингиз тушунсангиз керак.

Хонада яна сукунат пайдо бўлди. Саидбек қовоқларини уйиб, анчагача ўйланиб турди. „Карвон Тошкандда бир кун-ярим кун қўниб, дам олади. Нормуҳаммад билан батафсил гаплашаман, агар карвонбошининг айтганлари тўғри чиқса, ҳақиқатан ҳам бирор-бир чорасини кўриш лозим, лекин нима қилиш керак? Жин урсин... Тошкандга бораверайлик-чи, Нормуҳаммад билан кенгашиб кўраман...“, сўнгра ўтирганларга бир қараб олиб, деди:

– Жаноблар, мамлакатимиздаги содир бўлган воқеаларни эшитиб, бағоят изтиробу афсусдаман. Ҳозир нима дейишимни ҳам билмайман, лекин шуни яхши биламанки, Фарғона мамлакати битта одамга буйсуниши керак. Яъни хон ҳазратларига. Худо хоҳласа, Қўқонга омон-эсон етиб борсак, Хон ҳазратларининг тахти маврусийларида мустаҳкам ўтиришлари учун, мамлакатимизда адолат, тинчлик, тартиб барқарор бўлиши учун жон-жаҳдим билан курашаман, жаноблар.

Саидбекнинг оддийгина, лекин самимий гапларидан ўтирганлар таъсирланиб, бир-бирлари билан алланималарни пичирлаша кетишди. Саидбек талинкага анорни доналаётган карвонбошидан сўради:

– Тақсир, карвон Қўқонга қачон жўнайди?

– Узоғи билан бир ҳафтадан кейин, тўражоним.

– Яхши, биз сиз билан бирга жўнаймиз, сарбон жаноблари.

– Бош устига, тўражоним.

Савдогарлар бир-бирлари билан кўз уриштириб олиб, Аброр ҳожига қарашди. Аброр ҳожи пешанасини тириштирганча жойида бир қўзғолиб олди-да, Саидбекка қараб, деди:

– Тўражоним, оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади, дейишади. Кўч-кўч, қоч-қочдан юрагимизни олдириб қўйганмиз. Бизларни маъзур тутасиз, сизга ҳамроҳ бўлиб боролмаймиз. Гапнинг индаллоси, Мусулмонқулдан чўчиймиз, ундан ҳар нарсани кутса бўлади. Сизнинг ёлғиз кетишингизга ҳам хавотирдамиз, тўражоним.

Саидбек Аброр ҳожига кулиб қаради, сўнгра ўтирганларга бир қараб олиб, деди:

– Жуда ҳам ёлғиз эмасман, жаноблар. Қўқонга бормай жуда тўғри қиласиз, мабодо „биз ҳам борамиз", – деган тақдирларингизда ҳам мен „йўқ" деган бўлар эдим. Зулмдан қочиб, яна зулмга бориш, бу катта хато. Аввали Худо, кейин, Тошкандда Нормуҳаммад бор, Қўқонда Баҳодир шиғовул, Умарали понсод, Султонбек парвоначи, Азимбек, Ғани тўқсоба, яна бир қанча хон ҳазратларига садоқатли одамлар бор. Қолаверса, олти йилдан бери ёнимда ҳамроҳ бўлиб юрган Қилич бор. Асло хавотир бўлманг. Борганда ҳам пала-партиш, ағдар-тўнтар қилмасдан, оғирлик билан шошмасдан шароитга қараб иш тутамиз. Бу ёғидан хотиржам бўлинг, жаноблар.

Юраклари ғаш бўлиб турган савдогарлар бир тин олиб, енгил тортишди. Давра яна жонланиб, гурунг бошланди. Аброр ҳожи Саидбекнинг қўлидан ушлаб туриб, деди:

– Бизларни жуда хурсанд қилдингиз, тўражоним... Ташаккур, гапларингизни эшитиб, бир оз таскин топдик, беҳад миннатдормиз. Ҳамма вақт эҳтиёткорлик билан иш кўринг. Парвардигор сизни хавф-хатарлардан асрасин. Энди гап бундай, тўражоним. Худога шукур, мана шу ўтирганлар-ҳаммамиз ҳам бадавлатмиз. Россия омонат бонкаларида яхшигина маблағларимиз бор. Биздан қандай ёрдам керак бўлса, ҳеч тортинмай айтаверинг, биз ҳамиша тайёрмиз.

– Тўғри, тўражоним, ҳожибово тўғри айтаяптилар.

– Биз ҳаммамиз тайёрмиз.

– Нима керак бўлса, айтаверинг.

Савдогарлар баҳамжиҳатлик билан Аброр хожининг гапларини қўллашди. Саидбек ҳар қандай хизматга астойдил тайёр бўлиб, қўлларини кўксига, қуйиб ўтирганларга миннатдорчилик билдириб, деди:

– Миннатдорман, ҳожибово. Ташаккур, жаноблар, ҳозир маблағга ҳеч бир эҳтиёж йўқ. Керак бўлиб қолганда, албатта, айтаман.

Шу пайт эшик очилиб, тердан ялтираб кетган Ҳасан охуннинг боши кўринди.

– Ош дам еб бўлди, ҳожибово, тортаверайми?

– Баракалла, Охун, баракалла, тортаверинг.

Ошдан кейин фотиҳа ўқилиб, хайр-хушлашгач, савдогарлар яна учрашиш шарти билан изн сўраб, тарқалишди. Аброр ҳожи билан Миртойир йигитларни извошлар турган томон кузатиб борар экан, Аброр ҳожи Саидбекка деди:

– Тўражоним, жўнаш вақти келгунга қадар икковларингизга бир сидрадан шоҳона, икки сидрадан одмиёна сарпо тайёрлатиб қўяман, икки сидра одмиёнани йўлда алмашиб киясизлар, шоҳонасини борганда. Бундан бу ёғига қиличдан ташқари ҳарбий кийимларингизни сандиққа солиб қўясиз, шекилли. Ундан кейин ўзингизга ярашиб турган бўлса ҳам жўнаш олдидан сочларингизни олдирганингиз маъқул. Ўзингиз яхши тушунасиз, тўражоним, бизнинг диёрларимизда соч қуюшмайди.

– Яхши, жўнаш олдидан сочларни олдирамиз, ҳожибово.

– Ҳў-уш, хон ҳазратларига совға-саломни ўзим тайёрлатиб қўяман...

– Йўқ, йўқ, ҳожибово, хон ҳазратларига ёқадиган совғаларни ўзим олиб қўйганман, янги чиққан бир-иккита милтиқ, беш-ўн қути ўқ, тўппончалар, дурбин олганман. Сиз фақат... Ҳокимойим билан... Анови, – Саидбек тутилганча қулоқларигача қизариб, – қизларига мос келадиган совға тайёрлаб қўйсангиз кифоя.

– Тушунарли-и, тўражоним, – Аброр ҳожи маъноли илжайиб, – ўзим шундай ажойиб совға тайёрлаб қўяйки, Бухоро, Хива маликалари ҳам бундай совғани умрларида кўрмаган бўлсин.

– Беҳад миннатдорман, ҳожибобо.

Аброр ҳожи билан Миртойирбой, карвон жўнаши олдидан ўзлари хабар беришларини тайинлаб, йигитларни извошга солиб кузатиб юборишди...

Йўл бўйи ўтган-кетганни, шаҳарни томоша қилиб боришар экан, меҳмондорчиликдан олган таассуротлари ҳақида сўзлашиб кетишди. Саидбек зулмдан қочиб келган қўқонликларнинг гаплари эсига тушиб, юраги сиқилди. Қўқонда аҳвол қандайлигин, ҳеч тасаввур қила олмас эди. Завқ-шавқ билан шаҳарни томоша қилиб келаётган Қилични секин туртиб, деди:

– Қилич.

– Лаббай, тўрам.

– Тошкандга қўнганимизда ўрдага борамиз, бир кеча Нормуҳаммадникида қўноқ бўлиб, обдон суҳбатлашамиз, Нормуҳаммад эсингдами?

– Эсимда, тўрам, Кировчида қўнганимизда ўрдага олиб борувдингиз.

– Яхши, кейин Қўқонга борганимизда олдин бирор-бир тузукроқ карвонсаройга тушамиз. Сал ўзимизни тартибга келтириб, саройга борамиз-да, бир кун-ярим кундан кейин тўғри Баҳодир шиғовулнинг чорбоғига борамиз. Сенга шиғовул тўғрисида гапириб берган эдим, эсингдами?

– Эсимда, тўрам, эсимда... Сиз қаёққа десангиз, бораверaман, лекин Баҳодир шиғовулга қўшиб мингбошини ҳам мақтаган эдингиз. Бу одамларнинг гапларини эшитиб, ҳайрон бўлиб ўтирдим, тўрам.

– Мен ҳам сендан кам ҳайрон бўлганим йўқ, Қилич. Шунинг учун ҳам саройга боргандан кейин шиғовулнинг олдига борамиз, деяпман.

– Маъқул... Сиз нима десангиз, шу.

Извошдан тушиб, меҳмонхона ғомон юришди. Икки табақали ойнабанд эшик олдида хабарчи аскар қаддини ғоз тутган ҳолда уларни кутиб олди.

– Тушунарли-и, тўражоним, – Аброр хожи маъноли илжайиб, – ўзим шундай ажойиб совға тайёрлаб қўяйки, Бухоро, Хива маликалари ҳам бундай совғани умрларида кўрмаган бўлсин.

– Беҳад миннатдорман, ҳожибово.

Аброр ҳожи билан Миртойирбой, карвон жўнаши олдидан ўзлари хабар беришларини тайинлаб, йигитларни извошга солиб кузатиб юборишди...

Йўл бўйи ўтган-кетганни, шаҳарни томоша қилиб боришар экан, меҳмондорчиликдан олган таассуротлари ҳақида сўзлашиб кетишди. Саидбек зулмдан қочиб келган қўқонликларнинг гаплари эсига тушиб, юраги сиқилди. Қўқонда аҳвол қандайлигин, ҳеч тасаввур қила олмас эди. Завқ-шавқ билан шаҳарни томоша қилиб келаётган Қилични секин туртиб, деди:

– Қилич.

– Лаббай, тўрам.

– Тошкандга қўнганимизда ўрдага борамиз, бир кеча Нормуҳаммадникида қўноқ бўлиб, обдон суҳбатлашамиз, Нормуҳаммад эсингдами?

– Эсимда, тўрам, Кировчида қўнганимизда ўрдага олиб борувдингиз.

– Яхши, кейин Қўқонга борганимизда олдин бирор-бир тузукроқ карвонсаройга тушамиз. Сал ўзимизни тартибга келтириб, саройга борамиз-да, бир кун-ярим кундан кейин тўғри Баҳодир шиғовулнинг чорбоғига борамиз. Сенга шиғовул тўғрисида гапириб берган эдим, эсингдами?

– Эсимда, тўрам, эсимда... Сиз қаёққа десангиз, бораверараман, лекин Баҳодир шиғовулга қўшиб мингбошини ҳам мақтаган эдингиз. Бу одамларнинг гапларини эшитиб, ҳайрон бўлиб ўтирдим, тўрам.

– Мен ҳам сендан кам ҳайрон бўлганим йўқ, Қилич. Шунинг учун ҳам саройга боргандан кейин шиғовулнинг олдига борамиз, деяпман.

– Маъқул... Сиз нима десангиз, шу.

Извошдан тушиб, меҳмонхона томон юришди. Икки табақали ойнабанд эшик олдида хабарчи аскар қаддини ғоз тутган ҳолда уларни кутиб олди.

– Саломатлик тилайман, поручик жаноблари.

– Вольно... Нима гап?

– Штабс-капитан жаноблари бериб юбордилар, – аскар ён чўнтагидан букланган хатни олиб, Саидбекка тутқизар экан, – кетишга рухсат этинг.

– Рухсат.

Саидбек хатни очиб, ўқиди.

Саидбек жаноблари.

Жорий йилнинг 26 июнь, соат 10.00 да губернатор Перовский В. А. жанобларининг хоналарига ташриф буюришингизни сураймиз. Штабс-капитан Раевский.

Саидбек хатни ўқиб бўлиб, Қиличга узатти.

– Бугун хат келадиган кун шекилли, – Қилич хатга кўз югуртириб, ўйланиб турган Саидбекка қаради, – ўҳў-ў... зўр-ку, тўрам. Губернаторнинг ўзи чақирса-я, қойи-ил... Лекин бизнинг келганимизни қаёқдан билишибди экан-а. Эртага соат роса ўнга чақиришибди. Сизда нима иши бор экан, тўрам?

– Эртага борганда биламиз.

Эртаси куни Қилич меҳмонхонада қолиб, Саидбек роса соат ўнда Перовскийнинг қабулига кирди.

– Рухсат этинг, – Саидбек ҳарбийчасига қаддини ғоз тутиб, – жаноби олийлари, таклифингизга биноан поручик...

– Қўйсангиз-чи, азизим... Расмиятчиликнинг нима кераги бор? – Перовский столни айланиб келиб, қўл сиқиб кўришар экан, Саидбекни курсига таклиф қилди. – Ўқув юртини тугатишингиз билан табриклайман, Саидбек жаноблари.

– Ташаккур, жаноби олийлари.

Перовский креслога жойлашиб ўтирар экан, Саидбекка обдон қаради. „Ўҳў-ў,... Раевскийнинг таърифлаганича бор. Ақллилиги шундай юзидан кўриниб турибди. Менинг олдимда довдираб ҳам қолмади. Кези келганда полковниклар ҳам қабулимга киришганда дудуқланиб қолишади. Бу ўзини бемалол тутяпти, ўзи-

га ишонган. Инглиз тилини ўзлаштирган бўлса, халқаро аҳволдан хабардор. Ўйчанлигига қараганда кўп китоб ўқиса керак, демак, кўп нарсани билади. Қани энди бизнинг лицей, кадетдаги йигитларимиз ҳам билимга интилса, уларга фақат бирор-бир қаҳрамонлик курсатишса, бас. Қалъаларни босиб олганимизни эшитганмикин, э, йў-ўқ. Келганига бор-йўқ икки кун бўлди. Қаёқдан ҳам эшитарди. Икки-уч ойлардан кейин Оқмачитга ҳужум бошлаймиз. Хон музокара учун Саидбекни юборса ажаб эмас. Узоқни кўра олмайдиган айрим вазирлардан кўра, ёш бўлса ҳам ақлли одам билан музокара олиб бориш минг марта яхши".

– Йўлда қийналмай келдингизми?

– Ҳа, энди йўлда-а, жаноби олийлари, лекин шаҳарларда бир кун-ярим кун тўхтаб, томоша қилиб, дам олиб келдик.

Саидбек Перовскийга зимдан кўз ташлаб қўйди. „Қизиқ, губернатор нега чақиртирди экан, буйимни томоша қилгани чақиртирган бўлмаса керак. Ёки мендан хон ҳазратлари тўғрисида сўраб, бирор-бир маълумот олмоқчимикин. Ахир олти йил Ватанимда бўлмаганимни билса керак. Мендан қандай маълумот олиши мумкин? Сарҳадларимизда босқинчилик қилиб, ҳеч нарса бўлмагандай утиришини қаранг. Лекин қалъалар тўғрисида ўзимни ҳеч нарсадан хабари йўқдай тутишим керак, акс ҳолда Уильямс жанобларини қийин аҳволга солиб қўйишим мумкин. Руслар ундан шубҳаланиб қолишса, ўйлаган ишларимиз чиппакка чиқиб кетиши ҳеч гап эмас. Сабр қилиб турай-чи, губернаторнинг шабадаси қаёқдан эсаркин". Перовскийнинг юзидан табассум аримай савол беришни давом қилди.

– Ўқишда қайси шаҳарларда бўлдингиз?

– Асосан Қозон, Петербург шаҳарларида, жаноби олийлари, Москвада ҳам бир неча кун бўлдим.

– Хў-ўш, қалай, шаҳарлар сизга маъқулми?

– Олий даражада, жаноби олийлари, ниҳоятда тартиб билан қурилган.

– Ўқув даргоҳидан бошқа жойларда ҳам бўлдингизми?

– Қозон, Петербургда бир нечта ҳарбий қисмларда бўлдим, жаноби олийлари. Ҳарбий далаларда ўқув машғулотларига ҳам қатнашдим. Отлиқ кавалериялар, тўпчилар, пиёда аскарлар, ҳеч бир мамлакатда бундайин салоҳият бўлмаса керак, жаноби олийлари.

Перовский хориждан келган талабаларнинг нима учун бир йил-ярим йил бошқа-бошқа корпусларда ўқишини энди тушунди, „Орлов, Орлов, оббо муғамбиреей, кичик давлатларни қандай қилиб чўчитишни яхши билади, синалган яхши усул". Бир вақтлар хавфсизлик вазири граф Орлов таълим бўйича ўтказилаётган йиғилишдаги маърузасида шундай, деган эди: „жаноблар, хорижлик талабаларнинг рисоладагидек билим олишлари шарт эмас, лекин ўқиш давомида қанчалик кўп корпусдан корпусга ўтказсангиз, шунча яхши. Улар ўз Ватанларига бориб, бизнинг кучли, енгилмас армиямиз, қурол-яроғимиз ва флотимиз тўғрисида гапириб беришсин". Перовский кадетларнинг ҳаёти билан қизиқди. Саидбекнинг қисқа аниқ жавобларидан қониқиб, ўзи ҳам Наполеон уруши давридаги айрим воқеаларни сўзлаб берди. Суҳбат охирида Саидбекдан сўради:

– Шундай қилиб, Ватанингизга қачон қайтмоқчисиз?

– Насиб қилса, келаси ҳафта жўнасам керак.

– Яхши, жуда соз, бундан кейинги ишларингизга муваффаққият, ҳар доим омон бўлинг, азизим. Чақиришимдан мақсад, сиз билан танишиб олмоқчи эдим, Саидбек жаноблари. Танишганимдан ғоят хурсандман. Вақтингизни аямай келганингиз учун ташаккур. Мана бу йўл ҳужжати сизга, – Перовский муҳр босилган қоғозни Саидбекка узатар экан, – божхона, солиқ, назорат қилинаётган жойлардан бемалол тўсиқсиз ўтиб кетаверасиз. Ахир бизнинг амалдорларимизни биласиз-ку, арзимаган нарсага оёқ тираб, одамнинг асабига тегишади. Муаммо чиқиб қолса, бемалол келаверинг, азизим, ҳар доим эшигимиз сиз учун очиқ. Хон ҳазратларига, сарой вазирларига бизнинг дўстона саломимизни етказасиз, деган умиддаман. Сизга оқ йўл, Саидбек жаноблари.

„Аҳа-а, мана нима учун мени чақиртирган. Мен билан танишиб олиш учун холос, келажакда асқотиб қолишим мумкин. Наҳотки мени ўз томонига оғдириб олмоқчи бўлса? Йўғе-е, унчалик бўлмаса керак. Нима бўлганда ҳам мамлакатимиз ўртасида уруш бўлмасин. Худо кўрсатмасин, уруш бўлиб қолгудай бўлса, нима билан тугашини тасаввур ҳам қилолмайман".

– Миннатдорман, сиз билан танишганимдан мен ҳам хурсандман. Йўл ҳужжати учун сизга ташаккур. Саломингизни хон ҳазратларига албатта етказаман. Яхши қолинг, жаноби олийлари. Кетишга рухсат этинг.

– Яхши боринг, азизим, ҳар доим омон бўлинг, Саидбек жаноблари.

Роса бир ҳафтадан кейин Саидбек билан Қилич қўшилган карвон Миртойир сарбон бошчилигида Оренбургдан Қўқонга қараб йўл олди...

Биринчи китоб тугади

Изоҳлар

[1] **Милодий** 1852 йил август.

[2] **Тошканд** – хонлик даврида бу шаҳар вилоят ҳамда Дашти Қипчоқ мулкининг маркази бўлган.

[3] **Нормухаммад** – Қипчоқ қабиласидан. 1845 йилдан Қурама ҳокими. 1848 – 1852 йиллари қўшбеги унвонида Тошканд ҳокими бўлган. Мусулмонқулнинг ашаддий душмани. 1864 йили август ойида ҳалок бўлган.

[4] **Қўшбеги** – аслида қўш, қўшин беги сўзидан. Ҳарбий даста қўш, лагернинг бошлиғи.

[5] **Худоёрхон** – Худоёрхон Шералихон ўғли уч марта Қўқон тахтига чиққан.

[6] **Мусулмонқул** (Мусулмонқул қипчоқ) чўлоқ – 1842 йилдан Қўқон хонлигининг сиёсий майдонига келган қипчоқларнинг машҳур пешволаридан. Қипчоқларнинг кулон уруғидан. Уч марта мингбошилик мансабига кўтарилган. Худоёрхоннинг оталик ва қайнотаси. 1844 – 1852-йиллар давомида хонликни бошқарган. Мусулмонқули 1852 йили 15 октябрда қатл этилган.

[7] **Мингбоши** – минг нафар аскарнинг қўмондони. Қўқон хонлигида хондан кейинги ҳарбий, маъмурий хўжалик ваколатларга эга бўлган амалдор. Бош вазир ўрнида бўлган. Бироқ бу унвонга эга бўлганлар қуйирод амалларда ҳам тайинланилган.

[8] **Бий** – қабила оқсоқоллар жамоасининг пешвоси, раҳбари.

[9] **Бек** – қабила пешвоси, раҳбари. Бийга нисбатан ваколати кенгроқ ва унинг итоатида қабила ва уруғнинг ҳарбий дастаси ҳам бўлган.

[10] **Маллабек** – Худоёрхоннинг ота бир она бошқа акаси. 1857 – 1862 й. Қўқон хони бўлган.

[11] **Ўтап** (Ўтапбой) Ўтамбий – 1862 йили вафот этган. Қипчоқларнинг элатон уруғидан. Қурама (1847), Тошкент (1858). Марғилон (1860) ҳокими. 1852 йил қипчоқлар қирғинидан Худоёрхон ҳомийлиги натижасида омон қолган эди.

[12] **Шиғовул** (шағовул) – сарой мансаби. Бухоро ва Қўқон хонлигида элчиларни хон қабулига олиб кирувчи мансабдор шахс, сарой ва девоннинг юқори амалдори. Саройдаги қабул маросимларини бошқарган ва назорат қилган.

[13] **Понсод** – беш юз нафардан иборат ҳарбий бўлинманинг қўмондони.

[14] **Қўрбоши** – давлатнинг қўр(хона) ҳарбий арсенали бошлиғи.

[15] **Паркат** (Паркент) – ҳозирги Паркент тумани ва унинг маркази номи.

[16] **Парвоначи** – парвона, яъни капалакдек хон (амир) ҳузурига кириб, ариза ва суровлари олиб кириб, жавобини олиб чиқадиган амалдор.

[17] **Тошкент** ва Чимкент, Туркистон (Катта жузнинг) оралиғидаги қозоқларнинг бийи. Аликули амирлашкар уни 1864 йили қатл этган.

[18] **Баҳодирбоши** (ботирбоши) – мунтазам қўшин аскарларининг бошлиқлари. Хонликда ҳар бир вилоятнинг ботирбошиси бўлган. Демак улар вилоят қўшинлари, қўрқурон, ҳарбий захираларга ҳам жавобгар амалдор бўлган.

[19] **1258 ҳижрий,** ҳамал ойининг бошлари – милодий 1842 йил, ҳамал ойи 22 мартда киради.

[20] **Юсуф бий,** Қўқон мингбошиси – 1259/1843 йили шаъбон ойида Кал Шоди фитнаси билан ўлдирилган.

[21] **Додхоҳ** – дод, адолат истовчи. Саройдаги амалдор. Барча ариза ва суровларни хон (амир)га етказиб, жавобини олиб чиқадиган шахс. Маҳаллий ҳокимларга ҳам кўпинча шу унвон берилган.

[22] **Шералихон** – Қўқон хони (1842 – 1845).

[23] **1260 ҳижрий,** саратон ойининг ўрталари – милодий 1845 йил. Саратон ойи 22 июнь – 22 июль.

[24] **Юзбоши** – юз нафар сарбоз, аскарга бошлиқ.

[25] **Хокимойим** – Худоёрхоннинг онаси Жарқиной (Ёрқиной) бинт Тухтаназарбий қирғиз.

[26] **1260 ҳижрий,** моҳи саратоннинг 8 кунида – милодий 1845 йил, 28 июнь.

[27] **Абдураҳмон офтобачи** – Мусулмонқули қипчоқнинг ўғли Худоёрхонга офтобачи бўлиб хизмат қилган.

[28] **Мирохур** – сарой ва хон отхонасининг бошлиғи.

[29] **Офтобачи** – хоннинг хос мулозимларидан бўлиб, унинг ювиниши ва таҳорат вақтида хизмат қилган.

[30] **Қоратегин** – Ҳисор тизмасининг жанубий тармоғида, Душанбе шаҳрининг шимол-шарқида жойлашган ҳудуд.

[31] **Дарвоз** – Помирнинг ғарбий қисмидаги Обихингов, Панж ва Ванч (Панж ҳавзаси) дарёлар оралиғида жойлашган ҳудуд маркази. Ҳозир ноҳия маркази.

[32] **Аъламу арконлар** – олим ва давлат устунлари, арбоблари.

[33] **Қаноат оталиғ** – Қаноатшоҳ оталиғ тожик. Қаротегиннинг Самсодиқ қишлоғида оламга келган. Рус босқинчиларга қарши Узуг Ағач муҳорабасида Қўқон қўшинига бошлиқ бўлган ва шу урушдан сўнгра ғозий унвонини олган. Амир Музаффар фармони билан 1862 йили қатл этилган.

[34] **Абдураҳмонбек** (Саримсоқбек) – Шералихоннинг катта ўғли. Тошкентнинг ҳокими (1842-1847) Мусулмонқули фитналари натижасида 1847 йили ўлдирилган.

[35] **Отолиқ** (атолиқ) оталиқ – тахт эгаси ёки вориснинг ота ўрнидаги маслаҳатчиси, мураббийси (регент). У(лар) давлатда энг кучли бўлган қабила бошлиқлари ёки ижтимоий табақа вакилларидан тайинланган.

[36] **Бандар** – от боғланадиган узун ходалар.

[37] **Тўқсоба** – бир тўқ, туғнинг сардори. Бухорода ҳам юқори мартабали амалдор.

[38] **Худайчи** (удайчи) – Қўқон ва Бухоро ҳамда Хива ҳукмдорлари саройида хизмат қилган амалдор. У бевосита ҳукмдор ёнида хизмат қилиб турган.

[39] **Даҳмаи** шоҳон – шоҳлар даҳмаси, қабристони. Қўқон хонларининг шажаравий қабристони.

[40] **Шайхулислом** – мусулмон жамоасининг бошлиғи. Саййид ва ҳужалардан тайинланган.

[41] **Ясовул** – ясовул отлиқ ва пиёда сарбоз (ясо бажарилишини назорат қилувчи сарбоз).

[42] **Жаҳонгирхўжа** ибн Офоқхўжа 1823 – 1824 йиллари Қўқондан қочиб, Қошғарда қўзғолон кўтарган.

[43] **Мири поён** – Бухоро амирлигида сарой амалдори. Қўшбегининг муовунларидан бўлган.

[44] **Суфибек** – Худоёрхоннинг укаси. 11 жумада ал-увла 1276 / 6 декабр 1859 йили вафот қилган. Назирбек деган ўғли қолган (1887 йили ҳаёт эди).

[45] **Тошкент** атрофидаги мулклардан бири, маркази Кировчи бўлган. Аҳолиси ўзбеклашган қозоқлар (қурама) уруғ ва қабилалардан ташкил топгани учун шу ном билан аталган.

[46] **Оқмасжид** – Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган Қўқоннинг истеҳкоми. Мадалихон даврида (1822 – 1842) қурилган.

[47] **Туркистон** – қадимги Ясси. Сирдарё куйи оқимидаги шаҳар. Истеҳком ва қалъа бўлган.

[48] **Ҳозиқ Ҳиротий** – Жунайдуллоҳ ибн Исломшайх Ҳиротий, шоир. 1843 йили амир Насруллоҳ юборилган қотил томонидан ўлдирилган. Нозим Ҳиравийнинг „Юсуф ва Зулайҳо"сига жавобан маснавий ёзган ва у бизгача етиб келган.

[49] **Уч қўрғон** – Наманган вилояти Уч-қўрғон туманидаги шаҳар, туман маркази. Вилоятнинг шимолий-шарқида. Норин дарёси (Сирдарё ҳавзаси)нинг чап соҳилида. Қўқон – Андижон – Тошкумир йўналишидаги темир йўл чорраҳасида, Намангандан 42 км шимолий-шарқида жойлашган. Бу ибора шундан келиб чиққанки, Норин дарёси бу ерда сийраклашади ва кўпинча сувда ғарқ бўлганлар айни шу Уч кўрғондаги дарё соҳилларида топилган.

[50] **Риштон** (Рашидон) – Фарғона вилояти Риштон туманидаги шаҳар (1977 й. дан). Туманнинг маъмурий маркази. Вилоятнинг ғарбида, Сўх дарёсининг ўнг соҳилида. Қўқон – Фарғона автомобиль йўли ёқасида жойлашган. XVIII асрда мустаҳкам қалъа бўлган.

[51] **Ғуломгард** – қул қайтадиган жой. Ҳукмдорлар саройида оддий ходимлар келиб тўхтайдиган мўлжал.

[52] **Уильямс** – Уильям Макнотен Ҳиндистоннинг вице қироли.

[53] **Бернс Александр** – (A. Bumes 1805 – 1841 йиллари яшаган) инглиз сайёҳи ва дипломати Унинг Афғонистон, Ўрта Осиё ва Эронга саёҳатлари (1836 – 1838) нинг кундалиги уч жилдда 1839 йили Лондонда чоп этилган. 1841 йили Қобулда ўлдирилган.

[54] **Нессельроде** – Карл Васильевич Нессельроде (1780 – 1862) граф, Россиянинг ташқи ишлар вазири (1816 – 1856).

[55] **Перовский** – Василий Алексеевич Перовский (1795 – 1857). Рус ҳарбий арбоби, генерал-адъютант (1833), кавалерия генерали (1843), граф (1855), 1833 – 1842, 1851 – 1857 Оренбург ҳарбий губернатори, Оренбург алоҳида корпуснинг қўмондони. 1839 – 1840 йиллари Хивага қарши муваффақиятсиз юриш қилган. 1853 йили Оқмасжидни босиб олган. 1853 – 1857 йй. Сирдарё бўйларида бир қатор рус истеҳкомларини барпо қилган. Орол ҳарбий флотилиясини ташкил этиб, Қўқон қалъа ва истеҳкомларини босиб олишда катта ҳисса қўшган.

[56] **Виткеевич И. В.** – Оренбург ҳарбий губернаторининг адъютанти, поручик. 1837 – 1838 йилларда Қобулга бориб, Аф-

ғонистон тахтига ўша вақтларда даъвогар амир Дўстмуҳаммад билан битим имзолади. Бироқ мазкур келишувни Россия давлати тан олмади. 1839 йили май ойида Петербург меҳмонхоналаридан бирида ўз жонига қасд қилган.

[57] **Стоддорт билан Конноли** – инглиз ҳарбий жосуслари. Улар Бухоро амири Насруллоҳ тарафидан 1842 йили қатл этилган.

[58] **Амир Дўстмуҳаммадхон** – (1790, бошқа маълумотларга қараганда 23.12.1793 – 09.06.1863, Ҳирот), афғонлар амири (1834 йилдан). Пояндахоннинг ўн иккинчи ўғли. 1818 йили Дурроний лар давлатининг қулаши натижасида 1826 – 1827 йилдан Қобул ва Ғазна вилоятларини бошқарган. 1834 йили ўзини амир деб эълон қилади ва баракзайлар сулоласи ҳукмронлигига асос солади. Унинг мамлакатни бирлаштириш учун олиб борган кураши Буюк Британия қаршилигига дуч келади. Бир муддат Бухоро ва Шаҳрисабзда яшади. 1838 йили Англия Афғонистонга ҳужум қилади. 1840 йили Дўстмуҳаммад асирга олинди ва Ҳиндистонга бадарға этилди. 1842 йили урушда мағлуб бўлган инглизлар Дўстмуҳаммадни озод қилишга мажбур бўлдилар. Афғонистонга қайтгач, Дўстмуҳаммад 1855 – 1863 йиллар давомида Қандаҳор, Шарқий Сейистон, Ҳирот ва Амударёнинг чап соҳилларидаги ерларни босиб олди.

[59] **Аълам** – билағон, диний-ҳуқуқий масалалар юзасидан фикр берувчи диний амалдор. Одатда, муфтийлар тузган фатво ёки ривоятга аълам муҳр босгач, у кучга кирган ва қозилар ўша ҳужжат асосида ҳукм чиқарган. Бухоро хонлиги даврида ҳар бир қози ёнида аълам бўлган.

[60] **Иноқ** – Марказий Осиёда XI–XIV асрларда ҳукм сурган сулолалар салтанатида „маслаҳатчи“, „вазир“ни англатган; Бухоро ва Қўқон хонликларида ҳукмдорнинг ишончли кишиси, мансабдор. XVII–XVIII асрларда Бухорода улуғ иноқ (иноқи калон) ва кичик иноқ (иноқи хурд) бўлган. Улуғ иноқ даражасига кўра, кўкалтош ва улуғ қўшбеги (қўшбеги калон)дан сўнг турган. Улуғ иноқ асосан, ҳукмдор фармонларини кичик мансабдаги амалдорларга етказиш ва амир қабулига муяссар бўлганларни киритиш билан шуғулланган. Кичик иноқ ҳам хоннинг ишончли кишиси бўлиб, баъзан саройдан отга минган ҳолда чиқиш ҳуқуқига эга бўлган. Ўз лавозимига кўра, улуғ меҳтар (меҳтари калон), девони саркор ва дастурхончидан юқори турган. Кичик иноқ, шунингдек, амир номига тушган ариза ва шикоятларни қабул қилган; элчиларни қабул қилиш

пайтида улар келтирган хатларни очиб, амирнинг шахсий котиби (мунший)га тақдим этган.

[61] **Эшик оғаси** – сарой маҳрами ва соқчиси.

[62] **Зомин** – Зомин тоғларининг этакларида, Самарқанд–Хўжанд йўлининг ўнг тарафида жойлашган қалъа.

[63] **Мулло Холбек**, қўрбоши – хонликнинг ҳарбий ва давлат арбоби. Мусулмонқули томонидан қатл қилинган.

[64] **Исо парвоначи** – асл номи Исҳоқ бек, йуз қабиласидан. Баҳодирбек ибн Худоёрбий ибн Фозилбий ибн Садиқбий ибн Хушикабий ибн Қулиқа бий ўғли. 1842 йилгача Шаҳрисабзда яшаган. 1842–1844 йилларда амир Насруллоҳ томонидан Ўратепа ҳокими этиб тайинланган. Қўқонликлар бу шаҳарни босиб олгач, у бир муддат тутқунликда ушланади ва 1847 йили яна Ўратепага ҳоким этиб тайинланди. 1849 йили Худоёрхон фармони билан қатл этилган.

[65] **Азиз фармончи**/парвоначи меҳтар, додхоҳ, мингбоши Чустий. „Азиз бачча“ номи билан машҳур бўлган. Асли Чустлик. Қўқон хонлигининг давлат арбоби ва саркардаларидан. Тошкентда ҳам ҳоким бўлган. Итоатдан бош тортгани учун дорга тортилган.

[66] **Тошкент вилояти**, Пскент туманидаги қишлоқ. Бугунги Гулистон ж/х таркибида бўлган. Хонлик даврида Қурама вилоятининг маркази бўлган.

[67] **Сармунший** – Сарой девонхонасидаги мунший/мирзаларининг бошлиғи.

[68] **Давронбек** – Қаноатшоҳ оталиқнинг укаси. 1842–1844 йилларда Тошкент ботирбошиси бўлган. 1847 йили Саримсоқбек ўлимидан сўнг Бухорога кетган эди.

[69] **Ўратепа** (Истаравшан) – Қўқон ва Бухоро давлати чегарасида жойлашган мулкнинг маркази. Фарғона, Зарафшон, Илоқ водийларини бир-бири билан боғлаб турган катта савдо йўлида жойлашган қадимий шаҳар. Ҳозир Тожикистондаги Суғд вилоятида туман маркази. Қадимда Усрушона (Истаравшан) тарихий-жуғрофий ҳудуднинг маркази шу шаҳарнинг яқини (қадимий Кировпол)да жойлашган эди.

[70] **Милодий** 1845 йил. Акраб ойи 23 октябрда кирган.

[71] **Пскент** (Паскент) – Тошкент вилоятидаги туман номи ва унинг маркази.

[72] **Туйтепа** – Тошканд шаҳридан тўрт фарсах масофада жойлашган жой.

[73] **Муҳаммад Шариф оталиқ** – 1842 йили қатл этилган хонликнинг улуғ саркарда ва давлат арбобларидан.

[74] **Бузрукхон тўра** (1818–1870) – Жаҳонгирхон тўра ибн Солиқхон тўра ибн Саййид Оффоқхўжа ўғли. Қошғарнинг ҳукмдори (1865–1867). 1867 йили ҳаж сафаридан кейин Кашмир, Панжоб ва Бухорода бўлиб, Қўқон якинидаги Катта Кенагас қишлоғига келиб яшаган.

[75] **Ўринбург** (Оренбург) – Урал дарёси бўйидаги шаҳар. Илк бор 1735 йилда Ўр дарёсининг Ёйиқ (ҳоз. Урал)га қуйилиш жойида вужудга келган (номи шундан); 1735 йилдан ҳозирги ўрнида. XVIII–XIX асрнинг 1-ярмида ҳарбий чегара линиясининг асосий истеҳкоми; 1744 йилдан губерня, 1782 йилдан Уфа ноиблиги (наместничествоси)нинг маркази, 1796–1801 ва 1865 йилдан губерня маркази. Казак қўшинларининг ҳарбий ва маъмурий маркази (1748 йилдан). 1850 – 1881 йилларда генерал губернаторлик маркази.

[76] **1268 ҳижрий**, жавзо ойи – милодий 1852 йил, 22 май – 21 июнь.

[77] **Дашти Қипчоқ** – тарихий-жуғрофий ҳудуд сифатида Марказий ва жанубий Қозоғистоннинг ерлари.

[78] **Поручик** – чор армиясида подпоручикдан юқори бўлган офицерлик унвони.

[79] **Кадет** – кадет корпуслира ўқиётган зодагон ва ашрофларнинг фарзандлари, кичик дегани.

[80] **Подьячий** – дьяк ёрдамчиси (котиб ёки мирзога оид).

[81] **Лорд Пальмерстон** – Генри Жон Темпл (1784 – 1865). Граф, инглиз сиёсий арбоби. Англиянинг 1809 – 1829 йиллардаги ҳарбий вазири, 1833 – 1841, 1846 – 1851 ташқи ишлар вазири, 1855 – 1865 қисқа танаффуслар билан Бош вазир бўлган.

[82] **Граф Милютин** – Димитрий Алексеевич Милютин (1816–1912) рус давлат ва ҳарбий арбоби, генерал-фельдмаршал (1898), граф (1878). Ўрта Осиёни босиб олиш сиёсатининг фаол ташкилотчиларидан.

[83] **Граф Бенкендорф Александр Хоистофорович** – 1781 – 1844 йилларда яшаган россиялик давлат арбоби, граф (1832). Николай I нинг ички реакцион сиёсатини амалга оширган амалдорлардан. 1826 йили июль ойидан умрининг охиригача жандармерия ва III Махфий бўлимини бошқарган.

[84] **Граф Орлов** – Алексей Федерофич Орлов (1786 – 1861) рус ҳарбий ва давлат арбоби, дипломат, князь (1856). 1844 – 1856 йилларда жандармерия ва III Махфий бўлими бошлиғи.

[85] **Имом Шамил** – 1797 йили Доғистоннинг Гимри овулида авар деҳқони оиласида дунёга келиб, 1871 йили Мадина

шаҳрида вафот этган Доғистон ва Чеченистон тоғликларнинг рус босқинига қарши ҳаракатни бошқарган имом.

[86] **Абрек**(лар) – осетинча абираег, аброг – дарбадар, йўлтўсар сўзидан. Шимолий Кавказ рус босқинчиларига қарши курашганлар.

[87] **Вельяминов**-Зернов В. В. – рус тарихчиси, шарқшунос, тилшунос, нумизмат, археолог. 1851 йилда Осиё департаментида хизмат қилган. 1904 йили Киевда вафот этган.

[88] **Генерал Неплюев** – Иван Иванович Неплюев (1619–1773) – Пётр I тарбиялаган рус ҳарбий давлат арбоби. Оренбургга асос солган амалдор.

[89] **Нов** (Нав) **қалъаси** – Тожикистоннинг Суғд вилоятида жойлашган туман, Тошканд вилояти билан чегарадош.

МУНДАРИЖА

Бадиийтдан нурланган тарих.....3
I БОБ.....12
II БОБ.....54
III БОБ.....81
IV БОБ.....105
V БОБ.....139
VI БОБ.....172
VII БОБ.....205
VIII БОБ.....233
IX БОБ.....259
X БОБ.....293
XI БОБ.....318
Изоҳлар.....**365**

САЪДИХОН МАВЛАВИХОН УҒЛИ ЭШОНЖОНОВ

ТАНАЗЗУЛ

Тарихий роман

„O'qituvchi" нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2019

Муҳаррир *О. Абдуллаев*
Бадиий муҳаррир *Ш. Тоштурдиев*
Техник муҳаррир *Н. Ниёзмуҳамедова*
Мусаҳҳиҳ *А. Лутфуллаев*
Компьютерда саҳифаловчи *М. Акбарова*